

А-94

Миразиз Абзам

БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

Эсселар



118137



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент—2012

УДК: 821.512.133

83.3

A94

ББК 83.3

Аъзам, Миразиз.

Буюклар муҳаббати: эсселар / М.Аъзам. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. — 432 б.

Мазкур китобда Юсуф ва Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Хусрав, Фарҳод ва Ширин каби муҳаббати афсоналарга айланган ишқ аҳлининг ҳаётидаги воқеалар, шунингдек, араб мутафаккир шоирлари Абу Нувос ва Жинон, Ҳотам ва Мовия, Шайх Санъон ва Тумор (Тамара), Эрон шоири Шаҳриёр ва Сурайё, Қрим хони Гаройхон ва Мария, ўз тарихимиздан Амир Темур ва Биби Хоним, Халил Султон ва Шодия, замондошларимиз Одил Ёқубов ва Марям, турклардан Нозим Ҳикмат ва Вера Тулякова, Ўрхон Памуқ ва Қорагул, Россиядан Жуковский ва Мария Протасова, Грибоедов ва Тамара, Пушкин ва Гончарова, Есенин ва Айселора Дункан, Маяковский ва Лиля Брик, Фарбий Овруподан Шекспир ва Энн Хетсуэй, Байрон ва Мэри Чаворт, Виктор Гюго ва Адел Фуше, Жорж Санд ва Шопен, Америкадан Габриэла Мистраль ва Ромео Урега, Элгар По ва Виргиния сингари буюк сиймоларнинг севипи ва севилиш тарихлари қаламга олинган.

Бу тарихлар ажойиб инсонлар яшаган даврларни акс эттиради, айни чоғда нозик, ҳиссиётга бой, олижаноб ва гоҳ бахтли, гоҳ драматик, ҳатто фоживий ҳолатлари билан бизга сабоқ бўлади. Инсонни, ҳаёт ҳақиқатини ҳар тарафлама англашда ва яшашда йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қилади.

ББК 83.3

ISBN 978-9943-03-368-9

© Миразиз Аъзам,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2012 йил.

СЎЗБОШИ

Истаса осмонни ерга тушириб, ерни жаннатга айлантира оладиган Улуғ Тангримиз инсоннинг қалбини шундай яратганки, унга муҳаббат келиши билан дунё қурилишининг фақат чиройли томонларини кашф қила бошлайди, унинг вужудида ва руҳида энг гўзал сифатлар пайдо бўлади. Етишиб бўлмайдиган энг юксак орзуларга интилади.

Мен бу ҳақда фикрлай бошлашим билан Сулаймон ва Чумоли ҳақидаги ривоят ёдимга тушади. Чумоли баланд бир тепалик этагидан бир ковак очаётганини кўриб Сулаймон, нима қилипсан, дея сўрайди. Чумоли шу тепанинг нарёғидаги бир нозик чумолини севиб қолганини, аммо у сенинг олдинга доим тепалик оша узоқ йўл юриб келолмайман, агар бир ковак очиб йўлни яқин қилсанг бошқа масала, деганини ва энди севгилисига етишиш учун ковак очаётганини айтади. Сулаймон унга сен Нуҳ пайғамбардай узоқ умр кўрсанг ҳам бу вазифани адо этолмайсан, деса, Чумоли буни адо этолмасам, ишқ йўлида ўлганим ҳам менга бахт, дейди.

Биз дунёни қандай тушунсак, севгимиз ҳам шу тушунчага яраша бўлади. Ҳар бир инсоннинг муҳаббати унинг дунёга муносабатининг бир кўринишидир. Дунёдаги инсонларнинг ҳеч бири бир-бирига ўхшашгани каби, бирор инсоннинг муҳаббати иккинчисини такрорламайди. Буюк ва таниқли инсонларнинг муҳаббатини-ку айтмаса ҳам бўлади. Уларнинг севги оламидаги ва ё оила ичидаги ҳаёти қандайдир ёзган билан тугамайдиган, неча-неча жилдлик китобларда ҳам тошиб кетаверадиган тўлқинлардай «минг бир кеча» қиссаларига ўхшайди. Муҳаббат шундай бир мўъжизаки, ҳар бир инсоннинг бу туйғуси у яшаган даврни акс эттиради, айна чоғда кўп жиҳатдан бизнинг давримизга ҳам ўхшайди, яна бизни билимлар билан бойитади, огоҳлантиради ва раҳимимизда катта таассурот қолдиради.

Мен муҳаббат тарихларини турли қомуслар, йилномалардан, турли олимларнинг тадқиқлари, эсселари ва хотираларидан, бадий асарларининг ўрганарканман, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ўхшашлик билан бир доторда, озми-кўпми фарқларни ҳам кўргандай бўлдим.

Шарқда муҳаббат тангри ризолиги учун бўлиши керак. Тангри-нинг ризолиги эса ҳолислик, ҳақ билан боғлиқ. Яъни муҳаббатдан ҳеч

қандай манфаат кузатилмайди. Фақат адолат, ёрга фидойилик, элга фидокорлик, илоҳий бир софликни унутмаган ҳолда одимлаш тўғри бўлади. Акс ҳолда муҳаббат бахтсизликка юз тутиши ҳеч гап эмас. Айни чоғда муҳаббат тақдирдир.

Фарбда муҳаббат гўзаллик, илм ва санъатдир. Қадимги юнонлар ва римликлар муҳаббатни ҳар доим улуғлаганлар.

Мен мазкур китобни тузишда, имкон борича, муайян бир миллатнинг буюк намоёндалари, ҳеч бўлмаганда маданият вакиллари таниладим. Мўлжалим бўйича, юз сиймонинг ҳаёт саҳифаларидан баҳс юритиш эди. Аммо китобнинг ҳажми ортиб бораётгани ва бу ноширларга муаммо туғдириши мумкинлигини ўйлаб, мўлжалимни бир неча китобга жойлаш керак, деган хулосага келдим.

Яна бир гапим шуки, айрим ўқувчилар бу ёзилганларни таржима деб ўйлайдилар. Агар таржима бўлганида энг камида ўттиз китоб бўларди. Мен тарихда ва адабиётда мавжуд нарсаларни ўқиб, ўшалар асосида янгитдан мухтасар бир нарсалар ёздим. Буни кўчма сюжетлар асосида битилган эсселар, дейиш тўғри бўлар.

Муаллиф

ШАРҚДА МУҲАББАТ ТАРИХЛАРИ

ЮСУФ ила ЗУЛАЙҲО

1. Юсуф



Оллоҳ, Одам Атонинг тавбаларини қабул қилгандан кейин унга ниҳонбинликни ато этганди. «Ниҳонбин» дегани «кўринмас нарсаларни кўрувчи» дегани бўлиб, бир куни ўзларидан бўлажак авлодларини бирма-бир кўра бошладилар. Насллари орасида пайғамбарлар, авлиёлар, ҳукмдорлар, хилма-хил билим соҳиблари — олимлар, катта мулкдорлар, қавм ё жамоа раислари ва бошқа катта-кичик инсонлар бор эди. Бир маҳал Одам Алайҳиссалом кўз ўнгида Юсуф сиймоси гавдаланди. Бу қадар гўзал инсонни кўриб:

— Эй Раббим, қандай гулшан гули бу? — дея ҳайратдан ёқа ушладилар.

— Бу сенинг зотингдан бўлажак фарзанд! — деган нидо келди. Сўнгра Оллоҳ, Одам Алайҳиссаломга шундай деди:

— Мен ўз ҳуснимни уч бўлакка бўлдим, икки бўлагини Юсуфга бердим, бири ер юзининг бошқа гўзаллариға қолди...

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам эса, бир ҳадисларида Юсуф борасида «Карим ўғли карим ўғли карим ўғли карим» дея марҳамат қилганлар. Арабча «карим» атамаси — «эҳсон ва иноят соҳиби», «шарафли ва иззатли», «муҳтарам ва сахий», «мукаррам» маъноларида келади. Кўпроқ пайғамбарларга, Куръонга ва Оллоҳга нисбатан ишлатилади. Демак, юқоридаги калимани «пайғамбар ўғли пайғамбар ўғли пайғамбар ўғли пайғамбар» деб тушуниш керак. Яъни Иброҳим ўғли Исҳоқ ўғли Ёқуб ўғли Юсуфдир. Бу шажаранинг тарихи мана бундай:

Иброҳим пайғамбар — ул зотга Оллоҳнинг саломи бўлсин! — дастлабки хотинлари Сорадан 30 йил фарзанд кўрмадилар. Эра-миздан 1500 йил бурунги топилган никоҳ шартномаларида: Агар хотин бола кўрса, эрнинг иккинчи уйланишга ҳаққи йўқ, агар бола кўрмаса, хотиннинг ўзи эрига жориялардан бирини олиб беради ва туғилган чақалоқни ўз боласидай тарбиялайди, дейилган. Сора она, шу таомилга кўра, ўз устларига мисрлик бошқа хотинни олиб бердилар. Унинг оти Ҳожар бўлиб, ундан ҳам ўн йилгача фарзанд бўлмади. Ривоятга кўра, бир куни Ҳожарнинг шундоқ кўз ўнгига ердан сув отилиб чиқиб, оқиб кета бошлади.

— Зам, зам! — дедилар. Бу ўзбекчасига, «Тўхта, тўхта!» деганидир.

Сув тўхтади, чўмилса бўладиган ҳовуз даражасидаги булоққа айланди. Ҳожар она шу булоқда чўмилдилар ва Иброҳим Халилulloҳдан ҳомилали бўлдилар. Шундан кейин Сора она ҳам шу булоқда чўмилиб, ҳомиладор бўлдилар. Ҳожар онадан туғилган ўғилга Исмоил, Сора онадан туғилган ўғилга Исҳоқ дея от қўйдилар. Шифобахш булоқнинг оти эса, Замзам бўлиб кетди.

Исмоил ҳам, Исҳоқ ҳам кейинчалик пайғамбар бўлишди. Исмоилдан тарқалган қавмлар Исмоилийлар, бир неча асрлар ўтгандан сўнг мусулмонлар бўлишди. Исҳоқнинг ўғли Ёқубнинг иккинчи оти Исроил эди, улар Исроилийлар, Исроилнинг Яҳудо деган бир ўғлидан тарқалган қавмлар яҳудийлар бўлишди.

Иброҳим пайғамбар, ўғиллари Исмоил билан Каъбага асос солишганини ва бизнинг Расулимиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг зоти шу пайғамбардан эканлигини яхши биламиз. Исҳоқ пайғамбарнинг оти Қуръоннинг ўн сурасида келтирилган бўлиб, ул зот ҳам кароматсоҳиб бўлганлиги маълум.

Қадимий хабарларга кўра, Исҳоқ пайғамбарнинг Рафиқа (баъзан Рафоқа ҳам келади, Тавротда эса Ревекка) исмли жуда қаттиқ суйган хотини эгиз ўғил туғади: биринчисини Исав, иккинчисини Ёқуб деб атайдилар. Юсуф эса ана шу Ёқубнинг ўн биринчи ўғлидир. Юсуфнинг бошидан кечирганлари бизга озми-кўпми таниш, албатта.

Қуръонда келтирилган хабарга кўра, Юсуф ёшлигида бир туш кўради.

— Мен тушимда 11 юлдузни, яна Қуёш ва Ойни кўрдим. Ҳам-малари менга сажда қилишаётган эди, — дейди у отасига. Ҳазрати Ёқуб:

— Бу тушингни акаларингга айтма, — дейдилар. Чунки Юсуфни қаттиқ яхши кўрганлиги учун, акалари рашкдан, шайтоннинг сўзига кириб, унга зиён етказиши мумкинлигини ҳис қилардилар, Юсуфни уларга ишонмасдилар.

— Юсуфни нега бизга ишонмайсиз? — дейишарди катта ўғиллари.

— Уни эртага биз билан айланишга юборинг. Биз уни қўриқ-лаймиз, — дейди акаларидан бири.

— Сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан қўрқаман...

Қуръондаги хабарларга кўра, акалар Юсуфни ўзлари билан олиб кетиб, уни қудуққа ташлайдилар, бир қўйни сўйишиб, ўшанинг қонига Юсуфнинг қўйлагини бўяб, оталари олдига келтиришлар ва Юсуфни бўри еб кетди, дейдилар.

Соғлом фикрли одам, наҳотки, ўн нафар ака, ўз укасига шу қадар шафқатсизлик қилса, дея турли гумонларга бориши мумкин. Аммо қадимий ислом ва яҳудий манбаларини синчиклаб ўрганилса, бу гумон ўз-ўзидан тарқалиб кетади.

Гап шундаки, Ҳазрати Ёқуб, отасига меросхўрлик юзасидан, аваси Исав билан урушиб қолиб, Харронга (Канъон юртига), тоғаси Лаванникига қочиб борганди. Тоғасининг икки қизи бор эди: Лия деган каттасининг кўзи доим шамоллашданми, шил-пиқланиб юрарди. Роҳила исмли иккинчи қизи бениҳоя гўзал эди. Ёқуб тоғасига чўпонлик қилиб юраркан, Роҳилани севиб қолади ва тоғасидан унинг қўлини сўрайди. Лаван сўзда рози бўлади-ю, аммо тўй охирида уни ичириб қўйиб, чироқлар ўчганда мист Ёқубга катта қизи Лияни қўшиб қўяди. Эрталаб Ёқуб тўполон кўтарганда, бизда катта қиз туриб, кичигини узатмайдилар, меникида етти йил хизмат қилиб молларимни кўпайтириб берсан, Роҳилани ҳам сенга иккинчи хотин қилиб бераман, дейди. Қайнота-куёв (тоға-жиян) шу сўзда аҳдлашади. Етти йил ичида Ёқуб ва Лия 4 ўғиллик бўлади. Аммо Ҳазрат Ёқуб орадан етти йил ўтгандан кейин Роҳилага уйланганларида ундан ўн йилгача фарзанд кўрмайдилар. Роҳила, давр қонунларига кўра, устунга бир жорияни эрига олиб беради. Жория кетма-кет ўғиллар туғиб беради. Бу орада Лия ҳам бола туғишдан тўхтаб қолади ва эрига жория олиб беради, бу ҳам кетма-кет туға бошлайди. Шу тариқа Ёқуб Алайҳиссалом 10 ўғиллик бўлганларида, ниҳоят Роҳила ҳам ўғил кўради, отини Юсуф қўядилар, кетидан яна ўғил

қўради, Бенямин (Ибн Ямин) қўядилар. Аммо Роҳила Беняминни туғишда вафот этади.

4 нафар турли хотинлардан бўлган 12 ўғил ва 1 қиз ўртаси ноаҳил бўлиши табиий эди, айниқса, оталарининг Юсуфга нисбатан бошқача меҳри бу рақобатни кучайтириб юборганди. Одамда нафрат кучайса, гўзаллик ҳам хунуклик бўлиб кўринади, шунинг учун акалари Юсуфни ҳеч ачинмай қудуққа ташлагандилар.

2. Зулайҳо



Қуръондаги хабарларга кўра, Юсуф қудуққа ташланганининг учинчи куни, очликдан азобланиб ётганида, бир карвон келади, сув изловчи қудуққа челақ туширса, сув ўрнига челаққа осилиб Юсуф чиқади. Карвондаги савдогарлар Мисрга етиб келганда Юсуфни арзон баҳода бир кишига сотиб юборадилар! Олган киши уйига келиб хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштиргин. Шояд бизга бирон фойдаси тегиб қолса ёки уни ўзимизга бола қилиб олармиз», дейди. Қуръон оятларида сотиб олган кишининг ўзоти ҳам, хотинининг оти ҳам айтилмаган. Аммо айрим тафсирчилар сотиб олган киши Миср шаҳри ҳокими Қитфир, хотини Зулайҳо деб, бошқа тафсирчилар молия вазири, хотини Залиҳа деб изоҳлайдилар. Тавротда эса Юсуфни (Иосифни) олган киши Потифар — фиръавннинг шахсий соқчилари бошлиғи, дейилadi-ю, хотинининг оти айтилмайди. Баъзи Таврот тафсирчилари уни Зельфа десалар, баъзилари Роил дейдилар.

«Юсуф ва Зулайҳо» отлиғ дostonларнинг аксариятида Зулайҳо Мағриб ҳукмдори Таймусшоҳнинг (балки, Тунисшоҳдир) қизидир.

Анъанавий шарқ дostonларида бўлганидай, Зулайҳо Юсуфни тушида кўриб севиб қолади. Таймусшоҳ, Зулайҳонинг тушига кирган одам — Миср шаҳар ҳокими Қитфир (Азиз) бўлиши ҳам эҳтимол, деб, Зулайҳони ўшанга узатиб юборади. Зулайҳо бу — тушида кўрган одами эмаслигини кўриб, Азизга кўнгилсиз бўлади. Аммо орадан йиллар ўтса-да, бирга яшайверадилар.

Кўпларнинг бирида Қитфир (Погифар) Юсуфни сотиб олади. Юсуф ҳикмат ва билим соҳиби бўлиб вояга етади. Шунда Зулайҳо уни сениб қолади ва ётоғига олиб кириб мақсадига етишмоқчи бўлади. Юсуф буни рад этади. Икковлари эшик томон чопадилар. Зулайҳо Юсуфнинг қўйлагини орқа томондан йиртиб, бир парча-сини тижимлаб олиб қолади. Зулайҳо воқеа устига келиб қолган орқага. У мени йўлдан урмоқчи бўлди, деб, Юсуфни зиндон қилди-рмоқчи бўлади. Юсуф, унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди, дейди. Қитфир (Азиз) Юсуфнинг қўйлаги орқа томондан йиртил-ганидан, айб хотинида эканлигини англайди ва Юсуфга, бу ишни унут, деб, хотинига, қилган гуноҳингга истиффор айт — тавба қил, деб можарони босди-босди қилмоқчи бўлади. Аммо Зулайҳонинг қўйлини ҳамма ёққа овоза бўлиб, шаҳардаги аёллар уни маломат қиладилар. Бундан аччиқланган Зулайҳо ифвогар хонимларни бир тасфатта, мева-чевали, тукин дастурхонга таклиф қилиб, ҳар би-ринини олдига биттадан пичоқ қўяди ва, қани, олмаларни арчиб сотиб ўтиринглар, дея даъват этади, ҳаммалари олма арчиб ўти-ринганда, Юсуфни бу ерга таклиф қилади, уни кўрган хонимлар таъ-қонланиб, беихтиёр қўлларини кесиб оладилар. Шунда Зулайҳо, унга шу йигит истагимга бўйсунмади, қасамки, агар амримни ба-сармас экан, мен уни зиндонга ташлаттираман, дейди. Ва Юсуф зиндонга ташланади. Юқорида Юсуфнинг ҳикмат ва билим соҳи-би бўлганини айтган эдик. Чунончи, у кўрилган тушларни ҳам тўла тўри таъбирлар эди. Зиндонда ётаркан, ҳамзиндонларининг бир-бирича тушларини таъбирлаб бериб, кўп таҳсинлар олган эди.

Бир замон Миср подшоҳи Райён бинни-л-Валид (Тавротда фиртави) туш кўради. «Тушимда 7 ориқ сигир 7 семиз сигирни оғитганини ва 7 яшил бошоқ билан бирга бошқа қуриган 7 бо-шоқни кўрдим» деб, бунинг таъбирини суриштиради. Аммо ҳеч-ким буни айтолмайди. Шунда яқинда зиндондан чиққан бир-ман шохга зиндондаги уста таъбирчи Юсуф ҳақида хабар бера-ди. Зиндондан келтирилган Юсуф, Мисрда 7 йил серҳосил йил-лар бўлди, 7 йил қурғоқчилик ва очлик йиллари бўлади. Тукин-пишларда ҳосилнинг бешдан бир қисмини омборга йиғиб бориш-керек, бу — очарчилик йилларида асқотади, дейди ва хазина-бонаникка ўтқир кишини қўйишни маслаҳат беради. Райён бу-нишга Юсуфнинг ўзини қўяди. Бу орада Қитфир ҳам вафот эт-ган бўлиб, Юсуф ҳали-ҳануз бокиралиги сақланиб қолган Зу-лайҳого уйланади ва улар икки фарзанд кўрадилар.

3. Юсуфнинг кейинги ҳаёти ва тарихий ҳақиқатлар

Юсуф омборга йиғдирган галласи туфайли очлик ҳукм сурган йилларда қўшни мамлакатларга ҳам галла сотиб, Мисрнинг иқтисодий аҳволи кўтарилишига бош-қош бўлади. Отасини ҳам оила аъзолари билан кўчиртириб келади. Бунинг учун Канъонга 200 туя йўллайди. Кейин 70 кишилик қарвон билан келган қондошларини Миср атрофига жойлаштиради. Орадан 17 йил ўтиб, отаси вафот этганда, васиятига кўра, уни бобоси Исҳоқ пайғамбар ёнига, Канъонга дафн этадилар. Юсуф Пайғамбарнинг ўзи 110 ёшида вафот этган бўлиб, жасади мармар сандиқда Нил дарёси тагига жойлаштирилади.

Тарихий манбаларни ўрганган олимларнинг фикрича, Юсуф ва Зулайҳо воқеаси эрадан аввалги 1730 ва 1630 йилларга оиддир.

Эрадан аввалги XVII асрда, аниқроғи, Юсуф ва Зулайҳо воқеасидан 50 йил олдин Мисрни Месопотамиялик хиксослар («хиксос» — «сахройи доҳийлар» ёки «чўпон подшоҳлар» маъносини билдиради) босиб олган ва бу ерда 200 йил ҳукмронлик қилгандилар. Олимларнинг фикрича, Мисрга 70 исроилликнинг кўчиб келган вақти хиксослар ҳукмронлиги вақтига тўғри келади. Бу даврда Мисрнинг иқтисодий аҳволи ночор аҳволга тушиб қолган ва мисрликлар бу юзйилликлар давомида хиксосларга қарши муттасил кураш олиб борган эдилар. Юсуф ана шу тарихий йилларда, қаттиқ сиёсат олиб бориши туфайли, Мисрнинг бир мунча юксалишига сабабчи бўлган эди. Аммо тарихий солномаларда Юсуфнинг фаолияти ва Мисрга кўчиб келган Исроилликларнинг ҳаётига оид ҳеч қандай маълумотнинг йўқлиги олимларни Юсуф ва Зулайҳо воқеаси — халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлса керак, деган фикрда тўхташига сабаб бўлиб келарди. Лекин поляк ёзувчиси Зенон Косидовскийнинг фикрича, миллий ғурури баланд бўлган Мисрликлар хиксослар даври ҳақида шундай қаттиқ нафрат билан ёзардиларки, Юсуфнинг фаолиятига оид маълумотларни солномалардан ўчириб ташлаганлар ва йўқотганлар. Чунки тарихий солномаларда милоддан олдинги 1730 йилдан кейинги воқеалар узилиб қолган, воқеаларнинг давоми фақат эрадан олдинги 1580 йилдан бошланади. Демак, Юсуф билан Зулайҳо воқеаси эрадан аввалги 1730 йил билан эрадан

анишги 1530 йиллар оралиғида юз берган... ва 150 йиллик тарих таҳрифларининг ўчириб ташланиши оқибатида Юсуф ва Зулайҳо тарихига оид ҳужжатлар йўқ бўлишга юз тугган.

Аммо бу воқеа халқ хотирасида узоқ сақланиб қолган. Шарқда араб, турк, форс, урду, уйғур ва бошқа тилларда, Ғарбда немис, инглиз, француз, латиш ва бошқа тилларда Юсуф, унинг оғалари ва Зулайҳо ҳақида 150 дан ортиқ асар яратилди. Туркий тилларининг ўзида Юсуф-Зулайҳо воқеаси 70 дан ортиқ асар яратилишига сабабчи бўлган.

Булар орасида энг биринчи асар Хоразм салтанатига қарашли оғис шимолий ҳудудда яшаган шоир Қул Алининг достони бўлиб, у 1233 йилда ёзилган. 1409 йилда шоир Дурбек ҳам бу мавзунини катта маҳорат билан қаламга олган. Нозим Ҳикматнинг драммаси ҳам ўз вақтида катта шуҳрат қозонганди. Форс адабиётида Фирдавсий, Деҳлавий, Жомий ва бошқаларнинг намуналарини, Ғарб адабиётидан эса катта ва энг муҳим асарлар сифатида немис ёзувчиси Томас Маннинг «Юсуф ва унинг оғалари» номли тетралогиясини, Ян Райниснинг шу номли драматик асарини курсатиш мумкин.



ХУСРАВ, ШИРИН, ФАРҲОД



Мени муҳаббат тарихларининг чинакам ҳаётий жиҳатлари қизиқтиради. Чунончи, ҳақиқатан тарихда Хусрав исмли подшоҳ ва унинг Ширин исмли севикли хотини бўлганми ва ҳақиқатан ҳам Чиндан борган турк йигити Фарҳод ҳам Ширинни севиб қолганми, ё булар ҳаммаси буюк шоирларнинг ҳаёлот маҳсулими?

Тарих китобларида чиндан ҳам Эронда Хусрав исмли подшоҳ яшаб ўтгани ҳақида дараklar бор ва уни Хусрав II Парвиз деб улуғлаган эканлар. Парвиз дегани форсчада ғолиб, хушбахт, тантанали ҳаёт соҳиби деган маънони билдиради. Иккинчи Хусрав эканлигининг сабаби, илгари ҳам Эронда Хусрав исмли подшоҳ ўтган бўлиб, у 531–579 йилларда ҳукмдорлик қилган. Хусрав II Парвиз эса, маълумотларга қараганда, 590–628 йилларда ҳукмдорлик қилган, яъни унинг салтанати 38 йил давом этган. Аслан ўзи Сосонийлар сулоласидан бўлиб, Византия императорининг қизи Марямга уйланган, ўшанда Византиянинг шарқий ва жанубий вилоятлари Эронга қўшиб берилган эди. Хусрав Парвиз, Марямдан бир ўғил кўрган, отини Ширўй қўйганлар, баъзан Ширўя дейишади. Орадан йиллар ўтиб, Хусрав ўша даврнинг энг чиройли қизи Ширинни севиб қолган ва никоҳига олган. Бу ҳодиса саройда катта фожиалар келтириб чиқарган. Хусрав ва Шириннинг бу драматик муҳаббати халқ ичида афсона бўлиб кетган, сўнгра бу афсона буюк шоирларнинг бадиий асарларига сюжет бўлиб хизмат қилган.

Тоштарош Фарҳоднинг ҳам Эронни обод қилиш ишлари учун Чиндан келтирилгани ҳақиқатга тўғри келади.

Фирдавсий «Шоҳнома»да Хусрав шоҳ бўлишидан олдин отаси даврида гарчи паҳлавон бўлса ҳам, нопок навқирон эди, деб таърифлайди:

Унга ер юзида дўст — Ширин эди,
Ширинда бор қалби яширин эди.
Жаҳонда бўлакни этмасди писанд,
Хаёлин ҳеч гўзал қилолмасди банд.

Фирдавсий ёш Хусравнинг Ширинга муҳаббатини нопоклик деб ҳисоблайди. Подшоҳ бўлганда у бир муддат Шириндан айру тушган ва бир кун овга чиққанда яна Ширинга дуч келиб, қизни ҳарамга олиб бериш эмиш. Агар овда учратмаса уни унутаркан («Шоҳнома»нинг узбекча нашридан шундай хулоса чиқади, асл нусхада балки ушай эмасдир). Китобхон бир оз ишонмайди: бор қалби Ширинда бўлган одам, шоҳ бўлгач, албатта уни саройга олдиради-да! Буни Хусравнинг айби деб бўладими? Шоирнинг ёзишича, бутун сарой одамлари Хусравнинг бу ишидан норози бўлган ва уни Шириндан айирганиш дардида бир заррин косани қонга тўлдириб Хусравга тутганимизлар, шоҳ «бу нима?» деса «ножинс қони бу» дегдилар. Улар фурс бўлмаган миллат вакилини «ножинс» деб камситганлар. Аччиқланган Хусрав косани қондан тозалатиб, қирмизи шароб билан тўлдиртиради ва: «Ширин қўлимда май тўла косадай бўлди, ранги ҳам, бўйи ҳам одамни мафтун қилади» дейди. Аммо Фирдавсий Хусравнинг биринчи хотини — Рум қайсарининг қизи Марямни ажирлаб ўлдирилишини ҳам Ширинга юклайди. Бўлса бўлгандир, «тўқсонлардан ҳар қанақа ақлсизликни кутиш мумкин. Шириннинг бу ҳаракатини оқламаган ҳолда ўз севгисини омон сақлаб қолиш учун ҳаёт-мамот жангига кирган ёш жувоннинг қалбини англаш мумкин. Муҳими шуки, Хусрав кейинчалик Ширин билан ўзининг 38 йиллик шоҳона ҳаётини бирга ўтказган ва Ширин учун қасрлар қурдирилган, бунинг учун Рум, Бағдод, Ҳинд, Чин ва Аҳвоз каби юртлардан юзлаб усталарни юртга келтирган (шу жумладан Фарҳодни ҳам келтирган бўлиши эҳтимолдан ҳеч узоқ эмас) ва булар унутилмас ҳолисалардир. Саройни олимлар, шоирлар, ҳофизлар билан тўлдиргани ҳам таҳсинга лойиқ ҳодисалардир ва бундай ишларни одатда муҳаббатсиз инсонлардан кутиш амри маҳолдир.

Фирдавсий тахминан 934—1020 йилларда яшаб ўтган ва 590—628 йиллар воқеасини қаламга олган, шоир яшаган даврда хус-

равлар даврининг тарихий манбалари ҳозиргига қараганда ҳали кўпроқ сақланганди, уларнинг аксарияти Фирдавсийнинг шахсий архивида бўлган, деб уйлайман. Аммо тақдир тақозоси ва Фирдавсий, Маҳмуд Ғазнавийдан кўрқиб юртма-юрт қочиб юрган кезларида кўп ҳужжатлар йўқолиб кетган бўлиши мумкин. Ҳар неки бўлсин-бўлмасин, «Шоҳнома»да (аниқроғи, унинг ўзбекча нашрида) Шириннинг қайси қавмданлиги ва қаерлик экани айтилмаган. Бу нарса балки Фирдавсийнинг мақсади доирасида бўлмагандир ҳам. Чунки у фақат Эрон шоҳларининг жанговарлик ва яратувчанлик тарихини ёзмоқчи бўлган. Ишқ-муҳаббат тарихи унинг учун аҳамиятсиз эди. Бу ҳақда Низомий шундай фикр билдиради:

Сўйларкан ул ҳаким бу хуш дostonни,
Ундан чиқаргандир ишқни, фгонни...
Олтмишда муҳаббат, ишқ ҳаяжони
Титрата олмасди буюк бобони.

Шириннинг қаерлик ва қандай қиз эканини эса «Хусрав ва Ширин» дostonида илк бор шаҳзода Хусравнинг жаҳонгашта дўсти Шопур ҳикоя қилади:

Дарбанд денғизи¹нинг бир саҳмонида
Бир гузал ўлка бор тоғлар ёнида.
Шаҳзода хотиндир унда ҳукмрон
Ёйилмиш қўшини Исфаҳонгача.
Аррон²дан бошланиб Арманга қадар
Унинг фармониға бўйин эгарлар...
Шамира номланур у кўркам хотин
Буюкдир маъноси бу гузал отин.
Журъатда эрлардай олд сафда турур,
Буюк бўлгани-чун Маҳин Бонудур.

Шопурнинг таърифича, Маҳинбону бева экан, баҳор чоғи Муғонда, ёзда Арман тоғларида дам олиб, кузда Абхазлар юртига

¹ Дарбанд — Ҳозирги Доғистоннинг порт шаҳри, Дарбанд денғизи дейилганда Каспий денғизи назарда тутилган.

² Аррон — Ҳозирги Озарбайжоннинг ғарбий қисмида жойлашган қадимий бир вилоятнинг номи, Арроннинг бошкенти Барда. кейинчалик Ганжа булган — Низомий туғилган шаҳар.

овга бораркан, қишда муътадил ҳаволи Бардага келаркан. Бу ерда Маҳинбонунинг жияни, опасининг қизи истиқомат қиларкан.

У Маҳинбонунинг вакиласидир.
Гуё бир паридир, пари эмас, ой!
Қаҳрамон бир қиздир, бошда келагой¹...
... Юзи насрин каби, ҳиди ҳам насрин,
Дудоғи шириндир, оти ҳам Ширин.
Уни жон атайди ҳар улуғ шоир.

Демак, Низомий таърифига кўра, Ширин — Барда саройида Маҳинбонунинг вакили сифатида вилоятга раҳбарлик қилувчи пети доғистонлик қиз.

Буни ҳозирги замон тилига айлантирсак, Хусрав — Эрон шахзодаси, Маҳинбону — Арманистон, Абхазистон ва Озарбайжонини қўл остида тутувчи Доғистон маликаси. Ширин — Маҳинбонунинг жияни, яъни опасининг қизи, айнаи чоғда Озарбайжондаги вакиласи, ўринбосари, яъни тахт вориси, Маҳинбонудан кейин тахтга ўтиражак маликадир. Бир тарафдан гўзал, иккинчи тарафдан қаҳрамон қиз.

Шундай бўлгач, икки мамлакатнинг тахт вориси, шоҳлар наслидан бўлган йигит ва қиз — Хусрав ва Ширин — нақллар ва ҳикоятлар асосида ҳам, ҳаётда ҳам бир-бирларини севиб қолишлари мутлақо табиийдир. Уларни кўриштириш йўллари эса ҳар шоирда ҳар хилдир.

Низомийда Хусрав — подшоҳ Хўрмузнинг худодан тилаб-тилаб олган биргина эрка ва кўркам ўғли эди. Болаликда бутун сарой аҳли у ёқда турсин, бир бор кўрган ҳар қандай одам севиб қоларди. Саройда унга Бузургумид исмли бир доно ва оқил киши таълим беради, шаҳзодаларга бериладиган жанговарлик таълимининг олади. Ўсмирликда талтайиб кетиб, овга борган чоғларида ҳатто бир қишлоқнинг даласини отга бостириб пайҳон қилади, бир фақирнинг уйини зўрлик билан тортиб олиб эрталабгача жура-ларини билан кайфу сафо қилади ва бунинг учун отаси Хўрмуз томонидан жазоланади. Навқиронликда Шопур деган бир сарой мусаввири билан дўстлашади. Илк бор Ширин ҳақида ҳам жаҳонкезар мусаввир дўсти Шопурдан эшитади ва унинг мақтовла-

¹ Келагой — катта шол рўмол.

ри асосида қизни севиб қолади ва қандай бўлмасин ўзи билан яқинлаштиришни, дўстлаштиришни ўтиниб сўрайди. Шопур Ширинни топиш учун Арманга кетади. Бу орада Хусрав саройда ўзини шу қадар яхши тутадик, отаси ҳатто шу ёшида тахтини унга топшириш тўғрисида ўйлай бошлайди. Аммо бундан куйиб кетган сарой аҳллари уни отасига ёмон кўрсатиш кўйига тушадилар. Ҳатто Хусрав сени ўлдириб тахтни эгалламоқчи деган гапни тарқатадилар. Хўрмузнинг аччиғи келиб уни қаттиқ жазоламоқчи бўлиб юрганида, бу хабарни Бузургумид Хусравга етказад ва ҳозирча саройдан қочиб кетишни маслаҳат беради. Хусрав Ширинни кўргани Арманга қараб йўл олади. Шопурга келсак, у бу фаслда Ширин ўзининг бокира канизлари билан (гоҳида холаси Маҳинбону билан) Арман тоғларида дам олишини биларди.

У гузаллар ёзнинг қайнар чоғлари
Маскан этардилар яшил тоғлари.

Шопур бир ой ичида шу ердаги бир калисога келиб жойлашади (Арманлар юрти насроний динида эканлигини ёдда тутиш керак.). Бир раҳбондан Шириннинг қайларда дам олишини суриштириб билади. У ерларга бориб навқирон ва келишган Хусравнинг расмини ишлайди ва қизлар ўтадиган йўлнинг бир чеккасига қўйиб кетади. Ширин уни кўради ва руҳига нотинчлик киради. Канизлар бундан хавотирга тушиб, расмни йўқ қиладилар. Ширин уни сўраса, девлар обқочди чоғи, расм йўқ, дейдилар ва бу ердан бошқа чаманга от сурадилар.

Шопур Хусравнинг бошқача йўсиндаги расмини ишлаб яна қизларнинг йўлига қўяди. Кечаги воқеа такрорланади. Шопур учинчи бор бу ишни такрорлагач, Ширинга кўринишга қарор қилади. Ширин ва Шопур танишадилар. Шопур Ширинга Хусрав ҳақида гапириб беради. Ширин Хусравни бир кўриш учун Мадоин саройига кетади. У ерда Хусрав отасидан қочиб кетганини эшитиб, Арманга қайтади. Арманга кетган Хусрав эса отаси вафот этганини эшитиб она шахрига қайтиб келиб, шоҳлик тахтига ўтиради. Хуллас, турли-туман воқеалардан сўнг Хусрав ва Ширин учрашадилар, ўртада ёшликка хос қизгин ва ширин суҳбатлар бошланади. Шириннинг холаси бундан хабар топиб уларнинг севгилари ҳалокат билан туташ мумкинлиги тўғрисида жиянини огоҳлантиради.

Ўзал кечаларнинг бирида яна Арманга келган Хусрав севги-
лисидан муродга етказишни сўрайди. Ширин эса, сен бу ерларда
мен билан кайф қилиб юриб тахтингни қўлдан чиқарасан, ҳозир
сен саройингга қайт ва давлат ишларини тартибга сол, келгусида
мен сенинг ёрдамчинг бўлишга тайёрман, деб, уни муродга етказ-
майди. Хусрав йўқлигида чиндан ҳам лашкарбоши Баҳром Чўби-
на тахтни эгаллаб олганди. Хусрав Рум тарафга сафар қилади,
Рум қайсари ундан қўрқиб тезлик билан унга тожу тахтини ҳамда
қизи Марямни ҳам беради. Хусравнинг юраги Шириндан инжи-
ган чоғи бўлгани учун, бу никоҳдан қочмайди. Константанияда
(Истанбулнинг эски оти) мустаҳкам қўшин тўплаб, Баҳром Чўби-
на билан уруш қилади, уни енгиб янгитдан ўз тахтини эгаллайди.
Бу ёқда Маҳинбону ҳам вафот этиб, Ширин тахтга ўтиради. Шун-
дан сўнг Хусрав хотини Марямдан Ширинни саройга келтириш
учун ижозат сўрайди. Марям рад этади:

Агар келса Ширин бу ерга бир он,
Бўйнимга иларман қора бир арқон...

Шунда Хусрав ишни яширинча олиб боришга киришади: Шо-
пурни чақириб, Ширинга совчиликка юборади. Хусравнинг Мар-
ямга уйланганини эшитиб фиғони фалакка чиқиб юрган Ши-
рин, албаттаки, Шопур билан бирга Хусравнинг ёнига боришга
розилик бермайди. Хусравга шу гапини етказишни сўрайди:

Сенга лозим бўлсам, мард бўл, ўзинг кел,
Ўзганинг бошига юк юкламагил.
Овга арслон йигит келар йироқдан,
Ўзи келиб тутар овни овлоқдан.

Сўнгра у Шопурга кўнглидаги бир орзуси ҳақида ёзилиб қола-
ди. Болаликдан тоғ сигирларининг сутини яхши кўришини, аммо
у сутларни тоғдан шаҳарга олиб тушиш қийинлигини айтиб зор-
ланади. Шунда Шопур унга Чинда Фарҳод исмли йигит билан
бир устадан таълим олганини, Фарҳод муҳандис, санъаткор, теша
устаси эканлигини, тошларга темир билан нақшлар ишлашини,
у тоғдан шаҳаргача ариқ қазиб бериши мумкинлиги, у ариқдан
суг оқизиб туширса бўлишини айтади.

Фарҳод Шириннинг юртига келтирилади. Фарҳод парда ор-
тида туриб топшириқ бераётган Шириннинг овозини эшитган-

даёқ, ҳушдан кетиб қолади. Нима буюрганини ҳам билмайди, сўнг одамлардан суриштириб аниқлайди ва айтилган тоғдан бир ой ичида ариқ қазиб, сут оқизиб қўяди, қирғоқ деворларига Шириннинг расмини ишлайди. Ўзи Шириннинг дардида чўлларда оҳ уриб юради. Бир куни Ширин Фарҳоднинг тоғдаги нақшларини кўргани келади. Улар шу ерда илк бор учрашадилар. Ширинга қайта эришолмай юрган Хусрав бу учрашув ҳақидаги хабарни эшитиб тинчини йўқотади ва Фарҳодни саройга келтиртиради. Уларнинг ўртасида кескин савол-жавоб бўлиб ўтади. Хусрав маънан ютқзади ва Фарҳодни Шириндан узоқлаштириш мақсадида унга яхши гапириб, Биҳистун деган тақиртоғдан шаҳарга бир йўл очиб берса, Ширин билан ўрталаридаги муҳаббатга қаршилик кўрсатмаслигини айтади. Фарҳод шартни қабул қилиб, тоғдан шаҳарга жуда тез йўл очишга киришади. Хусрав Шириндан айрилиши муқаррарлигини сезиб, сарой донишмандларидан бунинг олдини олиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат сўрайди. Улар бу ишда фақат ҳийла иш беришини айтадилар...



Фарҳод Биҳистун тоғидан шаҳарга йўл очишни тугаллашига бирор ҳафталар қолган бир пайтда бир одам фарёд кўтариб унинг олдига келади ва Ширин вафот этганини айтиб йиғлайверади. Бунни эшитган Фарҳод «Ширин! Ширин!» дея жон таслим қилади. Ширин уни катта ҳурмат-муҳаббат билан дафн қилдиради ва бошини мотамдан кўтармайди. Бу орада Хусрав, вақтдан фойдаланиб, гўё Шириннинг азасига ҳамдарддай бир мактуб йўллайди ва саройда Марям ҳам вафот этганини (аслида заҳарлаб ўлдирилган эди) билдириб, энди янги ҳаёт бошлашга даъват этади.

Улар оила қурадилар. Хусрав бундан кейин кўп яхши ишлар қилган бўлса-да, қарий бошлаган йилларида адолатсиз ишлар қилиб, кўпчиликнинг кўнглини қолдиради. Бу орада унинг Марямдан бўлган ўғли Ширўя улғайиб қолган эди. Аъёнлар Хусравга қарши Ширўя билан битим тузиб, Хусравни ўлдиришга эришадилар. Ширўя эса болаликдан Ширинга ошиқ эди, энди унга уйланиш тараддудига тушади. Бунни эшитган Ширин ўз жонига қасд қилади.

Навоийда, маълумки, Фарҳод бош қаҳрамон, Хусрав иккинчи даражали қаҳрамон. «Фарҳод ва Ширин»да Хусрав дostonнинг учинчи қисмидагина пайдо бўлади. Навоий талқинида Фарҳод оддий наққош ва меъморгина эмас, айти чoғда Чин хоқонининг ўғлидир; саройда паҳлавон, кучли, зеҳни ўткир, тadbирли, адолатли йигит бўлиб улғайган. Бундан фахрланган хоқон Фарҳодга тахтини топширмоқчи бўлади. Аммо Фарҳод тождор бўлишга кўнмайди, дунё сaёҳатига чиқмоқчилигини айтади. Чиндан ҳам у узоқ сафарга отланади. Кўп юртларни кезади, бир дафъа денгиз сафарида кемада Шопур билан танишади. Фарҳоднинг доим ҳазин юришини кўрган Шопур бунинг сабабини суриштиради. Шунда Фарҳод анча авваллари жаҳон кўзгусида бир қизни кўрганини, қалби ўшанга боғланганини, аммо у қиз қимлиги ва қаерданлигини, қайси юртнинг дурдонаси эканлигини билмаслигини айтади ва қизнинг ташқи аломатларини тасвирлаб беради. Шопур эса бу қизни арман юртида кўрганини, у ерда сув танқислиги ва шаҳар аҳли ҳам, Ширин ҳам тоғдаги бўлоқ сувларини шаҳарга тушириш борасида уч йилдан бери ишғилиб ётишганини айтади. Улар Арманияга қараб йўл олашади. Фарҳод Шопур билан ўша тоққа боради.

Етишдилар ул икки ошноваш
 Анга тегруки ул хайли жафокаш.
 Гуруҳи эрди дарду доғ ичинда,
 Ариғ қозмоққа шоғил тоғ ичинда.
 ... Икки юз хорабир илгида теша,
 Уриб ул теша тош узра ҳамиша.
 Ва лекин ўйла қоттиқ эрди хоро,
 Ки гар юз теша тегга бемадоро.
 ... Икки юз устод уч йил қилиб кин,
 Замоне тинмайин урмоққа метин.

Буни кўрган Фарҳод уларга ёрдам беришга қарор қилади. Бир темирчидан дам билан кўра олиб, белига чарм фартук боғлаб, дам учини кўрага маҳкамлаб, ичига кўмир тукиб, аланга олдириб, метин теша ва бир неча гурзи ва чархлар тайёрлаб, сўнг тоғдан ариқ қазишга киришади, тоғ тошларини шундай уриб ниқига бошлайдики, гурзи овози ўн йиғочгача (1 йиғоч — тахминан 1 км 200 метр, демак 12 км. дан) эшитилар эди. 200 тош

кесувчи уч йил қилган ишни бир ўзи бир кунда адо этади. Бунинг овозаси Маҳинбону ва Ширинларга бориб этади ва улар 400 қиз хизматчилари билан Фарҳоднинг ишини кўргани келадилар. Фарҳод ила Ширин бир-бирларини шу ерда кўрадилар. Фарҳод ҳушидан кетади.

Чу Фарҳод ул пари эрконин билди,
Чекиб ўтлуғ фиғон андоқ йиқилди
Ким, ул ҳолатда Ширин кўргач они,
Гумон қилди магарким чиқди жони.

Шу гумон билан Маҳинбону ила Ширин уни бир тахтага ётқизиб саройга олиб кетадилар ва тахтга қўядилар. У ерда Фарҳод ҳушига келади.

Фарҳод ила Ширин бир-бирларини шу қадар севадиларки, Ширинни кўрганда Фарҳод ҳушидан кетарди, Фарҳодни кўрганда Ширин.

Достоннинг 36-бобидан воқеага Хусрав Парвиз кириб келади.

Хусрав араб ва ажам мулкида даврон сураётган ҳукмдор. У ўзига муносиб бир жуфт топиш тўғрисида ўйлаб юрган чоғида Арман юртидаги Шириннинг гўзаллиги овозасини эшитади ва унга уйланишга қарор қилиб, Маҳинбону ҳузурига совчи юборади. Шириннинг рад жавобини эшитган Маҳинбону катта одобу тавозеъ ҳамда ҳар хил совғалар билан узрини айтиб, совчиларга рад жавобини беради. Хусрав Фарҳод ва Ширин ўртасидаги покиза муҳаббат таърифини эшитиб, Фарҳодни ўртадан олиб ташлашга киришади. Аввал Ширинлар юртига катта қўшин билан бостириб киради, аммо қўшин Фарҳоднинг тошларидан зарб еб йиқилавергач, юртига қайтади. Бузургумиддан Ширинга қандай эришиш мумкинлиги тўғрисида маслаҳат сўрайди. Устози унга макр-ҳийла йўлини тавсия қилади. Бир кўзбўямачи ҳийлагарни топиб, Фарҳоднинг олдига юборади. Ҳийлагар гўё ўзи ошиғу Хусравдан жабр чеккан одам сифатида Фарҳоднинг олдига йиғлаб боради. Ҳикояни эшитган Фарҳод уни ўзига ўхшағиб юраги титратмага тушади ва ҳушини йўқотади. Бу дақиқадан фойдаланган ҳийлагар, ухлатувчи упа сепилган бир гулни ҳидлатиб ҳушига келмайдиган қилади ва Фарҳодни шу аҳволда банди қилиб Хусрав ҳузурига етказадилар. Хусрав Фарҳодни ҳушига келтиради ва ўрталарида кескин фикр олишуви бўлиб ўтади. Фарҳод Хусравнинг

дағдағаларини бир чақага ҳам олмай, фикран уни эзиб ташлайди. Шу ҳолда уни ўлдирса, эл аро обрўини йўқотажагини англаган Хусрав, Фарҳодни банддан бўшатиб юборadi.

Фарҳод тоғдаги ишини давом эттиради. Шопур ёрдамида Ширин билан хат ёзишиб туради. Бунинг дараги яна Хусравга стади ва у яна Фарҳодни йўқ қилиш чорасини излайди. Бузургумид яна макр-ҳийла йўлини кўрсатади. Фарҳоднинг мактубини Ширинга ва Шириннинг мактубини Фарҳодга етказиб турган Шопурни Хусрав жосуслари бир дафъа қўлга оладилар ва Фарҳодга Армания Хусрав томонидан забт этилгани, Хусрав Ширинга уйланиши тўғрисида хабар етказадилар. Фарҳод бундан қаттиқ ларзага тушиб жон таслим этади. Хусрав саройида эса фитналар бошланиб, Шеруя уни ўлдирadi ва Ширинга учрашиб, сени кўпдан севардим, шунинг учун отамни ўлдирдим, дея уйланиш таклифини етказadi. Ширин эса Фарҳод сўнгагини Арманиядан келтириб, уни кучоқлаб жисмига жон киргазadi, тўғрироғи, жисмини жисмига теккизганда ўз руҳини ҳам унинг руҳига етказadi.

Нозим Ҳикматнинг Фарҳод ва Ширини Навоий қаҳрамонларига яқинроқ. Фақат унда Маҳинбону Маҳманабону деб олинган ва у Салимшоҳнинг қизи деб таърифланган, Ширин ўша-ўша: опасининг қизи ва тахт вориси. Маҳманабону Ширинни жуда қаттиқ яхши кўради. Бир асно Ширин касал бўлиб ётганда унга нчиниб ўз чиройини беради. Аммо ҳукмдор сифатида жуда шафқатсиз аёл. У шундоғам оч-яланғоч эл зиммасига тоғдан қасрга ариқ очиб, сув оқизишни юклайди. Фарҳод эса асосан наққош бўлиб, Шириннинг қасрига унинг нақшини солади. Бу нақш бутун шаҳарга овоза бўлиб кетганда Маҳманабону ва Ширин нақшнинг ҳамда Фарҳоднинг ўзини кўргани келишади. Иккови ҳам Фарҳодни севиб қолади. Фарҳод эса, табиийки, Ширинни севади. Шунда Маҳманабону илк бор ўз чиройини Ширинга берганига ифсусланади. Фарҳод билан Ширин ишқ тақозоси билан бирга саройдан қочишади. Аммо ҳукмдорнинг сарбозлари уларни тутиб келади. Хола жиянини сўроққа тутиб нега қочганини суриштиради. У Фарҳодни қаттиқ севишини айтади. Мен хунук, сен чиройли бўлсанг, айни вақтда Фарҳодни севсанг, менга чиройингни берармидинг, дейди у. Ширин, бермасдим, деб жавоб қайтаради. Маҳманабону, мен ҳам Фарҳодни севаман, деб айтолмайди. Тахт қонун-қоидаларига кўра, «мен сени қамаб қўяман, Фарҳодни

ўлдирмайман, аммо жазолайман», дейди у. Фарҳодни сўроққа тутганда, у ҳам Ширинни севишини айтади ва унинг қўлини сўрайди. Аммо бунинг шарти бор, дейди Маҳманабону ва шаҳар сувга зорлигини, агар у тоғдан шаҳарга сув оқизиб келтиролса Ширинни беришини айтади. Фарҳод рози бўлади. Аммо бу иш 20 йилга чўзилиши мумкин, дейди ҳукмдор. Розиман, дейди Фарҳод. Сўнгра у Навоийдагидек метин гурзи ва чўкичлар ясаб, тоғни қўпориб, ариқ оча бошлайди. Орадан ўн йил ўтганда Ширин унинг олдига йиғлаб келади. Қўй бу ишни, юр, бирга қочайлик, менинг кута-кута юрагим адои тамом бўлди, дейди. Йўқ, дейди Фарҳод, бутун эл минг хил касалга чалиниб, сув ўрнига ариқдаги йирингни ичиб қирилиб ётса, биз иккимиз бахтли бўла оламизми? Яна сабр қил, шаҳарга сувни олиб келгач, бахтли ҳаёт курамиз, дейди Фарҳод. Ширин эса: Мени яна йилларча кўрмайсан. Манглайимдаги чизиқлар кўзларимнинг ва дудоқларимнинг ёнларига тушади. Мен қариб қоламан. Ўшанда шаҳарга сув оқиб, иккимиз қовушган пайтимизда менинг юзимга аламсиз қарай оласанми? — деб сўрайди. Сен менинг учун ҳаммавақт... — дейди Фарҳод.

— Яхши... индама... ишондим, сени Оллоҳга топширдим, Фарҳодим... мен кутишни, қамоқдаги эрнинг хотини каби, бир аскарнинг онаси каби кутишимни биламан, — дейди Ширин. Фарҳод қўлга гурзисини олиб тоғни ура бошлайди. Халқ эса: Ур, Фарҳод уста, ур. Темиртоғнинг суви тезоқар бўлади, тўлдир ҳавзаларимизни тўлдир. Ур, Фарҳод устанинг гурзиси, ур, деб ҳайқиради.

Мен бу қиёсий кузатувлардан шунга амин бўлдимки, Фарҳод, Ширин ва Хусравнинг муҳаббат тарихлари эрамининг 590 — 628 йиллари орасида юз берган, Хусрав ва Ширин тахт ворислари бўлганлар, Фарҳод, Навоий айтганидай шоҳликни истамаган, санъаткор наққош, тоштарош, паҳлавон йигит бўлган, Шириннинг муҳаббатини қозонган, аммо ҳукмдорларнинг тазйиқи ва макри, ичи қоралиги туфайли муродига етолмаган, ўлдирилган. Хусрав қанчалик улугланмасин, барибир Фарҳод, элсеварлиги билан, эл бахтини ўз бахтидан устун қўйиши билан ўқувчи кўнглидан кетмайди. Фарҳод жаҳон адабиётининг қиёси йўқ, тенгсиз қаҳрамонларидан биридир. Ҳаётда ҳам шундай бўлган, деб ўйлайман.

ЛАЙЛИ билан МАЖНУН



Лайли ва Мажнуннинг покиза, аммо абадиян яраланган муҳаббатини биз ҳаммамиз болаликдан эшитганмиз ва воқеа тафсилотини яхши биламиз.

Улар ўн яшарлигидан бир мактаб, бир синфда ўқишган ўсмирлар эди.

12–14 ёшларида бир-бирларини қаттиқ севиб қолишган. Боланинг оти Қайс, қизнинг оти Лайли эди («лайли» деган сўз арабчада «тун» маъносини

билдиради). Айниқса, Қайснинг муҳаббати чек-чегарасиз бўлгани, Лайлини кўрганда эсини йўқотар даражада ҳамма нарсани унутиши сабабли, уни олдин синфдошлари, кейин ҳамма «Мажнун», яъни «Телба», «Жинни» деб атай бошлаганди. Улар иккаласи ҳам Омирийлар уруғидан эдилар. Қайснинг отаси Лайлиларникига совчи бўлиб боради, аммо Лайлининг отаси рад жавоби беради ва тез орада Ибн Салом деган бошқа бир бойваччага қизини узатиб юборади. Мажнун саҳроларга бош олиб кетади, йиртқич ҳайвонлар орасида юрак яраларини ифодаловчи гамгин шеърлар ёзиб юради. Лайли ҳам бой эрининг уйида ўзини зиндонга тушгандай ҳис қилиб, кўнгилсиз ва бахтсиз ҳаёт кечиради ва ниҳоят вафот этади. Бундан хабар топган, қоқ суяк Мажнун Лайлининг мазорига келиб, қабрини кучганча жон беради. Уни ҳам Лайлининг ёнига дафн этадилар.

Асосий воқеа ана шу.

Аммо гап фақат шугина бўлсайди... Гап бу муҳаббатнинг софлиги, таъмасизлиги, фидойилиги... социал тенгсизлик, сохта ғурур ва ақидапарастликнинг қурбони бўлганлигидадир.



Келинг, Лайли-Мажнун ҳаётининг манзараларини кўздан кечирайлик.

Низомийнинг тасвирлашича, Лайли дур сингари кўзларни қамаштирувчи гўзалликка эга, чиройли ва ақлли, қўғирчоқдай ясанган, тулган ойдай ёруғ, ингичка сарв каби келишган, бир лаҳзалик назари билан кўнгилни яраловчи, кўзларидаги маъсум ғизол ҳадиклари билан ер юзидаги ҳукмдорларни ҳам тупроққа қорадиган, тун кокиллари орасида қолган юзлари ёғду сочар, гўё қарғанинг човутига тушган қуёшга ўхшарди, ширинлигини яширган асал бўйли оғизчасига сал-пал кўринадиган майин тукчалар соя солганди. Отаси Лайлини ва оиласининг нуфузини кўз қорачуғидай ва балки, тумордай эҳтиётлаб сақларди.

Қайс эса, Араб еридаги бир неча қабиланинг бошлиғи, бадавлат бир кишининг йиллар бўйи Оллоҳдан тилаб олган биргина ўғли, ота-она кўзининг оқу қораси эди. Қизил гул ғунчасига ўхшарди, йўқ, гул эмас, сеҳрли ўтга ўхшарди. Шундай бир дур эдики, унда тун ва кун алмашиниб турарди. Курсагилган меҳр — яхшиликлари, Қайсда муҳаббат ва саботни мустаҳкамлаб борарди. Ҳам она, ҳам энагасининг нилий сутларини эмиб, бутун вужуди ғоят авқўи туйғулар билан тулганди. Уни бешигида кўрганлар, сут ва асал кўшилибди бу болада, бу болада ҳавас кўп, чиндан ҳам Қайс деса дегудай, дер эдилар. Араб тилида «қайс», «ўлчов» деган маънони «ҳавас» эса, бир қанча маънога эга бўлиб, «истеъдод» маъносини ҳам билдиради. Яъни унга «истеъдод ўлчови» деб от қўйгандилар. Чиндан ҳам Қайс тенгдошлари орасида энг зеҳни ўткири эди, энг истеъдодли бола эди. Сочлари жингалак, ҳаракатлари жозибаси, шамолда чайқалаётган ўту лолага ўхшарди. Ўн ёшида унинг кўркама ва ажойиблиги афсона бўлиб кетганди. Кўрган одам болага соғлиқ тилар, «Йилоҳо, кўз тегмасин» дер эди. Муаллимининг энг севикли шогирди, илмда ҳам, яхшилиқда ҳам, интизомда ҳам энг аъло ўқувчи эди. Синфларига Лайли қўшилди-ю, Қайс тамом ўзгарди...

Улар бир-бирларини севиб қолдилар. Муҳаббатнинг куч-қудратидан бир неча кунда Қайснинг ранги сомондек сарғайиб кетди. Уларнинг хўрсиниқлари осмонларга етгудай эди. Юраклари қўш тигли ханжар билан тилинганга ўхшарди. Уларда ҳаловат деган нарсa қолмади, кўкраклари изтиробларга тўлиб кетди. Синфдошлар аввал пичир-пичир билан, кейин очикчасига уларни таъқиб эта бошладилар. Ўрталаридаги махфий сир кучалар ва ҳовлиларда овоза бўлиб кетди.

Лайли индамасди, Қайс эди соков,
Аммо сир оламга ёйилди дарров.

Лайлининг кокиллари Қайснинг юрагини ҳам ўриб кетгандай, Қайс ўз ҳаяжонини яширгани билан, тилсиз нигоҳлари ҳолини ошкор этар эди. Шўрлик, севги тузоғидан қутулолмай, усиз чополмас, нафас ололмасди. Жарлик ёқасига чопиб келиб қолган отликдай, ҳалок бўлажагини олдиндан ҳис қилар, ўзини тўхта-толмасди. «Лайли! Лайли!» — деб такрорлашдан тинмас, бошқа намулар, бошқа сўзларни унутганди.

Бир тоғнинг ёнбағри Нажд деб ном олган, Лайлилар хонадонини қадимдан шу ерда истиқомат қиларди. Қайс борлигини эгалтаб олган севгидан савдойи бўлиб қолган, шу ерларда тентираб, Лайлилар чодирининг атрофида юрар, унинг шарпасини узоқларда кўриб қолгудай бўлса, горларда маст бўлиб рақсга тушар, кирсак чалиб, қўшиқлар айтиб, баъзида у ён — бу ён югуриб юрарди.

О, шамол, Лайлининг олдига югур,
Ипак сочларини сийпала бир кур...

Менга севгилимнинг хуш бўйин келтир
Ва улган жонимни қайта тирилтир.

Айтки: «Ёқмасайди ишқ ўти мени,
Излатмасди ҳасрат оқими сени.

Сен менинг бахтимсан, кулфатим, ғамим,
Қалбим жароҳати ҳамда малҳамим, —

дея елларга ёлворарди.

Ана шундай воқеалардан кейин одамлар уни масхаралаб «Мажнун» («Жинни») дея чақира бошлагандилар. Мажнун Лайлини яна бир марта кўриш учун саҳарлаб чодир томон кетар, чунки бу пайтда, одатга кўра, эшик хизматини ўтовчи парда қия очиб қўйиларди. Севишганлар узоқдан докадай бўзариб, тошдай қотиб, бир-бирларига қарардилар.

Бир куни Мажнун Лайлининг кўчасида ўтирган итни қўлига олиб, кўзларига термилиб, ўпиб, кучиб, силаб, ғул сувидан шарбатлар ичира бошлади. Бир йўловчи унга дедик:

— Эй Мажнун, эй телба, ит ахир ҳаром нарсаларни ейди, ўзининг ҳаром жойларини ялайди, итдан ҳам ифлос жонивор йуқ оламда, билмайсанми?

— Эй тентак, — деди унга жавобан Мажнун, — ўз вужудинг ғоваклигини биласанми сен? Бу ит Лайло уйининг қоровули. Менинг вафоли дўстим. Бунинг бир тола жунини арслонга ҳам алишмайман! Қани, дамингни чиқармай, бу ердан даф бўл-чи!

Яна бир куни Лайлилар маҳалласида кечаси осмондаги юлдузларга қараб, уларга ҳасрат қиларкан, бир ўткинчи йигит дедики:

— Ҳей Мажнун, юлдузларга термилиб нима қиласан? Ана, Лайлининг деразаси, чироғи ёниб турибди, чақир уни, ўзи билан гаплашавер.

— Бу юлдузларга Лайли ҳам қараган, унинг назари тушган юлдузларга қараш бахти менга кифоя, — деб жавоб берди Мажнун.

Аммо тақдир ҳатто шунингдай оддий, камтарин муносабатларни ҳам уларга кўп кўриб, ораларига айрилиқ азобини солди.

Қайснинг отаси ўғлининг ҳолидан безовта бўлиб, Лайлилар хонадонига совчи бўлиб боради, аммо Лайлининг отаси: «Ўғлинг мажнун, яъни жинни, сен олдин унга дам солдир, рўза туттир, ўғлингни тузат, кейин ўйлашиб кўрамиз, ҳозир қизимни ўғлинка беролмайман» деб жавоб беради. Шундан кейин Мажнуннинг отаси, ўғлим зора тузалса, деб уни Каъбага олиб кетади. Йўлда ва Каъбада унга кўп насиҳатлар қилади. Бахтли бўламан, десанг, муҳаббатингни унут, дейди. Мажнун эса, бутун қувватимнинг манбаи муҳаббат, муҳаббатим ўлса, мен ҳам ўламан, деб йиглар эди.

Ё Оллоҳ, руҳимни ўлдирсанг ўлдир,
Фақат муҳаббатдан маҳрум этма.
Майли, изтиробларимни чўзсанг чўз,
Фақат яна Лайлининг юзини кўрсат.
Қилдай озиб-тўзиб кетсам ҳам майли,
Фақат Лайли умрбод бахтли бўлсин.
Майли, шамдай эриб, оқиб битсам ҳам,
Соғинчларим ортиб кетса ҳам,
Йилдан йилга ўссин, кучайсин,
Ғолиб бўлсин доим муҳаббат, —

деб илтижо қилар эди.

Ота-унинг уйга қайтдилар. Бу ёқда эса, Лайлини Бани Асад қабиласининг бошлиғи Ибн Саломга унаштирмоқда эдилар.

Фудулний Ибн Саломнинг совға-саломларини шундай таъриф-таъдид:

Никоҳ учун старли мол жунатди,
Шартлашилган ҳамма нарсани юборди.
Минг заррин ковуш: мисрий, ироқий, ҳижозий ва ҳоказо;
Бир-биридан келишган ҳарир ва нозик либосли
Минг жория ва фулом (хизматчи қиз ва йигитлар);
Поввот ва қанд ортилган,
Туки гунафинаю териси оқ мингта ургочи туя;
Минг табла (хурмача) сурмаю анбар мушк;
Юз юк қуруқ ва ҳўл мева каби
Никоҳ учун керак-яроқлар
Лайлининг нақд жони эвазига равона қилинди;
Лайли бу жафодан огоҳ бўлиб,
Умидининг кўзига тупроқ тўлиди,
Мақсудининг ниҳоли баҳор фаслида
Хазон каби япроқларини тўкди.

Бундан хабар топган Мажнун Лайлига шундай бир гинали савт билан мурожаат этади:

Ғайр ила ҳар дам надур сайри гулистон этдигинг?
Базм эдиб, хилват қилиб, юз лутфу эҳсон этдигинг?
Аҳд бунёдин, мурувватдурму, вайрон этдигинг?
Қани, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?!

...Ғайра солиб меҳринги биздан совутдинг оқибат,
Тарки меҳр этдинг, тарийқи зулм тутдинг оқибат,
Аҳулар, паймонлар этмишдик, унутдинг оқибат,
Қани, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Журмимиз нўлдики, биздан айладинг безорлиқ?
Биз ғаминг чекдик, сан этдинг ўзгая ғамхорлиқ,
Сизда одат бумидур? Бўйла улурму ёрлиқ?
Қани, эй золим, бизим-ла аҳду паймон этдигинг?

Бунга жавобан Лайли замондан ва бошига тушган савдолар-
ни никоҳга қилиб, Мажнунга шу мазмунда мактуб жунатади:

Гирибон ўлди расволик алила чок домон ҳам,
Манга расволиғимда дўстлар таън этди, душман ҳам.
Рахи ишқ ичра жон қилдим гирифтори бало тан ҳам,
Бу етмазмики, бир дард орттиурсан дардима сен ҳам?

Ағар тутсам ғамим элдан ниҳон, сабру қарорим йўх,
Ва гар шарҳи ғами пинҳоним этсам, ғамгусорим йўх,
Асири банди зиндонам, алимда ихтиёрим йўх,
Бу етмазмики, бир дард орттиурсан дардима сен ҳам?

Мажнун саҳроларга бош олиб кетиб, йиртқич ҳайвонлар ичида яшайди.

Воқеанинг шу ери эртақларга ўхшайди. Аммо Низомий бу ҳақиқатлигига ишора қилиб бир нақл келтиради.

Бир замон Марв ҳукмдори ваҳший кўппаклар боқаркан: йиртқич, иблисдан баттар ёвуз, бир сакрашда туяни ҳам йиқитадиган даҳшатли итлар. Кимда-ким аччигини келтирса, шоҳ уни шу итларга ташлатаркан ва итлар уни парчалаб ташларканлар. Шоҳнинг узоқни кўрадиган ақлли бир хизматчиси ҳеч кимга билдирмай шу кўппакларга доим овқат бериб тураркан ва итлар шу хизматчи билан дўстлашиб қолган эканлар. Бир куни шоҳ шу хизматчисидан ҳам аччиқланиб, итларга ташлатибди. Аммо итлар унга тегмай, атрофида айланиб, меҳрибонлик билан ингиллашиб, бирга ухлашибди. Шоҳ эса кечаси ёмон туш кўриб, буни хизматчига ноҳақ жазо берганлигидан топиб, бир фуқаросини хизматчининг суяқларини териб кел, ҳурматини жойига қўйиб кўмамиз, депти. Фуқаро хизматчини тирик кўриб, уни шоҳ ёнига бошлаб келибди. Шоҳнинг ажабланганини кўрган хизматчи воқеа тафсилотларини айтиб берибди.

Низомий, Мажнун ҳам бор-йўғини сарфлаб, ҳайвонларни илгаритдан боқиб юрганини таъкидлайди.

Саҳрога Мажнуннинг олдига қариндошлар келиб туришарди. Бир сафар яқинлари унга:

«Лайли чиройли эмас, қоп-қора, ориқ, хунук.
Атрофимизда не-не гузаллар бор,
Беш-ўнтасини кўрсатайлик,
Бирини танла, оберамиз», —

дедилар.

Мажнун уларга:

«Сиз курган, уйлаган ҳаёт бошқадир,
Мен севган, куйлаган ҳаёт бошқадир», —

деди.

У ёқда Лайлини ҳам бир куни халифа ўз ҳузурига чақиртирди.

Халифа сўради: — Сенмисан Лайло?
Дардга йўлиқтирган Қайсни бедаво?
Қани телба қилар гўзалликларинг?
Бошқа гўзаллардан афзалликларинг, —

деб таъна қилди.

Лайло дер: — Сасингиз кўтарманг, бас, сиз!
Чунки халифасиз, Мажнун эмассиз!
Қайсининг кўзларининг нури йўқ сизда,
Самовий ҳолат йўқ юрагингизда!

Бир куни ҳаким Мажнунни даволаш учун ундан қон олмоқ-
чи бўлди. Қўлида наштар, Мажнунни боғлаттирди. Шунда Маж-
нун дод солиб юборди.

Жарроҳ:

— Сен шердан ҳам кўрқмасдинг,
Нега шу наштардан кўрқасан? —

деб сўради.

Мажнун деди: — Таним Лайлога тўла —
Лайлога айланган таним бир йўла!
Эй жарроҳ, сен менга урганда наштар,
Кўрқаман, Лайлога ётгай деб зарар.

Лайли вафот этганда йўлда бир киши Мажнундан сўради:

— Исмнинг нима? — Лайло! — Лайло ўлмадими? — Йўқ, Лайло
ёшганда. Қалбимда. Мен Лайломан!

Ана шундай Лайли ва Мажнун ҳикоятлари. Аммо булар бари
инсоний ҳаёлот маҳсуллари эмасми? Улар ҳаётда чиндан яшаб
ўтган инсонлар эдими?

Ҳа, улар ҳаётда яшаб ўтган инсонлар эди. Улар ҳақида илк
бор хабар ёзиб қолдирган тарихий-адабий китоблар IX ва X аср-
ларга оиддир.

Тугилган йили аниқланмаган, аммо ҳ.276/м.889 йилда вафот этган ёзувчи Ибн Қутайба ўзининг «Китоб аш-шеър» номли асарида, ҳ.356/м.967 йилда вафот этган Абу-л-Фараж Исфахоний «Китоб ал-оғоний» асарида Мажнун (Қайс ибн Мулаввах) исмли шоир ёзиб қолдирган шеърлар ҳақида маълумот қолдиришган. XI аср ўрталарида форс саёҳатчиси Носир Хусравга бадавийлар Арабистоннинг Тоифга яқин бир ерида бир сарой қолдиқларини кўрсатиб, Лайли ўша ерда яшаганини айтишган экан. «Лайли ва Мажнун ҳикояси фавқуллодда ажойибдир», деб ёзади Носир Хусрав ўзининг «Сафарнома» асарида. Ҳали-ҳануз Арабистонга борган саёҳатчиларга бадавийлар Ал-Мулаввах ўғли амир Қайс ҳақидаги ривоятни гапириб беришни яхши кўришар экан. Аммо арабларда ана шу ривоят ва тарихий қайдлардан ўзга, Лайли ва Мажнун ҳақида катта асарлар йўқ. Биринчи бўлиб улар ҳақида Озарбайжонда Низомий, Ҳиндистонда Деҳлавий, Ўрта Осиёда Жомий форс тилида дoston яратдилар. Ўрта Осиёда Сухайлий ва Навоий ўзбек тилида, яна Озарбайжонда Фузулий озари тилида дoston битдилар ва ҳоказо. Овруполиклар ўзлари-ча, жаҳонда «Ромео ва Жульетта»дек қайғули қисса йўқ, деб юрардилар. Шарқнинг Ромео ва Жульеттадан хабари йўқ эди, Фарбнинг Лайли ва Мажнундан. Кейин маълум бўлишича, Лайли ва Мажнун Ромео ва Жульеттадан машхурроқ экан.

Руслар ўтган асрнинг 70-йилларида «Бутун дунё адабиёти» рукни билан 400 жилдлиқ асарларни нашр этишди. Шулар орасида Ўрта асрлар араб шеърляти ҳам бор. Москвада 1975 йилда чиқарилган ана шу китобга Мажнун ёзиб қолдирган ва чет элларда бир неча бор нашр этилган 71 та шеър киритилган ва Мажнуннинг тахминан 700 йилда вафот этгани кўрсатилган.

Сўзимизни Мажнуннинг бир ғазалидан икки байт ила якунлаймиз:

Тошни мендай қийнасалар, парчаланиб қум бўларди,
Елни мендай қийнасалар, тоғлар аро гум бўларди.

Муҳаббатдан, бу даҳшатли азоблардан қочай қандоқ?
Парчаланиб битди жисмим, суякларда ҳамон ингроқ.

Шлова:

Аветик Исаакян талқинида Лайли ва Мажнун

Бир кун Мажнун мудроқ босиб, кўрди тушда Лайлини,
Чин юракдан севиб қолди, берди кўнгил майлини.

— Она! Нана! Бошгинамни қўяр бўлсам ёстиққа,
Жаннатда хур қиз кўраман, кўзим ёшларан жикқа.

Она! Нана! Оқ сутингга рози бўлгин, онажон!
Жаҳон кезиб мен Лайлини топмасам, тинчимас жон! —

Қурол олиб, дуо тилаб, чўкди Мажнун эгиб бош.
Она рози бўлди силаб, кўзларидан оқди ёш.

Мажнун кетди, йўл юрди,
Йўл юрса ҳам мўл юрди.
Шунда бир кун йўлда бирдан
Юраги гурзи урди.

Мингкўл булоқ ёнида
У тўхтаган онида
Тун ҳам тўхтади таққа.
Кўч кўнди Мингкўл тоққа.
Кўч тезда чодирларин ўрнатди Мингкўл тоққа...

Чодирда ухлар Лайли,
Тушда кўрди Мажнунни,
Кўрдию севиб қолди,
Севгандай Мажнун уни.

Ҳаммага ҳам қизил тонг
Ширин тушлар бахш этсин,
Лайлини уйғотгандай
Нури билан уйғотсин.

Лайли кўзасин олиб, сойлик томон югурди,
Мингкўл бўйида бирдан юраги гурзи урди.
Лайли Мажнунни кўрди, Мажнун Лайлини кўрди.
— Ҳей Мажнун, саломимни қабул айла! — дер Лайли.
Мажнун дер: — Минг бор салом, эй, сен, кўзимнинг нури,
қалбимнинг қўри, севиклим Лайли...
Лайлига боқар Мажнун
Таққа тўхтаб.

Мажнунга боқар Лайли
Таққа тўхтаб.

Лайлининг қарашлари тунги чақмоқлар каби
Ёлқинли.

Кўксига оқиб тушган сочи ирмоқлар каби
Тўлқинли.

Етти кун ва етти тун шундай туришди, илло,
Худди бир зум тургандай.
Тошдай қотиб турдилар бири бирини гўё
Эндигина кўргандай.

Мана, ўтди етти кун,
Бир зум каби етти тун.
Лайли хитобот этди:
— Эй, қалбимнинг ҳокими,
Кета қол энди, Мажнун...
Йиғлаб юборди Мажнун:
— Жон Лайли, жоним Лайли, кетмагин Лайли!
Кетмагин, ундан кейин ўлсам ҳам майли.

Ҳиндикушни берайин, хоҳласанг сенга,
Чинмочингача берай бир нафасингга!

Олтин минорамидир шу танинг,
жоним Лайли?
Қорайиблар турибди юзингда
холинг, Лайли...

О, Лайли, жафо қилма, — Мажнун йиғлаб ёлворди.
Аммо Лайли кўзасин кўтарди, кетди-қолди.

Мажнун қолди Лайлининг
орқасидан термилиб,
Кўксига қўлин қўйиб,
азобларга кумилиб...

АБУ НУВОС билан ЖИНОН

«Жаҳон адабиёти» журналининг 1997 йил 2–4 сонларида араб дунёси Журжи Зайдоннинг «Хорун ар-Рашиднинг сингlisi» романи эълон қилинганда биринчи марта Абу Нувос ҳақида учрашдим. Романда Абу Нувоснинг ушбу шеърий парчаси келтирилганди:

Нима қилиб қўйдинг, тийрак мерганим?
Абад маҳрум бўлдим ақлим, дилимдан.
Мен — ўзимдан кетдим, сен — гўё ғаним,
Бир ўқ билан эрким олдинг қўлимдан.
Ўқинг очди жисму таним узра гул,
Жоним, ишқ ўтида қуйдирдинг тамом.
Ингра, нола қилар бўлолмасдан кул,
Шундан бирор жойда топмасман ором.

Бундан ташқари романда Абу Нувоснинг давлат ва халқ мулкини талон-тарож этган вазирни қўрқмай танқид остига олган ҳажвияси ҳам берилганди. Ўшанда мен Абу Нувос ҳаётига қизиқиб қолдим ва эски араб шеъриятини ўргана бошладим, Абулфараж Исфохонийнинг «Қўшиқлар китоби» билан танишдим. Ўрганганларим, ичимда қилиб кетмасин деб, уларни сиз, муҳтарам ўқувчиларга ҳам илиндим.

Одамлар шоир Ҳасан ибн Хонини «Абу Нувос» дейишарди, бу — «Жингалакнинг отаси» деганидир; жингалаксоч бўлгани учун унга шундай лақаб қўйишганди. Бора-бора бу лақаб унинг шоирлик тахаллусига айланиб кетди.



Абу Нувос 756 йилда Жанубий Арабистондаги Аҳвоз деган жойда туғилиб, 813 йилда Бағдодда вафот этган. Отаси ал-Хони халифаликнинг таниқли ҳарбийларидан, онаси Гулбон исмли эронлик бир аёл эди.

Абу Нувос таҳсилни аввал Аҳвозда, сўнг Басрада, кейин Бағдодда олганди. У шоир сифатида танила бошлаган замонларда араблар ҳали ўзини бир бутун миллат сифатида танимаган, араб жамиятида ҳамон маҳаллийчилик касали ҳукм сурарди. Ёш Абу Нувос ҳам ижодининг дастлабки йилларида ана шу аҳмоқона касаллик таъсирига тушиб, жанублик арабларни мадҳ этган, шимоллик арабларни ҳажв қилганди. Шу гуноҳи туфайли оқил халифа Хорун ар-Рашид томонидан ҳибсга олингани ривоят қилинади.

Абу Нувоснинг майпарастлиги ҳам эл оғзида дoston эди. Бир дафъа мамлакатда ичкиликбозлик ёсоқ қилинганда Абу Нувос қонунни бузгани учун халифа ал-Амин томонидан ҳам зиндон қилинганди. Унинг ҳажвчилиги эса ўз бошига етган дейишади. Яъни, шиа оиласидан чиққан Исмоил ибн Аби Саҳл деган йигит Абу Нувоснинг ҳажвига чидай олмай, уни ўлдирган эмиш. Бу ривоятни инкор этувчилар ҳам бор. Аммо Абу Нувос катта таъсир кучига эга бўлган шеърлари билан араб адабиётида ўчмас из қолдиргани ривоят эмас, чин ҳақиқатдир. Севги қувончлари, улфатчиликнинг фазилати, инсонга берилган фоний ҳаёт муҳлатини чиройли ўтказишга интилиш тўғрисидаги ўткир тил ва ёниқ қалб билан битган ғазаллари, қитъа ва қасидалари фақат араб адабиётига эмас, бутун Шарқ шеъриятига ҳам янги йўналиш ва абадий анъана бўлиб кирди. Бу анъана, хусусан, форс шеъриятининг усталари Умар Ҳайём ва Ҳофиз ижодида давом эттирилгани ҳақида рус шарқшунослари ўз фикрларини билдирганлар.

Абу Нувос ёшлигида диний ақидаларни яхши ўзлаштирган, чуқур билим орттирган эди. Аммо табиатан шўх, нозик таъб ва хушчақчақ инсон бўлиб, ўзини айш-ишратдан тиёлмас, беғам, бепарво, салтисувой, ботир ва таваккалчи эди. Қизиқчилиги ва қўли очиклиги учун ҳамма уни яхши кўрарди.

Абу Нувос ўзининг майпарастлиги ва ҳажвиётдаги аёвсизлиги яхши эмаслигини биларди, аммо унинг бошқа майпарастлардан фарқи шунда эдики, у ўз гуноҳларини самимият ва жонли тил билан эътироф этар, ўзига танбеҳ берганларга жавобан «Оллоҳнинг афвидан умидворман» дерди. Аммо ҳар қалай ўзини

ташқашликдан тиёлмасди. Бир куни жомеъда имом: «Ё аййу-
ли кофирун» («Эй кофирлар аҳли») оятини айтиши билан «Лаб-
байк» деворганди. Бир марта воиз ваъз айтганда хунгир-хунгир
пилаган, йиғи сабабини сўрашганда «Мен ваъздаги жаннат,
қақшнам тасвиридан эмас, бунга йиғлаган бир яхши болани
кўриб, унинг таъсирида йиғладим» деганди.

Абу Нувос халқ орасида яна маҳбубпарастлиги билан ҳам танил-
ганди. Лекин у бунга сўфийлар каби илоҳий маъно бермас ва унинг
ишқи ҳаққоний, реалистик ишқ эди. Балки, шу боисдандир, унинг
ишқи ишқий шеърлари бир оз носамимий ва бепарда-яланғоч
эди. Жисмоний афзалликлар, хушомад оҳангларидан ортиқ бирон
фигилят кўзга ташланмасди. У аёллар меҳрини осон қозонар, деяр-
ли ҳеч вақт озорланмас, ишқ савдолари унга енгил-елпи ўйинга
ўхшаб кўринарди. Аммо ҳаёт унинг тақдирини бирдан остин-устун
қилиб юборди: у Жинон исми бир гўзални севиб қолди ва унинг
иллати нозик тасвирлар ҳамда севги оғриқлари билан тула бошлади.

Жинон машҳур ҳадисчи Абдулваҳҳоб ибн Абдулмажид ас-
Соқофийлар оиласига тегишли асиралардан бўлиб, кўриниши
бешиҳоя чиройли, ўзини тутиши зиёлиларга хос, ҳар қандай олам-
ни ҳам безътибор қолдирмайдиган, маданиятли, маълумотли
горня эди. Ривоятга қараганда, Абу Нувос уни бир тўйда кўриб
толганди. Абу Нувос бу воқеани шундай тасвирлайди:

Келин юзин янга очган онада
Жинон пайдо бўлди унинг ёнида.
Одамлар Жиноннинг ҳуснини кўриб
Ҳайкалдай қотишди бирдан оҳ уриб.
Ҳамма келин шу деб ўйларди, бироқ
Чин келин ёнида турарди оппоқ.
Келиннинг онаси бўлиб бетоқат
Дер эди: — Аммора¹ юборди офат.

Абу Нувос шу ондаёқ бу шеърини бир бола орқали Жинонга
юборди, шеър сўнгида у қиздан бир учрашувга келишни сўра-
ди, агар йўқ деса бу дунёда яшагиси келмаслигини ҳам илова
қилганди. Бола бўзариб қайтди. Абу Нувос ундан Жинон нима
деганини сўради. Аммо бола индамади. Шунда Абу Нувос мана
бу шеърни ёзган деб ривоят қиладилар:

¹ Аммора — кўёвнинг онаси, Жиноннинг эса бегойими эди.

Не учун ёзгирасан. берай сенга жонимни,
 Ёқтирмадинг қайси сўз, қайси бир баёнимни?
 Элчимга нима дединг, хавогирга тўлди қалб,
 Учрашув йўли йўқми? Тукасанми қонимни?
 Хижолат бўлиб қайтди олдимга бола шўрлик,
 Орли ҳоли тош бўлиб эди устихонимни.
 Агар Жинон тузукроқ жавоб қайтарганида
 Элчимнинг юзларида кўрардим омонимни.

Аммо Жинондан яхши жавоб қайтмади:

«Илоҳо, хонадонингда ҳеч қачон ҳижрон аримасин, илоҳо, сени ҳеч ким яхши кўрмасин, кимда-ким сени яхши кўрса, орзу-армони ушалмасин», — деган қарғишга ўхшаган жавоб Абу Нувосни эсанкиратиб қўйди.

Аммо унинг қалбига тушган ўт учадиганга ўхшамасди. У Соқофийлар хонадонини таъқиб эта бошлади. Жиноннинг ҳар қадами, ҳар бир режасини билиб олиш учун ҳеч қандай воситадан қайтмасди.

Бир кўни Абу Нувосга Жинон ҳажга отланаётганини айтишди.

— Худо ҳақи, мен ҳам ҳажга бораман. Агар унинг кетиши аниқ бўлса, менинг ҳам кетишим муҳаққақ, — деди у.

Одамлар, у ҳазиллашяпти, деб ўйлашганди. Лекин Жиноннинг жўнаб кетаётганини билгач, у Жинондан олдинроқ жўнаб қолди. У илгари ҳажга кетмоқчи эмасди, фақат Жинон у ёққа кетмоқчи бўлгани учун шундай қарорга келганди. Шундай қилиб у ҳажга борди, қайтиб келганда эса, маъна бу шеърни ёзган экан:

Жинон ҳажга кетишин эшитиб ҳажга кетдим,
 Ният этдим бизларни қўшса бу йўл деб зора.
 Унга етишмоқ учун сарфладим борлигимни,
 Лекин бу осон эмас, жоним учрар завола...
 Кўнглини тополмасдан йўқотдим соғингимни,
 Мушкуллим ечимни ҳам Оллоҳимга ҳавола.

Абу Нувос илгарилар аёлларга кўп тегишиб-ҳазиллашиб юрар, одамлар буни «Абу Нувосча муҳаббат» деб тушунишарди. Аммо Абу Нувоснинг Жинонга муносабати бошқача эди: у Жинонни ростакамига, чин юракдан севарди. Буни барча дўстлари тасдиқлайдилар ва унга ишонадилар. Фақат Жинон Абу Нувосни севмас, чунки унга ишонмасди. Шоир эса кетма-кет шеър ёзиб,

Жинондан ўпкаланар, ўз муҳаббатининг самимийлигига ишон-тириш учун ўзини ўтга-чўққа уриб, бир амаллаб шеърларини ўнга етказарди.

Жинон, Жинон, эй менинг кўнгилдаги орзуим,
Сахий булсанг, кўк йиғлаб тўкмасди қонли ёмғир.
Қайсарлик қилаверсанг — ундай қилма, азизим, —
Суякларим саҳрода чириб битади охир.
Мен шундай қиз севдимки, кўп навқирон ёшларни
Тирноқча ҳам ачинмай у бир-бир этди халок.
Унинг хумор кўзлари ҳатто метин тошларни
Бир қарашда яралаб айлайди бағрин чок-чок.

Бир куни Абу Нувос Соқофийлар хонадони қаршисидаги уйдан уларнинг ҳовлисидаги воқеаларни кузатиб ўтириб, у ерда бир киши вафот этганини кўрди. Дафн маросими бўлаётган эди. Жинон бир тўда хотинлар орасида юзларини тимдалаб фарёд кўтараётган эди.

Абу Нувос шундай бир шеър ёзди:

Кўрдим, дафнда бир ой чиқиб, аза бошлади:
Бир гала қизлар аро йиғлар эди хун бўлиб.
Тукилди кўзларидан маржон-маржон ёшлари,
Гуё гулни саварди сочилган гўжум бўлиб.
Нечун гўрга киражак ўликка йиғлайсан зор?
Йиғласанг-чи, остонанг узра ўлаётганга!
Дафн чоғи кўрдим мен бу ойни беихтиёр,
На каниз, на пардалар тўсиқ бўлолди манга.
Майли, у ошиқларин ажалдай яраласин,
Ўлдирса ўлдирсин-у, менга битта қарасин.

Ўша даврнинг машҳур ҳадисчиси Суфён ибн Уяйна (768–859) Абу Нувосни бепарда шеърлари учун Новвос (Буқача) деб масхара-ларди, аммо унинг бу шеърини эшитиб:

— Басралик шоирлар ичида энг зўри ана шу уятсиз Абу Нувос бўлади, — деган экан.

Дерларки, бир куни Жинон дугоналаридан бирига шундай депти:

— Ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайдиган бу ярамас киши доим мени хафа қилади, жонимга тегиб кетди, тинчимни бузгани-бузган. Унинг дастидан бир ёққа боровмайман: ё йўлимни тўсади. ё

ўқдай кўзлари билан мени беҳаёларча таъқиб қилади. Юрагим мени ҳар маҳал у ҳақда сўйлашга ва ўйлашга мажбур қилади. У мен ҳақда гапириб чарчамайди. Мени шеър қилгани-қилган. Очигини айтсам, кейинги пайтларда унга сал-пал ачина бошладим.

Афтидан, Жинон асиралиқдан олдин яхши оиланинг фарзанди бўлган ва Соқофийлардан ҳам фақат яхшилик кўрган шекилли, хожалари ва бегойимига гард ҳам юқтиргиси келмасди. Аммо унинг уз дугонасига айтган гапи Абу Нувосни ҳаяжонга солди:

Жинон ҳақда чиройли нақл айтган дилдора.
Худо ҳақи, гапингни такрорлагин бир бора.
Чиндан шикоят қилиб, кўп чидадим, дедимн,
Қайга борсам ортимдан отар одим, дедими?
«Ёнидан ўтиб қолсам, эзилади бир ҳолат,
Ўқдай назари билан мени қилар хижолат.
Агар бир зум тўхтасам, гапирмайди менга у.
Тил-забони тутилиб, титрайди мисли оҳу.
Орқамдан қолмай сира юрагимни ғашлади,
Энди унга гоҳи-гоҳ раҳмин кела бошлади».

Ниҳоят, Жиноннинг кўнгли юмшагани аҳволни яхшилаши керак эди, аммо Абу Нувос биринчи учрашувдан кейиноқ буни ошкор қилувчи шеърлар ёза бошлади. Шунда Жинон Абу Нувосга:

«Сен мени шармисор қилдинг. Энди биз учрашмаймиз, лоақал одамлар орасида гап-сўзлар тинмагунча учрашишимизнинг иложи йўқ» деб хат ёзди.

Абу Нувос ўзининг шеърий жавобида: «Биз энди бир-биримизни топганимизда одамларнинг ғийбати деб севгимизни ҳайдашимиз яхши эмас, чунки бундан ишқимиз янада кўпроқ оловланади... Агар менинг уйим Соқофийлар томонда бўлса, уларга нима зиён келтиради? Улар бундан эмас, бизнинг орамиздаги муҳаббатдан кўпроқ безовта бўлишади» деб шундай шеър ёзди:

Менинг узоқ йиллик ошиқлигимдан
Нуқсон топган ул ёр отамдан азиз.
Аммо сўраб кўринг айбимни ундан,
Жавоби шу бўлар: «Севади ҳаргиз».

Жинонга бу шеърнинг хабари ҳам етиб боргач, у узоқ вақтгача Абу Нувосни кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамади.

Абу Нувос одамларга шикоят оҳангида: «Майли, мен шеърларимда унинг номини айтмай, бошқа от ишлата қолай, аммо бундан бирон нарса ўзгариб қоладими, ахир Оллоҳ, яширилган на сирли нарсаларнинг ҳаммасини билади-ку», дер эди.

Кунлардан бир кун Абу Нувос тушида Жинонни кўрди: гуё улар ярашган эмишлар... Шунда унинг хаёлида шундай сатрлар тугилди:

Тушда кўришдилар сояларимиз,
 Ўнгда ҳам юмшармиз бир кунмас бир кун.
 Ажабо, бахтли-ку сояларимиз,
 Ўзимиз бахтсизмиз мунча... не учун?
 Мудраганда менга бўлдингми мойил?
 Давом эттир ўнгда майлингни, Жинон...
 Севишиб... умрни этамиз зойил,
 Тушда ярашамиз — чекинар ҳижрон.
 Тонгда уйғонамиз: сенда ҳамон қаҳр,
 Менда аччиқ зарда, тубсиз бир алам.
 Афсус, туш терс келар кўпинча, ахир,
 Аммо ўнг келади баъзида туш ҳам.

Лекин Абу Нувос билан Жиноннинг севги достони яхши тугамади. Соқофийлар ҳаммасига чек қўйиш учун бўлса керак, Жинонни бир бойваччага сотиб юборишди.

Айт, қайси элларда қолиб кетдинг сен?
 Олиб қочди қандай отлар, туялар?
 Қандай қамчилашди отлар сағрисин?
 Сенга макон бўлди қандай уялар?

У борар жойи номаълум ерларга шеърый мактублар битар ва: «Агар қоғоздаги сатрларни йўқотмоқчи бўлсанг, уларни садафдай ярқироқ тишларингга яқинлаштириб, тилинг билан ўчир, ўшанда мен ҳар сафар сатрга теккан тилларингдан гойибона ўпаётган бўламан, сен менга шундай ўпичлар ҳадя қиласан деган умид билан яшайман», деб зорланарди.

Кейин у муҳаббат ҳақидаги ҳамма шеърларини «Ҳамрийёт» деган тўпламига киритди. Бу сўз нима маънони билдириши манбаларда айтилмаган. Фақат мен Абдуллоҳ Ёгиннинг «Янги лугати»дан «ҳамра» сўзининг «қип-қизил», «азоб ва машаққатларга тўла йил», «шиддатли ўлим», «юзи қизарган хотин» маъноларини келишини аниқладим.

ҲОТАМ билан МОВИЯ

«Ҳотам» сўзи биз, ўзбекларга, яхши таниш. Ўта сахий одамларни ҳотамтой деб таърифлаймиз ва баъзан ўғилларимизга Ҳотам деб от қўямиз. Изоҳли луғатларимизда бу, Той юртида яшаб ўтган Хотам («Х» юмшоқ эмас) номли афсонавий арабнинг исми-лақабидан, дейилган. Аслида Хотам афсонавий эмас, тари-



хий бир шахс бўлиб, ҳақиқий ва тўла исми Хотим ибн Абдуллоҳ ибн Саъд ибн ал-Хашраж ибн Имрул-Қайс ат-Тоидир. Қисқа қилиб Хотим ат-Тои дейишган. Исломдан аввал сахийлиги билан машҳур бўлган, VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрнинг бошларида яшаб ўтган шоир ва аслзода.

Араб тилида «хотим» «муҳр» деган маънони англатади, юзида ёки жисмида катта холи бўлган болаларга Хотим деб от қўйишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи вассалламни ҳам жисмида ҳам хол-муҳри бўлгани учун «Хотам-ул Анбиё», «Хотам-ул Хотам» дейишарди. Бизга бу сўз «Хотим» ҳолида эмас, «Ҳотам» деб ўзлашилган.

Хотам ат-Тоий Ал-Нобиға, Обид ибн ал-Абраш, Бишр ибн Аби Ҳозим каби шоирлар билан бир даврда фаолият кўрсатган. Шеърларининг аксарияти худбинликдан ҳазар ва жўмардлик (сахийлик, қўли очиклик) мадҳиясига оиддир. Унча катта бўлмаган бир девони сақланиб қолган. Биз уни, араблар айтганидай, Хотим деб эмас, халқимиз кўникканидай, Ҳотам деб олдик.

Абулфараж ёзишича, Ҳотамнинг онаси Ўтба, худди ўғли каби саҳий аёл бўлиб, ҳеч нимасини эҳтиёт қилмас, ким сўраб келса, бериб юбораверар эди. У Афиф деган машҳур бир бойнинг қизи бўлиб, эриникига жуда катта сеп билан тушган эди. Саховати ва меҳмондўстлиги туфайли уйда биронта мол-бисоти қолмаган эди. Буни кўрган акалари Ўтбани ўз васийлигига олган, кенинги дунёсини бошқаришни унга тақиб қўйишганди.

Ўтба, Ҳотамга ҳомилали бўлганда, тушида бир одам ундан:

— Сен саҳийларнинг саҳийи Ҳотам деган бир ўғил кўришини хоҳлайсанми ё отасини қувонтирадиган, жанг чоғи арслон бўлиб кетадиган, кўрқоқ ва тилёғламачи бўлмайдиган ўн нафар наमत ўғилними? — деб сўрайди.

— Ҳотам деган ўғилни, — дейди Ўтба ва Ҳотамни туғади. Бола улғаяр-улғаймас, егулигини уйдан олиб чиқиб кетар, ҳамтовоқ топса, у билан бирга ер, топмаса овқатини ташлаб юборарди.

Бундай аҳволни кўрган отаси бир куни Ҳотамга қаттиқ танбеҳ беради, сўнг унга бир чўри ва бир от ҳадя қилиб:

— Бор, туяларни ўтлат, — деб буюради.

Ҳотам бўлса яйловда одам қидириб, ҳеч кимни топмагач, йўлга чиқиб атрофига аланглаб ўтирган ва уч йўловчини кўрган. Улар:

— Бизга озгина дам олсак бўладиган жой ва бир оз егулик топилмайдими? — деб сўрашган Ҳотамдан. У уч туясини сўйиб, ю гўштлари тамом бўлгунча уларни бир неча ой меҳмон қилган. Булар Обид ибн ал-Абрас, Бишр ибн Абу Ҳозим ва ан-Набиға ибн-Зубейний деган, уч юртдан келаётган шоирлар эди. Улар Ҳотам билан хайрлашиб кетаркан, ўз юртларида Ҳотамнинг саховатини мадҳ этиб, элга овоза қилмоқчи бўлишди.

Ҳотамнинг отаси яйловга келиб, туяларини суриштирса:

— Ота, мен у туялар орқали сизнинг номингизни мангу шуҳрат маржони билан безадим, — деб жавоб берганини ривоят қилишади одамлар...

Ҳотамнинг ота-онаси эрта вафот этиб кетган ва Ҳотам бобосининг қўлида қолган бўлишига қарамай, бор-йўқ нарсасини ҳаммага улашаверишда давом этар, унинг бу атворини тўғриламаган бобоси:

— Худога онт ичиб айтайки, мен ҳеч қачон сен билан бирга ишолмайман, — деди ва икковларига қолган меросдан ўз улушини ажратиб олиб, Ҳотамни ёлғиз ўзини ташлаб кетди. Хуллас,

Ҳотам бирда ундоқ, бирда бундоқ, бирда оч-яланғоч, бирда бойиб кетиб, бир амаллаб уйланиб умр кечирган.

Ўша пайтларда Арабистонда бир неча қабилаларни бирлаштириб, ўз ҳокимиятини ўрнатган Афзар деган подшоҳ бўлар эди. Унинг Мовия деган бир гузал ва оқила қизи бор эди. Афзар вафот этгач, унинг ўрнига Мовия шоҳина бўлиб қолган эди. У эрга тегишга қарор қилиб, ўз гуломларини Хиро тарафларга жўнатган ва энг чиройли ва кўзга яқин йигитларни бошлаб келишни буюрган. Улар Ҳотамни ҳам олиб келишди.

— Кел, ўринга ўтир, — деди Мовия.

— Йўқ. Сени синашим керак. Икки дўстимни кутяпман, — деди у.

— Манқал келтиришсинми? Совқотсанг агар...

— Орқам иссиққа ўрганмаган, — деди Ҳотам. (Кейин унинг бу гапи мақолга айланиб кетганди.)

Кугавериб чарчаган Мовия Ҳотамга шароб келтиришни буюрди.

— Дўстларимга нима бўлганини билмагунча сенинг олдингда овқатланмайман, — деди Ҳотам.

— Мен уларга егулик юбораман, — деди Мовия.

— Кераги йўқ, уларнинг олдига ўзим бора қолай, — деб ўрнидан туриб кетди.

Дўстларининг олдига келган Ҳотам улардан сўради:

— Афзарнинг қизига қулликни хоҳлайсизми ё унинг қўйчивони бўлишними, ё қатл маъқулроқми? Қай бири кўпроқ ёқади сизларга?

— Ҳаммаси бир-биридан баттар, — дейишди улар.

— Ундай бўлса қочамиз, — деди Ҳотам ва улар тоққа қочишди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, Ҳотам Мовия ҳузурига ўзи борди. Бу гал унинг олдида икки киши — шоир ан-Набига ва Набит тарафдан келган яна бир шоир ўтиришган экан.

Мовия учаласига қараб:

— Ўз қабилаларингизга боринглар ва ҳар бирингиз нима билан машғуллингиз, қабила ичида қандай ўрин тутишингиз тўғрисида ҳикоя қилувчи шеър ёзинглар. Қай бирингиз энг сазий, энг олижаноб ва энг яхши шоир бўлсангиз, мен ўшанга тегаман, — деди.

Биз ўз эртақларимизда подшоҳларнинг қизлари ўз харидорларига турли шартлар қўйиши ва шартни адо этган мард йигитга тегиши тўғрисида кўп ўқиганмиз. Мовия билан уч шоир воқеаси эса, эртақ эмас, ҳаётда содир бўлган тарихий воқеадир.

Уч шоир юрт-юртларига кетишди ва ҳар бири биттадан туя қўйишди.

Мовия ўз асираларининг кийимини олиб, чўриларга ўхшаб кийинди ва бирма-бир уларнинг кетидан борди. Энг олдин Набитлик шоир ҳузурига борди ва сўйган туясидан узига озгина эт кесиб беришни сўради. Шоир унга туянинг оёғи ва қоринчақларидан берди. Мовия уларни олиб, жўнаб кетди ва Бану Зубёнга ан-Набиға ҳузурига борди. Буниси туянинг думини берди. Мовия уни олиб кетди ва оловга қозон осаётган Ҳотамнинг олдига борди. Ҳотамдан озгина эт сўради. Ҳотам:

— Бир оз кутиб тур, мен сенга хоҳлаганингни бераман, — деди.

Ҳотам олдин уни тўйғазди, кейин туянинг орқа тўши, ўрқачи ва елкасини унга ҳаля қилди. Мовия ҳеч кимга танилмай жўнаб кетди. Бошқалар унга туянинг сирт қисмини ҳадяликка юборишгиди. Ҳотам эса, ўз қабиласидан келган бошқа аёлларга қанчадан берган бўлса, Мовияга ҳам роппа-роса ўшанча берган эди.

Мовия учала шоирни саройга чақиртирди ва шеър ўқитди. Набит шоири шундай деб ёзган эди:

Қишда, шамол эсганида, айтиб отимни
Сўрадингми Набитлардан менинг зотимни?
Мол сўйганлар албат олис соҳилга келар,
Туя боши ва ёнбоши, сўйсанг, ёғ бўлар.
Набит аро яйлов излаб юрган киши дер:
Яйловга мол ҳайдаш билан эркин қўйиш — бир.
Бўғоз туя эмчагини қўйишса боғлаб,
Тушунганлар келмас тонгда қимрон сўроғлаб.

Мовия: — Сен оғироёқ туяга мадҳия ёзибсан, — деди.

Шундан кейин ан-Набиға ўз шеърини ўқиди:

Осмонларда кезганида булутлар беҳол,
Увиллаган чоғи тинмай атрофда шамол,
Қувганида тунни совуқ ел билан бирга,
Бану Зубён айтмадимми зотимни сенга?
Эт майдалаб, улашаман барин бир йўла,
Икки қўллаб товоқларга тўлатгум қайла.

— Одамлар қайлали емақларини еяётганда, бировга ёмонлик ишламайдилар, — деб қўйди Мовия ва:

— Қани, Бану Той оғаси, сен ҳам ўз шеърингни ўқи-чи, — деди.

Ҳотам ўқий бошлади:

О Мовия, сендан кейин олам менга бўлди тор.
Узр айтдим, сен кечирдинг, яна ҳаёт бўлди бор.
О Мовия, келар экан, кетар экан яхшилик,
Ундан қолган хотиралар одамларга бўлмай ёр.
О Мовия, кимки менга, зарар кўрдик, деса гар,
Мен ҳеч қачон ул одамни ҳеч нарсага этмам зор.
О Мовия. йўқ, дессанг де, сабабини изоҳлаб.
Ёки, ҳўп, де. ҳайдамасдан, важ излама қилиб хор.
О Мовия, бу бойликлар жонга тегар бир куни,
Ҳеч кимсага давлат ёрдам бермас зинҳор ба зинҳор.

У жуда узун шеър ўқиди. Шеър тугаши билан Мовия ўз асираларига дастурхон ёзишни ва шоирларнинг олдига ўзлари берган нарсаларни тортишни буюрди. Асиралар амрни адо этдилар. Ан-Набиға билан Набит шоирининг бошлари қуйи эгилди, Ҳотам эса келтирилган этларни бошқаларга бериб, ўзи билан олиб келган ўз улушини ҳам шу ердагиларга берди. Буни кўриб ҳамма кулиб юборди. Мовия эса:

— Ҳотам, сен энг сахий инсон ва энг яхши шоир экансан, — деди.

Икки шоир даврдан чиқиб кетишди.

Мовия Ҳотамга:

— Хотининг билан ажраш, шунда сенга тегаман, — деди.

— Хотиним билан ажрашмайман, тегмасанг тегма, — деб, у ҳам чиқиб кетди.

Мовия унинг орқасидан турли совға-саломлар бериб юборди.

Ҳотамнинг хотини вафот этганда, у яна Мовияни кўргиси келди ва унга совчи юборди. Мовия рози бўлгач, турмуш қурдилар.

Мовия Ҳотамдан бир ўғил кўрди, отини Одий қўйдилар. Одий улғайганда Пайғамбар саллаллоху алайҳи вассаллам билан учрашгани ва отаси ҳақида суҳбатлашгани ҳадис китобларида қайд этуғлиқдир.

Орадан йиллар ўтиб, Мовия Ҳотам билан ажрашмоқчи бўлди. Ҳотам сабабини кўп суриштирди, аммо жавоб ололмагач, тоғларга кетиб қолди. Бир куни Ҳотамнинг олдига Мовиядан бир канизак элчи бўлиб келди ва унга:

— Мовия сенга салом айтди ва сенинг қариндошларинг бизникида тўхтади, деб айтди. Уларни меҳмон қилиб тўйгазиш учун бир туя, ичириш учун бир меш қимрон юбор, — деди.

— Шуям гап буптими, жоним билан! — деди Ҳотам ва бир эмас, икки туяни сўйиб, уч мешда қимрон ҳозирлаб оборди.

Шунда Мовиянинг чинқирган овози янграганиди:

— Мана шунинг учун сен билан ажрашдим! Сен болаларимизни гадо қилиб қолдирасан!

Бунга жавобан Ҳотам шундай шеър битган экан:

Бугун, кеча ва эрта — бу аслида тақдир демакдир.

Замон орамизда дайди, унинг иши дайди макдир.

Кунлар утар-кетар, фурсат келгай ҳузуримизга.

Биз мангу қолмасмиз дунёда, вақт эса тинмай дайди.

Ҳар кимнинг ўз муҳлати бор, бизни етаклаб юрар у,

Биз унинг кетидан юрамиз, тақдирнинг фитрати бу.

Ҳотам оламдан ўтганда бир куни Мовиядан жияни, эсингизда қолган бир воқеани айтиб беринг, деб сўради. Мовия айтди:

— Бир йили юртимизга қаҳатчилик келди: қўй ва туяларимиз гирилди. Бир куни кечаси очликдан ухлолмай ётгандик. Ҳотам қулига Одийни, мен қизимиз Софонани олиб, овутиб, аллалаб ўтирар, аммо болаларимиз ухлашмасди. Шунда Ҳотам, сен ҳам ухла, деб мени тинчлантирди. Шунда ўзимни ухлаганга солиб етдим. Бир пайт чодирга кимдир кирди. Ҳотам бошини кўтариб қараса, бир хотин...

— Нима бўлди? — деб сўради у.

— Эй, Софонанинг отаси, болаларим бўри боладай увиллаш-япти, шунинг учун олдинга келдим, — деди у.

— Олиб кел болаларингни, Худо ҳақи, уларни бир амаллаб тўйгазаман, — деди Ҳотам. Хотин чиқиб кетди.

Мен сакраб турдим:

— Қанақа қилиб тўйгазасан, ўз болаларинг очликдан зўрға ухлаши-ку?

— Худо ҳақи, болаларингни ҳам уларга қўшиб тўйгазаман! — деди у ва ўзининг отини сўйиб, чақмоқ билан ўт ёқди, гулханда ўт пишириб, ҳаммамизни тўйгазди. Бу ҳам емагандай барча оч қўшнилари ҳам чақирди. Тонг отганда отнинг қуруқ суякларини гуёқларидан бўлак ҳеч нима қолмаганиди. Ўшанда Ҳотамнинг ўзи ҳаммадан очроқ бўлса ҳам ҳеч нима емаганиди.

АБУ-Л-АТАХИЯ билан ЎТБА

1

Абу-л-Атахия арабларнинг Аббосийлар давридаги энг машхур шоирларидан биридир. Абу-л-Атахия унинг лақаби, ҳақиқий исми шарифи Исмоил ибн ал-Қосим ибн Сувайд ибн Кайсон, куняси Абу Исҳоқ бўлиб, 748 йилда (баъзи олимларга кўра 750 йилда) Куфада туғилган. Аждодлари Мадинага яқин кичик бир шаҳар Айн ат-Тамрда истиқомат қилишар, VII асрда яшаган машхур араб лашкарбошиси Холид ибн Валид бу шаҳарни босиб олганда, кўп болалар қатори Абу-л-Атахиянинг катта бобоси Кайсонни ҳам асир олиб, Абу Бакр Сиддиқ ихтиёрига юборган эди. Абу Бакр ҳамма болалардан уруғ-аймоқларини суриштирган, Кайсонга навбат келганда, у «Мен Анза қабиласиданман» деган ва шу ерда ўтирган Ал-Анза, Абу Бакрнинг дўсти эди, Кайсонни ўзига совға қилинишини сўраган. Ал-Анза Кайсонни дўстига совға қилган, Абу Бакр эса ўз навбатида Кайсонга озодлик берган. Шундай қилиб Абу-л-Атахия аввал кулликка тушган, сўнг кулликдан озод бўлган Бану Анза қабиласидан эди.

Отаси ал-Қосим касалларга қон қуйиб даволовчи табиб эди. Бу касбини ўғиллари Исмоил ва Зайдга ҳам ўргатган эди. Бундан ташқари, бу оиланинг Куфа шаҳрида кулолчилик дўкони ҳам бор эди. Ёш Исмоил акаси Зайд билан шу дўконда сопол буюмлар сотиб кун кечира бошлашганди.



Исмоил озода, оқ юзли ва қора сочли йигит эди. Юзининг ёқимтойлиги, қуюқ қўнғироқ сочлари, назокат билан гапиришлари, ўзини тута билиши дўконга келган харидорларни ўзига жалб этар, у билан кўпроқ суҳбатлашишни хоҳлаб қолишарди. Абдулҳамид ибн Сарни исмли бир тарихчининг ҳикоя қилишича, бир куни у сопол дўконига кирганда, бу ернинг кулоли ким? — деб сўраган.

— Мен қофия сотаман, акам гултуваклар сотади, — деб жавоб берган Исмоил.

Чиндан ҳам, у келган харидорларга шеър ўқиб, агар қизиқиб қолишса, шеърини гултувак ёнига ёзиб берарди. Кўпинча шеърга қизиққан ёшлар ўзлари дўконга келиб турли сополакларга унинг шеърларини ёзиб олишарди. Бора-бора хумча-хурмачаларга олифта бойваччалар, мутаассиблар, гап уқмас телбаларни масхара қиладиган кичик-кичик халқчил шеърлар ҳам ёзиб қўйилган бўлдики, охир-оқибатда Абу Исҳоқ Исмоил номи Куфа шаҳрига тез овоза бўлиб кетди. Кейин у бастакор дўсти Иброҳим ал-Мавсий билан бирга адабиёт ва санъатда чинакамига ўз кучини ва тақдирини синаш учун Бағдодга кетди. Аввалига уларни ҳеч ким икки чақага ҳам олмади. Исмоил, Хиро деган кичик бир қасабада кун кўриб юрди. Лекин ҳар қалай унинг шўхрати халифа Маҳдининг кулогига чалинди ва у Исмоилни ўз саройига Бағдодга чақиртирди. Халифа уни иззат-икром билан қабул қилди, сўнг унинг фаолиятини астойдил қўллаб-қўлтиқлай бошлади. Аммо бу узоқ давом этмади. Чунки Исмоил саройдаги Ўтба исмли бир хонимчани севиб қолди ва унга бағишлаб номини яширмай гузаллигини тасвир этиб шеърлар ёза бошладди. Бундан ғазабга келган халифа Маҳди уни зиндонга оттирди.

2

Аслида Маҳди у қадар шафқатсиз, ёмон халифалардан эмасди. Аксинча хушфезл, тараққийпарвар, адолатли ва бениҳоя қўли очик, сахий инсон эди. Отаси уни билимдон ва маданиятли этиб тарбиялаган эди. Ёшликдан тил ва адабиётни чуқур ўрганган, шеър ва бошқа адабий санъатларни севарди, араб ривоят ва шеърларининг жуда кўпини ёд биларди. Ўзи ҳам чиройли шеърлар ёзар ва гузал ифода билан ўқирди. Унинг замонида катта тарихий қури-

лишлар амалга оширилган, мамлакат мўлликда ва роҳат-фароғатда яшай бошлаган эди. Унинг ижобий тадбирларидан бири шуки, мукофот ишлари билан шугулланувчи маҳкама қурдирди. Барча ҳокимларни ҳузурига чақиртириб, «мукофот олишга ҳақли бўлган кишиларни аниқлашда менинг ёрдамчим бўлинглар» деди. У халққа шу қадар кўп ёрдам берар ва эҳсонлар тарқатардики, бир куни хазинабон хазина бўшаб қолгани ва шу боис бўш ғазнага хазинабон бўлишни хоҳламаслигини билдириб, калитни Маҳдига ташлаб кетган эди. Тарихчи Масъудийнинг ёзишича, Маҳдини халқнинг маданиятли қатлами ҳам, маданиятсиз, оми қатлами ҳам яхши кўрарди. Шу сабабли хазинани тўлдириш учун амирларини вилоят ва туманларга юборганда, бир ҳафта-ўн кун ичида яна хазина тўлиб қолган экан. Маҳди юмшоқ феълли эди. Инсонларга яхши муомала қиларди. Фақат золимларга ва вафосиз кишиларга нисбатан қаттиққўл ва шафқатсиз эди.

3

Ёш шоир Абу Исҳоқ Исмоилнинг Ўтбани қандай учратгани ва қандай яхши кўриб қолгани ҳақида тарихий маълумот йўқ. Аммо шоирнинг кейинчалик ёшлигини эслаб ёзган бир шеъри борки, у билан танишсак, севги савдоси қандай бошланганини тасаввур қилиш мумкин (биз шеърнинг насрий баёнини қисқартириб келтирамиз): «Ховарнок ва Садир (Ховарнок — қаср, Садир — дам оладиган бир жой) оралиғида кўз очиб юмгунча ўгиб кетган вақтларни аччиқ алам билан эслайман. Биз элчил чавандозлардай тақдир тизгинини тортиб, бошқариб борувчи ёшлар билан улфатчилик қилиб, шодлик денгизига чўмганча боғлардаги шийпончаларда ўтирардик. Улфатларимизнинг ҳаммаси жасур йигитлар эди (Маҳди 31 ёшида халифа бўлган, бу пайтда унинг икки хотини ва ўнларча жориялари бор эди, Исмоил эса ундан бор-йўғи тўрт ёш кичик, уйланмаган йигит эди!). Улар эҳтиросларига бемалол эрк бераверишар, муҳаббатларини яширишмас эди. Бир-биримизга, илк бора мева берган тоқлардан сиқиб олинган оқмармардай сут тутардик, уни жазирама қуёшнинг иссиқ кунлари етиштирган эди. Беозор оҳуларни эслатувчи калта тўнли гулом бола ўтирганларга бирма-бир биллур қадаҳлар узатар ва бу — кўнгилларда кўмилиб ётган сирларни юзага

чиқарарди. Улар соқийнинг қўлларида худди марварид юлдузлардай йилтирарди. Пардалар орқасида пайдо бўлган беллари тасмали гўзаллар бизларни зиёрат қилгани келишди. Улар атрофга муаттар бўйлар таратиб, тасмаларини уйнаганча секин-секин биз тарафга одимлаб келишарди. Бошларига рўмол ташланган бўлса-да, юзлари гул-гул ёнар, қора кўзлари камтарона ерга қараган эди. Улар ипакойим бўлиб улғайишган, ўзларига мушки анбар сепган ва энди шоҳи кўйлақларда нозлана-нозлана келишар, фақат қуёш нурида рўмоллари ортидан тилла исиргалари йилт-йилт қиларди».

Абу Исҳоқ Исмоил ўша кезларда Ўтбани учратди ва унга шеърлар ёзиб қўлига берди. Ва шубҳасизки, унинг шеърларидан бири Маҳдининг қўлига тушди. Маҳди, шоирни хузурига чақиртирди ва уни зиндонга буюраркан:

— Сен атаҳиясан, абу-л-атаҳиясан, — деди ва бу лақаб Исмоил ибн Исҳоққа абадиян ёпишди-қолди.

«Атаҳия» сўзининг арабчада иккита қарама-қарши маъноси бор. Биринчидан, бу сифат босиқ, вазмин табиатли, ақлли одамга нисбатан айтилса, иккинчидан, дунёдаги ҳамма нарсани унутиб бир нарсага ақлсизларча ёпишиб оладиган одамга нисбатан ишлатилади. Бизнинг шоиримизга нисбатан иккинчи маънода ишлатилган эди. Яъни Маҳди, шоирга: «Сен мақтанчоқ, ақли йўқ, савдойи одамсан! Ақлсизнинг отасисан!» деган эди.

4

Тарихчилар ва адабиёт олимлари: Абу-л-Атаҳия кўнгил берган қиз Ўтбани Маҳдининг чўриларидан бири, деб ёзадилар. Аммо 897—967 йилларда яшаб ўтган араб шоири ва олими Абу-л-Фараж ал-Исфаконий «Китоб ал-оғоний», яъни «Кўшиқлар китоби»да Ўтбани фақат Маҳдига қарам мардум деб таърифлайди. Бунинг маъноси шулки, Ўтбаниннг ўз мулозимлари ва канизлари бўлган ҳамда Маҳдининг хотини Ҳайзуроннинг яқин дугонаси бўлиб, саройда хизмат қилган. Албатта, бундай мартабали аёл билан оила қуриш бахти ҳеч қачон амалга ошмайдиган қуруқ хомхаёл эди.

Аммо шоир шоир-да! Ўзини ҳеч кимдан кам деб билмайди. У зиндонда ҳам ўз севгисини унутиб юборолмади. Зиндондан чиққанда дўстлари билан ҳасратлашгандан кейин шундай деб шеър ёзган эди:

Билмайин ҳолимни Аҳмад, бир сўроқ қилди мани:
О, наҳотки чин муҳаббат бирла севсанг Ўтбани!

Ҳа, дедим мен хўрсиниб ва ҳасратимдан чиқди чанг:
Ҳар томирда ишқ оқар, қўймас кўзим ухлатгани...

О, қани ўлсам, қутулсам, ботса тиконлар жисмима.
Кун кўрарман ҳеч тинимсиз минг азоблар тоттани.

Билмадим, қанча яшайман, изтироблар ўлдирар,
Ўлсам ишқдан ўлди, денглар, ёрлақаб Оллоҳ ани.

Ўтбага қул эрди, денглар, озод бўлишни истади.
Озод бўлолмай кетди, Сен бағрингга ол шу бандани.

Бу шеър шоирнинг дўсти Иброҳим ал-Мавсийий ва яна бош-
қа икки бастакор томонидан куйга солинди, ўша даврнинг энг
машҳур ашулачиси Фарида томонидан ижро этилиб, бутун араб
дунёсида катта шов-шувларга сабабчи бўлди.

Шоир ҳамма ишқий шеърларида ўз ҳолини яширмасди.

Қанча кўп йигладим дўстлардан пинҳон,
Чунки уялардим кўзёшларимдан.
Дўстим кўриб мени тергаган замон,
Дарҳол артиб олиб кўзимни зимдан:
— Йўқ, йўқ, йигламадим, — дсрдим дўстимга, —
Енгим тегиб кетди бехос кўзимга.

Бу шеър ҳам тез орада қўшиқ бўлиб кетди.

Албатта, қўшиқлар Ўтбага ҳам катта таъсир кўрсатган ва унга
нисбатан юрагини юмшатган бўлса ажаб эмас.

Абу-л-Атаҳия билан унча-мунча учрашиб, суҳбатлашиб ҳам
турганлигини мантиқан тасаввур қилиш мумкин, аммо бу учра-
шувлар, турган гапки, Ўтбани ишқ ўтига солмаган.

Ҳайкал кўриб қотиб қолган роҳибдай бирон
Лол қоламан Ўтба ўзин этса намоён.

Худо! Менга ато этиб жаннат боғларин
Унут десанг, унуголмам уни ҳеч қачон.

Бир шеърида Абу-д-Атаҳия шундай деб ҳасрат қилади:

Вой қалбимнинг ҳолига, уни севмаслар.
Ёзғиришга арзирлик нима айбим бор?
Оллоҳ, ўзинг биласан, уни севаман.
Ўтба мени севгим деб қилмоқда айбдор.

У олдимга келишга берди ваъдалар,
Кўн ваъда берганига ўзинг гувоҳсан.
Мен келдим, у ваъдага вафо қилмади.
Келмагани сабабин айтмади шахсан.

Ахир, русумга кўра, айтса бўларди.
Дилозорнинг қилмиши ҳавола сенга.
Кўришгиси йўқ бўлса нега хат ёзар?
Нега элчи юборар, аён эт менга.

Ўтба билан мен шахсан кўришгим келар.
Рози бўлса, қалбимни бўлишгим келар.

Бошқа бир шеърида ёзади:

Худо ҳаққи, кўзларимнинг қувончисан, кел!
Ё мен учиб бораёй сенга, бамисоли ел.

Муҳаббатнинг қудратига қоламан ҳайрон:
Хаёлимдан кетмас қочқоқ, қайсар хиромон.

Ўтба, Ўтба, икки йўл бор, ўзинг қилгин ҳал:
Сен йўқ десанг — мени олиб кетажак ажал.

Ё олдимга келиб менга ато этгин жон.
Кўп сўрамам. жамолнингги кўрсатгин бир он.

Уларнинг ўрталари бари бир қовушмади. Менинг тасавву-
римча, Ўтба тез орада эрга тегиб, шоирга бутунлай кўринмай
кетган. Мана бу шеъри шундан далолат беради (насрий баёни):
Дўстлар, нима учун севги дарди тақдирнинг энг сўнгги ҳукми-
дан кейин ҳам ўтиб кетмас экан? Юрагим ҳамон изтиробда,
қаёққаки ўқ отсам, қайтиб келиб кўксимга санчилади, мен
мўлжалга олган одам соппа-соғ. Менда тоқат қолмаган бўлса

ҳам, худо ҳаққи, иродамга қарши бориб чидадим. Мен бутун тану жонимни Оллоҳга топширдим, ўлсам тепамда йиглайдиган кишим қолмади. Менинг танамни ювғувчи гассолларим — гийбатчилар бутун қовурғаларимни бирма-бир санамоқдалар. Худо ҳаққи, мени куйдирганларинг етарли бўлган, энди сен лоақал мени дилозорлардан ҳимоя қилишингни сўрайман.

5

Абу-л-Атаҳия узоқ умр кўрди, бошқа қизга уйланди, ундан уч қиз кўрди, отларини Лиллоҳи, Биллоҳи ва Руқия кўйди, бир ўғил кўрди, отини Муҳаммад кўйди. Муҳаммад отасининг изидан кетди, атоқли шоир ва отасининг муносиб тарғиботчиси бўлди. Аммо Ўтбанинг ҳасрати умрининг охиригача Атаҳиянинг қалбини тарк этмади. У ора-чора: муҳаббатнинг чўғи ҳеч қачон сўнмас экан, деб қўярди. Лекин бундан у хотинини унчалик яхши севмаган бўлса керак, деган хаёлга бориш тўғри эмас, деб ўйлайман.

Бир пайт Маҳдининг ўғли 25 ёшли янги халифа Хорун ар-Рашид 40 яшар Абу-л-Атаҳияга муҳаббат ҳақида шеър ёз. деб буюрди. У, ёзмайман, деганди, зиндонга солди. То муҳаббат ҳақида бир чиройли шеър ёзмагунингча, зиндондан чиқармайман, деб қасам ичди.

Ўшанда Абул-л-Атаҳия зиндонда хотинига бағишлаб шундай шеър ёзган эди:

Ким юпатар ошиқ бўлган маъюс жонимни?
Узун ҳижрон, эҳтиросдан битди мажолим.
Оҳ, соғиндим уйимдаги меҳрибонимни,
Энди қачон кўришамиз, жуфти ҳалолим?

У — насибим, энди менга ҳеч керак эмас,
Марвариду маржон таққан биаклари оқ,
Бугун Оллоҳ бизни тезроқ қовуштирад бас,
Кифоядир сенинг билан кўришсам тезроқ.

ШАЙХ САНЪОН билан ТУМОР (ТАМАРА)



Дунёдаги муҳаббат тарихлари аксар ҳолларда фожиа билан тугаганини кузатганмиз. Кўпинча ижтимоий-сиёсий муҳит, синфлараро тенгсизлик ҳолати, маҳаллий ёки миллий маҳдудликлар муҳаббатларнинг кўнгилсиз барҳам топишига сабабчи бўлганлиги тарихдан маълум. Аммо Шайх Санъон билан Хуморнинг севги фожиасига бу сабаблардан ҳам кўпроқ динлараро адоват сабабчи бўлган, деб ўйлайман.

Шайх Санъон XI—XII асрларда яшаб ўтган тарихий шахс бўлиб, унинг оташин му-

ҳаббати бутун Шарқ мамлакатларида афсона бўлиб кетганди ва бу борада кўп асарлар яратилгандир. Энг олдин буни қаламга олган форс шоири Фаридиддин Аттор (1119—1220) бўлиб 1175 йилда ёзган «Мантиқ ут-тайр» дostonида бу муҳаббат тарихини инсон маънавияти, виждон ва эътиқоди билан боғлиқ тарзда талқин этган эди.

Кейин Алишер Навоийнинг 1499—1500 йилларда ёзган «Лисон ут-тайр» dostonида ҳам бу гўзал туйғу мавзуи узининг янада мукамалроқ, янада ҳаққонийлашган тасвирини топди.



ақлу ҳушим мавжуд эмасдек... Куч-қувватим қаёққа кетди, билмайман. Кўзим, юзим, қўлим, сабрим қани, билмайман. Умрни бундай хору зор кўргунча тирик бўлмаган яхшироқ эди», дейди Санъон ва муридларига: «Мени ўлдиринглар!» дея илтижо қилади.

Муридларидан бири: — Ўзингизни қўлга олинг, — дейди.

Санъон: — Ўзлик қаёқда, у бўлса забт этардим, — дея жавоб беради.

Бири: — Салот ўқинг, — дейди.

Санъон: — Мен телбаман, телбага ақл ўргатмайдилар, — дейди.

Бири: — Покланинг, — дейди.

Санъон: — Кўзёшдан бошқа сувим йўқ, — дейди.

Бири: — Вужудингиз хато қилди, Тангридан узр сўранг, — дейди.

Санъон эса бошини тарсо уйи тарафга буриб:

— Барибир бошимни шу эшикдан олмайман, — деб йиғлайверади.

Бири: — Сафаримиз битди, Ватанга қайтайлик, — деса,

Санъон: — Тангри менга шу бутли хонани ватан қилди, — дейди.

Бири: — Бу йўл дўзах йўли, — деса,

Санъон: — Майлига, етти дўзах оҳимдан куяди, — дейди.

Яна бири: — Жаннатдан ноумид бўлманг, — деса,

Санъон: — Жаннат мен севган тарсонинг юзидадир, — дейди.

Бошқа бири: — Бошқа шайхлар бу ҳолдан хабар топсалар, бизни таъна-маломат қилишади! — деса,

Санъон: — Менинг улар билан ишим йўқ, — дейди.

Тагин бири: — Худодан уялинг, — деса,

Санъон: — Бу ўтти вужудимга Ҳақнинг ўзи солди. мен буни ўз ихтиёрим билан ўзимдан кетказолмайман, — дейди.

Муридларнинг қалби қонга тўлади. Улар олдинда яна қандай ҳодисалар юз беришини билмай ҳайрон бўладилар. Ғайб (ғойибона юз берадиган воқеалар) пардаси ортида қандай ҳикматлар борлиги номаълум эди. Қисмат кимни қандай синашини билиб бўлмасди.

Тарсолар уйи яқинидаги чодирлар қурилган майдонни хавотирлар босади.

Тонг ёришиб қуёш чиққанда Шайх тарсо қиз уйига йўл олади. Қизнинг уйига кирмоқчи бўлса, хизматчилар уни кувиб ҳайдашар, ордасидан итларни қўйиб юборишарди. Аммо Шайх ташқарида, кўпроқ йўлда ўтириб олар, тарсо қиз чиқиб қолишини кутаверарди. Йўл тупроғини кўзларига суртар, кеча-кундуз уй ёнидан кетмай, таъна-дашномларга чидаб ўтирарди. Охири у касал бўлиб қоладди. Ишқи эларо овоза бўлади, ҳамма унга ачинади. Бу воқеалардан хабар топган қиз ахир бир кун ташқари чиқиб, у билан гаплашади.

— Кимки васлимга етмоқчи бўлса, унга тўрт шартим бор, — дейди тарсо қизи. — Биринчидан, у мен билан май ичиши керак. Иккинчидан, Қуръонни ўтда ёқиши керак. Учунчидан, бутун сажда қилиб, белига зуннор боғлаши шарт. Тўртинчидан, бизнинг бутпарастлар динимизга кирмоғи лозим.

Шайх Санъон: — Бу шартларнинг ҳаммасини қабул қилолмайман, фақат май ичишим мумкин, — дейди.

Қиз кулиб рози бўлади. Аммо шайх май ичгандан кейин тарсонинг бошқа шартларини ҳам бажаради. Шунда тарсо қизи шайхдан яна қалин пули ҳам бериши лозимлигини айтади. Шайх, сенинг ишқинг йўлида бор-будимдан айрилиб бўлганман, ҳеч қандай маблағим йўқ, дейди. Бўлмаса, дейди қиз, қалин пули ўрнига менга бир йил чўчкаларимни боқиб берасан.

Санъон рози бўлиб, чўчкабоқарлик қила бошлайди.

Муридлар нима қилишларини билмай, танг аҳволга тушадилар. Уни чўчкабоқарликдан халос этиш учун кўп чора-тадбирлар қилиб кўрадилар, аммо бу тадбирлар Санъонга қилча ҳам таъсир қилмагач, Катбага қайтмоқчи бўладилар.

— Қаерга борсанглар бораверинглар, мени тинч қўйинглар фақат, — дейди у. Шундан кейин муридлар пирнинг аҳволидан таш очмай Маккага қайтадилар.

Шайхнинг яна бир муриди бўлар эди. Севги савдолари унинг бошидан ҳам ўтган, илм ва ҳаёт, севги ва борлиқ, имон-эътиқод ҳодисаларидан бохабар, заковатли йигит эди. Доим шайхига ҳамроҳ бўлиб юрарди. Аммо Шайх Румга отланганда у бир иш юзасидан бошқа сафарга кетган эди. У Маккага келган заҳоти шайхини шират қилгани боради. Аммо хонақоларни бўм-бўш қўриб, нима бўлганини текширгани киришади. Муридлар билан топишиб, шайх мубтало бўлган ишқ ҳодисасини эшитади ва уларга:

— Эй, бевафолар, Муридлик шартини унутибсизлар-ку! Агар шайх қутлуғ бўлса, муридлар ҳам шундай. Қутсиз, яхши-ёмон

кушларда эса, сиз ҳам шундай бўлишингиз, унга тақлид қилишингиз керак эди. Сиз, бевафолар, тартибни бузибсиз. Сизларга муридлик ҳайф! — деб, уларни шайх ёнига қайтишга ундайди.

Эртасигаёқ улар Румга жўнайдилар ва чўчкабоқар Шайх турган манзилга етиб келадилар. Аммо Шайх уларни танимай, чўчкалар орасига кириб кетади. Шунда солик йигит (бирор сўфийлик маслагига мансуб сулук, яъни сўфийлик йўлини тутган йигит) оҳ уриб йиғлайди ва шаҳарга қайтиб, Тангрига муножот ва дуо билан банд бўлади. Ниҳоят, тушида Тангри унинг илтижоларини қабул этганини маълум қилади. Шогирд шукроналар билан шерикларини бошлаб, Шайх ёнига борадилар. Бу асно Шайхдан ҳам гумроҳлик даф бўлган, огоҳлик ҳолига қайтган эди. У содиқ шогирд билан кучоқлашиб кўришади. Бошқалар билан ҳам салом-аликдан сўнг бутпарастлик эгини ечиб ташлайди. Ювиниб хирқа кийгач, ҳаммалари Каъбага йўл оладилар.

Тарсо қизи эса шу куни тушида Исо пайғамбарни кўради.

— Эй, вафо бобида хому норасо! Замон муршиди Шайх Санъон бутхонангга меҳмон бўлиб келди. Сен мезбонлик одатини билмай, меҳмоннинг бошига не кулфатларни солдинг. Энди у сенга мезбонлик одатини кўрсатгани Каъбага кетди. Тез кетидан етиб бор, меҳмони ва жуфти ҳалоли бўл, — дейди Ҳазрат Исо пайғамбар.

Қиз уйғониб, ел учирган тоза гулбаргидай, Шайхнинг кетидан югуради. Аммо чексиз дашт-биёбонда югура-югура чарчаб, касалланиб, йиқилиб қолади.

Бу ҳол Маккага кетаётган Шайхга кашф бўлади.

Шайх бирдан ортига қайтади. Муридлар: «Ё Рабб! Бу не ҳол?» деб яна танг ҳолга тушадилар. Аммо бу гал ҳеч ким ҳеч нима демай, муршидга эргашиб кетаверади. Ва ҳолсиз ётган қиз устидан чиқади. Қиз аранг кўзларини очиб, қилган беадабликлари учун узр сўраб, Исо пайғамбар айтган нишонларни айтади ва:

— Пойинтар-сойинтар сўзларимни шу жойда тугатаман. Тезроқ имонимни келтир, бир нафаслик умрим қолди. — дейди.

Шайх йиғлаганча тарсо севгилисига имон сўраб Тангрига арз этади. Қиз имонга ошно бўлгач, жони узилади.

Аттор галқинида Санъон ғамзада ва аламзада бўлиб, дўстларига:

— Биз, ошиқларнинг, ҳолини кўринг. Санам Ҳақ йўлини топиб, имон завқида хушнуд ва мунаввар бўлди. Қушим овига илинган эди, аммо у учиб кетди, энди мен ҳам бу дунёда қолмайман. Гузалим изидан жаннатга сафарга чиқаман, — дейди.

Қиз тонгда вафот этган бўлса, Шайх туш пайтида жон беради. Ошиқ-маъшуқнинг тобутини изма-из кўтардилар. Шайх ва қиз қабрини ёнма-ён қўядилар.

Навоий талқинида Шайх айрилиққа учрагач, севгилисини ишқ айвонида дафн этиб, дин ва имон ғуристонига қўяди. Каъбадан бутхона томон йўлга қандай чиққан бўлса, худди шундай ҳолда бутхонадан Каъбага томон қайтади. Бу ерда Тангрига ўтмишдаги ишларидан узр сўраб, арз қилади ва ниҳоят узрлари қабул бўлиб қазо уни ўз ёрига қўшади, дейилади.

Хусайн Жовид талқинида вазият анчагина тафовутлидир.

Санъон дастлаб ўз муридлари ва дўстлари билан Тифлис ёнларидаги бир тоғ этаги, Кур дарёси ёқаларига келади, бу ерда миллати турк, дини ислом бўлган йигитларни учратади ва улардан бу ердаги тўққиз-ўн қишлоқ фуқаролари турклар эканлигини аниқлайди. Сўнг ёнғизликни ихтиёр қилиб, ҳамроҳларини бу ердан кетишга ундайди. Бир ўзи дарё ёқалаб кезиб юради ва ҳовузли, гулли-чечакли бир боғчадаги шийпонда илк бора Хуморни учратади ва:

— Оҳ, бу ўша рўё, ўша кўрганим рўё-ку! — деб Арабистонда тушда кўрганларини эслайди. Шайхни кўрган Хумор ундан кимлигини сўрайди, хизматкорлари эса: — Кимсан? Нима керак? — деб дағдаға солади. Аммо қизнинг Платон исмли отаси Шайхни иззат-икром билан кутиб олади ва:

— Шайх! Бир амрингизми бор, ажабо? — деб сўрайди. Платон ҳам, у билан бирга келган папас-руҳоний ҳам, Санъон Хуморга ошиқлигини, ўзи фозил инсон эканлигини англайдилар. Бу манзара устига Шайхни излаб келган дўсти ҳам «яқин атрофдаги бутун ислом аҳли унинг суҳбатига интизор бўлиб кутаётганини» билдиради.

Санъон: «йўқ, боролмайман, мендан бирон фойда чиқмайди сизга, бошқа муршид истангиз ўзингизга» деб, уни қайтармоқчи бўлади.

Папас ҳам: — Ҳеч мумкинми исовий бир қиз

Бир мусулмонга тегсин... Англингиз, — дейди.

Шайх эса: Худо бир, жумла дин бир, адашганлар

Бир-бирига халқни ёв айлашганлар, —

дея жаҳонда ҳамма инсонлар бир-бирига ўхшашлигини айтади.

Папас: — Ундай бўлса мана бу шаробни ич, — деб Санъонга қадаҳ узатади.

Санъон бир оз тараддудда тургач, бир қарорга келади, шаробнинг бир томчисини ҳам қолдирмай, ичиб юборади. Шундан сўнг папас ён чўнтагидан кичик бир хочни чиқариб, Санъонга беради ва: «Бўйнингга осиб ол!» дейди.

Санъон эса: — Марям ўгли осилди дорга, локин
Уни такрорлашга ҳожат бормикин?
Бу, Исонинг аршга бўлди меърожи!
Мен нимаман? Дорнингми жонли ёғочи? —
дея бутни бўйнига осиб олади.

Муридлар: — Сенга лойиқмидир бу иш, ёху?

Санъон: — Қаранг, бир бўлакча кумушдир бу!
Буни осмоқ-ла бир узук тақмоқ
Менча бирдир... ўйлаб кўринглар бундоқ!

Папас: — Жим! Бу ерда ўтмас бундай истехзо!

Санъон: — Йўқ! Бусиз ҳам Ҳазрати Исо
Бизча энг муҳтарам, буюк сиймо!

Папас, «Қуръонни ёқ» деб амр қилганда, Санъон: «Қуръон ҳар нарсадан юксакроқлигини, уни ёқишда ҳеч қандай маъно йўқлигини» айтиб:

— Қуръон ҳукми ҳар недан юксакроқдир,
Ёқилгани фақат қоғоз, сиёҳдир. —
дея шарҳлар экан, яна:

— Бунда Исо ва Марямнинг оти бор, —
деб папаснинг ўзини тараддудга туширади.

Шунда Хуморнинг отаси Платон Санъонни сиқувга олади:

— Шайх! Бизга бир иш-ла ёқишинг керак,
Икки йил чўчқамиз боқишинг керак...

Санъоннинг дўсти гапга аралашади:

— Йўқ, энди бу жуда ёмон таҳқир,
Сени икроҳ учун бу бир тадбир...

Санъон чўчқабоқарликни қабул қилиб, дўстлари ва муридларига:

— Кетаберинг, биродарлар, кетингиз!

Бошқа бир шайхга иқтидо этингиз.

Мен эсам ноил-и висол бўлдим,

Ҳақ нурун изладим, етиб келдим, —

дея мурожаат қилади.

Шайхлар ва муридлар орқага қайтадилар.

Яна Ҳусайн Жовидда Санъонни Шайх Кабирнинг қизи Заҳро яхши кўргани каби, Хуморни ҳам хонадон хизматкори Серго

ни икки гуржи йигити Антон ва Симонлар ҳам яхши кўрадилар. Санъон Заҳрони қаттиқ ҳурмат қилган ҳолда, унинг муҳаббатини қабул қилолмайди. Хумор эса Сергонинг муҳаббатидан беҳабар яшайди, Антон билан Симоннинг хушомадларидан безор бўлади. Унинг қалбида Санъонга нисбатан эҳтиром ва муҳаббат уйғонади. Аммо Санъон ва Хуморнинг муҳаббатини отаси Платон ҳам, папас ҳам хушламайдилар. Антон билан Симон Санъоннинг ўлдириш ниятида юрадилар. Аммо қишлоқ аҳли — бу ерлик турклар уни кўриқлаб, ўлдирилишига йўл қўймайдилар. Шунда улар Шайхни маҳаллий (гуржилар турадиган) тоғлиқларга ҳайдайдилар. Буни эшитган Хумор Санъоннинг кетидан кетди. Хонадон аҳли, папас ва бошқа гуржилар уларни қаттиқ тўқиб қилиб, Санъон ва Хумор қочган чўққини ўраб оладилар. Нойлоҳ қолган ошиқ ва маъшук қўл ушлашганча ўзларини Курларёсига ташлашдан бошқа чора тополмай ҳалок бўладилар.

Шундай қилиб, бу муҳаббат, бир томондан, насроний муталассибларининг, иккинчи томондан, Санъон издошларининг чекланганлиги оқибатида ҳалок бўлади.

Аттор, Навоий ва Ҳусайн Жовид асарлари билан танишган кишилар, бу муҳаббат талқинларини ҳаёлот маҳсули деб ўйлангари мумкин. Чиндана уларда ҳаёлот улushi бор, албатта. Аммо Шайх Санъон ва Хумор муҳаббати тарихда юз берган ҳодиса эканлигини инкор этиш мумкин эмас. Ҳусайн Жовид Гуржистон билан қўшни мамлакат Озарбайжонда яшагани учун, қаҳрамонларини Кавказлик қилиб олган, деган фикр одамнинг ҳаёлига келиши турган гап. Мен ўзим ҳам шундай ҳаёлга боргандим. Аммо Ҳусайн Жовиднинг «Шайх Санъонга» деган шеърини ўқиб, бу воқеа тарихий ҳақиқат эканлигига ишондим.

Шайх Санъонга

Турбаси олдида

Уйғон, эй пири хушдил! Тур, айил бир хоби роҳатдан!
Қиёматдир, қиёмат! Тур, уйғон, завқ ол бу фурсатдан.

Малаклар инмиш кўкдан, файз олурлар хоки покингдан,
Фарқи йўқ энди асло мақбаринг гулзори жаннатдан.

Безанмиш ҳар тараф сершуъла юлдузлар-ла... жоиздир
Ки, Тифлис арш пурахтар-ла дам урсин рақобатдан.

Уйғон. эй завқу шавқли шайх! Уйғон, кўр, бу на оламдир?
Жаҳон сармаст бўлиб рақс айлаюр шавқу шаторатдан.

Эргашиб бир малаксиймога сотдинг динни, имонингни,
Отиб аҳкоми Қуръонни, узоқлашдинг тариқатдан.

Бироқ хуш бир тариқат қўйдинг, асло маҳв бўлиб кетмас,
Жаҳон тургунча порлаб. Юксалар, тушмас тароватдан..

Зиёратгоҳингни гулбўсалар зийнат этар ҳар он,
Сен аҳли ишқ учун бир каъба қурдирдинг муҳаббатдан.

Қаерда «севги маъноси не?» деганлар? Келиб кўрсин.
Қуриб қудсийят-и Санъонни, лол ўлсин хижолатдан.

Муҳаббатсиз бутун маънойи хилқат шубҳасиз ҳечдир,
Муҳаббатдир, ҳовва. мақсад шу пурафсона хилқатдан.

1912. Тифлис

Фаридиддин Аттор Санъон қиссаси ниҳоясида: «Икки қабр устида икки тик қомат сарв дарахти ўсди. Парвардигори бокарам ўз лутфи билан ул ерда зулол сувли чашма ато этди. Бул чашма сувидан неча фарсах ерлар обод бўлиб, ям-яшил кўкариб турарди. Аҳлидиллар келиб, қабрларни зиёрат қилар, ошиқ-маъшуқлар руҳига фотиҳа ўқирдилар. Гўё бу ерда тўрт фасл ҳамбаҳор эди, айланаси боғлар, чаманзорлар билан ўралган эди. Ул манзил хосу авомнинг зиёратгоҳига айланди», — деб ёзган эди.

Билмалимки, Фаридиддин Аттор замонида Санъон ва Хумор турбаси шундай бўлган ва Аттор у ерни зиёрат қилганмиди, ё бу шоирнинг орзуси, хаёл маҳсулимиди? Аммо Ҳусайн Жовид шеърдан қуринадики, бу икки гузал инсоннинг турбаси Тифлисида музайян турибди. Ҳамон динлараро жанглар тугамаётган бу оламда тинчлик ва муҳаббат тимсоли бўлиб кўзларни ва юракларни ўзига жалб этиб келмоқда.

АМИР ТЕМУР билан БИБИХОНИМ

1. Биринчи муҳаббат



Баҳодир Тўрғайнинг ўғли Темир (ҳозирги олимлар тилида Турагай ва Темур) қандай бола бўлганлиги, унинг ёшлиги ва биринчи муҳаббати ҳақида тарихий далил ва манбалар йўқ, дейилади. Катта-кичик барча юртдош олимларимиз, рус ва ғарб шарқшунослари шундай фикрда. Аммо Америка шоири Эдгар Аллан По “Темур” номли достонида унинг биринчи муҳаббати ҳақида ёзган. Асарда ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур ўлим тўшағида ётаркан, бир умрлик пирига ўзининг биринчи муҳаббати ва бу муҳаббат шу

индо чоғигача ўзини тарк этмагани борасида гапиради.

Севдим бу дунёнинг бир дилбарини.
Қачон илк бор кўрдим, қайси кўз билан?
Мен унинг чиройли қарашларини
Тасвирлай олмайман асло сўз билан.
Хаёлимда қолган фақат бир суврат
Юрагимнинг титроқ варақларида.
У суврат сувратмас, соядир фақат,
Сирли шабаданинг сояси содда.

Темур у қиз ўзи учун қувонч, умид, кўз нури бўлганлиги, боладай соф, маъсум, мулойим, айнаи чоғда ақли, шуури комиллиги, ўргаларидаги муҳаббат тамасизлиги, ҳеч нима талаб қилмаганлигини ҳикоя қилади. Ҳикояда энг бахтли онлар, юксак тоққа чиққанлари, қояларда туриб дарадаги янгроқ ирмоққа қулоқ тўнганлари, сирли сояларнинг чўкиши, нозик кўкрагига бош

қўйгани, йиғлаб муҳаббат изҳор қилганлари каби манзаралар жонланади. Аммо Темур уша пайтда фақат муҳаббат эмас, шон-шуҳрат ҳам ўзига қанот бўлганлиги ва у келгусида бошига тож кияжаги ва қизни малика қилажаги ҳақида гапирганда, қиз жавоб беришдан ўзини чап олгани борасида ҳам ҳикоя қилади ва... буюк шон-шуҳратларни қўлга киритиб қизнинг уйига қайтганида уни топмаганлигини алам билан сўзлаб беради.

Эдгар По “шон-шуҳрат — муҳаббатнинг сочларини юлгани” ҳақидаги фикри билан дostonни яқунлайди.

Албатта, бу воқеалар шоирнинг ҳаёли маҳсули бўлиши мумкин, аммо шоирнинг ҳаёлини, илҳомини кўзгаган бир тафсилот, бир хабар бўлиши керак-ку!

Дostonни ёзганда По Виржиния университетининг иккинчи курсида ўқир, эндигина 18 ёшга кирган эди. У ўзи ўқиётган университетнинг кутубхонаси ё ўқув залида қандайдир тарихий манбага дуч келгандир, биз ҳам бир кун эмас бир кун Темурнинг ёшлиги ҳақида бирор ноёб китобни топамиз, деб уйлайман.

Илова:

Эдгар Алан По

Темур

Дoston

Таскин, жон таслимин енгиллатолмас.
Отахон, шу тобда юпатиш нега?
Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас
Жаҳаннамнинг одил жазоларига.
Биламан, дўзахбоп такаббурлигим,
Қўйинг, ўтит берманг, мени кўп қийнаб.

Сиз Умид, Жаҳд деган руҳоний илм
Аслида оловнинг оловидай гап.
Зеҳним беҳаловат, ҳамиша уйғоқ,
Истаклар азоби қийнайди мени.
Ўлим талвасаси каби — бу қийноқ.
Мен эса жаннатдай алқайман уни.

Ташнадирман шонли ишлар қилишга,
Бу ҳис, балки мени айлар шармисор.
Меросдай олганман Шонни улушга,
Болалик чоғимдан унга бўлиб ёр.
Ҳаёт айнан менга тож этди раво,
Кимгадир бу фақат қилгулик ҳавас.
Чексиз азоблари бор бунинг аммо —
Ки, дузах ўглари бир чақа турмас.

Умрим баҳорини эсласам фақат
Юрагим сел бўлиб йиғлар, увуллар.
Чунки теграмдаги турфа ранг гуллар,
Оҳанрабо куйлар бермас ҳаловат.
Олислардан келса бурғу садоси
Ҳаяжон уйғотмас менда ҳеч қандай.
Шундай туюларки, худди тепамда
Жаноза садоси янграётгандай.

Илгари мен бундай эмасдим. Шу тож —
Шу, чаккамни сиқиб турган балони —
Олганман Юртимни айлаган тарож
Босқинчини уриб, янчиб қазони.
Қайсар ҳам Румони олган-ку аранг
Қанчалар қон тўкиб, сермаб қиличин!
Бутун дунё билан қилмоқ керак жанг
Ерда Адолатни ўрнатмоқ учун.

Мен тоғда улғайдим. Менинг юртимда
Тунги дараларга инган туманлар
Нуқралар пуркаган ёш вужудимга.
Чақмоқлар қарсиллаб, ёнган эманлар.
У ердаги селлар, эркин курашлар
Йўқ бўлиб кетмаган беиз, бенишон —
Сочларимга сингиб кетган ул замон.

Ҳа, ёмғир музлатар бошимни толмай,
Шамол қулоғимни қилар эди кар.

Тентирардим ўзни панага олмай...
Сунгра тинчир эди бари муқаррар.
Мен кўрдай, ақлдан озгандай худди

Юрардим бир ўзим ўзимга шерик.
Менинг хаёлимда жонланар эди
Жанглар-у, қиронлар ва минглаб черик.
Ҳали ўсмирман-у ўспиринман-у,
Эҳ! дердим, гулдурак қарсилласа гар.
Жангга чорлагандай кимнидир улуг
Қичқирардим гўё қучгандай зафар.

Кескирдир ҳисларим ўшандан буён,
Мушакларим менинг бамисли қурчли.
Дўстларим: «Қаҳҳорсан, — дейишар, — ёмон!»
«Тахтга интилишинг, — дерларки, — қучли!»
Балки, бу ҳам ростдир, тўғридир, аммо,
Бир нарсага очиқ бўлайин иқро:
У зулмат, чақмоқлар эмасдир асло
Қалбимни айлаган тошдай устувор.

Мен довулда ўсган ёвқур ёш эдим,
Ёш инсон севгига бўлади мойил.
Темирдай кўринган менинг юрагим
Эриб кетмоққа ҳам эди қўп қобил.
Севдим бу дунёнинг бир дилбарини.
Қачон илк бор кўрдим, қайси кўз билан?
Мен унинг чиройли қарашларини
Тасвирлай олмайман асло сўз билан.

Хаёлимда қолган фақат бир суврат
Юрагимнинг титрак варақларида.
У суврат сувратмас, соядир фақат,
Сирли шабаданинг сояси солда.
Бир замонлар тунда уйқусизликдан
Эски китобларни титардим гоҳо,
Маъно чиқармоқчи бўлиб битикдан.
Сатрлар устида тўхтардим, аммо,
Вақтим бекорларга бўларди завол —

Топганим бўларди қуруқ бир ҳаёл.
Ҳозир шундай менинг ҳолим, армоним,
Ёр шаклин тиклолмай ҳалакдир жоним.

Чин ишққа арзирли пари эди у,
Менинг кўнглим эса ёп-ёруғ эди...
Кўкда фаришталар қиларди орзу
Унингдек бўлишни, унингдек худди.
У менинг бамисли эди меҳробим,
Кувончим, умидим, кўзимнинг нури,
Боладай соф эди, маъсум, мулойим,
Айни чоғда комил ақли, шуури.
Шу сабаб мен унга интилдим дарҳол
Ёруғлик зулматга интилган мисол.

Бахт қуш бўлиб кўнди қўлларимизга —
Тоғлар, дараларда кездик тошма-тош.
Қишда қалқон бўлдиқ бир-биримизга,
Ёзда бизни қутлаб жилмайди қуёш.
Унинг кўзларига қараганим он
Кўринарди менга тубсиз осмон.

Муҳаббат ростликни ўргатар бизга
Сохталиқ қилмасдан, эркин, бахтиёр
Қулиб турган қуёш бўлиб мадакдор,
Орзуларга чўмган уятчанг қизга —
Завқланиб қарардим, қаттиқ суярдим,
Нозик кўкрагига бошим кўярдим,
Йиғлаб муҳаббатим этардим изҳор,
На танбеҳ берар у менга, на озор,
На ўзин олдимда ноқулай сезар,
Ташларди раҳмдил, илоҳий назар.

Ишқ билан қонмасди аммо юрагим,
Яна ниманидир хоҳлар эди ул:
Шон-шуҳрат кўнглимга соларди ғулғул,
Чорларди тоғларда мени аллаким.
Мен ишқ-ла яшардим бутун дунёда —

Денгиз мавжларида, ерда, ҳавода,
Чексиз самоларда жамики қувонч,
Мусибат куйлари (бу ҳам бир қувонч),
Дунёдаги мақсад, энг гўзал мурод,
Кундузги орзулар, тунги армонлар,
Югур-югур билан лим тўла ҳаёт,
Бағрида шомларни ташиган тонглар —
Бари йўқ бўларди енгил тутундай,
Нурли ҳаёл каби учиб бутунлай.
Кўш қанот — икки сўз қоларди фақат —
Бири ШОН-ШУҲРАТ-у, бири МУҲАББАТ.

Майли, мени боплаб сўкинг, отахон,
Тўғриси ўзи шу: шуҳратпарастман.
Дунёнинг ярмига бўлдим ҳукмрон,
Бу ишни қилганман тушуниб, қасддан.
Менинг зафаримдан ҳайратда жаҳон.
Менинг-чи, ҳаётдан шикоятим бор:
Тонготарда қандай тарқаса туман,
Орзуимни шундай этди тор-мор.
Ёшлик ва сулувлик сингари охир
Мендан кетиб қолди севгилим буткул.
Дақиқа, соатлар, кунлар бирма-бир
Шуурумни ёқиб айлади кул-кул.

Бир сафар чиққандик энг юксак тоққа,
Тунги минорадай эди қоялар.
Қулоқ тутар эдик янгроқ ирмоққа,
Дарага чуқарди сирли соялар.
Пайт пойлаб унга мен тахтдан очдим гап,
Жун уйдаи шарҳладим саволларимни.
У очиқ жавобдан ўзин олди чап,
Кўзидан билдим лек ҳаёлларини:
Юзлари қизариб товланди гулгун —
Малика бўлмоқдан эди умидвор,
Унинг чаккасига гул эмас, бир кун
Тож кийгизгум дея айладим қарор.
Бу — ўша йилларда — ширин бир ҳаёл —
Фикр хушомади эди, отахон.

Фақат тасаввурда шаҳаншоҳ мисол
Тож кийиб ўтардим гоҳ у ён-бу ён.
Шундоқ кўз ўнгимда жонланар эди
Хизматимда юрган навқирон ёшлар,
Қаршимда занжирбанд арслондай худди
Тиз чукарди қатор исёнкор бошлар.
Қамчин-ла ишлатар барини қонун.
Лекин ҳаёт фарқли тоғлар, чўлларда —
Ваҳшийлик, зулумот ва бутун очун
Очкўзлик ва ҳасад кўзғар уларда.

Мана энди қаранг, қандай Самарқанд
Юлдуз кентлар аро энг ёруғ юлдуз.
Ҳаёлимни қанча этган эди банд,
Энди барча кентлар унга тутар юз.
Ундан таралади Ер юзига нур,
Эргашади унга юзлаб диёрлар.
Бошқаради уни Соҳибқирон Темур,
Унга бош эгишар бор ҳукмдорлар.
Аммо ўзин ёлғиз ҳис қилар шу он —
Юрагини ўртар бир буюк армон.

Севги! Ерда бизга бир армуғонсан,
Эҳ, жаннат сиррига этасан ошно!
Жонимизга томган ҳаётбахш қонсан,
Қақраган ўтлоққа ёмғирсан гўё.
Соат сайин кучдан қоласан аммо —
Қолдирасан бизни саҳрода танҳо.
Эй, қутли жойларни тўлдирган наво.
Гўзаллик манбаи, илоҳий савдо,
Алвидолар бўлсин энди, алвидо!
Сўзим сўз: дунёни қилдим истило.

Умид, она бургут каби юксалиб
Тиниб-тинчимоқни кўзлаганида,
Чўққида қанотин куйига олиб,
Уя қуришга жой излаганида,
Наздимизда қуёш ботар бемаҳал,
Бу эса одамга қилади алам,

Тукин кун муҳлати бўлганида ҳал
Қуринар бу муҳлат бизга жуда кам.

Биз жилвагар куннинг ёруғ нурига
Қонмоқчи бўламиз яна бир тўйиб,
Қўрқамиз тушмоқдан туннинг тўрига,
Тун куйин тинглаган бўлсак ҳам ийиб.
(Қизиги шундаки, асил турмушда
Бу куйни ҳамма ҳам тинглагай шаксиз.)
Ҳаётга ўхшаган алағда тушда
Қочмоқчи бўламиз, қоча олмаймиз.

Самодан мана шу оппоқ тўлганой
Бутун теваракка тўкар ёруғлик.
Унинг табассуми совуқдир бироқ,
Бир нарса қилт этмас, ҳар нарса ўлик.
Ғуссага чўмганда одамнинг боши
Ажал тасвирига ўхшаркан ой ҳам.
Ёшлигимиз нима? Бу — ёз қуёши!
Кунботардан ортиқ йўқ экан алам!
Жавоби йўқ бўлса, савол не керак?
Орзулар бағрига қайтиб бўлмайди.
Ҳаёт атиргулдай суларкан бешак,
Ҳавосиз чўлда у қайта кулмайди.

Мен уйимга қайтдим. Не бўлди, денг, хўш?!
Хувиллаб, ётсираб қолибди бўм-бўш.
Мана, ўша дахлсиз, қадрдон эшик...
Итардим ва таққа қотиб қолдим ғоз.
Қаршимда қоронғи зулмат ва жарлик,
Олисдан келарди таниш бир овоз.
Дўзахми, жаннатми — қаердан билмам
Эшитилар эди бир сас, отахон!
Балки, бу мангу тун, дўзах, жаҳаннам...—
Аёвсиз қамради мени ҳаяжон.

Имоним комилки, олис-олисдан
Изимдан кетма-кет келган шум ажал
Шу жарликка кирган ва менга қасддан
Эшикни қолдирган очик қўйиб сал.

Биламан, инсонни севмайди Иблис.
Уни қизиқтирар одамнинг хуни.
Йўлига тузоқлар қўяди илкис,
Хеч қачон хаёлдан чиқармас бун.
Мен эса бир пайтлар бўйим улғайиб
Излардим дунёдан нафис севгини.
Чақмоқлар урганди ҳолбуки уни:
Севги иморати бўлганди ғойиб.
Севги бургутининг кўзидан ҳатто
Қочолмас эди-ку чибин ҳам асло!
Шуҳратпарастликнинг заҳари қачон
Томирлар ичига қандай қуюлди?!
Қай тахлит сурбетлик билан беомон
Севгининг муқаддас сочларин юлди?!

2. Уйланиш

Муҳтарам олимимиз Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” китобида Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг отаси Амир Муҳаммад Тарағай Шаҳрисабз (Кеш)нинг маълум қисмида ҳоким бўлган ва замон анъаналарига кўра, ўғлига от миниш, ов қилиш, ҳат-савод чиқариш, ислом қонун-қоидаларини ўргатиш учун мураббийлар тайинлаган. Буюк араб файласуфи Ибн Холдун соҳибқирон турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, ғаний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштира олган зот эканлигини ёзиб қолдирган.

Темур 12 ёшидаёқ болаларга хос эрмак ўйинлар ўйнамас, спортхўйларга хос ўйинлар ўйнарни.

16—18 ёшида қиличбозлик, найзабозлик ва ов қилиш санъатини моҳирона эгаллайди. Дарвоқе, рус ва Фарбий Оврупо шахзодалари ҳам айнан шундай тарбияланганлар.

19 ёшида, яъни Эдгар Аллан По айтмоқчи, биринчи муҳаббат тарихини бошдан кечирган ва шон-шухратга эришиш учун курашга киришган вақтларида, отаси уни Жоку Барлоснинг қизи Турмуш оғога уйлантириб қўйган, яна шу йилнинг ўзида Амир Қозоғоннинг набираси, амир Ҳусайннинг синглиси Камолойга уйланган. Камолой доим эркаклар кийимида отга миниб, жангларда иштирок этар, жангдан кўп ўлжалар билан қайтар экан. Шунинг учун уни Ўлжаой Туркон оғо деб атарканлар. 1356 йилда Турмуш оғодан Жаҳонгир Мирзо, Ўлжаой Туркон оғодан Умаршайх Мирзо туғилган. Яна икки йилдан кейин Турмуш оғодан бир қиз туғилиб отини Ўғибегим қўйганлар, Ўлжаой Туркон оғодан ҳам бир қиз туғилиб, отини Султон Бахтбегим қўйганлар. 1366 йилда Ўлжаой Туркон оғо касал бўлиб вафот этган. Турмуш оғонинг кейинги ҳаёти ҳақида бошқа маълумотлар учрамайди.

1360 йилда Темурнинг отаси амир Муҳаммад Тарағай вафот этди ва Темур отасининг ўрнида унинг ишини давом эттирди.

Кунларнинг ҳаммасида, баъзан-баъзангина хасталик туфайли бўлак яшаганини ҳисобга олмаганда, хотини Ўлжаой Темур билан ёнма-ён бўлди. Аммо нотинч ва оғир кунларнинг таъсириданми, Ўлжаойнинг касали ойдан ойга, йилдан йилга кучайиб борди ва 1366 йил март ойида вафот этди. Улар бир қиз ва бир ўғил кўргандилар, аммо улар ҳам ёшлиқда nobуд бўлдилар.

Ибн Арабшоҳ Темурни шундай тасвирлайди:

“Темур жуда келишган эди, бўйи баланд, калласи катта, манглайи очиқ, овози жарангдор эди, кучи жасурлигидан қолишмас, оқ юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Кент елкалар, семиз-семиз бармоқлар, ёнбошлар, бакувват мушакларга эга эди. Ўнг қўли ва оёғи қаттиқ шикастланганди. Кўз қарашлари ёқимли, ўзи ўлимни писанд қилмасди. Ўла-ўлгунча ақлзаковатини ҳам, довюраклигини ҳам йўқотмади. Ёлғон-яшиқнинг ашаддий душмани эди, ҳазил-ҳузулни ёқтирмасди. У ўз ҳузурида талон-тарож, ўлдир-ўлдир, хотинларни зўрлашлар ҳақида гапиришга йўл қўймасди. У қанчалик аёвсиз бўлмасин ҳақ гапни охиригача эшитишни яхши кўрарди. Яхши-ёмон ҳолатлар унинг кайфиятини буза олмасди”.

Темур чавгон ўйинини яхши ўйнарди.

3. Бибихоним

Сароймулкхоним Чигатой улусига мансуб бўлган мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилганди, отаси Қозонхон тахтдан ағдарилиб қатл этилганда у ҳали 5 ёшда эди. 14 ёшида Амир Ҳусайн уни ўз никоҳига олганди. Амир Темур уни 29 ёшида ўз никоҳига киритиб, “қўрагон” (“куёв”) бўлди. Куёвлик, расм-русмларга кўра, расман хон бўлмаса ҳам, ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқини берарди.

Темур Сарой Мулкхонимнинг хон шайбонига мансублигини инобатга олиб, уни Бибихоним (Катта хоним) этиб таъинлади. Яъни энди у ҳарамдаги барча маликалардан улуғ ҳисобланадиган бўлди. Бунда унинг ақл-заковат ва фикрлаш доираси кенглиги бош омил бўлди. Чиндан ҳам Сароймулкхоним жуда олиши, фаросатли, тadbиркор аёл эди. Сиёсатдонлик, инсонпарварлик, саховат бобида ҳам тенгсиз бўлиб, ҳокимиятни бошқаришда бемалол иштирок эта олиши, мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ишларига ҳомийлик қила олиши кўриниб-билиниб турарди.

Тарихчиларнинг ёзмаларидан маълумки, Амир Темур Эронга юриш бошлаганда, Исфahон қамали чўзилиб кетиб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатади, “Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг” дейилганди унда. Бибихоним “сиёсатингиз ҳам тугадими?” деб жавоб ёзган, сўнг Амир Темур турли суякларни кестириб, орқасига муҳр урдириб, вақтинча пул чиқартирган, шаҳар қишлоқлардан суяк-пулларга озиқ-овқат сотиб олган, Исфahон таслим бўлган, суяк пулларни зар пулга алмаштириб берилганди.

Бибихоним чет эл элчиларини қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида иштирок этгани ҳам тарих китобларида битилгандир.

Бибихоним Клавихонинг хотираларида шундай тасвирланган: “Ҳамма жой-жойини эгаллагандан кейин чодирлар яқинига урнатилган ғовларнинг бири ичидан байрамда қатнашиш учун



сеньорнинг (Темурнинг) улуг хотини Каньо (Бибихоним) чиқиб келди. У олтин гулли қип-қизил либосда бўлиб, либос енгсиз, ёқаси чуқур ўйилмаган, фақат боши чиқиб туришига лойиқ ва қўллари тикиш учун мўлжалланган уймаси бор, этак томонлари жуда кенг эди. Белига ҳам ҳеч қандай кесик-песик қилинмаган, эркин юрсин учун, этакни 15 тача аёл кўтариб келарди. Юзига шунча кўп упа сурилгандики, у қоғозданга ўхшарди. Билсам, бу қадар кўп упа уни куёшдан сақлаш учун экан. Қишда ҳам, ёзда ҳам узоқ йўлга чиққан ҳамма оқсуяк хонимлар юзларини кундан шундай ҳимоя қилишаркан. Каньонинг юзи енгил оқ тўр билан тўсилган, бошида қизил матодан қилинган қалпоқ бўлиб, у турнирда савашадиган рицарларнинг дубулғасига ўхшар эди. Тўр сал-сал елкаларига тушиб турарди. Аммо бу дубулға жуда узун, унинг кўпдан-кўп йирик, йилтир-йилтир қилган думалоқ марваридлари, ёқут, феруза ва бошқа турли-туман, жуда чиройли ишлов берилган тошлари бор эди. Елкасига тушиб турган тўр ҳам олтин гулли эди, устидан жуда чиройли, кўп қимматбаҳо тошлар билан безалган олтин тож бор эди. Унинг энг тепасида учта ёқутдан, икки бармоқча келадиган ёрқин ва фавқулудда гўзал, кучли йилтирайдиган қурилма бор эди. Қурилманинг учини бир тирсак баландлигида катта жиға безаб турар, унинг айрим парқулари пастга, бошқалари юзига ва кўзларигача эгилиб турарди. Бу парқулар олтин тизимча билан боғланган, тизимчанинг охириги учи тошчали ва марваридли қуш қанотларидан қилинган оқ қилқаламга ўхшарди. Хоним одимлаб келаётганда бу жиға ҳар тарафга ҳилпирарди. Қоп-қора сочлари елкаларига тушиб ёйилиб турарди. Бошидаги дубулғани бир неча оқсуяк хоним ушлаб олгудай хушёр бўлиб изидан келарди. Ҳаммаси бўлиб уч юздан ортиқ аслзода аёл Каньонинг ортидан келарди”.

Халқ Бибихонимни жуда яхши кўрар, у ҳақда бир қатор гўзал афсоналар тилдан тилга кўчиб юрарди. Мисол учун битта афсона мана бундай:

1399 йилда Ҳинд сафаридан зафар билан қайтган Соҳибқирон Темур жуда катта масжид ва мадраса қурдириш режасини ўртага қўйди. Мовароуннаҳрнинг энг моҳир муҳандислари, тажрибали усталари, Озарбайжон, Форс, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг тоштарошлари, ҳаммаси бўлиб 200 киши бирга-лиқда қурилиш асосларини қўйдилар. Тоғларда 500 киши тош-

ларни йўниб, тайёрлаб шаҳарга юбориб турарди. Араваларга қўшилган ҳукизлар, 95 та Ҳиндистондан келтирилган тоғдай-тоғдай филлар ишга қўйилганди. Темур бир неча ойгина қурилишни ўзи шахзодалар, амирлар билан бирга кузатиб турди, аммо тезда яна узоқ муддатли янги сафарларга отланди. Қурилишга раҳбарликни Бибихонимга топширди. Бибихонимга оид афсоналарнинг аксарияти ўша даврга оиддир.

Бибихоним эрининг қайтишига совға бўлсин деб дунёда тенг йўқ улугвор масжидни битказишни ўйлаб қўйди. У қурувчиларни чақириб, уларни илҳомлантириш учун, қимматбаҳо олтин-кумуш, бебаҳо тошлар уюмини кўрсатди. Уларнинг ҳар бири шунга яраша шу бойликлар билан мукофотланишини айтди. Иш қизиб кетди. Миноралар кўкларга чўзилди, кенг майдонда оқ мрамар равоқлар қатори тикланди, ҳаворанг минора кўк тоқи билан баҳслашаётгандек эди. Фақат равоқнинг энг баланд аркини тепадан бирлаштириши керак эди. Аммо ёш меъмор ишни битказа қолмас, орқага сурар эди, чунки у Бибихонимни севиб қолганди, қурилишни тамомласа хонимни ҳеч қачон кўра олмаслигини биларди. Темур эса Самарқандга яқинлашар ва сабрсизлик билан келавериш тўғрисида ижозат сўраб тўхтовсиз чопар юборарди. Бибихоним меъморга, ишни тезроқ битказинг, деб ёлворарди. Меъмор эса, бунинг эвазига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир ҳадя битта ўптиришни талаб қиларди. Бибихоним турли рангларга бўялган тухумларни юбориб, пусти арчилган ҳаммасининг мазаси бир деган гапни уқтирмакчи бўларди. Бу ҳам ёрдам бермагач бўса беришга рози бўлди, аммо меъмор ўпастганда чиройли юзига қўлини қўйишга улгуради. Аммо бўсаннинг ҳарорати шу қадар кучли эдики, қўл тўсиқлигига қарамай бирибир юзида доғ қолдирди. Темур олдин масжидни кўриб роса шикланган эди, кейин бирдан хотинининг юзидаги доғни кўриб қолади. Масала очилиб қолади, Темурнинг одамлари йўлдан уртган одамни тутиб келишга борсалар, у қанот чиқариб, аллақачон учиб кетган экан.

Бибихоним мадрасаси кенг ва баҳайбат, ўймакор мрамардан, етти ҳал металл қуйиб мустаҳкамланган, олтин ва кумуш суви билан безалган, дарвоза табақалари ўрнатилган, бу дарвозани очилиб-ёпилганда нозик рангли металл титраб тургани кўзни олларди.

Яна бир ривоятга кўра, Бибихоним қош қорайгач, канизлари билан кийимларини узгартириб мадраса томонга бораркан, талабаларнинг тирикчилиги қандай ўтаётганини ўз кўзи билан кўриб, текшириб келаркан. Бир куни борса ҳамма ҳужраларнинг чироғи ўчгану, биттасининг чироғи ёниқ экан. Сароймулкхоним ўша ҳужра эшиги ёнида талабаларнинг суҳбатига кулоқ солибди. Улардан бири иккинчисига:

— Қани, тўғриси айт, ҳозир кўнглинг нимани истаяпти? — депти:

— Қўй гўшти, қўй ёғида дамланган бир лаган палов бўлсайди... Сен-чи?

— Мадраса соҳибаси Бибихоним дунёда тенги йўқ гўзал, деб эшитганман. Қанийди хоним билан бир кеча суҳбатлашсам...

— Э, овозингни учир, бир фалокатни бошлайсан бу гапинг билан...

Сароймулкхоним ҳужра ёнидан узоқлашиб, канизлари билан саройга қайтибди.

Эртасига барча талабалар саройга чақиртирилиб, уларга зиёфат берилибди. Қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланган ёғлиқ палов тортилибди. Шундан сўнг юзига парда тортилган ҳолда Бибихоним кириб келиб:

— Хўш, мулла йигитлар, ёғлиқ палов бўлибдими? — депти паловни орзу қилган йигитга юзланиб.

— Қуллуқ, хонойим, таърифдан зиёда бўлибди, — дейиши билан Бибихоним биринчи толиби илмга: — Энди сизнинг орзуингизга келсак. Биласизки, мен соҳибқироннинг никоҳидаман, демак, сиз билан суҳбат қурмоғим мумкин эмас. Аммо ўзининг гўзал канизларимдан бирини сизга никоҳлаб берурман. Розимисиз? — депти. Тили калимага келмай, эс-хушини йўқотаёзган талаба ўзини хоним оёғига ташлабди:

— Узр, афв этсинлар, хонойим, бу беадаб қулингизнинг гуноҳидан ўтинг.

Бу аснода Сароймулкхонимнинг ишораси билан меҳмонхонага қози ва имом кириб келибди ва барча талабалар гувоҳлигида канизлардан бирини унга никоҳлаб қўйибдилар.

Шарқ санъати ва обидаларининг мажнунона ошиғи, санъатшунос Юрий Халаминский Бибихоним ҳақидаги ривоятларни шарҳларкан:

“Ривоятда шундай, ҳаётда эса ҳаммаси бошқача бўлган. Те-
мурнинг муҳтарама хотини Сароймулкхоним мадраса битган
пайтда олтмиш ёшдан ошган эди. Унинг гузалликлари кимлар-
нидир мувозанатдан чиқарган бўлиши эҳтимолдан узоқ”, — деб
санади. Мен эса бу гапнинг тўғрилиги эҳтимолдан узоқ, деб ўйлай-
май. Гузаллик ва маъмурлик ичида яшаган, жаҳоннинг ҳар қан-
дай атир-упалари, дори-дармонлари, табиб-и хозиқлари, ҳаки-
му алломалари хизматида бўлган бир аёл 60 ёшида кимларнидир
ошиқи беқарор қилолмаслиги мумкин эмас. Ривоятлар осмон-
дан тушмайди. Халқ фантазиясига қанот берувчи воқеалар бўлган-
лиги ҳар қандай гумонлардан холидир.



ХАЛИЛ СУЛТОН билан ШОДИЯ



Соҳибқирон ҳазрат Амир Темур ҳаётлигида ўғиллари ва неваралари ўттиз олти киши бўлиб, шуларнинг орасидан Халил Султон отлиғ набирасини бошқача муҳаббат билан яхши кўрар, ўн тўрт яшарлигидаёқ уни валиаҳд қиламан деб кўнглига тугиб қўйган ва бунга асослари етарли эди.

Биринчидан, унинг зоти тоза ва улуғ эди: онаси Севинбека Олтин Ўрда подшоҳи Ўзбекхоннинг набираси эди; отаси тўнғич ўғли баҳодир Мироншоҳ бўлиб, кўп жанглarda қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганди.

Иккинчидан, 1384 йилда туғилган Халил Султон ташқи кўриниши кўркам, қадди алифдек типпа-тик, юзлари чиройли бўлгани етмагандай яна хушхулқ ва мулойим, сўзида турадиган, садоқатли бола эди. Бирон киши унинг ёлғон ишлатгани ёки ваъдасига хилоф иш қилганини кўрмаган эди.

Учинчидан, ҳарбий соҳада жасур ва кўрқмас, тadbирли ва оқил эди. Унинг бу томони Амир Темурнинг 1398 йилги Ҳиндистон сафарида яққол кўзга ташланди. Тарихчи Гиёсиддин Алининг ёзишича, 1398 йил 17 декабрь



куни Темур қўшинлари билан ҳинд подшоҳи Маҳмуд Султон қўшинлари юзма-юз бўлдилар. Темур, қўшинларини Баҳолий Пуштаси деган тепаликда жангга мослаб жойлаштирди: икки шаҳзода Пирмуҳаммад билан Сулаймоншоҳни ўнг қанотга, икки шаҳзода Султон Ҳусайн билан Халил Султонни сўл қанотга, шаҳзода Рустам ила Шайх Нуриддин, Шоҳмалик ва Оллоҳдод икки саркардаларини манглайга қўйди; ўзи қўшиннинг олд томонига турди. Қарши томонда Деҳли подшоси Султон Маҳмуд, Маллухон ҳамда Ҳиндистоннинг таниқли қўмондонлари, жаҳонга танилган лашкарбошилар саф тортишди. Уларнинг ўн минг отлиқ аскарлари, йигирма минг пиеда аскарлари, бир юз йигирмата жангга ўрнатилган филлари бор бўлиб, довул пайтидаги даҳшатли денгизни эснатарди. Филлар устида айлана ёғоч ўриндиқлар ўрнатилган, бу жойларда камон-садоқли мерган ўқчилар ўтиришарди. Қарғумлари бир-бирига қўшиб боғланган филларнинг қаторлари охирида қора тугунли олов ва гулдурас овозлар таратувчи махсус ўқотарлар бор эдики, булар ҳар қандай ботир одамни ҳам таҳликага солар эди. Не-не жангларда жасорати ва қаҳрамонлиги билан танилган Хожа Фазл, Жалол Коший, Абдулжаббор сингари бардорлар жангга кирмаслик учун соҳибқирондан изн сўрадилар. Уша куни Амир Темур, у ҳолда сизлар қаерда бўласизлар, деб сўраганида, хотинлар ичида бўламиз, деганлари халқ ичида латифа бўлиб кетган эди. Аммо Халил Султон денгиздай босиб келган риқиблар билан қуюнга ўхшаб юзма-юз бўлди. Иблисифат филлар қарғуми билан одамларнинг бошларини соққадай тутиб олиб прғитиб келаётган бир паллада у қилич билан филга ташланиб, ўн яралади ва бўйнига сиртмоқ солиб чўккалатиб қўйди, жангдан кейин эса етаклаб келиб, бобосига совға қилди. Ҳинд сафари ваъда билан якунланиб, ғолиблар Самарқандга қайтишганда, Темур энди Халил Султонни валиаҳдидеб гапира бошлаган, бутун Самарқанд халқи уни муборакбод этиб, бошларидан гуллар таш сочқилар сочган эди.

1399 йили Темур Халил Султонни уйлантириб қўйди. Ўзининг Шербекка оғо деган синглиси ва амирзода куёви Алининг қизи Жаҳон Султонбегимни олиб берди.

Жаҳон Султонбегим оппоқ юзли, бўйи сал пастроқ бўлса ҳам, помати қарағайдай тиккатик ва текис, сочлари қуюқ, камтап-тамсуқум, аммо метин иродали қиз эди. Қиличбозликни, от

минишни ҳам ўринлатар, сочларини телпак остига қистириб с
рўмол билан танғиб, йигитлар қатори жанг-жадалга ҳам кириб
кетаверар эди. Бу гапнинг ҳеч қандай муболағали жойи йўқ.
Тарихчи Ибн Арабшоҳ: “Темур аскарлари ичида аёллар ҳам кўп
буларди. Эркак жангчиларга қарши туриб, найза санчишда, қилич
билан зарба беришда ва камондан отишда эркаклардан ҳам
ортиқроқ иш қилган пайтлари кўп буларди”, деб ёзади. Жаҳон
Султонбегим шундай аёллар тоифасидан эди.

Бир дафъа Халил Султоннинг онаси Севинбека эри Мироншоҳ
ичкиликка берилиб, давлат ишларини ташлаб қўйгани, оқибатда
Эрон ва Озарбайжон тарафларда нотинчликлар бўлаётгани ҳақида
хабар келтирди. Амир Темур Халил Султонни олиб, олдин
Табризга, сўнг ўзи барпо этган Қорабоққа борди. Ўғли Мироншоҳни
бир неча дарра урдириб жазолагач, юртни безовта қилаётган
элларни тинчитди. Сўнг Қорабоғда хурсандчилик қилдилар. Шу
ерда Халил Султон билан Жаҳон Султонбегим бир ўғил кўрдилар.
Тўй устига тўй бўлиб, шодлик садолари кўкларга етди (1400).

Темур 1399–1404 йилларда Араб Ироқи ва Шом сафарларини
зафар билан якунлагач, Араб Ироқи, Озарбайжон, Аррон, Муғон,
Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Мироншоҳ ва унинг
фарзандлари Абу Бакр ва Умар Мирзолар ўртасида тақсимлаганда,
Халил Султонга Луристонни бериб, ўзи Самарқандга қайтди. Давлат
ва ҳуқуқ-тартибот ишларини кўнглидагидек йўлга қўйгандан кейин,
Конигилга келди. Буюк юришлардан фарзандлари ва амирлари соғ-
саломат келганлиги шарафига катта тўй қилиб, набиралари Улуғбек,
Иброҳим Султон, Жаҳонгир ва бошқаларни уйлантирди. 1404
йилнинг 7 сентябрида бошланган шодиёналар худди эртаклар-
дагидай қирқ кеча-кундуз давом этди. Тўйга Хитой, Олтой, Чекка
Мағриб, Миср, Рум, Фаранг ва Ҳинд мамлакатларининг элчилари,
шунингдек, барча ўғил-қизлари, келин-куёвлари қатори Луристон-
дан Халил Султон билан Жаҳон Султонбегимни ҳам даъват этилганди.

Тўйда йигирма ёшли ширакайф Халил Султон хонимлар қаторида
ўзи тенги бир қизни учратди. Чақнаб турган қоп-қора шаҳло кўзлари
аллақандай англашилмас ноз билан уни таъқиб этарди. Шунча жанг-
жадаллар, оламни ларзага солган урушларда қилт этмаган юраги
ич-ичидан титраши, у томонга юрса оёқ-қўлларининг бўшашиб
кетиши шаҳзода учун янгилик эди. Ҳар неки бўлмасин, улар яқиндан
танишишга эришдилар. Севги қувончлари бошланиб кетди...

Тўйдан кейин Темур ҳукм қилдиким, “ортиқ ҳеч киши ичмагай!” Унинг фикри-хаёли Хитойга сафар масаласи билан машғул эди. Шаҳзодалар ва бекларга ҳарбий тайёргарлик юзасидан турли топшириқлар берди. Ўзи 27 ноябрда Самарқанддан чиқиб, Оқсулот қишлоғига келди ва эллик кун ўтирди. Ана шу кунларнинг бирида ҳузурига жияни (келини) Жаҳон Султонбегим арз билан келди ва Халил Султоннинг бир номаълум Шодия исмли қиз билан яшаётгани ва ҳатто уни никоҳига олмақчи бўлаётгани ҳақида сўзлади.

Ҳазрат соҳибқирон Шодия кимлигини аниқлаш учун тез суриштирув ўтказди. Ҳожи Сайфуддиннинг чўриси, никоҳсиз хотини экан. Ҳожи Сайфуддинбек эса ўзининг эски дўсти ва тенгдоши. Йигитлик чоғларидан буён бирга-бирга жанг қилардилар, энг содиқ амирларидан эди. Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин ҳожи билан гаплашибдилар. “Халил Султон истаган экан, майли, олсин. Керак бўлса, яна бошқа чўриларимдан ҳам бераман” депти. “Каллаварам! Бобоси тенги амирнинг сарқитини ўзига тенг кўрса-я!” дея аччиқланган Темур, дарҳол икковини тутиб келтиришни буюрди. “Шаҳзода уни қочирди!” деб келишди одамлари. Воқеа шу билан тугагандай бўлди. Аммо Темур тез орада “Халил Шодияни никоҳига олибди, энди Шод Мулк омиш, яшириб ўзи билан олиб юрганмиш” деган хабарни эшитди. Уни тутиб ўлдиртириб юбормоқчи бўпти. Аммо орага тушган Бибиҳоним, Шод Мулк шаҳзодалан ҳомилали, деган хабарни эътиборга олганда, ҳукм қилдиким, “Шод Мулкни Туман оғога топширинглар, туққандан сўнг болани олиб, ўзини бир қулга хотинликка берсинлар!” Шу тариқа набирасини кечирди-ю, аммо уни валиаҳд қилиш ниятидан қайтди. Халил Султонга Тошкентга бориб, черик йиғиш, Хитой сафарига отлар ҳозирлашни буюрди. Ўзи Оқсулотдан кўчиб, Ўтрорга тушди (1405). Аммо Ўтрор Темурнинг сўнгги манзили эди. Ҳазрат соҳибқирон ўлиmidан олдин Пирмуҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд қилиб тайинлади ва тепасида ҳозир бўлган барча беклар ва бузурғларга иттифоқ билан унга бўйсунуш борасида онг ичишларини талаб қилди, “бу ерда йўқ ўзга беклар ва сардорлар ҳам ушбу дастурга амал қилсинлар” деб буюрди. Онг ичганлар орасида Шайх Нуриддинбек: “Жонимиз бор экан, бу амру фармонингдан чиқмаймиз. Кимда ким сўзингга хилоф қилса, ҳаргиз ёруғлик топмас” деб таъкидлади.

Бу пайтда Халил Султон Тошкентда, Султон Ҳусайн Яссиди эди, уларга ҳазратнинг хасталиги оғирлашди, жаҳд билан етиб

келинглар, деб одам юбордилар, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Хуросоннинг олис Разнин вилоятида эди, унга “жаҳд билан Самарқандга етиб кел” деб хат жўнатдилар. Соҳибқироннинг муҳаффасини Бибихоним, Тўкалхоним, Туман ого, ўн яшар Мирзо Улугбек ва бошқа беклар Самарқандга олиб боришсин, деб қарор қилдилар. Иброҳим Султон бурунгидай Амир Темурнинг ноғораларини чалдириб Ўтрордан кунчиқарга отланди ва Халил Султон билан Султон Ҳусайнга “Черикларингиз билан етиб келинг, иттифоқ билан юришни давом эттирамиз!” деб ёзди. Аммо Темурнинг вафотини эшитган Султон Ҳусайн Самарқандга юзланди. Бундан шошиб қолган Тошкентдаги беклар ўзларича Халил Султонни подшоҳликка кўтардилар ва унга байъат қилдилар. Шайх Нуриддинбек, уларга, сизларнинг ҳаракатингиз яхши эмас, соҳибқирон подшоҳликни Пирмуҳаммад Жаҳонгирга васият қилди. Зинҳор хилоф амал қилмангким, оламда ёмонотлиқ ва бахтсиз бўласиз, деб хат ёзди. Аммо Халил Султон макр-ҳийла ишлатиб Самарқанд доругаси Арғуншоҳни йўлдан уриб, Самарқанд тахтини эгаллаб олди.

Халил Султон бу пайтда йигирма бир яшар бўлиб, Шод Мулк билан ўрталаридаги муҳаббат авж палласида эди. Бу асно Самарқанддай бой шаҳар оламда йўқ эди. Халил Султон рақам қилишга сиғмайдиган давлат хазинаси бойликларини амирлар ва бузургларга бера бошлади. Айниқса муҳолифларини ўзига оғдириш учун уларни кетма-кет мукофотлашларининг сўнги йўқ эди. Шод Мулкнинг қариндошлари ва дўстларини қисқа вақт ичида замон бойларига айлантирди. Ўзи эса Шод Мулкнинг сеҳридан чиқмас эди. “Улар гўё кенг кўйлак кийиб, уни икковлари киярдилар ва бирлашардилар. Шод Мулкнинг раъйсиз Халил Султондан биронта фармон содир бўлмас эди” деб ёзади шу вақтларда Самарқандда яшаган ва давр воқсаларига гувоҳ бўлган тарихчи Ибн Арабшоҳ. Шод Мулк ҳожининг чўриси бўлган пайтида Бобо Тармиш отлиқ бир хизматкорга ҳам ўйнашлик қилган ва уни ўзининг содиқ хизматкорига айлантириб олган эди. Эндиликда ана ўша Бобо Тармишни мамлакатнинг бош вазири даражасига кўтариб қўйди. Шод Мулк, Бибихоним билан Тўкалхонимни ими-жимиди заҳарлади. Амир Темур васияти асосида валиаҳд тайинланган Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Халил Султонга хат ёзиб, қандай ҳуқуқ билан тахтни эгалладинг, деб

сураганида, мен бобом тахтни қандай эгаллаган бўлса, мен ҳам шундай қилдим, маъносида жавоб қайтарди. Самарқанд хазинаси бўлиб қолаётгани ва Бобо Тармишнинг бетийиқ сиёсати оқибатида амирларнинг кайфияти ёмонлашиб, мухолифат ва фитна шаймоллари юксала бошлади. Бутун хиёнатлар ва саройдаги инқилоддан аччиқланган, ҳозир Ҳирот тахтидан ҳукм сураётган Шохруҳ Мирзо Халил Султонни Самарқанд тахтидан четлатиш арақатига тушди. 1409 йил баҳорида ҳарбий санъат йўли билан ғулоққа туширди. Тожу тахт атрофидаги барча талончилар, фитначилар, шу жумладан Бобо Тармиш ҳам жазоланди. Шод Мулкнинг битмас-туганмас бойликлари тортиб олиниб, ўзини ироқ билан боғлаб халқ ичида сазойи қилдилар. Шундан сўнг Шохруҳ Ҳиротга арз билан келган Халил Султонни шоҳона қабул қилди, севгилиси Шод Мулкка қўшди. Мовароуннаҳр ва Тўркистонни ўз ўғли Мирзо Улуғбекка хатлаб берди. Халил Султон билан севгилиси Шод Мулкни эса марҳум отаси Мироншоҳ мулклари томонга, Ироқ ва Озарбайжонга жўнатиб юборишни маъқул топди. У Халил Султонга шуни маслаҳат қилиб, ўша тарафда хоҳлаган ерида мақом тутиши мумкинлигини айтди. Халил Султон розилик билдиргач, салтанат асбобларини муҳайё қилди, бир қанча номдор амирлар билан ўн минг машхур отлиқни унга қўнди. 1410 йил баҳорида Халил Султон Ироқ томонга жўнади. Олдин Рай вилоятига тушди. Бир-бири билан урушиб ётган амакиваччаларини яраштириш учун Исфаҳонга борди. Яраш-тиролмади. У ерда ўлат бошланганда, яна Райга қайтди ва энди шу ерда муқим қолажаги туғрисида Шохруҳ Мирзога хат ҳам ёзди.

Ривоят қилишларича, Халил Султон Райга қайтаркан, бир дарвешнинг полизи тепасига борган. У қовун келтириб Халилни меҳмон қилган. Дарвешга иноят кўрсатолмай узр сураб чиқиб кетган. Райга етиб келганда касалланган. Шод Мулк билан ўғталарида бениҳоя аламли ва ҳасратли суҳбат бўлиб ўтган экан.

— Севикли амакингиз Шохруҳ Мирзонинг жосуслари сизга сездирмасдан бир нарса берган, сиз ўшани ичгансиз, — деди Шод Мулк.

— Худодан қўрқ, ундай дема. Менинг Райдаги ўлимим унга керакми?

— Керак! Сиз тирик экансиз, Хуросон ва Самарқанд тахти доим хатар остида бўлади!

— Қўйсанг-чи, керак бўлса у мени аллақачон ўлдирарди. Унинг менда катта хусумати бўлса, шунча амирлар, ун минг отлиқни берармиди?

— Ниқоб бу, ниқоб! Афкор оммага ўзини олижаноб қилиб кўрсатмоқчи бўлган!

— Йўқ, Шодиям! Мен Исфаҳонда қовун едим, кетидан ҳеч нарса емадим, балки сув ичгандирман, ичган бўлсам... Балки шундан ичимда бир бузилиш юз бергандир.

— Йўқ, сизга кимдир бир нима берган! Берган!

— Ўзингни бос. Огир бўл. Банданинг ҳоли бу. Эртага нима бўлишини билмайди одам. Тану жон омонат. Мол-дунё омонат. Тожу тахт омонат...

Мен кетаман, Шодиям. Энди ҳисоб-китоблар қиёматга қолди. Сенга васият шулки, қизимиз Ҳуснинигорни Улуғбек Мирзонинг ихтиёрига топширгайсан. Балки, улғайганда никоҳига олар. Мендан рози бўл.

Шод Мулк “йўқ” дея кўзлари ёшлу бошини чангаллаб ташга отилди.

1411 йилнинг 3 ноябрида Халил Султон оламдан кўз юмди.

Шод Мулк бир ханжар олиб учини кўкрагига қадади ва бор кучи, бор оғирлиги билан ўзини ерга шундай ташладики, ханжар орқасида икки кураги орасидан тешиб чиқди.

Икковларини бир қабрга дафн қилдилар.

Йигирма етти ёшда ўтишди. Нима ҳам кўришди? Бу олам бир меҳмонхона... Ер сира тўймайди.

Одам барибир минг хил хаёлга боради: Ҳазрат соҳибқирон Шод Мулкни саройга яқинлатмасликни буюргани тўғрими? Шаҳзодалар Темурнинг васиятига амал қилганларида Темурийлар салтанати узоқроқ яшармиди? Ким билади, дейсиз? Тақдир ишларига бир нима дейиш қийин...

ХУРРАМ ила АРЖУМАНД

(Шоҳ Жаҳон билан Мумтоз Маҳал)



Шоҳ Акбар 13 ёшида ҳукмдор бўлиб, 50 йил давлатни идора қилгач, 1605 йилда вафот этаркан, тахтни тўнғич ўғли Жаҳонгир (1569—1627) га топширган эди. Жаҳонгир 22 йил ҳукмдорлик қилди, унинг беш ўғли ва икки қизи бор эди. Ҳамма ўғилларига машҳур подшоҳларнинг исмларини қўйган, чунончи, тўнғич ўғлининг оти Хусрав, кейингиси Парвиз ва учинчиси Хуррам

ва ҳоказо эди. Ўзи тозақўнгил, табиатни ва овни яхши кўрар, адолатни ва сабр-қаноатни ўзига яшаш йўриғи деб биларди. Аммо бора-бора ичкилик ва қорадорига ружу қўйгани боис, ундан кўпчиликнинг кўнгли совуди. Энди унинг ҳолини кўриб, тўнғич ўғли Хусрав тахтни эгаллаш пайига тушиб қолди ва отасига қарши исён кўтарди. Жаҳонгир уни енгиб, ҳибсга ташлади. Аслида Жаҳонгирнинг ҳар-



бий салоҳияти у қадар кучли эмасди, унинг бу тарафини яхши билган амалдорлар вилоятларда тез-тез кўзғолон қилиб туришарди.

Жаҳонгиршоҳнинг учинчи ўғли шаҳзода Хуррам Ражпут шоҳинаси Манмати исмли хотинидан 1592 йилда Лаҳорда туғилган эди. У 20 ёшдан ўтганда (1612 йилда) 19 ёшли Аржумандга уйланди. Чунки шаҳзода икки марта уйланган ва хотинларига кўнгил қўймаган, уларга лоқайд муносабатда эди. Бу галги уйланиши жуда муваффақиятли бўлди.

Гап шундаки, Жаҳонгиршоҳ 1611 йилда Акбаршоҳнинг бош вазири Ўттич Давланинг набираси Меҳринисо исмли қизга уйланди. Аржуманд эса, Меҳринисонинг акаси, сарой бошқарувчиси Осафхоннинг қизи эди. Бу эса, валиаҳдлик учун ака-укалар ўртасидаги курашда унинг имкониятларини оширар эди. Яна устига устак Аржуманд ўткир ақл-идроки, дид-фаросати, тadbиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенгсиз гўзаллиги билан сарой аъёнлари ўртасида назарга тушган ва ҳурмат қозонган эди. Жаҳонгиршоҳ уни чин кўнгилдан ардоқлар эди.

Ўғли Хуррамни унга уйлантирганда, тўй куни келинининг кўп тарафлама қобилияти ва билимларини санаб ўтаркан, уни Мумтоз Маҳал (Саройнинг Кўрки) деган унвонга лойиқ қўришини айтади, шу-шу ҳамма уни Аржуманд эмас, Мумтоз Маҳал деб атай бошлайди. Шаҳзода Мумтоз Маҳални қаттиқ севди, қиз ҳам уни... Доим меҳру муҳаббатда, ҳамфикрликда яшадилар. Агар ота-бола (Жаҳонгиршоҳ ва Хуррам) ўртасида келишмовчилик ё низолар чиқиб қолса, ҳушёр ва оқила келин масалани ҳал қилишга киришар ва бу ишнинг уддасидан чиқарди.

Хуррам ва Аржуманд тўрт йилда тўрт фарзандли бўлдилар. Ҳуриалнисо ва Жаҳоноро исмли қизлари, Дара (Дарё бўлса керак) ва Муҳаммад Султон исмли ўғиллари барча қон-қариндошларининг севимли болалари эди. Аммо тунғич қизлари Ҳуриалнисо 1616 йили, энг ширин ва жовиллаган бир пайтида, уч ёшида вафот этди. Бу мусибат ёш она ва отанинг қалбларини ҳеч юпатиб бўлмайдиган фарзанд доғида қуйдирди.

Айнан шу йили Ҳиндистоннинг Дақхон минтақасида кўп можа-ролар кўтарилиб, ҳеч тинчимаётгани ҳақида хабарлар келаверди.

Дақхон санскритча “дақшина”, пракритча “даққхино” сўзидан олинган бўлиб, “жануб мамлакат” деган маънони билдиради ва у Ҳиндистоннинг жануб қисмида жойлашган эди. Шимолдан

Винтхйа тоғлари билан, шимоли жануб орасидаги табиий чегаралар билан, шарку ғарбдан денгиз билан, жанубдан Кришна дарёси билан ўранганди. Кришнанинг жанубида қолган мамлакатлар Ҳиндистон яримороли дейиларди. Бу ерлар ҳали ражлар қўлида, Бобурийлар салтанатидан айро яшарди. Қадимий Дақхонда Кўнқон, Махараштра, Бенгола, Телингона, Гўндвана деган кичик-кичик давлатлар бўлиб, улар бир-бири билан чиқиш-масдилар ва бунинг оқибатида халқларнинг яшаш даражаси оғирлашарди. Бу ерларга илк мусулмонлар 1294 йилдан оқиб кела бошлагандилар. Улар 1525 йилга келиб олдин беш давлатга, кейин уч давлатга айланган эди. Жаҳонгиршоҳ Дақхондаги нотинчликларни ҳисобга олиб, у ерни ҳам Ҳиндистон салтанатига қўшиб, ягона марказлашган давлатга айлантиришга киришди ва шаҳзоданинг мусибатдан чекаётган изтиробларини унуттириш ва ҳаёлини давлат ишларига жалб қилиш, айни чоғда жанг қобилиятини чиниқтириш мақсадида Дақхон урушига бош қилиб юборди. Хуррам Дақхондаги ражлар билан жангда жуда буюк муваффақият қозонди, бу ерларни тўла-тўқис эгаллаб, Бобурийлар ҳокимиятини ўрнатиб қайтди. Шу муносабат билан Хуррамга Шох Жаҳон унвони берилди. 1622—25 йилларда Хуррам (Шох Жаҳон) отасига қарши қўзғолон кўтарди, аммо Жаҳонгиршоҳ уни енгди, Аржуманднинг оқилона тadbирлари туфайли отаси уни кечирди.

Бундан кейин Шох Жаҳон ва Мумтоз Маҳал гўзал ва муҳаббатли ҳаётларини давом эттирдилар ва ота вафотигача яна олти фарзанд кўрдилар. Мумтоз Маҳал яхши-ёмон кунларда ҳам, оғир дамлар ва ҳарбий сафарларда ҳам, ҳар доим эри билан бирга бўлар, садоқатли ҳамроҳ, жафокаш дўст бўлиб ўзини кўрсатарди...

Жаҳонгиршоҳ 1627 йилнинг октябрида Кашмир-Лаҳор йўлида шафот этди ва Шох Жаҳон исёнкор акаси Хусравни қатл эттириб, 1628 йил февралда Аграда тахтга ўтирди. Кўп ўтмай Бундалос ва Хон Жаҳон Лўди исёнлари бошланди. Мумтоз Маҳал бу исёнларни бостиришда ва бошқа салтанат ишларида ҳам Шох Жаҳонга ёрдамлашиб, уринли ва режали маслаҳатлари билан ҳукмдорни тўғри йўлда тутиб боришда давом этди... Саройда у маслаҳатчи ва муҳрдорлик лавозимида эди. Бир-биридан ҳеч ажралишмайдиган эр ва хотин ота вафотидан кейин ҳам яна тўрт бола кўрдилар. Аммо ўн тўртинчи фарзанднинг туғими фожиали келди. Сўнгги қизи дунёга келаркан, ўзининг ҳаёти таҳликада қолди. Мумтоз

Маҳал Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг тўртинчи йили, 1631 сананинг 17 июнь чоршанба куни, Бурҳонпурда кўзи ёриш жараёнида, 38 ёшида вафот этди.

Ривоятларга қараганда, Мумтоз Маҳал ҳаётдан кўз юмиш олдида, эридан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бошқа уйланмасликни ва ўзига бетакрор бир мақбара қурдиришни сўради. Болаларига, хусусан, қизи Жаҳон Орога отасини ҳеч қачон қаровсиз қолдирмаслик вазифасини юклади.

Шоҳ Жаҳон учун севикли хотинидан бу васиятни эшитиш ўринсиздай кўринар, у бу гапларсиз ҳам бошқа уйланишни ўзига эп кўрмас, болаларини кўзининг учида тарбиялашни, хотинига жаҳонда ягона бир обида қуришни ўйлаётган эди. Ҳатто шу ишларнинг ҳаммасини адо этса ҳам, яна кўнгли ҳувиллаб ётишини биларди. Зотан, у хотинидан кейинги 36 йиллик умри давомида уйланмай ўтди. Болаларига қўлидан келганини қилди. Қизи Жаҳон Оро Шоҳ Жаҳон тахтга ўтирганда эндигина ўн тўртга кирган эди. Онаси вафот этган пайтда ўн еттидан ошган эди. Отаси унга қирқ минг дона ёқут жавоҳир инъом этиб, яна йилига олти юз минг рупий миқдорида нафақа белгилади. Ва қисси отасига то вафот этган 1666 йилгача хизмат қилиб умр кечирди.

Шоҳ Жаҳон хотинининг вафотидан кейин бутун фаолиятини давлат ишларига, шу жумладан Мумтоз Маҳалнинг қабри устида жаҳоншумул гузал бир мақбара — Тож Маҳални қурдиришга бағишлади. 1636 йилда Аҳмаднигорни қўлга киритди, Гўлканд ва Бижапурни сотиб олди, шимоли-ғарбдаги чегараларини кенгайтирди, 1638 йилда Қандаҳорни, 1646 йилда Бадахшон ва Балхни эгаллади. 1648 йилда бошкентни ўзгартирди: Аградан Деҳли кўчирди. Яна Шоҳжаҳонобод номли янги бир шаҳарни барпо эттирди. Хотинининг Аградаги қабри устида 22 йил давомида муҳташам Тож Маҳал мақбарасини қурдирди. Ҳозир бу обида буюк муҳаббат рамзи ва Ҳиндистоннинг энг асосий архитектура ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Тож Маҳал учун ажратилган ер билан бирга мавзолей қурилиши учун 22 йил ичида йигирма минг ишчи ишлатилди. Салтанатнинг энг яхши меъморлари ишга жалб қилиниб, лойиҳалар танлови ўтказилди. Шерозлик Устоз Исонинг плани аъло деб топилди. Бу ерга келган барча саёҳатчилар, шу жумладан, ғарблик сайёҳлар ҳам уни шарқнинг чинакам шоҳасари деб баҳо бердилар.



Оқ мармарлар кесимидан бўлган мақбара — бутун майдони ҳам оқ мармар — 313 қадам (бир қадам метрнинг учдан бирига тенг келади) мураббасида (тўртбурчак шакли мармар кесимлари зина-поёси) 18 қадам юксакликда бир фундамент устида қурилган. Фундаментнинг тўрттала бурчагида бир-бирига мутаносиб тўртта қуббали минора қад кўтариб турадики, улар чодирни эслатади... Бу минораларнинг баландлиги 133 қадам бўлиб, уч шарафали (балконли)дир. Фундаментнинг қоқ ўртасида — мақбаранинг ўзи. Бурчаклари 33 қадам 9 пус (1 пус 25,5 мм га тенг) узунликда кесилган ва диагонали 186 қадам мураббали узун фундамент устидан, олд тарафнинг тамалидан 92 қадаму уч пус тепададир. Мақбаранинг ўртасини 58 қадаму бир диаметрлик ва синчдан 74, фундаментдан 191 қадам юксакликка етган асос қубба тож бўлиб туради. Мақбарага тўрттала томондан кириш мумкин. Тўрттала томоннинг ҳар бирида баланд камарли бир равоқ бор. Уларнинг ҳар бирида икки қаватни ичига олган, қуббали бир хужра бор. Бу хоналарнинг ҳар бирининг устида қуббали бир чодир бор ва ҳар бирининг уч ташқи деворида икки қават ҳолида тартиб берилган ва гулдор панжараларга ёруғлик

берадиган камарли олти ниш бор. Бу нишлар худди катта равоқлардай арклидирлар. Катта қуббанинг тагида, ўртада ҳар иккаласи ҳам китобалар билан нақшланган Мумтоз Маҳалнинг бўш тобути билан ёнида эрининг бўш тобути қўйилган. Ҳақиқий тобутлар бўш тобутларнинг остида замин қаватидаги тупроқ устида бўлиб, бўш тобутлардан оз нақшлидир. Равоқларнинг камарлари арабча китобалар билан қопланган ва жозибалидир. Бениҳоя талабчан санъат танқидчилари, жумладан Фергюссон ҳам Тож Маҳал ҳақида сўйлаб, “у гузалликларнинг бу даражадаги гармонияси, ҳар бирининг бошқаси билан уйғунлигининг мукаммаллиги, бутун дунёда тенги бўлмаган бир санъат шоҳ асарини вужудга келтирган” деб ёзган эди.

Шарқда муҳаббат йўлида қўйилган бу қадар буюк обида намунаси бошқа Ғарбда ҳеч қерда йўқлиги айни ҳақиқатдирки, бу борада Фергюссоннинг фикрига қўшилмасликнинг ҳеч иложи йўқ.



ГАРОЙХОН билан МАРИЯ

1820 йилнинг май ойида улуг рус шоири Александр Сергеевич Пушкин озодликка чақирувчи шеърлари учун жазоланиб, жанубга, Петербургдан икки минг чақирим йироқ жойга жўнатиб юборилди. Шунда у генерал Раевскийнинг ҳомийлигида Қримни зиёрат қилишга муваффақ бўлди ва кўрган-кечирганларидан қаттиқ таъсирланиб, 1821–23 йилларда «Боғчасарой фонтани» достонини ёзди.

Достоннинг дастлабки сатрлариданоқ Қрим хони Гарой «Қовоқ солиб ғамгин ўнгирган» ҳолда тасвирланади. У ҳузурига кирганларни, ким бўлмасин, ҳайдаб юборарди.



Мағрур дилга тўлган у қандай туйғу?
 Қандай фикр-уйга толдирган уни?
 Русьга яна уруш очмоқчими у,
 Ёки, асоратга солар Польшани?
 Қонли қасос уни ёндирмоқдами,
 Ёки, қўшинида бирор фитна бор?
 Ё, уни тоғлилар кўрқитмоқдами?..

Йўқ, шоирнинг тасвирлашича, Гаройни бутунлай бошқа нарса уйга толдирганди. Гаройхон яқинда Польшага юриш қилган ва бир князнинг Мария исмли қизини асирликка олиб келган эди.

Эвоҳ! Боғчасарой қўйнида қулдай
 Яшириб қўйилди ёш князь қизи,
 Асирликда тун-кун ёш тўкиб, гулдай —
 Сарғайиб борарди Мария юзи.

Шўрлик қизга шафқат қилар Гаройхон:
Ингра, йиғласа ва чекса фигон.
Тун бўйи уйқуси безовта бўлар,
Ҳарам қонунларин қизга юмшатар.

Пушкиннинг талқинича, Гарой доим Мария ҳақида ўйлайди ва олдинги севгилиси — гуржи қизи Заремани ёдга олмай қўяди.

Бир кун ярим кечаси Зарема Мариянинг олдига киради ва Гаройхонни ўздан совутишни талаб қилади.

Ишқ, эҳтирос учун туғилганман мен,
Муҳаббатни мендек билишинг гумон.
Нима учун совуқ ҳуснинг билан сен
Унинг ожиз қалбин эздинг беомон?
Қўй Гаройни менга, шайдосиман мен,
Оташ бўсаларин адосиман мен.
Гарой барча орзу-истакларини,
Ҳамма ўйларини, тилакларини
Менинг ўйларимга қўшганин айтган.

Зарема унга ёлвориш билан кифояланмайди, агар айтганимни қилмасанг, билки, мен тоғлик қизман, ханжар ишлатишни биламан, дея таҳдид ҳам қилади ва кўздан ғойиб бўлади. Мария эса ортидан ҳайрон тикилиб қолади. Мени нималар кутмоқдайкин, наҳотки қолган кунларимни асираликда ўтказсам, деб зорланади.

Ё худо, шу олис қора зиндонда
Унута қолсайди уни Гаройхон,
Аламли дунёдан кечиб бир онда
Жон-жон деб севиниб берар эди жон...
... Яқин одамлари каби жилмайиб
Самода, абадий дунё бағрига
Марияни чорлаб, кутаётирлар...

Кунлар учиб ўтди. Мария-чи, йўқ.
Абадий уйқуга кетди кўп ўтмай.

Ўлим сабабини ҳеч ким билмас эди: асираликми, касалми ёки бирон ёвузлик юз бердими? Ҳарқалай ҳарам соқчилари ба-рибир воқеани Заремадан кўриб, уни денгизга улоқтирадилар.

Гарой эса саройни ташлаб кетади ва бир гуруҳ татар аскарларни билан ёт элларга юриш бошлайди. Аммо кўпинча қирғин авж олган дамда Марияни эслаб, қиличини баланд тутганча шу кўйи қотиб қоларди. Ниҳоят у саройига қайтиб келади ва Марияга эсдалик учун мрамрлардан бир фонтан тиклатадики, мрамр бўйлаб ҳалли совуқ кўзёшлари каби ҳеч тинмасдан томчи-томчи сув оқиётган эди. Қрим қизлари унга Кўзёшлар Фонтани деб от қўядилар.

Пушкиннинг достонидаги воқеа ана шундай.

Аммо мени кўпроқ бадий асардаги воқеа эмас, тарихий ҳақиқат қизиқтиради, шунинг учун тарихий манбаларга мурожаат қиламан.

Пушкиннинг 10 жилдлик Тўла Асарлар Тўпламида «Боғчасарой фонтани» достонининг охирида И.М.Муравьёв-Апостолнинг «Гаррида бўйлаб саёҳат» китобидан бир парча ҳам берилган. Муравьёв-Апостол саёҳатга Пушкиндан сал кейинроқ келган эди. У ўзининг саёҳатномасида, жумладан, шундай деб ёзади: «Саройдан ташқаридаги масжиднинг орқасида Гаройлар сулоласи хонларининг ва султонларининг қабристони бор. Баланд, баланд тераклар, ёнғоқлар ва тут дарахлари соясида оқ мрамр мақбаралар остида уларнинг хоклари кўмилган...

Юқори боғ шийпонининг шимол тарафида, тепаликда, усти гўмбазли бир бино қад кўтарилиб туради. Бу Қрим Гарой-хонининг хотини гўзал гуржи қизининг мақбараси бўлиб, бу қизнинг гули ҳаётининг эрта тилида сўлган, бундан қаттиқ қайғуга ботган Қримхон севиниши учун бир обида қурдирган ва ҳар куни у ерда кўзёшларини тўкиб кўнглини бўшатиб олар экан. Мен ҳам бу гўзалнинг қабрига бош эгиб гўрмоқчи бўлдим, аммо эшикни бекитиб ташланган экан. Шуниси жуда ғалатики, бу қабрикларнинг ҳаммаси «мақбаралардаги аёл гуржи қизи эмас, балки қизи Мария Потоцкая» дейишни маъқул кўришади.



Марияни Қрим Гарой обқочиб келганмиш. Бу ривоят тарихини асосга эга эмас деб қанчалик баҳслашмай, улар барибир бу Марини эди деяверишади».

Пушкин жилдликларининг изоҳларида эса, «бу кўзёшлар фонтани Дилора Бекачнинг мақбараси эди» деб изоҳланса, бошқача бир ерда «Қрим Гаройхон ўз хонлиги даврида (1758–1764) Польшага юриш қилиши мумкин эмас эди», «Пушкин тарихий ҳаққонийликка белисанд қараган» дейилган. Изоҳларнинг давомида шундай жумла ҳам бор: «Қрим Гаройхон хонлик даврида (1758–1764) эмас, 50-йилларнинг бошида, Нўғой қўшинларининг сараскарлиги сифатида чиндан ҳам Польшага ҳужумлар қилган.

Менинг назаримда эса воқеа Пушкин талқинига жуда яқиндир. Аввало мен ўзим билган баъзи нарсаларни эслатиб ўтишни жоиз деб биламан.

Шарқ ҳукмдорларининг аксарияти фақат ҳокимият, фақат фатҳ ишлари, халқ ва мамлакат ободлиги ҳақида ўйлаб иш юритганлар, десак таърифда нимадир етишмагандай кўринади. Улар илм-фанга, адабиёт ва санъатга катта эътибор берганлари каби оддий банда сифатида, муҳаббатли ҳаётни ҳам жуда юксак мақомларда қадрлаганлар, ишқни, севгини билган аёллар сиймосини мангулаштириш учун ҳеч нарсаларини аямаганлар. Соҳибқирон Амир Темурнинг энг кўп суйган хотини Бибихоним номига атаб Самарқандда афсонавий буюк мадраса қурдиргани, Бобурийлар авлодидан бўлмиш Ҳиндистон ҳукмдори султон Шох Жаҳоннинг севикли хотини Мумтоз Маҳалга атаб Агра шаҳрида оқ мармардан Тоғ-Маҳал обидасини қурдиргани бутун жаҳон халқларини ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келади. Қрим Хонлигининг ҳукмдори Қрим Гаройхон ҳам шундай теран фикрли ва улкан юракли инсон эди.

Қрим Гаройхоннинг муҳаббат тарихи ва у қурдирган обиди ҳақида сўз бошлашдан олдин, мен ҳозирги ёш авлодларимиз ҳали кўп нарсалардан беҳабарликларини инобатга олиб, Қрим ҳақида кичик бир маълумот бериб ўтишни жоиз деб биламан.

Москвада нашр этилган Энциклопедик луғатда айтилишича, «Қрим яриморолининг майдони 25,5 квадрат километр бўлиб, икки тарафи Қора денгиз ва бир тарафи Азов денгизи сувлари билан ювилиб туради. Шимол тарафи Ўрдан ўтадиган (Ўр – хандақ маъносини билдиради, русча номи Перекоп) Дашти Қипчоқ орқали

қитъага боғланади. Бу ерда XV—XVIII асрларда Қрим Хон-
лиги мавжуд эди». Ундан олдинги асрларда бу ер Олтин Ўрда дав-
латига қарашли эди. Соҳибқирон Амир Темур яхшиликни билмай-
ниган, қитмир ҳукмдор Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Олтин
Ўрдани қулатиб кетгандан кейин, Олтин Ўрдада ҳукм сурган тахт
олиolari асносида Қрим беклар ва хонларнинг авлоdlari тўплан-
ган бир минтақа ҳолига келади. Худди Тўхтамиш каби, Жўжихон-
нинг кичик ўғли Тўқай Темур наслидан бўлган Бош Темур ўз но-
мига тамға урилган пул чиқаради. Шу тариқа бу ерда мустақил бир
давлат қуриш учун кураш бошланиб кетади ва ниҳоят Бош Темур-
нинг болаларидан бўлмиш Ҳожи Гарой Русия билан Олтин Ўрда-
ни қарши курашишни бўйнига олиб битим тузади, юқорида айтил-
ган Энциклопедиянинг билдиришича, 1441 йилда Қрим Хонлиги
ни қуришга муваффақ бўлади. Унинг бошкенти Боғчасарой эди.

Боғчасарой катта шаҳар эмасди. Атрофлари Боғчасарой эди.
бошлари эди. Икки тоғ орасида қурилган бўлиб, Мевазор ва сабзор
боғи утарди. Бу шаҳарда тошдан қурилган катта бино хоннинг
саройи эди. Ана шу ерда Гаройхонлар сулоласи ўша 1441 йилдан
1783 йилгача ўз давлат сиёсатларини юргизганлар. Кейин Русия
ҳукмдори Екатерина II даврида рус армияси Екатеринанинг уйи
ни генерал Потёмкин бошчилигида, бола-чақа, Хотин-халаж, чопи
сампири аралаш 30.000 аҳолини қириб ташлайди, шундай қилиб
Қрим хонлиги босиб олинади ва Русия қарамонига тушади.

Қрим хонлиги гуллаб-яшнаган 1758—1769 йилларда давлат

Қрим Гаройхон Польшага юришларидан биринчида ўн-ўн беш
лик отлик йигитлари билан қўлида қиличини ўйнатиб тақир-
бостириб келаркан, бир чорбоғ дарвозаси ёнида чошиб кетади
қирин қуриб қолади. Отини чоптириб бориб йулини тўсади
тўстайди. Қримхон отидан сакраб тушади. Улар бир зум бир-
рига тикилиб туриб қоладилар. Баланд бўйли, оққушларга
ошпоқ бўйинлари узун, ингичка белига қора тасма боғланган
бўйлагининг ёқалари капалак нусха қора бантлик эди. Хуркак
ри мос-мовий эди. Гарой ҳам қирчиллама йигит пайти, қара
ўқир ва шўх, бутун келбатидан мардлиги, жасурлиги қури
линиб турган бир кўркам инсон эдики, шак — шубҳасиз қи
ёққиди. У йигитларини тарқатиб юборади, ул ар отларидан
ўнлага бошлайдилар. Хуллас, йигитнинг исми Қрим Гарой, ў

хони эканлиги, қизнинг оти Мария, Польша князи Потоцкийнинг фарзанди эканлиги айтилади. Гарой, мен сенга уйланаман, мали кам бўласан, Қримга олиб кетаман, дейди. Мария, юртига бостириб келганларга тегмаслигини айтади. Гаройхон, Мария ҳозироқ у билан Қримга кетса, қримликлар ҳеч қачон Польшага қарши урушмасликлари, аксинча, дўст бўлиб яшашларига ваъда беради. Мария, мен отамдан розилик олай, кейин... деган гапига Гарой кўнмайди, сен ҳомилалик бўлганингдан кейин бу ерга совчиликка келиб, расм-русмларнинг ҳаммасини ўрнига қўямиз, дейди. Гарой Марияни отини миндириб йигитлари билан Қримга қайтади.

Қрим Гаройхон Марияни юртига олиб қочиб келганда унга жуда катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. У, қизнинг оёқлари остида бутун оламни тўкишга тайёр эди, ҳар қандай истакларини тезда адо этарди. Аммо бу муҳаббат узоққа бормайди. Марияни бир куни оламдан кўз юмган ҳолда топадилар. Ўлимнинг сабаби номаълум эди. Бировлар у ўз жонига қасд қилган, деса, бировлар ҳарамдаги кундошларидан бири заҳарлаб ўлдиргандир, дея гумонсирар, яна кимлардир кутилмаган бир касалликдан фавқулодда вафот топган, дер эди. Ҳар неки бўлмасин, Қрим Гаройхоннинг қайгу-ҳасрати чексиз-чегарасиз эди. Уни мусибат азобидан қутқара оладиган бирон инсон топилмас, у яшашдан ҳам воқеачар аҳволда эди. Тожу тахт, ҳукмдорликнинг ҳам маъноси қолмаганди. Унга не-не бошқа гўзаллар, янги келтирилган навниҳол қизларни келтиришди... ҳеч ким, ҳеч нима уни юпатолмас эди. Ҳакимлар хоннинг ярасига малҳам излаб, ҳар турли қизғалдоқлар боғлашни маслаҳат беришар, аммо булар бари беҳуда эди.

Бу 1763 йил эди. Шу ўринда турк шоири Али Ўролдан бир парча келтираман.

«Бир куни Қрим Гаройхон барча тош усталарини саройга тўплади. Гуруллаб амр қилди».

«Дунё тургунча йиғлайдиган бир чашма қуринглар!» деди у.

«Шундай бир чашма бўлсинки, аччиқ аламнинг теранлигини бир зумда фарқ этилсин!»

Бир тоштарош бор эди, Умар уста деган. Қримдаги бир қанча мадрасалар, саройлар, ҳаммомлар унинг бошчилигида барпо этилганди. Қрим Гаройхоннинг алами, ҳасрати унинг юрагини тешиб юборай деди. Ҳеч шубҳасизки, устанинг ўзи ҳам бундай ҳасратли муҳаббат савдосини бошидан кечирган эди. Хоннинг

хонини кўриб бир муштдай тугилиб кетди ва хоннинг истагини қўйиб тиммасига олди. Мармартошлар унинг гул қўлида минг хил сўришни ола биларди... Шу ондаёқ бир мармарни ўйиб бир ёриқ юшди. Сўнгра тошдан бир гул ясади.

«Ой хон! Бу ёшга тўла кўздир!» деди.

Сўнгра бир қурна ясади, катта бир қурна. (Қурна — бу сув тўқийдиган кичик мармар ҳовузча.)

«Бу — юрак қурнаси!» деди ва алам билан сувга тўлдирди.

Сўнгра унинг тагига бир жуфт кичик қурна қилди.

«Бу эса — замон!» деди.

«Замон — аламнинг аччиғини юмшатувчи муддат», деди (Али рол, «Икки чашма»).

Шу тариқа бу муҳаббатли дунёда бир гўзал обида, Пушкиннинг тили билан айтганда «Боғчасарой фонтани» бунёд этилди. Бирим қизлари уни «Кўзёшлар чашмаси» деб атадилар.

Менинг назаримда, Пушкиннинг достонида озгина мантикий тўтатносиблик етишмайди. Пушкин Қрим Гаройхонни золим хон сифатида кўради. Қримхон Мариянинг севгисидан маҳрум қилиб қопирланади. Агар у қизнинг севгисига етишмаган бўлса, унга бундай мангу йиғлайдиган чашма қурдиармиди? Яна Қримхон Мария вафотидан кейин атрофига бир неча йигитларни тўплаб қўлчиллик урушига отланади ва фақат бир дафъа Марияни эсини қиличини кўтарганча қотиб қолади. Бу тасвир одамнинг эсини сақланиб қоладиган бир полотнодай кўринади, аммо Қримхоннинг жангга отланиши ҳам, бундай ҳолга тушиши ҳам шарқона характерга тушмайди. Қрим Гаройхон ҳолидаги инсон фақат ўрки дунё қилиши, тахтдан кетиши мумкин. Атрофидаги одамлар уни қайтариб келишганда у ўзининг сўнгги истаги «Мангу шўлаётган чишма» қурдириш амрини бериши мумкин.

Лекин улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг буюк хизмати шундаки, рус босқинчилари Қримни босиб олишганда жуда кўп тарихий обидаларни бузиб ташладилар, аммо бу босқинчи Пушкиннинг ҳурмати учун сақлаб қолдилар.

Одам беихтиёр «Яшасин ҳақиқий шеърят!» деб юборади.

НОЗИМ ҲИКМАТ билан ВЕРА ТУЛЯКОВА

Нозим Ҳикмат номини мен 1952 йилда, 16 ёшимда эшитган ва ўзбек тилида унинг Танланган асарларини ўқигандим. Китоб сўзбошисида ва у ҳақда ёзилган барча мақолаларда «Нозим Ҳикмат — коммунист шоир» дея таърифланарди. 35 йил ҳукм сурган «қизил империя» бизни ва бошқаларни шундай тарбиялаб улгурган эдики, назаримизда «коммунист» деган ном «яхши, курашчан одам» деган маънони билдирарди. Унинг ёлгончи, иккиюзлама юзини кейинчалик бизга ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

1902 йилда туғилган Нозим Ҳикмат ҳам 20 ёшларида сиёсат алдовларига учиб Москвага Коммунистик Университетга ўқишга келган, коммунистик ҳаёт йўлини улку (идеал) деб билиб, Туркияда шундай йўлни тарғиб қила бошлаган эди. Ундан йигирма бир ёш катта бўлган Камол Отатурк албатта бу сиёсатнинг моҳиятини билар ва шоир Нозим Ҳикматнинг Туркияда коммунистик йўл учун жонини тикканига: «Афсуски, шундай бир таланти биз билан бирга эмас», дея ачиниб қараган эди. Шундай бир аҳволда унинг қамоққа олинишини асло нотабий деб бўлмайдди. 17 йиллик маҳбусликдан сўнг, ҳамон коммунистик йўлни тўғри йўл деб билувчи Нозим Ҳикматнинг чет элга қочиб кетишини ҳам ғайритабий деб баҳолаш ҳолислик бўлмас, деб ўйлай.



ман. (У Совет Россиясида, янги иқтисодий сиёсат даврида, санъат шайида эркинликлар мавжуд бўлган йилларда яшаганди.)

Туркиядан қочиб эндигина Бухарестга келган Нозим Ҳикмат бу ерлик дўстлардан Совет Иттифоқида чиққан сўнгги бир кинофильмни кўрсатишларини сўраганда, улар «Кубан казаклари» фильмини кўрсатишган, фильмда ҳаммаёқ хурсандчилик, маъмурчилик акс эттирилган ва у, орзулар ушалибди, деб ўйлаган эди. Аэропортдан Внуково шоссесидан Москвага келаётганда йўл четларидаги хароб кулбаларни, ҳатто сомон сувоқли томларни кўриб, инқилобдан олдинги турмуш музейи бўлса керак, деган таълимга борди. «Москва» меҳмонсаройига жойлашганда атрофдаги катта-катта ҳашаматли бинолар — ёзувчиларнинг ва амалдорларнинг уйларини кўрди. Улар уйларига хотин-бола-чақалари билан катта қора машиналарда келишар, ҳаётларидан бениҳоя мамнун эдилар. Театрларнинг бир қанчасига олиб боришди. Ҳаммаси зерикарли эди. Қаҳрамонлар атрофдаги ҳеч нимани кўрмас, эшитмас эди. Худди кўрсаткич бармоқдай бир нарсани кўрсатиб, насиҳат қилардилар. Ҳаммасида Сталинга мадҳия ўқилар, уни қуёшга тенглаштирар эдилар.

Фадеевдан илк бора «халқ душмани», «ёғ унсурлар», «сохта ношар», «киши руҳининг муҳандислари» каби ибораларни эшитди. Мейерхольд театрини суриштирди, тоққа кетган, касал дейишди. Александр Таиров театрини сўради, театр таъмирда дейишди. Николай Эрк ҳам тоғда эмиш. Анигини суриштирганда, уларнинг ҳаммаси отилиб кетганини айтишди. Фақат режиссёрлар эмас, у билган-таниган кўп шоир ва ёзувчилар ҳам отилиб кетганини билган эди. Внуково йўлида кўрганлари музей эмаслигини англади. Нозим Ҳикматга Москвадан уй-жой, Паша хола деган хизматчи хотин, етти кишига етадиган озиқ-овқат «паёғи» (паёк — айрим имтиёзли одамларга бериладиган махсус талон), «ЗИМ» машинаси (шофёри билан) беришди. Нозим Ҳикмат буларнинг ҳақини гонораримдан ушлаб қолишса керак, тулашга пулим етмаса нима қиламан, деб хавотирга тушди. Паша холадан, буларнинг ҳаммасига қанча ҳақ тўлайман деб сўраганда, у, ҳеч қанча пул туламайсиз, бу сизга ўртоқ Сталиннинг паёғи деди. Бунга эшитганда учиб кетиб Фадеевнинг олдига борди. Нима, мени ишчилар синфининг боқимандаси қилмоқчимисиз? Мени бундай камситишнинг кераги йўқ, мен Туркияда ёлмоқда ётганимда ҳам «паёк-маёк» олмай, ўз меҳнатим билан ўзим-

ни боққанман, мен текинхўр бўлишни истайман, деди. Ғадеев уни тинчлантирмоқчи бўлди.

— Сизни ҳам, Симоновни ҳам ўртоқ Сталин паёк билан сийлаганми? Мен ҳозироқ Марказқўмга бораман! — деди. Ғадеев орқасидан чиқиб:

— Ундай қилманг! Сизни ҳеч қачон кечиришмайди! — деди.

Нозим Ҳикмат барибир МК га борди. Имтиёзлардан воз кечди. Чиндан ҳам шундан кейин унга юқоридагиларнинг муносабати ўзгарди. Ғадеев эса уни ўз ҳимоясига олиб, Хитойга, социалистик мамлакатларга, Венага, Стокгольмга, Хельсинкига олиб кетар эди, уни Дунё Тинчлик Кенгашига аъзо қилди. Аммо Нозим Ҳикмат ўзига хос мардлик ва шижоат билан советлардаги ифлосликларга нисбатан фаол қаршилик кўрсатаверди. Ана шу йилларда у рус аёли Вера Туляковани севиб қолди.



Вера Тулякова 1955 йилда энди-гина Бутуниттифоқ Давлат Кинематография Институтининг сценарий факультетини тугатиб, «Союзмультфильм» киностудиясида муҳаррирлик вазифасида ишлаётган эди. Юқоридан Албанияга оид бирор асарни суратга олиш топширилганда Вера бир албан халқ эртагини топиб уни сценарий қилган ва бу асар устида иш бошланганда миллий ҳаёт тасвири, қаҳрамонларнинг кийиниши, уй-жойларининг тартиби, Албаниянинг табиатини ҳеч ким билмаслиги очилиб қолади. Кимни маслаҳатчи қилиб олиш тўғрисида ўйлай бошлайдилар. Режиссёрлардан бири, Албания 300

йил Туркия қарамоғида бўлган, шунинг учун Нозим Ҳикматни маслаҳатчи қилиб олиш мумкин, дейди. Аммо бошлиқ, унга боғланиш осон бўлмас, телефони ҳам ҳойнаҳой махфийдир, деб эътироз билдиради. Вера, топишга бир уриниб кўрай, дейди ва Ёзувчилар Уюшмасидан Нозим Ҳикматнинг тураржойини суриштиради. Москвадаги уй-жойи ва Переделкинодаги дала-ҳовлиси

телефонларини қийналмасдан топган Вера Тулякова дарҳол шоир билан боғланади.

— Ишингиз бўлса, майли, келақолинг, яхши қиз, — дейди Нозим Ҳикмат.

— Қачон борай?

— Ишингиз бўлса ҳозироқ келаверинг.

Вера Тулякова ўз сценарийсининг режиссёри Валентина Брумберг билан боради. Каттагина ва бир мунча бўм-бўш хонанинг ўртасида бир катта маса бўлиб, ортида қора костюм, қора кўйлак, қора қалпоқ кийиб олган чамаси қирқ ёшлардаги Акбар Бобоев ўтирар, маса усти аралаш-қуралаш қўлёмаларга тўла эди. Қизлар Бобоевни КГБ агенти деб ўйлаб, эҳтиёт бўлиб гаплашадилар. Ўзларни билан олиб келган эскизларни тўшамага ёядилар. Шоир энгашиб уларни кўздан кечираркан, бирдан: — Санъатда натурализмни жинимдан ёмон кўраман, — дейди аччиқланиб. Қизлар ўликдай тош қотадилар. Даҳшатга тушган Валентина вазиятни юмшатиш учун масалани назарий томонга бурмоқчи бўлади.

— Нозим, сиз натурализмни ёмон кўрасизми? Нима у натурализм, ўзи жоним? — деб сўрайди у.

— Ҳозир бу ерга бир одам кўйлаксиз кириб келса, бу реализм бўларди, агар иштонсиз кирса — натурализм.

Биринчи бўлиб Нозимнинг ўзи, кетидан ҳаммалари кулиб юборишади. Нозим қўлига қалам олиб, эртақ сюжетига ўзи расм чиза бошлайди. Камбағал болалар қандай кийиниши мумкинлигини, чолворлари қандай бўлишини, белбоғи қандай боғланишини, чўпон бола жилдини елкасига ташлаб юришини, кўзанинг шакли қандай, девордаги гиламнинг орнаментлари қанақалигини бирма-бир кўрсатиб беради... Сўнг мультфильм расмлари тайёр бўлгач, студияга келиб, бир кўздан кечириб берилиши тўғрисида келишиб оладилар... Бу масала яқун топгач, Нозим Ҳикмат Верани деворда осибдиқ турган бир сурат олдида бошлаб борди. Узунчоқ чорчўп ичига ёнламаси ўққа тутилиб добалаласи чиққан ер парчаси жойланганга ўхшарди. Тупроқнинг майда тепаликлар ҳолига келган юзларида йиртиқ темир бўлақчалари сочилиб ётгани мойли бўёқда жуда таъсирли акс эттирилган эди. Нозим Ҳикмат вазминлик билан изоҳ беради:

— Буни менга Константин Симонов ҳадя қилган. Бир рус ҳаёкари Сталинград ерларида сочилиб ётган мина парчаларидан шиллаган экан...

Вера масо устидаги қўлёмаларга қизиқади, Акбар Бобоев Нозим Ҳикматнинг «Иван Иванович бормиди, йўқмиди?» деган пьесасини русчага таржима қилаётган экан.

— Нима ҳақда бу? — деб сўрайди Вера ҳайиқибгина.

— Ҳокимликка берилиб кетиш жуда хатарли нарсa, айниқса сиёсий ҳокимликка. Мисолга Сталинни кўрсатишим мумкин. Пьесани ёзаётганда мен уни ўйлагандим. Хулласи калом, яхши қиз, биздан бюрократлар хафа бўлиши турган гап. Нима қилайлик? Хафа бўлиша қолсин!

Кейин Верага: — Мабодо сиз бюрократ эмасмисиз? — деб ҳазиллашади.

Ҳаммалари, Бобоев ҳам, кулиб юборишади.

Биринчи танишган кунлари шундай ўтган эди.

Қизлар қайтишаётганда гаплашиб кетадилар. Нозим Валентинадан:

— Вера эрга текканми? — деб сўрабди.

— Йўғ-ей, нима деяпсиз? — депти у.

Шу-шу Нозим Ҳикмат маслаҳатчи сифатида студияга тез-тез келадиган бўлипти. Ҳамманинг сеvimли одамига айланипти. Аммо кино олиниб бўлгандан кейин ҳам келишини канда қилмас экан.

Бир куни у Верага телефон қилиб, бир эски француз фильми — «Чодир-хаёл болалари»ни кўрсатишни илтимос қилди. Қанчалик қийин бўлмасин, Вера бу фильмни Давлат фильм фондида топти ва Нозимни томошага таклиф қилди. 1956 йилнинг 3 ноябри эди. Нозим Ҳикмат Бобоев ва бошқа дўстлари билан бирга келди. Томоша бошланди. Вера билан Нозим томошада бирга ўтиришди. Фильмда Арлекиннинг бирёқлама, маъюс ва фожиавий муҳаббати Луи Барро томонидан катта маҳорат билан ижро этилганди. Вера ҳеч қачон бирон фильмдан бу қадар ҳайратланмаган эди. Луи Барро ижроси унинг учун катта кашфиёт бўлди. Биринчи серия тугади, қаттиқ ҳаяжонланган Нозим Ҳикмат Вера Туляковага совқотаётгандай туюлди ва унга буфетдан иссиқ чой олиб келди. Аммо Нозим Ҳикмат ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди. «Кино ёқмадимми?» деб сўради Вера. «Вақтим битди. Қолганини кўришга вақтим йўқ» деди у. Вера уни кузатиб қўйишга чиқди. Биринчи қават билан иккинчи қават оралиғидаги зинапоя майдончасида у тўхтади ва Верани тирсагигача қўлидан ушлаб, юзларига қаради.

Мен сизни севаман. Тушунасизми? Мен сизни севаман, — деди ва йиглаб юборди. Вера шу пайтгача эркакларнинг йиғлаганини кўрмаганди. — Бу сизга кулгили бўлса керак. Бобом тенг одам, деб ўйлаётгандирсиз. Сизнинг ўрнингизда мен ҳам шундай ўйлаган бўлардим. Бироқ тушунинг, менга жуда оғир. Юрагим қонаяпти, сизни шундай севаман.

— Йиғламанг, — деди Вера. — Йиғламанг.

Мен икки соатдан кейин чет элга кетаман. Тушунаман, шундан бир нарса умид қилишим ноўрин. Сизга ортиқ бундай санимасликка, гапимни ёдингизга солмасликка ваъда бераман. Бу туйғудан қутулганимда Москвага қайтаман. Кечиринг мени...

Шу билан Нозим тўққиз ой йўқ бўлиб кетди. У кетгандан кейин Вера ўзи ҳам Нозим Ҳикматни севиб қолганини фаҳмлади. Тўққиз ой ҳар куни, ҳар соат уни эслар, ҳеч ёдидан чиқаролмас эди.

1957 йил 27 июльда у Верага телефон қилди.

— Жоним, бу менман, — деди у.

— Салом, Нозим, — деди Вера ва қувонганидан кулиб юборди. Школга, фаолиятга оид савол-жавоблардан сўнг, Нозим: — Олдингизга бориб турсам бўладими? — деб сўради. Вера розилик билдирди, Яна устма-уст телефонлашиш ва учрашишлар бошланиб кетди. Вера дунёга Нозимнинг кўзлари билан қарай бошлади.

Бир куни ораларида Зошченкодан гап очилганда, Нозим Ҳикмат 20-йилларнинг бошларида Эдуард Багрицкий ўзига Зошченконинг китобини берганини ва ундан энг оғир шароитларда ҳам қишқичликларни кулги билан енгил мумкинлигини ўрганганини ва ҳамокда ётганида бу нарса унга кўп қўл келганини айтиб беради, шундан фикрини Зошченко Мольер ва Гоголлар қаторида турувчи буюк адиблар, деб яқунлайди. Коммафкура таъсирида улғайган Вера Гүлякова Зошченко ҳақида бундай баҳони эшитиб ҳайронлар қолади. Нозим Ҳикмат Зошченко қатағонга олиниб, ҳеч ким унга яқин бўлмайдиган чоғларида уни уйга таклиф қилиб, театрда у билан учрашга боради. Бугина эмас, Нозим Ҳикмат ўзи Москвада яшаб, Ленинградда яшаётган Зошченкога почта орқали узоқ вақт ёрдам пули юбориб турган. Бир куни Зошченко қатағонга учрагандан кейин у билан ҳикояларини «100 ҳикоя» номи остига тўплаганини айтганда, Нозим Ҳикмат: «Мен буни чиқариб бераман, «Новый мир» журналинда Константин Симонов деган оғайним бор, айтаман, журналида босади». Ҳаммалари Нозим Ҳикматнинг соддалигидан куладилар.

Вера Тулякова Нозим Ҳикмат ёнида қанчалик кўп бўлса машхур рус зиёлилари билан шунчалик кўп таниша борди. Зошчен-конинг хотини Вера Владимировна, Горькийнинг хотини Екатерина Павловна, Алексей Толстойнинг хотини Людмила Ильинична, Пастернаклар оиласи, хуллас рассомлар, композиторлар билан мулоқотда бўла борди. Ҳатто Верага гоҳ Париждан Луи Арагон, Чили шоири Пабло Неруда, унинг хотини Матильда ҳам ва гоҳ Варшава билан Берлиндан, гоҳ Прага билан Лейпцигдан жаҳоннинг таниқли бошқа ёзувчилари ҳам Нозимни суриштириб телефон қила бошлайдилар. Жаҳон зиёлиларининг диққат марказига тушиб қолишининг сабабини суриштирганда, «мен Парижда сени севишимни ҳаммага айтганман», дейди Нозим. Сўнгра ундан бутунлай ўзига хотин бўлишни талаб қила бошлайди.

— Кўриб турибман. Мени севасан. Менга тегиш сенга жуда мураккабдай кўринади. Аслида ундай эмас. Менинг уйимга кўчиб кел. Кейин тез орада чет элга кетамиз. Озгина гап-сўз бўлиб, кейин ҳаммаси тиниб-тинчиб кетади, — дейди.

— Иложим йўқ, — деб жавоб қайтаради Вера.

17 октябрда «Известия» газетасида «Тень на плетень» («Атайлаб чалкаштириш») деган мақола чиққан ва унда Нозим Ҳикмат ёмон одам, чет элда совет тузумига тўхмат чаплаш билан машғул, деган гаплар айтилган эди. Аслида эса Нозим Ҳикмат «Литт-франсез» газетасининг саволларига жавоб бериб, машхур режиссёр Мейерхольднинг ёрқин хотирасини ҳимоя қилган эди, холос. «Известия»: «Нозим Ҳикмат, Мейерхольдни қатағон қилганларга тўхмат тошини отмоқда», деб айблаган эди. Кўп ўтмай идорачилар Вера Туляковани «Союзмультфильм» студиясидан кетиш тўғрисида ариза ёзишга мажбур қила бошлайдилар. Худди Саид Аҳмад қамалганда Саида Зуннуновадан талаб қилганларидай.... Айби Нозим Ҳикматнинг гоёси зарарли бўлган сценарийларини ишлаб чиқаришга ўтказганлиги эмиш. Шундан кейин аччиқланган Тулякова киностудия раҳбариятига қаттиқ бир ариза ёзиб, ишдан бўшайди. Энди у Нозим Ҳикмат билан бирга яшашга, ҳаётининг аччиқ-чучугини у билан бирга тотишга қарор қилганди.

Бир куни Нозим Ҳикмат МКнинг катта аппаратчиси, бўлим мудири, амалда министрға тенг бўлган бир ходим билан жуда қаттиқ гаплашди:

— Ўртоқ Милованов, кўзларингизни олиб қочманг, мен билан чет эллик киши билан гаплашгандай гаплашманг. Мен — туркман, аммо сизга қараганда кўпроқ совет кишисиман, мендан Совет Иттифоқининг ҳақиқий ҳаётини, карам ўз ўзагини қават-қават бирглар билан ўраб яширгандай яширманг! Мен 20-йилларда улғийдим, бутун ҳақиқатни билгим келади, жавоб беринг: Нима учун ўсмирлар ароқ ичишади? Деразангиздан ташқарига қаранг — кўрилишдаги ишчилар нега бекор чекиб ўтиришибди, нега бюрократлар ҳамма масалага «йўқ» деб жавоб беради, ҳаддан ортиқ иттиқ курашлардан кейингина «ҳа» дейишади. Демак, мумкин нарса экан-ку! Нима учун олий ўқув юр்தларига қабул ишида миллий чеклашлар мавжуд? Ҳатто кутубхоналардан китоб олишда ҳам сўраётган одамнинг миллатига қаралади? Нима учун совет еншиси рус бўлса 100 фоиз, украин бўлса 80 фоиз, грузин бўлса 15 фоиз, ўзбек бўлса 40 фоиз, яҳудий бўлса 5 фоиз коммунист деб ҳисобланади, агар турк бўлса совет кишиси эмас, тўғри гапни пиришга унинг ҳаққи йўқ? Нима учун 80 минг амалдор ишга машинада боради, митти-митти жўжуқлар, қаҳратон совуқда қўналдиларда дирғизлаб турган биринчи синф ўқувчиларини ўз машиналарида ола кетишга ярамайдилар?! Кулманг, ўртоқ Милованов, нега шундай вақтлар келади — бундай шармандаликлар мутлақо бирҳам топади! Буни кўпни кўрган бир турк, мен айтяпман сизга!

Вера Тулякова Нозим Ҳикмат билан бирга яшаркан, то ўлимигача қадар қандай тўс-тўполонли, қаҳрамонона ҳаёт кечирганига гувоҳ бўлди. Ҳеч кимдан, ҳеч қачон кўрқиб ўтирмаганини, дунёвий адолат учун, ҳақиқий фаровон ҳаёт учун жонини тикканини билди.

Нозим Ҳикмат Вера Тулякова билан танишишдан олдин, 1956 йилда Александр Фадеев ўз жонига суиқасд қилганда қаттиқ ҳаяжонга тушиб, «Ё ҳаёт, ё мамот» драмасини ёзган, аммо у саҳнага чиқарилмаган эди. 1962 йилда Моссовет номли драма театри шу асарни саҳнага қўймоқчи бўлди ва театр раҳбарияти Вера Туляковадан Нозим Ҳикматнинг Фадеев ҳақидаги хотиранини ёзиб олиб театрга топширишни илтимос қилди. Вера шу илтимосни адо этди. Мана бир парчаси:

«Мен Фадеевни ҳар хил — хурсанд, қаҳ-қаҳ кулаётган, касал, темирдан ҳам қаттиққўл ҳолида кўрганман. Бир куни Хельсинкида Дунё Тинчлик Кенгашининг сессияси ёпилишидан кейин берилган зиёфатда Корнейчук, Борис Полевой, Эренбург, Ти-

хонов билан гаплашиб тургандик. Фадеев сал нарироқда Фредерик Жолио-Кюри билан бирга эди. Бирдан бизнинг олдимизга Шолохов яқинлашиб келди ва ҳамма эшитадиган баланд овоз билан ватандошларига имо қилиб: — Нозим, шулар билан нима-ни ҳам гаплашасан?! Буларни ёзувчи деб ўйлайсанми? Булар ёзувчи эмас! — деди. Шунда мен Фадеев Шолоховнинг олдига келиб, газаб билан бир-икки сўз айтганини, «Жирканаман сиздан» деганини эшитганман. Сўнгра Фадеев иккимиз банкетдан чиқиб кетдик. Скверга бориб бир неча соат суҳбатлашиб ўтирдик. Фадеев ҳеч тинчланолмас эди. «Ёш гвардия» романи ҳақида гаплашдик. Фадеев ўз қаҳрамонларининг ҳаёт тарихларини тўла айтиб берди ва мендан «Тор-мор» романини ўқиб чиқишимни илтимос қилди. Ана шу «Тор-мор» романидан мен унинг кучли ёзувчилик истеъдодини тасаввур қилганман.

Бир куни, Сталиннинг вафотидан кейин «Барвиха» санаторийсида Фадеев иккимиз митрополит Крутицкий ва Николай Коломенский билан айланиб юардик. Митрополит адабиётдан бохабар, зиёли одам эди. Шекспир ҳақида, «Ёш гвардия» ҳақида ва умуман фожиялар ҳақида узоқ гаплашдик.

— Энг катта гуноҳ бу умидсизлик, — деди у.

— Аммо инсон — худо эмас, — деб эътироз билдирди Фадеев. — У ўз заифлигидан, гуноҳларидан қочиб қутулолмайди-ку!

— Тақводорлик, одиллик — бу гуноҳ қилмаслик эмас, қилган гуноҳи учун тавба қилишдир. Хатосини тан олишдир. Гуноҳини ювишдир, камчиликларини бартараф қилишдир, — деди митрополит. — Апостол Пётр бир кечада уч марта ўз муаллими Исони инкор этган, аммо кейин тавба қилиб мағфират тилаган ва Худо уни кечирган, — деди, Инжилдан мисол келтириб.

1956 йил 11 майда Фадеев Нозим Ҳикматнинг дала-ҳовлиси-га телефон қилиб: — Эртага Самад Вурғуннинг тугилган куни, Бокуга телефон қилинг, ё яхшиси, унга бир табрик телеграмма-си юборинг, севинсин, — деди. Сўнгра: «мен Вурғуннинг бир мақоласини асраб юрибман, унинг тагига ўзим ҳам жон деб қўл қўйган бўлардим», деб қўйди. — Эртага келсангиз, сизга ҳам кўрсатишим мумкин. Эртасига 12 майда учрашдик, у газета қий-қимлари ҳам солинган бир конвертни берди. Хайрлашганда, кузатгани чиқди. Йўлда бир оз гаплашдик. Менинг турмадаги ҳаётим билан қизиқди ва гапининг сўнгида бир воқеани айтиб берди.

Айтишича, бундан икки ҳафтача бурун кўча томондаги эшикларни қаршисида бир одам тўхтаб турипти, ҳеч кетавермагандан кейин ким экан деб кўчага чиқса, таниш бир киши экан, кўзларига тикилиб қараб туриб, сўнг кета бошлабди. Отини айтиб чиқирса, эшикларига туфлаб кетиб қолибди.

Фадеев: — Мен ҳар доим шарафим юксак, номусли одамман, деб юрардим, энди ўзимни ёмон ҳис қиляпман, ўнгланиб олишга кучим етмаяпти, — деди. Мен уни юпатишга уриндим, у эса жилмайиб қўл узатди, хайрлашиб кетди. Орқасидан қараб қолдим. Қўлтиғида бир буханка нон ҳам бор эди. 13 майда мен конвертни очдим, Вурғуннинг «Шоирнинг ҳуқуқлари» мақоласи экан, энди ўқий бошлаган эдим, бирдан телефон жиринглади, гўшакка кимдир: — Фадеев ўзини отиб қўйди, тез шахсий врачингизни юборинг! — деб қичқирди. Бир неча минутда етиб бордим, Фадеевнинг кўзи очиқ ҳолда ўлиб ётарди. Пистолет ва икки хат ҳам шу ерда эди, бири хотинига, иккинчиси Марказқўмга ёзилган. Анча вақт ўтгандан кейин, дафн маросими ҳайъати аъзоси бўлган ёзувчи Василий Ажаевдан Марказқўмга ёзилган хатнинг мазмунини ҳам эшитдим. Унда Фадеев, Сталинга қаттиқ ишонгандим, КПССнинг XX съезди мен учун даҳшатли воқеа бўлди. Қаршимда икки йўл қолди: ё тавба қилиб, ҳаётимни янгитдан бошлаб, яхши амаллар билан ўртоқларимнинг ҳурматини қайтадан қозонишим керак, ёки нимагаки аралашган бўлсам ҳаётим билан жавоб беришим керак. Биринчи йўл жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб қилади, менда бундай куч йўқ, шунинг учун иккинчисини танладим...»

Вера Тулякова Нозим билан яшаган кунларининг ҳар бири катта воқеа бўлганини ёзади.

Бир куни Нозим билан Вера қаҳрамон саркарда, маршал Жуковникига бориб, унинг хотинини бир балетга таклиф қилишди. Жуков ҳам улар билан бирга борди. Танаффусда Нозим, Жуков билан гаплаша туриб, Иккинчи жаҳон уруши ҳақида бир насар ёзмоқчи эканлигини айтди.

— Уруш пайтида қаерда эдингиз? — деб сўради Жуков.

— Туркияда, турмада эдим.

— Қандай қилиб ёзасиз?

— Мен кўп уруш қатнашчилари билан гаплашдим, чехлар билан, поляклар билан... Яқинда Веранинг отаси жабҳадан йўллаган хатларини ўқидим, у Ленинград остонасида ҳалок бўлган...

— Керакмас, ёзманг, — деди ҳурмат билан, аммо кескин. — Ёзманг, Ғалабани қўлга киритганлар ёзишсин, тўғриси айтсам, уларда ҳам ёлғонлар, хатолар кўп. Ҳақиқат. Ҳақиқат керак. Яқинда биттаси, маршал Конев самолётда учиб келди, деб ёзипти. Конев самолётдан қўрқарди, умуман самолётга чиққан эмас, буни бутун армия биларди.

— Георгий, Георгий, — деб маршалнинг хотини гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлар, эр эса ўз фикрини ўтказмоқчи бўлиб гапни чўзарди.

— Менимча, хотинини мендан рашк қиляпти, — дейди Нозим Веранинг қулоғига пичирлаб. — Йўқса, нега келди? У балет-малетга тупуради, хотинининг ёнида бўлиш учун келди. Хотини эса, қара, қандай жиддий! Кийимларини кўр, нақ инглиз қиролчасининг ўзи!

Нозим Ҳикматнинг ҳар бир кунини Вера учун жуда ғайриоддий эди. Қатағонга учраган халқларнинг вакиллари, масалан, 70 нафар қрим-татар, ингушлар, чеченлар, абузарлар компартия органларига эмас, бир муҳожир, чет эллик шоирга мурожаат қилар, ундан ўз ватандошлик ҳуқуқларини тиклашга ёрдам беришни сўрашарди.

Бир кунини Нозим Ҳикматга Илья Эренбург телефон қилиб, фалон жойда турувчи Г. исмли бир рассом қийналиб яшаётганини айтади. Нозим Верани олиб дарҳол ўша рассомни кига етаклаб боради. Чиндан ҳам рассом ва унинг хотини икки-уч кундан бери нонсиз-овқатсиз оч ўтиришган экан. Пул берса бу ғурурли рассом олмаслигини сезиб, Нозим унга Вера Тулякованинг портретини ишлашга буюртма беради. Иши учун 150 сўм бериб (у пайтда муҳаррирлар, рассомларнинг ойлик иш ҳақи 120—140 сўм атрофида эди), расмни уйларининг тўрига осиб қўяди. Бу пайтлар Н.С.Хрущев Манеждаги тасвирий санъат кўргазмасига бориб, абстракционистларни сиқувга олган пайтлар эди. Нозим Ҳикмат фақат бу рассомни эмас, барча сиқувга учраган рассомлар ва шоирларни маънан қўллаб-қувватлар эди. Вознесенский, Евтушенко, Рождественскийлар унинг атрофида гирдикапалак эдилар. Ўша кунларда Нозим Ҳикмат Улуғ Фридрихнинг «Мен санъат учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим — унга халақит бермадим» деган жумласини айтар эди.

Нозим Ҳикмат 3 апрель 1963 йилда юрак инфарктдан вафот этди. Вера Тулякова Нозим Ҳикматнинг ўлимолиди кунларини ба-

тафсил ёзиб қолдирган. Марказий Болалар театри Нозим Ҳикматга Хиросима фожиасидан ҳалок бўлган болалар тўғрисида бир пьеса ёзиб беришни илтимос қилган экан. Нозим Ҳикмат Верага, буни сен ёз, мен сенга ёрдамлашаман, депти. Якшанба кўни соат ўн иккида «Турналар» пьесаси театрга топширилиши керак экан. Вера эрта туриб Нозимга турк қаҳваси келтириб бергану, дарҳол ишни якунлаш учун кабинетга кирган. Қоғоз турналар ясаб ўтирган япон болалари бир қисм кулга айланиши тасвирланар эди асарда. Нозим Ҳикмат кичкина япон қизи ҳақида шеърлар ёзиб берган, Вера улардан фойдаланиб ёзишга тугалларкан, Нозим уни чақирган ва:

— Шу ерда ёз, мен сени кўриб ўтирай, — деган. — Ётганим учун кечир, мен бугун кечаси ухломмадим... — Вера қўлёзмасини кўтариб ёнига келган.

— Тўхта, бир оз гаплашайлик, — деган ва икки соатча тинимсиз гапирган, бутун ҳаётини битта гапиришда тасвирлаб берган.

Чошгоҳларда Вера пьесани тугатиб театрга, Нозим Акбарларникига Наум Марнинг китобига сўзбоши ёзиб бериш учун кетганлар. Кеч соат саккизларда уйда учрашганлар.

— Акбарларникида мазам қочди. Бирпас дам олиб ўзимга келдим. Ҳозир яхшиман, эртага Поликлиникага бориб қонимни анализ қилдираман, ЭКГдан ўтаман, — деган. Аммо нотинч бўлган. Хонада у ёқдан бу ёққа юрган ва Веранинг олдига келиб: — Кел, сенинг уйингни қандай жиҳозлаш тўғрисида гаплашайлик, — деган.

— Нега энди менинг уйимда? Иккимизнинг эмас!

Нозим индамаган. Кейин яна:

— Ўлгач, ярим соатдан сўнг уйғонишни, мени қийнаган юрагимни кўришни, сенинг йиғингни эшитишни истардим... — деган.

Эрталаб тиқир-тиқирдан уйғонган. Кейин жимлик. Вера шарт ўрнидан туриб хонама-хона Нозимни қидира бошлаган. У даҳлизда осқининг тагида тўшамага ўтирган ҳолда вафот этган эди.

Ўша кўни эрталаб паспортини очиб, ичида ўз фотосуратини кўрган, орқасига:

Кел дегандинг менга,
Кул дегандинг менга,
Сев дегандинг менга,
Ўл дегандинг менга.

Келдим
Кулдим
Севдим
Ўлдим, — деб ёзилган эди.

Вера Тулякова Нозим Ҳикматнинг ўлимидан 2—3 ҳафта кейин у ҳақда хотиралар ёза бошлади. Ёзишдан олдин албатта Нозим Ҳикматнинг қабри тепасига борар ва соатлаб ўша ерда у билан ҳаёлан гаплашиб ўтирарди. Бу ҳол 2—3 йил давом этди. Ниҳоят аста-секин тирик Нозим билан суҳбатлар тарзида ёзилган бир ажойиб китоб дунёга келди.

Бир куни Вера қабр тепасида ўтирганда унинг ёнидан қари бир кампир ўтиб:

Бир аёл бўлган эди,
Унга тож кийгаздилар
Малика бўлди.
Бир куни тожи учиб кетди,
Яна аёлнинг ўзи қолди,
Чиройли аёл, — дея шивирлабди.

Вера Тулякова шу қадар севинибдики, бу гапдан...

ШАҲРИЁР билан СУРАЙЁ

Шаҳриёр ҳозирги замон Эрон шеърлятида ҳам, Эрон таркибидаги Жанубий Озарбайжон шеърлятида ҳам катта шуҳрат қозонган энг кучли санъаткорлардан биридир. У фақат ўз ватанида эмас, бутун Яқин ва Ўрта Шарқда ва ундан олисларда ҳам севиб ўқиладиган шоирлар сирасидандир. Инсонликка муҳаббат, юксак гуманизм ва ҳақиқий ватанпарварлик Шаҳриёр шеърлятининг жонидир.



Муҳаммадхусайн Шаҳриёр 1906 йилда Табризда туғилган.

Отаси Мирзо Оқо Хушкинобий Эрон адлия вазирлигининг Табриздаги вакили ва гўзал хаттот эди. Ўрта бўйли, жиддий, саҳий, хушсуҳбат, сабрли, ширинтил инсон эди. Шеърни ва мусиқани севарди. Оиласи 30–40 кишилик катта хонадон бўлишига қарамай, дастурхони ҳар кимга очиқ эди. Адлия соҳасидан вазифаларини адо этишда жуда билимдон ва тажрибали эканлиги масалаларни яхшилик билан ҳал этишида яққол кўзга ташланар эди. Ноҳақларнинг ишларига бош қўшмас, мазлумларнинг муаммоларини пул олмай ҳал қилиб берарди.

Онаси Кавкабхоним (Юлдузхоним) ҳам миллион-миллион оддий турк аёллари сингари меҳрибон, фидойи, ичкин юракли, кўзга чечан бўлганлиги тўғрисида кўп хотиралар ва шеърлар учрайди.

Шаҳриёрнинг ёшлиги Табриз теғрасидаги қишлоқларда, жумладан, ота-боболари юрти Хушкинобда ўтди. Хушкиноб Ҳай-

дарбобо тоғининг этакларида жойлашган бир шаҳар бўлиб, тоғ этаклари Муҳаммадхусайннинг севимли ўйин майдони эди.

Шаҳриёр дастлабки маълумотни отасидан олди. У берган китобларни берилиб ўқирди. Саъдийнинг «Гулистон»и, Куръони Карим ва Форобийнинг «Ҳисоб» номли арабча-форсча шеърӣ луғат китобини деярли ёдлаб олганди. Кейин Қайишқуршоққа бориб Мулла Иброҳимдан, сўнг Табризга бориб, «Муттаҳида» мадрасасида шоир Аҳмад Оташдан таҳсил олди. Аммо уни тугатмасдан, «Толибиййа» мадрасасига ўтиб, уни битиргач, 16 ёшида Техронга кетиб, Дорилфунун қошидаги мактабга кирди ва уни икки йилда битирди.

1925 йилда Жандармерия контингенти тайёрлайдиган Техрон Тибб факультетига қабул қилинди. Ана шу талабалик йилларида Муҳаммадхусайн билан Сурайё исмли бир қизнинг муҳаббат савдолари юз берди.

Муҳаммадхусайн 30—40 нафарлик оилада улғаяркан, болалик чоғидаёқ турли воқеалар муносабати билан эсда қоладиган байтлар айтиб юборарди. Ўқувчилик ва талабалик йилларида эса, турк (Озарбайжон) ва форс классикларини кўп мутолаа қилар, аммо кўпроқ Ҳофизни яхши кўрар ва ўзича унинг таъсирида форсча шеърлар ёзиб юрарди. Ўз битикларини таҳсилдош дўстларига ўқиб берганида, улар Муҳаммадхусайнни «бутуннинг Ҳофизи» дея шовқинлашар эдилар. Унинг шоирлиги бутун факультетга овоза бўлган эди. Муҳаммадхусайннинг ғазалларини мақтовчилар орасида Сурайё деган бир гўзал қиз ҳам бор эди.

Сурайё фақат сумбати ва афти-ангори чиройли бўлибгина қолмай, дид-фаросати ҳам ўткиргина, шеър санъатининг фарқига етадиган, инсон сифатида камтарин ва айни чоғда ҳазилхузулли, суҳбати ширин, табассуми чиройли, кўнғироқ овози ёқимтой қиз эди. Муҳаммадхусайн олдинлари унга ҳамма қатори оддий муомалада бўлар, Сурайёга эса бу камлик қилармиди, ҳар қалай ора-чора гап отиб, шоирнинг бўлакча эътиборини тортишга ҳаракат қиларди ва бу ўз натижасини бермай қолмади. Муҳаммадхусайн ҳам у билан гаплашганда сал-пал ҳаяжонланадиган бўлиб қолди. У қизни севиб қолганини фаҳмлаб ҳам етмади. Фақат баъзан-баъзан кечалари унинг кулган овози қулоғи остида янграб кетгандай бўлар, шунда юраги қинидан чиқиб кетаётгандай бир орзиқиб тушарди. Албатта, босқичнинг йигит-

лари ичида энг билимдони ва ҳозиржавоби Шаҳриёр бўлса, қизлари ичида энг гузали шак-шубҳасиз Сурайё эди.

Муҳаббат тарихларига назар ташласак, кўпинча ёш шоирларнинг гузал қизлар томонидан севилмай қолганига гувоҳ бўламиз. Гёте билан Ҳайне ҳам шундай бўлган, Мицкевич билан Лист ҳам ва бошқалари ҳам. Аммо Шаҳриёрни севмасликнинг иложи йўқ эди. У жуда жўшқин, ловуллаб турган оловга ўхшарди. Қошларининг чимирилиши, шеър ўқиганда, санъатининг зўрлигиданми, сўзлари самимийлигиданми овози одамга жуда кучли таъсир қиларди. Гузал Сурайё унга кўнгил берди.

Шаҳриёр унга очикдан-очик Сурайё Пари деб от қўйди. Шеърларида қанча Пари бўлса, ҳаммаси Сурайё эди. Бошқалар ҳам жилмайиб уни Сурайё Пари деб ва ё шунчаки Пари деб чақирардилар. Бу унинг жаҳлини чиқармас, аксинча, хуш ёқар эди. Уларнинг ўтирган жойлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, таҳсилга бирга келиб, бирга кетишлари ҳаммага табиий ҳолдай кўринарди. Шу тариқа улар беш йиллик ишқ ҳаётини бошдан кечирдилар. Аммо бешинчи йили уларнинг муҳаббатига катта қўланка тушди. Тақдири Илоҳий эди шекилли бу...

Техрон Тибб факультети Жандармерия қошида бўлгани учун бу ерга давлат аппаратининг одамлари, айниқса, хавфсизлик кўмитасининг маъмурлари тез-тез келиб-кетиб туришарди. Бир сафар валиаҳд Ризо Паҳлавийнинг давлат маслаҳатчиси ва қариндоши Алихон Паҳлавий факультетга келганда Сурайёни кўриб қолади ва унга ишқи тушиб, дарҳол уйига совчи юборади. Сурайёнинг шоир Шаҳриёрни яхши кўришини эшитган амалдор, уни майдондан четлатиш йўллари излай бошлайди. Буни пайқаган ва Сурайёлар уйига совчи қўяётганини қизнинг ўзидан эшитган Муҳаммадхусайн Шаҳриёр бирда ҳаддан ташқари безовта бўлар, бирда қаттиқ аччиқланарди. Амалдорнинг «кўзга кўринмас элчилари» Шаҳриёрга учрашиб, Сурайёни ўз ҳолига қўйишни ва ундан четланишни талаб қила бошладилар. Муҳаммадхусайннинг кескин рад жавоблари алангада қизитилган темирдай воқеаларни тоблагандан тоблай боради.

Юзага келаётган таҳликали ҳодисалар туфайли исёнга келган Шаҳриёр ўқиши битишига 3–4 ой қолган бир вақтда факультетни ташлаб кетишга аҳд қилади. Дўстлари сабр қилиб сўнгги босқични битириб олишга ташвиқ қиладилар, аммо унинг қарори қатъий

эди. Ўқиш ҳарбий соҳага дахлдор бўлгани учун, бундай қилиш қонунга ҳилоф эди. Шунга қарамай ўқишдан кетиб қолганини баҳона қилиб шоирни қамоққа оладилар ва Машқ Майдони Миллий Боғида жойлашган полиция идораси ҳибсхонасига ташлайдилар.

Албатта, Ҳамлетнинг Горациоси, Фарҳоднинг Шопури бўлгани каби, Шаҳриёрнинг ҳам Шоҳёр, Лутфулла, Феруз сингари асл дўстлари бор эди, улар Шаҳриёр учун ҳаёт-мамот курашига ҳам тайёр эдилар. Аммо аксига олиб, шу пайтларда Шоҳёр оламдан кўз юмди. Лутфулла амалиёт учун Оврупога кетди, Феруз эса жаҳл устида тўполон қилиб Ҳабиб Майка ҳибсхонасига тушди ва у ерда ўз жонига қасд қилди.

Шаҳриёр ўша пайтларда нималар қилгани ҳақида кейинчалик Юсуф Гедикли исмли олим ва публицистга шундай ҳикоя қилганди:

«Мен дарҳол истеъфога чиқишим керак эди, аммо аризамни қабул қилмадилар. Ферузларникига кетдим, икки ой у ерда яшириниб юрдим. Бу орада Сурайё билан қисқа-қисқа муддатларда учрашиб турганларимиз ҳарифнинг қулоғига етибди. Мени тутиб олиб, қамоққа ташладилар».

Ўша даврдаги ҳолини турмада ёзган бир шеърда шундай дея тасвирлайди:

Голиб душманнинг ҳисорида йиғладим,
Йиғимга жўр бўлди созимнинг мағлублик нағмаси.
Канон улкаси қудуғида ётибман дунёдан узилганча
Ҳасрат кулбасидан Ёқубнинг дуолари остида
Бу тўфон каби тўс-тўполон ичидан сенга
Бахти қаро мендан ёзилган бир мактубдир бу...
Шаҳриёрнинг ойнаси оддий ва тиниқ,
Оҳки, сен кўп ёмонлик қиялсан менга...

Давлат вакиллари унга Техрондан бошқа ёққа кетишни, агар шундай қилса, давлат томонидан бир ишга тайинланишини ҳам айтдилар, аммо Шаҳриёр бу таклифни қабул қилмади. У ўлимига рози эди...

Бир куни Сурайёнинг онаси уни кўргани ҳибсхонага келди. Ва унга:

— Амр бор экан, сени хавфсизлик доирасига олиб кетишаркан. У ерда сени бир нима қилишлари турган гап. Кел, ажлодла-

ринг ҳурмати... қариндош-уруғларингнинг юзларидан оқаётган сувлари ҳаққи... бу шаҳардан кета қол! Сенга бир нима қилиш-са, эртага охиратда биз Пайғамбаримизга нима деб жавоб берамиз? — деди. Шаҳриёрнинг чунтагига бир нималар тикди. Сурайёнинг хатидир деб ўйлади, аммо у хат эмас, 200 -, 300 туман пул экан. Эҳ, у нима ҳам қила оларди!

Шаҳриёр, бир учрашувга келишни ва узил-кесил гаплашиб олишни таклиф қилиб, Сурайёга бир мактуб жўнатди. Аммо Сурайё мактубга жавоб ҳам ёзмади, учрашувга ҳам келмади. Шаҳриёрнинг бу кунги руҳий ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Кейинчалик ўша кунги кайфиятини ифодаловчи бир тарихий шеърини ёзди. Мана ўша шеър:

Беҳжетобод хотираси

Юлдуз санаб кутар эдим ул кеча ёри,
Келмади у, бўлдимикин ёр кеча ёри,
На қораси, на саси бор, кўзларим оқди,
Битди қулогим, кимдир менга қўряпти дори.
Хушёрману сўзлайман гоҳ ич-ичдан инграб
Гоҳ уни ҳам сл учирав беҳушлик сори.
Ҳамма ётган, фақат Оллоҳ ва мен уйғоқмиз,
Ҳеч кимса йўқ мендан пастда, Ҳақдан юқори.
Қўрқардимки, келаркан ёр, бирдан отса тонг,
Бағрим ёрилар, тонгим, отма, тарама тори.
Тонг юлдузи чиқмоқ истар, кўз ёлварар: чиқма!
У чиқмаса-да, юлдуз ёрнинг йўқдир чиқори.
Келмас, биламан бахтимни, энди оқарар тонг,
Қош оқарар, сўнг бошланар бошнинг оқори.
Муҳаббатга соя тушса, вафо ўлармиш,
Билмамки, табиат нега қўймиш бу қарори.
Сўнгги хўроз қичқириғи ханжар-ди, суқилди,
Сийнамда юрак бўлса кесиб узди томири.
Ҳазил билан ишва қилди, сабоҳ деди: кет!
Жон қўркуви бор ишқнинг: ютқиздинг бу қимори.
Бўлдим қора кун, узилиш керак у сариқ илдан,
Ўша қора кунлар эди ётган рангимни сори.
Азбас мени япроқ каби ҳижрон-ла сарғайтиб.
Боқсанг юзингга гўё қизил гул эди, қизори.
Кўз ёшлари ҳар ердан оқса, топади мени,

Дарёга баҳор маълум эди, сойларнинг оқори.
Мархабо, шафақда ўзимни саждада кўрдим
Қон ичра ғамим йўқ, юзим бўлсин сенга сари.
Ишқи бор эди Шаҳриёрнинг гулли чечакли,
Афсус, қазо урди, хазон бўлди баҳори.

Сурайёнинг учрашувга келмагани ва онасининг бу муомалаларидан қандай хулосага келиш мумкин?

1. Бизнинг халқ эртақларимизда камбағал оилаларнинг болалари, қиз бўлса шаҳзодага эрга чиқишни, ўғил бўлса подшоҳнинг қизига уйланишни орзу қиладилар. Халқ оғзаки ижоди орқали шундай деб тарбиялаган болалар, жумладан, Сурайё ҳам, балки, шоирдан кўра, сарой одами — шаҳзодага эрга чиқишни афзал кўргандир...

2. Шаҳриёрга зулм қилаётган амалдорлар, Сурайёлар оиласини ҳам сиқди-босдига олиб, кўрқитгандирлар... Ва айтиш чоғда Сурайёни беришса, қандай мукофотлар кутаётганига шама қилгандирлар.

3. Сурайё олдинига совчиларга парво қилмаган ва ўз аҳдида туриб, шоир билан сийрак бўлса-да учрашиб юраверган, аммо Шаҳриёрни турмага тикқанларидан кейин ва онасининг, энди шоирингдан кечмасанг бўлмайди, деб тинмай дакки бераверганидан сўнг, кўркувга тушган ва қарорини ўзгартирган. Булар тўғрисида бирон бир далил-ҳужжат, ўзининг ё бирон кишининг хотираси учрамайди.

Ҳар неки бўлмасин, ҳукмдорлар Шаҳриёрдан қутулиш пайига тушганларини тахмин қилиш мумкин.

Ҳа, чиндан ҳам Шаҳриёр нима қила оларди?

Эрон олимларидан бири Шаҳриёр ҳақидаги бир мақоласида шундай деб ёзади: «Шаҳриёр муҳтожлик, ночорлик натижасида ўқишга рағбати сўнди, устига-устак бошига ишқ можароси ҳам тушиб, тиб таҳсилини тарк этди ва Хуросонга даврнинг етук намояндаси Камол ул-Мулкни кўриш учун жўнади, шу муносабат билан «Камол ул-Мулк» зиёрати номли шеър ёзди. 1931 йилда давлат хизматига кирди».

Юқорида келтирилган суҳбатнинг давомида шоирнинг ўзи шундай дейди:

«Нима ҳам қила олардим. Камол ул-Мулkning ёнига кетишга рози бўлдим. Ҳусайниобод қишлоғидан жой сотиб олиб у ерда

мухташам бир иморат курдирган Солори Мутамад унинг дўсти эди. Бу шахс Камол ул-Мулкни Тақиаобод қишлоғидан Ҳусайниобод қишлоғига шахсан ўзи келтирганди. Мен Нишопурга кетдим, у ерда бир карвонсаройда қолдим. Бирдан уч киши тўғри менга қараб келаётганларини кўрдим. Бири мени кучоқлади. Бу, Тибб мактабида мендан бир йил олдинда ўқиган Доктор Маликий эди. Нишопур Соғлиқни Сақлаш Мудирлигининг бошқони бўлганди. Отаси ҳам Хуросоннинг таниқли кишиларидан эди. Сени Оллоҳ етказди, бу ерда гўрбат азобидан сиқилиб ўлаёзган эдим, деди.

Севишганларнинг тақдири кейин шундай давом этди.

Сурайё Алихон Паҳлавийга турмушга чиқди.

Шаҳриёр Нишопурда турли вазифаларда ишлади. Охири қишлоқ хўжалик банкига ишга ўтди. Лекин бу иши ҳам ўзига ёқмади. Ҳар қалай нафақага чиққунча шу иш билан машғул бўлди. Аммо асосий фаолияти адабиёт ва шеърят эди. 1952 йилда Табризга қайтди ва 1953 йилда бошланғич синф ўқитувчиси бўлган, ўзидан 35 ёш кичик Азиза исмли қизга уйланди. Улар икки қиз, икки ўғил кўрдилар. Уч фарзанди болаликда вафот этишди. Фақат 1960 йилда туғилган Ходи исмли ўглигина омон қолди. 1976 йилда Азиза юрак касалидан, Шаҳриёрнинг ўзи 1988 йилда вафот этди (82 ёшда).



Шаҳриёрнинг ижодий ишлари: форсча 4 жилдлик «Девон». Озарбайжонча бир жилд («Ҳайларбобога салом» достони ва 92 шеър) дан иборат. Ўзбек тилига фақат унинг «Ҳайларбобога салом» достони таржима қилинган «Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил май сониди босилган ва 2003 йилда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.



ОДИЛ ЁҚУБОВ билан МАРЯМ

1



Биз севган ва асарларини юрагимиз тўрига қўйиб ўқийдиган ёзувчимиз Одил Ёқубов расмий хужжатларга кўра 1926 йилда (бу таъкид сабабини қуйироқда изоҳлаймиз) комфирқа арбоби оиласида туғилди. Гарчи унинг бобоси Ёқуб Эшон жуда катта исломий маълумотга эга ва бутун Туркистонга таниқли имом бўлса ҳам, 1895 йилда туғилган отаси Эгамберди Ёқуб ўғли давр тақозоси билан социал-демократик гоялар таъсирига тушиб қолган шахслардан эди.

Бу воқеа шундай юз берганди.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида тузуккина мадраса таълимига эга бўлган, уйланган ва икки қизли бўлган Эгамберди, Чор Ҳукуматининг Ўрта Осиё халқларидан йигитларни мардикорликка олиб ишлатиш ҳақидаги фармони билан, Беларусиядаги ўрмонларда дарахт кесиш ишларига чақирилади. Эгамберди шарқ тафаккури ва тарихидан бохабар, билимли ва зеҳни ўткир йигит бўлгани боис, ўша Беларусия ўрмонларида ўша даврнинг энг фаол социал-демократик фирқаси намояндаларидан бири бўлган бир яҳудий инқилобчи билан танишганда, табиий равишда у билан дўстлашиб қолади ва у орқали марксистик адабиётларни

ўрганади. Социал тенгсизлик ҳақидаги ақидалар, дунёда ҳамма-ни тенг қила оладиган партия ва янги жамият қуриш мумкинлиги ҳақидаги ғоялар уни ўзига мафтун этади.

Биринчи жаҳон уруши туғаб она юрти Туркистонга қайтганида энди бу ерларда ҳам инқилобий ғоялар анчагина тарқалиб қолган ва ёш марксист Эгамберди бу ҳаракатлар ичида энг илғор етакчилардек жавлон ура бошлайди. Аввало ота-бола ўртаси бузилади. Ёқуб Эшоннинг бу йўналишнинг охири вой бўлажаги ва бу бўронлар ичида ёш йигит ҳаёти ҳам қоврилиб кетажаги ҳақидаги башоратлари ўғилнинг ғоялар қар қилган қулоғига кирмас, Октябрь инқилобидан кейинги тўс-тўполон ҳаётнинг ичида қайнар, бойларнинг ғалласи ва бошқа мол-мулкни тортиб олиш-у, Ер ислоҳоти борми, хотин-қизларни паранжидан чиқариш, уларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли қилиш борми, араб алифбосини ўзгартириш борми — ҳамма ишларда фаол қатнашар ва ўзига сон-саноксиз душманлар орттирарди. У жуда кўп партия ва совет раҳбарлик лавозимларида ишлади. Яна уч ўғил кўриб, беш болалик бўлди. Унинг душманлари ҳаммаёққа, айти чўғда марказга ҳам устидан чақув хатлари ёзишар, айниқса, отаси Ёқуб Эшон советларнинг ашаддий душмани эканлигига катта урғу беришарди. Бундай чақув хатлари натижа бермай қолмади: советлар Эгамбердининг қанчадан-қанча хизматларини икки чақага ҳам олмай, 1937 йилда инқилоб душмани диндор кишининг ўғли сифатида уни отиб ташладилар.

Икки қиз Зухра ва Марям ҳамда уч ўғил Одил, Холдор ва Ёркиннинг ташвиши онаси Гулшан зиммасида қолди. Эндигина 10 ёшдан ошган Одил рўзгор деб аталган тирикчилик залвори остида эзила бошлади. Отаси давридаги извошларда кезадиган рўшнолик кунлари олис туш хотираларидай орқа-орқаларда қолиб кетди. Ана шу пайтларини кейинчалик ёзувчи Одил Ёқубов «Эр бошига иш тушса» (1965) романида бутун тафсилотлари билан акс эттирди. Чиндан-да:

От бошига иш тушса сувлуқ билан сув ичар,
Эр бошига иш тушса этик билан сув кечар.

Ёш Одил этик билан сув кечиб йигит ёшига кириб келди.

Йигитликнинг ўз гашти, ўз қонун-қоидалари, ўз романтикаси бор. Бу ҳам бир орзу-хаёлли, ўтдан-сувдан чўчимайдиган,

керакми-нокеракми, ўйламай-нетмай жаҳаннамга сакрашни ҳам писанд қилмайдиган палла... Йўқса, Иккинчи Жаҳон урушидай аждаҳо комига кимнинг ҳам кўзи учарди, дейсиз! Одил Ёкубовнинг бирга ўпишиб, бирга тепишиб катта бўлган жўралари бор эди. Ораларидан қил ўтмасди. 1944 йилда Иккинчи Жаҳон урушида Германиянинг енгилажаги очиқ-ойдин бўлиб қолган, аммо жабҳага йигитларни жалб этиш давом этаётган бир фаслда бу жўралар, дўст-оғайнилар 18 га тўлиб қолгандилар. Жабҳа ортида турмуш ниҳоятда оғир, йигитлар урушаётган жангчилар яхши таъминланиши ҳақидаги гапларни кўп эшитишар ва урушга боришни ўзларига шараф деб билардилар. Одил Ёкубовнинг ҳамма тенгдошлари военкоматларга бориб, урушга кетиш масаласини ҳал қилиб олдилар, фақат Одил Ёкубовнинг ёши бир оз кичиклик қилаётганди: қонунга кўра 17 ёшлиларни урушга юбориш тақиқланганди. Ана ўшанда аслида 1927 йилда туғилган Одил Ёкубов турли таниш-тунишлари орқали туғилган йилини паспортида 1926 йил қилиб олган ва шу билан урушга олинадиган бўлганди. Аммо у Фарбга эмас, Шарққа, рус-япон урушига, Гоби саҳроларига юборилди ва 1945—1950 йилларда йигитлик бурчини адо этиб бўлгач, туғилган жойига қайтиб келди. Туркистон шаҳридаги Отабой қишлоғида Зухра опасининг магазинида ишлай бошлади, айнаи чоғда ўша пайтдаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Миллий Университет)нинг Рус филологияси факультетига ўқишга кирди. Биринчи йирик асари — «Тенгдошлар» қиссаси 1951 йилда босилиб чиқди.

2

Ўша 1951 йили бир куни Одил Ёкубов ишлаётган қишлоқ магазинига узоқ қариндошлари Салима хола қизи Марям билан пальто харид қилгани киришди. Салима хола Одил Ёкубовларнинг узоқроқ қариндоши, айнаи чоғда опаси Зухра билан яқин ўртоқ эди. Аммо гап бунда эмас. Салима холанинг қизи бирдан шу қадар бўйи етиб гўзаллашиб кетибдики, 25 ёшли Одил уни кўриб қотиб қолди. Йўқ, у умрида қиз кўрмаган сўтак йигитлардан эмасди. Не-не шаҳар-қишлоқларда, не-не чиройли рус қизларини, миниатюр япон гўзалларини, фоз ўмровли мўғул ва қозоқ дўндиқларини кўрганди. Аёл комиллигининг энг машхур намуналари — Камолиддин

Бехзоднинг беқиёс миниатюраларида тасвирланган Шарқ нозанинларини, Рафаэлнинг «Сикстина мадоннаси» (Биби Марям гудак ўғли Исо билан)ни, Леонардо да Винчининг Жокондасини ва бошқа етук аёлларнинг сувратларини ҳайрат билан томоша қилганди. Аммо ҳаётда чиндан ҳам бундай келишган қиз ўрнагини кўраман деб ўйламаганди. Бу самбитдай бўйлар, оппоқ, тиниқ ранглар, кўзларнинг маъсума боқишлари, самимий ва оддий табассум — ҳаммаси қандайдир ғайриоддий, илоҳий эди.

Улар пальтоми, юбками — алланима харид қилиб чиқиб кетишиди.

Марямнинг орқасида тўпикқача тушган қоп-қора сочларининг — бир жуфт зулфнинг тўлганиб кетишларидан кўзларини узоқмай қолган Одил:

— Жуда бошқача бўлиб кетибди-я... — дея олди зўрға опасига. Одил уни болалигида, тўй-маъракаларда кўрган, ҳеч қачон тузукроқ аҳамият бермаганди.

— Ҳа. Юзлаб совчилар уйларини дукуллатиб ётибди.

Одил опасига ўтингандай қаради.

— Нима, сенинг ҳам юрагингдан урдими? — дея хахолаб кулди. — Улар Тошкентда туришади. Жуда ўзига тўқ оила. Бу ерга қариндошларининг тўйига келишган. Йўқ-йўқ, хаёлингга ҳам келтирма — совчиликка бормайман. Энди 15 га кирди.

Одил лабларини тишлади. Кўзларини қаерга яширишни билмасди. Аммо ўртада иложсиз ҳол ҳукмрон эди. Ўзини тийиши кесраклигини, бундан бошқа чора йўқлигини аниқ-таниқ ҳис қилди.

Бутунлай адабий мутолаага чўмди. Жуда яхши, буюк ёзувчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шундай ёзсинки, ўқиганда, қалбининг поклиги ва гўзаллигини ҳис қилиб, у билан бирга бўлишни орзу қилсин.

3

Марямнинг отаси Шариатулло ҳам, онаси Салима хола ҳам Одил Ёкубовлар билан бир қишлоқда яшовчи амакиваччалар эди. Ўтган асрнинг 30-йилларида шўролар ҳукумати «Кулоқларни синф сифатида тугатиш» кампаниясини бошлаган, ўн-ўн беш қўй-сиғири бўлган бойроқ хонадонлар у ёқда турсин, иккита соғин сиғири бўлган оилалар ҳам кулоқ ҳисобланиб моллари мусодара қилиниб ўзлари қамала бошлаган таҳликали замонларда, бу ама-

киваччалар барча уй-жойларини ташлаб, Туркистоннинг Отабой қишлоғидан Тошкентга кўчиб кетишди. Тошкентнинг Чақар маҳалласига яқин ердан уй-жой сотиб олиб шу ерда истиқомат қила бошладилар. 1934 йилда катта бобо Насриддинбойнинг йўл-йўриғи билан Шариатуллога Салимани олиб беришди. 1937 йилда Марям, 40-йилда яна бир қиз туғилди. Кейинги қиз тез орада нобуд бўлди. Марям 4 яшарлигида отаси Иккинчи Жаҳон урушига кетди. Қандайдир хизматлари учунми ва ё ҳарбий топшириқ биланми, ҳар неки бўлмасин, 1943 йилда урушдан офицер бўлиб қайтди. Кўкраклари орден-медалларга тўла бениҳоя кўркам, норгул йигит эди. Уни кўрган аёлларнинг албатта кўнгли суст кетарди. Шу ҳол сабаб бўлдимми, ё бу бир тақдир найрангларимиди, Шариатулло тез орада оиласини ташлаб Зиёда исмли бошқа бир аёлга ўйланиб олиб, у билан яшай бошлади.

Салима хола қизи Марям билан энди отасининг уйида яшай бошлади. Бадриддин бува, Шарофат буви, икки хола, тоға, Салима хола ва Марям — етти жон бир оила бўлиб яшай бошладилар. Салима хола тикувчилик фабрикасига ишга кирди, Мухтор тоға Россельмаш заводида ишларди.

Шарофат буви болалар тарбиясига, уларнинг ўқишига қараб турар, бўш пайтларида дўппи тикиб ўтирарди.

4

Марям Тошкентдаги 59-мактабда ўқиди. Математикани ёқтирмас, бу фандан учга ўқирди. Аммо адабиётни яхши кўрарди. Айниқса, эркин мавзулардаги иншоларни маза қилиб ёзарди. Қоралама, оққа кўчириш каби одатларни хушламас, бир ўтириш, бир зарб билан иншосини битказиб, ўқитувчисига топширар ва доим беш баҳо оларди. Атворидаги инжа санъатга муҳаббат қайси отабобосидан ё момоларидан ўтиб келганини билмайди. Ҳар қалай болаликдан истеъдодли одамларга эътиқоди бўлакчароқ эди. Ёзувчи ва шоирлар, композитор ва рассомлар, киночилар ва артистлар унга қандайдир жудаям бошқача одамлар бўлиб кўринарди. Балки бувисининг таъсиридир. Уйларида кечқурунлари Шарофат ойиси (Марям ўз онасини опа, бувисини ойи деб чақирарди) кўпинча бадий китоблардан ўқиб берарди. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини араб алифбосида (Қозон босмасида босилган)

Ўқиб берганлари, икки холаси, тоғаси ва ўзи йиғлаб тинглаганларини яхши эслайди. Марямнинг ўзи Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романини, Алпомиш, Хон Далли дostonларини, ўша пайтларда нашр этилган «Армуғон» деган катта бир тўпلامни ўқиганларини эслайди. Умуман, Шарофат оининг оиладаги қизлар тарбиясига таъсири кучли бўлган. У тонг саҳарлаб туриб тан-диргами, ўчоқками ўт ёқар, сандалнинг кулини олиб, иситар, нопуштага иссиқ нонми, қуймоқми пишириб келарди. «Қиз болалар 9 ёшидан ўзи учун ўзи жавоб берадиган бўлиши керак», дер эди у ва қизларга кийиниш, ечиниш тартибларини, ҳовли супуриш, ҳожатхоналарни тозалашни ўргатар, шунингдек калималарни ёдлатган, намоз ўқишни ҳам ўргатган эди. Уйларида диний-маънавий тарбия кучли эди. Айни чоғда тоқчаларида дунёвий янги чиққан китоблар ҳам бўларди. Марям балки шунинг учун бадиий адабиётга меҳрли бўлгандир. У Одил Ёқубовнинг «Тенгдошлар» қиссасини ўқиганида эндиgina 14 ёшга кирганди. Уйларида Одил Ёқубов ҳақида гап-сўзлар бўлиб турарди. Бир гал: «Бу Одил Ёқубов деганлари ўша ўзимизнинг Отабой қишлоғида «сельпо»да ишлаётган йигит-да!» дейишганда, Марям илгари уни ҳар ер-ҳар ерда тўймаъракаларда кўриб юрганларини эсласа-да, ўша кезларда яна бир кўргиси келди. Опасига (яъни онасига): «Менга ўша магазиндан бир пальто олиб беринг», деб тиқилинч қила бошлади. Отабойга боринди. Марям магазинда Одил Ёқубовни кўрди. Бир оз тўлачадан келган, миқтигина, серҳаракат йигит бўлибди. Жуда самимий жилмаяркан. Ким билади дейсиз, балки, ўша куни ўсмир қизнинг юрагига болача муҳаббат уруғи тушгандир?..

5

1954 йилда Марям Шариатуллаева Университетнинг ўзбек филологияси факультети журналистика бўлимига кирди.

Мен ҳам шу факультетнинг иккинчи курсида ўқирдим. Одил ҳам бу пайтда тўртинчи курсда эдилар. Факультетда у кишининг обрўи жуда яхши, талабаларнинг сеvimли кишиси эдилар. Биз 4 курсимизда «Тенгдошлар» муҳокамасини ўтказган, ўшанда мен нима деганим эсимда йўғ-у, ҳар қалай сўзга чиққан эдим. Одил аканинг жуда бир ёруғ юз билан жилмайиб ўтириб тинглаганлари ёдимда қолган. Кейин коридорда кўп кўрардим, ҳар доим бирор газета парчасини ўраб тиш кавлаб турардилар. Менимча,

бу тиш кавлаш эҳтиёждан эмас, хаёлкашликдан эди, деб ўйлардим. Одам кўпинча хаёл сураётганида нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Бирда-ярим, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, факультетнинг энг чиройли қизи Марям Шариатуллаева билан бирга чиқиб кетишганини кўриб қолардик.

Эндиликда кеннойимиз Марям опадан сўрайман:

— Ўқишга келганингизда Одил ака сизни қидириб топдиларми ё сиз қидириб топдингизми?

— Мен топганман, — дейдилар кеннойи.

Мен бу гапни кеннойи лутфан айтдилар, деб ўйламайман, бу чиндан ҳам шундай бўлган, чунки Одил ака бу паллада бутунлай ижодга шўнғигандилар, қизлар билан ўралашишга вақтлари етмасди, чамамда..

Кўпчилик ёш-яланглар: қизлар ўзи тенги чиройли, кўркам йигитларни яхши кўришади, деб ўйлайдилар. Бу унчалик тўғри эмас. Тўғри, унақаси ҳам бўлиб туради. Юсуфга ошиқ бўлган Зулайхо каби. Аммо аксарият қизлар ўзларидан каттароқ, бир мунча ҳаёт тажрибасига эга бўлган, етакчилик қилишни эплайдиган йигитларни ёқтиришади. Қизларга ўзи тенги йигитлар, аллақандай билимсиз, нўноқ кўринади. Одил ака шиддатли, сўзлари ўткир, ҳар қандай одамни ҳам ўзига ром қила оладиган ва яна, энг муҳими, бировдан яхшилигини аямайдиган саховатли йигит эдилар.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша талабалик йилларимизда Одил ака ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг бир ҳикоясини у билан биргаликда ўқиб, таҳрир қилиб бериб, илк бора «Шарқ юлдузи» журналида чиқартириб бергандилар.

Марям Шариатуллаева бир-биридан ажрашиб кетган эр ва хотиннинг эрка қизи эди, деёлмайман. Лекин ҳар қалай икки оила ўртасидаги азиз фарзанд эди. Иккала оила бир-биридан узоқда эмасди. Ўртада битта Чақар маҳалласи бор эди. Чақарнинг у тарафида Шарофат ойилар хонадони, бу тарафида отаси билан ўғай ойиси Зиёдаларнинг хонадони. Марям онаси ва тоғасию бувиларининг суюкли қизи бўлиши билан баробарида отасининг ҳам эътиборидан четда эмас эди. Отаси анчагина пишиқ, қайсар, бир сўзли киши бўлиб, ора-чора қўйлакми, жемперми олиб бериб турар, бунинг эвазига уни қаттиққина тергарди. Марямнинг ўзига қолса, кўп-да уларникига боргиси келмасди.

Тўртинчи курс талабаси Одил Ёқубов Жуковский кўчасидаги бир рус кампирнинг уйида ижарада турарди.

Марям биринчи курсни битиргунча улар бир-бирлари билан учрашиб юрдилар. Бу орада Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг раҳбари Абдулла Қаҳҳор Одил Ёқубовни ҳали ўқишни битирмасдан бурун наср бўлимига маслаҳатчи қилиб ишга олди. Марям биринчи курсни, Одил Ёқубов тўртинчи курсни тамомларкан, ўртадаги муҳаббат оила қуришни тақозо қиларди.

Одил Ёқубов онаси ва опасини чақириб Марямларникига уст-ма-уст совчи юборди. Салима хола бу масалани отасига ҳавола қилди. Аммо Шариатулло амаки Одил акаларга кескин рад жавобини берди.

— Одил Ёқубов ким бўлипти? Битта юпқа китоби чиққан бўлса уйланавериш мумкин деб ўйлайдими? Аввал ижарадан чиқсин, уй-жойли бўлсин? Машина олсин! Участка олсин! Ана ундан кейин Марямни сўрасин! Нима, қизим билан ижарада турмоқчимиз? — деганга ўхшаш гаплар билан Одил Ёқубовнинг шаштидан тушириб, руҳини синдирмоқчи бўлди!

Аммо Одил Ёқубов дарров синадиганлардан эмасди.

Марям биринчи курснинг охириги имтиҳонидан чиқиши билан унинг олдига масалани кўндаланг қўйди:

— Марям! Иккаламиз Туркистонга кетамиз! Ўша ерда никоҳ ўқитиб, ЗАГСдан ўтамиз! Эртагаёқ Хиёбонга Курант тагига кел! Пўқ, десанг ўзинг биласан! Ёлғиз ўзим Туркистонга кетаман! Ўша ерда ўқитувчилик қиламан! Бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз!

Ҳозирги замон ўзбек тили бўйича Шавкат Раҳматуллаев имтиҳонидан беш олиб хурсанд югуриб чиққан Марям эсанкираб қолди.

— Йўғ-ей, йўғ-ей, қочишдан бошқа йўли ҳам бордир...

— Бўлмаса хайр! Мени бошқа кўрмайсан. Мен сени танимайман! — деди Одил Ёқубов ва шарт бурилиб кета бошлади.

Бошда чақмоқ ургандай эсанкираб қолган Марям дарҳол эсини йиғиб олмаса бўлмаслигини англади.

— Тўхтанг... майли... ҳўп... — деди аранг.

Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтиб, 80 ёшини нишонлаётган кунларининг бирида Одил Ёқубов умрида илк бора ўша кўнги кайфиятини шундай деб эътироф этганди: — Марямга, Туркистонга кетиб ўқитувчилик қиламан, деганим билан аслида ўша кун Марям йўқ деса, мен албатта ўзимни ўлдирмоқчи эдим...

Жаҳондаги ҳамма муҳаббат савдолари тарихида дўстликнинг ўрни катта бўлган: Фарҳоднинг дўсти Шопур, Ҳамлетнинг дўсти Горацио каби Одил Ёқубовнинг ҳам Хайрулла исмли бир дўсти бор эди. Улар фақат бир қишлоқдан эмас, бирга ўсган, улғайган, бирга Иккинчи Жаҳон уруши жабҳаларига кетишган, эндиликда Тошкентда яшаб, тез-тез учрашиб турардилар. Хайрулла Бенъков номидаги тасвирий санъат таълимгоҳида ўқирди. Дўстлар Марям Шариатуллаевани олиб қочиш режасини туздилар. Эртасига эрталаб паспорти, бошқа ҳужжатлари ва энг керакли кийим-бошлари билан келган Марямни олиб Чимкентга равона бўлдилар. Чимкентда Хайрулланинг кекса ёшли бир қариндоши бўларди. Кўпни кўрган бу босиқ, донишманд киши уларни очик юз билан қарши олди. Ошиқ-маъшукларга ўз ётоғини бўшатиб берди. Хайрулла билан отанинг ўзи даҳлизда ётишди. Маслаҳат билан Туркистонга поездда кетадиган бўлишди.

Йўлда бир воқеа юз берди. Вагонда бир оз мизғиб олган Марям уйғониши билан сочиқ олиб юз-қўлини ювгани кетди. Гурунглашиб ўтирган дўстлар алланималарни эслаб хахо-хахо кулардилар. Аммо орадан анчагина вақт ўтганига қарамай Марямдан дарак йўқ эди. Ярим соат ўтди, бир соат ҳам ўтиб ҳеч дарак бўлмагач, ундан хабар олгани ҳожатхонага боришди. Аммо туалет қулф эди. Дукуллатдилар. «Эшик қулфланиб қолди, очилмаяпти», деди.

Марям ичкарида. Проводник хонасига югуришди. У ерда тўрт безори йигит проводникка пичоқ ўқталиб: «Ҳозирги станцияда қизни биз билан тушириб юборасан, йўқса сени ўлдирамыз» деб дўқ ураётган эканлар. Дўстлар шовқин кўтаришди. Бирпаста одамлар кўпая бошлади.

— Калитни бу ёққа чўзинг! — деди Одил Ёқубов ва калитни юлқиб олиб, Марямни «қамоқ»дан чиқариб, ўз хонасига опкириб кетди. Хайрулла савол-жавоб қила бошлаши билан безорилар ҳар қаёққа тарқалишди ва бу орада поезд Туркистонга келди, улар эсон-омон тушиб қолишди.

Гулшан она ўғиллар ва ўз оёғи билан кириб келган келин шарафига бир эчкини сўйдирди.

1955 йил 25 июлда Одил билан Марямни никоҳлатиб, Туркистон ЗАГСидан ўтказдилар. Камтарингина тўй ҳам бўлиб ўтди. 56

нида Мурод, 58 йилда Рустам, 59 йилда Искандар, 63 йилда Малик исмли ўғиллик бўдилар.

Кейин Моҳира, Саодат, Лутфия, Фарида исмли келинлик бўдилар. Ҳаммалари олий маълумотли, зиёли инсонлар.

— Марям қутли келин бўлди. У келиши билан ҳикояларим, қиссаларим, китобларим кетма-кет босилди. Академик драма театрида устма-уст пьесаларим қўйилди. Биргина «Чин муҳаббат» учун шунчалик кўп пуллар олдимки, Ёзувчилар Уюшмаси берган уй-жойлардан ташқари, участка ҳам, «Волга» машинаси ҳам сотиб олдим (Одил аканинг гапи).

— Одил ака бизнинг давримизнинг Хотам Тойиси, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Шундай пайтлар бўлдики, биз бир ҳовлида 15 бола билан, ундан ташқари катта онам, қайнонам, қайниларим, Одил аканинг жиянлари, квартира эгалари ҳаммамиз бирга турардик (Марям кеннойининг гапи).

... Одил аканинг ижоди ҳақида кўп олимлар ёзишди ва ёзмоқдалар, мен фақат муҳаббат тарихлари билан чекландим, ўқувчилар маъзур тутсинлар.



ЎРХОН билан ҚОРАГУЛ



2006 йилнинг 12 октябрида турк дунёси ёзувчиларидан биринчи бўлиб Ўрхон Памук Нобель мукофотига сазовор бўлди. У 1952 йилда Истанбулда туғилган. Рассом бўлиш орзусида Роберт коллежида ўқиди. Кейин Истанбул Техника университетида уч йил меъморлик куллийетида таҳсил олди. Аммо рассом ҳам, меъмор ҳам бўлолмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Истанбул университетининг Журналистика институтига ўтиб, уни 1976 йилда тамомлади. 1985–88 йилларда АҚШнинг Ява университетида дунё ёзувчилари курсида ўқиди.

Ўрхон Памук «Жавдат Бей ва ўғиллари», «Сассиз уй», «Оқ қалъа», «Қор», «Менинг отим қирмизи», «Қора китоб» сингари романлар, долзарб публицистик асарлар, тадқиқотлар ва адабий-танқидий мақолалар ва «Яширин юз» номли киносценарий муаллифидир. Шу кунгача нашр эттирган ўн китоби ўн бир марта миллий ва халқаро мукофотлар билан тақдирланган, ўттиз тилга таржима қилинган, дунёда 2 миллион нусхаси сотилган. Нобель мукофотини қозонган китоби «ИСТАНБУЛ. ХОТИРАЛАР ВА ШАҲАР» деб аталади ва ёзувчи ўзи улғайган оила, тарбияланган мактаб, коллеж ва университет муҳити, Истанбул шаҳрининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилади. Асарнинг 35-боби «Илк ишқ» деб аталади ва мен шу бобнинг мазмунини ўз тилимда қисқароқ усулда қайта ишлаб ҳукмингизга ҳавола қилаётирмиз.

Ўрхон Памуқ мумтоз адабиёт ёзувчилари каби ўз севиклисининг номини шартли исм билан номлашдан қочади, айтишда чўғда унинг асл номини ҳам айтмайди ва оти, форсча қора гул маъносида келарди, бу маънога ҳеч ким аҳамият бермасди, дейди. Узун, янада кўпроқ сочлари қора эмас, кастана(каштан) рангли, кўзлари қуюқ ва кўра рангида бўлса-да, онаси қора гул маъносига аҳамият бермай, қизига ўзининг албан онасининг номини қўйган экан. Ўрхоннинг буvisи (онасининг онаси) ҳам албанлардан эди. Ўрхоннинг онаси қизнинг онасини, отаси отасини танир эди. Онасининг айтишича, Ўрхон уч яшарлик пайтида сайилгоҳни айланиб чилишганда унинг ёш қизларга ўхшайдиган онаси аравачада кездириб юрган шу қизчасини кўрган экан. Отасининг айтишича, қизнинг отаси Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳукумат идорасида ишлайдиган бир танишининг ҳомийлиги билан Америка ва Ҳолландия ширкатларининг агенти бўлиб ишлаган ва тез бойиб кетган экан. Ўрхон саккиздан ўн саккиз ёшига қадар Байрамўгли маҳалласида бу қиз велосипед минаётганида кўра бошлаган эди. У ҳам шу маҳаллада катта бўлганди. Бу ерлик болалар бўш пайтларида кўпинча денгизга кетиб балиқ овлашар, футбол ўйнашар, Ўрхон ўн олти ёшидан кейин ёз оқшомлари қизлар билан танца (ракс) қиларди. Меъморликка ўқиётган кезларида эса, уйлари-нинг ост қаватида (подвалида) расм солар ва китоб ўқирди. Вульф, Фрейд, Сартр, Манн, Фолькнер китобларини сатрлари тагига чиқиб диққат билан ўқишларини кўрган ўртоқлари уни «интеллектуал» деб таърифлашса, бундан қаттиқ хижолат бўларди, сизлардай оддий китобхонман, дерди. Ана шу ўзига ёқмаган шўҳрати туфайли у Қорагулнинг эътиборига тушди. Йўқса улар бутун ёш бўйи Истанбулдан ярим соат узоқликдаги Бағдод жаддасига (шоҳқўчасига) «Мерседес», «Мустанг», «BMW» велосипедларида қўлашиб, баъзан атай тўқнаштириб, баъзан дискотекаларда танца қилиб, неча бора газ сув ва шароблар ичиб, бир-бирларига сепиб, Боб Дилан ва Битлс қўшиқларини тинглаб, турли қарта ўйинлари ўйнаб, бой-камбағал, қиз-эркак ўйинлари ўйнаб, қанчадан-қанча телбаликлар қилган пайтларида бир-бирларига парвосиз эдилар. Сентябрь ойида бир куни улар ёмғирда қолишди, Ўрхон уни устахонасига таклиф қилди. Бу пайтда у 19 ёшда, Қорагул эса 17 яримда эди. Шу-шу қиз Ўрхоннинг устахонасига тез-тез келиб кета бошлади. Кўпинча Ўрхоннинг қўли кир бўлгани учун, у бўёқ

идишнинг қопқоғини очиб берар, чой тайёрлашга ёрдамлашар эди. Кейин чекка томонга ўтар, пайпоқларини ечиб, битта қўлини бошига ёстиқ қилиб диванга чўзиларди. Бир куни Ўрхон унга билдирмай қорақалам билан қизнинг суратини солди. Қиз у суратини кўриб қолиб мамнун бўлди, шундан кейин Ўрхон рос-мана унинг портретини ишлашга киришди. «Қандай ўтирай?» «Қандай ётай?» деб сўрар, худди режиссёр қаршисидаги актриса каби мамнунлик билан қўлини қаерга қўйишни билолмай жил-маярди. Ўрхон яхшироқ чизиш учун инжа узун бурни, кенг манг-лайи ва узун бўйига диққат билан қараганида беихтиёр кулимси-раб очилган кичик оғзи, бувисидан қолган башанг, узун этакли қўйлаги остидан чиқиб турган кичкина ва текис оёқлари эътибо-рини тортарди. У қизнинг кичик сийналари атрофига, узун бўйни-нинг атрофидаги фавқулодда оппоқ танига боққанида юзида нозик бир уялиш зуҳур бўларди.

Илк бошларда кўп гаплашдилар, кўпроқ қиз гапирарди ва иқро-рларини изҳор қиларкан, кўзларида, дудоқларида бир ғамгинлик кўзга ташланарди. Бир куни «бундай ғамгин қарама» деди Ўрхон, қора гул эса уйдаги ота-онасининг ғовғаларини, ўзидан кейинги тўрт укасининг уруш-жанжаллари, бўғишишлари, отасининг қат-тиққўллиги, уйга қамаб қўйиши, укаларини тасира-тусур шапа-лоқлаб ташлашлари, ўзи бошқа хотинларнинг кетидан юришини, онасининг изтиробларини ҳикоя қилиб берди. Кейин сукутга чўмдилар. Сўнг яна расм учун турли таврларда туриш, ётиш ё ўти-риш бўлди, юзида ўша уялиб кулимсираш, негадир узр сўрагандай бир ҳол диққатга ташланди. Сўнгра шу қўйи жойига ўтиб, ётди.

Ўрхон Памуқнинг хотирлашича, улар ўша пайтларда кела-жак ҳақида гаплашганлар. Қиз унинг келажакда атоқли турк рас-соми бўлиши, Парижда албатта кўрғазмаси намоёиш қилини-ши, ўшанда ўзининг француз мактабида бирга ўқиган ўртоқлари билан томошага бориши ҳақида гапирганди.

Бир оқшом улар ёмғирдан сўнг шаҳар манзарасини томоша қилишга чиқиб, кўчаларда узоқ айландилар. Шунда, Ўрхон Па-муқнинг хотирлашича, икковлари ҳам оналарига дуч келиб қолиш-дан хавфсирашган. Найка-малакнинг дарҳол ғойиб бўлиши, ора-ларисидаги таранглик уларнинг сайрини бир оз нохуш қилган, аммо Ўрхон қизнинг юриши жуда чиройли эканини илк бора ўшанда кашф этган. Яна бир шанба оқшоми Ўрхон дадасидан машина-

чини олиб, у билан яна айлангани чиқди, аммо ораларида яна гаранглик юз беришидан хавотирланиб, дискотекага бордилар ва рақс қилдилар. Шунда Ўрхон қизнинг сочларидан бодом ҳиди чинишини, оғзини кичик ҳаракатлар билан уйнатишини, гоҳо юзида олмахон қарашлари акс этишини фарқ этди. Қайтишда яна қизни устахонасига таклиф этди. Машинадан тушиб, қўл ушлаганча уйга қараб юрдилар, остонага келганда бир шарпа соғимиди, ҳал қалай, қўлларини қўйиб юборди.

Ўртаси яна уч кун келди, Ўрхон расм чизди, кейин бирга китоббон варақлашди, сўнг кўпик-кўпик долғали денгизни томоша қилгани боришди.

Октябрда Ўрхон уни изламади, китоблар ўқиш, расмлар солиш, русий қарашлари ҳар хил бўлган дўстлари билан баҳслашиб кун ўтказаркан, бойлар маҳалласида айланиб юришни ўзига эп кўрмади.

Аммо ноябрь ойининг совуқлари бошланганда бир куни беихтиёр унинг уйига телефон қилди, гушакни онаси олгани баҳона бўлиб гаплашмай қўя қолди. Бир ҳафта кейин яна телефон қилди, бу гал қизнинг ўзи олди, шунда Ўрхон янги расм ишлай бошлаганини ва унга қизнинг поза бериши керак бўлаётганини айтди. «Аввалгидайми?» деб сўради қиз. «Аввалгидай» деди Ўрхон. Чоршанба куни Ўрхон қизни Француз Католик мактабининг эшигига кутди. Бирдан мактабининг ложувард этакли, оқ қўйлакли қизнинг орасида қора гулни ҳам кўрди. Бу либосда у бўйи қисқаргандай кўринди, сочлари турмакланган, қўлларида дарс китоблари ва турвасида поза пайти кийишга мўлжалланган кийими бор эди. Аммо улар Ўрхоннинг пастки қават остидаги устахонасига келмас, Жаҳонгирдаги онаси билан бирга турадиган эски ашёлар билан тўла устахонасига боришларини билганда безовта бўлди. Ўрхон соба (камин)ни ёқаётганда тинчланди ва унга билдирмай кийимини кийиб олиб, бу срддаги диванга чўзилди.

Шундай қилиб, 19 ёшли расм ва ҳали расмий балогат ёшига етмаган модель ўртасидаги алоқалар янги мусиқа оҳангидай далолат эта бошлади. Қиз аввалига икки ҳафтада бир, сўнг ҳафтада бир келарди устахонага. Баъзан Ўрхоннинг кўзлари қизнинг йиғиш қаҳваранг кўзларидан узилмай қоларди. Менга бундай қараётган жонимни ўртайди, деб жилмаярди у. Бир куни яна шундай бир лаҳза юз берганида Ўрхон қўлидаги қилқаламни ташлаб, унинг ёнига ўтирди ва бир ҳафтадан бери мўлжаллаб

қўйганидай уни жасорат билан ўпа бошлади. Шу тартибда улар тез-тез учраша бошладилар.



Гап-сўзсиз расм со-
лишлар ва гап-сўзсиз
севишишлар тўққиз
чоршанба давом этди,
кейин рассом билан
модель орасида бир ан-
дишали ҳол юз берди.

Ўғилларим нима би-
лан банд экан, деб ора-
сира бир текшириб
қўядиган онаси бир ба-
ҳона билан Жаҳонгир-
га борган, илгари эски
ашёлар омбори, энди-

ликда Ўрхоннинг устахонаси бўлган жойга ҳам кирган, француз рас-
соми Боннар таъсиридаги рассом ўглининг гўзал моделини атроф-
лича ўрганган, у кимлигини фаҳмлаб, моделнинг онасига телефон
қилган. Қора гулнинг онаси, қизи чоршанба куни тушдан кейин
доим Франция Консулигининг Театр курсларига боради, деб би-
ларкан. Жаҳли чиққан отасини-ку қўяверинг!

Ўрхон ва Қорагул чоршанба учрашувларини дарҳол тўхтатиш-
ди. Орадан озгина вақт ўтгач, бошқа кунларда — мактабдан эрта
чиққан тушдан кейинги соатларда ва ё ўқиш бошланишидан ол-
динги эрталабки вақтларда топиша бошладилар. Улар Истанбул
кўчаларига чиқишар, аммо Нишонтоти, Бейўғли ва Тақсим каби
танишлар учраши мумкин бўлган гавжум йўлларда эмас, Ўрхон-
нинг Тошқишлоқдаги университетига, қора гулнинг Ҳарбиядаги
Француз Қиз Лицейига тўрт дақиқалик узоқликдаги Тақсимда
топишиб, автобус билан шаҳарнинг узоқ гўшаларига кетишарди.

Аввалига Боязид майдонини, Чинорости кафесини, Боязид Давлат
кутубхонасини, серсоя Саҳафлар чорсиси (Саҳҳофлар бозори)ни
айландилар, Ўрхон қизни катта ёшли китобчилар билан таништир-
ди, унга Вазначилар (Тарозичилар) биносини, Вафо Бўзачининг бўза
хонасида Отатуркнинг бўза ичган бордоғини кўрсатди. Кейин Расм
ва Ҳайкал музейини томоша қилдилар, қиз бу музейнинг кимсасиз
лигидан қаттиқ таъсирланди. Аммо бу чекка маҳаллаларда кафелар

гачани томоша қилиб ўтирган оқ соқолли чоллар, деразадан ҳар ўтган бегона одамни кузатиб ўтирган холалар, улар ҳақда бўлар-бўлмас гапларни ўзларига эшиттириб айтиб ўтирган бекорчилар икковларини ғамга ботираар ва уялтирарди. Бу музейга бориш учун Ёшиктошдан моторли қайиққа миниб Бўғоз (Босфор)ни сайр қилишарди. Аммо ҳамма хур ёшлар каби очиқдан-очиқ қўл ушлашиб юришмасди. Сабаби: 1. Бу икки хуркак бола ишқларини кўрсатиш учун эмас, бекиниш учун Истанбулга чиқишарди. 2. Қўл ушлашиб юриш бахтли бўлган ва бахтлилигини кўрсатишни истаган ёшларнинг ҳаракати эди, улар эса ўзларини бахтли ҳис қилсалар ҳам буни ербул қилар даражада юзаки бўлишдан кўрқардилар. 3. Бундай бахтлилик ишораси йўқсул маҳаллаларда худди «сайёҳлар»дай хунук таассурот уйғотарди. 4. Бу чекка маҳаллаларнинг ғамгинлиги уларнинг ҳар иккисига ҳам аллақачон юқиб улгурган эди.

Ўрхон баъзан, яна расм солайлик, деса, бугун кайфиятим бузуқ, перди у. Фалон отелга кириб лоақал чой ичайлик, деса, у фақир маҳаллалар кайфиятимни баттар бузади, зотан, вақтимиз ҳам йўқ, перди у. Яна бир дафъа отелга киришга кўндирганида Ўрхон, отелнинг ўртоғини кўриб қолди. У Қорагул билан қўл сиқишиб кўришгач, Ўрхоннинг қулоғига, мадмузелинг жуда чиройли экан, дея пичирлади, аммо икковларининг ҳам хаёли бошқа ёқдайди.

Чой ичиб ўтирганларида: — Отам мени Швейцарияга жўнатмоқчи, — деди гўзал-гўзал кўзларининг ҳар биридан йирик кўзёшлар томчисини финжонига оқизиб.

— Нима учун?

— Бизнинг юришларимизни сезиб қолишибди.

Ўрхон бошқа савол бермади. Ярим худбин, ярим кўрқоқ бир нарсани унинг юрагини қорайтирганди. Ҳам уни йўқотишдан кўрқарганда кўрқувлари юзасидан ортиқ диванга чўзилиб поза бермаётгани ва у билан севинмаётгани учун ундан аччиқланарди.

— Пайшанба куни буни Жаҳонгирда муҳокама қиламиз, — деди у.

— Ёруғлик йўқ, уй бўшагандай... — деди қиз.

Аммо кейинги учрашувда яна Расм ва Ҳайкал музейига бордилар. Ўпишадиган бир жой тополмай оёқлари толди. Уларнинг қолган қоровуллар хонама-хона уларни таъқиб қилишарди. Улар энди Дўлмабохча Саройидаги валиаҳд доираси бўлган хоналарга бора бошладилар. Отатурк ўлган хонадан икки қадам наридаги жойда ҳам ўпишганлари икковларини ҳам бир оз сес-

кантирарди, албатта. Аммо улар бу ерга фақат ўпишиш учун эмас, севиб қолганлари бир расм учун ҳам келишарди.

Бу Халил Пошонинг «Ётган Хотин» номли таблоси эди. Мовий бир диванга ёш бир хотин худди Ўрхоннинг модели каби пайпоқларини ечиб чўзилган ва рассомга (эрига) маъюс боқаркан, Қорагул каби бир қўлини бошига ёстиқ қилганди. Улар қоровуллар кузатувида эканликларини билганлари учун ўпишишни бас қилиб, расмни таҳлил қилардилар.

— Ҳаволар совуганда қизнинг оёқлари совқотишини ўйлайман, — деди у.

— Бошқа ёмон хабарларим бор, — деди Ўрхоннинг севгилиси. — Онам ҳам бу сафар мени совчилар олдига чиқармоқчи.

— Сен ҳам чиқаверасанми?

— Қулгим қистайди. Харидорим, билмадим, кимларнинг Америкада ўқиган ўғли эмиш, — дея бой бир оиланинг отини айтди майна қилиб.

— Отанг улардан ўн карра бойроқ.

— Тушунмаяпсанми, улар мени сендан кутқаришмоқчи.

— Совчиларга қаҳва дамлаб чиқасанми?

— Мухими бу эмас. Уйимизда ғавго чиқишини истамайман.

— Жаҳонгирга кетайлик, — деди Ўрхон. — Сенинг яна шу «Ётган хотин» каби расмингни солишни хоҳлаяпман. Сени тўйиб-тўйиб ўпгим келяпти.

— Отам сенинг рассом бўлиш истагингга ёмон муносабатда, — деди қиз, — сен сархуш ва камбағал рассом, мен яланғоч модель бўлармишман... Шундай қўрқувлари бор.

Кулимсирашга уринди, аммо сунъий чиқди. Шоша-пиша ўпишдилар, аммо паркетларнинг ғачир-ғучуридан қоровул келаётганини сезиб «Ётган хотин» мавзусида гаплаша бошладилар.

Ўрхон: — Отанг ҳар «ипиринди» ёшнинг нима ишлар билан бандлигини ва қизига қачон совчи юборишини билишга ҳаракат қиляптими? — демоқчи бўлди-ю, аммо заҳрини ичига ютди «Отангга меъмор бўлмоқчилигимни айт» ҳам деёлмади. «Рассом бўлишнинг нимаси ёмон экан?» деб жанжаллашмоқчи, мана. Халил Пошонинг расми ҳали ҳам мўътабар жойда турибди-ку, демоқчи ҳам бўлди, аммо ҳарбий киши бўлган Халил Пошонин ёшлигида ҳеч бир расмини сотолмасдан, моделлик қилган маъюс хотини билан ҳарбий уйларда арзон ейиш-ичиш билан кун ўтказганини эслаб индамади.

- Сени олиб қочишим керак, — деёлди холос.
- Олиб қоч, — деди қиз.
- Жуда яхши.

Ўрхон бундан бир неча йил олдин бувиси (отасининг онаси)-
дан олиб юрган харжликларини йиғиб, бир банкада ҳисоб очиб
қўйган эди. она-отасининг ажрашуви натижасида бир ҳисса маб-
лаи ҳам унга қўшилган, ундан ташқари Румэли жаддаси (шоҳқўча-
сидаги бир дўконнинг тўртдан бири ва бир қатор ҳисса векселла-
ри ҳам уники эди, аммо улар қаердалигини билмас эди. Грэхэм
Гриннинг эски бир романини икки ҳафтада туркчага ағдарса,
чица Нури ёймачидан олажаги пул билан қўшса, ҳисоблашига қўра,
қўшал модели билан Жаҳонгирдаги устахонасига ўхшаш бир квар-
тира (уй-жой)нинг икки ойлик ижараси ҳақиға етарди. Уни олиб
юрган тақдирида ҳам онаси бунга қараб турармиди? Шуларни
уйлай-уйлай ўтказган бир ҳафтадан кейин Тақсимдаги учрашадиган
жойларида, совуқда уни бир ярим соат кутди. Сўнг Роберт
коллежида бирга ўқиган дўстларига телефон қилди. Улар дўстла-
рини ошиқ, дардли ва чорасиз кўриб Бейўғли майхонасида сар-
қун ўтирганига кулимсираб қарадилар ва ҳали ўн саккизга кирма-
ган қиз билан отасининг розилигини олмай ўйланса турмага ти-
кажакларини хотирлатдилар. Шунга қарамай Ўрхон лицейга яқин
бир гушада икки марта кутиб, севгилисини олиб қочди. Аммо
қиз Ўрхоннинг коллежлик дўсти таклиф қилган ўйни кўриб, бу
ерда яшаб бўлмаслигини дарҳол ҳис эттирди. Бу ерга келиб-ке-
тиб турадиган бўлди. Севишганлар бу ётоқда ҳар гал маъюсликлар
ни орта-орта уч бора учрашдилар ва қовушдилар. Қовушаркан,
севгилисининг титрашларини ва иккида бир кўзёш тўкишларини
кўриганда Ўрхоннинг юраги изтиробга тулди, бунинг устига устак
ёрнида бир даҳшатли оғриқ турдики, нима қилишни билмас
эди. Улар учрашганларида қора гул отасининг февраль ойида чанги
ни келиш баҳонасида Швейцарияга олиб кетиб, у ерда амери-
канликларнинг болалари юбориладиган люкс бир мактабга ёздир-
моқчилигини айтди, Ўрхон эса, барибир сени бутунлай олиб қоча-
ман дер ва айтганига ўзи ҳам тўла инонарди.

Февраль ойининг бошида улар Бобакдаги бир ресторанда
ётоқни кўриб ўтирдилар, қайтишда Бўғознинг энг тор жойида,
ёпиқлигида машинани тўхтатиб, қарши соҳилдаги янги бир меҳ-
монхонанинг ёнғинини томоша қилдилар.

Қандиллида, бурунга яқин Бўғознинг энг гузал соҳилларидан бири ёнаётганини кўриб Ўрхон яна машинадан тушди. Севгилининг қўли қўлида эди. Ҳисор бўйлаб кетишди. Совуқда, кичик бир қабристон ёнида қоронғиликда Бўғоз оқимининг бошни айлантирувчи ваҳимали кучини суяк-суякларида ҳис этаркан, Қорагул Ўрхонни қаттиқ севишини пичирлаб айтганда, Ўрхон уни учун ҳар нарсага тайёрлигини билдириб, уни бор кучи билан кучоқлади. Қарши томондаги ёнғин эса кучайгандан кучайиб борарди. Қайтиш йўлида машинанинг орқасида қўл ушлашиб индамай ўтиришди. Бу уларнинг сўнгги кўришувлари бўлди. Сўнг учрашувга келмади. Уч ҳафта кейин, ярим йиллик таътил тугаб, ўқишлар бошланганда Ўрхон яна лицей эшигига бориб ўқишдан чиқаётган қизларни кузатиб, уни кута бошлади. Ўн кундан сўнг кутишлари бекорлигини ич-ичидан ҳис қилса ҳам, оёқлари беихтиёр шу жойга келаверар эди. Бир куни болалар тўдаси ичида ўғил укаларининг энг каттаси ва энг-энг сеvimлиси кўринди ва опаси Швейцариядан кўпдан-кўп салом йўллаганини айтиб бир конвертни узатди унга. Болаларча сигра чекаркан очган мактубида Қорагул ўзининг янги мактабда ўқиётганидан мамнун бўлганини, аммо Ўрхонни ва Истанбулни қаттиқ соғинганини ёзарди.

Ўрхон унга узундан-узун тўққиз мактуб ёзди, еттисини битирганда конвертга солди ва бештасини почта орқали жўнатди. Аммо жавоб ололмади.



ҒАРБII ОВРУПО

ДАНТЕ билан БЕАТРИЧЕ

«Мен тугилганимдан кейин, дунёнинг осмони ўзича айлан-айлана тўққиз марта қайтиб ўз жойига келганда, ҳамма Беатриче деб чақириш зарурлигини унчалик фаҳмлаб етмаса ҳам, Беатриче деб чақирадиган бир қиз, қалбимнинг ажойиб ҳукмдори, илк бора кўз ўнгимда намоён бўлди», деб ёзади шоир ўзининг «Янги ҳаёт» («Vita nova») номли асарида.

Бу парчадаги «Беатриче деб чақириш зарурлиги» деган жумла бизни ажаблантириши мумкин. Аслида бунинг сабаби шундаки, итальян тилида Беатриче — қутли, қут улашувчи, баракали деган маънони билдиради. Яъни ўз-ўзидан «Беатриче» — «Қутли» дегани у қиз, демоқчи бўлади шоир.



Ундан ташқари, «дунёнинг осмони тўққиз марта айланиб қайта ўз жойига келганда бир қиз кўз ўнгимда намоён бўлди», яъни у қизни тўққиз ёшимда кўриб севиб қолганман, мазмунидаги жумлани ўқиганимизда ҳам, ўзимизча бир оз ишончсизлик билан кулимсираб қўямиз: муболағадой кўринади бу. Ҳолбуки, Тангри таоло бандаларига гўзалликни севдилади. Гўзаллик янги туғилган чақалоқдан тортиб, ўлаётган кишигача ҳар қандай одамни ўзига жалб қилишини яхши биламиз.

Беатриче Дантенинг кўзларига камтар, вазмин ва гоёат улусифат қизил қўйлақда¹ намоён бўлади; ўзининг ёшига яраша камар боғлаб олгани ва орасталиги уни мафтун қилади. «Юрагимнинг муқаддас ва ёруғ уйида сир тутилган Ҳаёт Рухи шундай қаттиқ титрай бошладики, энг ингичка қилтомирларимда ҳам ўзимни ҳаяжонли кўрдим... ва йиғлай бошладим... Бундан буён энди Муҳаббат кўнглимнинг ҳоқими бўлди, шу ондаёқ мени Беатриче билан боғлади... мен энди у нима деса шуни тўла-тўқис адо этишга мажбурман».

Орадан бир қанча вақт ўтгач Беатричени ўзидан каттароқ тагли-зотли икки аёл ўртасида қордай оппоқ рангли либосда² кўради. «Кўчадан ўтиб кетаркан, у сал-пал ҳадик билан мен турган томонга назар ташлади; кейин, тагли маънога эга бўлмаган оддий бир назокат билан шундай ширин бир таъзим қилдики, бу менга ҳузур-ҳаловатнинг энг олий даражасини бахш этгандай кўринди... Худди шу куни биринчи марта унинг сўзлари менинг қулогимга етиб келганда, мен сармаст бўлгандай одамлардан ажралиб ёлғиз ўз хонамга кириб олдим ва Дунёнинг Энг Назокатли Аёли ҳақида ўйладим».

Чиндан ҳам, шундай: баъзан одамга биргина таъзим, биргина салом йўллаш ҳам ҳар қандай мукофот ё совғалардан юз бора юқори-роқ таъсир кўрсатади. Айниқса, одамнинг руҳи ҳирс ва ҳавоий нафслардан юқори-роқ бўлса... Ва яна дунёда шундай бир ҳодиса ҳам борки, у одамга туш, рўё ва хаёллар орқали етиб келади.

Шоир шундай туш кўради. Тушида у ўз хонасида олов рангли бир булутни, унинг ортида бир кишининг юзини кўради, у қўп

¹ Улуғсифат қизил қўйлақда — бу Биби Марямнинг рангларида бири бўлиб, илоҳий муҳаббат рамзи ҳисобланарди.

² Қордай оппоқ рангли либосда — оқ ранг — софлик ва айни чоғда самовий севинч ранги ҳисобланган.

гапиради, лекин битта гапини тушунади: «Мен сенинг ҳукмдорингман» дейди¹.

«Унинг қўлида афтидан қип-қизил бир мато билан сал-пал синиб қўйилган яланғоч бир зот ухлаб ётганга ўхшарди; мен синиб-тиклаб тикилиб бу мавжудот бир кун олдин менга таъзим қилган малика эканини билдим. Эркак кафтларининг бирида оловдан ловуллаб турган алланимани гижимлаб ушлаб турганди; у менга: «мана, ўз юрагингга қара» дегандай бўлди. Кейин ухлаб ётган маликани уйғотиб, кафтида ловуллаб турган нарсани ейишга буюрди. Аёл қўрқиб-қўрқиб уни еди. Олдин кулиб турган эркакнинг кулгиси кейин йиғига айланди; сўнг, йиғлай туриб, маликани кўтариб олганча, осмонга юксакланиб кетди. Мен бўлсам қаттиқ қўрқиб кетдим ва заиф уйқум бунга кўтаролмади ва гушим бўлинди — уйғониб кетдим».

Шоирнинг бу туши келгусида муҳаббати қандай давом этаётганидан дарак бергандай эди.

Яна бир сафар Беатричени ўртоқлари даврасида кўрганда уни раб, ранги ўзгариб кетганини пайқаган кишилар: «Сенга нима бўлди?» деб сўрашади, энди сирни яшириб бўлмаслигини ангитган ошиқ, уларга бир қизни севиб қолганини билдиради, кимсини сўрашганда отини айтмайди.

Бир куни Олийҳиммат қиз ўзига кўринадиган жойда ўтиришга қарасаки, унинг ёнида яна бир аслзода ёқимтой қиз ўтирипти. Одамлар яна ўзининг ҳолига қизиқаётганларини кўриб, Беатричени севишини бекитиш учун, ўзини атайин унга эмас, ўртоғига қараётгандай тутади. Кўпчилик бунга лаққа ишонади. Шу тариқа неча йиллар, неча ойлар давомида бу аслзода қизнинг асл севгисини яшириш учун фойдаланиб юради. Бунга ҳамини тула ишонтириш учун ҳатто унга атаб бир неча майда-чирки шешрлар ҳам ёзади. Аммо Беатричени шуҳратга кўмувчи шешрларини ҳеч кимга билдирмайди.

Аммо кунлардан бир кун у қиз шаҳардан кетиб, олис бир мамлакатга саёҳатга жўнайди. Бундан қайғурмаса, одамлар айриқ-айриқ қилганини сезиб қолишади, деб қизнинг кетиб қолганини ҳақиқатда шикоятли шешрлар ҳам ёзади.

¹ Бир кишининг юзи — Дантеда ҳам, бошқа итальян ва лотин шоирларида ҳам муҳаббат эркак ёки усмир йилитча қиёфасида берилади.

Бу орада мазкур шаҳарда ҳамма севадиган бир гўзал хоним шифот этади. Олийҳиммат малика унинг шарафига маъракаи ўтказди.

«Мен аччиқ-аччиқ йиглаётган бир талай хонимлар қуршонида нафаси тинганча ётган жасадни кўрдим. Бир пайтлар менинг Олийҳимматимга ҳамроҳлик қилиб юрганини эслаб, кўзёшларимни тнёлмадим; унинг хотирасига бағишлаб ўлими тўғрисида бир-икки оғиз шеърий сўз айтишга аҳд қилдим. «Кўзёшларим Мухаббат» ва «Ёвуз ўлим» деган икки сонет ёздим».

Орадан бир неча кун ўтгач, у (Данте) ўзига қалқонлик вазифасини ўтаб юрган қизнинг кетидан кетади, чунки эндиликда Беатричега хоҳлаганича қараб роҳатланолмаётган эди. Йўл арости унинг тасаввурида йўловчи киши қиёфасидаги Мухаббат гоним даланади ва шундай дейди: «Мен сенинг олдинга қалқонлик қилиб юрган қизнинг олдидан келяпман, яқинда у қайтади. Ўшанга кин барибир, мен сендан олганим ва Беатричега бермоқчи бўлганим бу юракни сенга қалқон бўлган қиз учун олиб келяпман. Ҳақиқий севгинг фош бўлиб қолмасин учун буни унга бер».

Шундан сўнг Мухаббат ғойиб бўлади. Бу тасаввур қолдирган таҳликадан сўнг, у шаҳарга қайтиб келади.

Бу гал Олийҳиммат севгилисини кўрганда, энди у таъзим қилмайди.

«Қайси томондан бўлмасин у пайдо бўлганда, унинг ажойиб таъзимидан умидворлик мендаги ҳар қандай ёмонликни йуқотар, ичимда шафқат алангасини ёқиб, ўзимни хафа қилган ҳар қандай одамни кечирришга мажбур қиларди. Ўшандай пайтларда мендан ниманики сўрамасинлар, барига «Мухаббат» деб жавоб қайтарардим ва юзим тавозеъга тўлиб кетарди».

«Энди бундай шодликдан маҳрум бўлганимда, мени шундай бир улуг Ҳасрат қамраб олдики, оламлардан қочиб хилват-хилватларда тупроқни аччиқ кўзёшларим билан суғора бошладим. Кейин, кўзёшларим бир оз пасайгач, биров эшитишидан қўрқмасан бўладиган ёғимга кетдим. У ерда «Вафодорингга ёрдам бер Мухаббат!» деб ялиниб ётдим. Йиғлай-йиғлай ёш боладай уйқуга кетибман. Тушимнинг ўртасида бир воқеа юз берди, менин хонамда нақ менинг ёнимда оқ кийимли ўсмир ўтирганини кўрдим... Мен унга таъзимдан маҳрум бўлганини айтиб берганининг сабабини сўрадим.

Беатриче сен ҳақингда гапирган баъзи одамлардан, сенинг бир қиз учун хўрсиниқлар йўлига тушганингни эшитиб, сендан сўради бўлди... Сен энди болаликдан буён уни севишинг тўғрисида, мен (Муҳаббат) Унинг учун (Беатриче учун) сенга ҳукмронлик қилаётганим тўғрисида бир неча шеър ёзишингни хоҳлардим, деди у. Бундан хабардор одамларни гувоҳликка кўрсат... Мен бўлсам ўз навбатимда сенинг мойиллигинг тўғрисида унга гувоҳлик қилиб, изоҳ бераман ва гийбатчиларнинг гапларига ўз оқойимни бераман, деди у. Шеърларни далолат келтиргандай ғойа жойига қўй. Беатриченинг ўзига мурожаат қилма, ундай қилсанг беўхшов чиқади. Шеърларингни менсиз жўнатишдан қўлдан, аммо уларни ширин оҳанглар билан нақшла. Ҳар гал ширин ичида мен ҳам бўлайин, чунки бунга эҳтиёж бор, деди у. Шундан кейин у ғойиб бўлди, — тушим шу ерда узилди. Шундан кейин мен Ҳукмдорим амрларини бажаришга киришдим».

Бу воқеа юз берган ва Данте шеър ёза бошлаган даврлар 80-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ёзганларининг аксарияти Беатричеге аталгани маълум. Кейин, 1292 йилда Данте Беатричеге бағишланган барча шеърларини тўплаб, уларни бир тартибга солиб, ҳар бир шеърига насрий ҳикоялар қўшиб, бир китоб ҳолига келтирди. Шундай қилиб, унинг «Янги ҳаёт» номли шеър аралаш ишқий қиссаси дунёга келди.

Шоирнинг замондошлари, эски тарихчилар Беатриче — ҳақиқатан ҳам бундай бор одам эканлигига шубҳа қилмасдилар, аммо кейинроқ унинг ёзувчилар шоирнинг «Илоҳий комедия»сидаги Беатриче — бир рамзий сурат, оддий бир тимсол деган хулосага келгач, «Янги ҳаёт»даги Беатриче ҳам шундай тимсол деган фикрни илгари сурдилар. Аммо бутун тарихий архивлар тит-пит қилиниб, чинданам Беатриче (Биче) Портинари деган аёл шоир билан бир вақтда яшаб унинг аниқлангач, сийратчи-ёзувчилар титчланишди.

Дантени бутун умри давомида илҳомлантирган Беатриче — Фолько Портинари деган флоренциялик бир савдогар, шаҳарда юздори мансабларда ишлаган кишининг қизи бўлиб, Симоне деи Барди деган кишига узатилган, болалари бор, аммо 24 ёшида вафот этган эди.

Агар Дантенинг «Янги ҳаёт» қиссасини диққат билан вақфласак, шоирнинг муҳаббат тарихини уч босқичда тасаввур қилиш мумкин:

1. Беатричега ошиқлик даври — бу замонларда ошиқлик уни бахт-саодат ва турли изтироб ва тараддуллар келтиради.

2. Хурмат-эҳтиромлар билан Беатричени кузатиш даври. Бу даврда муҳаббат уни бениҳоя кўп юксак фикрлар сари ва фаолият сари ундайди.

3. Беатриченинг ўлими ва марсиялар даври. У бутун умри давомида Беатриче учун аза тутайди. Ижодининг асосий қисмини унинг гўзал тимсолини яратишга, шу орқали умуминсоний гоёларни илгари суришга бағишлайди.

Данте ёзган шеърлар тушидаги Муҳаббат таъкидлаб айтганидай ниҳоятда ширин ва гўзал эди.

Италияда халқ тилидаги бадиий адабиёт ўзга мамлакатларга қараганда кечроқ ривожланди. Данте даврида адабий тил латин тили ҳисобланарди. Римликлардан қолган латин тилининг ўзаклари италиянларга аجدодлар тили сифатида яқинроқ бўлиб, руҳонийлар ҳам латинчани қўллаб-қўлтиқлардилар. Жонли итальян тили ҳали расмга кирмагани учун, итальян ёзувчилари рицарлар адабиёти ёки қаҳрамонлик дostonларини яратолмасдилар. XI—XII асрларда бу ерда Рим ҳуқуқи, сиёсий ва диний илмлар ўргатилад, аммо XIII асрнинг биринчи ярмида зиёлилар орасида шеърый ижодиёт гуллаб-юклат бошлади. Бунда провансаль трубадурлар шеърини таъсирли кучли бўлди. Муҳаббатнинг икки жиҳати — телбаларча эҳтиром ва юксак илоҳий севги назарияси пайдо бўлди.

XIII асрнинг 60-йилларида Болоньялик ҳуқуқшунос олим Гвидо Гвиницелли шеърини янги услуб яратди. Кейинчалик Данте бунини «янги ширин услуб» деб номлади. Гвиницеллини муҳаббатнинг ахлоқий томони қизиқтирарди. Провансаль шоири Капелланнинг, муҳаббат инсон қалбини олижаноб-саховатли қилади деган фикрини ривожлантириб, муҳаббат олижаноб қалб эгаларига хосдир, деган гоёни илгари сурувчи фалсафий канцона (жур) бўлиб айтиладиган қўшиқ) яратди. «Олижаноблик» атамаси замонида трубадурлар каби табақавий сифатларни эмас, шаҳарликлар каби шахсий сифатларни тушунарди. У, трубадурлардан фарқлиқ қўлароқ анъанавий диний ахлоқ билан инсоний муҳаббатни улуғлаш орасидаги зиддият борасида қаттиқ уйлаб, муросали якуни келди: аёлга муҳаббат — худога муҳаббат каби муқаддасдир, маъшуқа худди фаришта сингари идеал мавжудотки, уни улуғлаш ҳеч қандай гуноҳ бўлиши мумкин эмас, деган фикрни уртага қўйди.

Унинг гояларини флоренциялик ҳурфикр, юксак маълумотли яна бир одам — Гвиницеллининг адаши Гвидо Кавальканти давом эттирди. У ҳам идеал маъшуқани мадҳ этар, лекин унинг шеъриятидаги муҳаббат фақатгина одамни юксалтирувчи туйғу эмас, айтиб бериш учун ҳалок этувчи, руҳни яраловчи оғир дард ҳам эканлигига эътиборни қаратди.

1283 йилда Кавальканти ва бошқа бир қатор флоренциялик шоирлар ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ёш шоир Данте Алигъеридан бир сонет олишди. Сонет «руҳи асир, юраги нурга тўла» кишиларга бағишланган эди. Кавальканта Дантега жавоб сонети ёзди. Шундай қилиб, ўрталарида дўстлик бошланди. Кавальканти уни Гвиницелли издошлари даврасига жалб қилди.

80-йилларда Данте кўп лирик шеърлар ёзди, уларнинг аксарияти Беатричега бағишланган эди. Шу тариқа, Данте ўз муҳаббатни гуфайли буюк шеърят оламига дахлдор бўлди. Ҳақиқат билан тўқима аралашиб кетган ва чуқур фалсафий маънога эга бўлган «Янги ҳаёт» асарида ширин услубга эга бўлган шеърят намуналарини яратди. Данте яна унда Беатриче мисолида муҳаббат билан ўлимнинг тўқнашувини, унинг инсон руҳига таъсирини, алоҳида бир инсон ҳаётида умуминсоний ва ғайриоддий аҳамият касб қилишини кўрсатди. Муҳаббатдан кейинги ҳаёт шунинг учун янги ҳаётки, у инсон ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади.

P.S. Беатриче вафот этганда Данте 25 ёшда эди. Ундан кейин яна 31 йил яшади. Уйланди, болали бўлди. Аммо Беатриче тинчлиги уни умр бўйи кузатиб борди. Жаҳоншумул асари «Илоҳий комедия»да ҳам қайта-қайта уни тилга олгандир.



ПЕТРАРКА билан ЛАУРА

Қадимгилар, муҳаббат ҳар доим битта қарашдан бошланади, дейишарди. Тақдирнинг заргарлигими бу, нима, таърифлаш қийин. Ҳар қалай ғарбда ҳам, шарқда ҳам кўпинча шундай бўлган.

1327 йил 6 апрель куни Италиянинг Авиньон шаҳридаги маъбуда Клара черковида ўн тўққизга кирган ёшгина бир аёл битта қарашда йигирма уч яшар бўйдоқ йигит Франческони бир умрга юрагидан урди. Ҳар бир қилтомиригача, сочидан тирногича бутун борлиги титрай бошлади. Черковдан чиқишда ёноқлари оқ ва тиниқ, сочлари оқ-малла, қомати тик, кўҳна қўшиқларда бўйлари сарвқомат дея таърифланадиган, кўзлари тун сингари қора бу аёл маҳобат тўкиб ўтиб кетди. Франческо беихтиёр орада бир масофа қолдириб унга эргашаётганини ўзи ҳам билмай қолди.



Эндигина яшилланиб қолган дарахтлар тагидан салқин йўллар она бир ҳашаматли ҳовлига кириб кетгандагина нима қилишни билмай қотганча тураверди. Бу, бўлажак буюк италян шоири, Уйғониш даврининг намояндаси Петрарканинг ёшлик пайти эди.

Франческо Петрарка 1304 йил 20 июнда Арешцо шаҳрида туғилганди. Отаси Пьетро ди сер Паренцо асли таги флоренциялик нотариус бўлиб, «оқлар» фирқасига мансуб бўлгани сабабли, худди Дантелар оиласи каби, Флоренциядан қувилган, Тоскананинг турли шаҳарларида овораи сарсон юра-юра шу кичик шаҳарда қўним топганди. Франческо тўққизга кирганда Авиньонга, сўнграқ онаси билан Францияга қарашли қўшни Карпантрага кўчиб ўтишганди.

Франческо шу ерда мактабга кирди, латин тилини ўрганди, латин румо адабиёти йўлида шаклланди. 15 ёшида мактабни битиргач, отасининг хоҳиши билан олдин Монпельеда, сўнг Болонья Университетига ҳақ-ҳуқуқни ўргана бошлади. Отасининг вафотигача (1326) шу ерда яшади ва университетни битказди. Аммо латин соҳаси уни кўп-да қизиқтирмасди, борган сари классик адабиётга қизиқиши ортиб борарди.

Олий маълумотли Франческо Петрарка ҳуқуқшунос бўлмади, тирикчиликни бир амаллаб ўтқазиб туриш учун руҳонийлик амалларини бажара бошлади. Унга отасидан Виргилий асарлари мерос бўлиб қолганди. Авиньондаги папалик саройига ишга кириб, оз вақт ичида руҳоний унвонини олди, шу йўл орқали Рим ҳаётида катта сиёсий роль ўйнаётган қудратли Колонналар аймоғи билан ҳамда кардиналнинг укаси билан яқинлашди. Бу Колонналарнинг аъзоларидан бири Жакомо, Петрарканинг университетда бирга ўқиган дўсти эди.

Мана, орадан бир йил ўтганда, черковда шу қизни кўриб, бўзариб турибди. Ниҳоят Жакомонинг олдига ошиқди. Жакомо қизнинг кимлигини билиб берди: у шу ерлик катта бир оқсуяк зодагон де Новининг хотини, ўн беш ёшида турмушга чиққан, икки боланинг онаси Лаура де Нов экан. Франческо бир томонлама муҳаббат дардига йўлиққанини англади. У, бир томондан, руҳоний бўлгани учун, уйланишга ҳақли эмас, иккинчи томондан, ўзи имонли-эътиқодли инсон бўлгани учун, ўзганинг никоҳига доғ туширишни истамас эди.

Петрарка Авиньондан бош олиб кетди ва Францияга қарашли Воклюз сувлари ёнида бир хонақоҳда ёлғиз яшай бошлади. Илгарилар ҳам шаҳар шовқинлари ва югур-югурларидан толиққан чоғларида шу ерга — сокин водийга, Сорга сойи ёқаларига

келиб ҳордиқ чиқазар ва шеърлар ёзарди. Бу ер унинг учун алғов-далғов тирикчилик денгизидан бир оз тиним оладиган бир бандаргоҳ бўлиб қолган эди. Энди эса севги изтиробларидан қочиб, севикли Лаура тўғрисида сонетлар ёзишга киришди. Тонг отар-отмас ўрнидан туриб, кулбасидан чиқарди ва бу тураржойини «ўт устидаги шудринг» деб атарди. Боғдаги дарахтларнинг япроқларида катта-катта томчилар ялтирар ва худди кимдир майда олмос парчаларини сочиб юборгандай қуринарди. Уйғонаётган куннинг тонгги сукути дунёсида тезоқар Сорганинг шовуллаши аниқ-тиниқ эшитиларди. Аҳён-аҳёнда қушлар сайроғи ва қўзилар маълаши келиб қоларди. Ва бирдан хўроз қичқириб юборарди. Ям-яшил ўтлоқлар, қирғоқ яқинларидаги қамишларни, сойнинг нарёғидаги қоятошларни кузатишни яхши кўрарди. Бу ернинг табиати ва Лаурага бўлган бирёқлама муҳаббат Петрарка шеъриятининг асосий манбаи бўлди.

Амурнинг¹ зулмига тополмай чора
Табиат қўйнида, шунда ётаман.
Ўт ва гуллар юлиб, шеърлар битаман
Ўтган замонлардан сўрайман далда.

Петрарка шу ерда уч йил яшаб, Лауранинг шаънини улуғлади, юзларча сонетлари билан катта шуҳрат қозонди. Унинг шеърларидаги Лаура ифбатли, олмосдай мустаҳкам ва умуман эгаллаб бўлмайдиган, фазилатли бир зот эди. Шаънига битилган мадҳиялар, ҳеч шубҳасиз, ўзигача етиб борган, унинг иззат нафсига роҳат бахш этган, аммо аёллик номусига тирноқча ҳам гард юқтиролмаган. Шу тариқа шоир, севги — эҳтирослар ичида энг аёвсиз ва ҳамма бахтсизлар ичида энг бахтсиз севилмаган одам эканлигини англаб етди. Шунда у, эскиларнинг тажрибаларига суяниб, саёҳатга отланди. шимолий Франция, Фландрия, Олмония ва Римга борди. Бошқа аёллар билан муносабатга киришиб кўрди. Болонья университетиде Новелла д'Андреа деган қиз билан ва яна Олмониянинг Кёльн шаҳрида бир гўзал олмон қизи билан ишқий муносабатларда бўлди. Аммо юраги тирноқча ҳам тасалли топмади. Лаурага бўлган тоза муҳаббати улуғвор ва голиблигича тураверди.

¹ Амур — муҳаббат худоси.

Йиллар ўтарди, Лаурага сонетлар ёзишни тўхтатмасди, айниқса илк бор қўрган ва юраги яраланган кунни ҳар йили албатта нишонлаб янги-янги сонетлар ёзарди.

1337 йилда севимли жойи Воклюздан ер-мулк сотиб олди. Шу ерни ижод уйи қилди, энг яхши шеърларини шу ерда ёзди ва унинг шухрати шу даражада ортдики, 1341 йили 8 апрелда унга Рим капитолийсида дафна тожи кийгазиш маросимини ўтказишди.

Аммо Лаурани илк бор қўрганига роппа-роса 21 йил тўлган кунда, яъни 1348 йил 6 апрелда, ўша Авиньоннинг ўзида Лаура вафот этди.

«Хаётининг тиниқ нури сўнибди, мен бу пайтда, эвоҳ, ўз қисматимдан беҳабар, тасодифан Веронада эдим, дўстим Людовиконинг хати орқали бу машъум хабар менга 29 май куни эрталаб етиб келди. Унинг покиза ва гўзал жисми ўша куни кечқурун францискларнинг ибодатхонасида тупроққа берилган. Жони ўз ватанига, самога қайтган... Бундан бу ёғига энди ҳеч ким менга таскин беролмайди», деб ёзади Петрарка.

Лаура ўлганда 11 боланинг онаси ва 40 ёшда эди. Улим сабабини ҳар ким ҳар хил шарҳ қилади. Бирларининг фикрича, ўша йили вабо тарқалганидан, иккинчиларининг талқинича, сил касалидан, учинчиларининг тахминича, бола туғавериб силласи қуриганидан жони узилган, дейди.

Петрарка эса бу мангу айрилиқдан кейин яна ўн йил сонет ёзди. Сўнгра унга бағишланган ҳамма шеърларини тўплаб, «Концоньере» («Қўшиқлар дафтари») номли китоб тайёрлади. Шоирнинг ҳаёти иккига бўлинганди: китоби ҳам шундай икки бўлимдан иборат бўлди: Биринчи қисм «Мадонна Лауранинг ҳаётига», иккинчи қисм «Мадонна Лауранинг ўлимига» деб аталарди. Китоб «Краткая литературная энциклопедия» (Москва—1968)нинг берган маълумотига қараганда, 317 сонет, 29 канцона, 9 секстина, 7 баллада ва 4 мадригалдан таркиб топганди. (Ҳозирги ИНТЕРНЕТ маълумотларига кўра 366 сонет кирган.) Бу ўзига хос бир шеърый кундалик булиб, ўзининг руҳий ҳолини турли томонлардан акс эттиради.

Ўша йил, ўша ой ва ўша фасл
Тангри сийлаган он эди ўша он,
Мени бир сийлаган бу ёруғ жаҳон,
Мени қора кўзлар этганди асир.

Биринчи учрашган кунини шундай баҳолайди шоир. Сонетнинг кейинги бандида севги изтиробини ҳам Тантрининг марҳамати деб атайди. Петрарка муҳаббатнинг қувончларини эмас, азобларини мадҳ этади, ахир муҳаббат ўз юрагига қарашни, ўз қалбини қуришни ато этди-да! У Лаурани учратганидан кейин ўзини бениҳоя бой бўлиб кетганини ҳис қилди. Бу ерда ишқий муносабатлар ҳақида ҳеч қандай гап йўқ. Фақат бир онда ва абадий пайдо бўлган таъзим муҳаббати бор. Шоир узлуксиз равишда умид билан умидсизлик орасида чайқалади. Бу ички зиддият энг гўзал сонетлар яратилишига олиб келади, бу ерда қувонч билан изтиробни, муҳаббат билан илҳомли шеъриятни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бирон нарсани ўзгартириш шоирнинг ихтиёрида эмас. Ўзгариш фақат Лауранинг ўлиmidан кейингина келади. Энди Лаура ердаги маъбуда эмас, самоларда шоирга таскин берувчи фариштадир.

Бу бўлимда Петрарка ўлим ҳақида тўхталаркан, вақтнинг ўткинчилиги, ўлимнинг қудрати, ҳар қандай гўзалликни совуқ тупроққа айлантериши, шоир айтаётган сўз биринчи бўғимдаёқ узилиб қолиши мумкинлиги, азиз одамининг ўлиmidан кейин ердаги гўзал кўзлар ҳам одамга бегона қўриниши, умуман бугун яшаб турган одам эртага нима бўлишини билмаслиги, лекин ўлим аслида яшашнинг давоми эканлиги ва ҳоказолар тўғрисида фикр юритади.

Петрарка умри давомида фақат итальян тилида эмас, латин тилида ҳам шеър ва рисоалар ёзди. Ўз умри баёнини, тавбаларини, фалсафий қарашларини ёрқин акс эттирувчи талай китоблар ёзди. Аммо унинг шоҳ асари албатта «Концоньеро»дир.

Франческо Петрарка 70 ёшга тўлишига бир кун қолганда, 1374 йил 19 июлда Аркуа шаҳрида вафот этди.

Петрарканинг «Концоньеро» китоби итальян тилида ҳали XVII асрдаёқ 200 марта нашр этилганди. Асосий жаҳон тилларининг ҳаммасига таржима қилинган. Рус тилида сонетлар ва бошқа шеърий китоблари кўп марта таржима қилинган. «Умр баёни», «Тавба» ва бошқа асарлари ҳам нашр этилган. Ўзбек тилида раҳматли Барот Бойқобиловнинг сонетлардан қилган санокли таржималари ва онда-сонда айрим шоирларнинг тўпламларида учраган битта-яримта таржималарини ҳисобга олмаганда, ўзбек ўқувчиси учун очилмаган қуриқдир.

Ҳар қалай Петрарканинг Лаурага муҳаббати соф ва тиниқлиги, биллурий қўриниши билан катта тарбиявий аҳамиятга эга деб уйлайман.

ШЕКСПИР билан ЭНН ХЕТЕУЕЙ



Ўзбекистонда Шекспир номи илқ бора қачон тилга олинган билмайман-у, аммо ўтган асрнинг 30-йилларида Чўлпон томонидан «Ҳамлет»нинг таржима қилиниши ва ўзбек саҳнасида қўйилиши Шекспир номини, жаҳондаги барча миллатлар қатори, бизнинг миллатга ҳам азиз қилди. Кейин Ғафур Ғулом, Шайхзода, Уйғун, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Жамол Камол, Саъдулла Аҳмад ва Мирпўлат Мирзолар Шекспирнинг саҳна асарларини ўзбекчага таржима қилдилар. Юсуф Шомансур унинг барча сонетларини тилимизга ўғирди. Шундай қилиб, бугунги кунда халқимиз Шекспирнинг деярли барча муҳим асарларини ўз она тилида ўқиш имкониятига эга. Аммо бу буюк шахснинг ҳаёт тарихи, тошли-тиконли умр йўли,

қувонч ва тапшивлари, муҳаббати ва оиласи ҳақида далилларга асосланган бирон бир ишонарли маълумотга эгамиз, деёлмайман. Ҳатто, «Отелло» номи остида 1991 йилда нашр этилган сайланма китобиининг «Шекспир даҳоси билан юзма-юз» номли сўзбошисида ҳам унинг умри ҳақидаги маълумотлар бир мунча эски ва ноаниқ далиллар асосида ёзилган. Ҳолбуки, 1985 йилдаёқ америкалик шекспиршунос олим С.Шенбаум ўзининг «Шекспир» номли хужжатларга асосланган китобида бу мавзуга жуда кўп аниқликлар киритган ва бу асар оммавий тираж билан рус тилида нашр этилган эди. Мен ўша китобдаги далил ва хужжатлар асосида унинг муҳаббати ва эрта уйланиши тарихи ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

1

Шекспирнинг таваллуди билан Навоийнинг вафоти оралигида бир пайғамбар ёши бор.

Шекспирлар оиласининг Снитерфильд деган қишлоқда каттагина ер-жойи ва чорваси бор эди, улар деҳқончилик ва чорва-улов билан, қассоблик билан кун кечирардилар. Ўша пайтларда Англиянинг бир қанча аҳоли зич жойларида шаҳар жамоалари ташкил топиб, у ерларда бозорлар бунёд бўлиб, ҳунармандчилик ва савдосотиқ юзага келиб, ҳаёт бир мунча енгиллаша бошлаган эди.

XVI асрнинг 50-йилларида Шекспирлар оиласининг иккинчи ўғли Жон Шекспир отаси ва акаси билан бирга қишлоқда яшашни хоҳламай, қишлоқ яқинида тез ривожланиб, равнақ топаётган Стратфорд шаҳрига кўчиб кетди ва чарм қўлқоп ва эгаржабдуқ устаси, яъни кўнчи ва тери ошловчи бўлди, териларни оққа ёки оч рангларга бўяб юмшатарди.

У, шу касб билан шуғулланаркан, кийик, от, шунингдек эчки, қўй ва ит териларига ишлов берар ҳамда уларни алюмин сульфати ва туз шўрламаларига бўктириб, тайёр бўлган юмшоқ теридан қўлқоп ва камар, картмон, этак ва бошқа нарсалар тайёрлаб, бозор майдонларининг махсус жойларида кун бўйи тик туриб савдо қиларди.

Тез орада Жон Шекспир бой бўлиб кетди ва шаҳар ортидаги йўл ёқасидан боғли ва катта ерли бир амлок сотиб олди, кейин яна боғининг охирига туташ катта уйни ҳам олиб, жун инлаб чиқарувчи устахона қурди.

Шекспирлар яшаган Снитерфильд қишлоғида Роберт Арден египи яна бир зодагон бой яшар, унинг ерлари шу қадар катта экинчи, бир пайтлар ерининг бир қисмини (тахминан 50 гектарча-нини) ва катта иморатини Шекспирларга ижарага (арендага) берганди. Арденнинг 8 қизи бўлиб, улар бир-биридан чиройли ва оғина қизлар эди. Жон Шекспир ўша бойнинг Мэри Арден деган кенжа қизига уйланди. Роберт Арден 1556 йилда вафот этиш ол-тишан кенжа қизига мулкининг каттагина қисмини ажратган эди.

Мэри — Жондан ўн ёш кичик эди, 1558 йилда никоҳдан ўтишди. Улар ибратли ҳаёт кечирдилар ва саккиз фарзандлик бўлдилар. Виль-ям Шекспир уларнинг учинчи боласи бўлиб, 1564 йилда туғилди.

2

Англия қироллигининг қонунига кўра, мамлакатда туғилган болалар албатта грамматика мактабларида таълим олишлари ке-рак эди. Бу мактабнинг номига қараб у ерда фақат грамматика ўқитилар экан-да, деган ҳаёлга бориш мумкин. Аслида ундай эмас. 1559 йилда қиролича чиқарган фармойишнинг 41-модда-сини кўра «болаларни ўқитувчи ҳамма муаллимлар уларда кераги паражасида илоҳий диний таълимга ҳурмат ва муҳаббат уйғоти-ши ҳамда камол топтириши шарт» — дейилган эди. Ўша пайтда шундай мактабда таълим берган муаллимлардан бири шундай деганлиги ҳужжатларда сақланиб қолган экан: «Болажон, мен сенга фақат дунёвий билим ва яхши хулқ-атворларни сингди-риш билан кифояланмайман, мен айнаи чоғда ана шу ғўр ёшинг-дан бошлаб эзгу ўғитлар орқали чинакам диний таълимлар би-лан сенинг қалбингни тарбиялаб боришим керак».

Жон Шекспир ўғлини ана шундай грамматика мактабига берар экан, бундан кузатган мақсади «болани лотинчага ҳам озгина ўрга-тиш» бўлганлигини айтган. Шундай қилиб, Вильям Стратфордда-ни Ўнги қироллик мактабида таълим ола бошлади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, у замонда болалар бундай мактабга ки-ришдан олдин, 4—5 ёшидан бошлаб кичик мактаб ўқитувчилари томонидан тайёрлов синфларида ўқитилган. Росмана мактаб ўқув-лари бошланганда чиндан ҳам уларга биринчи ва иккинчи синф-лардаёқ «Инжил» ва «Таврот»дан ташқари, Уильям Лилининг «Грам-матикага қисқача кириш» деган дарслиги, Кулманнуснинг «Бола-

лар учун ўғитлар», «Қарилик ўғитлари», Эзоппнинг лотинча масаллари, Эразм Роттердамскийнинг «Катон» деган насиҳатлар китоби, Теренций ва Плавт комедиялари ҳам ўқитилди. Учинчи синфда эса болаларга лотин шоирларининг панднома шеърлари ўқитиларди. Шунингдек, дарсда Паленгелиуснинг «Хаёт буржлари» ҳам ўғитарди. Вильям баланд руҳли асарларга, айниқса, театр дунёсига шўнғиб кетди. 1575 йилда у кичик мактабдан ўрта мактабга ўтганда, энди риторика (нотиклик илми) ва мантиқдан ҳам дарс беришарди. Шу тариқа у жаҳоншумул нотиклар Цицерон, Сузенбротус, Квинтилиан асарларини ўрганди. Овидий, Вергилий, Горацийни ўқиди. Айниқса, Овидийнинг «Метаморфозалар» («Бошқа кўри-нишга ўтишлар») асари Шекспирнинг бир умрлик севган китоби бўлиб қолди. Аммо, ҳужжатлардан маълум бўлишича, Вильям мактабни битирмади. Жон Шекспирга уйда «бир ёрдамчи қўл» зарур бўлиб қолди ва ўғлини мактабдан бўшатиб олди.

3

15 ёшлик йигитча энди молларнинг кушхонага келтирилиши ва гуштга, териға ажратилиши каби ишларни назорат қилиши керак эди.

Шундай қилиб қассоб бузоқни боғлаб
Қонли кушхонага судраб келади...
Сигир муълаб чопар, югуриб-елар
Бегуноҳ бузоқнинг ортидан қараб.
Энди яшар балки соғиниб уни.

Бу — 15 яшар боланинг юрагида қолган ва келгусида «Генрих VI» фожиасига кирган бир манзара.

Энди халфа (шогирд) бўлиб ишлаётган Вильямнинг кунлари товарлар уюми орасида, териларнинг сассиқ ва аччиқ ҳидлари таралаётган кўнчилик устахонасида ўтар, аммо шундай оғир шароитда ҳам ўқиш ва ёзиш, машқ қилиш учун вақт топар эди. Шу тариқа уч йил ҳам ўғиб кетди.

Бизнинг ўзбекда шундай бир гап бор: Қассобнинг боласи 13 да буй етар, мулланинг боласи 30 да ҳам ёш.

Вильям эса 18 га кираётган эди.

Бирдан 1582 йилнинг ёзида уйда йўқ бўлиб қоладиган ода-чиқарди. Кўпинча кечалари, гоҳо-гоҳо кундузлари ҳам ҳеч ким

на сездирмай қаёқларгадир ғойиб бўларди. Бирда-ярим, ингичка бир сўқмоқдан ям-яшил далалар бўйлаб уйларидан ғарбга қараб кетганини кўриб қолардилар.

— Қаёқдайдинг? — деб сўрарди отаси.

— Оғайнилар билан кўришиб қолиб, бирпас гурунғ қилдик, — деб жавоб берарди.

— Қайси оғайниларинг?

— Ҳа, мактабда бирга ўқиган...

Бошқа сафар яна синчковлаб сўраганда, у:

— Дада, энди кичкина бола эмасман, дўстларим билан учрашиб туришга ҳаққим бор, — деди.

Отаси ҳадеб тергайверишни тўхтатди. Унинг кетишлари доимий одатга айланди. Аслида у ҳеч қандай дўстлари билан учрашмас, Шотери деган кичик бир қишлоққа йўл оларди. У қишлоқ, Стратфорддан тахминан 1,6 километр нарида бўлиб, у ерда Хетеуейларнинг катта мулк-амлоки ва қатор-қатор уйлари бор эди. Хетеуейлар Уорикширдаги ўз мустақил ҳужалигига эга бўлган бадавлат деҳқонлардан бўлиб, уларнинг бир неча авлоди Шотерида яшаб келганди. Оила бошлиғи Ричард Хетеуей икки марта уйланган, иккала хотинидан ҳаммаси бўлиб етти фарзанди бор эди. У 1581 йилда вафотидан сал олдинроқ бор мол-мулкини болаларига тақсимлаб васият ёзиб қолдирган эди. Бир қизининг оти Энн бўлиб, отасининг унга атаган мероси унча-мунча одамда катта ҳавас уйғотиши мумкин эди. Фермадаги пой-левори харсангтошдан қилинган, катта-катта нақшин устунларга эга бўлган 12 хонали узун уй шулар жумласидан эди. Шундоқ-қина бино этагида бутун Шотеридан ўтадиган катта анҳор суви париллаб ётарди. Энн 26 ёшда, яъни Вильямдан 7—8 ёш катта эди. Аммо эрта етилган йигитнинг кўзига у бениҳоя гўзал кўринарди. Вильям уни йўлдан урдими, ё Энн соғлом ва бақувват, гапга чечан ва хушчақчақ йигитни қаттиқ ёқтириб қолиб, йўлдан оздирдими — бир нарса дейиш қийин. Ҳар қалай улар бир кун бир-бирини кўрмаси туролмайдиган ҳолга тушдилар. Вильям ўз ҳолини отасига айтолмас (афтидан, у пайтларда инглизларда ҳам «ота, мени уйлантириб қўйинг» дейиш уят саналган бўлса керак), аммо Энндан ўзоқлашиб кетиш ҳам ихтиёрида эмасди. Ҳар неки бўлмасин, ахир улар ўзларини тақдир ҳукмига бердилар. Яъни ҳаётдан ўз улушларини ола бошладилар. Энн, ривоятларга қараганда, узун бўйли,

оқ-сарикдан келган, кўзлари мовий, қирра бурун, ранги бир оз захил, малла сочлари батартиб таралган, енгил бош кийими кийиб юрадиган, камгап-камтар, майин табассумли бир қиз эди. Томоғини ураб турган иссиқ жун свитерининг гажмли ёқалари — хуллас, ҳар ёқдан Вильямга ёқар эди. Тез орада Энн ҳомилали бўлиб қолди. Бу Вильямни эсанкиратиб қўйди. Ҳамон отасига айтишдан қўрқар, аммо келгуси йили кечи билан апрель-май ойида Энн туғиши муқаррар эдики, улар икковлари маслаҳатлашиб яширин тарзда, «айлана йўллар билан» никоҳдан ўтишга қарор қилдилар. Чунки ўртада фақат отанинг розилиги эмас, диний қонунлар ҳам уларнинг никоҳига қарши эди. Вильям энди 18 га кирган, бу ёшда никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмасди (черков шариатига кўра, эркаклар фақат 21 ёшдан никоҳлана олардилар). Ундан ташқари, иккала тарафнинг отаси томонидан розилик бўлиши шарт эди. Энн томонда масала осон, чунки отаси Ричард Хетеуей Фалк Сэнделс ва Жон Ричардсон деган икки кишини қизига расмий кафил қилган эди. Вильямнинг отаси Жон Шекспир эса бу никоҳга ҳеч вақт рози бўлмас эди, чунки черков қонунларини муқаллас деб биларди.

4

Фалк Сэнделс, Жон Ричардсон, Энн ва Вильям 27 ноябрда отларни йўлга ҳозирлаб эрта саҳарда Стратфорднинг ғарбидаги Вустер вилоят черковига (епархияга) жунаб кетдилар. Бу черков Стратфорддан тахминан 33 км узоқликда эди. Бир тулпорни минган Энн олдига Вильямни ўтқазиб олди. Никоҳ одатда уч кишидан иборат суд ҳайъатининг қарори билан ўтказиларди. Вустер вилоят черковининг епископи (бизнингча айтганда, имом-хатиби) Жон Уитгифт эди. Никоҳ судини ўтказувчи маъмурлар: раиси Ричард Коузин, рўйхат ишларини олиб боровчи котиби Роберт Уормстри, Вильям билан Энн никоҳини рўйхатга олдилар. 18 яшар йигитни рўйхатга олиш учун яна махсус истисно қарори ҳам керак бўларди. Бунинг учун арзғўйлар, ҳайъатга шундай ҳужжатлар топшириши керак бўларди:

1. Келин-куёвнинг исми-шарифи, тураржойи ва машғулоти кўрсатилган қасамёд хати, ота-оналар ёки васийларнинг розилиги ҳақида гувоҳнома, яна маросимнинг тўла ошкор этилмаётгани сабаблари.

2. Ота-оналар ёки васийлар ва ё бевосита суд ҳайъатига маълум кишилар томонидан қасам ичиб, бу никоҳ иши қонун томонидан ҳеч бир тўсиққа учрамаслигини тасдиқлаган хатлари.

3. Епископ ва унинг маъмурларини ҳар қандай мажбуриятдан қилос этадиган ва бордию даъво суди қўзғатилса уларнинг айбсиз бўлганликларини кафолатлайдиган кафиллик хати... ва ҳоказо.

Вустер вилоят черковининг суд ҳайъати Вильям Шекспир билан Энн Хетеуейни 1582 йилнинг 28 ноябрида никоҳлади. Никоҳ ҳужжатлари ичида юқорида айтилганлардан кейинги иккинчиси черков архивида сақланиб қолгани аниқланган. 1-моддада доир ҳужжат фақат шекспирлар никоҳи рўйхатларида эмас, бунга жуфтларнинг рўйхатларида ҳам йўқлиги кузатишган. Демак, Шекспирлар никоҳи қонун доирасида амалга оширилганлиги турли шубҳалардан холидир.

Лекин, афтидан, суд ҳайъатига Эннинг ҳомиладорлиги билдирилмаган, агар бу нарса суд ҳайъатига маълум бўлса, Энн Хетеуей «Стратфордлик қиз» деб эмас, «Стратфордлик ёлғиз аёл» деб ёзилган бўларди.

Шекспиршунос тарихчилардан бирининг ёзишича, «Келин томоннинг вакиллари Сэнделс ва Ричардсон, шубҳасизки, бу ишда ташаббусни эгаллаб олишган ва дўстларининг қизи шаънини сақлаб қолишни зарур деб топганлар. Никоҳ қувв ота-оналарнинг розилигисиз тузилганлиги эҳтимолдан узоқ эмас...»

Албатта, Вильямнинг отаси бу иш маълум бўлганда судлашиб юришни ўзига эп кўрмади, ўғли билан келинининг бахтли қашшларига қўйиб берди.

1583 йилнинг 26 майида ёш келин-қувв бир қиз кўриб, отини қўйган қўйишди ва Жон Шекспирни неваралик қилишди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас 1585 йил 2 февралда яна бир қиз ва отини — эгизакли бўлиб, отини Жудит ва Гамнет қўйдилар. Улар қалъалик аҳил ё ноаҳил яшагани ҳақида маълумотлар оз. Фақат Шекспирнинг 145-сонети Энн ҳақида эканлиги борасида тарихчилар ҳамфикрдирлар:

Яқинда суйганим азиз дудоқлар:
«Мен ёмон кўраман!» дея тиришди.
Ёмон аччиқтанди, аммо шу чоғда
Кўрқиб кетганимга назари тушди.

То бугунга қадар менга ҳар доим
Бундай машғум сўзни нораво билган.
Ширин сўзлар айтган, гиналар қилган
Тилларини тишлаб булиб қолди жим.

«Мен ёмон кўраман» леда лаблари.
Аммо кўзларига қайтдию меҳр,
Дузахларга учди ундаги қаҳр,
Юзлари ёришди қуёш сингари.

«Мен ёмон кўраман» — аммо басма-бас
Тез қўшимча қилди: «Йўқ, сизни эмас!»

Фақат орадан бир неча йил ўтгач, Шекспирнинг, ота-онаси, оиласи — Энн ва болалари билан хайрлашиб Лондонга кетгани ва кенг миқёсда драматик фаолиятга берилгани маълум. Фақат ора-чора уйига келиб-келиб турарди.



НАПОЛЕОН билан ЖОЗЕФИНА

(Ассалом, муҳаббат... хайр, муҳаббат...)



Муҳаббат одам танламайди. У керак бўлса, дунёни эгаллаш ниётидаги Наполеон Бонапарт бўлган тақдирда ҳам, унга ўз ҳукмини ўтказаверади. Мана, кўринг, у 26 ёшда эди, Франциянинг жанубидаги Тулон шаҳрида аксил-инқилобий қўзғолонга 7 минг кишилик республикачилар армияси бас келолмаган бир пайтда резерв колоннасида етиб келиб ғалаба-

ни таъминлаган ва генерал унвоинини олган, Париж гарнизонининг қўмондони этиб тайинланган бир чоғида шаҳар айланиб юраркан, бир фуқарони кўрди-ю, севиб қолди. Ким экан десангиз, яқинда қатл этилган якобинчи, генерал, граф Богарненинг беваси экан; исми Жозефина... Тагин, денг, ундан олти ёш кичра... Жозефинанинг ҳаётида ишқий саргузаштлар олдин ҳам бўлган эди, шунинг учун унда жуда



жўшқин туйғулар жўш уриб кетганди деб бўлмайди, лекин ҳар қалай рад жавоби ҳам бермади. Тўсатдан бостириб келган жўшқин эҳтирос уни эсанкиратди. Бонапарт тезликда тўй ўтказишни ва ўзига хотин бўлишни талаб қиларди. Бир ҳафтага қолмай шундай бўлди ҳам... 1796 йил 9 мартда тўйлари бўлди. Аммо Бонапарт шундай одам эдики, ҳис-туйғуларни кўп уйламас, қалб амрларига узундан-узоқ берилавермасди. Икки кунгина Жозефина билан маза қилиб яшади, 11 мартда эса у билан хайрлашиб, урушга кетди. Жабҳадан хатлар ёзарди.

Наполеон — Жозефинага

1796 йил, 3 апрель

Менинг тенги йўқ Жозефинам, сендан йироқларда бутун дунё менга якка қолган кимсасиз саҳро бўлиб кўринади. Ўйлаганим сен, фақат сен: инсон деган зерикарли махлуқлар жонимга тегиб кетганда ҳаётни лаънатлагим келади — шунда ўз-ўзидан қўлимни юрагимга қўяман, чунки юрагимда сенинг сувратинг бор: унга қарайман, муҳаббат мен учун тўла-тўқис бахтдир... Қандай жодулар билан мендай бир одамни ўзингга қаратиб олдинг? Жозефина учун яшамоқ! Мана менинг ҳаётимнинг турган битгани...

Муҳаббат завқини билмай ўлиш — дунёда ному нишон қолдирмай йўқ бўлиб кетишнинг нақ ўзгинасидир ва бу дўзах азобидан ҳам оғирроқ. Менинг бирдан-бир севгилим, модомики тақдир бизга оғир ҳаёт йўлини бирга босишни раво кўрган экан, шундай қилайлик, чунки сенинг қалбинг меники бўлмаган кун менга дунёнинг жозибаси ҳам, қизиги ҳам қолмайди.

1796 йил, 17 июль

Севимли жуфти ҳалолом, ҳозиргина сенинг хатингни олдим, юрагим қувончга тўлиб кетди. Ўзинг тўғрингда берган батафсил хабарларинг учун чексиз миннатдорман. Соғлигинг энди яхшиланган кўринади: тузалиб қолибсан, шекилли. Сенга кўпроқ от миниб юришни маслаҳат қиламан, бу — сенга жуда фойдали бўлиши керак.

Сен билан хайрлашиб кетганимдан бери кўнглим қоронғу: ҳеч маъюсликдан қутулолмайман. Сенинг ёнингда бўлсамгина

Бахтли эканман. Тинмай сенинг ўпичларинг, кўзёшларинг, жонбали рашкларингни ўйлайман. Ғўзал Жозефинанинг беқиёс қилди-қомати ҳамон сўнмаган юрагимни ва ақлу ҳушимни узлуксиз ишқ оташида куйдиради. Эҳ, қачон барча бу ташвишлар, беҳаловат ишлардан қутуламан-у, умримнинг барча дақиқаларини сен билан бирга ўтказаман: қачон фақат сени севиш, бахтни ўйлашга вақтим келади: сенга шу ҳақда сўйлаб, севишимни исботлаб ўтираман? Сенга отингни юборяпман — тез орада олдимга келиб қоларсан деган умиддаман.

Яқингинада мен сени астойдил севаман, деб ўйлагандим, аммо сени янги кўрганимдан буён ўйлаганимдан минг бора ортиқроқ севишимни ҳис қилдим. Сени кўпроқ билганим сайин, севгим кучайиб бормоқда. Менинг бу ҳолим, Ла-Брюэрнинг «севги бирдан ўт олиб, бирдан ўчади» деган фикри нотўғри эканини кўрсатади. Табиатда ҳар нарса ўсиб борар экан ва ўсиш даражаси ҳар минг бўлар экан. Эҳ, сендан ўтиниб сўрайман: менга ўз камчиликларингни кўрсат! Бунчалик ғўзал, бунчалик хушмуомала, нафис ва яхши бўлма! Мени ҳеч кимдан ва ҳеч қачон қизганма ва йиғлама: сенинг кўз ёшларинг ақлу ҳушимни олиб куйдиради мени. Инон, энди менда сенга тааллуқли бўлмаган бирон фикр, бирон тасаввурнинг ўзи йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Ғўзал, дам ол, тезроқ соғлигингни тикла. Олдимга кел, ҳеч бўлмаганда, ажал келмасдан бурун: «Шукур, бахтли кунларимиз кўп бўлди!» дея олайлик.

Ёвуз бўлишига қарамай, ҳатто Фортунангга ҳам (Жозефинанинг ити) миллион ўпичлар йўллайман.

1976 йил, 4 август

Сендан шу қадар олисдаманки! Атрофим тим қоронғу! Бу — ортага биз тўпларимизнинг даҳшатли гумбур-гумбури билан душманини кутиб олиб, қоронғуликни ёритиб юборгунча давом этади.

Жозефина! Сен йиғладинг... Биз хайрлашиб ажралишаётганимизда сен йиғладинг! Шунини ўйлаганимнинг ўзидаёқ ичимда ҳамма нарса қалтираб кетади! Аммо хотиржам бўл ва юпан: Вурмсер (Австрия генералфелдмаршали, эртаси куни Кастильон остонасида тор-мор қилинган) бу кўзёшларинг учун баланд нарх билан тўлов беради!

Калдиеро, 1796 йил, 13 ноябрь

Мен сени ортиқ севмайман... Аксинча — ёмон кўраман. Сен ярамас, тентак, бемаъни хотин экансан. Менга бутунлай хат ёзмай кўйдинг, сен эрингни севмайсан. Хатларинг мени қандай қувонтиришини била туриб, менга, ҳатто, беш-олти енгил-елпи сано ҳам ёзолмайсан.

Лекин кун бўйи нима иш қиладилар, хоним афандим? Қандон муҳим юмушлар вақтларини оляпти? Севимли эрига хат ёзишга ҳалал бераётган нима? Нозик ва собит севгилари билан мақтанардилар, буни исботлашга нима тўсқинлик қилаётир? Ким экан ул сизни йўлдан оздирувчи, сизнинг вақтингизни олишга даъвогар янги маҳбуб? Жуфту ҳалол эрингиз билан машғул бўлишга ҳалақит бераётган олий зот? Эҳтиёт бўлинг, Жозефина, йўқса ажойиб тунларнинг бирида эшикларингиз синдирилади ва қаршиларида мен пайдо бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, азизам, сендан хат-хабар келмаётгани мени хавотирга солаётир. Менга дарҳол тўрт саҳифани тўлат, фақат хатинг ёқимли нарсалар тўғрисида бўлсин ва юрагимни қувонч билан тўлдирсин ва ийдирсин.

Тез орада сени кучоғимга олиб, экваторнинг нурларидай куйдирувчи миллион ўпичлар билан кўмиб ташлайман.

Бонапартнинг бутун фикри-ёди аслида Францияга кўз тикиш турган Англия, Австрия, Россия коалициясини тор-мор қилишда эди. Севикли хотини Жозефина билан доим ҳам кўришга туropolмасди. Шунинг учун кўпдан-кўп бошқа қизлар ва аёлларни яхши кўриб қолган пайтлари ҳам бўларди.

1805 йили унинг қўшинлари Берлиндан шарққа қараб юриш бошлаётганда, Наполеоннинг Потсдамдаги қароргоҳига кетма кет поляк вакиллари кела бошлади. 1770—90 йилларда Пруссия, Австрия, Россия Польшани учга бўлиб олиб, Польша ҳокимиятига барҳам бергандилар. Энди Наполеон ҳузурига келган поляк вакиллари мустақил Польша давлатини қайта тиклашга ёрдам беришини сўраётгандилар. 1806 йилнинг охирида Наполеон қўшинлари Варшавага кирди. Поляк дворянлари, савдогар шайхунарсман аҳллари уни катта қувонч билан кутиб олдилар. 1807 йилнинг бошида Польша масаласини ҳал қилишга киришди. Айнан шу кезларда графиня Мария Валевскаяни яхши кўриш қолди ва унга жўшқин хатлар ёзди.

Наполеон — Мария Валевская

Январь 1807 й.

Шундай пайтлар бўладики, юксак мартаба одамни эзиб ташлаш, мен ҳозир шундай ҳолни бошдан кечиряпман. Сизнинг оқилларингизга учиб кетгиси келаётган юрак интилишларини қанчалин тинчитай, энг қизгин истакларни ҳам бўғиб ташлайдиган оғирдан-оғир «олий»андишалар одамни тизгинда ушлаб туради. Оҳ! Фақат сиз истасайдингиз! Сиз — фақат сиз — бизни ажратиб турган тўсиқларни йўқ қила оласиз. Менинг дўстим Дюрер буни амалга оширишда Сизга ёрдамлашади.

О, келинг, менинг олдимга келинг. Сизнинг ҳамма истакларингиз амалга ошади. Менинг шўрлик юрагимга шафқат қилган шўрингиз, Сизнинг ватанингиз мен учун азиз бўлиб қолади.

Биринчи кўришувдан кейинги кун, 1807 й.

Мария, ширин, асал Мария, биринчи хаёлим — сен, биринчи истагим — яна сени кўриш. Сен яна олдимга келасан-а, тўғрими? Сен менга келаман деб ваъда бердинг. Агар келмай қолсанг — Бургутнинг ўзи сени олиб келгани учиб боради. Сени дастурхон устида қўраман, ваъда шундай бўлган. Манави дастани (қимматбаҳо тақинчоқлар дастаси) лутфан қабул қил, бу — одамзод ўр-йиқитлари аро бизнинг муҳаббатимиз белгиси ва яширин алоқаларимизнинг далили бўлиб қолсин. Бутун оломоннинг кўз ўнгиде биз бир-биримизни англаймиз. Мен қўлим билан юрагимни чангаллаганимда, мен бутун борлигим билан сенга интилаётганимни тушунасан, бунга жавобан сен ўзингга юборилган дастани бағрингга босасан. Мени сев, жозибали Марияжоним, шлоҳо сенинг қўлларинг бу дастадан ҳеч қачон узилмасин.

Мария Валевская унинг йўл устидаги севгиси эди, лекин асосий муҳаббати барибир Жозефина эди. Улар турли ҳижронлар, кўришувлар, ажрашувлар аро 13 йил бирга севишиб яшадилар. Фақат тақдир уларга фарзанд ато қилмади. Ҳолбуки, бу вақт ичида Наполеон Бонапарт неча-неча жангу жанжалларда енгиб чиққан, оламшумул шуҳрат қозонган, энди Франциянинг императори эди. Тахт учун эса бир ворис керак эди. Буни Наполеондан бутун сарой аҳли талаб қилаётган эди, яъни у Жозефина билан расман ажрашиши ва бошқа хотин олиши керак эди.

«Сиесатчида юрак йўқ, фақат калла бўлади» деди Наполеон аёлига, 1809 йилининг ноябрида расман ажрашишга тайёргарлик кура бошладилар. Эр ҳамон хотинини севар, улар кунлар бўйи бир-бирларидан ажрашмасдилар. 15 декабрда империянинг барча оғини мансабдорлари ҳузурида ажрашув баённомасига имзолар чекилди. Улар ажрашдилар, лекин Наполеон бундан кейин ҳам ҳар куни унга, Мальмэзонга (Жозефинага совға қилинган саройга) энг меҳрли, муҳаббат билан тўла хатлар ёзиб турди. Жозефина ҳам жавоб ёзиб турди.

Амалдорларнинг бир қисми Россиялик малика Анна Павловнага уйлан деса, иккинчи қисми Австрия императори Франц I нини қизи Мария — Луизага уйлан, дер эди. Дастлаб Россияга совчи юборишди, аммо қизнинг онасидан, ҳали қизимиз ёш, энди 16 га кирди, бир-икки йил кутсангиз берамиз, деган жавоб келди. Шундан кейин Наполеон Мария-Луизага уйланадиган бўлди. 10 апрелда тўйлари бўлди. Шу кезларда Жозефинадан бир хат келди.

Жозефина — Наполеонга

Наварра, 19 апрель 1810 й.

Давлатпаноҳ!

Ўғлим Сиз Ҳазрати Олийлари менинг Мальмэзон қасрига қайтишимга рози эканингиз ва Наварра қасрини яхшилаб олишимга маблағ ажратганингизни тасдиқлади.

Сизнинг икки тарафлама саховатингиз, Давлатпаноҳ, менинг катта ташвишларимни енгиллаштирди ва Сиз Ҳазрати Олийларининг бир мунча вақт жавоб бермаганингиз гуфайли тутилган хавфсирашларимдан озод қилди. Энди Сиз мени бутунлай унутасиз деган фикр мени хавотирга солаётган эди, энди кўрдимки, бундай бўлмагги. Энди мен жудаям бахтсиз эмасман, лекин келажакда бахтли бўлишим ҳам даргумон. Шу ойнинг охирида агар Ҳазрати Олийлари қарши бўлмасалар, Мальмэзонга жунайман. Лекин Сизга шуни таъкидлашим лозимки, агар Наваррадаги қароргоҳ фақат менинг соғлигим эмас, менинг атрофимдаги одамларнинг ҳам соғлиги учун чинакамига яхшилаб олишни талаб қилмаганида, мен бунинг учун сиз берган имтиёзлардан дарров фойдаланишга киришиб кетмасдим. Мен Мальмэзонда кўп вақт бўлмоқчи эмасман, тезда у ердан кетаман ва даволаниш учун маъдан сувларига бора

чан. Ҳазрати Олийлари амин бўлсинларки, мен Мальмэзонда гуё Париждан минг чақирим нарида бўлгандай яшайман.

Давлатпаноҳ, мен жуда катта қурбон бердим, кун ўтган санин, бу қурбон нақадар катта бўлганлигини кўпроқ ҳис қиляпман; лекин мен ўзим қилганим бу фидойиликни охиригача етказаман. Сиз Ҳазрати Олийларининг бахти менинг қайғу-аламларим туфайли ҳеч қачон бузилмагай.

Мен ҳеч тиним билмай Сиз Ҳазрати Олийларига бахт тилайверман, эҳгимол яна бир Сизни кўриш учун шундай қилаётган-ирман; лекин Ҳазрати Олийлари амин бўлсинларки, мен ҳар тиним сизнинг янги вазиятингизни чурқ этмай қадрлайман; мен эл аввалгидай муносабатда бўлишингизга кўз тутган ҳолда, сизнинг бунинг исботи учун ҳеч нима талаб қилмайман; фақат сизнинг адолатингиздан умидворман.

Мен, Ҳазрати Олийлари, сизнинг ёдингизда кичкина ўрин билламаганимни ва сизнинг ҳурматингиз ва севгингизда менинг маъқсим баландлигини менга ва менинг яқинларимга кўрсатиш учун ўз-ўзингизча бир йўл топишга ҳаракат қилишингизни илтимос қилган бўлардим. Нима бўлганда ҳам, бу — менинг қайғу-аламларимни юмшатади, айтиб чоғда менинг назаримда, сиз Ҳазрати Олийларининг бахти тўғрисида ҳаммасидан кўпроқ ушлашимга ҳалақит бермайди.

Наполеон тожидан айрилиб Маъбуда Елена оролига сургун қилинганда малика Мария-Луиза эрининг кетидан оролга боришни хоҳламади. Валевская оролга уни кўргани борди. Жозефина унга бир мактуб жўнатди.

Жозефина — Наполеонга

Мақсадим тахтдан кетишингиз муносабати билан сизга ҳам-дардлик изҳор қилиш эмас; ўз тажрибамдан биламанки, бундай аҳволга тан бериш мумкин; ҳаммасидан ҳам шон-шўҳрат соҳасидаги сафдошларингиздан ажралганингиз сизни қандай қайғу-аламларга ботиришини ўйлаб йиғлайман.

Оҳҳҳ! Сургун фақат майда қалб эгаларинигина қўрқитишини дебот қилиш учун мен жон-жон деб олдингизга учиб борган

булардим. Бу бахтсизлик менинг сизга бегараз муҳаббатимни кай майтириш у ёқда турсин, аксинча унга яна янги куч берди.

Мен Сизнинг кетингиздан эргашиб, Францияни ташлаб, сизга қайтиб келган, аммо қолган умрингизга ўзимни бахш этмоқчи эдим. Аммо биттагина сабаб мени тутиб қолди, у нималигини сиз ўйлаб тополмайсиз.

Агар бундай бурчни адо этаётган одам, ҳар қандай эҳтимоллардан ташқари, фақат мен, менинг бир ўзим бўлсам — мен ҳеч нима ушлаб қололмайди, мен бундан буён ер юзининг ўша ягона жойига жунаб кетаман ва дунёнинг энг бахтли одами бўла оламан, бахтсизлик чоғида ўша ерда сизни юпатаман.

Алвидо, Давлатпаноҳ, яна бошқа гапларни қўшиш менга ортиқча кўриняпти; энди сўзда эмас, амалда сизга муносабатимнинг исботлашим керак. Менга Сизнинг ризолигингиз керак.

Аммо Жозефина 1814 йилдаёқ вафот этди. Шу билан Наполеон — Жозефина қиссаси тугади.



ПАГАНИНИНИНГ БИРИНЧИ МУҲАББАТИ



Паганини номи бизнинг адабиёт ва санъат аҳлларимиз, айниқса, мусиқа кишилари орасида маълум ва машҳур, аммо бошқа қатламларимизга яхши таниш, деб ўйламайман. Шунинг учун ўқувчиларимизга олдин у ҳақда қисқача маълумот берай.

Никколо Паганини бутун дунёда жуда катта шуҳрат қозongan итальян скрипкачиси ва бастакоридир. Мусиқа романтизми асосчиларидан бири. Скрип-

качилар орасида биринчи бўлиб унинг ўзи 24 мусиқа ва 5 концерт-чидан ижро этолган гениал соҳибадир. У ҳақда бошқа бир улук композитор, мажор халқининг фарзанди Ференц Лист шундай айтиш эди:

«Ҳеч кимнинг шуҳрати унинг шуҳрати билан, ҳеч кимнинг номи унинг номи билан тенглаша олмайди... Унинг қиёси йўқ зўр асарлари билан ҳеч кимнинг асарлари бўйлаша олмайди.... Мен зарра-



ча ҳам иккинчидан айта оламанки, бошқа иккинчи Паганини туғилмайдиган. Бундан улуғвор истеъдод ва ўзига хос ҳаёт йўлининг уйғунлиги унинг шўҳратнинг энг юксак чуққисига кўтарди — санъат тарихида бу такрорланмас бирдан бир ҳодисадир».

Никколонинг болалиги

Никколо Паганини 1782 йилнинг 27 октябрида Генуя шаҳридаги бир ўртаҳол оилада туғилди. Отаси Антонионинг денгиз портида кичик бир дукони бўлиб, тижорат билан шуғулланарди. Аслида савдо-сотиқни ёқтирмас, мусиқачи бўлишни орзу қиларди, мандолина ва скрипкада эса қоладиган енгил халқ кўшиқлари ва лаптарларини ижро этганда, халойиқ уни гулдурас қарсақлар билан синлар, оддий, ҳаётсевар куйлари учун унга завқларини изҳор этишарди. Аммо тижорат, рўзгор ва беш болали оила билан ўралашиб мусиқачи бўлолмади. Юрагида қолган катта армон унинг табиати га ҳам таъсир кўрсатиб, серзарда, сержаҳл киши бўлиб кетди.

Онаси Тереза 17 ёшида ўзидан 7 ёш катта бўлган Антониони турмушга чиқиб, 10 йил ичида беш бола туғиб берди. Биринчи ўғли чақалоқлигида вафот этиб, орадан икки йил ўтгач, Никколога ҳомиладор бўлганида бир кун тушида бир фариштани кўрди, фаришта, тангрининг номидан, бу ўғлинг ким бўлишини хоҳлайсан, деб сўраганда, буюк мусиқачи бўлишини, деган экан. Чунки у ҳам мусиқани жонидан яхши кўрарди.

Никколо туғилиб, ҳали чақалоқлигида беланчакда ибодатхона жомларининг садоларини ва отаси мандолина ё скрипкада чалган куйларини ҳайратланиб, қоп-қора мафтункор кўзлари ялтираб, зам билан тинглар, орага бекорчи шовқинлар кўшилиб қолса аччиққанарди. Отаси ҳам, онаси ҳам буни кўриб мириқиб кулишарди.

Боланинг мусиқани илғаш қобилияти бениҳоя кучли эди. Тўрт яшарлигида бир кун отаси мандолинада сохталикка йўл қўйиб куй чалганида ўғли шу ондаёқ уни тузатишга ундаган эди. Шунда у ўғлида ушаламай қолган орзуси рўёбга чиқишини ўйлаб «Зора от босмаган изни, той босса...» деган хаёлларга борганди. Хаёлларга берилибгина қолмай, унга мандолина ва скрипка чалишни ҳам ўргата бошлаганди.

Никколо 9 ёшга кирганда отаси мусиқа дарсларини кунини бир неча соатгача кўпайтирди. Бола, чарчадим, дейишига ҳам қулоқ солмас, тинимсиз машқ қилдиарди. Денгиз бўйларига ўйна

гани кетиб қолса, қайтганда албатта жазоларди — хонага қамаб қўлиб, кўчага чиқазмасди. Бу, боланинг соғлигига таъсир қилмай юрмасди: озғин ва бир умрлик заиф бўлиб қолди. Бунини кўриб отасининг юраги ачишар, у билан ибодатга борган пайтларида, боланинг соғлигини ўзининг асра, деб тангрига ёлворар, ҳомилиликда кўрган тушини, Фаришталарнинг Тангри номидан берган ғамасини эслаб, келажаги порлоқ бўлишидан умидвор бўларди. Кўнлар ўтиб, болада скрипкага қизиқиш, асбобдан завқланиш кучай борди. У бу мўъжазгина чолғу асбобини чап елкасига, даҳани остида қандай тираса сано чиройлироқ чиқишини аниқлаш учун асбоб билан соатларча қайта-қайта машқ қиларди.

Кейинчалик ўзининг ҳаёти ҳақида китоб ёзмоқчи бўлган ёзувчи Шоткага шундай деган эди.

— Мен создан жуда катта завқ олардим, бармоқларим учун қандайдир бутунлай янги пардаларни, ҳеч кимга маълум бўлмаган нуқталарни топишга уринар, одамларни ларзага соладиган товушларни чиқариб олишга ҳаракат қилардим...

Отаси ўғлига ўргатадиган билими қолмагач, уни Жованни Черветто деган скрипкачига шоғирдликка берди. Никколо тез орада черков мусиқачилари қаторида скрипка чала бошлагач, кўнларнинг бирида генуялик бастакор Франческо Ньекконинг таърига тушди. Ньекко эса ўз навбатида Никколога Жакомо Коста деган скрипкачидан дарс олишни тавсия қилди.

Никколо эндигина ўн ярим ёшга кирган пайтларида Костани олти ой давомида тахминан ўттиз марта сабоқ олди.

Бир куни Генуянинг жуда машҳур бир черковидаги мессада, яъни католиклар ибодатхонасида ибодат чоғи айтиладиган кўшиққа скрипкаси билан қўшилганда, унинг ижроси бутун жаҳонни ларзага солди. Эртасига ўша пайтнинг «Аввизи» номли газетаси: «Ўн бир ёшли бир йигитча — синьор Никколо Паганини гомонидан бир гармоник мусиқа ижро этилдики, бу ҳаммадан катта завқ уйғотди», деб ёзди.

Ўсмирлик ва ёшлик

Никколо 13 ёшга кирган вақти эди. Ўша «Аввизи» газетасининг 1795 йил 25 июль сониди шундай эълон босилиб чиқди:

«Келаси жума куни Сант-Агостино театрида катта концерт бўлади. Концертни ёш бўлса ҳам, скрипкани сайратиб юборадиган

ган генуялик ватандошимиз Никколо Паганини беради. Энди у машхур ўқитувчи Александро Ролла раҳбарлигида ўз маҳоратини янада комиллаштириш учун Пармага жўнаб кетмоқчи. Керакли харажатларни қоплаш имконияти йўқлиги сабабли, у ўрта юртдошларини концертга таклиф қилади. Тингловчиларни завқлантира олишига умидвор бўлиб, ўз лойиҳасини амалга оширишига мадад беришларини сўрайди».

Шу эълондан кейин 31 июлда театр ихлосмандлари хузурида концерт беришга ҳозирланди. Онаси унга қора барқут костюм кийгазиб, юзлари чиройли кўринсин деб, ўсиқ сочларини бармоқлари билан жингала қилди. Сўнг ота-она иккови Никколо ни Сант-Агостино театрига олиб боришди.

Ёш Паганини ўз концертига французларнинг инқилобий қўшиқларидай бир куйни ҳам қўшиб ижро этдики, бу унинг унжодидан бир намуна эди. Унинг фавқулудда санъати ва маҳорати, айниқса скрипкадан чиқаётган ҳурликни ифодаловчи шамол саслари ва голибона чаҳчаҳлар тингловчиларнинг қалбларини ларзага солди. Бу унинг биринчи катта зафари эди. Ана шу концертдан кейин у скрипканинг қалбидан ҳеч қачон ажралмасликка қасам ичди, унга абадиян боғланди.

Паганини айти чўғда яна бир нарсани аниқ-тиниқ ҳис қилди: агар у ўзлигини тўла кўрсатмоқчи бўлса, скрипка учун ўзи куй ёзиши керак!

Бошқаларнинг скрипка учун ёзган куйларини ижро этиш билан санъатнинг энг юксак чўққиларини эгаллаб бўлмайди! У бошқа мусиқалар ёзишни ва бошқача ижро усулларидан фойдаланишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Унинг куйлари муқаддимасида чақириқ ва таклиф саслари бўлар, ундан кейин мусиқасини турли ранглар билан безаб, гуллатиб борар, ҳар бир парчасини яна ўзгартирар, янгилар, охир-оқибатда турли чаҳчаҳларнинг, уйқудаги босинқирашларнинг ғаройиб манзараларини яратардики, энг билимдон мусиқа мухлисларини ҳам, энг ашаддий бетаъсир, ҳеч нарсани тан олмайдиган шубҳачиларни ҳам жар ёқасига олиб келгандай таслим қиларди.

Бир дафъа ёш скрипкачи Флоренцияда концерт берганида, шунчалик кўп пул ишладики, бу энди унинг оиласи иқтисодини кўтарибгина қолмай, Пармага бориб ўқишига ҳам етиб-ортарди. Ўшанда ота-бола Паганинилар Парма сарой оркестрининг ди-

рижёри, машҳур скрипкачи Александро Ролла ҳузурига қараб бўл олишди. Ролло касал, паришонҳол ётарди. Стол устида эса скрипка ва янги ёзилган ноталар... Никколо беморнинг рухсати билан ўша скрипкада янги ёзилган мусиқани шундай усталик билан чалиб бердики, Ролла уни эшитиб, мен сенга ҳеч нима ўргатолмайман, йигитча, сен композитор Паэрга бор, деди. Паэр уни яхши қабул қилди, кунига икки марта сабоқ берарди.

Паэр бир кун уни ўзи билан бирга мусиқа ёзишга таклиф қилди. Паганини бир дуэт ёздики, у билан танишган Паэр:

— Бунда биронта ҳам хато йўқ, шакл тозалигига ҳилоф бирон нарсани кўрмадим, — деди.

Шундай қилиб Паганини гоҳ она шаҳрида, гоҳ Пармада, гоҳ Флоренцияда концертлар бериб, шуҳратига шуҳрат қўшилаверди. Бир гал унинг концертини эшитган рассом Пазини ўз скрипкасини унга совға қилди. Бир ора Пармага келган машҳур скрипкачи Крейцер эса Паганинининг келажаги буюк эканлигини башорат қилди.

Муҳаббат йиллари

17—18 ёшга кирганида унинг жисмоний ва руҳий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Классикларнинг асарларини чуқур ўрганиб бораркан, бундан буён оилавий муҳитдан қутулиб чиқмаса бўлмаслигини тушунди. У яшаш шароитини ўзгартириши, эркин ва мустақил бўлиши керак эди. Бу унинг санъати ва шахсияти тўла ривож топиши учун зарур эди. Яна устига-устак Италияга Наполеоннинг армияси бостириб кирди, Генуя шаҳри таслим бўлгач, 19 ёшли Паганини Луккага кўчиб кетди.

Лукка Италиянинг марказидаги алоҳида республика эди. Бу ерда ҳам уни яхши кутиб олишди. У диний байрамларда, кўча шаймийшларида, майдонлардаги ярмаркаларда скрипкасини кўтариб айланиб юрарди.

Савдогарлар ва харидорлар, кўзбойловчилар ва акробатлар, мушжжимлар ва нақлчилар тўлиб-тошиб кетганди. У тантаналарга қўшилгиси келди. Унга рухсат беришди. Шунда, одамларнинг қайтарғига талаби билан, 28 минут концерт берди. Ана шу кўча байрамлари асносида у гитарачи бир аёлни учратди. Унинг завқ билан гитара чертишлари ва ўзи ҳам куйлар оламида ҳушини йўқотар ҳолга

тушишлари Паганинининг юрак-бағрини ўртаб юборди. Унинг учун бутун олам тўхтаб қолгандай бўлди. Аёлнинг бошида сирли бир ёруғлик ва номаълумлик гардиши, яъни илоҳийлик белгиси борлиги ўхшарди. У билан танишди, севиб қолганлигини айтди. Аёл ҳам Паганинининг скрипка чалишларини эшитган ва уни ёқтирган эди. Уларнинг ўртасида олий бир муҳаббат риштаси боғланди.

Паганини бу аёл кимлигини бутун умри давомида ҳеч кимга айтмади. Бундай тортинчоқлиги ва сир сақлашларидан унинг ҳурматга лойиқ ва аслзода аёлга боғлангани англашилади. У ўзининг «Умр баёни»да, мен бу вақтда деҳқончилик билан шуғулланардим ва бир неча йил маза қилиб гитара торларини чертдим, деб ёзади.

Яна бир марта Бельгиядан чиққан оламшумул мусиқашунос олим Фетис билан суҳбатда, Паганини севгилиси кимлигини аниқ айтмасдан, фақат қаерда учрашиб турганларини айтди. У шундай деб ёзади:

«Паганини ёшлиги гуллаган ва ўз истеъдоди юксак даражада тан олинган паллада бирдан скрипкадан аввалгидай завқ олмай-диган бўлиб қолди. Унинг жушқин муҳаббати аслзода бир жувонга тушди. Аёл ҳам уни севди ва икковлари хонимнинг Тосканадаги чорбоғида хилватда яшашди. У гитара чаларди, бу сўзни Никколони ҳам ўргата бошлади.

Паганини деярли уч йил давомида гитарани қаттиқ қизиқини билан ўрганди ва қишлоқ хўжалиги билан ҳам машғул бўлди.

Паганини бу йиллар давомида гитара ва скрипка учун 12 та соната ёзди ва жисмоний дала ишлари билан машғул бўлди. Энг бахтли онларини қалбининг гавҳари бўлмиш бу хонимнинг ажойиб боғида ўтказди. Аммо ажойиб кунларнинг бирида Паганини уйқудан уйғонгандай, яна ўз скрипкасини қўлга олди. 1804 йилнинг охирида Генуяга қайтиб, яна бир неча ой мусиқа басталаш қувончи билан яшади.

Паганини вафотидан кейин нашр этилган асарлар ичида яқин ҳаётда гитара ижроси учун 20та асар, шунингдек, скрипка ва гитара учун, бошқа тор ва гитара учун яна бошқа бир қанча асарлар бор. Гитара учун ёзган катта бир сонатаси уч қисмдан: қаттиқ илт билан ва жушқин ижро этиладиган муқаддима, хотиржам ва сокин чалинадиган романс, серҳаракат ва тез ўзгарувчан оҳанглардаги хотимадан иборат.

Бир нотанинг устида муаллиф: «Никколо Паганини томони-
дан француз гитараси учун олти соната мелодияси (қисқача бир
шунис)» деб ёзиб қўйган. Яна бу дастхатнинг охирида «Очигини
аппаман: бу — чин юракдан. Хушомад эмас», деган жумла ҳам бор.

Гадқиқотчилар, бу ошиқларнинг айтишиб қолганидан ке-
чинги гаплар, деб тахмин қилишади. Алоҳида бир қоғоз парча-
сида: «Кичкина телбаларча рақс» ҳам бор. Булутлар тарқаб,
қувончдан телбаларча рақс тушиш мусиқаси...

Кейин скрипка ва гитара учун ёзилган дуэтлар орасида би-
рининг тепасига «Муҳаббат дуэти» деб ёзилган. Унинг қисмлари
«Бошланиш», «Илтижо», «Розилик», «Ҳадик», «Қувонч»,
«Баҳс», «Ярашиш», «Муҳаббат белгилари», «Кетиш хабари», «Аж-
рашу» деб номланган. Бу асар муаллифнинг ўз севгилисига ба-
ғишлови эканлиги шубҳасиздир.

Аёл гитарасини жуда қаттиқ яхши кўрар. уни чалиб ўтириш-
ни ҳаётининг мазмуни деб биларди. Паганини уни хурсанд қилиш
мақсадида, скрипкасини қўйиб, гитара учун махсус куйлар бас-
таб берганди. Унинг тўлқинланиб, бой жилвалар билан, оҳанг-
дор қилиб ижро этиладиган Бешинчи Сонатаси гитара ва скрип-
канинг уйғунлашган дуэти, хоним билан Никколонинг иштиёқ-
ли майлларини ифодалаган, дейиш мумкин.

Бу гузал аёлнинг гитарага муҳаббати Паганинининг бу чолғу
дебобини ҳам жуда яхши ўзлаштиришига, гитаранинг имкони-
ятларини ҳар томонлама ўрганишига омил бўлди. У дўстлари
олирасида бўйнида скрипка, тиззасида гитара билан ўтириб, ҳам
гитара, ҳам скрипкани галма-гал чаларкан.

Паганини скрипка чалганда, табиийки, чап қўлини ишлат-
масди, энди гитара чалганда чап қўлни ҳам чўзиб, кўпроқ ишлат-
арди. Бу унинг соғлигида мувозанатни тиклашга ҳам ёрдам берди.
Гитарала торларнинг жойлари скрипканикига қараганда бошқа-
ча бўлгани сабабли, унинг бармоқлари ҳам янада эпчил, янада
эпшувчан бўлиб, маҳорати янада ортиб кетди.

Аслзода аёл кимлигига келсак, у Никколодан бир неча ёш
оғир ва эри узоқларда бўлса керак ёки, умуман бевадир деб
тахмин қиладилар. Ҳар неки бўлмасин, у ўзининг юксак мавқеи-
дан фойдаланиб, йигит билан бемалол муносабатга кириша ол-
ган, ёш бастакор ва скрипкачи билан ишқий саргузаштни боши-
дан кечирган.

Скрипкачининг тосканалик севгилиси уни ҳам шубҳасиз яхши кўрган ва оналар каби унинг соғлигини авайлаган: унга тўғри иш соғлом иш режимини тузиб бериб, қай пайтда далада бўлиш, қай пайтда дам олиш, қачон ижод қилиш ва қачон ишқ лаззатларига берилиш кераклигини ўргатган.

Бу севги савдолари уч йилча давом этди.

Паганини бутун ҳаёти давомида биронта қиз ё аёлни бундан тегинтеран муҳаббат билан севолмади. Умуман унинг ҳаётида ўзини гузал фазилатларини юқтирган бошқа инсонни учратмади. Бу аёл унинг учун муҳаббат ва надоматлар билан эсга олинадиган бирдан бир малак бўлиб қолди.

Дайди мусиқачилар бошидан ўтказадиган бир талай ишқини бозликларни кўрган бўлса ҳам, ҳаётининг охиригача ўзини ёлғиз ҳис қилди. Бир инсон сифатида ва тақдир ҳаётини скрипкага боғлаган артист сифатида ҳеч қачон мукамал бахт тотини кўрмади.

Аммо бутун инсоният унинг скрипкачилиқ ва бастакорлик фаолиятини миннатдорлик билан ёдга олади.

Италияда ҳар йили Паганини номидаги скрипкачилар мусобақаси ўтказилади. Ўзбекистон скрипкачилари бу мусобақаларда қатнашиб, бир неча бор муносиб ўринни эгаллаганлар. 2010 йили мусобақаларда Ўзбекистон Мусиқа Коллежининг талабаси Тоир Асқаров Италияда биринчиликни олиб қайтди.



ЖОРЖ САНД билан ШОПЕН



Аврора Дюдеван ўзига тўқ зодагонлар оиласида туғилган, жушқин ҳаёлпарастлиги туфайли самовий муҳаббат ва илоҳий эҳтиросларни орзу қиларди. 19 ёшида уни эрга бериб юборишди, аммо оилавий ҳаёт унинг тасаввурларига тўғри келмади, эрхотинлик қоидалари ҳафсаласини пир қилди. Никоҳ унга ортиқча юкдай кўринди. Эри билан аранг саккиз йил яшади, сўнгга бирдан-бир қувончи — ўғли ва қизини олиб, Парижга қочиб кетди.

Янги ном

1831 йилда кичкинтойлари билан бошкентга келган 27 яшар Аврора эркин яшаш учун ҳар қандай машаққатларни кутаришга тийёр эди. Болаларини боқиш, бир амаллаб кун кўриш мақсадлида олдин мўъжаз чинни буюмларга гул солиш билан машғул бўлди. Кейин турмушда ўз кўзи билан кўрган, кузатган нарсаларини унда ёзувчилик истеъдодини уйғотди. Аёл киши бирор адабий уюшманинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши иложсизлигига ишонч ҳосил қилган Аврора Дюдеван ўзига Жорж Санд деган бир эркакча тахаллус олиб, бирин-кетин романлар ёзишга киришди. Мўъжизани қарангки, ёзган китоблари купчиликка мансуб бўлди, унинг ҳақиқий ёзувчилиги борасида ҳеч кимда шубҳа уйғонгани йўқ. Фавқулодда қобилияти ва эрксеварлиги замон-

дошларини хижолатга қўйди. Санд энди никоҳ тўғрисида ўйла-мас, ўз эркинлигини ҳар нарсадан юқори баҳоларди, шундан қилиб у ўзини болаларига бағишлади.

Жорж Санд, шахсиятининг ёрқинлиги билан, жуда қўп таниқ-ли эркакларни ўзига жалб қиларди. Поляк бастакори Фридерик Шопен бу адибанинг энг машҳур маҳбубларидан бири бўлган эди.

Навбатдаги ғалаба



Фортепьяно учун гўзал ли-рик асарлар ёзган, бемисл муси-қачи Фридерик Шопен, исёнлар оғушида қолган нотинч Польша-ни тарк этишга мажбур бўлиб, 1831 йилда Парижда қўним топ-ган ва бу ерда концертлар бе-риш билан бирга мусиқадаги ўқитувчилик ҳам қиларди. Унинг мусиқий оқшомларида бутун Парижнинг казо-казолари, доҳий-зиёлилар йиғилишарди.

1838 йили шундай оқшомлар-нинг бирида Жорж Санд ҳам қатнашди. Нимжонгина ва ўта назокатли Шопен ўз эҳтиросла-рини яширишга одатланмаган романчи аёлнинг кўнглига ўти-ришди. Тенгсиз маҳорат билан ижро этилган куйлар, фортепья-но этюдларининг тиниқ мавжларидан сеҳрланиб қолган Жорж Санд унинг концертларини битта қўймай эшитишга уринарди. Айни чоғда жон-жаҳди билан Фридерик Шопенни ўзига жалб қилгиси келарди. Аммо бастакорнинг қалбини забт этиш осон эмасди. Гап шундаки, Жорж Санд эркакча костюм-шим кийиб юрар, бунинг устига тинимсиз сигарет чекарди — унинг юриш-туриши мусиқачининг гашини келтирар эди.

Шопен ўз танишларидан бирини саволга тутиб: «Анави ҳақиқатан аёлми? Очиги, унинг аёллигига шубҳам бор» деган эди такаббурлик билан.

Лекин қисқа муддатли бир-икки учрашувдан кейин: «Мен енгилдим. Аврора — нақадар жозибали исм!» деб ёзди.

Бу пайтда Аврора 34 ёшда, Фридерик 27 да эди, аммо ўрталарида чуқур ҳурматга асосланган муҳаббат туғилди. Фридерик Аврорада мусиқанинг қадрига етувчи, диққат билан тинглашни биладиган, бамаъни маслаҳатлар беришни ҳам эплайдиган нозик дидли инсонни кўрди. Бир йил ичида улар апоқ-чапоқ бўлиб кетдилар.

Шундан кейин кузда Жорж Санд «уч боласи» — бир ўғил, бир қизи ва Шопенни Испаниянинг Майорка деган бир оролига олиб кетди.

Шопен касалманд эди, болалигидан бери уни ўпка касали қўйлаб келарди — Аврора бастакорни бошида ўтирувчи ҳамширалардай тинимсиз парвариш қилди. Кейинчалик у дўстларига ўт иқрорини баён қилиб: «Менинг кўнглимда оналик туйғуси ўстунлик қилади» деган эди. Чиндан ҳам ҳар доим мададга ва қўмийга муҳтож бўлган касалманд, табиатан заиф инсонлар уни ўнга жалб этарди.

Овлоқ гўшаларда ўтган умр

Тўртовлон Францияга қайтганларида эсон-омон чекка бир қишлоққа бориб жойлашиб олишди. Бу қишлоқ Ноан деб аталарди ва бу ерда Аврора Дюдеваннинг ота-боболаридан қолган бир амалок бор эди. Шопен Аврорани ҳазил аралаш «менинг соҳибам» деб атар ва унинг хонасидан эртаю кеч мусиқа садолари эшитилиб турарди. Бу садолар очиб қўйилган деразалар орқали Жорж Санднинг иш хонасига ҳам кириб борарди. Ҳолбуки, у ҳам кундан-кун турмушда қандай воқеа юз беришидан қатъи назар, ҳар кунни камида 20 саҳифа бадиий парча ёзишга ҳаракат қиларди.

Бастакор ва ёзувчининг муҳаббатли тинч ва осойишта турмуши деярли етти йил давом этди — бу Париж жамоатининг ўлчовларига кўра каттагина муҳлат эди.

Аммо Аврора ва Фридерикнинг ҳаёти теварак-атрофдагилар ўилаганидай ғам-ташвишлардан холи эмасди. Санд сабр-тоқат билан силга йўлиққан Шопенни ардоқлар, унинг инжиқликларига чидар, онадай меҳр билан унга ғамхўрлик қиларди. Аврора уни тузатолмади — доҳий бастакорнинг заиф соғлигини салгина

қўллаб туролди, холос. Аврора, бу санъаткор учун маҳбуб, садоқатли дўст ва маслаҳатчи эди, унинг илҳом париси ва турли икир-чикирлар аро бир суянчиғи эди. Жорж Санд ёнида бўлса, Фридерик ўзини тинч ва мамнун ҳис этар эди. Аммо биргаликдаги ҳаётнинг доимий ҳамроҳлари — ҳеч қандай одам четлаб ўтолмайдиган жанжал ва хархашалар, етишмовчилик ва келишмовчиликлар йил ўтган сайин тез-тез авж олиб турадиган бўлиб қолди ва ниҳоят улар ажрашиб кетдилар.

ФОЖЕИЙ ЎЛИМ



Жорж Санд билан ажрашувдан кейин, Шопен ўзини ғарибу бенаво деб ҳис қила бошлади. Польшада қолган жондан азиз отасининг ўлими ҳақидаги хабар унинг учун янада оғир бир зарба бўлди. Шопен бу аёвсиз айрилиқдан кейин ўзини ўнглаёлмай қолди. Кўпдан давом этиб келаётган касаллик бирдан кучайиб кетди ва орадан кўп ўтмай улугъ композитор оламдан кўз юмди. Ҳали Шопен ўлмасидан бурун унинг айрим дўстлари ва шогирдлари Жорж Сандни «Фредерикни ҳалок қилганликда» айблай бошлагандилар.

Жорж Санд ичи қораларга жавоб ҳам бермади. Ўзини «Шопеннинг иблиси» деб жар солаётганлар билан очиқчасига баҳслашишни хоҳламади. Фақат бир мунча кейинроқ ёзган асарларида маҳбуби билан қийин муомалаларини қаҳрамонлари тилида жонлантириб ўз фикрларини билдирди. Ўзи тўқиб чиқарган таржимаи ҳолларга ҳаққоний воқеаларни, ўз ҳаётий кечирмаларини қўшди. Адиба ўз тарихини қоғозга тушираркан, ҳақиқий исмларни айтмади, холос.

Кунлардан бир кун Жорж Санд гап орасида: «Биз ёзган китобларимизни оловда ёқиб юборишимиз мумкин, аммо ҳаётимизнинг бирон саҳифасини ҳам умр дафтаридан йиртиб ташлолмаймиз» деб қўйган эди.

БАЙРОН билан МЭРИ ЧАВОРТ



Улуғ инглиз шоири Жорж Гордон Байроннинг ижоди барча халқларнинг атоқли шоир ва ёзувчилари томонидан жаҳон адабиёти тарихида мисли кўрилмаган бадиий ҳодиса сифатида тилга олинади. Жумладан Иоганн Вольфганг Гёте «илгари ҳеч қачон учрамаган ва келгусида ҳам учраши даргумон бўлган ажойиб шахс», «ҳеч кимда ҳеч қачон шоирлик қудрати бундай юксак намоён бўлмаган эди» деган бўлса, Александр Сергеевич Пушкин «озодлик азасини тутиб йиғлаган» шоир Байроннинг номи зўравонлик, ўзбошимчалик

ва мустабидликка қарши курашувчи барча инсонлар учун жонга яқин ва қадрлидир, деган эди.

1

Байрон ота томондан ҳам, она томондан ҳам лорд унвонига сазовор бўлган олий табақадаги инглиз оқсуякларидан эди. У 1788 йилда Лондонда туғилди. Тугим жараёнида доялар, пошудлик туфайли, унинг оёғига зиён етказдилар ва оқибатда бола умрбод чулоқ бўлиб қолди. Байронлар oilаси 1790 йилда Шотландиянинг Авердин номли порт шаҳрига кўчиб кетади,



аммо у ерда оила бузилади ва бўлажак шоирнинг отаси Францияга кетиб қолади ва ўша ёқда 1891 йилда Валенсьенда вафот этади. Шоирнинг кейинчалик ёзган хатларидан бирида отаси ўз бўғзи-га пичоқ тортиб юборгани айтилган.

Ҳали бешга ҳам кирмаган митти Байрон Авердиндаги мактабда ўқиди, саводи чиқиши биланоқ тарихга қизиқиб қолди. «Хатим жуда хунук эди, ўзим ҳам зўрга ўқирдим, синф раҳбарим мистер Дункан, мен билан гурурланарди, деёлмайман...» Чунки у туполончи эди. Мактабда бирга ўқиган ўртоқларининг хотирлашича, у жуда чўрткесар, жиззаки ва кекчи бўлган экан. Буни жуда кўп хотиранавислар ёзиб кетишган.

Бир хонадоннинг энагаси Байроннинг энагаси билан яқин таниш экан. Бир куни у: «Жуда чиройли экан бу Байронингиз. Агар оёғи чўлоқ бўлмаганда...» дейиши билан шу ерда қўлда хипчин билан ўйнаб юрган кичкинтой «Бундай деманг!» деб қичқирипти ва аччиқланиб уни хипчин билан уриб ташлабди. Ўша пайтда Байрон бор-йўғи беш ёшда бўлган экан.

Аммо кейинчалик ўз нуқсони ҳақида мутойиба билан гапириб юрганларини ҳам эслайдилар. Бир куни маҳалласидаги ўзига ўхшаш бир чўлоқ бола билан айланиб юрганида: «Брод кўчасида икки маймоқ айиқнинг юришига қаранглар!» деган экан ҳазиллашиб. 10—11 яшар чоғи, онаси Байронни ортопед-жарроҳларга кўрсатиб, чўлоқлигини тузатишга ҳаракат қилган кезларида, унинг қийналиб юраётганини кўриб, лотин тили ўқитувчиси мистер Даммер Рожерс:

— Сизнинг азобларингизни кўриш менга оғир, жуда қаттиқ оғрийдими оёгингиз? — деб сўраса, Байрон:

— Янаги сафар сизга билинмаслигига ҳаракат қиламан, — деб жавоб берган, — дейишади.

Яна бир куни, Байрон, Хэнсон деган синфдошининг уйида жуда қаттиқ шўхлик қилаётган экан. шу ердаги лорд Портсмут исмли бир меҳмон ўзини тутолмай Байроннинг қулоғидан қаттиқ бурабди. Байрон оёқ остида ётган муштумдай чағаноқни ола унинг башарасига отибди. Лорд бошини эгишга улгуриб, чағаноқ орқадаги кўзгуга тегиб чил-чил синибди. Хэнсоннинг онаси меҳмонни овутиб: — У сизга отмоқчи эмасди, — деса,

— Йўқ, унинг калласига отгандим, мен бу аҳмоқ графга оқсуякларнинг қулоғини бураш қанақа бўлишини кўрсатиб қўймоқчи эдим! — деган экан.

Англияда бўлгани каби, Шотландиянинг Авердин шахрида ҳам диний билимлар, одоб-ахлоқ ва замонавий фанларни ўргатадиган беш йиллик Грамматика мактаби бор эди. Энди Байрон шу мактабда ўқий бошлади. Учинчи синфни битказган йили, Англиядан унинг номига «Авердиндаги ўғилга» деб ёзилган бир хат келди. Унда амаки буvasи Уильям Байрон ўз номидан мактуб битиб, Ноттингем графлигидаги Ньюстед аббатлигини ва лордлик унвонини ёш Байронга мерос қилиб ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни юборган эди.

Мулк ва қасрлар анча қаровсиз, бунинг устига устак амаки-буванинг анчагина қарзлари бор эди. Шунинг учун Байроннинг онаси мулкни дарҳол ижарага бериб юборди. 1801 йилда Байрон Харроуддаги машҳур ва бой оила болаларининг яширин мактабига ўқишга кирди. Бу ерни битирувчилар парламентда фаолият кўрсатадиган сиёсатчи ва дипломат бўлишарди.

Байрон бу пайтларда, бир томондан, атоқли ва қадимий зотдан эканлиги, ўзига қолган мулки билан фахрланарди. «Ньюстед аббатлигидан кетаркан» номли шеърида:

У ҳам сиз каби жангчидай яшар ва ҳалок бўлар,
Улимидан сўнг уни қучар шон-шуҳрат, —

деб ёзади.

Иккинчи томондан, ўзининг расм-русм қуллари ичида эканлигидан номус қиларди. «Мен ҳур фарзанд бўлгим келади» сарлавҳали шеърида:

Тақдир, қайтариб ол эҳсонларингни,
Асрларда донгдор унвоингни ол!
Мен севмайман қулдай инсонларингни,
Менга улар билан қул сиқишув ор! — дейди.

2

1803 йили таътил кунларида 15 ёшли Байрон, Мэри Чаворт деган бир гўзал қиз билан кўришиб қолдики, бу қиз унда жуда катта ва кучли муҳаббат уйғотди. Бу муҳаббат шунчалик теран бўлажагини у ҳаёлига ҳам келтирмаган, буни олдиндан кўра олмаган эди.

Мэри, мистер Чаворт деган бир бой кишининг неvara жияни бўлиб, Байрондан икки ёш катта эди. Байронлар билан Чавортлар хонадони орасида эскитдан сақланиб келаётган бир адоват бор эди. Байроннинг бобоси Чаворслар хонадонидан бир киши билан жанжаллашиб қолиб, уни дуэлда ўлдириб қўйган эди. Байрон, ўртамизда бир яхши алоқа юзага келса, шу туфайли иккала хонадон яна ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетармикин. деган хаёлга ҳам борарди. Улар, ёшлик таъсиридами, ҳар қалай кўп вақтларини бирга ўтказардилар.

А.С.Пушкин «Байрон» номли мақоласида Байроннинг кейинчалик бу муҳаббат ҳақида ёзган бир мактубидан бир парча келтиради (у парча Томас Мурнинг Парижда 1830 йилда француз тилида нашр этилган «Лорд Байроннинг мактублари» китобидан таржима қилиб олинган экан).

«Биз у пайтларда деярли болалар эдик. Ўшандан буён мен элик марта аёлларга ошиқ бўлдим. Шундай булса ҳам мен ўша пайтдаги гапларимизни, унинг қандай эркалиги мени суюшларини, унинг юзларидаги чизгиларини, ҳаяжонларимни, ухлолмай ётишларимни, Мэрига менинг номимдан хат ёзиб бер, деб онамнинг энагасига зўрлик қилишларимни, у шўрликнинг мени тинчлантириш учун аранг қўнишларини — ҳаммасини беш қўлдай эслайман. Энага бечора мени телба деб ҳисоблар, чунки мен у пайтларда хат ёзишни ҳам эпполмасдим, у менинг котибам эди. Шунингдек мен сайрларимизни ва Мэрилар яшаган уйда, Мэрининг болалик хонасида, у билан ёнма-ён чексиз бахт-саодатга чўмиб ўтиришларимни ҳам ҳеч унутолмайман. Улар Абердиндаги Пленстоун даҳасида туришарди. Унинг жажжи бир синглиси қўғирчоқ ўйнаб ўтирар, биз эса катталардай жиддийлик билан, қандайдир жуда ўзимизга хос тарзда, бир-биримизнинг қўнғимизни олиб ўтирардик.

Аммо ҳар қалай менда у муҳаббат қандай қилиб шунчалик эрта уйғонган экан? Бунинг сабаби ва манбаи нимада? Ахир у пайтда ва ундан кейинги йилларда ҳам мен ҳали жинсларнинг фарқи нимадалиги ҳақида ҳеч қандай тушунчага ҳам эга эмасдим. Шунга қарамай, менинг изтиробларим, бу кичкина қизга бўлган муҳаббатим шу қадар кучли эдики, баъзан, ўшандан буён ҳақиқий муҳаббат билан бошқа бировни ҳеч севдимми, деб гумонсираб қоламан...

Менинг қалбимда унинг шундай бир жозибали кўриниши сақланиб қолганки!.. Унинг қўнғир сочлари, меҳр тўла порлоқ

қўй кўзлари, ҳатто, кийган либосларигача — ҳаммаси шундоқ кўз унгимда туради! Мана, орадан 16 йил ўтган бўлса ҳам у ҳамон менинг борлигимда мен билан бирга яшайди».

Юқорида айтганимиздай, улар ёш бўлганлари туфайли, жуда кўп вақтларини бирга ўтказардилар. Байроннинг ўша пайтдаги тенгдошларидан бири, ўз номи айтилишини истамаган бир киши Байрон билан Мэри ўртасидаги ажрашув қандай бўлганлигини хотирлаб Томас Мурга шундай деган экан:

— 1803 йили таътил вақтида унинг ёшликдаги орзулари барҳам топди. Орадан бир йил ўтгач, 1804 йилда у яна бир марта мисс Чавортни кўргани келди ва, ўзининг айтишича, Мэри билан Аннесли яқинидаги тепаликда умрбод хайрлашди. Бу ғамгин воқеа кейинчалик унинг «Туш» номли лирик достонида бе-ниҳоя гўзал тасвирланган.

Туш кўрдим: ям-яшил бир тепаликда
Икки ёш турарди гулдай очилган.
Тизма тоғ бурнидай қия, думалоқ
Тепалик тагларин сийпарди денгиз.
Чўзилиб ётарди гўзал манзара,
Ўрмонлар, далалар ва сийрак уйлар
Яшиллик бағрида ётарди чўмиб,
Сопол томлар узра ўрларди тутун.
Бошқа тепаликлар аро бу тепа
Тўп-тўп дарахтларни кийганди тождай, —
Бу эса табиат ўйини эмас,
Инсонлар яратган мўъжиза эди.
Икковлон эдилар, қиз мафтун эди
Ўзидай бу гўзал манзараларга,
Ёш йигит шу кўркем манзаралардай
Ой қизнинг ўзидан узолмасди кўз.
Етук ёшда эди икковлари ҳам.
Йигитча сал кичик эди у қиздан,
Қалбан етилганди ёшидан аввал.
Қиз тўлин ой каби чиройли эди
Ва ҳозир йўқ эди бутун дунёда
Бу қизнинг юзидай нурли жозиба.
Йигитча шу асно уни мангуга
Йўқотиб қўйишдан кўрқарди қаттиқ.
У билан яшарди, нафас оларди,

Сасларин тингларди ҳаяжонланиб.
Қиз қаён боқса, бу у ёнга қарар.
Ранг-баранг кўринар эди ҳар нарса.
Унга қўшиларди бутун борлиги,
Қиз худди уммондай қабул қиларди
Йигитчанинг жўшқин ўйлар оқимин.
Охири қизнинг сал тегинишлари,
Майин сўзларидан қизариб кетар,
Юраги дукурлаб уриб кетарди.
Аммо қиз мутлақо ҳаяжонланмасди.
Хўрсинмас эди у йигитча учун.
Хўрсинса бошқаси учун хўрсинар,
Йигитчани укам деб ҳисобларди.
Чиндан ҳам укаси йўқ эди қизнинг,
Укалик сўрашга ҳаққи бор эди.
Қиз қадимий бойлар, зодагонларнинг
Фарзанди-ку, ука номин олишга
Ёш йигит не учун рози бўлмади?
Чунки у кўнглининг бир чеккасида
Қиз бирдан кимнидир севиб қолганин,
Х о з и р ҳам севишин. шу тепаликдан
Ўшанинг от миниб учрашув учун
Келишини кутар, боқарди пастга.

Байроннинг ишонтириб айтишича, ажрашув унга қанчалик оғир бўлганини ҳеч ким билмабди, чунки Байрон ўзини тутишга тиришибди.

— Биз яна учрашганимизда, сиз, эҳтимол, энди Чаворт хоним бўларсиз, — депти у.

— Умид қиламан, — депти қиз.

Дўстларидан яна бири (буниси ҳам номи айтилишини истаман) шундай деб хотирлайди:

— Байрон, — чақирди онаси, — сенга бир янгиликим бор.

— Қанақа янгилик?

— Олдин рўмолчангни ол, керак бўлади.

— Жиннилик қилманг!

— Дастрўмолингни тайёрлаб ол, деяпман сенга!

Онасини хурсанд қилиш учун, унинг гапига кирди.

— Мисс Чаворт мистер Мастерсга эрга тегди.

Унинг бўзариб кетган юзида таърифлаш қийин бўлган ғалати бир ифода акс этди. Қўполлик билан рўмолчасини чўнтагига чуқди-да, зўраки бир хотиржамлик билан:

— Бўлгани шуми? — деб сўради.

— Вой! Сен йиғлаб юборарсан, деб ўйлагандим, — деди онаси. У жавоб бермади ва гапни бошқа ёққа бурди.

Байроннинг Пушкин келтирган хотирасида эса бу хабар унга қандай таъсир қилгани шундай ифодаланган:

«Унинг эрга текканлиги ҳақидаги хабар менга чақмоқ ургандай таъсир қилди. Нақ бўғилиб ўлиб қолар ҳолатга тушдим. Онам кўриб кетганидан ҳушидан айрилди, бошқалар ҳам деярли ҳаммаси бунга ишонмай ёқа ушлашарди. Ҳаётимдаги бу ҳайрон қоларли ҳодиса мени чуқур ўйларга ботирди ва бу сўнгги кунларимдагина ечимини топса керак».

Байроннинг яқин дўстларидан бири Жон Кэм Хобхаус шоир ҳақидаги катта мақоласида унинг руҳий изтироблардан сўнг ўзини қандай тутгани тўғрисида шундай деб ёзади:

«У Саутвеллда илк бора жинсий эрмакларни бошдан кечирди ва манфаат-тамаълар қандай тубан ҳийла-найрангларни ишга солишини англади. Унга таниш бир оила бошлиқлари ўз қизларининг унга тегиб олиш учун қилган жинсий алоқаларига панжа орасидан қарашган эди».

Байрон ўлимидан сал олдинроқ ёзган бир мактубида, Мэри Чаворт қадимий ва муҳтарам бир оиладан чиққан мистер Мастерс деган бир йигитни яхши кўриб қолиб, ўшанга турмушга чиққанини, ўзи ҳам шундай атоқли оила фарзанди Аннабелла Милбенкка ўйланганини, лекин иккала никоҳ ҳам бахтсиз бўлганини ёзади.

Бундан анча илгари 1814 йилда леди Мельбурнга ёзган бир мактубида эса шундай тафсилот бөр:

«Энди сизга бир махфий сирни айтай. Менинг энг олдинги севгилим миссис Чаворт-Мастерс менга икки марта хат ёзди. Нуқ, гап муҳаббат борасида эмас, бир учрашув ҳақида илтимос қилган. Гарчи бу учрашув ғамгин бўлажаги муқаррар бўлса ҳам, мен бораман. У эрга тегиб кетгандан кейин биз бир-биримиздан ёироқлашиб кетганмиз, деярли сира учрашмаганмиз. Эри энг кераксиз жазманлар билан бемазагарчиликлар қилиб, ўзини ҳар тарафлама бераҳм ҳолда тутаркан... У жуда бахтсиз, бир пайтлар орқа бир меросхўр бўлган эди, аммо киборлар жамиятини деярли билмайди. Чиройли, ақлли ва соддагина аёл. Қандайдир жуда

ноёб фазилатларга эга бўлмаса ҳам, кўнглимда жуда кўп ёшлик-ка хос хотиралар қолдирганлиги билан мен учун жуда азиз».

Байрон бутун умри давомида Мэрига жуда кўп шеърларини бағишлаган, аммо унга бўлган муҳаббати ва чеккан изтиробларини 1816 йилда ёзган «Туш» номли достонида айниқса катта илҳом ва ҳаяжон билан тасвирлаб берган. Энг буюк асари «Дон-Жуан»да эса шундай бир банд ҳам бор:

Оҳ, қандай аламли Мэри деган ном!
Қандай азиз эди менга бу садо.
Яна зар уфқларни кўргазади шом
Ғамгин ҳижронларнинг тумани аро.
Жонлантирар ўтмиш орзусин мудом,
Жоним, бу ном мени этгайдир адо.
Мен эса ёзипман совуқ ҳикоя,
Баландпарвозликдан этиб ҳимоя.



КЕРНЕР билан ФРЕДЕРИКА ЭМАНН

(Катта тош остига қўйилган мактуб)



Мажнун Лайлилар маҳалласида кечаси осмондаги юлдузларга қараб, уларга ҳасрат қиларкан, бир ўткинчи йигит:

— Юлдузларга термилиб нима қиласан, ана Лайлининг деразаси, чироғи ёниб турибди, чақир уни, ўзи билан гаплашавер, — деганда, Мажнун:

— Бу юлдузларга Лайли ҳам қараган, унинг назари тушган юлдузларга қараш бахти менга кифоя, — дея жавоб бергани ёдимизда.

Ва қўпинча: — Бу — Шарқ! Шарқдагина шундай муҳаббат бўлади! — деб ўйлаймиз. Аммо Оврупода ҳам шунга

ўхшаш муҳаббат ўрнаклари учраб туради.

Масалан, атоқли немис шоири Юстинус Кернер билан Фредерика Эманн ўртасидаги муҳаббат камтарлиги, камсуқумлиги ва бетаъмалиги биланми, билмадим, нимаси биландир менга мажнунона муҳаббат намунаси бўлиб кўринди.

1

Қаҳрамонимиз Юстинус Кернер номи бизнинг халқимизга унчалик таниш эмас. Биз Гёте, Шиллер, Ҳайне ва бир талай XX аср немис шоирларини унча-мунча биламиз, аммо Кернер номи бирон адибимиз ё адабиётчимиз томонидан қаердадир тилга олингани даргумон, деб ўйлайман. «Краткая литературная энциклопедия»даги маълумотларга қараганда:

Кернер, Юстинус (1786—1862) — немис ёзувчиси. Касбига кўра врач. Немис романтизмнинг «Шваб мактаби» вакилларидаан бири.

Ва бизда дарҳол «Шваб мактаби» қандай мактаб экан, деган савол туғилади. Бизга тарихдан маълумки, тарқоқ немис князликлари жойлашган Германия кўп асрлардан буён яхлитликка, ягона марказлашган қудратли герман давлатини барпо этишга интилиб келарди.

Швабия — урта аср бошларида Германия қироллигининг алсманн (шваб)лар қабиласи қурган бир вилоят (герцоглиги) эди. XIII асрнинг иккинчи ярмида Вюртемберг, Жанубий Баден, Эльзас, Швейцария, Баварияга бўлиниб кетган эди. Энди, XVIII асрда шу ҳудудлардан чиққан бир талай немис зиёлилари — шоир ва ёзувчилар, философ ва олимлар — аввало уша Швабия бирлигини тиклашга, қолаверса, маънан пок, руҳан яқдил, дини мустаҳкам, ҳудудан битта обрўли герман давлати шарафи учун курашардилар. Булар орасида Густав Шваб (1792—1850), Карл Майер (1776—1870), Эдуард Мерике (1804—1875), Теодор Геллн (1775—1856), Юстинус Кернер сингари атоқли шоирлар ҳам бор эди. Улар бутун Оврупога унчалик ном таратмаган, фақат олмонларгина яхши биладиган ва севадиган ижодкорлар эди. Франция, Испания, Англия, Италия каби давлатларда, олмон зиёлилари сифатида кўпроқ Гёте, Шиллер, Ҳайне, Шеллинг, Гегель, Кеплер каби шоир ва олимларни билардилар. Шу боисданми бошқа сабабданми, у гуруҳ буларни, бу гуруҳ уларни унчалик хуш кўрмасди. Ҳайненинг «Шваб кўзгуси» номли мақоласида келтирилишича, шваб мактабининг дастурида миллий мафкура, диний-мистик кайфиятлар асосий ўринда тураркан. Шваблар:

— ... биз, швабия вакиллари деганда бирон улуг сиймонини Швабиядан чиққанлигини инобатга олмаймиз...

— ...чет элларга чиқиб кетиб, бегона юртларда бойиб, маза қилиб юрганларни ўз қаторимизда деб билмаймиз...

— ...ҳар қандай космополитизмни ўзимизга ёт деб биламиз...

— ...бизнинг мактаб вакиллари ўз уйларида, ватаннинг оғир-енгилини тотиб яшаётганлардир...

— ...биз дин йўли билан, руҳий тарбия йўли билан Германияни яхлит давлатга айлантириш учун курашамиз... — дерканлар.

Бизнинг қаҳрамонимиз Юстинус Кернернинг шеърларида маъюслик, романтик ҳасрат куйлари катта ўринни эгаллаган. Ундан ташқари врач-шоиримиз инсоннинг руҳиятидаги кам ўрға

нилан ва сирли ҳодисаларга ҳам қаттиқ қизиққан. Одамларнинг руҳлар олами билан муносабатда бўла олишлари тўғрисида «Икки ойпарастнинг тарихи» ва «Префорстдан чиққан кароматгўй» номли китоблар ҳам ёзган. Ҳайне, ўз шеърларидан бирида Кернерни «Наполеоннинг бош барабанчиси» деган ва бу китобларини бир мунча мазах қилган бўлса-да, ўзини «жуда ажойиб қўшиқлар ёзган», «машҳур ёзувчи» деб ҳам тап олган.

2

Юстинус Кернер Тиббиёт институтига кириб ўқиётган йилларида ўз тенги Фредерика Эманн деган қизни севиб қолади. Фредерика ўзи сингари сокин, камтарин ва чиройли қиз эди. Юстинуснинг севишини пайқаганда янада гуллардай барқ уриб очилиб кетган эди. Қўзлари катта-катта, ўзи онноқ, покиза ва камгап эди. Юстинус уни ўз ёпида деб фараз қилса, юраги бир орзиқиб тушарди. Ҳаёлан унга Рикел деб мурожаат қилар. кундалик ҳаётда ҳам уни Рикел деб чақирганда, салгина, лабларининг алақаери билан жилмайиб қараса, бутун вужуди, бутун борлигида алланечук оғриқли бир қувонч уйғонарди. Ич-ичидаги бу оловли туйғу балки Яратгандан миннатдорчиكنинг англашилмас бир ифодасидир. Муҳаббат балки шудир.

Улар бир-бирларига гапиролмасдилар.

Бир-бирларига қарардилар, холос.

Бир-бирларини соғинардилар.

Аммо одам зоти чидолмайдиган ҳасрат юракларини кемирар ва улар бир-бирларига хат ёзиб кўнгилларини ёзмасалар, бу дунёда яшаб бўлмаслигини англардилар. Улар бир-бирларига ёзардилар, аммо хатларни бир-бирларига юбориш иложсиз кўринарди. Йўқ, қўрққандан эмас, бу — уларга уятли бўлиб кўринарди. Ниҳоят, улар ўз мактубларини қаровсиз бир ибодатхона ичидаги катта бир тош остига қўйиб кетадиган бўлишди ва шу тариқа бир-бирларига кўнгилларини ёрардилар.

Биз Юстинус Кернернинг 1807 йилнинг бир пайшанбасида тунги соат 11 да севиклиси Рикелга ёзиб қолдирган бир мактубини эътиборингизга ҳавола қилаётимиз:

Икки юлдуз ёнма-ён чарақлаб турганда гўзал бўлади; эҳ, уларни томоша қилиш нақадар ёқимли, улар янада ёруғроқ чарақ-

лайди. Икки гул ёнма-ён бош кутарганда гўзал, уларга қараб тўймай сан, улар бундан янада кучлироқ хушбўйлашади. Аммо икки севишганнинг ёнма-ён туриши нақадар гўзал! Улар юлдузлардан ёруғроқ бўладилар, гуллардан муаттарроқ; оҳ, сени яна бир марта кўрсайдим, азизим! Сенинг муҳаббатинг мени шундай масъул қиладики! Аммо, ҳайҳот, нима бу юракдаги туйғулар? Изтиробми бу, муҳаббатми? Азоб муҳаббатми, муҳаббат азобми, нималигини билмайман, аммо шикоятим йўқ; азоб муҳаббат бўлганида, азоб ёқимли. Гулнинг муҳаббати — муаттар ҳид таратади, қизнинг хушбўйлиги — муҳаббат. Ўзидан хушбўй таратмаган гул, қанчалик чиройли бўлмасин, кўксингга таққинг келмайди. Муҳаббатсиз қиз — қанчалик гўзал бўлмасин — ўлик ўйинчоқдир. Хушбўй ҳид гулга тил беради, ҳаёт беради, муҳаббат қизнинг кўзларини гапиртиради, уларга ҳаёт беради. Юлдуз гулга қандай муносабатда бўлса, ёш ўспирин ҳам қиз болага шундай муносабатда бўлади; чексиз самоларда юлдуз бемалол сузиб боради, бўронлар, булутлар оралаб. Гул жонажон тупроғида тинчгина хушбўй ҳидлар таратади, она-ерига маҳкам ўрнашганча. Агар қора булутлар юлдузни яширса, юлдуз чақноқлигидан айрилади. Гул бўронлар чоғида ҳам тинчгина хушбўй ҳидларини таратаверади.

Азизим, иш кунимиз тугади, энди кел бири-биримиз ҳақда бемалол ўйлайлик. Юлдуз гулдан қанчалик олисларда бўлса ҳам, у, гулнинг шарофати билан чарақлайди. Гул юлдуздан қанча узоқда бўлса ҳам, ҳар қалай, унинг учун ўз атирларини юксакларга йўллайди. Сен мендан қанчалик олисда бўлсанг ҳам барибир мен яқин-яқинларда муҳаббатингни ҳис қиламан, нақ сени юрагимга босгандай... Мен сендан қанчалар олисда бўлсам ҳам, биламанки, менинг нурымни ўз жисму жонингда ҳис қиласан...



ВИКТОР ГЮГО билан АДЕЛ ФУШЕНИНГ НИКОҲИ



Франциянинг шимоли-шарқидаги Нанси шаҳридан чиққан офицер Жозеф-Леопольд Гюго Франциянинг шимоли-ғарбидаги Шатобриан шаҳрида 1776 йили ҳарбий хизмат чоғида Софи Трюбише деган қизни учратиб қолди ва уни уйига олиб келиб, 1797 йил 15 ноябрда ўз никоҳига олди. Леопольд, Пьер Фуше деган бир кўшниси билан яқин дўст эди. Бир неча кундан кейин у ҳам Анна-Виктуар Асселин деган қизга уйланди. Тўйда Леопольд табрик сўзи айтиб, Илойим сенинг хотининг қиз, менинг

хотиним ўғил туғсин, қизингни ўғлимга олиб берай. Ўша оила учун олайлик, деди. Гюголар уч ўғил кўриб, отларини Абел, Эжен, Виктор қўйдилар, Виктор 1802 йилда туғилган учинчи ўғил эди. Фужелар бир ўғил, бир қиз кўриб, отларини Виктор ва Адел қўйдилар.

Орадан йиллар ўтди. Якшанба кунлари икки дўстнинг беш боласи ибодатхона чорбоғида ўйнагани келарди. Тўрт ўғил бола ҳали «қиз болалардан» нафратланадиган ёшда эмасми, баъзи бир пайтларда кичкина Аделнинг



кўзларини боғлаб, бир оёғи калта, шалоғи чиқиб кетган аравачада чоптиришар ва қаттиқ овоз билан «қани топ, қасерга келдик?» дея бақирарди. Агар Адел айёрлик қилиб, кўзини сал очиб олган бўлса, яна рўмол билан юзи кўкариб кетгунча «махкам-махкам» боғлаб қўйишарди. Шундан кейин ҳам улар Аделдан зерикиб ташлаб кетишар, нўхат поячаларини кўтариб турган тирговуч ёғочларни суғуриб олиб ўзлари қиличбозлик ўйнашарди. Фақат Виктор баъзан кастана бутоғига аргимчоқ осиб, Аделни учирарди.

1808 йилда Жозеф Бонапарт (машҳур Наполеоннинг укаси) Испанияга қирол бўлди. Леопольд Гюго бир пайтлар жангларида катта маҳорат кўрсатиб Жозеф Бонапартнинг хурматини қозongan эди. Эндиликда Жозеф Бонапарт Леопольд Гюгони ўзи билан бирга ишлашга таклиф қилди ва унга генерал унвонини берди. Шу туфайли Гюголар Испанияга кўчиб кетишди ва 1813 йилда Жозеф Бонапарт испанлардан енгилгандан кейин, яна Францияга қайтишди. Ва яна Фушеларга яқин жойдан уй олиб, унга қўшин бўлишди. Виктор эса яна Адел билан учрашди. Хаёлчан ва ҳиссиётли бола катта-катта мовий кўзли, офтобда олтиндай тус олган оқбадан қиз билан боғда суҳбатлашиб айланиб юрди. Улар оҳиста-оҳиста одимлаб боришар, секин-секин гаплашишар, бирда-ярим қўллари бир-бирига тегса титраб кетишарди. Қизчанинг бўйи етиб қолган эди. Бирдан қиз:

— Ким ўзарга ўйнамаймизми? — деб, олдинга қараб чошиб кетди. Виктор унинг самбитдай ингичка баданини, кўйлаклари тагида лип-лип кўзга чалинаётган кичкина оёқларини кўрди. Виктор энди унга қувиб етдим деганда яна у қочиб қолди, шамолда бир пайт кўйлагининг этаклари кўтарилиб, чиройли орқаси очилиб кетди. Ниҳоят Виктор эски қудуқ ёнида қочоқни тутди, голиблик ҳаққига кўра, уни маҳкам белидан кучиб олди ва ўйнаётган ердаги бир скамейкага ўтқазди. Ердан алланималарни олиб, унга энгашиб қарашаркан, бошлари бошларига тегиб кетди, сочлари бир-бирига аралашиб, бирдан лаблари лабларига яқинлашди...

Адел уйда: — Оҳ, ойижон, шундай югурдикки, — дер эди.

Виктор эса ойисига индамади.

— Нега маъюссан? — деди ойиси. Жавоб бермади. Лекин юраги қувончга тўла эди.

Уларнинг муҳаббати бегуноҳ ва покиза эди. Адел художўй ва фазилатли қиз бўлиб, онаси олти ёшидаёқ уни йиғиш-териш, би

ини тикиш ишларига солганди. Фушелар кичикроқ француз бой-таридан бўлиб, у ёқ-бу ёққа қараб, ўртача, фазилатли ҳаёт кечиринча ўрганган эди. Ота-она Гюголар эса иноқ-иттифоқ яшамас, аввал онаси бошқа эркак билан, сўнгра отаси бошқа аёл билан илакишган, улар энди ажрашиш ниятида эдилар. Эжен билан Викторни пансионга берди, ўғиллар бундан норози эдилар. Ота-ни пансионга келиб, қўшимча маблағлар ажратиб уларни алоҳида бир хонага жойлаштирганда, болалар ўртасида уларнинг обрўи ошиб, пансион ҳаёти анча енгиллашди. Икковлари ҳам шеър ёзишарди. Улар одамларнинг ҳаёлини ўзларига жалб қилишни хоҳлардилар. Пансионда саҳна ўйинлари ташкил қилишар, Виктор уни пьесалар тўқир ва ўзи Наполеон ролида ўйнарди. Болаларга онасининг жўшқин мижози мерос бўлиб ўтганди, айниқса, Виктор қадимги Румо шоирлари Гораций ва Марциалнинг, шунингдек, замондошлари Делил ва Парнининг шеърлари таъсирида уни шеър битарди. У шеърнинг мусиқийлиги, вазннинг қайиш-қоклиги, услубни табиий равишда ҳис қилиши туфайли ҳозирда-ноқ шеърларида асликка эришаётган эди. 14 ёшида онасига банинлаб бир шеърый фожиа ёзди. 15 ёшида «Ҳар хил шеърлар» номли шеърый тўплам тайёрлади. Шу йилларда ёзилган тўпламларда мингларча мисрадан иборат шеърлар, бир комик комедия, бир пасрий мелодрама, беш пардали бир фожиа, «Оламни сув босиши» номли эпик дoston ва уларга ишланган расмлар бор. 1817 йили Француз Академияси шеърый асарлар учун конкурс ялон қилди ва унда қатнашган Виктор Гюго Ҳурмат Дипломи билан тақдирланди. У ўқиётган пансион машҳур бўлиб кетди. Ана-ука, доим оналари билан Фушелар хонадонига бориб туришарди. Икки она алланималарни тўқиб ўтиришар, эндиликда ҳар-бни вазирликда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган Пьер Фуше на-валарини титиш билан овора бўларкан, бу асно ўғиллар бир на-вар тикиб ўтирган Аделдан кўзларини узмас, икковлари ҳам она ошиқ эдилар. Адел қўлидан келганча бошини кўтармас, фа-қат баъзан-баъзан Викторга кўз қирини ташлаб қўярди. Бу кўнгли-ошиқ йигитча одамда яхши таассурот қолдирарди.

Кунлардан бир кун Виктор ва Адел баланд-баланд кастана ораҳтлари тагида ўтиришарди.

— Сенинг ҳеч кимга айтмайдиган сирларинг бўлса керак. Энг муҳим махфий сиринг ҳам бордир, — деди қиз.

- Ҳа, — деб жавоб қайтарди йигит.
 - Меникиям бор. Кел, сирларимизни очамиз.
 - Менинг сирим шуки, сени севаман, — деди Виктор.
 - Менинг ҳам муҳим махфий сирим шу: сени севаман.
- Бу гап 1819 йилнинг 26 апрелида бўлиб ўтди.

Уларнинг севгиси беғубор, аммо кундан-кунга кучайиб борарди. 17 ёшли Адел қаттиқ тарбия кўрган, севгисидан «гуноҳ»дан кўрққандай кўрқар, аммо шўхрат остонасида турган шундай йигит ўзини севишидан ғурурланар, айнаи чоғда у билан яширин учрашишдан уяларди. 1918 йилнинг декабрида Виктор янги сени «Биринчи хўрсиниқлар» достонини бераётиб, бунинг эвазига иккита ўпич совға қилишини сўради. Олдинига у рози бўлди, аммо кейин талашиб, Викторни бор-йўғи тўрт марта ўпиб қўйди.

Улар 1919—1920 йилларда ёзиша бошладилар. Онасининг ташсирида шаклланган Виктор ҳаёт масаласига жиддий қарар берди. «Севдингми, энди унга эр бўласан, ўзинг учун уни бокира сангми?» дер эди у. «Ҳамма гапларинг тўғри-а? Сен мени севасанми? Адел? Ишонгим келмайди бу мўъжизага! Менга қандай қаттиқ бахт бердинг-а! Хайр, хайр. Бугунги уйкум ширин бўлади — сени тушимда кўраман. Сен ҳам яхши ухла ва эсингда бўлсин: сени эрингни ўн икки марта ўпишга ваъда бердинг». «Энди сен генерал Гюгонинг қизисан. Ўзингга нолойиқ ишлар қилма. Сен беҳурмат қилишларига йўл қўйма. Ойим бунақа масалаларда бениҳоя инжиқ», — деб ёзарди Виктор. Адел эса бир ўртоғига шундай деб ёзганди: «Дуррачамга бир тўғнағич кам тўғналган бўлса у дарров аччиқланади. Бехос гапириб юборилган битта беўхир сўз ҳам уни тириштириб юборади».

Аммо кунлардан бир кун Аделнинг кўксига бекитган хати онасининг олдида беҳос ерга тушиб кетди. Қиз яширмоқчи бўлган аммо онаси, бу қандай хат, ҳозироқ кўрсат, деб туриб олди. Адел Викторни севишини, келгусида оила қуришга аҳд қилганларини айтиб берди. 1920 йилнинг 26 апрелида эр-хотин Фушелар Гюгонларникига ташриф буюришди ва Гюго хонимга аҳволни билдиришди. Гюго хоним эҳтиросли она эди, у ўғлини ҳар кимдан қўнганар ва у билан фахрланар эди. Викторни дабдабали шўхрат таётганини жуда яхши биларди. Ундан ташқари Виктор генерал ва граф Гюгонинг ўғли эди. Наҳотки у 18 ёшида Адел Фушеларни уйланиб, ўз ҳаётини барбод қилса? Йўқ, мен тирик эканман, 0

1819 йул кўймайман, деди у. Масала жанжалга айланишига кўч қолди. Севишганлар орасига қоронғилик тушди. Аммо севги сони олмади. Виктор ишлаб, ишдан таскин топарди. Ақаси Абел 1819 йилнинг декабрида «Адабий қадимчи» номли бир журнал таъин қилганди. Виктор бор-йўқ кучини шу журналнинг чиқарилишига сарфлай бошлади. 1821 мартгача журнални асосан Виктор чиқариб турди. Абел бир неча мақола билан, Эжен бир шеър билан қатнашдилар холос. Виктор эса ўн битта тахаллуф билан олтиш ой давомида 2 та мақола ва 22 та шеър билан ишди. У ҳар ойда бир йўлини қилиб жаноб Фушега журналнинг сониини етказиб турди. Журнал зора Аделнинг назарига тушиб қолса, деб умид қиларди. «Ҳайдалган йигит» номли бир асари таржимасида шундай мисралар бор эди:

Ёзишга ботиндим. Бу оздир, эвоҳ!
Нени ҳам сўказар бу қоғоз сизга?
Сиз шундай нозиксиз, шундай покиза,
Бизни юраксизлик қамради у чоғ,
Ботир сўз келмади ҳеч тилимизга...

Яна «Исландиялик Ган» деган ўта жўшқин бир роман ҳам ишди ва унда қаҳрамон тилидан ўз ҳолини шундай баён этди: «Қўлибим муҳаббат, алам ва ёшликка тўла; мен унинг сирларини бирон тирик зотга ишонишга журъат қилмадим ва ўзимга бирон соқов сирдош — қоғозни танладим».

1821 йилнинг феввалида улар учрашмаганига ўн ой тўлди. Гюго хоним ўғлига Аделни унуттириш учун нелар қилмади дейди. Аммо ўғли индамас эди. Она фақат унинг кўзларидан севгинини билиб турарди.

Бир куни эрталаб Виктор уйлари яқинида Аделни кўриб қолди. Қиз олдиниға севиниб кетган бўлса-да, сўнгра бирдан таҳнатиға тушди: «бизни бирга кўриб қолишса нима бўлади?» Викторнинг аччиғи келди, у ҳам онасининг гапини икки қилмас эди. «Бўпти, энди учрашмаймиз; агар рози бўлсанг, бошқа ўчанда учрашамиз» деди. Аммо қиз кўнмади. Бу хабар онасига етди, ибодатхонага бериб юборишини айтди. Бўлмаса, «Бош почтамтга. Суриштириб олгунча. Жаноб Виктор Гюгога» дея хат ёзди, деди Виктор. Шундай қилиб яна ёзиша бошладилар.

1821 йилининг 26 апрелида Виктор севгилисига шундай деб ёзди: «Мана оловсизлигимизнинг иккинчи йили ҳам бошланди. Аммо учинчи йили тирик бўлармикинман? Майли, хайрлашайлик, Адел. Бу ёнғин паллада сен ухляпсан, албатта. Соч гажакларинг хасил бўлган ҳам келмайди, бўлажак эринг эса ҳар оқшом ухлашга ётаркан уларни эъзозлаб лабларига босади». Адел, Викторга: «Сенга сўнгги бора хат ёзипман. Гапнинг қисқаси, ҳамма мени кузатяпти. Сени энди кўрмасам керак, бунинг ҳеч иложи йўқ, сен ёзма. Мен оиймни алдамайман. Бу ёғи нима бўлади, билмайман», деб ёзди.

Кутилмаганда масала ўз-ўзидан ҳал бўлди. Гюго хоним оғир касалга мубтало бўлди ва 1821 йилнинг 27 июнида тўсатдан вафот этди. Уч ака-ука бир амаллаб онани тупроққа топиширишди. Фақат Эжен муаммоси ўртада тўғаноқ эди. У Викторга икки жиҳатдан рақиб бўлиб қолганди. Ҳам Адел, ҳам шеърийат. Викторнинг ижодий муваффақиятларига ва Адел уни танлаганлигига чидолмас эди. Онаси ўлгандан сўнг унинг жазавалари аклдан озиш даражасига кўтарилди.

Виктор 1821 йил 20 июнда Фушега хат ёзиб уйларида ўзини қабул қилишни сўради. Фуше ўз дўстининг ўғилларини бундан оғир кунларда қабул қилмасликни ўзига эп кўрмади. Викторни кичкинтойлигидан, «ориқ, нимжон, ҳеч яшамайдигандай туюлган чоғи»дан биларди, энди унинг қаршисида соғлом, кўркем, дадил ва ўз севгиси ҳақида ишонч билан чиройли сўзлай олувчи йигитни кўриб турарди. У шоир сифатида ҳукумат томонидан нафақа билан таъминланажаги ва отасидан никоҳга рухсат олажагини билдирди. Фуше ҳозир қизини у билан унаштиришга ва уларнинг учрашиб туришларига рухсат бермади, фақат хатлашиб туришларига изн берди, холос.

Виктор яна Фушега хат ёзиб, энди ўзининг келажаги номаълумлигидан безовталигини билдирди. «Балки, қизингизга бирон эпчилроқ, уддабуронроқ, топармон-тутармон бир йигит топилиб қолар. Аммо ундай одам қизингизни керагидай севмас олармикан?» деб ёзди. Фуше бунга жавобан: «Уддабурон, топармон-тутармон одам номусли оила учун жуда ёқимсиз меҳмон бўлади» деб ёзди ва уни бир мунча руҳлантирди.

Ака-ука Гюголар она ўлимидан кейин анчайин қашшоқланиб қолишди. Аммо Виктор муҳаббат бобида бахтли бўлса, бошқа ҳеч қандай қийинчиликка чидашга тайёр эди. Аввало акаси Эженнинг

инишлати жавабалари Викторни анчайин ташвишга соларди. Ўзи ёшлар зотида феъли тезлик қадимдан бор эди, аммо Эженнинг феълидаги тезлик хатарли хусусиятларга эга эди. У Викторнинг шартларини шундай ҳасадгўйлик билан ерга урардики, бунини эшитган ботона одамларнинг ҳам жаҳли чиқиб кетар эди. Адел билан ишнинг муносабатларини умуман кўргани кўзи йўқ эди.

Викторнинг Адел билан муносабатлари ҳам жуда силлиқ эди деб бўлмайди. Адел хатларидан бирида, Виктор, сен мени бекорга бошқа аёллардан устун кўряпсан, мен ҳамма қатори оддий аёлман, деб ёзганди. Яна бир хатида, сенинг ақлинг ва истеъдодингни тан олганим, аммо, бахтга қарши, буларни қадрлашни билмайман, уларнинг таъбирича ҳам таъсир қилмайди, деб эътироф этганди. Бунга қаноатан Виктор, кўрқма, мен ҳаммасини сенга тушунтираман: шеърнинг — бу фазилатларнинг инъикоси; гўзал қалб ва гўзал истеъдодни бир-биридан ажратиб бўлмайди, — деб уни тинчлантирганди.

Виктор, муҳаббати бахтли якун топишини истаб отаси билан келинганди. 1822 йил 8 мартда унга хат ёзиб, Адел билан никоҳдан утиш учун рухсат сўради. Отаси эътироз билдирмади. Аммо, унинг сенинг ҳеч қандай уй-жойинг, мол-мулкнинг йўқ, туйдан олгани бирон касбни эгаллаб, бирон жойга ишга жойлашиб олишини керак, деб жавоб берди. Шу тариқа Виктор энди куёв сифатида расман тан олинди.

Ўзда Фушелар Жантилъи деган ердан бир уйни ижарага олишгани билан Викторни у ерга таклиф қиладиган бўлишди. Ҳали тўй бўлмагани учун вақтинча у каптархонада яшаб турадиган бўлди. Бу орада Виктор Гюгонинг «Қасидалар ва ҳар хил шеърлар» деган китоби босилиб чиқди ва халқ орасида тез тарқалди ва саноат аҳлига ҳам ёқди. Шундан кейин 18 июлда қиролнинг шахсий фондидан ёш шоир учун йилига бир минг икки юз франкнинг нафақа тайинланди.

1822 йил 12 октябрда улар никоҳдан ўтдилар. Тўй зиёфати Фушелар уйида ўтди, кейин Ҳарбий Кенгашнинг катта залида бал бўлди. Ўнда Эжен, укасининг бахтини кўролмай қаттиқ асабийлашди, Абел ва Бискара исмли бир меҳмон бахти қаро Эженни тўйхонадан олиб чиқиб, ўз ётоқхонасига ётқизиб кетишди. Кечаси билан у хонасида тўп бўлаётгандай барча шамларни ёқди ва шамшир билан хонадаги барча мебелларни шам-ширда чопиб ташлади... Виктор Гюго билан Адел Фушеннинг никоҳи шундай бошланганди.

МИЦКЕВИЧ билан МАРИЛЯ ВЕРЕШЧАК



Поляк халқининг севишли фарзанди, улуғ шоир Адам Мицкевичнинг илк муҳаббати тунги чақмоқдай чақнади ва жуда мураккаб ҳолда тугаб, унинг юрагида бир умрли аламли хотира қолдирди.

Мицкевич билан бизнинг орамызда икки юз йиллик масофа бор. Адам Мицкевич 1798 йилда Новоградск шаҳри яқинидаги Заосье деган қишлоқда Пушкиндан бир йил олдин туғилган. Аввал Новогрудскдаги диний мактабда ўқиди. Кейин 1815 йилда Вильно (ҳозирги Вильнюс) университетининг физика-математика факультетига кирди.

Бир йилдан кейин тарих-филология факультетига ўтди.

1819 йилда университетни тамомлади.

Ўша вақт таомилига кўра, талабалар мамлакат ичкарасига ишга юборилар, улар ўз дипломларини бир неча йил ишлаб келгандан кейин олишарди. Мицкевич Ковно уездига (ҳозирги Каунас вилоятига) ўқитувчилик қилгани юборилди.

Мицкевич Ковнода роса тўрт йил яшади. Бу ерда оғир қишларнинг кичинмаларни бошидан ўтказди. Гап шундаки, мактабга катта ғайризаъминчилик билан келган ёш ўқитувчи билан ҳеч ким ҳисоблашмасди. Қайси ўқитувчи ишга келмаса, ўрнига Адам балогардон эди. Ҳар хил фанлардан дарс беришга мажбур бўларди. Бора-бора бундай муҳитда ишлаш жонига тега бошлади.

1820 йил 8 февралда Вильно университетида бирга ўқиган ўқитучиларига шундай деб мактуб битган эди: «Тасаввур қилинг-а, Гошпога келганимдан буён бир одам менга «Адам» деб мурожаат қилганини эшитмадим. Ҳеч ким менга жилмайиб боқмади, ҳеч кимни меҳр билан қучоқламадим. Деярли ҳар доим мактабдан кетганим хира бўлиб қайтаман — ё гапимнинг ўтмаслиги ё аксар ҳолда ўқувчиларимнинг бефаҳмлиги жон-жонимдан ўтиб кетади. Нафойда заҳматлар! Келаман-у, ўзимни каравотга отиб, соатларча кўч парсани ўйламай, аччиқланиб ётаман. Ғашлик ва зардам шу парожга бориб етадики, яна бир мисқол қўшилса, ё ақлдан озишм ва ё ўзимни ўзим осиб қўйишим мумкиндай кўринади».

Аммо унинг оғир жисмоний ва маънавий аҳволга тушишига сабабчи фақатгина мактаб муҳити эмасди. Мицкевич бу пайтда Тухановичлар деган мулкда яшовчи Мариля Верешчак исмли кимни севиб қолган эди. Мариля чиройли, нафис ва нозик дид-дан қиз эдики, Адамни бутунлай асир этди-қўйди. Лекин бу муҳаббат унга кўп оғир изтироблар келтирди.

Мариля Мицкевич билан танишишдан олдин Путткамер деган бир графга унашилган эди, шундай бўлса ҳам, ёш муаллимнинг муҳаббатини рад этмади, унинг жўшқин ва олижаноб туйғуларини қизни ўзига тортди. У Мицкевичда ажойиб шоир ва замона сўхрамонини кўрди. Улар кундан-кунга яқинлашиб борар, тез-тез учрашиб турардилар. Ҳатто бир кун Мицкевич Тухановичлар мулкига борганда, Мариля чўпон кийимини кийиб чиққан, лекин ҳамма уни таниб қолганди.



О, соддам! Очиқ юз ва тўғри сўзсан,
Сенда сохталик йўқ. Қалбни ҳуснингмас,
Жалб этар қиёфанг, лабингдаги сас.
Чўпон эгнида ҳам шоҳона қизсан, —

деб биланди Мицкевич. Аммо Мариля шоирга ҳеч нима ваъда қилмасди, келгусида оила курамиз, деб ишонтирмасди ҳам.

Дунёда ижтимоий тенгсизлик деган бир куч борки, у ҳар қандай муҳаббатни синдиришга қодир. Мариля бутун уездга таъинланган катта бойнинг қизи, Мицкевич отаси ўлган, ҳали диндорлар олмаган камбағалгина муаллим эди. Мариляни унга бермасликлари аён эди. Аммо барибир муҳаббатнинг кучига ишонини яшарди. Ҳар галги учрашув ва ажрашувдан кейин у чуқур руҳий изтиробни бошидан кечиарди. Айрилиқ кунлари ва соатлари унга асрдай туюларди. Ҳар қалай муҳаббати ғалаба қилишидан умидвор эди. У ўзининг 1820 йилда ёзган «Бойчечак» шеърини бойчечакка мурожаат қилиб:

Сен сўлгин ўтлар ичра
Мунгли ерда буйландинг.
Буйинг паст, рангинг хира,
Намунча гурурландинг?

На атиргул ол рангинг,
Нилуфардай эгнинг бор.
На лоладай пок салланг
Кўзларни айлар хумор.

Гулчамбар қилдим сени,
Хаёлга чўмдим лекин:
Содда гўзаллигингни
Ёрим ёқтирармикин? — дейди.

Кўриниб турибдики, шоир ўзининг ижтимоий ҳолатини яхши билган, сезган ва ўқсинган. Мариля эса унинг севгисини кўнгилдагидек қадрламасди.

Мариля учун ишқ оддий бир туйғу,
Хурсиниқ, оҳларга парво қилмасди.
Юз бор севаман деб айтсангиз ҳам, у
Ҳеч вақт, мен ҳам, дея жавоб бермасди.

1821 йилнинг феввалида Мариля билан Путткамернинг тўйлари бўлиб ўтди. Бунини эшитганда Мицкевич қай ҳолга тушганини тасаввур этиш қийин эмас.

Майли, тақдир кулсин, мен қочай сендан,
Майли, сен никоҳдан бошқаси билан.
Худо бизга берган олий никоҳни, —

но гоҳо ўзини ўзи юпатарди у.

Тўйдан кейин Адам билан Мариля яна учраша бошладилар.
Биринчи учрашувларда Мариля, энди мени унут, дер эди.

Никоҳдан кейинги бу пинҳоний учрашувлар диний мактаб-
ни тарбияланган Мицкевичнинг ўзига ҳам қувонч бермас, ак-
синча, қалбини баттар жароҳатларди. Ижод онларида ўзининг
қолгани дўстлики бу, ё муҳаббатми, деб бадиий тадқиқ этарди.

Гўзал қиёфангни, кўринмай кетсанг,
Тикламоқчи истаб, ҳолим бўлар танг —
Сира жонланмайсан кўзим олдида
Кўринмай яшайсан қалбим ёдида.
Шунда ўз-ўзимдан сўрайман фақат :
Нима бу — дўстлики ва ё муҳаббат?

Шу тариқа бу муҳаббат ҳаётда ҳам, ижодда ҳам — шеърӣй
туркумлар, сонетлар яратганда ҳам, романслар ёзганда ҳам, буюк
ирихий дostonлар битганда ҳам бир умр уни кузатиб борди.

Тўғри, у 1834 йилда Мария Шмановская исмли пианист ва
бастакор аёлнинг Целина деган қизига уйланди, ундан ўғил-
лар кўрди. Бутун дунёда зўр шоир бўлиб танилди. Турли эл-
лардаги энг машҳур, энг таниқли
инқилобкорлар билан дўстлашди. Уни
қўнган, қалбида эъзozлаган, у ҳақда
қўнганлар орасида Жуковский, Пуш-
кин, Гоголь, Белинский, Гёте, Жорж
Санд, Шопен, Мишле кабиларни
сўраимиз. Жумладан, Пушкиннинг
Мицкевич ҳақида: «Қандай даҳо! Қан-
дай муқаддас оташ! Унинг олдида ни-
маман мен?» дегани ҳақида хабарлар
қўниб келган.

Аммо Мицкевич энг улуғлик мар-
тибасига етган пайтларида ҳам би-
ринчи муҳаббати Мариля Верешчак-



ни унутмади. Бу муҳаббат унинг юрагида бир умрлик хотира бўлиб яшади. 1826 йилда нашр этилган «Адам Мицкевичнинг сонетлари» китобидаги кўп сонетлар ана шундай хотиралар маҳсулидир.

Қуйида Мицкевичнинг бир шеърини ҳам илова қилдик, бундан мурод шоирнинг ўз халқининг қизларини нақадар катта муҳаббат билан севганини кўрсатишдан иборат.

Будрис ва унинг ўғиллари

Будриснинг ўзидай нор, литвалик уч ўғли бор,
Бир кун маслаҳат берди, очиб қўйиб ўртани.
Эгарларни тахт қилинг, йўлга отни шахт қилинг,
Йигитлар, чархлаб қўйинг қиличу ойболтани.

Гап чалинди қулоққа: тез орада уч ёққа
Юриш бошланар экан — Вильнода бўпти шу гап.
Кестутбек русга қарши, Олгерт пруста қарши
Пазбек полякка қарши жангга кетаркан жунаб.

Сизлар эр йигитларсиз, ёвқур шер йигитларсиз,
(Литва тангриси сизни ўзи асрасин омон!)
Мен чиқмайман сафарга, сизни йўллай зафарга,
Уч ўғилсиз, учта йўл сизни кутмоқда шу он.

Инъом бўлмай албатта: биринг Новеградда
Русдан олган ўлжангдан беҳад бойиб кетарсан.
Хотинларида пул кўп, қиммат қўйлаги тўп-тўп,
Қазноқлари лиммо-лим, кўрсанг англаб етарсан.

Иккинчинг пруслардан, малъун ғаламуслардан
Кўплаб бойлик оларсан қучоғингга сиққундай.
Бутун дунёнинг пули, мовутнинг хилма-хили,
Тагин унда қаҳраб — тўлиб ётипти қумдай.

Полякни бос учинчинг Пазбек-ла, кўрсат кучинг,
Польшада зебу зийнат, бойлик оз бўлар бироқ.
Қиличин олсанг арзир, аммо бир қизни асир
Олгин — уйимга келин обкелганинг яхшироқ.

Лех қизидай озода шоҳина йўқ дунёда,
Печь ёнида сакраган мушукчадай шўх бўлар.
Юзлари гулдай қизил, вужуди оппоқ, асил,
Кўзлари ёниб турар, киприклари ўқ бўлар.

Мен ҳам сизга ўхшаган ёш вақтимда Польшага
Борганимда, қаллиқча олиб келганман узим.
Ошгимни ошадим-у, ёшимни яшадим-у,
Уни унуга олмай, ҳамон у ёқда кўзим.

Ўғиллар хайрлашиб кетдилар йўллар ошиб,
Уй бошлиғи отанинг кўзлари йўлда қолди.
Кун кегидан кун ўтар, улардан хабар кутар,
Жангда ўлишди-ёв, деб, Будрис хавотир олди.

Қор ёғарди гупиллаб. отлиқ келди дукурлаб,
Пўстинининг тагида катта юки бор узун.
«Нима беришди сенга? Олдингми бир қоп танга?»
«Йўқ, отажон, тангамас! Новдадай поляк қизи!»

Ёғар эди лайлакқор, отлиқ келди сервиқор,
Қора пўстин ёпилган катта юки бор узун.
«Пўстин ўралган нима? Гулдор мовутми дейман?»
«Йўқ, отажон. мовутмас! Новдадай поляк қизи!»

Қор ёғарди гупиллаб. отлиқ келди дукурлаб,
Отдаги юк устига қора пўстин ташлади.
Бу нима, демади чол, ишга киришди дарҳол:
Меҳмон чорлаб, уч тўйга ҳозиргарлик бошлади.



ЛИСТ билан КАРОЛИНА СЕН-КРИК

1. Ференц Листнинг болалиги ва ўсмирлиги

Дохийй ижодкорлар, буюк истеъдод эгаларининг биринчи муҳаббати аксар ҳолларда бахтсизлик билан тугайди. Беназир халқчил шоиримиз Бобораҳим Машрабнинг Қашқарлик хожа Охунд Эшоннинг жориясига булган муҳаббати, немис шоири Ҳенрих Ҳайненинг банкир амакисининг қизи Амалияга муҳаббати шулар жумласидандир. Дунёдаги буюк инсонлар ҳаётини ҳикоя қилувчи китобларни варақласангиз, бундай мисолларни кўп учратасиз. Машҳур мажор (венгер) композитори, пианиночи ва мураббий, антиқа бир инсон Ференц Лист ҳам тенгсизлик балоси бўлган шундай муҳаббатни бошдан кечирганини ўқиб юрагингиз ачишади.



Ференц Лист 1811 йилда Венгриянинг ғарбий минтақасида Шопрон яқинидаги Доборьян қишлоғида дунёга келди. Отаси Адам Лист катта мулкдор Эстерхази қўл остида Доборьян қўйчилик хўжалигининг ишбошиси (приказчиги) бўлиб ишларди. Братиславадаги Петер Пазмани университетиди ўқиган, ўшанда маза қилиб тарих, риторика, французчани ҳам ўрганган эди. Бундай билимлар билан қаноатланмай яна ҳафтада бир марта машҳур органчи Ференц Риглердан ҳам таълим олганди. Риглер Адам Листга тўрт овозли хорал композицияси ва гармония асосларини бир қадар ўргатган эди. Шогирд контрапункт санъатида ҳам уқобилятини кўрсатганди. Контрапункт санъати мусиқада кўп

инишлик қонун-қоидаларини ўргатадиган соҳа бўлиб, бунинча одам ўзлаштириши осон эмасди. Аммо Адам гуркираб ўсиб кетган бир паллада, онаси вафот этиб, унга уйдан ёрдам келмай қўйгач, ўқишни ярим йўлда ташлаб кетишга мажбур бўлган князь Эстерхазининг идорасига мирзо бўлиб ишга кирганди. Адам бир қанча Оврупо тилларида бемалол гаплаша оларди. Аввал Капувар, сўнг Фракно, кейин Кишмартон шаҳарларида мирзонлиқни давом эттириб юрди. Адамнинг яхшигина виолончель ва чала олишини кўрган Кишмартон герцогининг саройида хизмат қилувчи Янош Гуммель исмли дирижёр уни сарой оркестрига таклиф қилди. Бу ерда каттагина муваффақият қозониб, энди дирижёрликка ўтганда, бирдан уни идорага чақиришди ва Доборьянга, князнинг қўйчилик фермасига ишбошиликка (пригончиликка) жўнатиб юборишди. Бошқа даромад манбаи бўлмагани учун Адам бу ишдан бўйин товлай олмас эди.

1811 йилнинг 11 январиди Адам, Франц Лагер деган совунининг Анна деган хиянига уйланди, улар 22 декабрда бир тил кўрдилар ва отини Ференц қўйдилар. 1815 йилда Адам, отинининг сепига берилган минг кумуш форинтлик пулидан беш йўқ, бе йўқ олти юз форинтига катта бир рояль сотиб олиб, унда уйга келтирди. Эрининг мусиқага бўлган муҳаббатини ҳурмат қилувчи Анна бу харида учун ҳеч қандай таъна қилмади. Яна у бир дақиқа бўлса-да, бўш қолса, Моцарт, Гайдн, Бах, Бетховен, Клементи, Душек каби композиторларнинг мусиқий асарларини чалиб ўтирарди.

Бир куни Ференцни ухлайдиган вақтида ётқизмоқчи бўлишганида, у:

Яна озгина мусиқа тингласам, майлими? — деб сўраб қолди. Ота кулимсираб: — Ўтира қол, — деди.

Шу-шу ота-бола оқшомлари рояль ёнидан кетмайдиган бўлиб кетинишди.

Кунлардан бир кун отаси Ференцдан:

— Битта куй бўлса ҳам эсингда қолдими? — деб сўради.

— Биттангиз нимаси? Ҳаммаси эсимда, — деди Ференц ва кўнгли-руҳидай овози билан бир қанча куйларни аниқ-тиниқ куйлаб берди.

Ўртаси нонушта чоғида Адам хотинига:

— Болани мусиқага ўқитиш керак, — деб қолди.

— Негайкан энди? — эътироз билдирди хотини.

Анна ўзи аслида итоатли хотин эди, лекин она сифатида ҳам мурғаккина боланинг сеҳнини мусиқа илми билан бевақт маъну қилиб қўйишдан қўрқар эди. Адам эса мусиқага тўймай улғайиш учун ва куйлар олампидан узоқ тушиб қолгани учун доимо ўксини ва боласининг мусиқага иштиёқини кўриб, ичиди, зора от босмаган изларни той босса, деб орзу қилаётган эди. Бунини мўмин-қобил аммо саводсиз хотинига қандай ўқтиришни билмай қийналар эди. Ҳар неки бўлмасин, ота ўзи айтганидан қололмади. Ференцга она ёшга тулар-тулмас фортепьяно чалишни ўргата бошлади. Боланинг ўқуви кутганидан ҳам ортиқ чиқди. Тўққиз ёшида отаси билан мусиқий ўқув ва билимларни кўп тарафлама эгаллаб олди. Ҳатто у фортепьянони отасидан ҳам ўтқазиб чаладиган бўлди. Бу воқеа бутун таниш-билиш ва қариндош-уруғлар орасида овоза бўлиб кетди. Шу йили, ҳатто Шопронга бориб, жамоатчиликка Ференцнинг илк концертини бериб келдилар.

Бундан руҳланган Листлар оиласи 1822 йилда Доборьяндан уйларини сотиб, мусиқалар шаҳри Венага кўчиб ўтдилар. Бу ерда Ференц профессор Карл Чернидан фортепьяно бўйича, Анна-нио Сальеридан мусиқа композицияси бўйича дарс ола бошлади. Сўнгра Чернининг маслаҳати билан Вена опера театрининг Генриетта, Каролина ва Вильгельмина исмли юлдузлари Ференцнинг Вена опера театрига тез-тез олиб кета бошладилар. Театрда у орасида ўз ижролари билан сахнада ҳам чиқиб турарди. Ҳатто, Александр бош вазири, князь Меттерних салонида ҳам концерт берди. Гулдурол олқишлар ва «Бис! Бис!»лар билан сахнага қайта-қайта чорловлардан кейин бош вазирнинг хотини шахсан ўзи сахнага чиқиб Ференцга беш олтин дукаат совға қилди. 1823 йилнинг охирида Листлар оиласида уй-жой муаммоси туғилди ва улар Венадан кетиш мажбурияти остида қолдилар. Профессор Карл Черни уларга Парижга кетишнинг маслаҳат берди. Листлар Чернидан Ференцнинг мусиқий ўқувларни тугатгани ҳақида маълумот олган ҳамда турли-туман тавсия хатлари олиб, Парижга йўл олдилар. Париж Ференцнинг ҳаётида катта ўзгариш ясади. У турли салонлар, катта-кичик давраларда чиқишлар қилиб нозиктаъб французларнинг эътиборини ўзига жалб қила бошлади.

1824 йилнинг 8 мартида эндигина 12 ёшдан ўтган Ференц Парижда катта концерт бериб, французларнинг қалбини бутунлай забт этди.

Бу кунги концерт тугрисида отаси Адам Лист ўз кундалиги-
ни шундай деб ёзган эди: «Концертни итальянлар бошлаб бе-
ришди. Улар Гайдн симфониясини ижро этдилар... Кейин Цизи
ни (Ференци қариндошлари эркалатиб Цизи дейишарди).
Устоз ҳам, мен ҳам қанча тайинлаган бўлишимизга қарамай,
охирага нотасиз чиқибди. Юрагимни ҳовучлаб утирдим. Мана,
ниҳоят мусиқанинг биринчи хотима қисми ҳам янграб бўлиши
билан, бутун зал «оҳ» тортиб юборди. Аммо яна рояль янграй
берилади. Юзлаб арфалар (чилторлар) чалинаётганга ўхшарди.
Чилдан энг паст садолар сирғала-сирғала энг баланд овозларга
ўтарилди. яна сирғалиб пастга тушди ва, ниҳоят. сўнгги чаҳ-
налар ҳам суна-суна, гўё садолар залдан чиқиб кетгандай ўрта-
ча жимлик чўкди. Мана, энди оркестр жаранглайди. Устод Рос-
сини олдинга энгашиб, Цизининг бармоқчаларидан кўзларини
оқмай, оркестрчиларга ишора қилишни ҳам унутди. Цизи жил-
житиб унга қараб турарди. Ниҳоят оркестр ва рояль бир-бирига
қўшилишиб бир бутун оламни яратди. Гулдурос қарсақлар жуда
қўшқондавом этди...»

Ўргасига бутун Парижда турли-туман таърифлар сузиб юарди:
«Орфей ўз мусиқаси билан фақат тошларни юмшата оларди,
охира венгр эса ҳатто итальянларнинг қалбини ҳам эритди...»
«Лист — дунёнинг саккизинчи мўъжизаси...»

«Драпо бланш» газетаси эса: «Моцартнинг қалби ва руҳи
охира Листнинг жисмига кўчиб утипти... оёғи рояль педали-
га зўрға-зўрға етади-ю, ҳозирнинг ўзида Оврупонинг биринчи
ошичиночиси-я...» деб ёзди.

Шундан кейин ота-болани (Адам билан Ференци) Берлин,
Вроссель, Лондон, Стокгольм шаҳарларида концерт беришга
таклиф қила бошладилар.

Франциялик композитор Фердинанд Паэр эса. Ференцга опе-
ра илмидан дарс бера бошлади ва унга Кларис де Флорианнинг
«Лоп Санчо ёки муҳаббат қасри» эртаги бўйича бир опера ёзишни
бўйрди. Устоз ҳамда ота-бола бу опера устида ишлашга ва тур-
ли концертлар беришга шу қадар қизиқиб кетдиларки, кўпинча
қанида она бечора ёлғиз қолганини ҳам унутиб қўярдилар. Ахийри
Ференцнинг жияни Анна Лагернинг тоқати тоқ бўлди.

Бу ерда мен кераксизман. Овқат қилишимнинг ҳолати йўқ,
ресторандан келтириб беришади. Супур-сидир, кир-чирни ҳам

оқсони сўради. Концертда ҳам керагим йўқ. Австрияга, уш
кебати...

Билми туриннамиз? — сўради Адам.

Билми, — деди кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

Билми деганинг?

Билми ота-бола кўп пул йиғиб уйга қайтишинглар керак, деганим.

Мен Эстерхазилар идорасига бир неча минг форинг пу
кўнган кўйганман. Унга ойма-ой процентлар қўшилиб ётиш
кўнган пайтингда у пуллардан олавер. Мен бу ҳақда уларга
кўнган юбораман.

Раҳмат, Адам, — деди Анна ва Ференцга:

— Ҳеч қачон отангни гапларини икки қилма, — деб тайинлаш

Ота-бола ёлғизликда эркин ижод нашоасини суриб яшай бош
ладилар.

1825 йилда «Дон Санчо» операси битди ва Парижда ижр
этилди. Операни Рудольф Крейцер сахналаштирган эди. Асар уч
марта намоиш этилгандан сўнг, Крейцер Адам билан суҳба
лашди ва опера ҳақида:

— «Дон Санчо» дохий боланинг муъжизаси, аммо шугин
холос. Болага ҳали кўп мусиқий билимлар етишмайди, Ферен
ни Антонин Рейхага мусиқий композициядан таълим олиш
бермоқ керак, — деди.

Ференц Лист Рейхадан дарс ола бошлади. Икки йил шуид
ўтди. 1827 йилнинг ёзида Адам Лист қаттиқ касалланди. Бир
кунни у Ференцни чорлаб:

— Ўғлим, аёллардан эҳтиёт бўл! Ҳаётингни уларга топи
риб қўйма, — деб насиҳат қилди. Ференц қўлди ва:

— Менинг ҳаётимга фақат имонсизликкина халал бериш
мумкин, — деди.

Шу йили августнинг охирида Адам Лист вафот этди. Уш
сўнгги маскунига фақат уч киши — Ференц, врач ва руҳоний
элтиб қўйишди.

16 ёшли Ференцга кўп ёру биродарлар ёрдамларини таклиф
этдилар, аммо у онасига хат ёзиб, тезда Парижга етиб келиш
сўради. Тураржойини арзонроғига алмаштирди. Дўстлари
ҳомийларига учраб, энди концерт бермаслиги, бундан буён дар
бериши ва ўқишни давом эттиришини айтди.

2. Биринчи муҳаббат воқеаси

Бир куни Ференц графиня Сен-Крикдан таклифнома олди. Уйларига борганда:

- Мен Сиз ҳақда кўп эшитганман, – деди такаллуф билан.
- Ташаккур, марҳаматли хоним.
- Дарс ҳам бераркансиз, шундайми, мсьё Лист?
- Ҳа, – деди Ференц.

Марҳаматли хоним хиёл-хиёл жилмайди, кейин олдида турган кўмуш кўнғироқчани жиринглатди. Чаққонгина кирган оқсоч қизга:

- Каролинани чақириб юборинг, – деб буюрди.

Эшик аста очилиб, хонага бўйи етган чиройли бир қиз кириб келди.

Шундай бир гўзал хилқатнинг исми Каролина экан. Уни Аврора деб аташ керак эди, деб ўйлади. (Аврора – қадимги Рим мифологиясида тонг маъбудаси. Биз, ўзбеклар, Сабоҳат деган бўлардик.)

Ференц кўпинча идеал қиз сиймосини хаёлига келтириб кўз ўстида гавдалантириб юрарди. Ҳатто расмини ҳам батафсил, эҳтирос билан чизганди. Мана, худди ўшанинг ўзи. Сочларининг ранги, занахдони, болаларча ҳайратга чўмган катта-катта кўзлари, энди-энди ўсмирликдан ўтиб, нозик аёллик фаслини бошлаган вужудининг нозик чизгилари... ҳаммаси, ҳаммаси ўша.

Ференц Каролинага мусиқадан дарс беришга рози бўлди.

Сабоқларни эртасигаёқ бошлаб юбордилар.

Каролина яхши ўқирди. Ференц ҳар дарсида фақат мусиқачи сифатида эмас, муаллим сифатида ҳам таълимини янги-янги усуллар билан бойитиб борарди. Ўша давр одоб қоидаларига кўра дарсда она ҳам бирга ўтирар, мусиқий машқлар қандай бораётганини ва янги чоғда ижро вақтида ёшларнинг бошлари қай даражада беририга яқин келишларини кузатар эди. Бири оқ малла ва иккинчиси кўнғир сочли икки ёш фақат ўзларига тушунарли мусиқа тилида ҳар бир учрашувни ажиб саёҳатдай ҳис қилардилар.

Касалманд Сен-Крик хонимнинг кунлари мамлакатда катта шухрат қозонган романлар (чунончи, Аббат Превонинг «Манон Леско», Констаннинг «Адольф» каби романлари), баландпарвоз шфсона ва романслар оламида ўтар ва бу икки ёш ижтимоий тенгсизликлар қаршилигини енгиб, чинакам бахтга эришишлари туғрисида ширин хаёлларга берилар эди.

Тез орада Сен-Крик хоним вафот эди. Улим тўшагида эрдан қизининг севгилиси Ференц билан бахтли турмуш қуришига тўсқинлик қилмаслик тўғрисида сўз олди. Каролина онасининг вафотидан бир мунча вақт ўтгандан сўнг, Ференцга: «Сени бутун кечқурун соат олтида кутаман», деб бир хат ёзди.

Улар қасрнинг мусиқа саломида учрашдилар. Каролина чуқур этмай унга қўл узатди. Ференц ҳам бирмунча вақт индаматди. Кейин, юрак амри билан, яхши одат ва ақл русумларини унутиб, беихтиёр уни қучоқлади. Каролина унинг пинжиги кириб

— Мен ҳаммасини сендан кутгандим, — дея пичирлади.

— Нега олдинроқ ёзмадинг?

— Уялгандим.

— Ҳаёт ҳар қандай уятлардан муҳимроқ эмасми? — деди Ференц. Ференц Каролинани ҳозир илк бор кашф қилаётгандек эди: катта-катта қўй кўзларида ҳаёлчанлик эмас, муҳаббатнинг сурати! Нотинчизгили кичкина оғзининг бурчакларида, мен шуни хоҳлайман, деган ётгандай сезилар-сезилмас амр бурамлари! Бирда довдираб:

— Худойим-е, уйимиз худди сахрога ўхшайди! — деса, бирда

— Энди бу ерга ҳар кун келишинг мумкин, — дейди.

Чиндан ҳам улар энди ҳар кун учрашар, ҳувиллаган («сахрога ўхшайдиган») қасрда бирга айланардилар. Каролина севиниб устозига Сен-Крикларнинг аждодлари, оилавий кўргазма даштилари, кутубхона, ўзининг болаликдаги бўлмаси, мусиқа саломи билан батафсил таништирарди.

Энди машқларни ҳам кўпроқ устознинг ўзи ижро этарди. Ференц бу ерда бир неча соат бўлишнинг ўзи кифоя, деб ўйларди. Аммо Каролина, ҳар доим — эрталаб ҳам, кундузи ҳам, кечқурун ҳам — шу ерда бўл, деб уни тутиб қолаверар эди. Улар бир-бирларига «кута-кута кўзим тўрт» деб ёзилган узук ҳам совға қиларди. Ференц ҳамма нарсани, ижодий ишларини ҳам ўз ҳолида ташлаб қўйди. Ошиқ-маъшуклар вақт қандай ўтаётганини ҳис қилишмасди. Баъзан бир дақиқа бир асрдай, баъзан ҳафталар бир лаҳзадай ўтар, гоҳо Ференц қасрдан ярим кечаси чиқиб кетарди.

Пахмоқ қалпоқли эшик оғаси ундан саховатли чойчақаллар кутар, аммо бундай масалаларга унчалик ўрганмаган ғўргина Ференцдан ҳеч вақо чиқмагач, кўзларини очиб қўймоқчи бўлди.

Бир кун эрта билан соат бешда уйга ҳорғин қайтган графини тўхтатиб, сизга муҳим бир гапим бор, деди.

— Эртага, эртага... Кейинроқ, майли, пешинда кирарсан, —
 граф дам олгани ётоғига кириб кетди.

Граф ва молия вазир Сен-Крик фақат сиёсатчигина эмас,
 сина гадбиркор ҳам эди. У Парижда ер остида илон қимирласа
 ҳам биларди. Келгусида молиявий зилзилалар қачон юз бери-
 шини ҳеч ким унингчалик билмасди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши
 қимғармаларини Голландия, Германия, Австрия, Англия банк-
 ларига жойлаб қўйганди. Бошқа бойлик, мулк-амлоклари Фран-
 цияда ёйилиб ётарди. Энди Каролинанинг ишларини ҳам туғри-
 лаб қўйса — бўлди, «асосий вазифаларни бажариб қўйган бўла-
 ни», «Каролинанинг ишлари» деганда, ҳеч шубҳасизки,
 Сен-Криклар авлодининг қудрати ва бойлигини оширишни ту-
 шунарди. Шу нуқтаи назардан граф д'Артигони куёв қилмоқчи
 эди. Бундан уч йил бурун граф д'Артиго Каролинанинг қўлини
 ураган ва вазир унга розилик берган эди. Ёши бир жойга бориб
 толган д'Артиго бундан уч йил бурун ҳали қирол Карл X нинг
 вазирлиги билан қариндош бўлиб олишни мўлжаллаган эди. Граф
 Сен-Крик ҳам унга розилик берганда «ўз Жульеттасининг ошиғи
 Ромеони» ўйламаганди.

Граф пешингача ухлади. Эшик оғасини тушдан кейин қабул
 қилди. Хизматкор Ференц Листнинг ташрифлари ҳақида батаф-
 ссия гапириб берди. У фақат кунлар эмас, соату минутларни ҳам
 қўйд қилиб қўйган эди.

— Уларнинг сирларидан атрофдагилар ҳам хабардор, — деди у.
 Граф камердинерини чорлаб, Каролинани чақиртирди.

— Жоним Каролинам, мусиқа муаллимнинг билан нималар
 бўляпти? Агар бу ғийбат бўлса — гап йўқ, бўлмаса нима гапли-
 гини тушунтириб бер.

— Ҳеч нима бўлаётгани йўқ.

— Туғрисини айт.

— У қўлимни сўради, мен розилик бердим.

— Мен аллақачон қўлингга розилик бериб қўйганман. Биров-
 на сўз берсам, ваъдамни худоям бузолмайди.

— Бу гал аҳдингизни бузишга туғри келади.

Биринчи тўқнашув шундай тугади. Кечқурун жанг яна давом
 этди. Аммо бир томоннинг қўли баланд, иккинчи томоннинг
 ҳеч қандай имконияти йўқ эди. Шу кечанинг ўзида граф қизини
 хизматчи ва оқсочлар билан бирга Луара қирғоғидаги Сен-Криклар

кўргонига жунатди. Бамисоли куролланган соқчилар олиб кетаётган асирадай уйдан чиқиб кетаркан, отаси унга қўлини узатди, аммо қиз унга қарамади ҳам... Қочиб қолиш учун ҳеч қандай имкон йўқлигини англаган Каролина йиғламади, жанжал ҳам кўтармади, худди ўзини ўйнагани кетаётгандай тутиб индамай чиқиб кетди. Отаси:

— Катта бўлганда — тушунасан, мен худбинликдан эмас, сенинг манфаатингни кўзлаганимдан шундай қилдим, — деди. Аммо бу гаплар ҳавода қолди — Каролина учиб чиқиб кетиб бўлганди.

Эртасига граф Листни чақиртирди. Хурмат ва мурувват кўрсатгандай гаплашди. Аслида унга худди ёш боладай муомала қилди. Ҳатто утиришга таклиф қилмай, чертиб-чертиб айтган сўзларни амр оҳангида эшитилди:

— Каролинанинг ўқиши битди. Бир-икки ойдан кейин у эрга тегади. Энди хўжалик илмларини ўрганиши керак, — деди у.

Йигитча нима дейишни билмай қотиб турарди. У граф айтган сўзларнинг маъносини ҳам илғаб ололмаётган эди. Граф эса давом этди:

— Мен сизни олижаноб йигит деб биламан. Раҳматли хотиним ҳам сиз ҳақда яхши фикрда эди. Шунинг учун ҳам биз сизга ишонч билдиргандик ва ҳозир ҳам сизга ишонамиз. Фақат энди қизимга ортиқ яқин келмайсиз. Қизимга ҳам, сизга ҳам буни тақиқлайман.

Ференц оғир хўрсинди, кейин тили калимага келди:

— Мен Каролина билан гаплашиб олсам бўладими?

— Мадемуазель Каролина бугун тунда жўнаб кетди.

— Қачон қайтади?

— Бу уйга ҳеч қачон келмайди. Бировнинг хотини бўлиб келади, келса.

— Каролина бунга рози бўлди?

— Мен яхшилик тилаётганимни Каролина билади.

— Биз бир-биримизни севамиз, — деди базўр Ференц.

Графнинг юраги бир зум ғалаёнга келди: у бу болани хонадан иргитиб ташламоқчи бўлди, аммо вазир эканлиги ёдини тушиб, ўзини тугди ва хурмат билан эътироз билдирди:

— Сиз ҳали деярли ёш боласиз, хатоларингиз кечиримли. Аммо шуни яхши билингки, бизнинг зотимизда ҳамма вақт тенг тенги билан никоҳланган, бу — жамиятнинг паст табақаларига

ҳурматсизлик маъносини билдирмайди, биз истеъдодларни, уларнинг тиришқоқлигини ва бошқа устун хусусиятларини тан оламиз. Биз буларнинг бари билан ҳисоблашамиз, аммо биз Отахонимиз Людовик бизга ҳадя қилган туғромизни ҳеч паст гуширмай юришимиз керак. Энди, тақсир, сиз билан хайрлашарканмиз, қизимга муаллим сифатида кўргазган жонбозлигингиз учун яна бир карра ташаккур билдиришимга рухсат этинг. Раҳматли хотиним сизни жуда яхши кўрарди, мен ўзим ҳам сизнинг салоҳиятингизни жуда юксак баҳолайман. Хўп, яхши бординг, тақсир!

Ференц каравотда кўзларини юммай ётар, шу асно фақат тарки дунё қилгиси келарди. «Этуал» («Юлдуз») деган газета эса ҳудди шуни кутгандай ўз укувчилари учун маънос бир хабар босиб чиқарипти:

«Ёш Листнинг ўлими. Француз бошкентида ёш Лист вафот этди. Унинг ёшидаги бошқа болалар ҳали мактабга боришни ҳам ўйламайдиган бир паллада кичкина Лист бутун оламни ларзага солди... У 10 ёшидаёқ буюк пианиночиларни ҳайратда қўйиб шундай куйларни ижро этардики... Ўйлаб кўринг: агар у вафот этмай, улғайган бўлса ва сизу бизнинг ёшимизда яшаётган бўлса, балки, ҳасадгўйлар яна унинг камчиликларини топиб, унинг фазилатларига аҳамият бермай, унинг бутун ҳаётини барибир заҳарлашар эди».

Ўғилнинг дардини оначалик англайдиган зот борми оламда? Она ўғлининг тепасига келиб энгашди.

Кўзёшлари дарё бўлиб оқаётган ўғлининг бошини бағрига босди:

— Менга ишон, ўғлим, ҳаммаси ўтиб кетади.

— Каролина нега хат ёзмапти?

— Уни асирадай тутиб юришган бўлса керак. Балки, хат ёзган-дир, фақат унинг мактубларини ўғирлашса керак. Сени хафалатли қилимоқчи бўлганларнинг худо жазосини берсин. — У ўғлини миҳкам қучоқлаб кўзларидан, юзларидан, пешонасидан, қўлларидан ўпарди.

— Ҳа, ойижон... — деди Ференц.

— Сен яшашинг керак. Ўзинг учун яшашинг керак. Биз сендан кўп нарсалар кутяпмиз, ўғлим, — деб сочларини сийпаларини Анна Лагер-Лист.



Бир куни Ференцга бир конверт беришди. Уни очди. Унда фақат:

«Графиня д'Артиго, По, Беарн, Муқаддас Жак черкови олдаги д'Артиго қасри», деган саноқли сўзларгина ёзилганди.

Бу, албатта, ўз ошиғи билан учрашишни истаган интизор юракнинг чақириғи эди. Ференц учрашувга борадими, йўқми — бунинг аҳамияти йўқ. Фақат бу ёқда ўз севгилисини бир кўришга зор йигит, у ёқда бир онлик висол дарди билан яшаётган жувоннинг аламлари учун ким жавобгар?

Никоҳ мажбуриятини бузишга, гуноҳ иш қилишга уринаётган аёлнинг бу қадами учун, аслида даъватдан иборат бўлган хати учун гуноҳ, муҳаббатнинг қадрига етмаган катталарнинг бўйнида, деб ўйлайман.



РОМЕН РОЛЛАН билан КЛОТИЛДА БРЕАЛ



Ромен Роллан (1866—1944) «Жан-Кристоф», «Мафтуна қалб», «Кола Брюньон», «Пьер ва Люс» сингари эпопея, роман ва қиссалари билан жаҳонга танилган ёзувчи, Бетховен ҳақида бир неча жилдлик тадқиқот асарлари яратган мусиқашунос олим, дунёнинг энг таниқли ажойиб инсонлари Микеланжело, Толстой, Гандилар ҳақида ҳол китоблари ёзган биограф, улуғ инсонлар, инқилобчиларнинг тақдирларига бағишланган «Бўрилар», «Дантон» «Ўн тўртинчи июль» каби драмаларининг муаллифидир. «Янги жамият учун янгича

санъат яратиш» йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилган буюк меҳнаткаш, эрк ва озодлик учун курашаётган барча халқларнинг мислсиз маънавий мададкори сифатида оламаро катта муҳаббат қозонган буюк сиймодир.

Ромен Роллан Франция бошкентидан олисдаги Кламси деган со-



кин бир шаҳарда туғилганди. Отаси ҳам, онаси ҳам турли оила ларнинг сирлари ва мулкларини асрашда қонунга қатъий риоя қилувчи ва шу туфайли шаҳар аҳлининг ҳурматини қозонган нотариус эдилар. Улар фақатгина ёлғиз ўғиллари Роменга яхши маълумот бериш учун Кламсидаги юксак мавқеларидан воз кечиб, нотариал идоралари ва уй-жойларини сотиб, бутун оила билан Парижга кўчишди. Отаси Парижда оддий банк хизматчиси бўлиб ишлай бошлади. Ромен Кламсидаги коллежда намунали ўқувчи сифатида танилган, чунки у фақат дастурдаги илмлар билан кифояланмай, бобосининг кутубхонасидан фойдаланиб, ҳали 13 яшарлигидаёқ Корнел, Шиллер, Шекспир, «Дон-Кихот», «Гул-ливер» ва «Минг бир кеча»ни ўқиб чиққан, тарих китоблари муталаасидан сўнг «Аттиланинг тўйи» деган фожиа ҳам ёзган эди.

Парижга келишганда Ромен аввал Авлиё Людовик лицейида, сўнг Буюк Людовик лицейида ўқиди. Ўзи болаликдан мусиқага қизиқар, мусиқачи бўлишни орзу қиларди. Ота-онаси эса ўғилнинг олим, профессор бўлишидан умидвор эдилар ва эндиликда илмий ходимлар ва университет мударрислари тайёрлайдиган уч йиллик Олий Маром Мактабига (Нормальная Школага) киришини маслаҳат берардилар. Аммо у ерга кириш имтиҳонлари жуда оғир, ўқиш талабгоридан катта китобхонлик талаб қилинар, тарих, фалсафа, адабиётлар, қадимий тилларни билиш даражаси текшириларди. Ота-онаси Кламсидаги қанчадан-қанча имтиёзларидан воз кечиб уни ўқитиш учунгина Парижга келганларини инобатга олиб, кўнглида эса орттирган вақтларида мусиқа билан ҳам шуғулланишга вақти ва шароити бўлар, Мактабнинг интернатида ижарага олиб бўлса ҳам пианино қўйилишга рухсат берилар, деган ҳаёллар билан Олий Маром Мактабига кирди. Ёш Роменнинг ичида яна филсафага қизиқиш ҳам катта эди. Гап шундаки, у беш яшарлигида уч яшар севиқли синглиси бўлма касалидан вафот этган ва ҳар доим ҳаётнинг ўткинчилиги, яшамоқнинг маъноси туғрисида бош қотирарди. 17 ёшида Нидерландия файласуфи Спинозанинг модда ва руҳ, инсон ва теграмиздаги олам ҳақидаги «Илоҳий-сиёсий рисола» ва «Ахлоқ» асарлари унга момақалдиरोқдай таъсир қилди. Ўлим фақат «аянчли худбинлар» учунгина кўрқинчлидир, кимда-ким ўзини улуғ умуминсоний бирлик билан алоқадор деб билса, ўлим кўркувидан халос бўлади ва ҳақиқий борлиқнинг мазмунини ту-

шунинг етади, деб таълим берар эди Спиноза. Бу ғоя унга ҳаётда учун мақсадлар сари интилиш тамойилларини сингдирди. Роллан эндиликда ўзи учун қуйидаги маънавий қоидаларни ўзлаштирган эди:

1. Ҳаётда мақсадни белгилаб олиш ва ўзига маълум бир вазифани юклаш.
2. Бу мақсадга эришиш учун бор кучи ва иродасини сарфлаш.
3. Ҳаракатлантирувчи нарсани ўзидан эмас, ташқаридан излаш, ҳаётни шахсан ўзи учун эмас, мақсад учун қадрлаш.
4. Номаълум, қандайдир умумий шаклда эмас, фаол ва аниқ тарзда фойдали инсон бўлиш; хайрия, яхшилик, самимият каби ғайилатларни доим ўйлаб топиш ва ишга солиш.
5. Ҳақиқатни излашни ҳеч қачон тўхтатмаслик.

Ана шундай мақсадларни ўз олдига қўйган Ромен Олий Маром мактабида ўқиркан, юксак маълумотли ва қобилиятли тенгдошлари орасида ўзини қушдай эркин ҳис қилар, суҳбатлар ва таълиқлар, мунозаралар ва мустақил маъруза билан чиқишлардан пайҳомланарди, бу нарсалар унга қанот бахш этарди. Яна мактабнинг квадрат шаклли боғи, боғ ўртасидаги фаввораси ҳам уни кўнгилни яйратарди. У бу ерда дарҳол бир дўст топди. Бу дўстнинг исми шарифи Андре Сюарес бўлиб, мамлакат жанубиданги Марсел шаҳридан келган қора кўзлари чақноқ, жингала тоғлари елкасига тушган, шиддатли, унча-мунча одам билан чиқишмайдиган, илмларни пухта эгалламаса ҳам, ҳар қалай адабий машқлари билан мактабда танилган йигит эди. Мактаб талабалари фақат илм эгаллаш билан кифояланмай, бошкентнинг шундай бугун мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ҳам фаол арачоналар, мусиқа, театр, жаҳон адабиёти жараёнларига ўз муносабатларини билдириб турардилар. Чунончи, бир асно Францияда миллатчилик авж олиб, немис композитори Вагнер концерти берилишига қаршиликлар авж олганда, Ромен Роллан француз пиастакори Сен-Сансга хат ёзиб: «Мен ўз Франциямни севаман, аммо билмаслик уят бўлган асарларни у билишини хоҳласам, мен айбдор бўламанми?» деб ёзган эди. Шунингдек, атоқли француз ёзувчиси Гонкурнинг ҳаммани йиғлатадиган, жамоатни дижонга соладиган «Жермини Ласерте» асари танқид ўтига тушганда, «сизни таъқиб қилаётган разил тўдага қаҳру ғазабинини изҳор қиламиз» деб ёзган эди. Яна шу талаба ёшида Лев

Толстойга хат ёзиб, кўп ижтимоий масалаларда, хусусан, бутун инсониятнинг бахти учун нима қилиш кераклиги ва адолатсизликларга қарши қандай курашиш лозимлиги каби масалаларга маслаҳатлар сўраган эди. Ана шундай юксак мақсадлар ва олим фаолиятлар билан машғул бўлган бир палласи, роппа-ропа 25 ёшида Ромен Роллан Клотилда исмли бир қизни севиб қолди.

Клотилда Франциядаги машҳур тилчи олим Бреалнинг ёш қиз арзандаси, ақли, маълумотли, жозибали қиз эди. Чиройли миди? Сақланиб қолган фотосуратларига асосланадиган бўлсан, ундай дейиш қийин: юзининг бичими нотўғрироқ ва кескинроқ, аммо катта-катта қора кўзлари ва улардаги ифодалар унинг ҳаёт севар ва тийрак табиатли бўлганлигини кўрсатиб туради. Роллан билан танишган пайтида яқингинада онаси ва севиқли устози — кўпчилик қадрлайдиган бастакор Цезар Франк вафот этган эдилар. Мусиқага муҳаббат уларни яқинлаштирди. Вагнернинг ижро этишлари Ролланни ром этарди. У билан мусиқа ҳақида жиддий баҳслашиш мумкин эди. Тўғри, баъзи жиҳатлардан унинг қарашлари Ролланнинг қарашлари билан тўғри келмас, масалан, қиз одамларнинг Бетховендан қаттиқ завқланишларига қўшилмас эди. Роллан инсонлардаги фикр эркинлигини ҳурмат қилар, келгусида унга Бетховенни тушунишида ёрдам бераман деб ўйлар эди. Ролланнинг Клотилдага биринчи хати «Бетховенни севмайдиган қизга» деб аталарди.

Бреал каби ўзига тўқ зиёлилар даврасида Клотилда катта муваффақият қозонган ва унинг Роллан билан унашилиши хилма-хил гап-сўзларга сабабчи бўлган эди. Клотилда истеъдодли, аммо камбағалгина ва номи чиқмаган ўша йигитнинг нимасини ёқтирди экан? Парижлик машҳур профессорнинг хотини Пруст хоним у пайтларда ҳали талаба бўлган ва эндигина ижод қили бошлаган ўгли Марселга шундай деб ёзган эди: «Мадемуазел Бреал ўзига шундай бир жон бир тан топди: табиат оламининг (маъданларини ҳисобга олмаганда) аллақандай уч кароматини унаштирилди. Олим! Ёзувчи! Артист! ва ҳоказо, ва ҳоказо (аммо кимлигини билмайман)».

Беқарор ошиқ Ролланнинг ўзи эса, гумонлар қўйнида қийналар эди: бу шукуҳли ажойиб қиз чиндан ҳам унинг жонига жон бўла олармикин? Ва у мендан излаганини топармикин? 1892 йилнинг 13 июлида у Клотилдага шундай деб ёзган эди: «Мени

бир хавотир эзаётир: сиз мен тўғримда хато қилмадингизми? Мен ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас — қандай бўлсам шундайлигини кўрмай қолган бўлманг тагин, бир кунмас бир кун хаёлингиздаги мен билан асл мен орасида катта фарқ кўриб эсан-сириб қолмайсизми? Тагин сиз мен билан бахтли бўлмасангиз-а, мен фикрдан даҳшатга тушаман. Мен кўпчилик одамларга ўхшамаслигимни (мақтанаётганим йўқ!) тушунаман. Сиз буни керакча тушунмаган бўлишингиздан қўрқаман: руҳимнинг эҳтиёжлари ва ижод қилишга бўлган иродам мени ҳамманикидан бошқача ҳаёт кечиришга маҳкум қилади.

Мен биринчи кундан сизда ирода, шахс, тиришқоқ жонни кўрдим, оддий бир сояни эмас; бунақалар атрофда тўлиб ётипти. Мен сизни ўзимда эритиб юборишни ҳам, ўзим сизда эриб кетишни ҳам истамайман. Иккиёқлама кучли муҳаббат билан тўла борлиқларимиз ҳар тарафлама ривож топишини истайман. Мен сизни сиз учун ва ўзим учун севаман. Сиз ҳам мени шундай сеवासизми? Сиз мени биласизми?

Буларнинг ҳаммасини очиқ айтаётганим учун мени кечиринг; сизнинг бунга тўла ҳаққингиз бор; чунки сиз — аёлсиз, ҳақиқий аёллар эса камайиб кетган, ҳақиқий эркаклар камайиб кетганидай. Сиз мен ҳақда қандай ҳаёлга боришингиздан қатъий назар, сизга бўлган муҳаббатим жуда терандир». Роллан бошқа бир хат билан муҳаббат изҳор қилган чоғида айтилмай қолгандай кўринган гапларини баён этди:

«Менинг сажиям сизни кўрқитяпти. Сиз мен ҳақда қандай ёмон ҳаёлларга бораётганингизни айтинг, мен эшитишга тайёрман. Бу борада сизга ўзим ёрдамлашаман. Мен ҳам сизнинг бахтингиз учун, менга азиз бўлган саодатингиз учун яралмаганман, лекин хавотирдаман. Сизга ёқиш учун менга кўп нарса етишмаслигини яққол кўриб турибман. Биз бир-биримизга сира ўхшамаймиз, айти чоғда жуда ўхшаймиз ҳам. Зеро, агар сизда қандайдир ўзимга ўхшаган нарсани топганимда сизни севиб қолмаган бўлардим. Мен сизда ўзимни эмас, мен сизда айнан сизни севаман ахир. Мен сизда сизнинг қарашларингизни ҳам чин юракдан севаман, гарчи уларга қўшилмасам ҳам (нималар эканини айтмайми?) Сунгра — менда ижодга бўлган ирода кучли, сизга ҳар гоҳада ён беришим мумкин, аммо бу соҳада эмас. Агар сиз менга ўзингизни дўст деб билсангиз, ўтинаман, менинг ана шу иродам

билан курашманг, уни амалга оширишимга ёрдам беринг; бу ҳам бурч ҳамда табиатимнинг қатъий эҳтиёжи; агар бунга кучим етмаса, уни менга сиз беришингиз керак, санъатда ва ҳаётда кўпдан йўқолиб кетган қадимий гармония (уйғунлик, мувофиқлик)ни биргаликда қўлга киритишга интилишимиз керак бўлади. Менинг сиздан сўраган нарсам — ана шу. Сиз-чи, сиз мендан нима истайсиз? Сизни жуда қаттиқ севаман. Р.Р.»

Қизнинг жавоблари ва отасининг самимий муносабатлари унинг қалбидаги гумонларни ювиб юборди ва улар 1892 йилнинг 31 октябрида никоҳ рўйхатидан ўтдилар. Бу вақтда Ромен Роллан драматургик тажрибалари билан банд эди. Қайнотаси Роменнинг адабий истеъдодига ишонса ҳам, ҳозир бу тажрибалар билан кун кўриб бўлмаслиги сабабли куёвидан докторлик диссертацияси ёклашни талаб қилди. Роллан мусиқа тарихидан диссертация ёзиб битказганда, яна лотин тилида ҳам шундай диссертация ёзишига хоҳиш билдирди. Шу тариқа Роллан 1895 йилнинг 19 июнида Сорбоннада иккала диссертациясини ёқлади. Сўнгра ўзи ўқиган Маром Мактабида мусиқа тарихидан дарс бера бошлади. Айни чоғда драматик фаолият билан ҳам машғул бўлди. У ўзининг сахна асарларига катта ижтимоий-сиёсий курашлар олиб бораётган халқ (оломон)ни ва ҳаракат қаҳрамонларини, кучли характерли етакчиларни олиб чиқишга ҳаракат қиларди. Бу йилларда у «Бўрилар», «Дантон», «Ун тўртинчи июль» каби йигирмага яқин драматик асар яратди, аммо уларнинг кўпчилигини сахнага ҳам қўйдирилмади, нашр ҳам эттирилмади. Уч-тўртта муваффақият билан сахналаштирилган асарлари эса тез сахнадан тушиб кетарди.

Клотилда эр-хотинликнинг олдинги йилларида Ролланнинг ижодий ишларига яқиндан ёрдам бериб юрди. Уларнинг беш олти йиллик ҳаётлари Италия, Олмония, Швейцария саёҳатларида ширин ўтди. У эрининг яқин келажакдаги муваффақиятга ишон-шуҳратидан умидвор эди. Аммо бу умидлар ҳадеганда оқланмаётган эди. Егани олдида, емагани кетида, ҳар доим маъмуричиликда яшаган Клотилда энди аста-секин ўзгара бошлади. Ва фот этган яқин бир қариндошидан унга катта мерос ўтганда эр хотин камтарин уй-жойдан ҳашаматли катта уйга кўчиб ўтишди. Клотилданинг ўз дўстлари, гапдон меҳмонлари кўп эди, Ромен эса ҳатто дўсти Сюаресни ҳам уйга таклиф қилолмасди. Роллан

бу уйда зерика бошлади, хотинининг меҳмонлари унга жирканч кўринарди. Ижодий муваффақиятсизликлар ва уйдаги бу ҳолат уни эза бошлади. Унинг хушчақчақ Клотилдаси, Кло, Колоколчик (Кўнғироқ) деб эркалатадиган суюкли хотини энди унга нисбатан серзарда бўлиб борарди.

1901 йил 27 февралда Роллан дўсти Габриел Монога ёзади: «Мен ажрашаман. Шундай бахтиёр, чамбарчас боғланган никоҳимиз шундай якун топишини олдиндан сезган эдим. Бунга йўл қўймаслик учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим. Бўлмади. Уртамизда жиддий бир ҳодиса содир бўлгани йўқ, бор-йўгани шундаки, ҳаётимиз аста-аста, худди бир касофат юз бергандай бир-биридан узилди. Менинг ҳаётимда, очиғи, ҳеч нима юз бергани йўқ. Вақт ўтиши билан у борган сари маънос торта бошладди, балки, хушчақчақ, зодагонларча яйраб яшашга ўрганган, бахт келишига астойдил ва соддалик билан инонган, бахтли бўлишга ҳаққи бўлган аёл учун бундай яшаш малолли кўринганчир. Мен эса, ўз тарафимдан, муроса-мадора қилолмадим, аслида шундай қилишим керак эди. Балки, ўз табиатимга қарши боролмагандирман. Шундай қилиб бирга яшашни давом эттиришга имкон қолмади. Бир-биримизга ҳурмат ва дўстлик меҳрини сақлаб қолиш учун ҳатто ажрашганимиз яхшироқдир, бир-биримизда қолдирган ширин хотираларни узил-кесил қора пўёққа беламай қолдирганимиз дурустроқдир. Клотилда афсус-надоматлар ила отасиникига кетди. Аммо у ўз келажагига иншонди, мен унга умидлари пуч чиқмаслигини тилайман. Менинг ўзимга келсак... мен 8 йил олдинги ҳаётимга қайтаман, фақат фарқи шундаки, мен энди фикрлар билан тўламан, балки, қайтуларим, кучим, тажрибам кўпроқдир».

1901 йилнинг феввалида улар ажрашдилар. Клотилда Бреал тез орада машҳур пианиночи Кортага эрга тегиб кетди. Ромен Роллан шу йили ёзда бир оз ёзилиш учун Мер-Мориц курортига кетди. У ерда бундан ўн йил илгари танишган ва унча-мунча кўририб юрган София Гуеррьери-Гонзага деган итальян қизини учратиб қолди. Роллан бу гузал қиз билан узоқ-узоқ суҳбатлашар, унга ишониб ўзининг ижодий режалари ва ниятларини айтиб берарди. Энди у билан никоҳланиши мумкиндай кўринарди. Аммо Клотилда билан ажрашувнинг қалбида қолдирган чуқур жароҳатлари, кунпаякун бўлган вайрона кўнгли янги уй-

ланишни қабул қилолмаётган эди. Улар фақат дўст бўлиб қолдилар. Роллан оламшумул ёзувчига айланганда, 1935 йили, шунча вақт бутунлай кўришмай кетган Клотилда Бреал унга бир хат ёзди. Роллан унга ўтмишдаги барча яхшиликлари учун миннатдорчилик билдириб хайрихоҳ бир оҳангда жавоб қайтарди. «Бутун умрим меҳнат ва жангларда ўтди. Балки, унинг энг номусиб қисми сизга ато бўлгандир. У шундай йиллар эдики, мен ҳолдан тойгунча бўшлиқ билан, адоватли нописандлик билан курашишимга тўғри келарди. Ёшликка хос муросасизлик билан ҳурпайиб ўзимни ҳимоя қилишга мажбурлигим сабабли, сажиям (характерим) ашаддий бўлиб кетганди. У кунларнинг сояларини унутайлик! Биз иккимиз биргаликда шиддат ва умиднинг ажойиб соатларини бошдан кечирдик. Агар мен кейинчалик қандайдир ҳосилни йиғишга муваффақ бўлган бўлсам, бу ҳосилнинг каттагина улуши биз биргаликда сочган уруғларга тегишлидир. Бу борада мен сизни жуда кўп эслайман...»

Ромен Роллан «Жан-Кристоф» ва бошқа умри боқий асарларни берган руҳнинг ҳақиқий туғилиш вақтини 1901–1902 йиллар деб кўрсатгани бежиз эмас.



АГАТА КРИСТИ билан АРЧИБАЛЬД

(Детектив Қироличасининг муҳаббати)

Агата Кристининг кимлиги



Саргузашт ишқибозлари Агата Кристини кинофильмлар, сериаллар орқали танийди. Италия ва Франция киностудиялари биргаликда суратга олган “Ўргимчак тури”, “Шарқий экспресс” (“Шарққа қатнайидиган тезюрар поезд”), “Айбловчи томонидаги гувоҳ” каби киноасарлар ҳали томошабинларимиз хотирасидан кўтарилмаган. Шу яқин-

ларда ТВ орқали қайта-қайта намоиш этилган “Пуаро” сериали эса халқимизнинг ҳурмати қозонди. Аммо адиба сифатида у адабиёт ихлосмандларига яқиндан таниш эмас. Фақат “Тилсимли шоҳмот” ҳикояси таржимон Қодир Мирмуҳамедов томонидан она тилимизга ўтирилган (“Жаҳон адабиёти” журнали, 1998 йил, июль сони). Ҳолбуки, Агата Кристи 78 та детектив ва 6 та ишқий роман, 19 та сахна асари ва кўплаб ҳикоялар муаллифидирки, уларнинг аксарияти 103 тилда нашр этилган ва Агата Кристи “Детектив романлар қироличаси” деб ном қозонган.

Агата Кристи 1890 йили Англиянинг Торни шаҳрида тавалуд топган. Қопқора чақноқ кўзлари туфайли Агата деб аташгани шубҳасиздир. Агата туркий тилларда “ақиқ” (қимматбаҳо портоқ тош) маъносини билдиради.

Агата ёшлигида отасиз қолди. Оиладаги қийин аҳвол унинг старлича маълумот олишига имкон бермади. У етим қизларнинг қиёти қандай бўлишини билди. Бойлар билан камбағалларни,

тўғрилар билан ўғриларни, қочувчилар билан қувувчиларни ўз кўзи билан кўрди. Унинг ҳаёлот, тасаввур дунёси жуда кучли, ўзи эса камтар, синчков, зеҳни ўткир эди.

Биринчи муҳаббат

1912 йил. Агата 22 ёшга кирган пайтлари. Дугоналаридан бири уни катта зиёфатга олиб борди. Кечки базмда бир зобит йигит уни рақсга таклиф қилди. Арчибалъд Кристи исмли бу йигит шоввоз лейтенант қирол даргоҳидаги ҳарбий ҳаво кучлари таркибида хизмат қиларди. Шу кеча у Агатани ҳеч ўз ҳолига қўймади, фақат у билан рақс тушди. Агата бўйдор ва дуркун, табиатан камгап, масъума қиз эди. Эҳтиросли Арчибалъд беозор Агатани жон дилидан ёқтириб қолди. Тез орада уйларига совчи қўйди ва улар унашилдилар.



Аммо оилавий аҳволнинг танглиги туфайли унашилганча икки йил юрдилар. 1914 йили, биринчи жаҳон уруши арафасида ниқоҳдан ўтдилар. Машъум уруш ёш келин-куёв орасига айрилиқ солди. Арчибалъд жабҳага жўнаб кетиши шарт эди. Шундай бўлди ҳам. Қийинчиликка ўрганиб қолган Агата ҳарбийлар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлай бошлади.

Агатанинг опаси бор эди. У ҳикоялар ёзиб, газета-журналларда чиқариб турар, тузуккина қалам ҳақи олиб, Агатанинг ҳавасини келтирар эди. Кунлардан бир кун, у таътилга чиққан пайтида, опасига тақлидан бирон нарсa ёзмокчи бўлди. Бир воқеани ўйлаб ёза бошлаганда, ёзганлари ҳеч тугамай чўзилиб кетаверди, чўзилиб кетаверди. Вақт эса қисталанг эди, таътилда тугатмаса, кейин умуман ёзишга фурсат етишмаслиги турган гап. Шундай қилиб, бир неча ҳафта ичида мўлжалини охирига етказди ва ёзган нарсаси романга айланди. У “Стайладаги сирли жиноят” деб аталарди. Агата романи босилишига унчалик

ишонмаса ҳам, толеини синаб кўриш учун, ҳар қалай нашриётга топширган эди, омад унга кулиб боқди: роман жуда тез босилиб чиқиб, шуҳрат қозонди. Агата Кристи кейинчалик ёзган таржимаи ҳолида ярим табассум билан, аллақандай сирли таёқча бир ишора қилди-ю, бирдан машҳур аёл бўлиб кетди, деб айтади.

Уруш тугагач Арчибалд Кристи ёнига қайтиб келди, энди у полковник эди. Севишганлар бир-бирининг дийдорига тўймасдилар. Мурод-мақсадларига етгандек эдилар. Агата 1919 йилда унга жажжи қизалоқ ҳадя қилди, отини Розалинда қўйдилар.



Муҳаббатнинг дарз кетиши

Агата кетма-кет романлар ёза бошлади. 1922–26 йиллар “Пуаро суриштирув олиб боради”, “Каминларнинг асрори”, “Рожео Экройднинг ўлдирилиши” каби бешта романини нашр қилдирди. Унинг бутун фикри ёди Артур Конан-Дойлнинг аъналарига риоя қилиб, ўзи ҳам из қувувчи — синчи тимсолини яратиш билан банд эди. Шу тариқа унинг дастлабки романларида белгиялик беназир изқувар Эркюл Пуаро ва Марпл хоним образлари пайдо бўлди. Айниқса, Марпл хоним тимсоли адабиёт оламида янгилик бўлди. Катта ишларда ишлаб, эрга тегмай ўтган Марпл хоним, адлиявий ишларни яхши кўрганидан ёки жиноий ишларни текширишга ишқивозлигидан эмас, балки қонуннинг кучи етмай қолган пайтларда, жиноятни фош қилишни маънавий бурч деб билганидан, тергов ишларига аралашиб кетар ва бу ишда моҳирлик, жасорат кўрсатар эди.

Агата Кристи ана шундай улуг ҳаёллар билан яшаркан, табиийки, ёш эри — полковник Арчибалдни, ўзининг аёллигини бир қадар унутар эди. Ҳаёлида оилавий турмуши гўзалдан гўзал, бошқалар ўрнат олса арзигулик эди. Аммо Агата Кристида эр учун вақт етишмагани каби, кўркем ва ёш полковник Арчибалд

Кристида ҳам хотинига диққат-эътибор кундан-кунга камайиб борарди — у кутилмаганда гольф уйинига қизиқиб кетди. Бу Англияда кенг тарқалган соққа уйин эди. Махсус таёқча билан соққани уриб олисдаги кавак чуқурчаларга тушуриш керак бўлади. Агатага эрининг эътиборсизлиги бир оз малол кела бошладиган унинг кундалик машғулотларини кузатиб юриб, тез орада Арчибалъднинг юрагини яқин таниши Нэнси Нили эгаллаганини пайқади. Арчибалъд Нили хонимни яхши кўришини тан олиб, Агатадан ажрашишга розилик беришни сўради. Агата ноилож розилик берди.

Ўч олиш

Агата ўзини алданган ва ташланган аёл деб ҳис қиларди. “Детектив қироличаси”нинг юраги исёнда эди. Арчибалъд эса хотинининг нималарга қодирлигини билмас эди.

Агатанинг икки ўринли “Моррис” машинаси бор бўлиб, ўша совуқ декабрь куни оқшомда машинага ўтирди-да, Беркширдаги уйларида чиқиб, номаълум томонга йўл олди. Ажрашув шартлари ҳақида келишиб олгани уйига қайтиб келган полковник аҳволдан ҳайратланиб, у ёқдан-бу ёқдан суриштирди. Агатанинг дарагини тополмагач, полицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Эртасига машина Сайлент-Пул деган хушманзара бир кўл яқинидаги йўлдан топилди. Ичида аёллар мўйна либоси, бир жомадон қўйлақлар, икки жуфт туфли ва Агата Кристи номига берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси чиқди. Ҳужжатларнинг муҳлати ўтиб кетганди.

Лондон газеталарининг ҳаммаси машҳур адибанинг ғойиб бўлгани тўғрисида ёзишди. Полковникнинг Кристининг уйи куну тун назорат остида қолди — полиция унинг телефондаги ҳамма суҳбатларини тинглар, изкувар-синчилар ҳар куни Арчибалъднинг ва унинг ишхонасини кузатар эдилар. Мени хотинини ўлдирган деб гумон қилишяпти, деган эди алам билан Арчибалъд беш ошнасига. Қидирувлар авжга чиққан бир паллада полицияг Хэрроу деган шаҳарчадан бир дарак келиб қолди, унда айтилишича, Агата Кристи йўқолган кунининг эртасига, яъни 4 декабрь куни “Гидро” меҳмонхонасига ўзини “Кейптаунлик мисс

мисс Нили” деб танитган бир аёл тўхтаган экан, унинг кўринишлари Кристига ўхшар эмиш. Полициянинг бутун диққати “миссис Нили”га қаратилди.

Газеталарда адиба бегона ном билан “Гидро” меҳмонхонасида бекиниб юрибди, деган хабар тарқалди. Деярли ҳамма Лондон газеталари ўз мухбирларини Хэрроуга сафарбар қилишди. Бундан бир иш чиқмади. Фақат “Дейли ньюс” газетасининг мухбири ишини қойиллатди: у “миссис Нили”ни миссис Кристи, деб чақирган эди, Агата унга бурилиб қаради ва натижада чиндан ҳам Агата Кристи эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

Ойнинг ўн беши ёруғ

Газеталар ёзувчидан нега бундай қилганини суриштириб тинмасди. Аммо у ҳеч қачон жавоб бермади. Баъзи танқидчиларнинг уни шуҳратпарастликда айблаши, китобларига эътибор тортиш учун шундай қилган, дейишлари асоссиз эди, чунки ажрашувидан олдин чиққан “Рожер Экرويدнинг ўлдирилиши” романи шов-шувга сабаб бўлган эди. Бор-йўғи у эрини жазоламоқчи, азобланишга, пушаймон бўлишга мажбур этмоқчи эди. 1928 йилда Агата ва Арчибалд расман ажралишди.

Арчибалд Агатадан бир ёшгина катта бўлиб, Лондон Ситида омадли корчалонлардан эди. Агата билан ажрашгач, Нэнси Нилига уйланди. Аммо Агатадан 14 йил олдин вафот этди.



1930 йилда Агата Кристи Ироққа бориб, қадимшунослар билан бирга тарихий Ур шаҳрининг қазилмаларида иштирок этди ва шу ерда ёш, истеъдодли археолог Макс Мэллоуэн билан танишиб қолди. Агата қирққа кирган, Макс эса 26 ёшда эди. Тарбияли, маълумотли, диди баланд бу йигит билан ўрталарида севги пайдо бўлди. Шу йилнинг 11 сентябрида уларнинг тўйлари бўлди. Ёшларидаги 14 йиллик фарқ бу муҳаббатга заррача салбий таъсир кўргиза олмади. Улар 46 йил бирга яшадилар. Бу вақт ичида

Агата бошқа асарларидан ташқари 78 та роман ёзди. Хўш, Агата аввалгидан ҳам кўпроқ ижод қилар экан, бир-бирлари учун қандай вақт топдилар, деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, булар икковлари ҳам кўп вақтларини ижодга бағишлар эдилар. Арчибальднинг иши ишхонасида тугар, уйда унинг бўш вақтин кўп бўларди. Макс эса илмий ижод билан банд эди, Агата адабиёт ижод билан... 1968 йили Макс Мэллоуэн Британия қадимшунослиги олдидаги буюк хизматлари учун рицарлик шарафи билан тақдирланганди, 1971 йили Агата Кристи эса Британия Империясининг командор-хоними ордени билан мукофатланди.

Агата Кристи 86 ёшида, вафоти олдидан Максга шундай дейди:

— Макс, мен сен билан шунча йил бирга яшадим. Сендан мингдан-минг розиман. Мени яхши қаритдинг. Аммо ҳали ўзини ёшсан. Яна бир аёлни бахтли қила оласан. Агар мени рози бўлсан десанг, дугонам Барбара Паркерга уйлан.

— Йўқ, ундай қилолмайман, — деди Макс. — Ҳеч қачон.

— Менинг вақти-соатим етди. Лоақал вафотимдан кейин Барбарага уйланишга сўз бермасанг, мен кўз юмолмайман. Сўз бер.

Агата 1976 йили оламдан ўтди. Макс Барбарага уйланди, аммо у билан бир йилча яшади, холос. Макс 1977 йили қазо қилди.

Агата Кристининг асарлари каби муҳаббат романи ҳам бир умр қизиқиб ўқишга лойиқ ўзига хос ҳаётий китобдир.



МАРГАРЕТ РОБЕРТС билан ДЭННИС ТЭТЧЕР

(Манфаатли никоҳ)



Манфаатли никоҳларнинг кўпинча охири вой бўлади: бир томоннинг иккинчи томонга хиёнат қилиши ёки кўзланган бойликнинг кутилмаганда елга совурилиши ёки саратонда ёгган қордай мусибатлар ҳаммасини барбод қилиб муҳаббат иморатини йиқитади.

Аммо баъзан манфаатли никоҳлар ҳам яхши марраларга етиб бориши мумкин экан. Бунда томонларнинг тарбияли бўлиши, ҳудожўйлиги ҳам муҳим аҳамият касб этса керак, деб ўйлайман.

Б у ю к Британиянинг Бош Вазир Маргарет Тэтчернинг никоҳи аслида манфаатли никоҳ эди, аммо ўзидан ўн еш катта бўлган эри Дэнис Тэтчер билан ёмон яшамеди. Маргарет кунлардан бир кун журналистларга интервью бераркан, бу никоҳни «ҳафтиллар, ойлар ва йиллар оралаб ўтган олтин ришта» деб атади.



1. Маргаретнинг болалик ва қизлик йиллари

Маргаретнинг қизлик фамилияси Робертс бўлиб, баққоллик шуконининг соҳиби Элфрид Робертс ва чевар-тикувчи Беатрис оиласида Линконшир графлигининг Грэнтем деган кичик бир

шаҳрида 1925 йилда оламга келган эди. Маргарет туғилганда опаси Мюрнал тўрт ёшда эди. Отаси асосан тижорат билан машғул бўлса-да, маҳаллий кенгаш ишларига ҳам фаол қатнашар, шаҳар ҳокимининг ўринбосарларидан бири, кейинчалик шаҳар ҳокими бўлган эди.

Робертслар боққолия дуконининг иккинчи қаватида жуда кам тарона ҳаёт кечирардилар: хонадоннинг ваннаси, иссиқ суви йўқ, ҳатто туалетлари ҳам ҳовлида эди.

— Бизга болаликдан художўйликка қандай аҳамият берсак, озодаликка ҳам шундай аҳамият беришимиз кераклиги сингдирилар эди, — деб хотирлайди Маргарет. — Мен уйимизнинг полини йилтирагунча тозалаб артар эдим. Ҳар гал бозор куни дам, ойим — ҳаммамиз қатъий тартиб билан маҳалла черковини ибодат қилгани борардик... Отам ҳам, онам ҳам кичкиналиги миздан бошлаб инсонлик бурчига қаттиқ риоя қилишни ўргатишарди. Черковга нисбатан, қўшниларга нисбатан бурчдорли туйғусини сингдиришар, онгли қадам босишимизга эътибор қаратишарди. Кичкина бир шаҳарда камтарона уйда ҳалол меҳнат билан яшаганим, кейинчалик Бош Вазирликка сайланаётганим да ғалаба қилишимга ёрдам берди.

Чиндан ҳам Маргаретнинг камтар-камсуқум, иродали бўлиб тарбияланишида отасининг таъсири жуда катта бўлган эди. Маргарет отасининг айтганларига садоқат билан, қаттиқ риоя қиларди. Отаси Маргаретнинг харажатлари учун ҳафтасига икки пен (инглизларнинг энг майда пули) ажратарди, аммо Маргарет бунни оз, демас, отасининг чизигида юрарди. Дўстларинг нима қилса, сен ҳам шуни қилишинг шарт эмас; сен одамларнинг кетидан эргашма, уларни ўзингга эргаштир, дерди отаси Элфрид. Ўқитувчиларининг хотирлашича, Маргарет намунали ўқувчи бўлган, уй вазибаларини қўнт билан адо этаркан. Инобатга олса бўладиган бир воқеа: Маргарет тўққиз яшарлигида бадийий ўқини бўйича мусобақада ютиб чиққан эди. Ўқитувчилардан бири «бир омадинг келиб қолди-да», деса, «Омад? Қанақа омад? Мен ҳақли равишда ютдим!» деган экан.

Отаси шаҳар ҳокими бўлгани учун унинг ошналари уларни киди йиғилишар ва дунё муаммолари ҳақида баҳслашишар эди. Ўн ёшли Маргарет ўртоқлари билан уйнагани кетмай, сафдонларнинг баҳсларини тинглаб ўтирар ва парламентга ўз номзоди

ни қўяётган кишиларнинг турли ҳужжатларини тегишли жойларга элтиб беради. Улфатларнинг алоқачиси бўлиб хизмат қиларди. Мактабни битириш арафасида Маргарет бир артист-чikka қизиқди. Аммо отасининг назарида актёрлик енгилтак машғулот эди. «Келажакнинг режасини тузётганингда, қанчалик оғир бўлмасин, ўзингга муносиб тўғри йўлдан бошқасига алаҳ-симаслик зарур экан», дейди кейинчалик Маргарет.

Маргарет Оксфорд университетининг кимё куллийтини бит-ташишга аҳд қилади. Аммо бунинг учун у лотин тилини ўргани-ши керак эди. Отаси лотинчани ўрганишига зарур бўлган пулни беради. Маргарет лотинчадан ҳам аъло баҳо олиб, Оксфорд уни-верситетига киради. Бу — Элфриднинг қизига сўнгги ёрдами эди. Бундан бу ёғига Маргарет ҳаёт тўлқинлари бўйлаб ўзи мус-тақил сузиб кетади. У йилларда университетга қизлар кўп ҳам тиравермас эди.

Айниқса, Маргаретлар оиласи мансуб бўлган камтар ижти-моий табақалардан ҳеч ким йўқ эди. Маргарет талабалик йилла-ридан бошлаб у йилларда у қадар обрўйи бўлмаган Консерва-торлар фирқасининг ишларида фаол қатнаша бошлади.

1946 йилда Маргарет Робертс университетни битказди ва озиқ-овқат технологияси соҳасида тадқиқотчи-кимёгар бўлиб ишлай бошлади. Кейин Консерваторлар фирқаси Кент графлигидаги Чартфорд шаҳридан парламент сайловларига унинг номзодини илгари сурди. 1948 йилнинг бу оқшоми Маргарет ҳаётида икки томондан жуда муҳим бир кун бўлди. Сайловга унинг номзоди қабуллангандан кейин Дэннис Тэтчер деган бир бизнесмен ўз ма-шинасида уни уйига кузатиб қўйди.

2. Маргаретнинг oilавий ҳаёти

Маргарет ишбилармон бўлиб улғайгани учун, муҳаббати ки-миёси ҳам шунақа бўлди. Бўйи етиб келишган қиз бўлганда ҳам у ўз ошиқларининг кимлигига, уларнинг синфий даражаси ва бой-камбағаллигига қараб муомала қиларди. Энг олдин унга бир фермер — оддий қишлоқ йигити парвона бўлганди. У Мар-гаретга одам юборганда совчиларга йўлакдаёқ жавоб тегди. Шуҳ-ригипараст Маргарет келгусида қишлоқда яшамоқчи эмасди... Фермер йигит кейинроқ унинг опаси Мюриалга уйланди.

Мактабни битириш арафасида Маргарет бир графнинг ўғлини яхши кўриб қолганди. Аммо йигитнинг онаси бунга, худди Маргаретнинг ўзидай, қаршилиқ кўрсатди. Боққолнинг қизи боқ қолга тегаверсин, у ўғлимнинг тенги эмас, деб уни ўғлига яқинлаштирмади. Шунинг учун Маргарет Университетга кирганди севги савдолари билан ўралашмай, ўзини бутунлай илм эгаллашга ва сиёсий фаолиятга бағишлаган эди. Йигит-қизлар билан кўпда яқинлашмас, улар орасида битта ҳам яқин дўсти йўқ эди. Бунинг устига моддий таъминоти ҳам ночор аҳволда, фақат стипендияга яшар, ҳатто баъзида бир бурда нону битта тухум билан қаноатланарди.

Университетни тугатиб, ишга келган жойида ҳам одамларга қўшилиб кетмади. Кимёгар-технолог бўлиб ишласа ҳам, ҳаёли бошқа ёқда эди. Шунинг учун ҳамкасблари уни ёқтиришмас, орқасидан Герцогиня Хоним деб аташарди. Консерваторлар фирқаси парламентга унинг номзодини қўйган ўша қутлуғ кунни Маргарет, Дэннис Тэтчер билан танишди. Дэннис ўзининг ҳашаматли «йўлбарс»ида Маргаретни кузатиб қўйди...

Олдиниға Дэннис унда у қадар яхши таассурот қолдиргани йўқ. Шундай бўлса ҳам йигитнинг хушомадларини қайтариб ташламади. Ичида: «У ахир турли бўёқлар ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарса, мен кимёгар бўлсам, тагин менга нима керак?» деб ўйлади. Бунинг устига устак икковларининг сиёсий қарашлари ҳам бир хил — икковлари ҳам Консерваторлар фирқасининг тарафдори эдилар. Дэннис икковларининг умумий манфаатлари уларни никоҳ билан боғланишга олиб келди — ўз интервьюларининг бирида Бош Вазир Тэтчер никоҳлари манфаат устида қурилганини тан олганди.

Маргарет фақат бир нарсадан хижолат бўларди. Йўқ, Дэнниснинг ўзидан ўн ёш катталигидан эмас... Маргарет, юқориди айтганимиздай, диний тарбия кўрган, уларнинг динида исломдаги каби қўш хотинлиликка йўл қўйилмас, Дэнниснинг эса хотини бор эди. Улар бекитиқча никоҳ шартномаси туздилар буни Маргаретнинг ота-онасига ва бўлғувси фарзандларига билдирмадилар. Бу тарих анча кейин — Маргарет Тэтчер Бош Вазир бўлганидан сўнг очилди — журналистлар махфийлаштирилган ҳужжатларни кавлаштириб топдилар: Дэнниснинг илк хотинининг исми ҳам Маргарет экан.

Уларнинг никоҳланиш тўйи 1951 йил 13 декабрда бўлиб ўтди. Маросимда куёвнинг онаси ва опаси қатнашди. Улар Маргаретни рўдаподай узун кўк никоҳ либосида кўриб, ҳафсалалари пир бўлди.

Модомики уйланаркан, бундан тузукроғини топса ҳам бўлар-ми-ку, деб Дэннисга ачинишди. Аммо Дэннис ҳам, Маргарет ҳам бундай деб ўйлашмасди. Дэннис фақат ишхона ишларини катта бўлга олиб чиқишни эмас, оилани бошқаришни ҳам хотини зиммасига юклади. Маргарет эса, ҳаётининг мазмуни бўлган сиёсатга берилиш учун оёқ остидаги заминини мустаҳкамлаб олди. Дэннис Маргаретни «хўжайин», «бошлиқ» деб чақирар, ўзини унга қарам қилиб кўрсатиб, ўзи бемалол ялло қилиб юарди. У хотинига ўхшаган одамови эмас, киришимли ва дилкаш эди. Фақат бир томони етганда муаммо эди — у ичкиликни яхши кўрарди, ҳатто, тантанали йилларда ҳам қаттиқ ичиб олиб, кайфи ошиб қолар, ҳамма нарсани миридан сиригача билишни истайдиган хира-хандон журналистлар уни шу аҳволда суратга олиб, матбуот орқали ҳамма оққа кўз-кўз қилишгани Маргаретни жуда безовта қилар эди. Шунинг учун Маргарет эридан журналистларга интервью бермасликни талаб қилар, журналистлар эса, аксига олиб уни яхши кўришарди. Ҳатто у ҳақда ҳажвий пьеса ҳам ёзгандилар.

Комедиянинг мазмуни эса мана бундай эди: Тэтчер баъзи-бир пайтлар кабинет мажлисини ўзининг шаҳар ташқарисидаги резиденциясида ўтказаркан. Катта хоналарнинг бирида Буюк Британиянинг энг катта амалдорлари йиғилишиб, йирик умуминсоний масалаларни муҳокама қилишаётган бир пайтда катта деразадан Дэнниснинг беғам-бепарво гольф ўйнаётгани кўри-



ниб турарди. Ҳатто Маргаретни тўлғоқ тутганда ҳам Дэннис ўзини кўрсатган эди. Тўлғоқ мўлжалдан етти ҳафта бурун тутган, бу пайтда бепарво Дэннис крикет бўйича чемпионатда юрган эди. Бечора Маргарет бир ўзи амаллаб туғуруқхонага етиб олган ва эгиз — бир қиз, бир ўғил туққан эди. Ўғилни Марк деб, қизни Кэролл деб атадилар. Қиз улгайганда эрга тегиб, Австралияга, ўғил уйланиб Америкага кетдилар.

3. Маргарет Тэтчер — сиёсий раҳбар

(Ташиқи ва ички фаолиятига оид айрим чизгилар)



Ҳукмдорлар ҳокимият тепасиги гуруллаб келадилар, аммо кетишда... кетиш уларнинг ихтиёрида бўлмайди: ё шафқатсиз ўлим уларни у комига тортади, ё вақти-соатлари келиб, тахтдан қулашга мажбур бўлади. Шундайлигини билсалар ҳам, улар яна бир кун бўлса-да, тахтада ўтиргилари келади. «Мансабнинг нони ширин!» деган эди бир вақт бир ҳоким.

Буюк Британиянинг Бош Вазир Маргарет Тэтчер 1979, 1983 ва 1987 йилги сайловларда ғалаба қозониб, бу лавозимда 1979 йилдан 1990 йилнинг охиригача ишлади. Бу постда

шунчалик узоқ ишлаш асрлар давомида ҳеч кимга насиб этмаган эди. Фақат Ливерпул графигина бу вазифада Тэтчердан ортиқроқ хизмат қилган, яъни 1812 йилдан 1827 йилгача Бош Вазир бўлган эди. Маргарет Тэтчерга иккинчи ўринни эгаллашдай шараф насиб этган бўлса ҳам, ҳали истеъфога чиққиси йўқ эди. Аммо Консерваторлар партияси етакчиликини Тони Блейрга топширгандан кейин, Тэтчер истеъфога чиқди.



ДИАНА билан ДОДИ

(Диний мутаассиблик қурбонлари)



Неча-неча юз йиллардан буён турли динларга мансуб инсонларнинг муҳаббат тарихлари дунё мутафаккирларининг фикр-хаёлларини нотинч қилиб, юракларини ачиштириб келади. Сўз санъатининг усталари бу муҳаббат тарихларининг манзараларини бериш орқали барча динларнинг мутаассибларини инсофга чақириб, инсонга бир марта берилган ҳаёт-

ли ҳар бир йигит ва қиз, эркак ва аёл бахтли яшашга ҳақли эканлигини кўрсатиб келадилар.

XII аср майдонидан туриб Фаридиддин Аттор, араб Шайх Санъон ва гуржи қизи Тамара (Хумор) муҳаббатининг тасвири орқали иккала томон мутаассиблигига қарши ўзининг буюк сўзини айтди.

XV аср майдонидан туриб буюк Алишер Навоий хитойлик турк йигити Фарҳод ва Қофқозлик арман қизи Шириннинг муҳаббат тарихлари орқали ўртадаги диний муаммони ҳал қилишнинг юсак намунасини кўрсатиб берди.

XVIII аср майдонидан туриб улуғ немис драматурги Лессинг «Донишманд Натан» драмасида турк йигити Султон Салоҳиддин билан яҳудий қизи Реханинг муҳаббати мисолида адолат туйғусини донишмандлик билан ҳар қандай диний чекланишларга қарши чиқди. XX асрда улуғ Озарбайжон шоири ва драматурги Ҳусайн Жовид Шайх Санъон фожиасини жонлантириб яна шу мавзунинг ўртага қўйди. Аммо XX аср охирида яна битта муҳаббат фожиаси билан яқунланди: 1997 йилнинг 31 декабрида инглиз маликаси

Диана билан мингдан асраб миллиардер. Муҳаммад ал-Файёдинин угли Доди ўрта-сидаги мулоқот Париждаги Альми Миллони остидаги туниқли, гушчиликнинг фикрига, уюштирилган авто-тўқилиш оқибатида барҳам топди ва бу воқеа, менинг назаримда, ўзининг шекспирона талқинини кутаётир.



Англия қироличаси Елизавета ва унинг эри герцог

Филипп 1985 йилда тахт вориси шахзода Чарльзни фариштадай гўзал қиз Дианага уйлантиришди. Вақти соати билан улар бир ўгил кўрдилар, отини Уильям қўйишди. Аммо номаълум сабабларга кўра, қайнотаси Филипп Дианани ёқтирмасди. Балки, бунинг боиси Барри Маннакли бўлгандир. Барри Маннакли, малика Диананинг севимли шахсий кўриқчиси эди. Қайнотаси келинини, эҳтимол, бу кўриқчидан рашк қилгандир. Бундай деб тахмин қилишга асос шулки, 1987 йилда моҳир мотоциклчи бўлмиш Барри Маннакли тушуниш қийин бўлган ҳалати шарт-шароитларда автофалокатда ҳалок бўлди. Ўшанда бутун Лондон бўйлаб бу фалокатни махфий хизмат ходимлари уюштирган, деган миш-мишлар тарқалган эди. Малика Диана ўзининг содиқ кишиси билан улар шундай ҳисоб-китоб қилишди, деган тахминда эди, чунки бундан бир мунча бурун собиқ махфий кузатув ходими Томлинсон, контрразведка ички идораларида бир қурилма ишлаб чиқарилган, кимки «юқорига» ёқмай қолса, унинг машинасига ўша қурилма ташлаб қўйилади ва машинанинг тормози ишламай қолади, деб ёзган эди. Ҳар неки бўлмасин, Барри Маннаклининг ўлимида бошқаларнинг қўли борлиги исботланмади. Орадан яна йиллар ўтди. Чарльз билан Диана яна бир ўгил кўрдилар ва отини Гарри қўйдилар. Иккала ўгил ҳам Дианани қаттиқ яхши кўришар, унинг таъсири остида яшашарди.

Аммо Чарльз, отасининг таъсирида Дианадан совудими ё ора-ларидан ола мушук ўлдими, бирдан бошқа бир аёлга кўнгил берди:

Камилла Паркер Боулз деган эрли, уйли-жойли хотин билан дон олиша бошлади. У Дианадан бир неча ёш катта ва Дианага нисбатан анчагина хунук эди. Бу ҳол Диананинг иззат-нафсига теккан бўлса керакки, у ҳам уйлаб-нетиб ўтирмай, Лондонда яшаш юритаётган бойвачча араб йигити Доди билан «юра бошланди». Шу тариқа оилада «муҳаббат қурган иморат» вайронага айланди. Чарльз билан Диана ажрашишга ҳаракат қила бошладилар. Эр-хотиннинг аҳволи қайнотага ҳам маълум эди. Герцог Филипп Дианага йўллаган бир хатида шундай деб ёзди:

«Биз иккалангиз ўйнаш орттирганингиз учун, биронтангизни ҳам қўлламаймиз. Шундай мавқеъни эгаллаб турган Чарльз, Камиллани деб ҳамма нарсаси таваккал қилаётгани ахмоқлик бўлди. Биз ҳеч қачон ўғлимиз ўшани деб сизни ташлаб кетади, деб ўйламаган эдик. Мен Камилла деб сизни ташлаб кетиши мумкин дея оладиган эси бутун биронта одамни тасаввур қилолмайман. Бунга ҳеч қачон ҳатто бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган».

Аммо қайнота бу ҳодисаларнинг ҳаммасида чиройли келинини айбдор деб ҳисоблар эди. «Сиз ҳолислик билан ўз юрагингизга бир қаранг ва, айтингчи, Чарльзнинг хатти-ҳаракати билан сизнинг хулқингиз орасида бир боғлиқлик йўқми?» деб ёзган эди у.

Бу гаплардан айбларни фақат қайнотага йўналтириш ҳам унчалик тўғри эмас. Қайнота-қайнона иккаласи ҳам Дианага кўп яхши насиҳатлар бериб туришарди. Чунончи, бир сафар 1993 йилда Диана болалар уйининг тарбияланувчилари билан учрашганда жуда самимий, юрак-юракдан гаплашган, ҳатто, бир боланинг гапларидан таъсирланиб йиғлаб юборган, юзларига кўзёшлари дувиллаб оқиб кетганди. Икки ҳафта ўтар-ўтмас болаларнинг ҳамма илтимосларини тўла-тўқис адо этган эди. Ўшанда қайнотаси унга: «Келин, Британия халқининг қаҳрамони бўлиш қийин эмас, меросхўр шахзодага хотин бўлиш ундан қийинроқ», деган ва эрининг кўнглини олиш кераклигини уқтирган эди.

Кейинчалик, икки болалик бўлиб, ажрашмоқчи бўлишганда ҳам, қайнота-қайнона ёшларни жуда кўп бора муросага чақириб, иззат-нафсларингизни тизгинлаб олинглар, икки ўғил ҳаққи, қиролик ҳаққи, мамлакат ва халқ учун бир-бирингларни кечиринглар, деб қатъият билан таклиф киритишган эди. Аммо Чарльз ҳам, Диана ҳам бирон нарсани ўзгартишга кучлари етмасди.

Шундай қилиб, Дианага талоқ хати берилиб, қирол оиласи рўйхатидан расмий равишда ўчирилди, у севган йигити билан яшай бошлади. Аммо эркин яшаш ҳуқуқига эга бўлдимиз?.. Йўқ, хиёнатлар ва гийбатлар Диана ва Додининг Альмаости туннелида фожиали ҳалокати билан ўз нуқтасини топди.

Яқинда маликанинг саройбон дўсти Пол Баррел ўзининг «Қиролларга мансубликнинг мажбуриятлари» номи китобини эълон қилди. Унда малика Диананинг ўлиmidан ўн ой бурун ёзган бир хати ҳам берилган. 1996 йил декабрида имзоланган бу хатда у ўзининг автофалокатда ўлажагини ёзган эди, бу хабар барча ингличларни ларзага солди. Маълум бўлишича, бир одам (маликанинг хатида унинг исми қора бўёқ билан ўчириб ташланган, аммо кимлигини кўпчилик биларкан) маликанинг собиқ эри Чарльз янги никоҳдан ўтиши учун Дианани автофалокатда йўқ қилиш режалаштирилгани тўғрисида хабар берган. (Малика дастлабки кўриқчиси Барри Маннакли ўлгандан буён Томлинсон айтган қурилми ўз машинасига ташлаб қўйилишидан хавотирланарди.)

Сарой аҳли маликанинг араб йигити билан никоҳдан ўтишига қарши эди. Улар, биринчидан, Малика Диана Доди билан никоҳдан ўтса, фаластинликлар бундан сиёсий мақсадларда фойдаланиб, насронийларга қарши катта ташвиқот ишларини бошлаб юборишади, деган ҳаёлда эдилар. Иккинчидан, гарчи Диана, Уильям ва Гарри тарбиясидан четлаштирилган бўлса ҳам, унинг болаларга таъсири катта, улар ўз оналарини қўллашлари мумкин, бу эса, қиролликнинг обрўйига путур етказди. Хуллас, қироллик тизимига бутунлай барҳам берилиши мумкин, дея чўчирдилар. Бунинг устига устак, малика ҳомиладор ва унинг ҳомиласи Додидан, деган овоза ҳам тарқалган эди.

Альма майдони остидаги туннелда фалокат содир бўлгач, тез ёрдам чақирилди, аммо ёрдамга келган машина маликанинг жасадини энг яқин госпиталь қолиб, шаҳарнинг бутунлай бошқа тарафига олиб кетди. Маликанинг ярадорлик даражаси оғир эди, аммо унга яқин касалхонада ўз вақтида тез ёрдам кўрсатилса, уни ўлимдан сақлаб қолиш ҳам мумкин эди. Тиббий маълумотномада Диананинг ҳомиласи кимданлиги айтилмаган, бу ҳам атайин шундай қилинган: бола Додиники эканлиги аниқ бўлса, — масала чигаллашган бўларди, албатта. Малика билан бирга бўлган, аммо тирик қолган бирдан бир гувоҳ Тревор Риз-Жонс эса оғзига тош

олган: савол берганларга, мени тинч қўйинглар, дейди. Малика ўтирган «Мерседес»га нима бўлганини айтиши мумкин бўлган «Фиат» машинасининг шофёри, фотограф Андансон ҳам масалани оидинлаштирувчи гап айтиши мумкин эди, чунки суриштирувдан юзага чиқарилган ҳолатга қараганда, унинг машинаси Диана-Додиларнинг машинаси билан тўқнашган, унинг «Фиат»и қапотида бу тахминни тасдиқловчи излар бўлгани фотограф олган фотосуратларда бор эди, аммо бу фотоларни энди кундуз чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, фотограф эса ўзини ўзи ўлдирди: унинг ўлиги ўз машинасидан топилди. Уч нафар ниқобли кишилар эса, Андансоннинг ишхонасига ҳужум қилдилар ва қоровулини ярадор қилиб, бир талай фотоматериалларни ўғирлаб қочишди. Булар кимлар эди? Ҳаётсевар фотограф нега ўзини ўзи ўлдирди? — Булар ҳалигача маълум эмас ва одамини оғир ўйларга чўмдиради.

Альмаости туннелига бир доимий камера ўрнатилган бўлиб, у туннелдаги ҳамма ҳаракатларни доим сувратга олиб борарди. Аммо ўша 1997 йил август кечасида бу камера бошқа томонга буриб қўйилган. Ким буриб қўйган ва нима учун? Малика Диана охириги куни Париждаги «Ритц» деган меҳмонхонада тунаган ва шу ердан сўнгги йўлга чиққан. Бу дабдабали меҳмонхонанинг хавфсизлигини таъминлаш эса бошлиқ ўринбосари Анри Польнинг зиммасида эди.

Юқорида номи келтирилган Томлинсоннинг мақолаларида инглиз махфий разведкасига хизмат қилувчи жуда кўп кишиларнинг исм ва фамилиялари рўйхати келтирилган бўлиб, бу рўйхатда Анри Поль ҳам бўлган. Ўша куни Анри Поль машинада Диана билан кетма-кет йўлга чиққан ва авария чоғида туннелда ҳалок бўлган. Анрини ута майхўр ва ҳатто наркоман эди, дейишади, ўша куни ҳам гуё унинг қонидан алкоголь миқдори кўп чиққанмиш, тиббий маълумотларда шундай деб ёзилган. Одамлар эса, у машинага ўтирганда соппа-соғ ва бақувват эди, деб гувоҳлик беришган. Агар у доимий пияниста ва наркоман бўлса, ҳеч шубҳасиз, жигарида касаллик аломатлари бўлиши керак эди, аммо унинг жигари соппа-соғлиги қайд этилган. Анри Полнинг ота-онаси, текшириш учун Анрининг қонини эмас, бошқа одамнинг қонини олишди, деб баёнот беришди. Балки, чиндан ҳам Анри Поль инглиз разведкасининг топшириғини бажаргандир, деган тахминлар бор.

Пол Баррелнинг «Қиролларга мансубликнинг мажбуриятлари» китоби босилиб чиққандан кейин жамоатчиликда туғилган турли саволлар ва тахминлар салмоқдор «Таймс» газетасида ва бошқа сариқ матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Шу муносабат билан Диана ва Додининг ўлими юзасидан янги суриштирув иши очиладими? — деган саволга Бош Вазирнинг вакили расмий равишда:

Янги суриштирув бўлмайди, деб баёнот берди. Парижда эса 1997 йил 31 августда Дианаларнинг машинаси кетига тушиб, тушнелдаги фожиага гувоҳ бўлган ва воқеани суратга олиб улгурган уч фотограф устидан суд бошланди.

Уша 31 август кунни полиция олти фотограф ва бир мотоциклчини қамоққа олган эди. Уларнинг баъзилари чиқиллатиб сувратга олиш билан овора, баъзилари жабрдийдаларга ёрдам беришга ошиқаётган эди. Диананинг акаси сэр Спенсер, фалокатни уюштирган шулар, деб ўйлаган ва шундай деб баёнот ҳам берган эди. Аммо қатор-қатор далил ва ҳужжатлар бу тахминларни чиппакка чиқарди. Ўтган йилнинг апрелида Париж кассацион суди бу даъволарнинг пучлигини исботлаб берди.

Охири нима бўлди, денг?

Французларнинг қонунларига кўра, автомобиль «хусусий жой» ҳисобланиб, унда ўтирган одамларни уларнинг руҳсатисиз сувратга олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ экан. Жак Ланжевэн, Фабрис Шассери ва Кристиан Мартинез шу қонунни бузишибди. Фотографларнинг ҳар бирига 45 минг евро жарима солинди ва бир йиллик қамоққа маҳкум этилди.



ШАРҚИЙ ОВРУПО

ПЁТР БИРИНЧИ билан ФРЕЙЛИНА ГАМИЛТОН



«Фрейлина» деган сўз бизнинг халқимизга у қадар яхши таниш эмас. Оврупода ҳамда Россияда маликаларнинг хизматини қилувчи аёллар Фрейлина дейилган. Бу бизнинг «қанизак», «чўри» каби сўзларимизга жуда яқин келади.

Бизнинг юртимиз Мустақилликни қўлга киритмасдан олдин, мактабларда «Ватан тарихи» деган фан ўқитиларди. Лекин дарсликларда бизнинг ватан тарихи эмас,

Россия тарихидан сабоқ бериларди ва бизга тўртинчи синфдан бошлаб Пётр Биринчини «Улуг Пётр Биринчи» деб ўргатишар ва у тарих бўйича «энг буюк ҳукмдор» эди. Аммо биз ўз юртимизнинг эгаси бўлганимиздан кейин санокли йиллар ичида маълум бўлдики, ҳар бир ўлканинг ўз ҳукмдорлари, ўз тарихлари, ўз буюкларлари, ўз маданият ва ҳаёт тарзлари бор. Амир Темур Марказий



Осиёда мустаҳкам марказлашган ҳокимият ўрнатгани, бутун жаҳон тарихида сезиларли таъсир қолдиргани, халқимизни катта тараққиёт йўлига бошлагани жаҳон тарихчилари томонидан аллақачон ўрганилган, аммо биздан яширилган экан.

Пётр Биринчининг рус халқи тарихида катта ишлар қилгани ҳам бор гап. У ҳам шарқий Оврупода бир-бири билан олишиб ётган майда князликларга барҳам бериб, Россиянинг ижтимоий ҳаётида ўзгаришлар қилишга эришганди. Газмол ишлаб чиқарувчи фабрикалар, қурол-аслаҳа, тоғ жинслари заводлари қурдирди, савдо-сотиқни ривожлантирди, Сенат ва Ҳайъатлар тартибини ташкил қилди. Мунтазам армия яратди. Кемасозликни йўлга қўйди, мамлакатни губернияларга ажратди, Петербург шаҳрини қурдирди. Қалъа, канал, илмий муассасалар, Фанлар Академиясини очди. Ёзувчи ва шоирларни рағбатлантирувчи маблағлар билан таъминлашни қоидага айлантириб қўйди. Ёш дворянларни чет элларга ўқишга жўнаттирди. Ислохотларга қарши чиққанларни бостирди. Лекин унинг бошқа халқлар, ғайрирус миллатларни исканжага солиш йўлидаги фаолияти, босқинчилик хатти-ҳаракатларини ҳеч оқлаб бўлмайди. Улар умумжаҳон адлия қонун-қоидаларига зид. Яна бир гап шуки, ҳар бир банда, ҳар бир хилқатнинг бир қанча фазилатлари билан бир қаторда бир талай камчиликлари бўлгани каби, ҳукмдорларнинг шахсий ҳаётида ҳам катта хизматлари билан бир қаторда катта камчиликлари ҳам бўлади. Бунини замондошлари нигоҳидан ҳам, тарихчиларнинг назаридан ҳам яширганча кетиб бўлмайди. Лекин ўша камчилик ва нуқсонларни бир-бирига солиштирсак, Пётр I нинг феъл-атворидаги қусурлари билан танишганда, одамнинг эти увишиб туклари тиккама-тикка бўлиб кетади. 1997 йилда рус мақоланавис ёзувчиси, сиёсий тадқиқотчи Игорь Львович Буниннинг «Россияда 500 йиллик уруш» деган китоби босилиб чиққанди (Игорь Бунин. «500-летняя война в России», Санкт-Петербург, «Облик», 1997). Унинг бир бобида Пётр I нинг хотин-қизларга аёвсиз, янада тўғрироғи, ваҳшиёна муносабати тадқиқ этилади. 28 саҳифадан иборат бу боб «Фрейлина Гамильтон» деб аталади. Мен бу ерда шу мақоланинг фақат айрим далиллариинигина жуда қисқа бир тарзда баён қилиб бераман.

1672–1725 йилларда яшаб ўтган, ўн ёшида подшоҳ бўлган Пётр I баланд бўйли (2 метр), соғлом-бақувват ва шаҳватга берилган

инсон эди. У ўзининг севикли хотини Екатерина Биринчига жуда катта штат ажратиб берганди: улар немислар, чехлар, кареллар ва руслардан иборат эди. Пётр I шунчалик ҳурмат ва иззат-икром қилган хотини Екатерина I ким эди? — деган савол туғилиши табиий. Екатеринанинг асл қизлик исми Марта эди. Марта, Самуил деган литвалик бир деҳқоннинг қизи бўлиб, 1686 йилда тутилган, бўйи етар-етмас Иоганн деган бир швед отлиқ аскарини яхши кўриб қолиб, никоҳдан ўтиб, унга тегиб олган эди. Пётр Iнинг армияси Мариенбург (ҳозирги Латвиянинг Алуксне шаҳри)ни босиб олганида, Пётрнинг яқин дўсти князь Меньшиков Мартани асирликка олган, Иоганни эса рус армиясига жалб қилиб, унга жойлаганди. Меньшиков ўз асирасини Пётрдан бекитиб юрган, аммо бир мастлик чоғида мақтаниб, у ҳақда оғиздан гуллаб қўйгач, Пётр асирани Меньшиковдан тортиб олганди. Пётр I Мартадан олдин Евдокия деган бир қизга уйланган ва ундан болалари бор эди. Бу ҳақда солномачи Феодози шундай деб ёзади:

«Буюк ҳукмдор ҳеч қачон ўзини шаҳватга таслим қилиб қўймасди. Малика Евдокия билан ажрашгандан кейин аёл зотига қарашни ҳаёлига ҳам келтирмай, никоҳсиз 12 йил юрди... Токи Екатеринанинг юраги, гўзал ва комил юзини кўрмагунча аёл зотини ҳурмат ҳам қилмас, уларга паст назар билан қарарди. Екатеринани кўргандан кейин эса, то умрининг охиригача унга бўлган муҳаббати сўнмади. Улуғ Пётр шундай кучли ва соғлом вужудга эга эди».

Лекин тарихчининг сўзларига қарама-қарши ўлароқ, Пётрнинг кучли ва соғлом вужуди, вақтинча эмас, кўпинча хотинларни алмаштириб туришни хуш кўрарди. Севимли Екатеринанинг саройида турли унвону вазифалардаги гўзалларнинг саноғи каттагина эди. Уларнинг ҳаммаси Пётрнинг қўлидан ўтган хонимчалар эди. Шундай қилиб, кунлардан бир кун саҳнада Мария Даниловна Гамильтон пайдо бўлди. Пётр бир кўришдаёқ кўнгли суст кетди. «Унда одамнинг шаҳватини кўзғатиш қобилияти кучли» дер эди Пётр. Мария Гамильтон кўп вақт ўтмай саройда таъсири энг кучли аёлга айланди. Унга истаганча кийим-кечаклар, тилла буюмлар ва бошқа нарсалар, шунингдек хизматкор чўрилар бериларди. Давлатпаноҳ унинг олдига келганда, у билан ва унинг чўрилари билан ҳазиллашиб-севишиб ўтириб, доим алламаҳалгача қолиб кетарди. Гамильтоннинг чўрилари қато-

рида Катерина Терновская, Варвара Дмитриева, Анна Крамер, Авдотья Чернишева деган қизлар ҳам бўлиб, 20 яшар Авдотья Пётрнинг эътиборини кўпроқ тортарди. Уни «эркак билан олишадиган полвон ва ўктам аёл» деб мақтарди Пётр.

Гамилтон ясан-тусанга ва пардоз-андозга қаттиқ берилган хотин эди, ҳатто малика Екатеринанинг кийимлари ва пардоз қутиларидан бемалол фойдаланаварди. 1715 йилда у биринчи марта Пётрдан ҳомиладор бўлди. Уша кезларда подшоҳ ундан четроқ юрганди. Авдотья Чернишева билан ва ундан бошқа Анна Монс, Матрена Балк, княгиня Кантемир ва бошқа ёш-ёш хонимчалар билан кўнгилхушлик қилиб юрди. Гамилтонга бутунлай қарамай қўйди. Гамилтон эса Пётрнинг Иван Орлов деган бир навқари (деншчик) билан танишиб олди. Орлов кўркем, бўйдор, савлатли, эпчил ва ақили йигит эди.

Пётрнинг навқарлари йигирматача эди. Уларга хилма-хил, баъзида биринчи даражали ишлар, масалан, генерал-губернаторларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳарбий бошлиқларнинг машғулотлари ва ҳоказоларни ўрганиб келиш топшириларди. Кузатиш, махфий маълумотлар тўплаш, тергов ишларини олиб бориш, ҳатто жаллодлик қилиш ҳам уларнинг зйммасида эди. Подшоҳ дастурхонига қараш, юриш чоғларида ёрдамчи хизматларни адо этиш уларнинг вазифаси эди. Одатда бир ишни бажаришга юборган навқари кетидан унинг ўзини кузатиш учун бошқа навқарини юборарди.

Шу тариқа Гамилтон навқар Орловга, Орлов эса Мария Гамилтонга ошиқи беқарор бўлиб қолдилар. Ўзи умуман бутун Россияда никоҳсиз шахвоний алоқалар кенг тарқалган эди. Нечанеча гўзаллар ҳомиладор бўлиб қолар ва ё туғилмасдан олдин, ё туғилгандан кейин болани нобуд қилардилар. Бундай ҳоллар оммалашиб кетгандан кейин Пётр I, 1715 йил 4 ноябрда никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолганлар учун махсус госпиталь (туғуруқхона) қурдирди ва болаларини ўлдирган оналар учун ўзи жазосини тайинлади. Аммо бола туширишлар ортаверди.

Бу тадбир ва қонунларнинг ҳаммаси Гамилтонга маълум эди. У саройда ҳамон муҳим мавқега эга эди. У ўзига ҳомийлик қиладиган жанобларнинг кўплиги билан фахрланар, Иван Орловни эса, кўпол, саводсиз, ёввойи, аммо эҳтиросли йигит сифатида қаттиқроқ яхши кўрарди. Тақдир уларни бир-биридан ажрат-

масди. 1716 йил 27 январда Пётр ва унинг хотини ўзларининг нарча амалдорлару мулозимлари, хизматчию навкарлари билан чет элга жунашганда, Гамильтон ва Орловни ҳам ола кетишди.

Пётр I нинг чет элга боришдан муроди биринчи навбатда синглиси Екатерина Ивановна билан Мекленбург герцогини бири-бирига унаштириб қўйиш эди. 11 февралда бу иш амалга оширилди ва 8 апрелда подшоҳ, малика ҳамда Польша қироли иш-тироқида никоҳ тўйи ҳам бўлиб ўтди. Аммо 24 мартда Пётр I ўз министри Ушаковдан бир ташвишли хат олди: собиқ калитдор Богданов, малика Екатерина Алексеевнанинг ётоқхонасига кириб, уни зўрлаган эмиш. Министр уларга нисбатан қандай чора куришни сўраган эди. Пётрнинг Екатерина исмли бу опаси 58 енда эди.

Пётр, мен боргунимча уларни тинтув ҳам, сўроқ ҳам қилманг, қийноқ ҳам қилинмасин, фақат имкон қадар билдирмасдан бу иш нима мақсадда қилинганини ўрганинг, деб жавоб бери. Лекин подшоҳ икки йил саёҳатда юрди, «гуноҳкорлар» камематда (маҳбуслар сақланадиган бир кишилик хонада) ўтирдилар. Пётр қайтгач, сўроқлар, гуноҳкорларни учраштиришлар, гўрникка осилтиришлар, қамчилар, сўкишлар орқали Богданов қандай қилиб 58 яшар маликанинг хонасига кира олгани ўрганилди ва Богданов аёвсиз жазолашлардан сўнг Сибирга сургун қилинди, маликани эса «сиёсий фитна уюштирганликда» айбондилар. 1717 йилнинг 1 майида у «тор қамоқхонада вафот этди»

Бу пайтларда Гамильтон билан Орловнинг ҳаёти ҳам чаппасига кетди. Бир куни Голландияда Брантнинг боғида ўлгудай пичиб, кайфи ошиб қолди ва Мариянинг олдига келганда уни бўралатиб сўкди, «сен ж..сан» деб ҳақорат қилди. Кейин Амстердамда ҳам, бошқа ҳурматли кишилар орасида яна «ж.» деб сўкди. Одатда у Марияни бошқалардан рашк қилганда, улар билан чақчақлашаётган пайтларида сўкарди. Михаил ва Алексей подшоҳлар даврида бундай сўкинганларни албатта қамчи билан еки новда билан саваш керак эди. Энди бўлса бу йигит дуч келган жойда бемалол сўкиниб юрипти. Амалдорлар орасида пичир-пичирлар кучайиб борарди. Пётр эса гоҳ Амстердамда, гоҳ флотда, гоҳ Берлин, Данциг ва Ревелда давлат ишлари билан банд эди. Гамильтон бу асно учинчи бора ҳомилали бўлиб қолган эди. Яна ҳомиласини подшоҳнинг хотини ва сарой хонимла-

ридан яширишга мажбур эди. Хонимчалар эса бири олиб, бири кўйиб ундан «иккиқатмисан» деб сўрашарди, «Йўқ» деб жавоб берарди Гамилтон. Шунда икковларининг муносабатларини билладиган канислар, Орлов орқали буни билмоқчи бўлдилар. Орлов у билан ётганда, қорнини силаб «бу ерда бола борми дейман» дея сўради. «Йўқ, — деди Мария, — бўлса сендан бекитар мидим...» «Йўқса нега қорнинг мунча таранг» «Мазам йўқ, мени қабзият қийнаётпти», — деди аёл.

1717 йил 10 октябрда Пётр бутун ҳамроҳлари билан Петербургга қайтди. Гамилтон изтиробда эди. Орлов Ревелда қолган, бир ёқда бу ҳижрон, иккинчи ёқда ҳомиласи ўсиб кетаётган эди. Иккиқатлиги билиниб қолишидан кўрқар, князлар, уларнинг хотинларидан тортиб навкарлар ва чўриларгача — ҳаммасининг мишмишлари, айбловлари жонини халқумига келтираётган эди. 1717 йил 15 ноябрда Гамилтоннинг кўзи ёриди. Унинг шахсий хизматчиси Терновская ёзади: «Менга эшикни ёпишни буюрди, мени ичкаридан бекитиб олдим. Сўнг бир ўзи қийналиб туғишни бошлади. Бир амаллаб каравотдан турди ва тоғорага ўтирди. Бир пайт тоғорага бола тақ этиб тушди ва қичқирди. Мария ўтирилиб болани қўлларига олди. Томоғига бармоқларини тикиб босди, кейин уни кўтариб бўғди. Кейин уни сочиққа ўраб: «Ма, Катерина, бир жойга обориб ташла», деди. «Кўрқаман» дедим, «Бўлмаса эрингни чақир», деди. Эртасига Катеринанинг эри, бош отбоқар Василий Семёнов латта-путтага ўраб кўздан йўқотди. Катерина соҳибасини яхши кўрарди, шунинг учун уни сотмади. Мария Гамилтон ҳамма хизматчиларига меҳрибон ва сажий эди: кўп совға-саломлар ва пул бериб турарди. Аммо теги орада аҳоли ўртасида фаввора ёнидан ўлик бола топилганлиги тўғрисида овоза тарқалди. Орлов тезда Мариянинг олдига етиб келди ва «сенинг ишингми» деб суриштирди. Мария йиғлаб-сиқтаб тонди. Аммо Орлов унга ишонмасди. «Сени жуда кўпчилик севган» дер эди у. Туғуруқдан кейинги қийналишлар, виждон азоби, жазога дучор бўлишдан кўрқа-кўрқа Мария Гамилтон 1718 йилни кутиб олди. 1717 йилнинг 15 декабрида Пётр Петербургдан Москвага келган ва биринчи хотини ва ўғли Алексей, опалари, унлаб амалдорлар ва руҳоний арбоблар устидан тергов ва суд ишларини бошлаб юборган эди. Холалари, қудалари, дўстлари, танишлари ва нотанишлар, архиерей ва руҳоний-

лар, опаси билан бўлган воқеаларни кўрганлар, эшитганлар, тур-ни тахминларга борганлар — барчалари бахтсизлик оламида, даҳ-натга тушиб, жазоларни кутиб, қонга беланиб, уч марталаб, беш марталаб, ўн марталаб қийноқларга солиниб қалъа ичра ётарди-лар. Шаҳзода Алексейнинг дўстларидан кейин, Пётрнинг ўз дўстларига ҳам навбат келди.

Ҳамма ҳаяжонда, ҳамма ўзидан хавотирда эди. Гамилтоннинг иҳволи ҳам чидаб бўлмас даражада оғирлашди. Бу оғир замонларда унинг жинояти сиёсий жиноят бўлмаса ҳам, яширин қолмади.

Орлов қандайдир бир яширин йиғилиш ҳақида хабар топиб, бу ҳақда Пётрга чақув хати ёзганди, Пётр уни тўрт буклаб чўнта-гига тиқиб қўйганди. Чўнтаги сўкилиб қолиб, хат астар тагига кириб кетганди. Пётр эрта ётиб, эрта турди, хатни ўқимоқчи бўлиб уни тополмади. Кимдир ўғирлаган, деган хаёлга борди. Орловни чақиртирганди, уни топишолмади. «Бу ўйинқароқни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, ҳузуримга келтиринглар», деди. Пётрнинг аччиғидан кўрқиб кетган Орлов «Гамилтон билан ало-қаларимни билиб қолибди», деган хаёлга бориб, келган заҳоти Пётрнинг оёғига йиқилди ва: «Айбдорман, давлатпаноҳ, Мария-ни севаман» деяверди. Бу пайтда Орловнинг хатини хизматкор-лардан бири астар орасидан топиб келтирди, аммо энди Пётр Орловнинг иқрорига қизиқиб қолганди.

Шу тариқа сиёсий жараёнлар аро Гамилтон иши ҳам судга берилиб кетди. Суд жараёнида Иван Орловнинг ўзига бир қатор айбларни бўйнига олганига қарамай, Мария Гамилтон ҳамма-вақт уни ҳимоя қилди, барча ишлардан Орловнинг хабари йўқ эди, деяверди. 1718 йилнинг 27 ноябрида ҳукм чиқарилди: «Улуғ давлатпаноҳ, подшоҳ ва улуг князь Пётр яширин қидирув ишла-ри идорасида бўлиб, кўрилган ишлар ва маълумотларни тингла-гач шундай фармон берди: Иван Орлов билан зиногарларча яша-ган ва ундан уч марта ҳомиладор бўлиб, иккитасини дори ичиб туширган, учинчисини туққандан сўнг бўғиб ўлдирган Мария Гамилтонни, яна малика Екатерина Алексеевнанинг олмос бу-юмлари ва олтин червонларини ўғирлаганини ҳамда барча жи-ноятларини тан олганини инобатга олиб, унга ўлим жазоси бе-рилсин». Аввал қамоққа олинган Иван Орловни эса Гамилтон-нинг кўрсатмаларига асосланиб озодликка чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хукмга имзо чекилиши биланоқ Мария Гамилтон кишани ланди. Деярли бир йил даҳшатли қамокда тутилган ва тўрт ош кишанда сақланган Мария Гамилтонга малика Екатеринани раҳми келиб, Пётрнинг ҳузурига келини Прасковьяни киритди. Аммо Пётр қарорини ўзгартирмади. Унинг бу қадар қаттиққўл-лигига сабаб нима эди? Татишчев, Голиков каби ялтоқ тарихчилар бунини подшоҳнинг қонунга ҳеч сўзсиз риоя қилиши билан боғлайдилар, ҳолбуки у жуда кўп ҳолларда хотини ёки дўстларининг, ҳатто бир масхарабознинг илтимоси билан қанчадан қанча жиноятчиларни афв этиб юборганлиги маълум эди. Гамилтонни кечирмаслик сабабини фақат Гелбиг деган бир тарихчигина: «Гамилтон қийнаб ўлдирган бола Пётрнинг боласи эди», деб тўғри изоҳлаган. Яна Гамилтоннинг вафосизлиги, унинг Орлов билан отамлашиб юргани, ҳатто судда Орловга доғ туширмасликка уринганлари ҳам Пётрнинг раҳмини келтирганлиги шубҳасиздир. Ана шу нарса Гамилтоннинг тақдирини ҳал қилган эди. 1719 йилнинг 14 марти шанба куни ҳаво шамолли, тонг туманли эди. Соат 5 дан 48 дақиқа ошганда тонг отиши билан қалъа яқинидаги Троицкий майдонига одамлар туплана бошлади. Аскарлар қатл жойини ўраб олиб тартибни сақлаб туришди. Қалъадан маҳкумларни келтиришди. Мария Гамилтон сўнгги лаҳзагача афвни кутарди. Қатлга давлатпаноҳ ҳам келишини билган Гамилтон қора лентали оқ шоҳи кўйлагини кийган, гузаллиги монархга таъсир кўрсатади, деб ўйлаган эди.

У янглишганди. Давлатпаноҳ унга шунчаки бир меҳр билан қаради, лекин гина ҳам қилмади, масхаралаш, сўкишлардан ҳам ўзини тийди. Бошқалар қатл қилинганда шундоқ подшоҳнинг ёнида жазоланувчини истаганча ҳақорат қилиб, истаганча туртиб-суртишарди.

«Чўриқиз Мария Гамилтон!» — деб ҳайқирди ҳукмни ўқиган котиб. Мария бу ерга келтирилиши биланоқ подшоҳдан кечирим сўради. Пётр ўрнидан туриб қизнинг олдида келди, уни ўпди, сўнгра: «Мен илоҳий ва давлатга оид қонунларини бузиб, сени ўлимдан сақлаб қололмайман. Сенинг гуноҳларингни фақат худо кечириши мумкин, шунинг учун тавба қилиб, имон билан худога сиғингин-да, қатлни қабул қил», — деди. Қиз тиз чўкканча ялиниб-ёлворди. Давлатпаноҳ жаллоднинг қўлоғига алланима деб пичирлади. Майдонга йиғилганлар, подшоҳ олий-

қиммат бир фармон берди деб ўйлашди. Подшоҳ орқасини ўғирини билан, болта бир йилтиради ва қизнинг боши тахтасупага думалади. Пётр илгари айтган сўзига риоя қилди: қизнинг гўзал танасига жаллоднинг қўлини теккизтирмади. Ўзи энгашиб қизнинг бошини қўлга олди ва лабларидан ўпди, яна бир марта ўпди ва ерга ташлади. Кейин чўқинди-да, қатл еридан аравага чиқиб кетди.

Гамильтоннинг ҳамма нарсалари — олмос, тилла, марварид, узук, зираклари ва қимматбаҳо кийим-бошлари мусодара қилинди. Пётр, Мариянинг бошини спирт билан ювиб-тараб Фанлар Академиясига топширишни ва алоҳида бир хонада сақлашни буюрди ва у ерга қизнинг мусодара қилинган нарсаларини ҳам қуйиш кераклигини тайинлади.

Подшоҳнинг буйруғи, бутун тафсилотлари билан, тўла амалга оширилди. Пётрнинг ўлимидан кейин Екатерина I замонида бу бошга жуда яхши қараб турилган. Янги ҳукмдорнинг унга ўғтибори сусайганда, қараб турувчилар ҳам унутишди. Орадан олтмиш йил ўтганда 80-йилларда княгина Дашкова, Академия Президенти сифатида, ҳисоб китоблар дафтарини текшириб ўтираркан, нима учундир спирт кўп сарф бўлаётганини сезиб қолади ва бунинг сабабини суриштиради. Маълум бўлишича, спирт иккита каллани яхши сақлаш учун ишлатиларкан. Улардан бири фрейлина Мария Гамильтонники, иккинчиси камергер Вилим Моисеики экан. Дашкова бу топилмасини Екваторина II га маълум қилган, бошларни саройга олиб келишган. Томошабинлар бошлар яхши сақланганини, айниқса, Гамильтоннинг боши аввалги гўзаллигини йўқотмаганини кўриб ёқа ушлаганлар. Бошлар обдан томоша қилиниб, одамларнинг қизиқувчанлиги қаноатлангач, Екатерина II нинг буйруғи билан уларни ертўлага кўмиб ташлашди.

Халқ орасида эса мишмишлар билан бир афсона тарқалди:

«Пётр I подшоҳлиги даврида бир ғаройиб гўзал қиз бўлган экан, подшоҳ уни кўриб қолганда, бошини олиб, спирт билан ювиб махсус бир камерага қўйишни буюрипти, ҳамма замонларда, ҳамма одамлар Русияда қандай гўзаллар туғилишини кўра олишсин, деган экан».

ЖУКОВСКИЙ билан МАРИЯ ПРОТАСОВА

Муҳаббат — буронда юксалган маёк,
Зулмат — туманда ҳам ўчмас ҳеч қачон.
Муҳаббат — уммонда бир юлдуз чақноқ,
Ундан билар қайда турганин инсон.

Шекспир

1. Муҳаббатнинг кўриниши



Шунга ўхшаган шеърӣ парчаларни минглаб келтириш мумкин. Аммо яна бир нарса ҳам аниққи, муҳаббат инсон ҳаётидаги энг катта ва ҳеч қачон унутилмас имтиҳондир. У ҳаётнинг бирдан-бир мазмуни, бахтнинг мазмунидир. Самолардан тушадиган бу туйғу инсоннинг ўзини ҳам самоларга юксалтиради, унинг руҳига беназир бойликлар ато этади.

Муҳаббатнинг яна бир хусусияти шуки, у на ҳусн танлайди («шоҳнинг ишқи қурбақага тушибди»), на ёш (75 яшар Гёте билан 16 ёшли Ульрикенинг муҳаббати), на дин айиради, на миллат

(Шайх Санъоннинг тарсо қизига ишқи), на қонунни билади, на қоидани... Бу сўнггисининг ёрқин мисоли сифатида улуг рус шоири Василий Андреевич Жуковскийнинг муҳаббатини келтириш мумкин. Жуковский Пушкингача бўлган рус шеърятининг энг улуг намояндаси эди. Пушкин Жуковскийдан 16 ёш кичкина, аммо улар ака-укадай қадрдон эдилар, бир-бирларини «сен»сираб гаплашардилар. Ёш шоир Жуковскийга ёзган хатларидан бирида:

«Сендан бошқа ҳеч ким, шеърият овози — халқ овози дейишга ҳақли бўлмаган», деб эътироф этган бўлса, Белинский «Жуковский — Русиянинг, шеърияти ҳаётдан келиб чиққан биринчи шо-при эди», дейди. Блок эса: «Мени биринчи бўлиб Жуковский шўхлантирган», деб ёзади ўз таржимаи ҳолида.

2. Жуковскийнинг дастлабки ҳаёти

Жуковский — машҳур рус зодагони Афанасий Иванович Бунин билан турк қизи Солиҳанинг ўгли бўлиб, 1783 йили 9 февралда Тула вилоятидаги Белёв уездининг Мишенское деган қишлоғида (селода) туғилган эди.

Русиянинг юрагида, Тула вилоятининг қоқ ўртасида жойлашган Мишенское қишлоғига турк қизи қаёқдан келиб қолган экан, деган савол туғилиши табиийдир.

1770 йили рус-турк муҳорабаси бораётган эди. У пайтларда деҳқонлар ва майда савдогарлар урушга кетаётган армияни қу-ватиб бориши ва ҳарбийларга озиқ-овқат сотиши деярли мажбу-рий эди. Генерал-фельдмаршал Румянцев қўшинлари билан бирга урушга кетаётганда савдогар-деҳқонлардан бири ўз ҳомийси Афа-насий Буниндан:

— Отахон, агар бу урушда ютсак, сизга қандай совға олиб келай? — деб сўрайди.

Бунин ҳазиллашиб унга:

— Огайни, менга чиройли бир турк қизини олиб кел, кўриб турибсан-ку, кеннойинг анча қариб, хотинликка ярамай қолди, — деб жавоб қайтаради.

Афанасий Иванович Бунин — Тула, Калуга ва Орлов вилоят-ларида кўпдан-кўп ер-мулклари бўлган, секунд-майор унвонини олганда истеъфога чиққан катта зодагон эди. У ўзининг деҳқон-маркитантини (қўшин билан бирга юриб озиқ-овқат моллари савдоси билан шуғулланувчи савдогарни) ҳарбий ҳаракатларда иштирок этаётган эски дўсти, руслашган олмон, чапани майор Муфел батальонига йўллаган эди. Деҳқон-савдогар, Бунин би-лан бўлган гапни чапани майорга етказди.

1770 йилда рус армияси Бендер шаҳрини ишғол қилганда, майор Муфел Солиҳа ва Фотима исмли опа-сингилни савдо-гар-деҳқон орқали дўсти Бунин ихтиёрига юборади. Солиҳа 16

ёшда, Фотима 11 ёшда эди (буниси бир йилдан кейин вафот этди).

Афанасий Иванович Бунин ва унинг хотини Марья Григорьевна (қизлик фамилияси Безобразова) ун бир фарзанд кўргандилар. Солиҳалар уларнинг уйига, Мишенскоега келишган вақтда, Бунинлардан фақат беш нафари — қизлари Авдотья (1754 й. туғ.), Наталья (1756), Варвара (1768), Екатерина (1770) ва биргина ўғли Иван (1762) қолган эди, бошқалари нобуд бўлганди.

Афанасий Бунин қадимги катта амалдорлардан эди. Екатерина II нинг уйнаши Орлов билан ва Тула волийси Кречетников билан улфат, бекорчиликдан вақти ортмас, турли базмларда, овларда санғиб юрарди. Мулкларини жуда катта миқёсда обод қилдиарди: катта-катта истироҳат боғлари, гулзорлари, балиқлар боқиб қўйилган ҳовузлири, икки қаватли оранжереяларида оқ ўриклар, лимулар, қўлбола қўзиқоринлар, ранго-ранг гуллар ўсиб ётарди. Ока дарёси соҳилидаги уйлариининг манзарларидан дарёнинг нариги соҳили, Олтин қуббали Белёв ва Қизил Ибодатхона кўзга ташланиб турарди.

Давру даврон суриб яшаётган Афанасий Бунин китобсевар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ, хотини Марья Григорьевна эса чет тилларини билмас, аммо рус тилидаги китоблар, журналларни ва Новиковнинг ҳамма нашрларини ёздириб, топтириб олар, русчага таржима қилинган чёт эл романларини мутолаа қилишни яхши кўрарди. Ломоносов, Сумароков, Херасков, Державин шеърларига қизиқиши ҳам баланд эди. Айни чоғда кашта тикиш, турли кийимлар тўқишни ҳам яхши билар ва ўз қизларию хизматчи ходималарига ҳам ўргатар эди.

Солиҳа олдин қизларга — Варвара ва Екатеринага энагалик қилди, катта қизлари эса ўз навбатида унга русча гапириш ва ёзишни ўргатишди. Кейин уй бошқарувчиси вазифасига кўтаришди. Бу нараса шуни кўрсатадики, Солиҳа чаққон ва талабчан, кескин характерли бўлган, акс ҳолда оддий бир турк қизига амлоқдаги барча хўжалик ишларини ва хизматчиларни бошқариш осон бўлмасди. Афанасий Иванович бўлса аввалига ахлоқ-одоб доирасидан четга чиқмай, турк қизи билан алоқасини имкон қадар яшириб юрди, аммо кейин чинакам рус зўравони эканлигини намойиш қилиб, хотини ва қизларининг шундоқ кўз ўнгида Солиҳанинг кичик уйчасига бостириб кираверишни одатга айлантирди. Бир неча йил шундай яшади.

Солиха уч марта қиз туғди, аммо улар тезда нобуд бўлишди. Бу орада Бунинларнинг катта қизлари узатилиб кетди. Ўғли Иван Олмонияга Лейпциг Университетига ўқишга юборилди. У ерда бир қизни севиб қолди ва Россияга қайтгач, севгилисига уйланмоқчи бўлди. Аммо отаси бунга рухсат бермади, дўсти Орловнинг қизига уйлантирмоқчи бўлди. Аммо Иван кўнмади ва ҳалок бўлди. Оила изоларидан бирининг хотирасича, асабий ларзалар туфайли томири ёрилиб ўлибди. 1783 йилда Солиҳа яна туғди ва бу галгиси ўғил эди, отини Василий қўйишди. Ўғилсиз қолган Бунин севинганидан узини қўярга жой тополмай қолди. Аммо унга ўз фамилиясини беришга Россия қонун-қоидалари йўл бермас эди. Одатда, никоҳсиз туғилган болалар крепостной қўл бўлиб қолар эди. Бунин аҳволни яхши изга солиш учун турли тадбирларни ишга солди.

1786 йилда аввало Солиҳани насроний динига киргазишди ва унга Елизавета Дементьевна Турчанинова деб ном беришди. «Россияда озод яшаши учун» деб берилган ҳужжатда шундай деб ёзилганди:

«Солиҳа исмли бу турк қизини майор Муфел Бендер шаҳри ишғол қилинганда бошқа асирлар билан бирга қўлга олган ва уша майор Россияга қайтиб келганда, Солиҳани тарбиялаш учун Бунинга топширган, шундан кейин қиз Россия тилини ўргангач, юнон диний эътиқодига киритилди, уни тарбиялаш ишини Буниннинг хотини Марья Григорьевна ўз зиммасига олди...»

Афанасий Бунин Солиҳанинг уйчасига кўчиб ўтганда, Марья Григорьевна турк хотинни катта уйга киритмасликни буюрди ва қизи Варварага у билан гаплашишни тақиқлаб қўйди. Бунин эса Белёв шаҳар ҳокими ва оқсуяклар етакчиси эди, хизмат юзасидан Тулага, Москвага кўп бориб келиб юрарди. Москвада ҳашаматли ва каттакон боғли дала-ҳовлиси бор эди. 1783 йилда Елизавета Дементьевна ўғил туққанини шу ерда эшитди. Чақалоқ катта ҳовлига тегишли черковда чўқинтирилди. Руҳоний ўз дафтарига: «Отамерос мулк эгаси Афанасий Иванович Буниннинг хонадониди бева Елизавета Дементьевнанинг ғайриқонуний ўғли Василий туғилди», деб ёзиб қўйди.

Буниннинг катта мулки яқинида Киевдан келган, камбағаллашиб қолган, аммо дворянлигини йўқотмаган Андрей Жуковский исмли бир зодагон яшарди. Улар яқин дўст ва улфат эдилар. Бунин, ошнасидан Василийни ўзига ўғил қилиб олишни

илтимос қилди. Шу тариқа дунёда Василий Андреевич Жуковский деган бир дворян бола пайдо бўлди. Буниннинг қизи Варвара эса, онаси Марья Григорьевнани ўз ҳолига қўярда қўймай, Василийнинг чуқинтирган онаси бўлишга рухсат сўрар, йиғлаб-сихтаб ёлворарди. Лекин бу нарсадан жанжал чиқмади. Қари Марья Григорьевна негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда, балки табиатан яхши бўлганлиги учундир, розилик берди.

Василий — қадимий юнонча исм бўлиб, русчаси Владимир, ўзбекчаси Жаҳонгир бўлади.

Бола билан Бунинлар оиласига бутун бир олам кириб келди. Солиҳа, Марья Григорьевна бирдан бир ўғли, бебахт Ивандан айрилиб доғда қолган чоғларида Василий озгина бўлса ҳам тасалли ва қувонч беражагини яхши англади. Шунинг учун жуда оқилона иш тутди: бир куни Бунин йўғида болани қўлга олдида, катта уйга кириб келди ва Марья Григорьевнанинг оёқлари ёнига қўйиб, ўзининг чексиз бир итоатини билдирганча индамай бош эгиб тураверди.

— Қани Васенькани менга олиб берчи, деди қовоғини уйиб Мария Григорьевна орқасида йиғлаб турган Варварага. Варвара болани ердан олиб онасига узатди.

— Нимаям дердик, Лизавета, — деди Мария Григорьевна. — Сенинг айбинг йўқ. Илгаригидай шу уйда юравер. Васенькани мен тарбиялайман. Ўз ўғлимдай.

Ўғил туғилишини нишонлаб, Афанасий Иванович эски ёғоч черковни буздириб, ўрнига янги, тош черков қурдирди. Қурилишга энг яхши, таниқли усталар жалб қилинди: тош кесувчилар, тош терувчилар, мусаввирлар. Варварани эса ўз хоҳишини инobatга олмай тез орада Пётр Николаевич Юшков деган, Тулада ва Москвада уйлари бўлган бир бойга узатиб юборишди. Ва у Мишенскоедан қўчиб кетди. Василийнинг яхши тарбия ва етарли маълумот олиши учун ҳеч қандай маблағни аямадилар. Бунинг сабаблари шундай эди. 1791 йилнинг март ойида, Афанасий Иванович Бунин 75 ёшида ўлим тушагида ётганда барча мол-мулкларини тўрт қизига, тўрт оилага тақсимлади, ўлган қизининг улушини то ўлгунча деб Марья Григорьевнага ёзишди, айти чоғда у то ўлимигача тўрттала мулкка ҳам бошқарувчи деб кўрсатилди. Аммо васиятномада Василий ва унинг онаси тилга ҳам олинмаганди. Аммо Бунин хотинига:

— Бекам! Мен бу шўрликлар учун қонуний йўл билан ҳеч нима қилолмадим, улар бизнинг фамилиямизда эмаслар, аммо уларни сенга омонатга топшираман, худонинг розилиги учун улардан меҳру саховатингни аяма, — деб қатъий васият қилди.

Марья Григорьевна эрининг ўлиmidан кейин тўртгала хонадоннинг ҳар биридан Василий билан Солиҳага икки ярим минг сўмдан, ҳаммаси бўлиб ўн минг сўм пулни айириб Солиҳага берди, болангга асра, деб кўрсатма берди. Бунининг жасади Мишенскоега келтирилиб меҳроб остидаги оила хилхонасига қўйилди.

1792 йилнинг ёзида Екатерина Афанасьевна Бунина билан Тула мулкдори ва губерния дворянлари етакчиси Андрей Иванович Протасовнинг тўйлари бўлди. Шундай қилиб Бунинлар уйида фақат Василийгина қолди. Василий Жуковский олдинига Туладаги хусусий пансионда (пансион — бу ўқув-тарбия маскани бўлиб, у ерда тарбияланувчилар кийим-кечак ва озиқ-овқат билан тўла таъминланарди), кейин черков билим юртида ўқиди. Аммо, афсуски, «қобилиятсиз» деб уни ўқишдан четлаштирдилар, шунда Бунина ўзининг ҳамма таниш-билишларини ишга солди. 1797 йилда Василийни Москва университетининг Дворянлар (зодагонлар) Пансионига жойлаштирдилар. Бу пансионда интизом жуда қаттиқ эди.

Эрталаб соат бешда коридорларда ҳамма кўнғироқлар жаранглар, болалар сакраб туриб ювинишар, бир хил формадаги гунафшаранг фракларини кийиб, сочларини тараб ороланишар эди. Уларнинг ўринларини хизматчилар йиғиб, хоналарини тозалаб қўйишарди. Соат олтидан еттигача махсус хонада дарс тайёрлашар, бу ерда ҳар бир ўқувчининг дафтарлар учун ўз яшиги бўлар, умумий жавонда умумий дарсликлар териб қўйилган эди. Соат еттида ўқувчилар икков-икков қўл ушлашиб бир қаторга тизилишар ва емакхонага назоратчи етагида нонуштага киришарди. Дуо ва Инжилдан кичик бир сура ўқилгач, чой-нон ва бошқа егуликлар бериларди. Соат саккиздан то ўн иккигача синфларда дарс ўтиларди. Соат ўн иккида тушлик таом бериларди. Соат бирдан иккигача болаларга эркин вақт берилар, биров сакраш билан, биров соққа қувлаш, қозик пойлаб йиқитиш (чиллакка ўхшаш ўйин) билан овора бўлар, хоҳлаганлар хонага қайтиб кириб китоб ўқиши ё уйига хат ёзиши мумкин эди. Соат иккидан олтигача яна дарс тингланарди. Сўнг полдник (тушлик билан кечки овқат оралиғи-

да енгил бир тамадди, бизда «полдник» сўзи учун «иккинчи тушлик» сўзлари олинган), ундан кейин яна дарс тайёрлаш. Соат саккизда — кечки овқат. Соат тўққизда дуо ва Тавротдан оят ўқилган ётишга кўнгироқ чалинарни. Ҳар бир хонада битта шам ёниб турар, коридорда назоратчининг аҳён-аҳёндаги қадам товушларидан бошқа тиқ этган овоз чиқмасди.

Интизом шундай бўлган жойдан энг намунали инсонлар етилиб чиқмаслиги мумкинми? Бу Пансионда ўқиб тарбияланган болаларнинг деярли ҳаммаси келажақда атоқли кишилар бўлиди. Жуковский бутун ҳаёти ва ижоди давомида соат бешдан туриб шундай ҳаёт кечирди.

1799 йилда Жуковский Пансионнинг энг намунали, энг биринчи ўқувчиси бўлди.

1800 йилда Пансионни тугатгач, Соляная идорасига хизматга юборилди. 1802 йилда, икки йиллик хизматни ўташи биланок «Мансабли Маслаҳатгўй» унвони билан жонажон Туласига қайтди. Шу йили 19 яшар Василий Жуковский Ока дарёсининг баланд қирғоғига уй солди ва онасини кўчириб олиб келди.

Жуковский Зодагонлар Пансионидида ўқиб юрганида биринчи шеърларини ёза бошлаган эди. Илк шеъри — «Май эртаси» 14 ёшида журналда босилиб чиққан эди. Тулага келган пайтида энди бир талай шеърлари босилиб чиққан ва у эл орасида анча ном қозониб қолган шоир эди. Айниқса, унинг «Қишлоқ қабристон» номли шеъри ўзининг ҳаққоний-реалистик тасвирлари билан кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилган эди.

3. Муҳаббатнинг ташрифи

Жуковский қурган уй шинам ва ораста эди, унда сокинлик ҳукм сураб, тежамкор ва тиришқоқ шоир ҳар кун ирта билан соат бешда туриб, ижодий ишга ўтирарди (умрининг охиригача у шундай ишлашда давом этди). У, ўз кундалигида, ақл ва сажия ялқовлиги тежамсизликнинг асосий унсурларидан биридир, деб ёзган эди. Василийнинг яхшилиги ва одамларга гамхўрлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтирарди. Бу пайтларда Мишенскоеда Жуковскийнинг ўғай опаси Екатерина Бунина-Протасова истиқомат қиларди. У икки қизлик бўлган эди: 1793 йилда Маша, 1795 йилда Саша исмли қизлари туғилган бўлиб, Протасовнинг

Ўзи 1797 йилда ўпка касалидан вафот этганди. У эридан қолган уй-жойларни сотиб, қизчалари билан онасининг ёнига кўчиб келганди. 1800 йилда Белёв магистрлиги Дворянлар кўчасидан уй қуриш учун жой ажратиб берган ва уч кишилик ёш оила янги қурилган уйда яшардилар.

Екатерина ўз қизлари Маша билан Сашани (Мария билан Александрани) Жуковскийнинг тарбиясига топширди. Тақдир имтиҳони шунда бошланди.

Ҳали ўттизгаям кирмаган ёш ва чиройли Екатерина Протасова севикли эрига азадорлигини билдириб, қора кўйлак ва оқ жун қалпоқ кийиб юрар, бутун ҳаётини фақат қизларига бағиш-ламоқчи эди. Баланд бўйли, сарвқомат, одимлари виқорли, юз нафодалари кескин, худди қиролича Мария Стюартга ўхшарди. Унинг ёқимтой-ёқимтой ва мулойим қизчалари тезда Жуковскийга ўрганиб қолишди. У худди тарбиячи ва муаллимдай улар билан истироҳат боғи ва далаларда айланар, у болалигини ҳикоя қилиб борар, биргаликда Жанлис қиссаларини ўқир, табиатга қараб гуллар ва дарахтларнинг сувратларини солишарди. Машага кундалик тутишни ўргатди — кундалик шундай ёзиладики, унда одам ўз бошидан ўтганларини яширмай, очиқ-ойдин ёзиши кераклигини, унда одам ўзини ойнада кўргандай кўриб, кейин ҳамма ёмонликларидан қутулиши кераклигини уқтирарди. У қизларга меҳр билан, яхши гапирарди. Қизларга унинг маънан майин, аммо дўриллаган овози, ўйчан кўзлари, қутилмаганда самимий қулиб юборишлари ёқарди. У ўз иш хонасида узоқ ўтирар, даҳлизига келган қизлар уйдан тезроқ чиқишини, қўлларидан ушлаб боғларга, Вася тепалиги этагидаги ўрмонга етаклаб кетишини сабрсизлик билан кутишарди.

Кузда Жуковский Москвага кетди. Дўстлари билан учрашиши, қўлёмаларини китоб қилиб чиқариш учун ноширларга топшириши, асарларини кимларгадир ўқиб бериши керак эди. У бу ишларни қиларди-ю, аммо доим ҳаёли қизларда эди. Унинг учун Екатерина Афанасьевнадан хат келганлиги жуда ёқимли бўлди. У қизлари Маша билан Саша ҳақида шундай деб ёзган эди: «Болалар сени жуда қаттиқ яхши кўришади. Маша унга оғир вазифалар бераётганинг билан жуда ғурурланияпти, у энди ўзини катта одам деб билияпти. Хатимга у ҳам қўшимча бир нарсалар ёзмоқчи эди, мен шошиб турганим учун ёздирмадим... Кунда-

лик дафтарни тартиб билан ёзиб боряпти, буларни сен ўқияжанингдан жуда хурсанд».



Жуковский Марияни кўз олдида келтириб жилмайди. Кўзлари катта-катта, бутун вужудини мулойим бир нозиклик қоплаган меҳрибон ва хуркак бу қиз жуда очиқ кўнгил эди. Ҳаддан зиёд жозибали, ҳозиржавоб, содда, тасаввурининг ақлга уйғунлиги, саховати ва билимдонлиги билан ажралиб турарди. Жуковскийнинг бирдан уйга, Мишенскоега қайтгиси келиб қолди. Унинг ёзганларини, кундалик дафтарини тезроқ ўқигиси келарди. Хуллас, Мария Протасова билан Василий Жуковский бир-бирларини севиб қолдилар. Шу

йилларда Жуковский рус шеърятининг гултожи бўлган энг яхши шеърларини ярата бошлади. Насроний дини ҳам, мусулмонлик ҳам уларнинг ўртасида никоҳ бўлишини тақиқлайди, албатта. Мария ўз онасига қалбида уйғонган муҳаббат ҳақида гапириб берди. Шубҳасизки, онаси улар ота томондан тоға-жиян эканликларини айтиб, уларнинг муҳаббатига жон-жаҳди билан қаршилик қилди. Уларнинг никоҳига розилик бериш у ёқда турсин, ҳатто Марияга бағишлаб шеърлар ёзишни ҳам тақиқлади.

Жуковский бир дўстига шундай деб ёзган эди:

«У (Мария) менга розилик беришимнинг иложи йўқ, деди, чунки у буни қонунсизлик деб билишини айтди. Мен, бўлмаган гап, қонун бизга тоға-жиянлик ҳуқуқини бермаган, ўртамизда бизнинг тоға-жиянлигимизни тасдиқловчи ҳужжат йўқ, деб жавоб бердим».

Жуковский энди шеърларини очикдан-очик Марияга бағишлай олмас эди. У қадимги адабиётлардан ўрталаридаги кайфиятнинг ифодаловчи шеърлар излаб топиб, русчага таржима қиларди. Яна ўзича бир шартли Нина деган исмни танлаб олиб, Нинага бағишлаб шеърлар ёзар ва унда ўз ҳолини баён этар эди. Ё бўлмаса халқ айтимлари йўлида турли қўшиқлар ёзар, барибир бутун борлигини шеърларга сочарди. Бир дафъа 1812 йилнинг ёзида «Сузаётган йигит» деган бир қўшиқ ёзиб, уни Мария ва Александра онаси билан бирга ўтирган Плещеевлар чорбоғида ўзи ижро этган эди, қўшиқ-

да учраган «уч фаришта» тимсолида она ўз тимсолини кўриб, Жуковскийни Марияга муҳаббати ҳақида индамаслик шартини бузганликда айблади ва Муротоводан кўчиб кетишини талаб қилди. Бундан бир неча кун олдин Жуковский ундан яна никоҳларига розилик беришни сўраган ва она буни қатъиян рад этган эди.

Мария ва Жуковский бирон йўл-йўриқ чиқиб қолар, она бир кунмас бир кун розилик берар, деб умид қилиб юрдилар. 1813 йилнинг охирларида Жуковскийнинг пансионда бирга ўқиган, у билан бирга турли адабий тўғаракларга қатнаган А.Ф.Воейков (1778–1839) деган шоир дўсти меҳмон бўлиб келиб қолди ва Мариянинг опаси Александрага ишқи тушди. Бу ерда Жуковскийнинг ёрдами билан, келгусида Жуковский ва Мариянинг никоҳига қўмаклашишга ваъда бериб, 1814 йил 14 июлда Александра Андреевна Протасовага уйланди. Тўйга Жуковскийнинг ўзи бошчилик қилди, уйини Екатеринанинг номига ўтказиб тўйга қилиб юборди, ундан ташқари, ўзининг энг яхши достони «Светлана»ни Александра Протасовага бағишлади. Аммо Воейков Протасовалар оиласига аъзо бўлиб олгач, қайнонасига қўшилиб, Жуковскийга Маша билан никоҳланишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилди. Жуковский «Воейковга» деган бир шеър ёзиб, унинг муғамбирликларини юзига солди. Севишганлар онанинг розилигини ўн йил кутдилар. Аммо Е.А.Протасова ўзининг рад жавобидан қайтмади. Ахийри, 1817 йили Мария Дерпт университетининг профессори, хирург И.Ф. Мойерга турмушга чиқишга мажбур бўлди. Жуковский ўзида бу никоҳни қутлашга куч топа олди.

«Мен уни қутлашга аҳд қилганимда, бир дақиқанинг ўзи мени бошқа одамга айлантириб қўйди... Йиллар суви бўғзимга тиқилди ва бу сув менга уйқу доридай таъсир қилди. Қалбим юмшади. Бахтимга, унинг номига доғ тушмади; у устига хат ёзилмаган қоғоздай оппоқ эди. Бу бўм-бўшлиқ, бу ҳеч нима... деярли ўлимга ўхшайди... Аммо қўрқма! Йиқилмайман. Ҳеч бўлмаганда, қайта тирилишдан умидим бор». (А.И.Тургеневга 1817 йил 25 апрелда ёзилган хатдан парча.) Аммо Мария Протасова-Мойер бу никоҳдан бахт топмади. Орадан етти йил ўтар-ўтмас, ҳижрон азобларини кўтаролмай, вафот этди. Вафотидан сал олдин бир дугонасига ёзган хатида Жуковский ҳақида шундай деб ёзган эди:

«Оҳ, мен уни телбаларча севаман ва у билан кўришган чоғимда бу муқаддас муҳаббатнинг бутун кучини яққол ҳис қил-

дим, мен бу бир дақиқани дунёнинг ҳеч қандай хазинасига алмашмаган булардим».

4. Жуковскийнинг Мариядан кейинги ҳаёти

Мария эрга тегиб кетган дастлабки йилларда у ҳам бошқа бир аёл билан боғланишга уриниб кўрди. Малика Мария Федоровнанинг хизматчи қизларидан бири Софья Самойлова билан танишиб, унга бир-икки шеърлар бағишлади. Аммо орада кутилмаган ҳодиса юз бериб қолди: 1812 йилги Ватан урушининг қатнашчиси, ўзининг ошнаси Василий Перовский ҳам Софьянинг кетидан юрган экан. Ошналар орани очиқ қилиб олдилар ва Жуковский ўзини четга тортди. Аммо қиз ҳам жуда устомон экан, икковларидан ҳам воз кечиб, граф Борбинский деган кишига эрга тегиб кетди.

Жуковский бундан аччиқланмади ва азобланмади ҳам. Аммо Мариянинг ўлими унинг самовий муҳаббатини янада чуқурлаштириб юборди. Бу мангу айрилиқ ҳақида «1823 йил 19 март» деган шеърини ёзди. Кейин «Хаёлий кўриниш», кейин «Тун», «Ёш илҳом париси», «Сирли ташриф», «Капалак ва гуллар» каби кўпдан-кўп шеърлар ёздики, уларнинг ичидан биринчи муҳаббат дардлари чиқиб келаверар эди. Жуковский Е. Протасова унинг Мария билан никоҳларига розилик бермаган пайтларда, руҳан христиан динига қарши исёнга келган эди, аммо Мариянинг ўлимидан кейин Яратганнын қудратига қайта-қайта имон келтирди ва умр бўйи Унинг хизматидан чиқмади. Жуковский 60 ёшга яқинлашмагунча уйланмади.

1841 йилда рассом дўсти Рейтернинг қизи Елизаветага уйланди. Ўрталарида деярли 40 ёшлик фарқ бор эди. Лекин 11 йил бирга яшадилар. 1842 йилда бир қиз кўрдилар, отини Александра қўйдилар, 1845 йилда бир ўғил кўрдилар, отини Павел қўйдилар. Жуковский ўз болаларининг саводини чиқариш учун, уларга атаб бир қанча шеърлар, эртақлар ёзди. Аммо 1852 йилда вафот этди. Ундан кейин хотини бор-йўғи 4 йил яшади.

Аммо уларнинг 11 йиллик ҳаёти жуда самарали ўтганини, бу йиллар ичида Жуковский Гомернинг «Одиссея»сини (1849), «Илиада»нинг бир неча бобларини (1849-50), Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан «Рустам ва Зураб» дostonини таржима қилганини, «Этик кийган мушук» (1845) эртақларини ёзганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир.

АЛЕКСАНДР ГРИБОЕДОВ билан НИНА ЧАВЧАВАДЗЕ

Грибоедов деган ном бугунги ўзбекларни ҳеч қандай ҳаяжонга солмайди. Аммо ўрта мактабда бир ўқитувчимиз дер эди: «Ёдингизда тутинг: рус адабиётида икки машҳур Александр Сергеевич бор — бири Пушкин, иккинчиси Грибоедов».

Пушкинни-ку биламиз, бироқ... Грибоедов, Пушкиндан тўрт ёш катта эди. Пушкин 38 ёшида ҳалок бўлди, Грибоедов эса ундан ҳам ёш, 35 ёшида ҳалок бўлганди. Грибоедов биргина ёсар, «Ақллилик балоси» номли комедияси билан фақат рус эмас, жаҳоннинг улуғ драматурглари қаторидан ўрин олган. Бу ёсарнинг нимаси бор эдики, муаллифни шундай юксак даражага кўтарди?



Буни англамоқ учун у дунёга келган оила, у яшаган давр, унинг ҳаёти ва муҳаббати тарихини билиш керак бўлади. У Москвада гвардиячи зобит оила-сида туғилди. Уйда маълумот олди. 8—10 ёшида Москва университетининг Аслзодалар Ўқув Юртида ўқиди. 11 ёшида Москва университетининг фалсафа факультетига кирди. 15 ёшида факультетнинг тилшунослик ва адлия бўлимларини битказиб, яна физика-математика бўлимида ўқишини давом эттирди. Фақат ҳар тарафлама билимдонлиги билан эмас, фавқулудда му-сиқий истеъдоди билан ҳам

ажралиб турарди. Оврупо тилларини яхши биларди. Илмий қизиқишлар доираси катта эди. Тарихга, қадимшуносликка оид мақолалари эълон қилинганди. Талабалик йилларида бўлгуси декабристлар — ака-ука Муравьёвлар, Якушкин, Якубовичлар билан яқин дўст эди. Кейинчалик Чаадаев билан ҳам яқинлашган эди.

17 ёшида (1812) кўнгилли бўлиб армиянинг отликлар қисмига кирди. 21 ёшида ҳарбий хизматдан бўшаб, Петербургда яшай бошлади. 22 ёшида Ташқи Ишлар Ҳайъати (Коллегияси)да хизматга тайин этилди.

Ҳарбий хизматдан кейинги йилларда адабий доиралар билан яқинлашди. Кюхелбекер, Греч, Пушкин, Катенин, Шаховский каби ёзувчилар билан муносабатда бўлди, уларнинг баъзилари билан ҳамкорлик ҳам қилди. Уни сахна асарлари кўпроқ қизиқтирар эди. Дастлаб француз драматургларига тақлидан «Ёш эрхотин» деган бир комедия ёзиб, сахнада қўйилишига эришди. Аммо у танқидга учради. Кейинги «Талаба», «Ёлғондакам бевафолик» каби ва бошқа асарлари ҳам муваффақият қозонмади. 23 ёшида (1818 йил ўрталарида) Форс юртига рус миссиясининг котиби вазифасига тайинланди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлган эди: бундан саккиз ой олдин Вася Шереметов деган 23 ёшли бир зобит йигит Авдотья Истомина исмли 18 ёшли раққоса қиз туфайли граф Завадовский билан дуэлга чиққан, Шереметов ўлдирилган, Грибоедов секундантилик қилган. Истомина Шереметов билан севишиб юраркан. Бир куни жанжаллашиб қолганлар. Қи Грибоедовнинг ёнига келиб ўзини граф Завадовскийнинг олдига олиб боришни сўраган. Завадовский кўпдан буён Авдотьяга хушонад қилиб юргану аммо ҳеч бир натижага эришолмаган эди. Петербургда буларнинг ҳаммасига Грибоедов айбдор дейишарди.

Грибоедов аввал Табризда (1818–1822), кейин Грузияда, генерал Ермоловнинг Тифлисдаги Бош Бошқармасида хизмат қиладди. Грибоедов 1823–1825 йилларда узоқ муддатли таътилга чиқиб, ўзининг «Ақллилик балоси» комедиясини яратади. Асар рус жамиятидаги қонунсизликлар, деҳқонларни битта-биттадан сотиш ҳолатлари, порахўрлик, лаганбардорлик, қўрқоқлик, мунофиқлик иллатларини аёвсиз равишда фош этгани учун цензура томонидан тақиқланади: босиб чиқаришга ҳам, сахнада қўйишга рухсат этилмайди. Аммо асар қўлёзма ҳолида кўпдан-кўп нусхаларда халқ ичига тарқалиб кетади. Чунки у реакцион дворянлар

билан илғор оқим вакиллари ўртасидаги тўқнашувни, Чацкий каби ёлғиз одамнинг фожиавий кураши ва бўридай тишлари ўткир Скалозублар, Фамусов каби катта-катта ўрин эгалари, барча иллатларни кўриб-билиб туриб индамай юрадиган Молчалинларнинг ғалабаси рус жамиятининг айна вақтдаги ҳақиқий ҳолатини, ижтимоий-сиёсий муаммоларини акс эттирарди. Бу курашда Чацкийнинг ақли жуда муҳим ва кенг қамровли бадиий гушунча сифатида қаттиқ ва чуқур таассурот қолдиради. Кўп жиҳатлари билан бўлғувси декабристлар кўзғолони иштирокчиларининг дунёқарашларини акс эттирарди.

1825 йил декабрида юз берган дворянлар кўзғолони бутун Россиянинг тарихида катта ва унутилмас воқеа бўлди. 1812 йилда Наполеон бошлиқ французлар армиясининг Россияга бостириб кириши халқ бошига оғир кулфат бўлиб тушди ва крепостной деҳқонлардан тортиб барча оқсуяклару зобитлару майда ҳунармандлару генерал-маршалларгача — ҳамма руслар бир ёқадан бош чиқариб Ватан озодлиги учун ҳаёт-мамот жангига отландилар. Бу қаттиқ кураш рус халқининг ғалабаси билан якунланди. Зафар билан якун топган урушдан кейин энди ҳамманинг ёрқин ва бахтли келажакдан умиди катта эди.

Аммо халқнинг аҳволи оғирлашса оғирлашдики, асло енгил тортгани йўқ. Наполеон армиясини енгиб, Парижгача борган Александр I рус деҳқонларини крепостнойликдан қутқаришни ҳаёлининг бир четига ҳам келтирмас эди. У яна босқинчилик урушларини давом эттирди. Бессарабияни, Озарбайжонни, Польшани Россияга қўшиб олди. Наполеонга қарши Александр I билан бирга жонбозлик кўрсатган уруш қаҳрамонлари энди Россияда янги турмуш тарзини ўрнатиш учун кураш бошладилар.

1816—21 йилларда Россиянинг шимолида ва жанубида «Нажот иттифоқи», «Фароғат иттифоқи» каби ташкилотлар тузилиб, фаолият юрита бошладилар. Мақсадлари: халқнинг иштирокисиз, армия кучлари билан ҳарбий тўнтариш қилиш орқали крепостной ҳуқуқни бекор қилиш, федератив қурилмага эга бўлган Конституцион монархия ўрнатиш эди. 1825 йилда Александр I вафот этиши билан дарҳол кўзғолон бошладилар. Аммо унинг ўрнини эгаллаган Николай I кўзғолончиларни тор-мор келтирди.

Грибоедов ҳам улар билан яқин алоқада эди. 1826 йилнинг январиде Грибоедов қўлга олинди ва Кавказдан Петербургга кел-

тирилиб, олти ой тергов қилинди. Аниқ айблов далиллари йўқлиги, суроқ пайтларида ўзини дадил тутгани, баъзи тасодифий ҳолатларнинг унинг фойдасига ишлаб қолгани, генерал Ермоловнинг расмий илтимосномаси ва Николай I нинг севиқли кишили ва Грибоедовларнинг қариндоши Паскевичнинг хати билан Грибоедов қамоқдан омон қолди ва яна Кавказга дипломат сифатида қайтариб юборилди. Шундан сўнг у Россия империяси фойдасига кўп ишлар қилди.

1827 йилда унга Туркия ва Форс юрти билан дипломатик алоқаларни бошқариш иши юклатилди. Шунда у «Озарбайжонни бошқариш бўйича низом» ишлаб чиқди. «Россиянинг Кавказ орти кампаниясини таъсис этиш тўғрисида» лойиҳасини тайёрлади. «Тифлисские ведомости» номли газета ташкил этди. Булар орасида айниқса «Туркмансой тинчлик шартномаси»нинг имзоланишига эришганлиги Грибоедовнинг рус империяси олдидаги улуг хизматларидан биридир. Гап шундаки, бу пайтгача Нахичеван ва Эриван хонликлари Форс юртига (Эронга) қарашли эди. 1828 йил 10 февралда Россия билан Форсия ўртасида тузилган тинчлик шартномасига кўра, энди бу ерлар Россия қарамоғига ўтди. Грибоедовнинг обрўйи ҳам, мартабаси ҳам ошди.

Тифлис Грибоедовнинг иккинчи ватани эди. Унинг саккиз йиллик умри шу ерда ўтган, асосий оғир ишлари шу ерда юз берган эди. Бу ердаги барча генераллар ҳам, ижод аҳллари ҳам уни яхши билишар, у билан яқин алоқада бўлишни ўзларига шараф деб билардилар. Грибоедов эса ҳали уйланмаган, ҳар сизирга эргашиб кетадиган онасиз бузоқдай, қаерда катта ёшлик аёлга дуч келса, онажон, деб ширин муомалалада бўлар эди. Бу ерда Ахвердов деган бир генерал бўлар, Кавказ артиллериясининг бошлиғи эди. Тифлислаги Давид тоғининг этагида ёғоч уйли ям-яшил боғи бор эди. Хотини ўлиб бир ўғил ва бир қиз қолганди. Ахвердов Прасковья Николаевна деган бир хотинни уйланди ва яна бир қизли бўлганда вафот этди. Уч боланин мероси ва уй Прасковьяга қолди. Ўша пайтларда уларнинг князь Чавчавадзе деган бир кўшнилари бўлиб, у ҳам генерал эди. У айни чоғда гўзал шоир, хушчақчақ ва ғайратли киши эди. Петербургнинг энг яхши пансиониди тарбияланган, Грибоедовдан ўн ёш катта эди. Ёшлигида Ананур кўзғолонида қатнашгани учун Тамбовга сургун қилинган ва саккиз йилдан кейин Кахетияда

меҳмонлар кўзғолонини бостиришда қатнашиб, Рус ҳукумати олдида номини оқлаб олган, кейин 1812 йилда рус генерал-фельд-маршали Барклайга адъютант бўлган ва Парижни олишда ҳам қатнашган эди. Уйига қайтгач, Ермолов билан айтишиб қолиб, Паскевич қўл остига ўтиб кетган ва тез орада Эриван ва Нахичеван вилоятларининг бошлиғи даражасига кўтарилган эди.

Александр Герсевич Чавчавадзе (1786—1846) грузин шеърларида романтизм бошловчисидир. Грузиянинг тарихий тақдирлари — ижодининг асосий мавзуларидир. Севги шеърларининг энг моҳир устаси ҳисобланади. Саломе деган князь қизига ўйланган ва ундан икки қиз ва бир ўғил кўрганди: Нина, Катенька ва Давидчик. Чавчавадзе юришларда кўп бўлар, хотини ҳама кундан-кунга сўлиб, уйқучи бўлиб қолган эди. Эрига яхши қаролмас ва бошқа бирон иш билан машғул бўлишни ҳам истамас эди. Шу боисдан Чавчавадзе, болаларининг тарбиясини унга ташлаб қўйиш тўғри эмаслигини ўйлаб, уларни Прасковья Николаевна тарбиясига берди. Шундай қилиб Прасковья Николаевна эрининг икки боласи Сонечка ва Егорушка, ўз қизи Дашенька ва Чавчавадзенинг болалари Нина, Катенька ва Давидчик бирга яшай бошладилар.

Тез орада болалар улғайиб қолишди ва уларникига кўпдан-кўп ҳар хил меҳмонлар келиб туришарди. Петербург ва Москвадан келган меҳмонлар — баъзида жиянлар, тоғаччалар, баъзида амакивачча ва бошқа узоқ-яқин қариндошлар шу ерда тунаб қолишарди. Александр Грибоедов ҳам бу уйга тез-тез келиб турарди. Бу уйнинг қизлари кўзга яқин ва Грибоедовнинг назарида истаганини қўлга киритиши мумкиндай эди. Аммо унинг кўнгли кўпроқ Нина билан банд эди. Нинанинг кўзлари катта-катта, тим қора



ва беозор, лаблари юпқа, оёқ-қўли оппоқ бўлгани ҳолда, ёноқлари тагида гилос суви бордай қизил, товланиб турарди. Бели қилдай ингичка бўлса-да, пастлари ёшига ҳеч тўғри келмайдиган даражада серкиллаган, нақ кўзиларга ўхшарди. Онаси Саломага ўхшаш сўлғин ва бепарво эмас, аммо сал мудроқ босиб юриши унга ўхшашроқ эди. Дашенькага солиштирса, бениҳоя чиройли эди. Александр Нинани фортепьяно ёнига ўтқазиб музика чалишга ўргатар ва ўйга чўмиб, унга фортепьянони мақтарди. Ҳеч ким уларга халақит бермас, бир сонатани такрор-такрор чалишарди. Гоҳида ташқаридан:

Ошиқ бўлдим сенга чиройли қиз,
Вой чиройли қиз...
Ошиқ бўлдим сенга, вой тоғли қиз,
Вой тоғли қиз...—

каби кўшиқлар эшитилиб қолар, шунда Нина оғиздаги садаф тишларини йилтиратиб кулиб юборарди. Бир ёнда Дашеньканинг, бир ёнда Нинанинг кулишлари Александрни девона қилиб юборарди. Дашенька ҳам чиройли эди-ю, унинг ўта хушчақчақлигига қараганда Нинанинг маъсумалиги, итоаткорлиги жуда ёқимли кўринарди. Александр унга сал тикилиб қараса, Нинанинг киприклари пирпираб ва фортепьяно чалиб, ўзини тутиб олар эди.

Улар кўп суҳбатлашардилар. Ниналарнинг уйига кириб узоқ узоқ гаплашган пайтлари ҳам кўп бўларди. Уйларидаги ашёлар қандайдир аралаш-қуралаш, бир тарафда серҳашам қадимий грузин жиҳозлари, иккинчи тарафда янгича овруповий буюмлар, деворлардаги осиглик турган гиламлар ҳали-ҳамон оҳорини йўқотмаган эди.

Катта бир уй кутубхона эди. Жавонларда Саъдий ва Ҳофиз, Чахруҳадзе ва Гёте китобларидан ташқари, турли-туман янги инглиз журналлари ҳам бор эди. Александр Петербургдаги қанча ёзувчи дўстларининг уйида ҳам бундай бой кутубхонани кўрмаган эди. Нина рус адабиётини анча пухта билар, гоҳо:

— Пушкинни кўрганмисиз? У қанақа одам? — деб, ёки:

— Булгарин ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўраб қоларди.

Грибоедов Пушкин билан бир-икки бор учрашган ва икки сафар ҳам у Грибоедовга, «сизга ҳавасим келади», деганди. Аммо Александр бу ҳақда индамай, уни мақтаб қўя қолган эди. Булга

ринни эса «сал бемазароқ ёзувчи, асарларидаги шахватли ҳаёт тасвирлари ғашга тегади», деганди. Нина эса Пушкинни отаси грузинчага таржима қилгани ҳақида гапирар, унинг шеърларини яхши кўришини айтганда Александр сал-пал рашк қиларди.

Бир сафар: — Николай подшоҳни кўрганмисиз? — деб ҳам сўради. Ҳа, у подшоҳни кўрган ва у билан ҳамсухбат бўлган эди. Подшоҳ ундан бир ёш кичик эди. «Туркмансой шартномаси»ни олиб борганда сиёсий масалаларда гаплашгандилар. Николай I Грузиядаги рус армиясининг бош қўмондони Иван Фёдорович Паскевич ҳақида гап очиб, Грибоедовдан:

— Сизнингча, у қандай одам? — деб сўраганди, сўнг яна:

— Яқинда бир хат олгандим, Иван Фёдорович сержаҳл ва ди-моғдор бўлиб кетди, деб ёзишибди, мен бундай хатларга кўп-да шпоनावермайман, — деб қўйганди. Грибоедов у ҳақда подшоҳга:

— Ўзингиз биласиз, у табиатан шиддатли одам, бошқача булолмайди. Аммо, ҳукмдорлиги ва шуҳрати ортгандан кейин, ҳар қалай жўжаҳўрозлик нуқсонларидан қутулолмаётир, — деганди. Грибоедовнинг бу гапи Николай I нинг ўзига ҳам тегиб кетиб, суҳбатни кесиб қўя қолганди. Чунки подшоҳнинг ўзи ҳам тахтга ўтиргандан кейин ана шундай ўзгариб қолган эди.

Ҳар неки бўлмасин, кунлардан бир кун Александр Нинани яхши кўриб қолганини ҳис қилди. 1828 йилнинг 22 августида улар Сион ибодатхонасида никоҳдан ўтдилар. Бу — бозор куни эди. Генерал Сипягин уларнинг шарафига полякча бал берди.

Аммо орадан кўп ўтмай, Грибоедовга марказдан буйруқ хати келди. Грибоедов Тифлисла узоқ қолмай, зудлик билан Техрон-га жўнаб кетиши керак эди. Урушда ютқазган ва қашшоқлашиб қолган Форсия, Россияга тезлик билан тўлов (контрибуция) тўла-ши керак эди. Форсларнинг ғазаби авжида эди. 1829 йилнинг 30 январиди газовотга отланган мутаассиблар Грибословни ўлдир-дилар. Бундан салгина олдин Александр Грибоедов севиқли хо-тини Нина Чавчавадзега шундай бир хат ёзганди:

«Казбин, 1828 йил 24 декабрь, арафа.

Жонгинам. Биз эртага Тейрон (Техрон)га жўнаб кетамиз, тур-ган жойимиздан у ергача аравада тўрт кунлик йўл. Кеча сенга бир хизматчим билан хат ёзгандим, аммо кейин у сенинг олдинтга, шунингдек M-meMacdonald (Макдоналд хоним) олдига ҳам ўн-икки кундан олдин етиб боролмайди деб ўйладим, мактубларим-

ни баравар оласизлар. Эй менинг бебаҳо дўстим, сен учун жуда куйинаман, сенсиз ўзим ҳам қаттиқ сиқилиб кетдим. Энди мен севиш нималигини чинакамига ҳис қилдим. Илгари мен кўплари билан ажрашганман, уларга ҳам қаттиқ боғланиб қолгандим, аммо бир-икки кундан кейин, узоғи билан бир ҳафтада соғинчларим ўтиб кетарди, сендан эса қанча узоқлашсам, соғинчим баттар ошиб бормоқда. Фариштам, яна озгина сабр қилайлик, бизни ҳеч вақт бир-биримиздан айирма, деб Худога сиғинайлик.

Бу ерда мени асирлар ақидан оздиришди. Баъзиларини қайтиб беришмаяпти, бошқалари ўзлари қайтгилари йўқ. Мен улар учун бекорга вақтимни ўтказдим, ҳамма уринишларим мутлақо бекор кетди. Турган уйимиз ҳашаматли, аммо совуқ, каминлари йўқ, манқаллардан ҳаммамизнинг бир-бир бошимиз оғриб ўтди. Кеча мени Мирза Наби исмли бу ернинг Вазири меҳмонга чақирди. Укаси шу ерлик шахзоданинг қизига уйланди. Тўй базми ўн тўрт кун давом этди. Меҳмондорчилик каттакон ҳовлидаги қатор-қатор уйларда ширинликлар билан тўла дастурхонлар атрофида бўлди, турли таомлар тортилди. Ҳовлининг усти кенг полотно (қалин газлама) чодир билан қопланган ва ҳашаматли ёритилган, ўрта бамисоли театр, ҳар хил ўйин-кулгилар. Сен билан иккимиз Табризда кўрган томошаларга ўхшаш. Атроф тўла меҳмонлар, тахминан беш юз киши. Бой либосли куёв боланинг ўзи олдимга келиб такаллуф қилиб кетди. Лекин, жоним, сен шоҳ қизи бўлмасанг ҳам, бизнинг тўйимиз завқлироқ ўтганди.

Эй ҳали баҳосини топмаган гўзалим, совчиликка борганим эсингдами, бошқа бир учинчи одамни ўртага қўшмай борганим... Сени илк бора қандай ўпганим эсингдами, бир-биримизни тез ва чин кўнгилдан ёқтирдик, абадиян бир ёстиққа бош қўйдик. Биринчи оқшом эсингдами, ойинг, бувинг ва Прасковья Николаевна эшик олди даҳлизида ўтиришарди, биз иккимиз дераза ортида ичкарида эдик. Мен сени маҳкам бағримга босдим, сен бўлсанг, қизариб кетдинг. Мен сенга қандай қилиб қаттиқ-қаттиқ ўпишиш кераклигини ўргатдим. Эҳ, кейин мен касал бўлиб қолиб ҳарбий қароргоҳдан қайтиб келгандим, сен эса ўшанда, жонгинам, бошимда қандай ўтиргандинг-а. Энди қачон олдинга қайтиб бораман! Биласанми, сен учун шундай кўрқаманки, икки ҳафта бурун, мен кетишимдан олдинги, оғир аҳволга тушганингдай, яна ўша ҳол юз беришини ўйласам, мени даҳшат босади.

Бугун умидим Даражондан, у кечалари қаттиқ ухлаб қолмайди, кудда хушёр. Сендан нари кетмайди. Жоним, уни ўпиб қўй. Фитини билан Захарийга эса сенинг хатинг учун ташаккуримни айтаман. Сен улардан рози бўлсанг, мен уларни рози қиламан. Бундан иш қўлимдан келади.

Яқинда бу шаҳарни томоша қилиб кўриб чиқдим. Мачитларни, бозор ва карвонсаройлари бўйи, аммо ҳаммаси тўкилиб турибди, умуман бу ернинг Давлати ҳам шу аҳволда. Келаси йили, ҳаттоқимол, бу жойларда бирга айланармиз, ана ўшанда ҳамма нарса менга энг яхши тусда кўринади.

Яхши қол, Нинажон, Фариштагинам. Ҳозир соат кечки 9, сенинг ўзингга ҳозирланаётган бўлсанг керак. Мени эса беш кундан бери ўлкусизлик қийнайди. Докторнинг айтишича, бу қаҳвадан эмиш. Мен эса бунинг сабабини бутунлай бошқа нарсада деб биламан. Ўйи ўтаётган ҳовли менинг ёғоғимдан узоқ эмас, қўшиқлар, шовқин-суронлар эшитилиб турибди, улар менга жирканч кўринибгана қолмай, ҳатто ўзимни ёлғиз ҳам ҳис қилаяпман. Яхши қол, менинг бебаҳо дўстим. Оғалибекка, Монтисга ва бошқаларга мендан салом айтиб қўй. Дудокларингдан, сийначаларинг, қўлчаларинг, оёқчаларингдан — бошдан оёғинггача сени ўпиб қоламан.

Сенинг маъюс А.Гр.-винг.

Эртага Рождество, қутлайман сени, кичкинам, жонгинам. Шундай катта байрамни зерикиб ўтказаётганинг учун айбдоринг (ўзим ҳам айбдорман, жисмим ҳам). Байрамни Тифлистеда ўтказсанг, сал кўнглинг очилармиди. Хайр, омон бўл, бизники-чир ҳаммаси сенга салом айтишяпти».



ПУШКИН билан НАТАЛЬЯ ГОНЧАРОВА

1. Уйланиш



жиддий кўринарди. Уни майпараст, қартабоз, ишқ-муҳаббатда беқарор, жамоат ичида беандиша йигит деб билардилар. У, бу ёшгача турли чапани одамлар билан бир неча марта дуэлга чиққан, унларча аёлларни йўлдан урган, баъзи оилаларнинг бузилиб кетишига сабабчи бўлган, бир марта бир ошнаси билан хорижга қочишга уринган, отаси билан чиқишмас эди. Ҳатто отаси уни полиция назоратига олдириб қўйган эди. Шоирнинг ўзи

1831 йил 18 февралда 31 ёшли Александр Пушкин билан 18 яшар Наталья Гончарованинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Россиянинг энг улуғ шоири Россиянинг энг гўзал қизига уйлангани жуда қувонарли ҳодиса бўлса ҳам, Пушкиннинг таниган-билган қариндош-уруғлари ва ёр-дўстлари бундан шуқур қилсалар ҳам, сал-пал хавотирлан эдилар. Гап шундаки, Александр шоир сифатида бутун салтанатда ном қозонган эди-ю, инсон сифатида жуда н о -



са, бу ишларга жиддий аҳамият бермасди; афтидан, буларни ешилик-буйдоқликка хос оддий ҳодисалар деб биларди.

Александр ва Натальянинг унашилиш маросими тўйдан деярли бир йил олдин — 1830 йил 6 май куни бўлганди. Ушанда орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Пушкин француз тилида бир ҳикояча ёзганди. Унда мана бундай сатрларни учратамиз:

«Тақдирим ҳал бўлди... Уйланяпман... Икки йилдан буён кўзларим кимни ҳар ердан излаган ва учратишни олий бахт деб билган бўлса, ё худо, айнан уша қиз деярли меники энди...

Уйланиш! Айтишга осон! Мен уйланяпман, яъни эркимни қурбон қияпман; беғам, тантиқ эркимни... серхарж одатларим, мақсадсиз дайдишларим, дуч келган ерда танҳо тунаб кетишларим, гулдан-гулга сакрашларим тамом энди... Бошим иккита, беғим тўртта бўлади. Энди «мен» деб эмас, «биз» деб фикр юригишим керак, ҳа... Мен ҳеч қачон бахт яратиш учун ҳаракат қилмагандим, бахтсиз ҳам яшай олардим. Энди мен, ҳолбуки, икки кишининг бахти учун курашишим керак. Аммо икки кишилик бахтни қаердан оламан? Уйланмасимдан олдин умуман менда масъулият бормиди?» Демак, Александр никоҳланишдан олдинги эркалик-тантқиқликларини табиий ҳол деб тушунган, уйланиш эса катта масъулият эканини, у инсонга катта мажбурият юклаяжагини билган эди.

Авваламбор, Александр никоҳга кириш учун ўртада фидойилик даражасидаги иккиёқлама муҳаббат бўлиши шартлигини чуқур ҳис қилар эди. Шу боис унинг Екатерина Ушакова ҳамда Анна Оленина билан ажрашиб кетиши оғир кечмаганди, дейиш мумкин. Пушкин Наталья Гончаровани биринчи марта москвалик рақс муаллими Иогелнинг Тверь хиёбонидаги уйида 1828—1829 йил қишида балда кўрган ва ошиқи беқарор бўлиб қолган эди. Бундан икки йил олдин худди шундай мавсумда Екатерина Ушакова билан танишган ва уни севиб қолганди.

Николай Васильевич Ушаков (Екатеринанинг отаси) узоқ вақт Тверь губерниясида (вилоятида), сўнг бир оз Петербургда хизмат қилган ва кунлардан бир кун унинг улушига катта мерос тушиб, 1821 йилда оиласи билан Москвага кўчиб ўтган, катта боғи ҳам бўлган икки қаватли уй сотиб олиб (уйининг биринчи қавати тошдан, иккинчи қавати ёғочдан эди) шу ерда яшар эдилар. У уша даврининг илғор фикрли кишиларидан эди. Рус

драматурги Фонвизин ва улуғ инқилобчи ёзувчи Радищевнинг хотини билан борди-келди қилар, ўша даврда тақиқ остида бўлган Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» комедиясини қўл билан кўчириб чиққан кишилардан эди. Хотини Софья Андреевна мусиқ дунёсидан бохабар, катта билимли аёл эди ва ўзи ҳам кўшни айтарди. Уларнинг Екатерина ва Елизавета исмли икки қизи ва Иван деган ўғли бўлиб, Пушкин улар билан яқин дўст эди. Айниқса катта қизлари Екатерина Ушакова билан Пушкин орасида ишқ савдоси юз кўрсатган ва бу каттагина илдиз ҳам отган эди.



Екатеринани яқиндан билган ёр-дўстлари, талайгина ёзувчи ва шоирлар унинг ташқи кўринишига гоят хушбичим, ёқимли бўлганини, ўзи ҳам ички дунёси бой, фаросати ўткир, сўзга чечан ва қобилиятли бўлганлигини хотирлайдилар. Пушкин бу хонадонни чин дилдан ҳурмат қилар, Софья Андреевнадан кўпдан-кўп қадимий рус халқ кўшиқларини ёзиб олган, опа-сингил Екатерина билан Елизаветанинг бир қанча альбомларини хилма-хил расмлар билан тўлдириб ташлаган, Екатеринага бағишлаб бир қанча шеърлар битган эди. Шу жумладан шахсан

унинг номига ёзилган «Қадимги пайтда», «Сиздан йироқда», «Жавоб» шеърларини мисолга келтириш мумкин. Александр Пушкин Екатерина деярли бир йил дўстлик неъматидан баҳраманд бўлдилар, ўзларини бахтиёр ҳис қилдилар. Уларнинг замондошлари ажрашувларига сабаб бўлган бир воқеани келтирадилар: ўша пайтлар кунлардан бир кун бир фолбин аёл ҳақида овоза тарқалади. Пушкин Екатеринага уйланмоқчи, Екатерина ҳам бунга розилик берган пайтлари эди. Аммо Екатерина Пушкиннинг фолбин хотинга фол очтириш учун боришига эътироз билдиради. Пушкин барибир фолбинга боради. Фолбин унга: «Сен ё бир оқ отдан, ё хотиндан ўлим топасан» дейди. Пушкин Ушакова билан учрашганда фолбинни бир оз майна қилиб унинг гапларини

ҳазил аралаш айтиб беради. Ушакова хафа бўлади: «Сен менга ишонганингда фолбинга бормасдинг. Мен энди сенга теголмайман. Умр бўйи сенга бирон нарса бўлса ўзимдан кўриб қийналишим турган гап. Модомики фолбинга борибсан, мени яхши кўришинг ҳам чуқур эмас» дейди ва улар ажрашадилар.

Тўғри, Пушкин бир ора Москвадан Петербургга кетган ва у ерда Халқ кутубхонасининг директори ва Бадиий Академия президенти Алексей Николаевич Олениннинг қизи Анна Николаевна билан ҳам дўстлашиб улгурган эди. Анна ҳам чиройли, дадил ва жўшқин қиз эди. Кўзлари болаларнинг кўзларидек маъсум ва чақноқ эди. Пушкин уни ҳам севиб қолиб: «Унинг кўзлари», «Ҳайҳот, муҳаббатнинг оғзи бўш», «Сен ва сиз» каби бир қатор шеърларини унга атаб ёзган эди. У Аннага уйланмоқчи бўлиб совчи қўйганди, отаси рози бўлиб унашилиш кунини тайинлаган, бешун меҳмон ҳам чақиртириб, зиёфат дастурхони тайёрлатганди, аммо Пушкин айтилган вақтга етиб келмади. Алламаҳалда, меҳмонлар тарқалиб бўлганда келди ва Алексей Николаевич билан Пушкин бир хонага кириб гаплашиб олишди. Шу тариқа шоир қатъий рад жавобини олган эди.



Аммо Пушкин Екатеринадан ҳам, Аннадан ҳам ажрашганида бунга ачиниб ўтирмаган, аслида, улар билан муомалада бўлган чоғларидаёқ яна Натальяга ошиқи беқарор бўлиб қолган ва буни Екатеринадан яширмаган эди. Опа-сингил Екатерина ва Елизавета Пушкиннинг беқарорлигини билганлари учун, уни аския қилиб кулиб қўя қолгандилар.

«Наталья Николаевна Гончарова Пушкин билан Москвадаги балда биринчи бора учрашганида эндигина 16 га кирган эди. У оппоқ ҳарир кўйлакда, бошида олтин чамбари билан ўша муҳим кечада ўзининг классик, шоҳона гўзаллиги билан ҳаммани ўзига ром этган эди. Александр Сергеевич ундан кўзларини узмасди. Унинг

шуҳрати бутун Россияга таралган, ҳар ерда иззатини жойига қўяр дилар; у ўзини қадрловчи тўдалар ва завқи баланд мухлисалар қуршовидан бўшамас, улар шоирнинг ҳар бир жумласини бебаҳо хотираларига тугиб қўярдилар. Наталья Николаевнанинг камтарлиги эса бир дардга айланганди. Улар илк бор танишганларида Александр Сергеевичнинг атоқли номи, генийларга хос ҳукм-фармо — шаддодлиги хижил қилибгина қолмай, руҳини қандайдир босиб-эзиб турарди. Александр Сергеевичнинг завқи баланд ибораларига уялиб жавоб қайтарар, аммо бу тугма камтарлиги шоир назарида уни фақат юксалтирган эди, холос».

Наталья Николаевнанинг иккинчи эридан қўрган қизи Арапованинг онасидан эшитиб ёзган хотираларида маълум қилинишича, Пушкин аввалига Гончаровалар уйига қадам босишга журъат этолмаган экан. «Умримда биринчи марта чўцияпман» деб тан олганди у. Пушкиннинг улар хонадонига киришига эски дўст граф Толстой ва улуғ рус археологи Малиновскийнинг хотини ёрдам беришди. Улар қизнинг онаси Наталья Ивановнани кўнглини юмшатишди. Аввалига у, Пушкиннинг «сиёсий ишончсиз» одам эканлигини эшитгани учун ҳеч розилик бермайдди. Граф Толстой онанинг бу ишорасини Пушкинга келиб айтганида, Пушкин дарҳол жандармерия бошлиғи Бенкендорфга хат ёзиб, подшоҳ Николай Биринчининг ижобий тавсифини олади ва Наталья Ивановнага жўнатади.

«Мен қизингизни илк бор қўрганимда унинг сулувлиги жамоат ичида энди кўзга ташлана бошлаган эди. Мен уни севиб қолдим, бошим айланиб кетди. Совчи қўйиб сизга одам юбордим. Сизнинг ноаниқ жавобингиз мени ақлдан оздираёзди, ушункуни кечасиёқ армияга кетдим. — Нимага? — дерсиз. Нимагалигини, онт ичиб айтаманки, ўзим ҳам билмайман. Аммо ғайриихтиёрий бир ҳолат мени Москвадан ҳайдар эди. Сиз ва қизингизнинг борлиги мени Москвага сиғдирмасди».

«Граф Толстой менга сизнинг умид бахш этувчи, йўқ деб айтмаган жавобингизни келтирганда мен сизга тиз букиб, миннатдорчилик билан йиғлаб хат ёзишим керак эди. Шунга қарамадан агар мен ҳамон ғамгин бўлсам, бахтиёрлигимга ҳасрат шалам аралашаётган бўлса, мени нонкўр ликда айбламанг. Бемор қалбли ва бахтдан сархуш одамнинг бесабрлигини кечиринг. Мен ҳозир кетяпман ва қалбимнинг туб-тубларида бир самовий ман

жудотнинг сувратини олиб кетяпман ва у ўзининг мавжудлиги учун сиздан қарздордир». Бу сатрлар Пушкиннинг бўлғуси қайнонасига ёзган хатларидан олинган. Шундай қилиб, Пушкин Наталья Ивановнадан ноаниқ жавоб олгач бир кечада Москвадан чиқиб кетиб, армияга Арзрумга йўл олганди. Орадан беш ой утгач Пушкин Арзрумдан қайтиб келади. Аммо Наталья Иванова ҳам, Наталья Николаевна ҳам уни совуқ қарши оладилар. Уларнинг бепарволиги, эътиборсизлиги Пушкинни эсанкиратади ва у яна Петербургга кетади.

1830 йил бошида сарой аҳлининг Петербургдан Москвага келиши муносабати билан катта зиёфат ва тантанали баллар уюштирилади. Шоир Пётр Вяземский, князь Голицинлар берган балда Наталья Гончаровани кўриб қолади. Қиз билан рақс тушаётган Лужин деган йигитни чақириб олиб уни Гончаровалар уйига юбориб, Наталья ва онасининг Пушкинга муносабатини аниқлаб келишни топширади. Она ва қиз Пушкинга мойиллик билдириб, унга салом айтишади. Шундан кейин Пушкин яна Наталья Ивановнага хат ёзиб: «Мени сизнинг қизингизга фақат доимий яқинлик ва одатларгина боғлаб тура олади», — дейди ва яна қизнинг кўлини сўраб: «У бунга розими? Келгусида ҳар хил гап-сўзларни эшитиб ачиниб юрмайдими? Мени алдаб йўлдан урди деган хаёлларга бормайдими? Менга кўнгилсиз бўлмайдими? Худо ҳаққи, мен унинг учун ўлишга ҳам тайёрман», — деб уқтиради. Ундан ташқари у ўзи ҳақида шундай деб ёзади: «Мен учун фақат унга уйланиш кифоями? Мен ҳеч қачон хотиним қандайдир етишмовчиликдан сиқилиб юришига тоқат қилолмайман. Хоҳлаган жойида ўз гузаллигини намоён қилишига ва истаганча уйнаб кулишига қаршилиқ қилмайман».

Натальянинг унга ўзи хоҳлаб текканини кўрсатувчи бир талай ҳужжатлар бор. Чунончи у ўз бобосига ёзган мактубида:

«Меҳрибон бобожон!

Сизга у ҳақда (Пушкин ҳақда) ёмон фикрларни сингдираётганларини эшитиб хафа бўлдим...Мендан хат олсангиз кўнглингиздаги шубҳалар тарқашига умид қилиб, ушбу хатни ёздим. Ўз розилингиз билан менинг бахтли бўлишимга ҳисса қўшишингизни сўрайман...» — деб ёзади.

Замондошларидан бири Н.П.Озерова Энгельгардтга ёзган хатида:

«Айтишларича, Гончарова (она) қизнинг тўйига қаттиқ қаршилиқ қилган, аммо қиз онасининг майлини қозонишга эришган. Қизнинг ўз қайлигини яхши кўриб қолгани кўриниб турибди» — деб ёзади.

Пушкин тўй арафасида катта қарзларга ботиб ётган эди. Барча дўстлари унинг қарзларини узишга киришадилар. «Пушкин учун 2000 минг сўмча пул тўпладим ва тантанали равишда унга юбордим», «Пушкин учун итдай пул излаб юрибман», — деб ёзади М.П.Погодин.

Пушкиннинг отаси ўз шахсий мулкидан катта қисмини ўғлига беради:

Нижегород губерниясидаги Кистенев қишлоғидан 474 жонни абадий ва авлоддан-авлодга қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланиш учун Пушкиннинг янги оиласига тўяна қилади. Унашилиш маросимидан кейин Пушкин тезроқ никоҳ тўйи ўтказилишини талаб қила бошлайди. Аммо Наталья Ивановна очикдан-очиқ «бунга пулимиз йўқ» деб жавоб беради. Шунда Пушкин унга кўп пул олиб келиб беради ва келин либосларини тиктиришни илтимос қилади. Аммо пул фақат кийим тиктиришга эмас, майда-чўйда нарсаларга ҳам ишлатиб юборилади.

«Пушкин тўй харжлари учун 12 минг сўм қарз олди» — деб ёзади замондошларидан бири.

«Хатто тўй куни ҳам Наталья Ивановна Пушкинга одам юбориб тўйни қолдириш керак, чунки аравага ва бошқа баъзи нарсаларга пул йўқ деб хабар берди. Пушкин яна пул юборди» — деб ёзади Бартенев.

Шу тариқа Пушкин барча қийинчилик ва қаршиликларга қаҳрамонона бардош бериб, уйланишга муваффақ бўлган эди.

2. Рашкнинг илдишлари

Александр Пушкин ва Наталья Гончарова тўйдан кейин Москванинг Арбат деган машҳур бир маҳалласида, икки қаватли катта бир бинонинг иккинчи қаватида яшай бошладилар. Икковлон жуда бахтиёр эдилар. Наталья Николаевнанинг гўзаллиги оғиздан-оғизга овоза бўлиб кетди.

«У мени хотини билан таништирди... Оҳ, нақадар гўзал!» деб ёзганди замондошларидан бири.

«Пушкин зўр бир зиёфат берди. Ўзи ҳам, хотини ҳам меҳмонларни очик юз билан қойилмақом қилиб кутишди. Хотини ҳаддан ташқари чиройли... Улар бамисоли икки кабутарга ўхшайдилар» деб ёзганди бошқа бир замондоши.

Дарҳақиқат, Пушкин меҳмонларни қойиллатиб кутар, ўзининг иштаҳаси ҳам чакана эмасди. Бир куни Пушкин бир олишда йигирма шафтолини паққос урганини, ивитилган олмани ҳам қириб еганларини завқланиб ҳикоя қилади бир дўсти.

«Наталья Николаевна жуда сулув, баланд бўйли, келишган, юз бичими ҳайрон қоларли даражада мутаносиб эди» деб эслайди Долгорукова деган бир аёл.

«Тўйларидан бир ой кейин кунлардан бир кун эрталаб Иверскаяга бордим. У ердан шаҳарга жўнадим, бир пайт майдондан ўтиб кетаётиб, тўрт отли муҳташам бир аравага кўзим тушди. Мен ўзимни четга олаётганимда, кимдир аравадан: «Таня, яхшимисан, менинг қувончим!» деб қичқирди. Қарасам — Пушкин! У арава дарчасини тушириб, бошини чиқарди ва менга қўллари билан «ҳавойи» бўса йўллай бошлади. Ёнида ниҳоятда гўзал бир нозанин — кўк барқут шубали хоними ўтирар ва менга қараб жилмаярди», деб ҳикоя қилади бир лўли қиз.

Пушкин бу лўли қиз билан 1830 йилда, Наталья билан унашилгандан кейин танишган эди. Бўлажак қайнонаси тўйни орқага сураверганидан диққинафас бўлиб юрган кезларида Пушкинни лўли қизлар ётоғига дўсти Нашчокин олиб борганди.

«Вақт алламаҳал бўлиб, соат 12 ларга қараб кетган, биз энди ётаётган эдик, бирдан дарвозамизни кимдир тақиллатди... Лукерья менга: «Таня, чиқ, меҳмонлар келди, қўшиғингни эшитишмоқчи!» деб қичқирди. Мен сочларимни ечиб ташлаб, бошимга оқ рўмол танғиб олгандим. Шу ҳолда сакраб чиқдим. Голохвастов, жаноб Протасьев, Ольганинг ошиғи Нашчокин ва унинг ёнида бўйи пастрок, лаблари қалин, бир бароқ йигитча келишибди. У мени кўриши билан хахолаб кула бошлади, ялтираб турган йирик-йирик тишлари оппоқ эди. «Ошпаз-ку бу, ошпаз!» дер эди мени жанобларга кўрсатиб. Тўппа-тўғри, эгнимдаги чит кўйлагим қип-қизил, бошимдаги оқ рўмол ошпазларнинг қалпоғига ўхшарди. Менинг ҳам уни кўриб кулгим қистарди, фақат у менга жуда хунук кўринарди. Мен уни ўртоқларимга кўрсатиб лўличасига: «дика, дика, на не лачо, таки вашескери! — қара,

қара, мунча хунук, худди маймуннинг ўзи-я!» дедим. Улар ҳам кула-кула қотиб қолишди. У менга: «Нима дединг, нима дединг?» лаб ёпишиб олди». Ҳеч нима, сиз мени ошпаз деганингизни айтдим», дедим. Нашчокин эса «Ҳей, Пушкин, мана шу ошпаз қандай куйлашини эшит!» деди унга. Мен «Жоним, жоним, шошиб кел олисдан» романсимни куйладим. У ёнимга келди, «Кувончим, менинг кувончим, сени ошпаз деганим учун кечир, сен ошпаз эмас, бебаҳо малак экансан!» деб қичқирди.

Шундан кейин Пушкин Танялар ётоғига тез-тез келадиган бўлиб қолганди. Таня лўли яна шундай хотирлайди:

«Бир гал кечкурун — Пушкиннинг тўйига роппа-роса икки кун қолганда — Нашчокин ва у билан бирга яшаётган Ольга-нинг олдига кирдим, биз саломлашиб ҳам улгурмаган эдик, остонага чана келиб тўхтади, даҳлизга Пушкин кириб келди...» Таня, менга бахт тилаб, бир қўшиқ айт. Уйланыпман, эшитгандирсан?» деди... Оля гитара келтирди, мен созлай бошладим. Фақат менинг юрагимга ўша лаҳзада ҳеч нима сифмас эди. Чунки менинг ўз кўнгил қўйганим бор эди, хотини уни мендан айириб, қишлоққа олиб кетган, мен соғинчдан сиқилиб юргандим. Шуни ўйлаб туриб, Пушкинга қўшиқ айтдим.

Оҳ, онажон, йўллар нега чанг?

Давлатли маликам, йўллар нега чанг?

Отлар гижинглайди, кимнинг оти бу отлар?

Александр Сергеевичнинг оти бу отлар...

Қўшиқни куйларканман, ўзим маъюс эдим, сезиб турибман, овозимда ҳам шу аҳвол. Бирдан шу пайт Пушкиннинг ҳўнграб йиғлаганини эшитдим... Қўзларимни очсам, у худди кичкина боладай, қўллари билан бошини чангаллаб, йиғлар эди... «Сенга нима бўлди, Пушкин?» деб Нашчокин унга отилди. «Эҳ, — дейди, — унинг бу қўшиғи ичимни ағдар-тўнтар қилиб юборди. У менга бахт эмас, жуда катта йўқотишни башорат қиляпти». Кейин у бу ерда кўп ўтирмади, ҳеч ким билан хайрлашмай, жўнаб кетди.

«Мен уйимда ўз Биби Марямим бўлсин деб уйландим» деганди Пушкиннинг ўзи. У, дўсти Плетнёвга ёзган бир хатида: «Мақтанмайман, шикоят ҳам қилмайман, чунки хотиним жуда ажойиб (биргина ташқи кўриниши билан эмас)» деб эътироф этганди. Аммо одамларнинг кўпчилиги Натальяни мақташ баҳонасида Пушкиннинг ўзини камситмоқчи бўлар, ўртага совуқлик

ёки хатар тушишига сабаб бўлувчи гаплар ҳам тарқатишарди. Чунончи, Кашкина деган бир аёл:

«У, уйлангандан буён бутунлай бошқача одам бўлиб қолди — фазилятли, ақлли, хотинига берилган. Ўзиям хотини бундай ўзгаришга арзийди-да! Пушкинни у билан ёнма-ён кўрганимда, Пушкин менга беихтиёр қандайдир ақлли, фаҳми ўткир кичкина бир ҳайвончанинг сувратини эслатади», деб ёзганди.

«Бир кунни у ҳазиллашиб: «Хотинимнинг ёнида ўзимни хўрлангандай ҳис қиламан» деб айтди», деган эди яна бир дўсти. Пушкин москваликларнинг бундай табиатини илгаритдан яхши билар, шунинг учун ҳам ҳали тўйлари бўлмасдан олдин дўсти Плетнёвга:

«Мен шу ойда уйланаман, Москвада ярим йилча яшайман, кейин сизларнинг олдингизга кучиб бораман. Мен Москва ҳаёти-ни яхши кўрмайман», деб ёзганди. Аммо тўйлари-дан уч ой ўтар-ўтмас кўчиш тараддудига тушиб қолди. Бунга қайнонаси Наталья Ивановна ҳам сабаб бўлаётганди. Пушкин тўй арафасида қарзларидан аранг узилиб, рўзгорни қийинчилик билан эндиgina изга солаётган бир паллада қайнона бўлмиш оилани янгидан-янги қарзларга боти-рарди. Айниқса, қизига тегишли бриллиант ва зумрадларни гаровга қўйиб, пулни ишлатиб юборгани, гаровномани эса қизи билан куёвига топширгани, Пушкинлар зийнатларни қайтариб ололмагани тарихий ҳужжатлардан маълум.

Айтишларича, Наталья Ивановна жуда ақли, анча-мунча ўқимишли аёл бўлган. Аммо рўзгор бошқаришга уқуви бўлмаган. Ярополча деган жойда шахсан унга тегишли каттагина амлоки бор бўлиб, икки минг жон унинг хизматида эди. Шунга қарамай ёнида ҳеч пули бўлмас, тушган даромадни ишлатишда ҳеч қандай тартиб-қоидага амал қилмас эди.

«38000 сўм олишга йўл топиб берган отам туфайли мен уйланиб олдим ва бир амаллаб рўзгорни йўлга қўйдим, жузъий қарзларга ботмадим. Аммо қайнонамга ва хотинимнинг бобосига ишонадиган бўлсам, ҳолим хароб бўлади. Биринчидан, хўжалиги, уй тутиши пароканда, иккинчи томондан, уларнинг сўзларига ишониб бўлмайди», деб ёзади Пушкин.

Хуллас, 1931 йил 15 майда Москвадан Санкт-Петербургга кучиб кетди. Дастлаб Демут меҳмонхонасида тўхтади, сўнгра ой охирларида Подшоҳ Чорбоғи (Царское Село)га жойлашди. Назарида, жуда ажойиб иш бўлди: бошкент яқинида илҳомбахш

ёлғизликда, ёқимли хотиралар кучоғида, турли қулайликлар бағрида ёз ва кузни ўтказадиган бўлди. Бу ерда тураржойлар у қадар қиммат эмас, гусарлар таътилга кетган, сарой аҳли ҳам дам олишда эди. Плетнёв ва Жуковский каби қалбга яқин кишилар билан ҳар ҳафтада учрашиши мумкин, тирикчилик арзон, арава-параваларнинг кераги йўқ. Бундан яхшиси борми? Пушкин 1 июнда москвалик дўсти Нашчокинга хат ёзиб: «Энди ҳаммасини тўғрилаб бўлганга ўхшайман, аста-секин қайнонаси, арава-парава, демак, ортиқча харажатларсиз ва ғийбатлардан холи яшай бошлайман», деган эди.

Санкт-Петербургда Пушкинлар биринчи бўлиб Хитроволар хонадонида 1831 йил 21 майда меҳмон бўлишди. Пушкин Хитроволар оиласи билан уйланишидан тўрт йил олдин, 1827 йилнинг баҳорида танишган, Елизавета Михайловна Хитрово ва унинг оилали қизи Дарья Фёдоровна Фикельмон билан қадрдон бўлиб кетганди. Елизавета Михайловна улуғ рус саркардаси фельдмаршал Михаил Кутузовнинг қизи эди ва у Пушкиндан 16 ёш катта эди. Кутузов ўғил кўрмаган, фақат қизлари бор бўлиб, ўз армиясида флигель-адъютант бўлиб хизмат қилувчи бир йигит — Фёдор Тизенгаузенни ўғлидай яхши кўриб қолган ва унга қизи Елизаветани берган, уларнинг Екатерина ва Дарья номли икки қизлари Россияда қолган эди. 1807 йил 20 ноябрь куни Аустерлиц жангида Тизенгаузен ҳалок бўлади ва Елизавета Михайловна 1811 йилгача бева яшайди, кейин генерал Хитровога турмушга чиқади. Аммо генерал 1819 йилда вафот этади. Генерал Хитрово 1815 йилда Россиянинг Флоренциядаги ишончли вакили этиб тайинланган, Елизавета Михайловна икки қизи билан ўша ерда яшарди. Эри ўлгандан кейин ҳам 1826 йилгача Италияда қолди. 1821 йилда қизи Дарья — оилада уни итальянчасига Долли дейишарди — австриялик ҳарбий дипломат ва ёзувчи Фикельмон билан никоҳланган эди. Шундай қилиб, 17 ёшли Дарья Фёдоровна Тизенгаузен ўзидан 27 ёш катта бўлган дипломат ёзувчига эрга чиқиб, Долли Фёдоровна Фикельмонга айланганди. 1826 йилда Елизавета Михайловна катта қизи билан Россияга кўчиб келган, сал кейинроқ Фикельмон Петербургда Австрия элчиси этиб тайинланган ва 1829 йилда Долли ҳам кўчиб келганди.

Елизавета Михайловна у қадар чиройли бўлмаса ҳам (уни, худди отасига ўхшайди, дейишарди), жуда ақли ва серҳаяжон

аёл эди, қизлари эса бениҳоя жозибали, ўқимишли эди. Улар Петербургда пайдо бўлишлари биланоқ бутун жамоатнинг эътиборига тушган, Наполеонни мағлуб этган улуғ саркарданинг авлодлари эканлиги билан бу диққат-эътибор кундан-кунга ортиб борарди. Пушкинни ҳам аввал бошда Елизавета Михайловна «келиб чиқиши Кутузовданлиги» билан қизиқтирган эди. Маълумки, Пушкин тарих қаҳрамонларини билган кишиларнинг, жонли гувоҳларнинг ривоятларини яхши кўрарди. Унинг кўз ўнгиде «шундай улуғ одамнинг қизи» турганлиги шоирлик тасаввурини ҳаяжонга солар, ватанпарварлик туйғуларини кўзғар, Елизавета Михайловнанинг отаси ва тарихий воқеалар ҳақидаги ҳикоялари бебаҳо бир қийматга эга эди. Бундан ташқари, у, Пушкинга Ғарбий Оврупо адабиётининг энг муҳим намуналаридан бериб турарди. Шу тариқа уларнинг ўртасида дўстликдан ҳам юқори турувчи муносабатлар юзага келганди. Шоир Вяземскийнинг таъбири билан айтганда, Елизавета Михайловна Хитрово Пушкинга нисбатан «маъжусий ишқ ўти»да ёнар эди ва унинг учун ҳар қандай фидойилик, ҳар қандай жасоратга тайёр эди. У, Пушкиннинг адабий муҳолифларига қарши жанг қиларди. Пушкиннинг уйланаётганини эшитиб, 1830 йил 9 майда «келгусидаги режаларингиз ҳақида менга ёзиб юборинг» деган бўлса, май ўрталарида яна: «Ҳаёт ва ўлим масаласи бўлса ҳам мендан фойдаланишингиз мумкин... Сизга бўлган муҳаббатимни кўзёшларимга чўктириб, яна бари бир сизни эҳтирос билан севганча, маъсума ва беозор мавжудот бўлиб қолавераман» деб ёзган эди. Дўсти Нашчокин, яна Пушкин билан Долли Фикельмон ўртасида бир ишқий саргузашт бўлиб ўтганлиги ҳақида ҳам ривоят қилади ва баъзи замондошлари «балки, бу гап ростдир» деган гаҳмин билан «Муваффақиятсизликка учраган хоним» («Пиковая дама») асарига ишора қиладилар.

Долли Фикельмон 1831 йил 21 май куни тўғрисида ўз кундалигида шундай деб ёзади: «Пушкин Москвадан келди ва хотинини ҳам келтирди, аммо уни кўрсатгиси келмаяпти. Мен уни ойижонимнинг олдида кўрдим — жуда ёш ва жуда чиройли, қотмагина, келишган ва бўйчан жувон экан — юзлари ҳаддан ташқари рангпар, беозор, тортинчоқ ва ғамгин ифодали — жигаррангга мойил сал яшил кўзлари тиниқ ва ёрқин — қарашлари сал-пал ғилайиброқ туради десамми, қуралай десамми, қандай-

дир таърифга келмайдиган, нозик ифодали, сочлари қоп-қора чиройли. Пушкин уни қаттиқ яхши кўриши сезилади, ўзи унинг ёнида янада хунукроқ кўринади, аммо у сўзлай бошлаганда чиройидаги нуқсонини унутасан, суҳбати шу қадар қизиқарли, зеҳни чақнаб туради, ҳар қандай гапдонликдан йироқ».

1831 ёзида Пушкин севикли хотини билан Подшоҳ Чорбогида, кўл бўйларида қўлтиклашиб юришни одат қилганди. Хотини оқ кўйлак, япалоқ шляпада, елкасига қизил шол рўмолини ташлаб юрарди. Одамлар уларни томоша қилгани чиқишарди. Ўша даврнинг энг атоқли ва зеҳни ўткир аёлларидан бири Александра Осиповна Смирнова-Россет ўз хотираларида шундай деб ёзади:

«Биз Подшоҳ Чорбогида турган пайтларимизда, Пушкин ҳар куни эрталаб чўмилгани борар, чойдан кейин хонасига кириб, шеър ёза бошларди. Эрталаблари мен унинг олдида кирардим... Хотини уни мендан рашк қиларди. «Нима, сен мендан рашк қиляпсанми? Тўғриси айтсам, биз ҳаммамиз биттамыз: Жуковский, Пушкин, Плетнев, мен. Ахир, кўрмайапсанми, мен унга ошиқ эмасман, у ҳам менга...» дер эдим хотинига неча марталаб. «Кўриб турибман, — дер эди у, — сен билан очилиб-сочилиб ўтиради, мен билан ўтирганда эснагани эснаган».

«Пушкиндан ақллироқ бирон кимсани билмайман» деб қайл этганди Смирнова-Россет. Шоир ҳам «қора кўзли Россети» каби ақли ва соҳира аёлларни кам билишини айтганди.

Александра Осиповна Смирнова-Россет ким эди ва Пушкин даврасида қандай пайдо бўлган эди? Унинг отаси ҳарбий денгиз билим юртини тамомлаган французлардан бўлиб, ёшлигида рус армиясига хизматга келган эди. Одессада порт коменданти бўлган Осип Иванович Россет 16 ёшли Надежда Ивановна Лорерга уйланган, Надежданинг отаси немис, онаси гуржи эди. Осип Иванович эрта вафот этиб,



онаси бошқа эрга тегиб кетган, Александра Осиповнани Николаев яқинида турувчи бувиси тарбиялаган, ўша ерда чинакам жончи, ифодаларга бой рус тилини ўрганган эди. Бир оз улгайиб, вояга етгач, онаси уни Петербургдаги Екатерина институтига жойлаб қўйганди. Бу ерда у Пушкиннинг дўсти Плетнёвдан таълим олди. 1826 йилда онаси ҳам вафот этди, бу пайтда у эндиgina 17 га кирган эди. Институтни битиргач, подшоҳ саройида, малика ҳузурида хизматчи (императрица фрейлинаси) бўлди. Плетнёв ва Жуковский ҳам, Пушкин ва Екатерина Россет ҳам Подшоҳ Чорбоғида турли уйларда қўшни бўлиб яшардилар. Пушкинлар кўчиб келган чоғда Екатерина Осиповна, Наталья Николаевнадан уч ёш катта бўлса ҳам ҳали қиз бола эди (1832 йил 11 январда Николай Михайлович Смирновга эрга тегди).

Смирнова-Россетнинг хотирлашича, бир куни Пушкин шеър ўқийтганда хотини: «Вой худойим-ей, Пушкин, шу шеъринг билан жонимга тегиб кетдинг» деган, Пушкин эса: «Кечирасан, бу янги шеър, ҳали сенга ўқиганим йўқ» деб ўзини талмовсираганга солган, хотини яна: «Буми, бошқами, бари бир. Сен умуман шеърларинг билан жонимга тегдинг!» деб хитоб қилган.

Наталья Николаевнанинг адабий-эстетик тарбияси, албатта, Россетнинг тарбияси даражасида эмасди, чунки онаси унга бадий китобларни кўп ўқитмас, айниқса, романтик китобларни ўқишни умуман тақиқлаган, қизига асосан диний тарбия берар, катталарга ва эрга итоат руҳида тарбиялаган эди. Аммо Наталья ақлли, асарга диққат билан қулоқ солган чоғларида асосли фикрлар билдирарди. Россет ҳузуридаги ҳодисага келсак, бу, бизнинг фикримизча, рашк балоси кўрсатган «хунар» эди.

Пушкин, ўз бўйи пастлиги ва хунукроқлигини яхши билгани учун хотинини ҳар кимдан рашк қилар, хотинининг диний тарбияси ва имони бутлигини яхши билгани учун унга керагидан кўпроқ эрк бериб қўйган, аммо хотини ҳам уни рашк қилишини билмас эди. У, Полонский айтганидек «рашкчи ва хотинини қаттиқ яхши кўрарди», ўзи эса «мен Россет ва хотиним билан қўш отли енгил аравада маза қилиб айландим» деяверар, гоҳ у, гоҳ бу аёл билан ҳаддан ташқари эркин муомалада бўлаверар эди. Ич-ичида хотини ҳам ўзини рашк қилишини хоҳлар эди. У, ўз қизғанишларини очикдан-очик билдираверар, гоҳ хотинига юмшоқ насиҳатлар қилиб, гоҳ бошқалар билан жанжаллашиб

жавфо кутарган пайтлари ҳам бўларди. Бир куни Пушкин Подшоҳ Чорбоғида айланиб юриб, бир аравани учратди, унда кимсан Николай подшоҳнинг ўзи бор эди. Подшоҳ аравасини тўхтатиб, Пушкинни чақирди ва у ёқдан, бу ёқдан ширин гаплар айтган бўлиб, жўнаб кетди. Кейин Пушкин Россетнинг хузурига кирди. Кайфияти жуда ёмон эди. «Сизга нима бўлди?» деб сўради қиз. Пушкин воқеани айтиб берди ва: «Жин урсин, бутун томирларим бунда бир аблахлик борлигини ҳис қияпти!» деганди. Бошқа бир сафар, министрнинг хотини — графиня Нессельроде, Пушкиндан рухсат сўрамай, хотинини саройдаги бир балга олиб кетганди. Пушкина императорнинг хотинига ёқибди. Аммо бундан Пушкиннинг чунонам қони қайнади-ки, графиняга қўпол-қўпол гаплар айтиб, гап орасида «мен ўзим бўлмаган жойга хотиним боришини хоҳламайман, билдингизми?!» деб бақириб берди. Шундан кейин, 1831 йил 14 ноябрда «истеъфодаги коллеж котиби Александр Пушкинни Ташқи Ишлар давлат Хайъатига ўша даражаси билан ишга олиш» тўғрисида фармон чиқди. Шундай қилиб, Пушкин сарой маросимларида хотини билан бирга иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганди.

Саройда Пушкина энг обрўли аёллардан бирига айланди. Унга «Психея» деб лақаб қўйишди. 6 декабрда подшоҳ Пушкинни «мартабали маслаҳатчи» вазифасига кутарди. Пушкин 1832 йил 10 январда дўсти Нашчокинга ёзган хатида хотини тўғрисида «Балларда ўйин тушиб сакрагани-сакраган, давлатпаноҳга навозишлар қилади, пиллапоядан сакраб тушади — хотинни сал қўлга олмасам бўлмай қолди» деган эди. Хотинига ёзган бир хатида: «Менга қара, хотин. Мен йўғимда талтайиб кетма», «мен ёдингдан кутарилсам, нозланиб юришларинг бошингга бало бўлади», «мен сенга ишонаман, аммо сен жамоат ичида ғийбатлар тарқалишига йўл берма. Мен бирор кор-ҳол бўлмасин деган маънода, қулоғингни чўзиб, майингина ўпиб қўяман» деб уқтирган эди. Шу тариқа оилавий ҳаёт аста-секин ўтиб борарди.

1832 йил октябрида Пушкинлар бир қиз кўришди, 1833 йил июлида ўғил кўришди, аммо ҳали ўртадаги рашк давом этарди. Пушкиннинг рашки очиқ, Натальяники ёпиқ эди. Пушкин ҳамон хотини рашк қилишини истар, аммо рашк қилаётганини билмас эди.

1833 йилнинг август ойлари бошланган пайтлар эди. Хотини туққанига бир ой ҳам тўлмаган, аммо балларга ошиқар эди. Бир куни Фикельмонтлар зиёфат беришди. Пушкин ва Наталья ҳам зиёфатда иштирок этдилар. Кейин бал бўлди. Пушкин, Крюднер деган бир чиройли хотинни кўриб, унга ишқибозликдан қизара бошлади, бал бошланиши билан хотинини ҳам унутиб, ўша аёл атрофида ўралаша бошлади. Бу — зиёфатдаги ҳамма одамларга сезилди. Наталья Николаевна ҳам пайқагач, бални ташлаб, ёлғиз ўзи уйга кетиб қолди. Пушкин бирдан ўзига келиб, хотинининг кетидан уйга қараб чопди. Уйга кириб келганда хотини ойна олдида туриб, эндигина ечинаётган экан. «Сенга нима бўлди? Нега кетиб қолдинг?» деди ҳовлиқиб. Жавоб ўрнига Наталья Николаевна бор кучи билан эрига бир шапалоқ туширди. Пушкин қотиб туриб қолди ва бирдан хахолаб юмалаб-юмалаб кула бошлади. У, хотини рашк қилаётганидан маза қилар ва хурсанд эди. У бўлган воқеани бир қатор дўстларига завқ билан ҳикоя қилиб чиққан эди. Вяземскийга: «Биби Марямнинг қўли анча-мунча оғиргина экан» деб қўйган экан кула-кула.

3. Шоирнинг ўлими

А. Пушкин, сарой, Николай I

Пушкин ўз хотинини бошқалардан қизганар ва бу асоссиз эмасди. Заҳматкаш булбулнинг атрофида тўда-тўда боларилар айланар эди.

— Мен бир кўришдаёқ эсимни йўқотиб унга ошиқ бўлиб қолгандим: ўша пайтларда Петербургда Пушкина-Гончаровага ошиқи беқарор бўлмаган бирон-бир ёш йигитни учратиб бўлмасди. Унинг (Наталья Николаевнанинг) нур ёғилиб турадиган гўзаллиги ҳамманинг бошини айлантириб қўйганди, — деб ёзади ёзувчи Владимир Александрович Соллогуб ўз «Хотиралар»ида.

Пушкин хотинининг ёмон ниятли, бузуқ кўнгилли аёл эмаслигидан, унинг майда-чуйда ошиқларига парво ҳам қилмас, агар улардан биронтаси сал ҳаддидан ошса, дарров эс-ҳушини жойига келтириб қўярди. Чунончи, ана шу Соллогуб бир марта Наталья Николаевнага «Қачон эрга теккансиз?»ми ё «Нега эрга теккансиз?»ми деб, ҳамманинг олдида ноқулай аҳволга қўйганида,



Пушкин уни дуэлга чақирган ва Пушкинадан ёзма равишда кечирим сўрашга мажбур қилган эди. Соллогуб Пушкиндан 14 ёш кичик эди, Пушкин бундай ёшлардан чўчимасди, хотини ҳеч кимнинг ёрдамисиз бир ўзиёқ уларни бир ёқлик қила олишини биларди. Лекин, ростини айтганда, у бошқалардан хавотирда эди: унинг гули атрофида газандалар ва қовоқари-лар ҳам айланаётган эди. Шунинг учун Наталья Николаевнанинг саройга фрейлина қилиб олинганидан ва ўзининг ташқи ишлар ҳай-атиға камер-юнкер этиб тайинлан-

ганидан кўнгли хира эди. Саройда унинг гашини келтираётган икки одам бор эди: бири подшоҳ Николай I бўлса, иккинчиси барон Дантес эди. Шу нарсани аниқ тасаввур қилиш керакки, Пушкин билан сарой орасида жуда эски бир ҳисоб-китоб бор эди. Эл наздида шоир билан Николай подшоҳ ота-боладай эдилар, аслида эса уларнинг ўртасидаги ишончсизлик ва келишмовчилик узоқ замонларга бориб тақалар ва бу ниҳоятда теран эди.

Пушкин «Шоҳ чорбоғи» («Царское Село») лицейида ўқиб юргандаёқ сарой хонимларидан бири, улуг князь қизи Волконскаяга бир французча ҳажв-эпиграмма битган эди: унинг тарихи бундай бўлган. Бир куни Пушкин шом усти ғира-шира қоронғида югурганча Наташа деган ошпаз қиз ёнига кетаётган эди. Шу пайт унинг эшигидан чиққан қизга урилиб кетган Пушкин, уни Наташа деб ўйлаб, тегажаклик қилади. Бу хунуккина қариқиз Волконская бўлиб, шовқин кўтаради ва Пушкинни таниб қолиб тўполон қилади. Бу гап ўша пайтдаги подшоҳ Александрга ҳам етиб боради. Подшоҳ лицей директори Энгельгардтга фармойиш бериб, Пушкинни жазолашни талаб қилади. Ўшанда Пушкин эпиграммасини ёзган эди:

Хоним, очик айтай, сиз
Кўшмачига ўхшайсиз.
Маймунга ҳам ўхшайсиз,
Жононга ўхшамайсиз.

Энгельгардт Пушкинни жазоламаган, Александр I билан учрашиб, ўртада тушунмовчилик бўлганини айтган эди. Пушкиннинг эпиграммаси ва сал кейинроқ лицейда эркинликка оид бошқа ҳур фикрлар ҳам жонлангани сабаб бўлиб, подшоҳ лицейни ёпиб қўйган эди.

Лицей бекилиб, ҳамма турли-турли ишларга тайинланиб кетгандан кейин, 1817 йилда тақдир тақозоси билан, Пушкин Тургеневлар хонадонига борганди. «Рус йилномаси», «Кундаликлар» ва «Мактублар» каби асарлар муаллифи Александр Иванович Тургенев 20–30 йиллардаги рус ва Оврупо ҳаётини қаламга олиб, Россияда демократик қарашларнинг ривожига катта ҳисса қўшиб кслаётган мақоланавис (публицист)лардан эди. Пушкин уларнинг уйида деразадан Михайловский Қўғонини кўради ва Павел I нинг шу ерда ўлдирилганини хотирлаб, «Эркинлик» деб аталган қасидасини ёзади. Унда:

Ҳавойи қисматнинг арзандалари,
Жаҳон солимлари! Титранг бу замон!
Сиз-чи, эй уларнинг хор бандалари,
Мардона-мардона бошланг кўзғолон! —

деган мисралар ҳам бор эди. Қасида қўлёзма ҳолида тарқалиб кетиб, саройга ҳам етиб келади. Подшоҳ Александр I Пушкинни Жанубга, ота-бувалари мулки бўлган Михайловскоега сургун қилиш тўғрисида фармойиш беради.

Пушкин сургунда ҳам тинч юрмай, 1824 йилда Новороссийск генерал-губернатори Воронцовга шундай эпиграмма ёзди:

Ярим милорд, ярим тожир,
Ярим доно, ярим жоҳил,
Ярим аблаҳ, бироқ охир
Тула аблаҳ бўлар комил.

Воронцов Англияда тарбияланган (яъни милорд) ва генерал-губернатор сифатида тижоратчиларга ҳомий ва ўзи ҳам тожирлик қилар эди. Аммо Пушкинни ҳеч ўз ҳолига қўймас, эркинлигини бўғаверар эди. Пушкиннинг бу ҳажви ҳам қўлёзма ҳолида тарқалиб кетди.

Чор ҳукумати Пушкин орқасидан узлуксиз назорат ўрнатганди: «20-кун ишлар ҳайъатида таржимон бўлиб ишловчи Пушкин тош театрда ҳайъат маслаҳатчиси Перевешчиковга қўполлик қилди ва уни сўқди».

(Петербург шаҳар полицмейстери Горголи маълумотидан, 1818)

«Пушкин! Машхур ижодкор! Кўп шеърлар ва проза асарлари ёзди. Аксарияти давлатпаноҳга қарши қаратилган».

(III бўлинманинг махфий агенти хатидан, 1828)

Бу турдаги юзлаб хатлар ва рапортлар шоирнинг ўлимига қадар III бўлинмага тўхтовсиз келиб турган.

Пушкин Александр I га ҳам, кейинчалик Николай I га ҳам бир неча марта ариза ёзиб, чет элга сафарга бориб келиш учун рухсат сўраганди. Аммо улар Пушкиннинг тирноғига ҳам арзимайдиган шоирчалар ва маддоҳларни Парижга, Лондонга юборишарди, лекин беш-ўн асрда дунёга бир келадиган Пушкиндай даҳо шоирга ҳеч рухсат беришмасди. Шўрлик шоир: «Лоақал Хитойга бўлса ҳам, унинг чекка бир вилоятига бўлса ҳам юборинг», деб ялинарди Николай I га.

Бир марта Пушкин Николай I дан асар ёзиш учун давлат архивидаги ҳужжатларни ўрганишга изн сўраган.

— Йўқ, давлат архивидан фақатгина бошлиқларнинг алоҳида ишончини қозонган кишилар фойдаланади, — деб жавоб беришганди унга.

Яна кунлардан бир кун подшоҳ Пушкинни ўз даргоҳига қабул қилиб:

— Нималар ёзаяпсан? — деб сўраган эди.

— Ҳеч нарса, олий ҳазратлари, цензура қаттиқ, — дебди Пушкин.

— Нега цензурадан ўтмайдиган нарсалар ёзасан?

— Цензура энг беозор нарсаларни ҳам ўтказмайди.

— Бўлмаса, энди мен ўзим сенга цензор бўламан, ёзганларингни менга юбориб тур, — деди подшоҳ. Пушкин бир марта «Борис Годунов» деган драматик асарини юборди. Подшоҳ уни маъқуллади. Бостиришга рухсат берди. Аммо рухсатномасида шундай тилак ҳам бор эди: «Агар бу комедияни Валтер Скоттга ўхшаб тарихий қисса ё романга айлантирсанг яхши бўларди».

Энди бўлса подшоҳ 34 ёшли Пушкинни эндигина лицейни битирган ёшларга тенглаштириб «камер-юнкер» қилгач, катта илтифот кўрсатгандай, баландпарвоз сўзлар билан табриклар ва

балларда хотини билан рақс тушиб, Пушкиндан кулаётганга ўхшарди.

Бир гал — Пушкин иккинчи ўғил кўрганда — уйларида бир оилавий жанжал бўлиб ўтганди. Наталья Николаевна туғилган ўғилни подшо шарафига Николай деб атайлик, деб қолди, Пушкиннинг аччиғи келди:

— Менинг ота-боболарим ҳеч қачон, энг оғир замонларда ҳам подшоҳларга суйканчоқлик қилган эмас, менинг икки аждодим сокинлик ва озодлик учун курашган ва қатл қилинган. Бирининг оти Гаврила, иккинчисининг оти Григорий. Ўғлимга икковидан бирининг отини қўямиз! — деди ва ўғлининг отини Григорий қўйдилар. Аммо Пушкин шу билан тинчимоди, хотинининг бўғзига ханжар тигини қадаб:

— Тўғрисини айт, подшоҳ билан менга хиёнат қилганмисан?! — деб сўради.

Пушкин дўсти Нашчокинга ёзиб, «Николай худди ёш зобитлардай хотинимга суйкалади, атайлаб ҳар тонгда бир неча марта деразамиз тагидан ўтади, оқшомлари балларда хотинимга, нега доим дераза пардаларингиз туширилган бўлади, деб тагдор гаплар қилади», деганди.

Пушкин ҳар тарафдан жосуслар билан қуршалган, ҳатто, ўз бўлмасида энг самимий бир дўстига айтган оддий бир сўзи ҳам эртасига ҳукуматга маълум бўлар эди. Шунинг учун Пушкин ўлимини излаётган эди, деб ёзади Иваницкий. Дарҳақиқат, Пушкин ўша кезларда шундай бир шеър ёзган эди:

Кетар вақт бўлди, дўстим, юрак тинчишни истар,
Кунлар учар кетма-кет, ҳар соат олиб кетар
Борлиқнинг бир қисмини; биз эса иккаламиз
Яшамокчи бўламиз. лек, барибир ўламиз.
Ёруғ дунёда бахт йўқ, аммо тинчиш ва эрк бор,
Кўп замонки, бир орзу тушиб қолган кўнгилга —
Мендай қўлинг қочишни кўпдан қилар ихтиёр —
Узоқ ишлаб тинч ётиш мумкин бўлган манзилга.

Кўриниб турибдики, Пушкинда ўлим ғояси 1834 йилдаёқ туғилган эди. Бу ҳам етмагандек, икки йиллик жаҳаннам изтироблари камдек, ўртадан Дантес масаласи чиқиб қолади.

Пушкин ва Дантеслар

Дантес — Голландия элчиси барон Геккереннинг асранди ўғли эди. Тула исми Жорж Шарл Дантес-Геккерен бўлиб, подшоҳнинг ўғли Михаил билан ошначилиги бор эди. Уйланмаган, 20—22 ёшлардаги келишган, ўктам йигит эди. Қизиқчи, уста раққос, рус киборларига қараганда дадилроқ, бетакаллуф, буйруқфармо, сурбет, бетбет зобитлардан эди. Наталья Николаевна аввалига Дантесга умулман аҳамият бермаган, бу ҳол йигитнинг қизиқишини орттириб юборганди. Оқибатда у тинимсиз ҳужумга ўтиб, ҳар ким ҳам ҳаддан сиғиб оёқ босолмайдиган Пушкинлар хонадонида кунда-шунда бўлиб қолган эди. Геккереннинг Дантесдан бошқа ҳеч кими йўқ бўлгани учун, уни Пушкиннинг хотини ва қайинсинглиси Александрадан қизғана бошлайди. Ўйлаб-ўйлаб шоир хонадонида нотинчлик уйғотишга қарор қилади. Наталья Николаевна билан ўғли ўртасида интим муносабатлар кўзга ташланиши учун ўзини ўтга-чўққа ура бошлайди. У шу йўл билан Пушкинлардан ўч олмоқчи эди.

1836 йил 4 ноябрда Пушкиннинг уйига бир аноним хат диплом келди. Унда шундай ёзувлар бор эди:

Диплом

Ажойиб Даюслар Жамиятининг машҳур йигитлари, олий зодагонлари ва оқсуяклар жамиятининг улуғ магистри Д. Л. Нарискин жаноби олийлари раислигида бекаму кўст йиғилиш ўтказиб, бир овоздан Александр Пушкинни Даюслар Жамияти улуғ магистрининг ўринбосари ва жамият тарихчиси қилиб сайладилар.

Граф Борх 1

Нарискин Мария Антоновна деган гўзал бир аёлнинг эри бўлиб, хотини подшоҳ Александр I дан бир қиз орттирганди. Энди бу «диплом» орқали Пушкинга сен ҳам шу аҳволдасан, деб шаъма қилинаётган эди.

Бу хатнинг нусхаларини Пушкиннинг барча яқин дўстлари ҳам олишди. Петербургда шов-шув кўтарилди. Ҳамма бу хатни Геккерен ёзган, деган фикрда эди. Аммо унинг бу ишда иштироки борлиги адлиявий томондан исботланмади. Фақат хат Гол-

ландия элчихонасининг бланкасига ёзилганлиги қўпчиликнинг фикрини тасдиқлар эди. «У аблаҳ чол болавоз эди, — деб ёзади Баргенов, — оппоққина асранди ўғли Дантесни Пушкинадан рашк қила бошлади. Пушкинни хотинидан ажратиб, оилани нотинч қилиш учун, Жорж, Пушкиннинг завжаси орқасидан уралашиб юрибди, деган гапни тарқатди». Наталья Николаевна бу хатни Геккерен эмас, князь Долгоруков ёки князь Гагарин ёзган, деган фикрда эди, аммо бу тахмин ҳам исботланмади. Подшоҳ Николай I хатни Геккерен ёзган, деб ишонарди. Баъзи гап-сўзларга қараганда, полицияда уни Геккерен ёзганлигига оид рад қилиб бўлмайдиган далиллар бўлган, аммо бу далиллар яширилган эди. Геккерен эса, бизнинг Пушкинда ҳеч қандай хусуматимиз йўқ, ўлим Пушкиннинг қайинсинглиси Александрага уйланмоқчи, ҳолос, деб Пушкинлар уйига устма-уст совчи қўя бошлади ва тез орада Дантес Александрага уйланиб олди.

Орадан бир мунча вақт ўтди. Жамоатчилик энди тинчигандек эди. Аммо Дантес божасининг хотинига хушомад қилишни қайтадан бошлаб юборди. Пушкинга ва унинг дўстларига яна боягидай аноним хатлар кела бошлади. Турли балларда гоҳ Геккерен, гоҳ Дантес Наталья Николаевнага яқинлашиб гап отишар, уни ўз ҳолига қўймас эдилар. Афсуски, Наталья Николаевна уларни қайириб ташламас, афтидан, бу унга хуш ёқарди. Тўғри, у хотинлик бурчи чегарасидан чиқмасди. Ота-бола баронларнинг ҳамма гапларию имо-ишораларини эрига оқизмай-томизмай айтиб берарди.

Бир куни Пушкинлар театрдан чиқиб уйга қайтаётганларида, Геккерен орқадан етиб келиб, Наталья Николаевнага, қачон ўлимнинг илтижоларига кўнасан, деб пичирлаб ўтди. Наталья Николаевна оқариб, титраб кетди. Пушкин, нима гап, деб сўраганида Геккереннинг нима деганини айтиб берди. Бировлар. Пушкин уша куннинг эртасида Геккеренга кескин ва эркакча хат ёзган десалар, бировлар бошқа бир тафсилотни айтадилар.

Кейингиларнинг фикрича, Пушкин Дантесларни уйига йўлатмай қўйган, подшоҳ Николай I ҳам уни саройдан четлаштирган эди. Дантес Наталья Николаевнага аламли хатлар йўллар, у ўз навбатида бу хатларни битта қўймай эрига кўрсатарди. Дантес сўнгги хатларидан бирида бир марта учрашишмаса бўлмаслигини, агар кўришишдан бош тортса, икки кишининг ўлимига са-

бабчи бўлишини ёзганди. Наталья Николаевна эса бу хатлардан қўриқиб, у билан учрашишга рози бўлганди. Улар отлиқ аскарлар казармасидаги Идалия Григорьевна Политика деган кампирнинг хонасида учрашдилар.

Кейинчалик ўз ўлиmidан уч йил олдин — Наталья Николаевна шундай деб хотирлаган экан:

«Неча йиллардан бери мен ўз виждоним олдида сўроқ берманман: виждоним мени фақат бир иш устида, бирдан бир эҳтиёт сизлигим — ўша машғум учрашувга розилик берганим устида менни фош қилади... Ўша розилигим учун эрим қон билан тўлов берди, мен эса бахтим ва умримнинг ороми билан тўлов бердим».

Ўша машғум учрашув кунининг эртасига Пушкин яна улар рашгани тўғрисида аноним хат олди ва уни хотинига кўрсатди. Наталья Николаевна тонмади. Олган хатнинг мазмунини ва учрашишга рози қилган сабабларни айтиб берди. Айни чоқда Геккереннинг мақсадини ҳам тўла англаб етди. Наталья Николаевна шу заҳотиёқ Геккеренга хат ёзиб, ортиқ мендан ўғлингиз билан учрашишни сўраманг, бу биринчи ва охириги учрашув бўлиб қолади, деган сўзларни қайд қилди. Пушкин эса Геккеренга шундай деб ёзди:

«Жаноб Барон!

Рухсат этинг, юз берган ҳодисаларнинг ҳаммасига якун ясап ўғлингизнинг ахлоқи менга кўпдан бери маълум эди ва бефарм қолдирмасди. Шу пайтгача, ўзим зарур деб ҳисоблаган пайтда аралашаман, деб фақат кузатувчилик ўрни билан қаноатланиб келдим. Менга бошқа вақтда ҳаддан ташқари ёқимсиз туюлиши мумкин бўлган ҳодиса айни ўз палласида юз берди. Энди мен ҳисоблашишим керак, чунки аноним хат олдим. Вақти-соати келганини кўрдим, энди шундан фойдаланаяпман. Қолгани ўзингизга аён: мен ўғлингизни чунонам аянг ишга қадам босишга мажбур қилдимки, хотиним унинг шунчалик қўрқоқ ва пасткашлигидан ҳайратга тушиб, ўзини қаҳқаҳадан тиёлмади. Хотинимда балки бир кучли ва юксак эҳтиросни кўзгатган ички ҳаяжон, олдий ҳазир ва шунга яраша жирканч туйғуси туфайли, сўниб битди.

Жаноб Барон, шахсан сизнинг бу ишларда тутган ўрнининг унчалик катта бўлмаганини тан олишга мажбурман. Сиз, тоғдор бир ҳукумат бошлиғининг вакили, ўғлингизга оталарча қўшмачилик қилгансиз. Афтидан, унинг анча-мунча кўпол халати-ҳаракатларини сиз бошқаргансиз. У довдираб айтадиган ту

туриқсиз гапларни унга ўргатган, у ёзма равишда ифодалайдиган аҳмоқона жумлаларни айтиб турган сиз бўлсангиз керак. Сиз бузуқ кампирлардай ҳар бурчақда хотинимнинг йўлини тўсиб, ҳароми ўғлингиз ёки ўғил деб аталувчи асрандингизнинг муҳаббатини айтишга пайт пойлардингиз. Заҳм билан касалланган шўрлик бемор уйда вой-войлаб ётганда, сиз хотинимга, ўғлим сизга бўлган муҳаббати туфайли ўляпти, деб ғўлдирардингиз, ўғлимни менга қайтаринг, дердингиз.

Жаноб Барон, шунча гап-сўздан кейин менинг оила аъзоларим сизнинг оилангиз билан алоқада бўлишига чидолмаслигимни яхши биласиз. Мен шундай шарт билан бу ифлос ишнинг олдини олишга ва сизни бизнинг саройимиз ва сизнинг саройингиз олдида шарманда қилмасликка розиман. Мен хотинимнинг сиздан ота ўғитини олишини истамайман. Шундай ифлос ишни қилган ўғлингиз ортиқ хотиним билан гаплашишга ботини кўрмасин, унга казарма сўзлари билан мурожаат қилмасин, унинг олдида ўзини жонбоз ва бахтсиз муҳаббат қурбони қилиб кўрсатмасин. Мен сиздан бундай бемаъни қилмишларнинг ҳаммасига чек қўйишни сўрашга мажбур бўляпман. Агар катта янги жанжал кўтарилмасин десангиз, гапимга кўнинг, чунки, ишонаверинг, мени жанжал кўтаришдан ҳеч нарса тўхтатолмайди.

*Илтифот билан, Жаноб Барон,
Сизнинг итоаткор ва мўмин қўлингиз
Александр Пушкин.
1837 йил 26 январь*

Барон Геккерен бу хатни олган заҳоти француз элчихонасининг ходими, дўсти Виконт д'Аршиакни чақирди ва ўзи ҳамда ўғли имзолаган хат билан Пушкинникига юборди. Бу хатда Дантес Пушкинни учрашишга чақирган эди, Пушкин хатни ўқиб ҳам ўтирмай Дантес билан учрашишга розилик билдирди.

Эртасига Пушкин Петербургнинг Пантелеймон деган кучасида ҳарбий дўсти, инженер-подполковник Константин Данзасни учратиб қолди ва уни тўхтатиб:

— Данзас, мен олдингга кетаётган эдим, ёнимга чанага ўтир. Француз элчихонасига бориб келамиз, бир муҳим суҳбатга гувоҳ бўласан, — деди.

Улар Франция элчихонасидаги д'Аршиак билан учрашганларида Пушкин бўлган воқеаларни тез-тез Данзасга айтиб берди ва гапининг охирида:

— Сўнгги сўзим шуки, агар бу масала шу бугуноқ ҳал бўлмаса, мен Геккерен ва ўғлини кўрган заҳотим башараларига тупураман, — деди.

Шундай қилиб, д'Аршиак Дантесга, Данзас Пушкинга секундант бўлдилар. Пушкин кетгач, улар дуэл вақти ва жойини тайинладилар.

27 январь соат 4—30 да улар дуэл майдонига етиб келдилар. Ўша куни совуқ икки даража эди, қор тиззагача келарди.



Биринчи бўлиб Дантес отади ва ўқ Пушкинга тегаети.

— Тосим майдаланди, шекилли, — деб йиқилади шоир. Аммо у ҳали отишга кучи етишини айтади. Дантес тегишли жойга боради-да, ўн қўли билан кўкрагини тўсиб, сал

ёнламаси туради. Икки дақиқача ўтганда Пушкин ҳам отади. Ўн Дантеснинг ўша ўнг қўлига тегаети, агар қўли бўлмаса, кўкрагини тегар ва унинг ўлиши муқаррар эди. Д'Аршиак Дантесни, Данзас Пушкинни олиб кетадилар. Икки кунлик азобдан сўнг Пушкин оламдан ўтади.

Подшоҳ Николай I бу ўлим муносабати билан шундай фармойиш беради:

«1. Қарзлари тўлансин.

2. Отасининг гаровдаги амлокига оид қарзлари ҳам тўлаб юборилсин.

3. Бевазига — пансион ва қизига ҳам то эрга теккунча — пансион

4. Ўғиллари саройга олинсин ва бирор хизматли бўлгунча ҳар бирининг тарбияси учун 1500 сўмдан ажратилсин.

5. Давлат ҳисобидан асарлари нашр қилинсин ва кўрилган фойдалари Беваси ва болаларига берилсин.

6. Бир йўла 10 жилд асари чиқарилсин».

Подшоҳнинг бу қадар саховатли фармойиш берганининг сабабларини тушуниш у қадар қийин эмас.

Пушкин ҳалок бўлган дастлабки кунларда ватан матбуоти мумкинлашгандай соқов эди: граф А.Х.Бенкендорфнинг улуғ шоирга қилаётган ўзига хос «ҳомий»лиги ва матбуот устидан ўрнатган қатъий назорати шу қадар кучли эдики, цензура, жандармлар билан бирга матбуотнинг халқ норозилигини уйғотиб юборишдан қўрқиб, қалтираб турарди. Шунга яраша ҳамма газета-журналлар Пушкинга ҳамдардлик сўзларини чиқариб юборишдан ўзини тийиб турарди. Фақат биргина газета — «Русский инвалид»нинг «Адабий илова»сида Андрей Александрович Краевский — шу илованинг бош муҳаррири — санокли сўзлардан иборат илиқ, бениҳоя таъсирли таъзияни босиб чиқарди:

«Шеърятимиз қуёши ботди! Пушкин вафот этди, энг гуллаган чоғида, улуғ фаолиятининг қоқ ўртасида вафот этди!.. У ҳақда бундан ортиғини сўйлашнинг иложи йўқ ва кераги ҳам йўқ; қайта топилмайдиган бу йўқотишнинг баҳосини ҳар бир руснинг юраги яхши билади, ҳар қандай руснинг юраги тилка-пора бўлди. Пушкин! Бизнинг шоиримиз! Бизнинг қувончимиз, халқимизнинг шон-шухрати!.. Наҳот энди бизнинг Пушкинимиз йўқ бўлса! Бу фикрга кўникишнинг ҳеч иложи йўқ!

29 январь кундуз соат иккию қирқ бешда айрилдик».

Нега мен Пушкиннинг ҳаёт тафсилотлари ҳақида шунча тўхталдим? Бизга алоқаси бормиди? Тарбиявий жиҳати бормиди бу мавзунинг?

Гап шундаки, ҳар қандай таълим контрастлар, қиёсларда яхшироқ натижа беради. Улуғ шоирнинг ҳаёти ва ўлимини ўрганган кишида бизнинг бу кунги тарихий воқеалар қадрини билиш, ундаги қадриятлар, ўзгаришларни очиқ кўз билан кўриш имкони бўлади, деб ўйладим. Мустақил ҳаётнинг, озод ҳаётнинг, чекланмаган, ҳур ҳаётнинг нақадар беназир, беқиёс эканлигини шундан бир бор таъкидламоқчи бўлдим. Ният поклиги мендан, юқтириш Оллоҳдан. Хайр, муҳтарам дўстлар. Омон бўлинглар, бахт-шукр бўлинглар!

ДОСТОЕВСКИЙ билан МАРИЯ ИСАЕВА

(Оилавий осий ҳаёт қиссаси)

1

Рус ёзувчиси Фёдор Михайлович Достоевский (1821—1881)нинг бобоси Андрей Достоевский олий мартабали роҳиб эди. Отаси Михаил Андреевич эса диний ўқув юртида ўқишни хоҳламай, Тиббий-жарроҳлик академиясида ўқиганди. Наполеон Россияга босиб келган йилларда 4-курс талабаси Михаил Достоевский ҳарбий госпиталларга ишлашга юборилди. Кейин Бородино пиёда полкида хизмат қилди. 1819 йилда савдогар Нечаевларнинг қизи Мария Фёдоровнага уйланди. Шундан сўнг ҳарбий ишдан истеъфога чиқди, камбағал оилалар учун очилган касалхонага таъиб этиб тайинланди. Фёдор Достоевский шу ерда дунёга келган ва оилада иккинчи ўғил эди. Отаси намунали хизмат қилгани учун дворянлик ҳуқуқига эришган, сўнг Тула вилоятдан икки



қишлоқ ерини сотиб олганди. Болаларига ёшликдан французча ва лотинчани ўргатди. Фёдор, акаси Михаил билан хусусий бир пансионда ўқиб юрган кезларида онаси вафот этди, бу пайтда у индигина 16 ёшга кирган эди. Кейин ака-ука Муҳандислик Институтига кириш учун Петербургга кўчиб ўтишди. Бир йил ўтар-ўтмас отаси ҳам ўлди.

Фёдор Достоевский 1838—1843 йилларда муҳандислик маълумотини олиб бўлди ва Санкт-Петербург инженерлик кўмондонлиги қошидаги инженерлик корпусига офицер сифатида ишга тайинланди. Аммо унинг ҳарбий хизматга кўнгли йўқ эди. Кейинчалик Петербургда инженерликка ўқишга кирганлари тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Менимча, бу хато бўлган эди... У пайт акам иккимиз янгича яшашга интилардик, қандайдир жуда зўр, гўзал ва юсак нарсаларни орзу қилардик... Математика имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган чоғимизда ҳам биз фақат шеърятни ва шоирликни орзу қилардик. Акам ҳатто йўлларда ҳам шеър ёзар, мен эса ҳаёлимда Венеция ҳаётидан роман тўқиб юрардим...» Фёдор ҳарбийдаги хизмати бир йилдан салгина ошганда истеъфога чиқди. Она-отасининг ўлими, қишлоқда кўрган-кечирган кунлари, крепостной деҳқонларнинг ҳам, камбағаллашган мулк эгаларининг ҳам оғир ҳаёти, қашшоқликнинг аламлари қалбида қат-қат йиғилиб ётарди. «Ақл йўқсуллари»нинг кўргиликлари, доим пулсиз юришнинг ҳақоратли изтироблари, қашшоқ амалдорлар, фоҳишалар ва фақирларнинг қисмати, бойлик ва йўқлик ўртасидаги еру осмондай фарқлар ёш инженернинг бугун борлигини нотинч қилаётган эди. Истеъфосидан олти ой ўтганда у ўзининг «Камбағаллар» («Бедные люди») номи биринчи қиссасини ёзиб тугатди ва муҳандисликка бирга ўқиган, аммо қаламкашлик соҳасида бир мунча танилиб қолган дўсти Дмитрий Григоровичга ўқиб берди. Қиссадан қаттиқ ларзага тушган Григорович эртасигаёқ қўлёзмани Некрасовга элтиб, ўқиб чиқишни илтимос қилди. «Мен ўзим ўқиб бердим, — деб ёзади Григорович, — қария Девушкин, Варенька билан хайрлашган сўнгги саҳифани ўқийётганимда ўзимни тутолмай ҳиқиллаб йиғлай бошладим; билдирмай Некрасовга кўз қиримни ташласам, унинг ҳам юзларидан ёш оқаётганини кўрдим». Некрасов қўлёзмани Белинскийга берди. Белинский Достоевскийга «Сиз буюк ёзувчи бўласиз» дея башорат қилди.

Лекин ҳаёт ҳеч текис йўлдан бормайди. Тақдирнинг найранг-лари қўп, эртага нима бўлишини билмайсан, киши. Достоевскийнинг қиссаси бу ўқишлардан олти ой ўтар-ўтмас 1845 йил январидаёқ босилиб чиқди ва бутун алабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. Бундан илҳомланган ёш ёзувчи «Адаш» («Двойник» — 1846) ва «Соҳиба» («Хозяйка» — 1847) қиссаларини ҳам эълон қилди. У фақат адабий жараёнда эмас, ижтимоий сиёсий ҳаётда ҳам қизгин фаолият кўрсата бошлади.

Бу асно Россияда крепостной ҳуқуқ тартиботлари тараққиёт оёғидаги занжирга айлангани ҳокимият ва халқнинг ҳам диққат марказида эди. 40-йилларнинг иккинчи ярмида рус зиёлилари ўртасида жамиятни ижтимоий қайта қуриш ғояларига қизиқиш кучайган эди. Петрашевский исми бир ҳуқуқшунос рус олими Петербургда ёшларнинг «Петрашевчилар» деган тўғарагини ташкил этди. Улар дастлаб маърифат эгаллашни, сўнг мамлакатдаги сиёсий тузумни демократлаштириш ва деҳқонларга ер берган ҳолда крепостной ҳуқуқни бекор қилишни, агар ҳокимият бунга юрмаган тақдирда яширин инқилобий йўл билан деҳқонларни қўзғолонга тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйгандилар. Достоевский шу тўғаракка аъзо бўлди. Бир сафар тўғаракда Белинскийнинг «Гоголга хат»ини ўқиб берди (бу хатни тўғаракда ўқиш у ёқда турсин, уйда сақлаш ҳам тақиқланган эди). Аммо тўғаракнинг яширин интилишлари тез орада фош бўлиб, 1849 йилда барча петрашевчилар, шу жумладан Достоевский ҳам қамоққа олинди. Унинг офицерлик унвони бекор қилиниб ва оддий аскарга айлантирилиб, тўрт йиллик муҳлат билан Омск турмасига сургун қилинди. Жазо муддати ўтиб, турмадан чиққанда Семипалатинскда жойлашган мунтазам қўшинларга оддий аскар қилиб юборилди.

Бу ердаги оддий аскарлик ҳаёти фақат қолдан тойдирибгина қолмай, яна бениҳоя зерикарли ва нурсиз эди. Шундай кунларнинг бирида Семипалатинск прокурори Александр Врангель Достоевскийни ўз ҳузурига чақиртириб қолди. Хайрият, яхшилик: акаси Михаил ва шоир дўсти Аполлон Майковдан хат, посилка, саломлар келган экан. Врангелнинг ўзи ҳам Достоевский қиссаларини ўқиган ва муҳлиси экан. Улар тез дўстлашиб кетдилар.

Врангель шаҳар катталарига бирма-бир Достоевскийни таништириш бошлади. Шу тариқа Достоевский божхона амалдори Исаевлар хонадонига ҳам кириб келди.

Эр-хотин Исаевларнинг биргина Павел деган ўғиллари бор эди. Эр ичкиликка муккасидан кетиб, тез орада амалидан айрилди. Отасидан унга ҳеч қандай мерос қолмаган, оиласини қашшоқлик ҳолига тушира бошлаган, бирон амал суриштириб юарди. Ўзи касалманд, лекин яхши ва беозор, фақат иродасиз одам эди. Хотини Мария Дмитриевна 28 ёшли ориққина сарғиш сочли аёл эди. Чиройли, ақлли, маълумотли жувон бўлгани учун эрининг тубанлашиб бораётганидан номус қиларди. Улар ҳам шу ҳолида Достоевскийни меҳмонга чақирдилар ва бу ерга тез-тез келиб туришини сўрадилар. Достоевский уларникига кўп қадам ранжида қиладиган бўлиб қолди. Мария Дмитриевнанинг отаси француз, аждодлари арабистонлик мамлуклардан (ўғли ҳам мамлукларга тортган), истараси иссиқ, суҳбатлари маънили аёл эди. Достоевский лўлилардай бепарво, аммо мағрур, иззатнафсини йўқотмаган, иродасиз эрга жуда ачинар, аммо бундан эзилаётган хотинга янада кўпроқ ачинарди. Йилларча тавоманган таҳқирлар, азоб-уқубатлардан кейин шундай гўзал аёлдан меҳробқибат кўраётган Достоевский уни севиб қолмаслиги даргумон эди. Федор Михайлович диндор одамнинг невараси бўлгани учун, дин қўғусини ҳам йўқотмаган эди. Шундай бўлса-да, муҳаббатнинг шиддатига чидолмади, ўзига яхшилик қилган одамга нисбатан вафосизлик қилди. Исаевлар Семипалатинскдан 500 чақирим узоқликдаги Кузнецк шаҳрига кўчиб кетишди. Шунда, Врангелнинг ёзишича, Достоевский болаларча ҳўнграб йиғлаган ва кейин ҳам узоқ вақтгача емай, ичмай, кунларча чўзилиб, тинимсиз чекиб ётган экан. Фақат кейин ижодга берилибди ва «Ўлик уй хотиралари» («Записки из мёртвого дома») китобини ёзибди.

3

Кейин улар бир-бирларига хат ёза бошладилар. Мария Дмитриевна аввалига ўша-ўша эридан шикоят қиларди. Достоевский унга юпатувчи хатлар ёзарди. Ва кунлардан бир кун Мария Дмитриевна эри вафот этганини, ўзи касаллигини, уйларида ейишга ҳеч нима йўқлиги, эридан қарзлардан бошқа ҳеч нима қолмаганини хабарлади.

Достоевский бу ҳолни Врангелга етказди:

— Исаев оламдан ўтибди. Унга қанчалар ачинишимни айтсам, ишонмайсиз. Бу ерликлар ичида уни энг қўп қадрловчи киши мен эдим... У хотини ва боласини дуо қилиб, уларнинг толедан афсусланиб, матонат ила жон берибди. Бахти қори Мария Дмитриевна. Бошини қайга уришни билмайди шўрлик... Кимдир унга уч кумуш садақа берган экан, олибди...

Достоевский барча таниш-билишларига хабарлаб, Мария Дмитриевнага ёрдамлар уюштирди. Айни чоғда ўзи ҳам ҳар хил газета-журналларга нарсаларини юбориб ул-бул ишлашга уринди. Ўзи Кузнецкка учиб боргиси келар, аммо бунга унинг ҳаққи йўқ эди ҳали.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган ҳам эди, ундан яна бир мактуб келди. Ўқиди-ю, яна Врангелнинг ёнига югурди.

— Мария Дмитриевна эрга тегмоқчи. Мендан маслаҳат сўрабди: Яқин дўстлар каби қаттиқ ҳаяжонга берилмай, бу масалани ўйлаб кўринг ва менга тез жавоб беринг, депти. Судга беришса ҳам, майли, бориб Мария Дмитриевна билан учрашаман, — деди у.

Врангель ва бошқа дўстларнинг ёрдамида гўё тутқаноқ касалини даволатмоқчидай Барнаулга сафарлик олди ва у ердан Кузнецкка бориб севгилиси билан учрашди. Унга уйланмоқчи бўлган йигит Николай Вергунов деган 24 яшар бўйдоқ муаллим экан. Сен ёш экансан, ҳали топиш-тутишингни ҳам тайини йўқ, агар уйлансанг, фақат ўзингни эмас, Мария Дмитриевна ва ўгли Павелни ҳам боқишинг керак», — деди ёзувчи.

— Бизнинг бахтимизга халал берманг, — деди Вергунов шайғлаб юборди. Мария Дмитриевнанинг ўзи ҳам шу йигитни яхши кўришини айтганда, Фёдор Михайлович нима қилишни билмас қолди ва қайтиб кетмоқчи бўлди. Ажрашув олдидан Мария Дмитриевна: — Йиғлама, хафа бўлма, ҳали ҳаммаси узил-кесил бир ёқлик бўлгани йўқ, — деди ва йигити билан гаплашиб кўришини айтди. Достоевский Семипалатинскга қайтиб келди, аммо ҳамон тинчиёлмасди: Вергуновга хат ёзиб, ниятидан қайтишини сўради. Вергунов унга жавоб қайтариб шундай деб ёзди:

«Сиз, унинг ҳаётини чигаллаштириб қўймайсанми, деб сўрабсиз... Мен 24 га кирган бўлсам, ҳали келажагим олдинда. Сиз эса 35 дасиз, ёшингиз ўтиб қолган, қилган яхши ишларингиз — орқада, келажагингиз нима бўлиши — номаълум; жаҳлингиз чин,

масин-у, аммо сиз касалманд, бадқовоқ, телба табиат бир ки-
шисиз. У сизни эмас, мени севади». Мария Дмитриевна эса: «Мен
чиндан ҳам Вергуновни кўпроқ севаман. Лекин ҳалиям масала-
ни ҳал қилмадим», деб ёзди. Бу орада Достоевскийнинг дўстла-
ри аҳволни кўриб, ҳаётини яхшилаш учун қаттиқ ҳаракат қила
бошладилар. Натижада подшоҳ Александр II Достоевскийни
оқлаш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Энди у яна офицер эди
ва ҳарбий бўлмаган ишга ўтиши ҳам мумкин эди.

4

Достоевский дўстларидан анча-мунча пул тўплаб яна Барна-
улга, ундан Кузнецкга бориб, Мария Дмитриевнанинг розили-
гини олишга эришди. 1857 йил 15 февралда улар никоҳдан ўтди-
лар. Кичиккина тўй қилишди, аммо бу Достоевскийни хафа қил-
мади, Мария Дмитриевнанинг никоҳ гувоҳларидан бири Вергунов
бўлганлиги унинг юрагини ўртади (Мария Дмитриевнанинг ўзи
шунини хоҳлаганди). Тўй зиёфати ва уйга қайтиш чоғидаги Мария
Дмитриевнанинг ҳолати (Вергуновга қараб қўйишлари ва айрим
ғайриихтиёрий-хатти-ҳаракатлари) унинг шубҳасини кучайти-
риб юборди, асабий қўзғалишлари авжига чиқди. Ва эртасигаёқ
унинг тутқаноғи тутиб қолди. Уйга қайтаётиб Барнаулда тўхташ-
ганида яна тутқаноқ тутди. Уни кўздан кечирган врач Достоевский
шундай пайтларда ўлиб қолиши ҳам мумкинлигини айтганда,
Мария Дмитриевна ваҳимадан ўлгудай ҳолга тушди. Уларнинг
янги, оилавий ҳаёти шундай бошланди.

1857 йилнинг августида «Отечественные записки» журналида
Достоевскийнинг «Кичик қаҳрамон» («Болалар эртаги») қиссаси
босилиб чиқди. Ҳарбийдаги хизмати бир мунча енгиллашган,
бир взводга қўмандирлик қилар, кечалари эса адабий асарлари
устида, аниқроғи, «Амакимнинг туши» ва «Степанчиково қиш-
лоғи» қиссалари устида тинимсиз ишлар, шу туфайли тез-тез
касалланиб турарди.

Мария Дмитриевна ҳам кўп диққинафас бўлар, кўп инжиқ-
лик қилар, Вергуновдай ажойиб йигит турганда бир ношукр,
қачон қарасанг ўшшайган, хотиндан кўра қоғозлар устида иш-
лашни афзал кўрадиган эрга тегиб аҳмоқлик қилганини юзига
солгани солган эди. Бунинг устига-устак бемаъни рашки ҳам

бошга бало бўлди. Достоевский Мария Дмитриевнанинг талаби билан сургундаги бир поляк кишининг Марина деган 17 яшар қизига икки йилдан бери мураббийлик қилар эди. Марина жуда чиройли қиз эди. Достоевский ҳам қирққа қараб келадиган қирчиллама йигит пайти эмасми, Марина ўз муаллимига ҳар доим нозли муносабатда бўларкан. Мария Дмитриевна ҳадеб хархаша қилавергач, катталар Маринани сиқувга олишибди. Маълум бўлишича, Марина ёшроқлигида 18 яшар Ванька деган йигит билан севишиб қолган, аммо Ванька ташлаб кетган, кейин отаси уни бир ҳарбий байроқдор йигитга зўрлаб узатиб юборган экан. Марина бу эрини ёмон кўраркан ва бошқаларга нозланиб қараркан, Достоевскийни ҳам ёқтириб қолибди. Қизни оиладан четлатишди.

5

Достоевский 1859 йилда ҳарбийдан истеъфога чиқиб, марказга яқинроқ Тверь вилоятида яшашга рухсат олди. Аммо Тверда ҳам Мария Дмитриевна диққат бўлавериб, сил касалини ортириб олди. «Бу ерда менинг аҳволим оғир, жуда ёмон ва ғамгин. Юрагим қуриб кетяпти. Бошимга тушаётган қийинчиликлар қачон тўхтаркин, сизларни бағримга босиш ва ҳаётимни янгилашни Худо менга насиб қилармикин?» — деб ёзганди у акаси Михаилга ўша вақт. У ўз касаллигини рўкач қилиб яна подшоҳга хат ёзди ва пойтахтда яшаш учун рухсат олди.

Рангида ранг қолмаган ва озиб-чўзиб кетган Мария Дмитриевна Петербургда бутунлай оғирлашиб қолди. Эрининг қариндош-уруғлари ва дўстлари, ижтимоий ва ёзувчилик манфаатлари унга етти ёт бегона эди. У аслида Достоевскийга тегиб яхши шароитда яшайман-у, аммо Вергунов билан учрашиб юравераман деган ҳаёлда эди. Чиндан ҳам Вергунов дастлаб Семипалатинскга келиб кетиб юрди. Кейин Тверга ҳам борди, аммо Мария Дмитриевнанинг сил касалига мубтало бўлиб, хунуклашиб-озиб кетганини кўргач, бутунлай оёғини узиб кетди. Бунинг устига-устак хотинликка ҳам деярли яроқсиз бўлиб бораётганди.

Достоевский хотинини докторларга яхши қаратар, аммо ўзи ундан бебаҳра эди. Шу кезларда (1862) у хотинининг рўзгорини

бутлаб ва врачлар қаровини таъминлаб, илк бор чет элга саёҳатга чиқди, Англияда, Францияда бўлди. Парижда рус муҳожир аёлларидан бири Аполлинария Сулова билан танишди. Улар бутун Европани бирга айландилар.

1864 йилда Мария Дмитриевна вафот этди.

Унинг уғли Павел — Достоевский қарамоғида қолди.

Достоевский Аполлинария Суловага никоҳ таклиф қилди. аммо у рози бўлмади. У ёзувчининг тутқаноқ касалидан бир мунча ҳазар қилар, айни чоғда эркин ва жиловсиз яшашга ўрганиб қолганди. Улуғ ёзувчини эса, келажакда бошқа бир совға — жафокаш Анна Сниткинанинг садоқатли муҳаббати кутар эди.



АПОЛЛОН ГРИГОРЬЕВ билан АНТОНИНА КОРШ



Аполлон Александрович Григорьев (1822–64) — рус шоири, машхур адабиёт ва театр танқидчиси. Островский, Пушкин, Лермонтов, Тургенев, Некрасов, Фет ижодининг энг янги тарафларини, Гоголь насрининг муболага унсурларини катта маҳорат билан очиб, илк бора органик танқид деган бир йўналишга асос солган. Дунёқараши жиҳатдан 1860 йил-

ларда рус жамиятида ҳукм сурган «Тупроқ аҳллари» («Почвенники») оқимининг намояндаси. Мазмунан славянпарастлар (Аксаков, Достоевский, Страхов кабилар)га яқин бўлган бу оқим туб аҳоли, ерли халқ, асл руслар ҳаётини акс эттиришни, фақат рус халқининг манфаатини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Аполлон Григорьевнинг шеърлари марказида роман-



тик шахсининг ўйлари ва изтироблари туради. «Кураш» туркуми, шу жумладан «Ақалли сен гаплаш мен билан...», «Лўлича рақс» романслари, «Қўнимсиз романтикнинг бадиҳалари» туркуми, «Илга бўйлаб юқорилаш» тавба-достони, «Эсдаликлар» китоби билан рус адабий оламида катта шухрат қозонган.

1. Аполлон

Аполлон Григорьев 1822 йилда Москвада шаҳар магистратининг котиби оиласида туғилди. Магистрат дегани Россия империясида 1720 йилдан 1864 йилгача ҳукм сурган шаҳар табақалар бошқармаси бўлиб, суд ишлари билан шуғулланарди. Онаси крепостной деҳқон қизларидан эди.

Бобоси Иван Григорьевич «абადий эркинлик олган хизматчи», яъни камбағал қиз Марина Николаевнага уйланганди. Худди буни шунгандай, ўғли Александр бир аравакаш (кучер)нинг фарзанди, яъни камбағал қиз Татьяна Андреевнага уйланмоқчи бўлганда, қиршилиқ қилиб ўғлини уйдан ҳайдаганди. Александр ва Татьяна никоҳсиз яширинча яшай бошладилар. Бир йилдан кейин Аполлон туғилди. Отаси Григорьев эканини олдинига яширишди. Татьяна Андреевна, туғим гувоҳномасида болани ўз номига қайд қилирди. Ўғил бир оз улғайгандан кейингина, ота-она бир оз юмшарди, улар қонуний никоҳландилар ва Аполлонга ҳам қонуний гувоҳнома олдилар. Аполлон жуда ширин, шўх бола эди, фақат ота-онасининг эмас, бобо-бувиларининг ҳам севгилиси, эркасига айланган. Уйда унга жуда яхши маълумот бердилар, хонадонга махсус ўқитувчи ёлладилар. Кейин Москвадаги Император Тарбия Уйига бердирилди, бу — Екатерина II асос солган қадимий хайрия мактаби эди. Бу ерда тарбияланган ҳар бир ўқувчи шоҳ ҳимоясида бўлар, крепостной оиладан бўлса-да, «мешчан» деган юқори мартабага «кўтарилар» эди. Бу гапнинг маъноси шуки, ўша пайтда Россияда ота-онасини, ё отаси, ё онасини крепостной бўлган оилалар давлатга эллик тўлар эди, «мешчан»ликка «кўтарилгач», яна Университетни ҳам муваффақият билан битирса, «дворянликка» етишар ва бундай оила билан солиқ тўлашдан озод қилинади.

Григорьевлар оиласида никоҳсиз пайтидаги эски ташвишлар тиб кетиб, ҳаёт анча яхши йўлга тушган эди. Александр Иванович Москва магистратида кичикроқ вазифада ишласа ва ойлиги

унча катта бўлмаса ҳам, оиланинг бошқа даромадлари бор бўлгани учун унча гўзал бўлмаса-да ҳар қалай тўқинчиликда яшарди. Бир неча йил Аполлонлар уйида турган шоир Фет ўз эсдаликларидида шундай ёзади: «Александр Ивановичнинг эгаллаб турган вази-фаси туфайли, уларнинг дастурхони учун Овчилар Растасидан (Охотный Ряддан) текинга балиқли ва гўшти озиқ-овқатлар юборилиб турарди. Икки оту бир зотдор сигир боқиш ҳам улар учун қийин эмасди».

Онаси Татьяна Андреевна, оиладаги илгариги асабий можаролар туфайли, ғалати ҳолга тушиб қолган эди, арзимаган нарсадан кўзлари хиралашиб, бақира бошлар, нозик юзларида сариқ доғлар, юпқа лабларида машъум табассум пайдо бўлиб, ҳаммаини кўрқитиб юборарди. Аммо ўғлини жуда қаттиқ яхши кўрар, уни эркалатиб «Полошенька» деб атар, паҳ-пахлаб ўз қўли билан сочларини тараб, ўраб-чирмаб авайлар эди. То 13 га киргунчи Лукерья деган оқсоч хотин уни ювинтириб кийинтирарди.

Отаси, оми-маълумотсиз хотинига эски романлардан ўқиб берарди. Шу баҳонада ёш Аполлон ҳам адабиётга аралашиб қолди. Тезда ўзи мустақил равишда қисса, шеър ва романлар ўқишни киришди. Французчани ўрганиб, бадий асарларни русчага ўтиришни машқ қила бошлади. Фортепьяно ва гитара чалишни ўрганди. Бир неча марта театрға бориб драматургияга ҳам ишқ тушиб қолди ва кичик-кичик сахна асарлари ёза бошлади. Уйларидида айрим пиянисталикларни ҳисобга қўшмаганда, умуман Аполлон болаликда ғам-ташвиш нималигини билмай ўсди.

1838 йилда Аполлон Григорьев, отасининг ихтисосини эгаллаш мақсадида Москва Университетининг юридик факультетини кириш имтиҳонларини муваффақият билан топширди, фақат солиқ тўлайдиган табақалардан бўлгани учун, дворянларнинг болаларидай талаба қилиб эмас, тингловчи қилиб қабул қилинди. Биз «эркин тингловчилар» ҳақида кўп эпитанмиз, аммо «тингловчилар» «эркин тингловчилар»дан фарқ қиларди. Булар талабалик мундири кийишга ва лекциялар (маърузалар) тингашга ҳақли эдилар, фақат «талаба» деб аталишга ҳақли эмасдилар. Охир-оқибатда «тугал имтиҳон»дан ўтсаларгина «ҳақиқий талаба» номини олардилар. Аполлон курс бўйича энг фаол ва ўткир тингловчи эди. Юридик факультетнинг декани Никита Иванович Крилов «баъзи тингловчилар» айрим талабаларга нис-

батан чинакам тингловчилардир, деганга ўхшаш учуриқлар қиларди. У, Аполлон Григорьевни, билимлари серқирралиги учун ҳурмат қилар ва яхши кўрарди. Ҳатто бир неча марта уйларига ҳам таклиф қилганди. Аполлон олдинига, бу шунчаки оддий такаллуф деган ҳаёлда уларникига бормади, аммо бир сафар бунга журъат қилди. Ҳамма муаммо ана шунда бошланди.

2. Антонина Корш

Факультет декани Крилов (1808–1879) атоқли шифокор Фёдор Адамович Корш (1776–1837)нинг куёви эди. Ф.А.Корш олмонми, яхудийларданми чиққан бир киши бўлиб, икки марта уйланган ва 22 фарзанднинг отаси эди. 1837 йилда вафот этганда, катта болалари ҳаётдан ўрни-ўрнини топиб кетган бўлса ҳам, хотини Софья Григорьевна Корш (1799–1871)нинг қулида ҳали ўндан ортиқ болалари, шу жумладан, бир қатор эрга тегмаган қизлари қолган эди. Фақат энг катта қизи Любагина яқинда ҳуқуқшунос Криловга эрга берилганди. Шу боисдан қайнонаси куёвидан уйларига ўзига тўқ, истеъдодли бўйдоқ йигитларни олиб келишни ва қизлари билан таништиришни топширган эди. Аполлон Григорьев биринчи бўлиб таклиф қилинганлардан бўлди.

1842 йилда Аполлон Григорьев, Антонина Коршни кўрди-ю, уни бутун борлиги билан қаттиқ севиб қолди. У 19 га кирган ва жуда чиройли эди. Овози шу қадар ажойиб эдики, беихтиёр Шекспирнинг «Қирол Лир»идан:

Нозик, сокин ва ёқимли эди унинг овози —
Аёлга хос улугъ муъжиза, —

деган сатрлар ўз-ўзидан тилига келиб қоларди. Юзларининг бугдой ранги, сочларининг қоралиги, кўзларининг мовийлиги юрак-юрагини ўртар эди.

Кўзларининг мовийлиги, менинг жонгинам!

«Лўлича рақс» шеърининг нақаротида бу қизнинг чизгиларини кўргандай бўламиз. Антонина лўли қиз эмасди, аммо унда экзотик нимадир бор эди.

Антонина уйида яхшигина билим олган, кўп ўқир ва мусикий машқлар қиларди. Ўша пайтларда француз ёзувчиси Жорж

Санд романлари рус жамиятида русумга кирган бўлиб, қиз Жорж Санд романлари таъсирида бир оз қилиқ қилиб, қийшанглаб, ўзини ғайритабиий тутарди. Григорьевга муносабатида ҳам, сен кимсан, қани ўзингни кўрсатчи, дегандай йигитнинг жиғига тегарди. Аполлон бунга жавобан, бирда қиздан кулса, бирда эсанкираб, нима дейишни билмай довдирарди. Бу пайтларда ёзган шеърлари эса, унинг муҳаббатининг очиқ бир кундалик дафтары эди. Бирда Антонина ўзига бефарқ эмасдай ва унга ҳукми ўтадигандай («Сирли куч берилган менга»), ҳатто ўзининг эҳтиросларини устомонлик билан яшираётгандай кўринар («Аммо қачонгача бу азоб, эҳтирос? Ақлсизлик билан унга берилдик!»), бирда ўзини англамаётгани, бегонасираётганини англар эди. Коршлар оиласида Антонинадан бўлак ҳамма унинг ғашини келтирар, шундай бўлса ҳам сургундаги одам мажбуран кун ора бир идорага кўришиб қўйиши шарт бўлганидай, ҳар куни, кун ора кечқурун уларникига келарди. Кўпинча «ичимдагини топ» ҳолида бўлар, ўзини эркин ҳис қилолмасди. «Кундан кунга чидаб бўлмас даражада Аҳмоқлашиб-аҳмоқлашиб бормоқдаман» деб тан олганди ўзи ҳам... «Дарбадар дарвешнинг қўлёмасидан саҳифалар» деб номланган ва шоирнинг ўлимидан кейин босилган кундалик дафтарыда унинг ўша пайтдаги муҳаббатининг синиш тарихлари очиқ-ойдин тасвирланган.

Сиз мени қийнаш-чун яратилгансиз,
 Сўзларингиз меҳрибон-совуқ,
 Сизни тушунишнинг иложи йўқ,
 Зўракидир эркинлигингиз...
 Бошқаларнинг сизга айтмаган гапин
 Албатта мендан ҳам эшитмагайсиз.

Бир куни Коршларникида мусиқий оқшом бўлди. Антонина эски фортепьяно ёнига ўтирди, бир йигит қўлида скрипка билан унинг ёнига жойлашди. Онаси, Крилов, Аполлон ва бошқалар уни тинглашга шай бўлдилар. Аполлон унинг (Антонинанинг) ижроси кўнгилдагидай бўлмаслигини билиб турар, аммо у ва онаси ўзларини ғурурдан тиёлмасдилар. Чиндан ҳам Антонина бир ерга келганда мусиқадан адашиб кетди. Аполлон беихтиёр жилмайди. Аполлоннинг кулганини онаси ҳам пайқади. Аччиқланиши, ал-

батта... Аполлон уйига келганда тонггача ухлаёлмади. Тақдир ўз ишини қилаётганини, у ўзининг қулай бошлаганини ҳис қиларди.

3. Тақдирнинг ҳукми

Декан Крилов Коршларнинг меҳмонхонасини умид берувчи ёшлар билан тўлдириб юборди. Улардан бири Константин Кавелин деган юрист, ёш бир дворян бўлиб, Антонина билан эркин гаплашар, унинг ёнига ўтириб олиб, бутун оқшом бўйи ёнидан кетмасди. Ақли ҳуши жойида, совуққон, аммо ўзини табиий ва эркин тутадиган бу оқсуяк йигит Антонинага кўпроқ ёқаётганини кўрган Аполлон қаттиқ қийналиб рашк ўтида ёна бошлади. Қовоғи уюлгандан уюлиб, афти тундлашиб борар, атрофдагилар у атайин шундай қиляпти, ўзини ўтакетган ёвуз қилиб кўрсатмоқчи, деб ўйлашарди. «Ўхў, бугун у мунчалар ёвуз, — дерди қизнинг онаси Софья Григорьевна, — мунча ёвуз, мунча қаримсиқ!» Аполлон эса худди телба гунгларга ўхшаб индамасди.

Ап. Григорьев «Саҳифалар»да шундай деб ёзади: «Унга ошиқлигим шу қадар кучли эдики, ўз манфаатимдан воз кечиш даражасига бориб қолгандим, у буни ҳеч қачон билмайди ва билмаслиги ҳам керак... Мен унга икки қадам яқинлашган ҳар одамни ёмон кўраман ва бу нафратим учун ўзимдан нафратланаман». «Мен бошқа бир бурчакда эдим, Кавелин эса икки опа-сингилнинг ўртасида ўтириб олиб бир соатдан буён гап сотарди... Уйга келсам амаким ухлаб қолибди. Эрталабгача ухлолмай миллион-миллион пул топиш, антиқа жасоратлар кўрсатиш ҳақида ўйлаб ётдим». «Яна у касал... Хизматдаги ишларим ёмон кетяпти» деб ёзади у. Тўғриси ҳам шу: у интизом билан ишлашга лаёқатсиз, хизмат бурчларига бепарво эди. Университет Кенгашининг котиби бўлатуриб, баённомалар ёзмас, ҳисоботлар тайёрламас ва бошқа ишлари ҳам ўлда-жўлда эди.

«У касал, рангида ранг қолмаган, кайфияти ёмон; ўзига «Индиана» билан «La derniere Aldini» (Ж.Санд романлари)ни юборишни сўради, аммо «La derniere Aldini» Готьедан олиниши керак экан. Нимамга оламан? Қарзларим даҳшатли тарзда ортиб бормоқда ва уларни узишдан умид ҳам йўқ».

Чиндан ҳам Григорьевни бир дафъа кутубхоначиликка ишга олишганди. У эса кутубхона китобларини сўраган одамга бериб

юбораверди, буни қайд қилмасди, сўнг китобни кимга берганини ҳам эслаёлмасди. Устига устак дўстлари, узоқ-яқин танишларидан қарзга катта-катта пул оларди, қайтариб бермасди. Кейинчалик шу айби билан икки марта қамоққа олинган ва маълум муддат турмада ётиб ҳам чиққанди. Кавелин эса уни огоҳлантирди, Антонинага айтган китобини олиб бермагани учун хафалигини айтди, иккинчи сендан ҳеч нима сўрамасмиш. «Бундан сен жуда хурсанд бўлгандирсан?» деди Григорьев киноя билан. Кавелин, менга қара, оғайни, айтган китобини толиб бер, бўлмаса мен обераман, деди. Юбора қол...

Бир куни Кавелин Григорьевдан: «Антонинани қандай сева-сан? — Умид биланми, умидсизми?» деб сўради. Умидсиз, деди у. «Бу қиз кимнидир яхши кўрса, дунёнинг нариги чеккасига ҳам боради», деди Кавелин. Сен қиз учун ҳеч нима қилмаяпсан, демоқчи бўларди у. Григорьевни совуқ тер босиб, яна ғамгинлик оламига чўмди.

Ниҳоят яна қарз-ҳавола қилиб «La derniere Aldini» китобини олди ва «Наполеоннинг тарихи»га қўшиб Антонинага юборди.

Бемор Антонина, укаси Валентинга, Аполлонни чақириб кел, деди. Онаси, мен сени ўғил қилиб оламан, деди. Ўзи тўғри келиб Аполлоннинг қаршисига ўтирди. Анча вақтгача чурқ этишмади. Ниҳоят биринчи бўлиб Антонина гап очди. «Ўлишдан кўрқипман, мангуликка инонгим келади», деди. Аполлон ўлимга оддий табиий ҳодиса деб қарарди, уни руҳлантириб ўтирмади. Мангуликка ишонтирмади ҳам.

— Сиз-чи, сиз наҳотки ўлимдан кўрқмасангиз?

— Мен секин ўлишдан кўрқаман, бирдан ўлиш бўлса, ҳозироқ тайёрман.

Улар яна жим бўлиб қолишди.

Бир куни Кавелин Григорьевга Антонинага уйланаётганини айтди.

— Бизнинг ҳаётга қарашларимиз бир хил, — дея очиқчасига юрагидаги гапни айтиб қўяқолди. Антонина Григорьевни эмас, ўзини танлаганлигидан жуда бахтиёр эди. Григорьев ушанда Антонина уни танлагани тўғри бўлганини тан олиб: «Мен-чи, мен уни ўз муҳаббатим ва рашким билан эзиб юборган бўлардим» деб ёзганди.

Бу драма «Лўлича рақс»да шундай акс этганди:

Нега энди кўнглим
 Оғрийсан мунча
 Бармоғида кўрдим
 Митти узукча
 Ўйна, ўйна, ўйнаб кулиб
 Ўйна бошқача
 Қайтмас бўлиб, қайтмас бўлиб
 Тегдинг бошқага.

Яхшиямки, айрилиқ кўчкиси бошига олдинроқ тушмагани... Муҳаббатлари тинч-сокин пайтларда университет дипломини қўлга киритиб, мешчанлик табақасидан чиқиб, номзодлик унводини олиб улгурганди. Аввалига уни кутубхоначи, саккиз ойдан сўнг Университет Кенгашининг котиби этиб тайинлашганди.

Аммо тез орада у бундай ишларга бутунлай нолойқлиги, оддийгина қилиб айтганда, русча пала-партишлиги, пиянисталиги кўриниб қолди. Иши ҳам, ҳаёти ҳам издан чиққан Григорьев Санкт-Петербургга кетиб қолди. Отаси Александр Иванович ўғлининг қарзларга ботиб, қўнимсиз, лўлиларга қўшилиб дарбадар юрганлардан эшитганда уни койиди.

Шунда Аполлон отасига гинахонлик билан жавоб хати ёздики, унда жумладан шундай сатрлар бор эди:

Қадрли дадажоним!

... Петербургга келганимнинг боиси, руҳий ҳолатим жуда оғирлигидир. Менинг бахтсиз сажиямга сал жиддийроқ диққат қилсангиз, руҳий тушкунликка, зерикиш ва гамгинликка мойиллигимни пайқаган булардингиз: ахир мен деярли 14 ёшимдан буён салга маънос ва хуноб булардим-ку! Сиз, балки, бу жиннилик дерсиз, ҳа, бўлиши мумкин, аммо бу касаллик. Мен кетдим... Яъни Москвадан қочдим, демоқчиман, аммо ойлигимдан ошиб кетган қарзлардан қочганим йўқ... йўқ! Бу ерда бошқа сабаблар бор: 1. Бола бўлиб яшашга чидолмадим... аллакимларнинг ўғиллари жонимга тегиб кетди... Ҳатто сиз ҳам олдимга Кавелин келганда, мен билан танишгани учун унга миннатдорчилик билдирдингиз... 2. Мен сизнинг Антонина Коршга бўлган ишқимга, биринчи ва бирдан-бир муҳаббатимга қандай қарашингизни билгим келади. Иккимизнинг ёшимиз — бир, жамиятда тутган ўрни-миз ҳамда бойлик ва давлатимиз — тенг, аммо аллақандай Константин Дмитриевич Кавелин дегани ундан умид қилишга ҳақли-

роқ бўлиб чикди. Менда эса умид йўқ эди. Кавелин эгаллаган мавқеи, ҳатто мол-дунёси ҳам меникидай бўлмай туриб, деярли ўзини эркин тутарди — мен-чи? Бунда сиз айбли эмассиз: тақдир айбдор... Мен дақиқа сайин рангим кетиб, озиб борардим. Мен уларникидан (Коршларникидан) қайтганда, у ўзганинг хотини бўлади, деган фикрдан жиннилардай ўрнимда тўлғаниб ётардим... аммо бу ҳақда на унга, на сизга оғиз очгунча тилимни узиб ташлаганим афзалроқ эди... Мен унинг назарида ҳаммадан юксак ва ҳамма қатори, ҳаммага тенг бўлишни хоҳлагандим. Мен бу мақсадимга етишаман: унинг эри кўпчиликка бошини эгади, мен ҳеч қачон ҳеч кимнинг қаршисида бош эгмайман...

... Мени кечиринг, дадажон, яхшиси, мени авайланг, асранг, чунки мен фақат сизнинг раҳмингиз келишидан уялмайман.

Сизнинг ва ойимнинг қўлларини ўпаман — мени дуо қилинглар!

У ҳаётга шўнғиб кетди. Чиндан ҳам лўлилар ичида яшади, ишлаганда ҳам ҳеч қўним топмади, жуда машҳур журналларни бошқарди, бўлимларга мудирлик қилди, тинимсиз ёзди. Фақат унда Худо берган истеъдоддан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Антонининг синглиси, худди унга ўхшаш мовий кўзли Лидияга уйланди, аммо буниси бир винти кам, дудуқ, бемаънироқ эди. Ташлаб кетди. Бутун аламини ичкиликдан оларди. Аммо ичкилик бошини еди. 42 ёшида вафот этди.



ЧЕХОВ билан ЛИКА МИЗИНОВА



Антон Павлович Чехов (1860–1904) рус адабиётининг олтин саҳифаларидан бири. Унинг ўткир фельетонлари, бетакрор юмор ва лиризм билан суғорилган ҳикоялари, қиссалари ва пьесалари бутун жаҳон китобхонларининг сеvimли асарлари бўлиб қолган. 1922 йилда инглиз матбуотининг ёзишича, Шекспир замонларидан бери бу қадар қалбга чуқур кириб боришлар юз бермаганди.

Бизнинг энг таниқли ўзбек ёзувчиларимиз ҳам унинг асарларига XIX асрнинг бошларидан то ҳанузгача қайта-қайта муро-

жаат қилиб келадилар. Чеховнинг энг муҳим асарларини жамлаган уч жилдлик «Танланган асарлар»и ўзбек тилида чоп этилган.

1. Чеховлар оиласи

Отаси Павел Егорович крепостнойликдан 1844 йилда қутулган бир оиланинг фарзанди бўлиб, Таганроглик бир савдогарнинг хизматчиси эди. Онаси Евгения Яковлевна ҳам крепостнойликдан 1817 йилда қутулган бошқа бир оиланинг қизи эди. Уларнинг тўйи 1854 йилда бўлган ва олти фарзанд кўргандилар. Антон уларнинг учинчи ўғли бўлиб, Александр ва Николай акалари, Иван, Мария ва Михаил укалари эди.

Россиядаги крепостной тузум халқ истеъдодларини ҳар қанчалик топтаб, бўғиб келмасин, илоҳий тақдир уларни потенциал энергия сифатида йиғиб келган шекилли, крепостной ҳуқуқ бекор қилинган. Ўша йиғилиб ётган кучлар ярқираб юзага чиқа бошлади. Бунинг юзлаб ёрқин мисоллари қаторида Чеховлар оиласининг болаларини кўрсатиш мумкин: Биринчи ўғил Александр Москва университетини тамомлаб, қомусий билимларга эга бўлган профессионал адабиётчи бўлди. Иккинчи ўғил Николай минг бир уринишлар билан тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморлик мактабини битириб, жуда яхши рассом бўлиб етишди. Антон буюк ёзувчи, Иван жуда яхши хотиранавис, Мария профессионал мусаввир, педагог ва хотиранавис, Михаил яхши-яхши шеърлар ёзди-ган ва болалар журналида ишлайдиган адабий ходим бўлди. Уларнинг ҳаммалари рус маданияти тарихида ўчмас из қолдирдилар.

2. Антон Чехов

Ёш Антон туғилган жойи Таганрогда оила бошига тушган барча иқтисодий қийинчиликларни енгиб, гимназияни тугатди ва Москвага бориб ўз кучи билан Тиббиёт институтини ҳам муваффақият билан тамомлади. Талабалик йилларидан бошлаб, асосан оилани тебратиш ва қаламҳақи билан кун кечириш мақсадида турли юмористик ва ҳажвиёт газеталарида фелъетонлар ва бошқа юмористик нарсалар ёзиш билан машғул бўлди. Кейинчалик у қария А.С. Суворинга ёзган бир мактубида:

«Фақат тирикчилик учун наср билан кун кўришдай зерикарли ва қора ҳеч нима йўқ оламда, ҳаёт қувончидан маҳрум қилади, кўнгилсизликдан бошингиз чиқмайди» деб ёзганди. Лекин газетачилик ва тиббий хизмат уни катта ёзувчилик йўлига бошлаб борди. Тез орада у ҳикоялари билан фақат Москвада эмас, ўша пайтдаги бошшаҳар Петербургда ҳам шухрат қозонди. Сўнг бутун Россияга танилди.

Антон, ўзидан беш яшар кичик синглиси Марияни жуда яхши кўрар, у ҳам акасининг сўзидан чиқмайдиган, доим у билан маслаҳатлашиб иш кўрадиган жигаржон қиз эди. У 1884 йили атоқли тарихчи олим Герье ташкил қилган Олий хотин-қизлар курсига кириб, бир талай қизлар билан дўстлашди, кўпинча уларни уйга бошлаб келарди. 1885 йилда Чеховлар Москвадаги император театр-

ларининг директори Бегичевнинг қизи Мария Владимировна Киселёва билан танишадилар. Улар ёз бўйи Киселёвларнинг Бабкино қишлоғидаги чорбоғидан бир неча дала-ҳовлисини ижарага олишди. Бу жойни Чехов, юморист ёзувчи Лейкинга ёзган хатида шундай деб таърифлаган эди: «Мебель билан жиҳозланган, сабзавот, сут ва ҳоказоларга бой бир дала-ҳовлини ижарага олдим. Чорбоғ жуда чиройли, тик қирғоқда жойлашган. Пастда балиқларга бой дарё, дарёнинг орти катта ўрмон. Дарёнинг бу томони ҳам ўрмон... Япроқлар тўқимини маза қилиб томоша қиласан, булбуллар сайроғи тинмайди.. яна бир қанча табиий ҳовузлар ҳам бор...»

Чеховлар оиласидаги кенжа ўғил Михаилнинг ҳикоя қилишича, ўша кезларда Чеховлар билан улуғ rassom Левитанлар оиласи ўртасида ажралмас дўстлик юзага келган. Чехов билан Левитан (1861–1900) бир-бирларидан ажралмасдилар. Чехов тенгқабил қилар, Левитан эгнида бухори тўн, бошида салла, юзига қурум чаплаб, қўлига милтиқ олиб, эшакка минганча дарёнинг нариги томонига ўтар, сўнг ерга иниб, майдонга гилам тўшар ва қиблага қараб мусулмончасига ибодат қила бошларди. Шунда бир бута тагидан қўлда милтиқ билан чиқиб келган Чехов уни ёлғондакам ўқ билан отар, Левитан йиқилар, сўнг уни бир тепаликка олиб чиқиб сўроққа тутар эди. Баъзан Чехов табиб ролида, Левитан ёки Михаил касал ролида ўйнаб турли майнавозчиликлар қилишарди. Ўша чоғларда бир дафъа Левитан, Мария Чеховага севги изҳор қилган ва Мария буни акасига айтиб ундан маслаҳат сўраганда, Чехов синглисига: «Ўзинг биласан, лекин билишимча, Левитанга Бальзак типидagi хотинлар ёқади» деганди. Мария бу пайтда Бальзак ҳаёти ҳақида ҳеч нима билмас, Бальзакнинг ўзидан 22 ёш катта хотинга уйланганини, шунга ўхшаб Левитан ҳам ўзидан 15–16 ёш катта Софья Петровна Кувшинникова билан ишқий алоқада эканлигини билиб, уялиб юрганди.

3. Лика Мизинова

Чеховшунос олим Бердников ва бошқалар Лика (Лидия Стахисвна) Мизинова 19 ёшида, яъни 1889 йилда Чеховлар оиласи билан танишган дейдилар. Михаил Чехов эса, Мария Олий хотин-қизлар курсига кирган вақтлари курсларида ўқийдиган кизларни уйга олиб кела бошлаганини ёзади: «У пайтда мен талаба эдим, ҳаётим қай-



наб-тошар, опам Мария эса жозибали, сезгир, маълумотли қизга айланганди. Антон эндигина 26 га қадам қўйганди — бизнинг уйимиз ёш-яланглар билан тўла бўларди. Чиройли-чиройли ойим-қизлар — Лика Мизинова, Даша Мусина-Пушкина, Варя Эберле, мусиқачилар, санъатга, адабиётга дахлдор кишилар ҳар доим қўшиқ айтишар, мусиқа чалишарди, акам Антон эса айтилаётган қўшиқ садолари ва одамлардан илҳом олиб, пастда жойлашган алоҳида кабинетига кириб ёзишга киришарди. Озроқ ёзиб чиққач, яна юқорига кўтарилар,

ҳамма билан қизиқчилик ва майнавозчилик қиларди. Кундузи, ҳамма иш-ишига тарқалиб, уйда ҳеч ким бўлмаган чоғларда, Антон акам менга мурожаат қилиб: «— Миша, нимадир чалиб бер, бўлмаса ёзишим қийин кечяпти, — дерди». Демак, Чехов Лика Мизинова билан 26 ёшида танишган. «Хотиранавислар баъзан вақт масаласида янглишадилар» деган фаразни қабул қилиш қийин, Михаил Чехов Лика Мизинова борасида адашиши мумкин эмас, назаримда. Чехов, балки, у чоғларда ҳали 16 ёшли бўлган Ликага эътибор бермагандир, балки, ўша пайтлари бошлангандир севгилари. Бунинг асословчи ҳеч қандай ҳужжат ҳам, Чеховнинг эътирофи ҳам йўқ. Умуман, Чехов ҳеч кимга ҳеч қачон ёрилмайдиган, сирини ичида сақлайдиган одам бўлганлиги кўпчилик томонидан айтилган. Лекин 19 ёшида бутун қизлик латофати билан етилган Ликани эндигина кўргандай шу йилларда қаттиқ севиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

1889 йилдаги воқеа эса, менимча, бундай бўлган: Ака-сингил Мария ва Антон яқин сирдош эдилар. Мария ҳам, Антон ҳам Ликани яхши кўрганлар. Мария Ликани акаси билан яқинлаштиришни хоҳлаган, бир-бирларини севиб қолишлари учун қўлидан келганча ҳаракат қилган. Уни кўп таърифлаган. Бунинг учун унинг асослари етарли эди.

Ликанинг маънили сал чўзиқ юзи, қуюқ, олтинсимон сочлари, қалдирғочнинг қанотидай қоп-қора қошлари, ёрқин тусли, серҳаракат ва ақлли кўзлари, давраларда гапирганда ўзини эркин, қувноқ тутиши ва ўтқир сўзлари, жозибадор қизлик қиёфаси ҳаммани мафтун этиши айни ҳақиқат эди. Қобилиятли созанда ва хонанда ҳам эди. Гимназияни тамомлаб, Москвадаги ўқув юртларидан бирида рус тилидан дарс берарди. Антон Чехов ҳам бу пайтларда жуда кўркам йигит эди. Ҳозирги мактабларнинг дарсликлари ва ўқиш китобларида Чеховнинг кўзойнакли бир портрети бериладики, уни кўрган одам Чеховни қаримсиқ ва паст бўйли экан, деб тасаввур қилади. Ҳолбуки, асло ундай эмас. Бўйи 1 метру 82 сантиметр, сочлари ва қошлари маллага яқин, кўзлари жигарранг, оғзи-бурни ўртамиёна, сал чўзиқ юзи тиниқ, покиза эди. Горький ўз хотирасида: «Айниқса кулганда кўзлари жуда яхши бўлиб кетарди, оналар қадар меҳрли, нозик, майин. Кулгиси ҳам деярли товушсиздай, қандайдир ўзгача ёқимли. Куларкан, айнан кулгидан лаззатланарди. Билмадим, яна ким шундай кула оларкин, «маънан» куларди» деб ёзади. Чехов қирчиллама ёшида вафот этган. Ҳатто ўша пайтда ҳам бундай қаримсиқ бўлмаган деб ўйлайман.

Чеховлар ўша 1889 йили Тула вилоятининг Ока дарёси бўйидаги Алексин деган жойдан, ичкариси торроқ, ташқариси кенг бир дала-ҳовлини ёз ойлари учун ижарага олиб, бутун оила аъзолари билан кўчиб келишган эди. Дала-ҳовлини бу ердан олишларига яна бир сабаб кенжа ўғил Михаил Москва университетининг юридик факультетини битириб, шу ерга солиқ инспектори сифатида ишга тайинланган, оталари Павел Егорович ҳам айнан шу пайтларда ишлашни бутунлай тўхтатган эди. Бу пайтда Антон Чехов чет эл саёҳатида эди. Қайтишида шу ерга келди ва дарҳол таниш-билиш, ошна-оғайниларини, шу жумладан Лика Мизинова билан Левитанни ҳам дам олиб кетишга таклиф қилди. «Улар бизникига келишди... аммо очиғини айтсам, уларни жойлашга етарли хонамиз йўқ эди», деб ёзади Чехов. Роса ўйин-кулгилар қизиди, Чеховнинг ичидан қайнаб чиқадиган ҳазил-мутойибалари ҳамманинг ичагини узаёзди. Хонимлар олдида олифтагарчилик қилишни яхши кўрадиган Левитан эса, Ликанинг атрофида ошиқона хўрсиниб-хўрсиниб қўярди. Нима бўлганда ҳам, меҳмонларнинг ётиб қолишига жойлари торлик қилди, Лика билан Левитан қайтиб кетишди.

4. Ачинарли якун

Орадан икки ҳафта ўтиши билан Чеховлар ичкараси ҳам, ташқариси ҳам жуда кенг, бутун оила аъзолари алоҳида яшаши мумкин бўлган жойга, Богимовога кўчиб ўтишди. Шундан кейин Чехов Лика Мизиновани қайтадан таклиф қилди. У ўз хатида Ликани «Олтин, садаф ва ипак кокилли Лика», «Одамни мафтун қилувчи», «тонг қолдирувчи» «олтин кокилли», «оқ-сариққина», «оловдай чиройли», «юрагимни қон қилган ёвуз» каби иборалар билан улуғларди ва айни чоғда ҳазил-хузул, кесатиклар, майна қилиш оҳанглари ҳам бор эди. Чеховга хос бу ҳазиллар орасидан унинг муҳаббати ҳам кўриниб турарди. Чеховнинг назарида Лика ҳам ўзини севиб қолгандай эди. Аммо ундан жавоб бўлмади. Синглиси орқали яна таклиф қилди. Жавоб бўлмади. Бир мунча вақт зориқтиргач, яна Чеховлар уйининг севиқли ва доимий «Шоҳина Оққуш»ига айланди. Муносабатлари жуда яхши йўлга тушиб кетгандай эди. 1890 йилнинг илк баҳорида ҳатто Чехов учун кутубхонага бориб, нодир китоблардан иқтибослар қилиб берарди. Аммо Ликанинг назарича, Чеховда хушчақчақ дўстликдан бошқа нарса йўқдай, у ёш қизни мазах қилаётгандай эди, унинг кўнгли шундан талвасага тушарди. Шу боисдан унинг рашкини келтирмоқчи бўлиб, Левитан билан ҳар ёққа кетаверарди. Чехов бирдан Сахалин оролига отланди ва Ликага бир фотосуратини совғага қолдирди, орқасига: «Энг яхши хилқатга, мен ундан қочиб, Сахалинга кетяпман» деб ёзилган эди. Албатта, бу ҳазил эди, аммо ҳар қандай ҳазилнинг тагида зил бир ҳақиқат ҳам бўлади. Уларнинг ораларини яхши деб бўлмасди. Ошиқлар ўз муҳаббатлари қадр топмаса, албатта, узоқларга кетиб қоладилар. Бу бор гап. Аммо Чехов фақат шунинг учун эмас, халқ ҳаётининг энг оғир томонларини ўрганишни илгаритдан ўйлаб юрарди. Бунинг устига-устак айнан шу пайтларда «Русская мысль» журнали Чеховни «принципсиз ёзмалар бандаси» дея уриб чиқди. Бундан олдин Чехов «Новое время» журналининг асосчиси, яқин дўсти Суворинга хат ёзиб, «Русская мысль» журналининг ношир-муҳаррири Лавров бирон марта публицистларни танқид қилмагани, журнал сусти ва бўшанглигини ёзган ва «эътирозлари ялқовларча», «овозини дарров пасайтиради, дарров келишиб кетади, натижада умумий курашга тоқати йўқдай кўринади» деган эди. Лавров эса энди

Чеховнинг ўзига ҳужум қилди. Чехов унга узил-кесил қилиб: «Сизнинг айбловларингиздан кейин, ўз-ўзидан аёнки, бизнинг ўрта-мизда нафақат ишга оид муносабатлар, ҳатто оддий салом-аликлар ҳам бўлиши мумкин эмас» дея хат ёзди. Хуллас, удир-будир, Чехов Сахалинга 21 апрелда кетиб, 8 декабрда Москвага қайтди.

Лика Мизинова 1891 йилнинг 9 январидак Чеховга мактуб битди, жумлалари асабий ва чалкаш-чулкаш эди, аҳволи ҳам чигаллиги кўриниб турарди. Маълум қилишича, эрталаб ёзгани «бошдан-оёқ йиғи» экан, уни йиртиб ташлабди. «Энди буларнинг ҳаммаси бўлмағур гапларга ўхшаб кўринди». 11 январда Чехов жавоб ёзди. «Нега эрталаблари сиқиласиз? Нега эрталаб ёзган хатингизни менсимадингиз? Эҳ, Ликиша, Ликиша! «Бундай хатни ёзиш уят-ку!» дебсиз. Нимаси уят?.. Сизни бекорга баҳоловчи столга ўтқазишмаган (бу пайтда Лика Мизинова шаҳар думаси-ҳокимиятининг баҳо бўлимида ишларди — М.А.), ҳар бир қадамингиз, ҳар бир ҳаракатингизга керагидан ортиқ баҳо бериб ўтирасиз. Сизни ишонтириб айтаманки, бу хатингиз юксак даражада одобли, қуруқ, вазминлик билан ёзилган. Олий насаб инсон томонидан ёзилганлиги кўриниб турипти». Хатнинг сўнггида шундай сатрлар ҳам бор эди: «Умуман, менинг ҳолим ёмон. Ҳеч қандай ҳазил-ҳузулсиз Австралиягами бирор ёққа бош олиб кетишни ўйлаяпман».

Лика Левитан ҳақидаги гапларга чек қўймоқчи эди. У ўзининг 13 январдаги хатида «Биласизми, агар Левитан озгина бўлса-да сизга ўхшасайди, уни кечки овқатга таклиф қилган бўлардим» деб ёзди. Чехов 21 январда жавоб хатида: «Кўпдан-кўп ҳурматли Лидия Стахиевна, сизни жуда хурсанд қилгим келяпти: сиз учун 15 тийинга қоғоз ва конвертлар олиб қўйиб, ваъданинг устидан чиқдим. Бу қоғозлар Левитан, Фёдоров ва (от билан юрадиган) темирўл кондукторлари мансуб бўлган зодагонларнинг лидини тўла қониқтиради, деб ўйлайман...бизнинг ёзишмаларимизни ўша олий зотлар билиб қолса нима бўлади деб қўқиб, қалтираб турибман», деган жумлани ҳам ишлатганди. Энди хатда «Ликиша» деган эркалатишлар йўқ эди. Лика билан Левитаннинг муносабатлари эса ривожланишда давом этарди. Бир мунча вақт Лика йўқ бўлиб кетди. Май ойининг охириларида Чеховга Левитандан бир хат келди. «Мен сенга энг мафтункор бир гўшадан ёзаяпман, бу ерда ҳаводан тортиб ер юзининг энг сўнгги ҳашаротигача, худо

ўзинг афв эт, ҳамма нарса уни эслатади, илоҳий Ликани эслатади! Ҳозирча у йўқ, аммо бу ерда бўлади, чунки у сени, оқишсоқолни эмас, мени, вулқоний қорасоқолни севади. У фақат мен қаерда бўлсам, ўша ерга келади. Сенга бу гапларни ўқиш огир, аммо ҳақиқатни севганим учун, буни сендан яширолмадим». Чиндан ҳам Лика ўша Покровское деган жойга борди. Кейин Левитандан яна шундай хат келди: «Кеча овоз чиқариб сенинг «Бахт» деган ҳикоянгни Софья Петровна билан Ликага ўқиб бердим. Икковлари ҳам роса қойил бўлишди. Пайқаяпсанми, мен кенг феълли одамман, сенинг ҳикояларингни Ликага ўқиб бериб, ўзим ҳам қойил бўламан.. Мана бунинг отини чинакам фазилат дейдилар». Чехов эса Ликага ёзган жавоб хатида: «Левитанга салом айтинг ва тайинлаб қўйинг, ҳар бир хатида менга сиз ҳақда ёзмасин. Биринчидан, бу фазилат эмас, иккинчидан, унинг бахти билан менинг ишим йўқ. Майли, соғ ва бахтли бўлинглар, бизни ҳам унутманглар», деган гаплардан сўнг, «Бизникига келинг, йўқса ёмон бўлади. Бизникилар сизга таъзим қилишяпти, мен ҳам...» дейилган огоҳлантириш ҳам бор эди.

Левитан ҳам Ликани севиши асарларидан сезиларди. 1891 йилнинг кузида ўз шедеврлари (энг нодир асарлари) «Ўпқон» («Омут») ва бошқа этюдларини яратди. Чехов бир дафъа Оврупога кетиш олдидан Петербургда Левитаннинг кўргазмасини томоша қилган ва Парижда француз манзарачи рассомлари кўргазмасини айлангандан кейин «Буларга солиштирганда Левитан қирол!» деган эди.

Лика Мизинова Чехов билан муносабатларда ташаббусни қўлга олиш учун у билан Қрим ва Қофқозга боришни таклиф қилиб, август ойига билет буюриб қўйганини ёзди. Аммо буни бемаслаҳат қилгани Чеховга ёқмади. Россияда вабо тарқалгани ва ўзи касаллар ичида бўлиши кераклигини айтиб, саёҳатни бошқа пайтга кўчиришни сўради. «Доим баҳона топасиз!» деб заҳрини сочди Лика. «Менга мени мазах қилмай хат ёзишингизни сўрайман... наҳотки бунга арзимасам» деб ёзди яна бир хатида. «Хатларимнинг сиз учун заррача қиймати йўқ» деб ёзди яна.

«Сизнинг ичингизда катта бир тимсоҳ ўтиради, менинг юрагимни тишлаган...мен шу тишланган юракнинг сўзига эмас, ақлимнинг сўзига кириб тўғри қиялман... Сиз қора кўзли, Африканча эҳтиросли Левитанни туш кўриб юргандирсиз... Сиз

бўйнимга ташлаган арқондан менинг бошим айланиб кетсин десангиз, уни қаттиқроқ тортинг, — деб ёзди Чехов — сизни тинчлантириб шуни айтишим мумкинки, сизнинг хатларингиз ҳужжат қадар эмас, хушбўй гуллар қадар аҳамиятли ... (ошиқларингизга) айтиб қўйингки, мен уларга тўсқинлик қилмайман... Биз, Чеховлар, ёш қизларга ҳалақит бермаймиз. Бизнинг принцимиз бу. Демак, сиз эркинсиз».

Лиқа июннинг бошларида Чеховга шундай хат ёзди: «Арқонни қаттиқроқ тортардим. Қаттиқроқ. Агар қўлимдан келса... Ҳаётда биринчи марта омадим келмади. Шундай келмадики... » Хатга яна: «Нега доим менга Левитанни эслатасиз? Мен ҳеч кимни ўйламайман, ҳеч кимни истамайман» деган жумлалар ҳам қўшилганди. Кейин у ўзини энг хатарли ўйинларга отди: айш-ишрат, ошиқ-машуқликка берилди. 1892 йилнинг 8 октябрида яна Чеховга хат ёзди: «Мен умримни қуйдирыпман, уни тезроқ кулга айлантириш учун ёрдамга келинг... Оҳ, тезроқ келинг. Мени сақлаб қолинг. Хайр. Л. Мизина. Оҳ, ҳаммаси нақадар ифлос, нақадар ёмон». Чехов уни олиб келиб, тарбиялашга киришди. Бутун қиш бўйи ва ёз бўйи уларникида яшади. Аммо «чекишни ташладим» дер — яна чекар, «ичишни ташладим» — яна йчар эди. «Менга иш топиб бер» деди, у чет тилларни яхши биларди, «Таржима қил!» деб китоб топиб берди, таржима қилмади, таржимани бошқа бировга бериб юборди. «Фақат еб-ичиб ухлашни, маза қилиб ёзишни биласиз» деб таъна қилди.

1893 йил декабрида Чехов унга шундай деб ёзди: «Ҳа, мен еб-ичиб ухлайман, чунки ҳамма ҳам еб-ичиб ухлайди. Ўзингиз ҳам ҳавадай бўлсангиз-да, бундай заифликдан холи эмассиз. Маза қилиб ёзиш масаласига келсак, у қанчалик майда иш бўлиб кўринмасин, сиз, жозибали гўзал, амалда умрни эғовлайдиган, қуртдай кемирадиган жуда оғир иш эканлиги сизга таниш эмас».

1894 йилда Чеховнинг соғлиги ёмонлашиб узоқ даволаниш учун Ялтага кетди. Чеховнинг бир Игнатий Потапенко деган ўзидан тўрт ёш катта ошнаси бор эди. У оилали, бола-чақали, келишгангина, ўша пайтларда анча машҳур бир ёзувчи эди. У ҳам Ликани кўриб, қаттиқ ёқтириб қолди ва уни чет элга олиб кетди. Лиқа ҳомиладор бўлиши билан, тақдир ҳукмига ташлаб қочиб кетди. Шунда Лиқа Чеховни Флоренцияга таклиф қилди.

«Аввалги Ликангиздан ҳафсалангиз пир бўлмаган бўлса, келинг». Чехов келмади. Лиқа, қизи Христинани туғди. Христина

унчалик она меҳрини кўрмай 1896 йилда икки ёшида ўпкаси шамоллаб вафот этди. 1897 йилда тикув-бичув устахонаси очмоқчи бўлди, уддасидан чиқмади. Бир йил кейин Парижга қўшиқчилик санъатини эгаллашга борди. Бу ҳам ора йўлда қолди. Чеховга «Мени икки марта рад этдингиз» деб гинахонлик қилди. «Ҳеч ким сизни рад этгани йўқ» дея жавоб берди. Чехов дўсти Суворинга: «Уйлангим келмайди, кимгайм уйланардим. Э, бўлганича бўлар. Мен хотин билан ўралашиб юришдан зерикаман. — Аммо ошиқона яшаш яхши. Уртада кучли муҳаббат бўлмаса ҳаёт зерикарли» деб ёзилган эди бир мактубида. Лика эса: «Менинг Потапенкога ўралашувимга сиз сабабчисиз» деб ёзар эди. Чеховнинг синглиси Марияга: «Эҳ, ҳаммаси жирканч; мен сенга бўлган воқеаларнинг барини айтиб берсам, сен, Игнатий нега ўзини ўзи отмаганига ҳайрон қолган бўлардинг. Мен унга ачинаман ва уни шундай азобланиб севаманки!» деб ёзган эди. Бу пайтларда Мария ҳаммага «Ликанинг севгиси акамникидай кучли эмас» деб юрарди. Кейинчалик, Ликанинг ҳамма ҳоли ошкор бўлгач, бу фикридан қайтди.



Ўша изтиробларга тўла 90-йилларнинг ўрталарида Чехов ижодида лирик мағиз асосий ўринга чиққанди. «Уч йил», «Ариадна» «Менинг ҳаётим», «Хотин» («Супруга») , «Анна бўйинда» («Анна на шее»), «Тил ўқитувчиси» ... «Чағалай» («Чайка») асарлари шулар жумласидандир. Лика 1896 йилнинг ноябрида Чеховга ёзган хатида: «Бу ердаги ҳамма «Чағалай» менинг ҳаётимдан олинганини гапириб юрибди» деган қўшимча ҳам бор эди. 1898 йилда Лика Чеховга ўз фотосуратини юбориб орқасига Апухтиннинг машҳур бир шеърини ёзганди:

Кунларим ёрқинми, мунглими мунча,
Умрим бекор сарфлаб, чирирман бир кун.
Бир гапни биламан: то улғунимча
Уйларим, ҳисларим, куйларим, кучим
Сенга аталганди, фақат сен учун.

Кейин Чехов 1901 йилда Москва Бадий Театрининг артисти Ольга Книпперга уйланди. Лика Мизинова режиссёр Александр Санин билан турмуш қурди. Чехов 44 ёшида вафот этди, Мизинова режиссёр эри билан 35 йил бирга яшади. Чеховнинг дафн маросимида Лика Мизинова ҳеч кимга қўшилмай бир четда ёлғиз ўзи турар, ҳеч кимнинг саволига жавоб ҳам бермасди. У Чехов билан бирга ўз ёшлигини, мурғак умидларини, биринчи ўнгланиш ва сўнмас муҳаббатини дафн этарди...

Чеховнинг барча яқинлари, дўст-ёрлари, Чеховни севган қизлар, аёлларнинг ҳаммаси Чехов ҳақида ўз хотираларини ёзиб қолдирдилар. Фақат Мизинова ёзувчи ҳақида хотиралар ёзиб қолдирмади.



ФЁДОР СОЛОГУБ билан АНАСТАСИЯ ЧЕБОТАРЕВСКАЯ



Бу исмлар бизнинг ўзбекларда ҳеч қандай фикр ҳам, ҳаяжон ҳам уйғотмайди. Фақат биз эмас, русларнинг ўзи ҳам уларни деярли унутаёзган эди. Чунки қизил империя даврида буларга ўхшаган юзларча шоирлар, ёзувчилар, олимлар, бетакрор сиймолар устидан ё очикдан-очик қора чизиқ тортилган, ёки уларни аста-

секин «унуттириш» сиёсати борар эди. Гўё улар эслашга арзимайдиган аҳамиятсиз ижодкорлардай, айрим шеърлари онда-сонда махсус тўпламларда нашр қилиниб қолар, уларнинг шахсини, салобатини кўрсатувчи нашрлар амалга оширилмасди. Фақат ўтган юз йилликнинг 80–90 йилларида руслар ҳақиқий зиёлиларга хос ғайрат-шижоат билан ўзларининг асл маданиятларини тиклашни жадаллаштирдилар ва биз, ўзбеклар ҳам, рус шеърятининг бир қатор намояндалари ижоди билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Фёдор Кузьмич Сологуб (1863–1927) камбағал оилада туғилиб (отаси — тикувчи, онаси — деҳқон) ўсган, 1882 йилда уни верситетни тугатиб, бир гимназияда 25 йил математикадан дарс берган, 20 ёшидан шеър ёза бошлаган, рамзчилар (символистлар)нинг катта авлодига мансуб, ўз вақтида бутун Россияга дони таратган улуг шоирлардан эди.

«Менинг авлодимдаги кишилар учун Сологуб бундан йигирма йил буруноқ афсона бўлиб кетган эди, — деб ёзганди 1923 йилда



рус шоири Манделъштам. — Биз бир-биримиздан: ким бу одам ўзи, бу қадар енгилмас куч билан янграётган бу донишманд овоз кимнинг овози? Бу қадар хурликни, бу кўрқмасликни, бу нафосатни ва тасалли берувчи майинликни, ноумидлик чоғида ҳам бундай руҳий ёрқинликни қайдан олаётир? — деб сўрардик». «Биз Сологуб шеърияти бу — ҳаракат илми, ирода илми, жасорат ва муҳаббат илми эканини борган сари кўпроқ англардик».

Мана, Сологубнинг муҳаббат номалари ҳақидаги гапларига эътибор беринг: «Инсоннинг қал-

би севгидан бошқа бирон соҳада бу қадар тўлиб-тошиб, қувонч билан ва ёрқин ифодаланмайди. Инсонга дунёларни ва юракларни ҳаракатга келтирувчи қудратли куч, осмонни ергача пастлатувчи ва ерни ширин Фирдавс Бонларига айлантирувчи муҳаббат келганда, инсон қалбидаги барча тасодифий нарсалар ўлади ва унинг энг яхши хусусиятлари гулдай очилади». «Муҳаббат ёғдуларига чўмган кўнгил манзаралари» — бундай иборани фақат кучли ва теран ҳиссиёт соҳиби, муҳаббатни ўз бошидан кечирган шоиргина айта олади. Гап шундаки, Фёдор Сологуб ҳаётда чиндан ҳам Анастасия Николаевна Чеботаревская исмли аёлни жуда қаттиқ севиб қолган эди. Шоир бу гўзал инсон билан 1908 йилда танишган эди. Бу сана унинг ижодий ҳаётида ҳам, шахсий тақдирида ҳам катта бурилиш палласи бўлган эди.

Анастасия, Фёдор Сологубдан 13 ёш кичик бўлиб, Парижда ижтимоий фанлар Олий мактабини битириб келган ва эндигина 22 ёшга кирган бўлишига қарамай, турли насрий асарлар, санъатга оид мақолалар ёзар, кўп таржима қиларди. Фёдор Сологуб унга уйлангандан кейин фақат ижодий фаолияти эмас, ҳатто ташқи кўриниши ҳам ўзгариб кетганди. Замондошларининг хотираларига кўра энди у рассом Константин Андреевич Сомов (1869—1939) нинг портретида тасвирланганидай,

гимназиянинг «ўқитувчиларга хос» соқол-мўйловли камтарин ўқитувчисига ўхшамас, декадент салонларининг эътибор қозонган устодига айланган эди», эти осилган юзи ва истехзоли жилмайишлари билан инқироз вақтларидаги Рим сенаторларига ўхшар эди». Унинг бу даврлардаги лирик шеърларини кузатсангиз, унинг аввалги шеърларидаги умидсизлик, «қабристон оҳанглари», «руҳий азоб саргардонлиги» ўрнида энди унга хос бўлмаган оҳанглар, ҳаётни қабул қилиш, унинг қувончларидан лаззатланиш оҳанглари пайдо бўла бошлаганини кўриш мумкин эди.

У ўз асарларининг бир жилдини бекорга «Ернинг мафтункорлиги» деб атамаган эди. Сологуб ва Чеботаревская ўша давр адабий жараёнида жуда кўп иш қилдилар. Александр Блок ўз кундаликларида Анастасия Чеботаревская телефон қилиб, ундан Любанинг хатларидан «Отечество» нашриёти учун юборишни, Сологуб эса «Россия ҳақида шеърлар» тўплами учун бир туркум шеърлар беришни илтимос қилганини қайд этади (бу тўплам 1915 йилда нашр этилди).

1913–1914 йилларда «Сирин» нашриётида Сологубнинг йигирма жилдлик асарлари босилиб чиқди. Эр-хотин бирга «Ёзувчиларнинг кундаликлари» («Дневники писателей») номли журнални нашр этдилар. Гарчи замондошлари бу журнални, ёзувчилар ва китоблар ҳақидаги гийбату танқидлардан иборат, деб чиққан бўлсалар ҳам, кейинчалик бу нашр адабиётчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишда катта фактик материалларга бой ноёб журнал бўлиб қолди. Чеботаревская ўша ўнинчи йилларда яна бир жуда катта хайрли ишга қўл урди: у жаҳонга танилган кишиларнинг севги номаларини тўплади... — Бетховеннинг — Гуакарди хонимга, Шуманнинг — Клара Вика. Байроннинг — Августа Лейгга, Жорж Санднинг — Алфред Мюссега, Екатерина II нинг — князь Потёмкинга, Герценнинг — Наталья Захарьинага, Тургеневнинг — Полина Виардога, Жуковскийнинг — Мария Протасовага ва бошқаларнинг ўз маҳбубаларига ёзган мактубларини йиғиб, Сологубнинг сўзбошиси билан алоҳида китоб қилиб нашр эттирди ва бу тўплам, мана, орадан бир асрдан ортиқроқ вақт ўтса ҳам, ўз аҳамияти ва жозибасини йўқотгани йўқ. Китоб ҳали-ҳали бир нафасда ўқилади.

Аммо Фёдор Сологуб билан Анастасия Чеботаревскаянинг бу самарали ва гўзал муҳаббати кутилмаганда фожиа билан тугади.

1921 йилнинг 23 сентябри — бўғиқ ҳаволи бир куз тунида Чеботаревская психастения дарди билан ўзини Нева билан тугаш Ждановка дарёсига ташлади. Бир неча кун унинг қайга йўқолганини билмадилар — на ўлиги, на тириги топилди. Фақат орадан бир мунча вақт ўтгач сўнгги муз парчаларидан бири Чеботаревскаянинг музларга урилавериб расвоси чиққан мурдасини Сологуб яшайдиган уйнинг шундоққина қаршисига чиқариб ташлади. Унинг кимлигини мутлақо билиб бўлмасди. Фёдор Кузмич мархуманинг қўлидаги узукдан уни таниди ва бармоғидан ечиб олиб, кейинчалик уйда куз қорачиғидай асраб-авайлаб, эҳтиётлаб юрди. Фёдор Сологуб ўша йилнинг декабрида рус танқидчи-адабиётшуноси Аркадий Георгиевич Горнфелдга шундай деб ёзган эди:

«Анастасия Николаевна менга вафодор, фидойи хотин ва ғоят садоқатли дўст бера оладиган ҳамма бахтни берди... Биз никоҳли одамлардан ҳам кўпроқ апоқ-чапоқ эдик... У мен учун ҳар доим бадийи ва ҳаётий виждонимнинг жонли тимсоли бўлиб кўринарди... А.А.Блокнинг ўлими унинг учун энг сўнгги бениҳоя оғир зарба бўлган эди».

Блок Чеботаревскаядан тўрт ёш, Сологубдан эса 17 ёш кичик эди, аммо символизм адабиёти соҳасида юксак чўққиларни эгаллаган, Пушкиндан кейинги энг улуг ижодкор сифатида танилган шоир эди ва унинг бу қадар ёш кетиши Чеботаревскаяни ларзага солган эди. Унинг ўзи ҳам Блокдан бир ой кейин, 45 ёшида оламдан ўтиб, Сологубни айрилиқ азобида қолдириб кетди. Чеботаревскаянинг ўлиmidан тўрт йил кейин Сологубни кўргани келган ва ўша пайтларда ўн саккиз яшар навқирон шоир бўлган Арсений Тарковский шундай бир детални хотирлайди: «Иккимиз тушлик қилгани ўтирдик, столда учинчи финжон ҳам турарди. «Бу Анастасия Николаевна учун», — деди Фёдор Кузмич. Бошқа бир рус шоири Ольга Форш эса Сологубни шундай тасвирлайди: «Кейин у яна яшади, чунки у шоир эди ва шеър унга ярашарди. Лекин ўзининг антиқа, мусиқий истеъдодига бўйин эгиб яшарди. Ўзи учун ҳеч нима тиламас, оммага шеърини ҳисоботлар берарди, холос».

ФЁДОР СОЛОГУБ

* * *

Севгинг шундайин бир сеҳрли ўрам —
Ки, бизни ҳаётдан ажратиб олди.
Энди ешлар каби бақувват, беғам,
Енгил-елпи яшаш орқада қолди.

Менинг чекимдаги — жуда оз, аммо
Бунда ҳар зарротни қуршаган олов.
Сўнги йўқ, бечарчоқ ажиб ўт аро
Ёнишлар ичида биргамиз икков.

Гирдобсимон утнинг қудратин тушун,
Мақсад нима — англа, чегарани бил.
Шунда тушунарсан: мен толиққан кун
Айлар мени гоят кучли ва қобил.

11 июль, 1920 йил

* * *

Балолар қийнади кечаю кундуз,
Тахт қотириб қўйди қайғу борлиқин.
Дарё узра турди йиғлаганча қиз,
Унга қараб қолди ой. тушиб ишқи.

Кўкдан тушди. Кўркли, ажабланарли.
Қизга деди: — Жоним. сен малакмисан?
Кечаси ҳамроҳсиз юриш хатарли.
Хоҳ иста, хоҳи йўқ, сен меникисан!

Сув узра авради, туриб юзма-юз.
Булуглар ортига олиб кетди сўнг.
Балолар қийнади кечаю кундуз,
Ерда ғам тентирар бениҳоя чўнг.

30 январь, 1922 йил

Бу шеърга Ф.Сологуб шундай бир жумлаларни илова қилган:
«С.Шашковнинг «Сибирда шомонлик» китобида бир она қизини сувга юбориб, уни узоқ кутгани ва сабр-тоқати тугаб», «Хаҳ қуёш олгур-а!» деб қичқиргани, Куёш билан Ой қизни эгаллаш учун осмондан тушганлари, сўнг қуёш қизни ойга қолдиргани, чунки ҳамроҳсиз тунда юриш хатарли экани тўғрисидаги афсона келтирилган».

* * *

Чиқсам чиқай, бугун-ку байрам,
Уйдан чиқай қувноқ, бехатар.
Бирдан қалбни чангаллар Алам,
Оғригимни огритар баттар.

Бораманми гавжум кучадан?
Аммо бахтсиз бўлди-ку бу йул?
Тирилиш бор дейилган ерда
Умидсизлик, ғурбат берди қул...

Унутайми Хаҳ қўшида ҳам
Ғам, айрилиқ қийноқларини
Ва худодан тиланган карам,
Сенинг жонсиз билакларингни?

Паришонҳол Алам қизининг
Унутмаймиз қаҳрин ҳеч ерда.
Нега чиқай байрам кезида
Одамларнинг қошига уйдан?

Фақат сўнгги масканинг кўзлаб,
Ўлмас тушлар оғушида маст,
Қондай қизил қўйлагинг бўйлаб
Ялангоёқ ўтиб борсам бас.



ВЛАДИМИР МАЯКОВСКИЙ билан ЛИЛЯ БРИК



Биз Маяковский деганда мин барларда баланд овоз билан шеър ўқиётган ҳайкалга ўхшаш инсонни тасаввур қиламиз. Ҳолбуки, у ҳам инсон, ожиз банда бўлганлиги хаёлимизнинг бир четига ҳам келмайди. Ҳаётнинг оғир синоқларидан, муҳаббатнинг азоб-уқубатларидан бе-насиб бўлмаганлиги борасида ўйламаймиз.

Маяковский Лиля Брикни севиди-дан олдин ҳам бир драматик севги савдосини бошидан кечирганди. Биз унинг 21–22 ёшларида ёзган «Иштон кийган булут» номли тетраптихи (тўрт қисмли достони) асосида гапирадиган бўлсак, дастлаб Мария исмли бир қизни севган. У пайтда шоир 18–19 ёшларда эди. Бу қиз аллақачон фоҳишаликни касб қилиб олган, Маяковскийнинг шоирлигию ўзига қўшилмоқчи бўлганлигини бир чақага олмайди-ган, оддийгина «йўқ» деб жунаб қоладиган аёллардан эди.

Мария —
хоҳиш йўқ?
Хоҳиш йўқ, де!
Ҳа!
Демак —
поезд босган панжаларини
уясига олиб кетаётган итдай

йиглаб қоронғида бошим осилиб
юрагимни олиб
кетаман қайта.

Тўғри, Маяковский бу дostonдаги Мария тимсоли ҳақида изоҳ бериб: «Унинг Одессадаги Мария билан алоқаси кам, мен Мария номи остида аёл зотининг йиғма тимсолини бермоқчи бўлганман», дейди. Шоирнинг бу эътирофи тўғри бўлса ҳам, аслида ҳаётда шундай қиз бўлганлигини инкор этиб бўлмайди, Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай сатрларни ҳам битган:

Бу бўлган,
Одессада бўлган.
«Тўртда келаман», деганди Мария,
Келмади саккизга.
Тўққизга.
Ўнга.

... Тунлари ичимдан чиққан жарангни
Яширсайди дейман
Юмшоқ бир бағир...

Достон давомида Мария тимсоли чиндан ҳам умумлашиб кетган, пул ишлаш учун кўчада изғувчи аёлларнинг йиғма тимсолига айланган. Аммо шоир бу Мариянинг «Одессадаги Мария билан алоқаси кам» дер экан, чиндан ҳаётда ҳам Мария деган қиз бўлганлигини айтиб турипти-ку! Лекин бизнинг мавзуимиз Мария эмас, Маяковскийнинг иккинчи ва асосий муҳаббати Лиля Брик бўлгани учун, гапнинг лўндасига кўчамиз.

Маяковский «Мен ўзим» номли таржимаи ҳолида 1915 йилнинг июль ойини ЭНГ КУВОНЧЛИ САНА деб атайти ва ўша куни Лиля Юрьевна ва Осип Максимович Бриклар билан танишганини ёзади. Бу пайтда у 22 ёшда, Лиля 24 да, Осип 27 яшар эди. Маяковский «Иштон кийган булут» дostonини 1915 йилнинг июль ойи ўрталарида адабий кечаларда ва дўстона гурунг чоғларида ўқиб юрган эди. «Кине-журнал» таҳририятида, ўша даврнинг энг машҳур символист (рамзчи) шоири Фёдор Сологубнинг таваллуд кечасида, артистларнинг «Бродячая собака» номли ерости меҳмонхонасида, «Новый сатирик» журнали жамоаси ичида ва бошқа-бошқа

жойларда ўқиди. Июль ойининг охирларида шундай учрашувларнинг бирига эр-хотин Бриклар ҳам келишганди.

Лиля Брик ўзининг Маяковский ҳақидаги хотираларида ёзади:

«Икки хона ўртасидаги эшик, жой кенгроқ бўлсин учун, чиқариб ташланган эди. Маяковский эшик кесақисига суяниб турарди. Пиджагининг ички чўнтагидан бир дафтарча чиқарди ва унга бир қараб олиб, яна чўнтагига солиб қўйди. У хаёлга чўмди. Сўнг катта аудиториядай хонани кўздан кечириб, дoston муқаддимасини ўқиди, кейин назм билан эмас, наср билан сўрагандай унутилмас бир овоз билан:

Ўйларсиз: «Безгак тутиб алаҳладими?»

Бу бўлган.

Одессада бўлган, — деди.

Биз бошимизни кўтариб, умримизда кўрмаган бу мўъжизадан кўз узмасдик. Маяковский турган жойида қотиб турарди. Ҳеч кимга қарамасди ҳам. У шикоят қилар, аччиқланар, масхара лаб, талаб қилар, жазавага тушар, парчалар орасида бир-бир тўхтаб оларди. Осип Максимович, дoston босилиб чиқадими деб сўради. Ҳеч ким босмаётганини эшитиб, қаттиқ жаҳли чиқиб кетди. Ўзимиз чиқарсак, қанча маблағ керак бўлади? деб сўради. Маяковский шу яқин атрофдаги босмахонага югуриб кетди ва янглишмасам минг нусхаси 150 сўмга тушишини билиб келди, ҳатто пулни кечикиброқ берса ҳам бўларкан. Осип Максимович бунак учун Маяковскийга дастлабки пулни берди ва қолганини ҳам топармиз, деди. Маяковский қўлёзмани босмахонага олиб кетди».



Шоир одам, айниқса, Маяковский сингари ҳар бир асаби титраб турувчи улуғ шоир, чин маънодаги меҳрни кўрса, дарров унга боғланади-қолади. У Брикларда бундай самимий муруват ва жўмардликни куриб, уларга боғланиб қолди. Бу дунёда она муҳабба-

ндан булак бирон бир аёлдан майин меҳр кўрмаган ёш ва буйдоқ
ингит Лиля Брикни беихтиёр қаттиқ севиб қолди.

Ҳавони ачитди тамаки дуди.
Кручених дузахин бир боби — хона.
Эсла —
шу дераза ортида худди
илк бор қўлларингни силовдим эна.
Бу кун ўлтирибсан,
юрагинг қўлфлоқ.
Ҳайдаб ҳам соларсан
бир кундан кейин.
Ғира-шира қоронғи даҳлизда узок
титроқдан синган қўл
тополмас енгин.
Югуриб,
кучага ўзни отгум тик.
Танглик мени йўнар,
йўқолар ҳушим.
Кел, шундай бўлмасин,
видолашайлик,
Ҳозирнинг ўзида,
азизим, яхшим.
Оғир тош-ку ахир
барибир севгим.
сенга осик турар
қочсанг ҳам қаён.
Маъюс арзларимнинг аччиғин —
сўнгги
фарёд-ла ўкириб қилайин баён.
Буқани ишлатиб қилсалар ҳалак,
у совуқ сувларга ётиб,
олар дам.
Менинг денгизим йўқ,
севгингдан булак.
севгинг тинч қўймайди
минг дод десам ҳам.
Ҳорган фил оромни қилганда тилак
шоҳларча ёнбошлар чўғ қумлар аро.
Менинг қуёшим йўқ,
севгингдан булак.

Билмайман, қайдасан — қалб мотамсаро.
 Шоирга зиғирча ўтказсанг жафо,
 сени деб пул, шуҳратдан кечади бешак,
 менга ҳам,
 завқ бермас бирон куй, садо.
 севимли номингнинг куйидан булак.
 Жарга отилмайман,
 ичмайман оғу,
 тепкини чаккамга қилмайман тиргак.
 Менга ҳукмронмас бирон пичоғу
 ё ханжарнинг тиги.
 қўзингдак бўлак.
 Тонгла унутарсан
 сени тождор қилиб,
 ишқ-ла куйдирганим қалбинг қатларин,
 сўнгра пуч кунларнинг суронли сайли
 китобчаларимнинг йиртар бетларин.
 Менинг қуриб битган бу ҳазон сўзим
 ҳарсиллаб тўхтата оларми сени?
 Лоақал пойандоз қилай, бер изн,
 кетаётган йўлингга сўнгги севгимни.

(«Лиляжон»)

Ҳеч шубҳа йўқки, бировнинг никоҳидаги аёлни севиш инсонга бахт келтирмайди. Лиля Брик ўзининг жуфти ҳалолини ҳам севар, ҳам қаттиқ ҳурмат қиларди. Маяковскийнинг болаларча жўшқин ва самимий муҳаббатини силталаб йўқ қилиб ташлашга кўзи қиймас, тарбияли, ўқимишли, диди юксак бу аёл, дунёга юз йилда, балки, минг йилда бир келадиган бундай ноёб истеъдодни синдириб қўйишдан қўрқарди. Айни чоғда у ўз эрининг иззат-нафси ва ғурурини ҳам кўз қорачигидай асрар. аёллик бурчи ва поклигига доғ туширмаган ҳолда дорбозлардай жуда эҳтиёткорлик ва фидокорлик билан фаолият юритарди. Лиля уларнинг ҳар иккаласини янги-янги ижодий жасоратларга илҳомлантирар эди.

Шу йилнинг охирларида Маяковский ва Бриклар ўз атрофидаги ижодкорлар билан бирга «Взял. Барабан футуристов» («Олди. Футуристлар ногораси») номли альманах чиқаришга бел боғладилар.

Декабрь ойида альманах нашрдан чиқди. Лиля Брик ўз хотираларида шундай деб ёзган эди:

«Журналнинг биринчи сонини йиға бошладик. Унга дарҳол «Олди» деб от қўйдик. Володя (Маяковский) кўпдан буён кимгадир — янги туғилган ўғилгами, итгами шу отни қўйишни астойдил истаб юарди, журналга қўя қолди. Унинг ташкилотчилари Маяковский, Хлебников, Брик, Пастернак, Асеев, Шкловский бўлдилар. Ося (Брик) матбуотда илк бора чиқиши эди, биринчи сондаёқ унинг оддий ва жуда кескин услуби кўзга ташланди. Философов бир ўқиб чиқишда: «Бизда энг тажрибага бой бирдан-бир журналист, шубҳасиз, Брикдир» деди». Маяковский Осип Брикдан шеърларини сатри 50 тийиндан сотиб олаётгани учун хурсанд эди. Йиллар ўтган сайин ўрталаридаги дўстлик мустаҳкамланиб борди. 1923 йилда Маяковский ўзининг энг яқин дўстлари қаторида Осип Брикни ҳам санаган эди. Бу давр орасида у Лиля Брикка аталган «Умurtқамнинг сивизғаси», «Севаман» ва «Бу ҳақда» номли жаҳонга танилган энг кучли ва энг таъсирчан дostonларини ёзди. Гарчи Маяковский катта ижодий фаолият билан машғул, жуда йирик муваффақиятларни қўлга киритиб бораётган бўлса ҳам, дostonларида ўзининг инсонлик бахти кемтиклигидан шикоят қилар, ёлғизлик аламларини жуда чуқур оғриқ билан ифодалар эди.



Мен — шаккок,
мен — осий худо йўқ девдим,
бир қиз чиқардики дўзахдан худо,
тоғ ҳам титраб кетар
ҳаяжон босиб,
менга эса: — Сев! — деб берди у фармон.

У худога зорланиб шундай дейди:

Отларнинг думига боғлаган каби
мени думли юлдуз думига боғлаб,
ҳайда,
юлдузларнинг урсин тишига,
мен оғзимни сиқиб, ундан бир нола
чиқармай кетаман, лабимни тишлаб.

ёки:

Сургун зулматида қолсам дафъатан
кишанга Лиля деб тирнаб ёзарман,
уни ўпа-ўпа кун утказарман.

(«Умуртқамнинг сивизғаси»)

Маяковский «Умуртқамнинг сивизғаси» ва «Уруш ва тинчлик» дostonларини Лиля Брикка бағишлаш билан кифояланмай, «Инсон» дostonида узининг туғилишдан то ҳозиргача бошдан кечирган ва ҳозир муҳаббат туфайли бошдан кечираётган оғир ҳиссиётларини фавқулодда тимсоллар ва тасвирлар билан ифода этар ва унга берар, айнаи чоғда мактублар, қайд қоғозлари ёзиб юборар, узининг ижодий режалари билан ўртоқлашарди. Чунончи, «Отларга яхши муомала» шеърини ёзишдан олдин, Лиля Брикка: «Шеър ёзмайман, фақат от тўғрисида таъсирли бирон нима ёзгим келиб юрипти» деб ёзганди. Ҳатто, баъзи бир шеърларини унга диктовка қилар, Лиля Брик ёзиб оларди. Масалан, «Ёзда дачага борганда Владимир Маяковский билан юз берган ғаройиб ҳодиса» шеъри шундай ёзилганди. Лиля Брикнинг фидойилиги шу қадарки, у, мисол учун, Маяковскийнинг «150.000.000» дostonини 1924 йилда ўзича қўлда кўчириб нашриётга тайёрлаб берган эди.

Маяковский 1922 йилда «Севаман» дostonини, 1923 йилда «Бу ҳақда» дostonини ёзди ва уларда яна ўша фожиага яқин драматик кечирмаларини ифодалади. Аммо шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, дostonларининг бари шахсий кечинма доирасидан чиқиб, катта ижтимоий-сиёсий мазмун касб этарди. Масалан, «Бу ҳақда» дostonида лирик қаҳрамоннинг муҳаббат кўзёшларидан хонаси кўлга айланиб кетгани, каравоти оқимда оққани ҳақида ёзаркан, айнаи чоғда Маяковский бу дostonда: «шахсий мотивлар асосида бутун жамиятнинг майший ҳаётини акс эттирганман» деганди.

Маяковский, расмий хабарларда айтилишича, 1930 йилнинг 14 апрелида ўзини ўзи отиб ўлдирган. Бу пайтда Лиля Брик

Москвада йўқ эди. Шоирдан қолган хатнинг бир жумласида «Лиля, мени севгин» деб ёзилганди. У то умрининг охиригача Бриклар оиласи билан дўстлик ва ҳамкорликда яшади, яна кўплаб шеърларини Лиля Брикга бағишлади. «Жуда соз!» (русчаси «Хорошо!») достонида ҳам уни неча бора тилга олди. Маяковскийнинг Брикларга ва Лиля Брикга ёзган қирқдан ортиқ мактуби сақланиб қолган. Улар жуда яқин дўст, бир-бирларига суянч бўлганларини англаш қийин эмас.

Лиля Брик Маяковскийдан кейин яна икки марта эрга тегди. Жуда узоқ умр кўрди. У айтарли чиройли ҳам эмасди. Фақат катта-катта кўзлари ва оловранг-сарғиш сочлари жозибали ва энг муҳими ўзини мустақил ҳис қилар ва ниҳоятда кучли табиатга эга эди. Ҳамда қандайдир сирли кўриниши билан кўпчиликни ўзига жалб қиларди. У қариган чоғида сиз қандай қилиб шундай улуг шоирнинг муҳаббатини қозонгансиз, деб сўрашганда «эркаклар билан ўринда танишиш керак» деб жавоб берган ва яна: «уларни сиз даҳосиз деб ишонтириш керак, бошқа унча-мунча гап уларга таъсир қилмайди» дея қўшимча қилган. Маяковский эса шундоқ ҳам доҳиёна истеъдод соҳиби эди. Лиля Брик унинг хотирасини умр бўйи ўз қалбида олиб юрди ва бу билан кифояланмай, унинг ижодий меросини халққа етказиш учун ҳормай-толмай ишлади. Айниқса шоир Куллийетини (Тула Асарлар Тўпламини) нашр этиришда тарих олдидаги хизмати бениҳоя буюқдир.

Илова:

Маяковскийнинг сўнги муҳаббати

Маяковский Лиля Брик билан ўзини тула бахтли деб ҳис қилармиди? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш жуда қийин. «Умрут-камнинг сивизфаси» номли достонида шундай мисраларни учратамиз:

Сени севгани обкетишган деб
Даҳшатда толдим.
Додимни байтлар-ла қирралайвериб
Ярим телба заргар бўлиб ҳам қолдим.

Лиля Брикнинг ўз эри Осип ҳам муҳтарам инсон эди, севимли эди. Албатта у билан кетади-да! Бундай пайтларда Маяковс-

кий ўзини дунёда якка-ёлғиз ҳис қиларди, ҳасрати шу қадар кучли бўлардики, бу ҳақда у:

Мен сизга сивизга чалиб бераман,
Шахсий сивизгамни чаламан бугун, — дейди.

Демак, у ич-ичида ўз жуфти бўлишини, уни топишни истарди, шундай истак билан яшарди, деган бир таассурот китобхонни тарк этмайди.



1928 йили Владимир Маяковский Парижга боради. Бу ерда у шу ерда туриб қолган бир рус муҳожир қизи Татьяна Алексеевна Яковлевани (1906 й.да туғилган) ёқтириб қолади ва у билан оила қурмоқчи бўлади. Қиз, шоирнинг ўзи сингари бўйдор, соғлом, ўқимишли, маданий савияси баланд эди. Хуллас, юлдузи юлдузига тўғри келган эди. У Татьянани Россияга олиб кетишга ваъда бериб қайтади. У Париждан кетаркан, бир гулчига ҳар куни Татьяна учун саҳар билан гулдаста элтиб туришини тайинлайди. Аммо Россияга келгач, қанча уринмасин, қизни олиб келиш учун давлатдан виза ололмайди. Унинг ўзига ҳам Парижга бормоққа негадир рухсат тегмайди.

Сўнгги йилларда виза берилмаслигига Лиля Брикнинг ҳам ҳиссаси бор деган, тахминлар ҳам матбуот саҳифаларига қалқиб чиқди.

Нима бўлганда ҳам, Татьяна, шоирни кута-кута охири бошқа кишига турмушга чиқиб кетади. Кейин аниқланишича, Маяковский ўзини отганидан кейин (эндиликда, уни отишган ёки ўзини отишга мажбур қилишган деган фикрлар ҳам бор), Татьяна Яковлевага яна икки кунгача сўнгги марта гулдаста келтириб берадилар. Маяковскийнинг икки шеъри Татьяна Яковлевага бўлган муҳаббати билан боғлиқ.

Мана, улардан бири:

Татьяна Яковлевага хат

Лабларингдан
 ёки қўлингдан ўпсам,
 менга яқин танинг
 титроқларида
 жумҳуриятларимнинг
 қизил ранги ҳам
 қизариб турсин-да
 кўриниб жуда.
 Париж ишқлариға
 менинг ҳушим йўқ.
 Бир модача келтиринг
 ипакка ўраб
 у баднафс итларға
 йўқол! — дея дўқ
 ураман,
 бепарво ётаман мудраб.
 Ёлғиз сенинг бўйинг
 бўйим билан тенг,
 қошингни қошимга
 қани тенглаб тур,
 ушбу муҳим оқшом
 туғрисида мен,
 кел, ҳикоя қилай
 одамдай бир қур.
 Соат беш, шу пайтдан
 тинчий бошлади
 Одамларнинг қалин ўрмони
 Аҳоли жойлашган шаҳар
 бушади,
 фақат Барселона,
 поездларининг
 эшитардим ҳўштак суронин.
 Чақмоқлар одими
 қора осмонда,
 самовий можарода
 сўкишлар гурроси, —
 бу — жала эмас,
 йўқ,
 балки шу онда
 тоғларни қўзғатмоқда
 бир рашк балоси.

Ишонма

тескари-телба сўзларга,
сени чўчитмасин
ушбу силтовлар,
оқсуяк насларнинг
туйғу-ҳисларини
мен тийиб қўяман
зумда жиловлаб.
Ишқнинг қизамиғи
ўтар яралаб,
қувончлари унинг
қуримас бироқ.
Мен эса сўзлайман
мисра-мисралаб,
сўзлайман қийналмай,
сўзлайман узоқ.
Рашк, хотин, кўзёшлар...
Э. қуриб кетсин!..
Вийқовоқ¹ қиладир
қовоқларни ашк.
Мен ҳам рашк қиламан,
узиммас лекин,
Ватаним, ватаним
учундир бу рашк.
Кўрдим
елкаларда беҳисоб ямоқ,
барин ялар хўрсиниб
ўпка касали,
нетайлик,
биз айбдор эмасмиз аммо —
юз миллион одамнинг танг эди ҳоли.
Энди бундайларга
меҳрибонмиз биз
жисмоний машқ билан
тузалмас барча,
Москвада бизга ҳам
кераклисиз сиз,
узун оёқлилар
етишмас анча.
Терлама касалга,
қорларга борган

¹ Вийқовоқ — улуғ рус сўзчуиси Н.В.Гоголнинг «Вий» деган қиссасида ажиналар бошлиғи Вийнинг қовоғи шиштанидан ергача осилиб тураркан.

оёқларни бунда
 нефтчилар билан
базмда
 эркалаш учун бемалол
бериб қўймоқ,
 сенга ярашмаган ҳол.
У таранг ёйларнинг тагидан аста
сузилиб қарама,
 ўйлашни бас қил.
Кел, менинг беўхшов
 ҳамда кап-катта
қўлларим чорсисига кел,
 бу ёққа кел.
Хоҳламасанг...
 қишла, қолавер йулда,
ҳисобга қўшамиз бу аламини ҳам.
Мен сени барибир
 оламан қўлга —
Ўзингни,
 ё Париж иккалангни ҳам.



АННА АХМАТОВА билан НИКОЛАЙ ГУМИЛЁВ

(Илоҳий айтишувлар)



Одамлар орасида ҳамиша машхур шахслар ҳаётига кучли қизиқиш бўлади. Айниқса, улар бир оила аъзоси — эр-хотин бўлса бу қизиқиш яна ҳам кучлироқ бўлиши табиий.

Биз рус шеърятининг салмоқли мавқега эга бўлган вакиллари Николай Гумилёв ва Анна Ахматовалар ҳақида кўп эшитганмиз. Улар такрорланмас ўзига хос ижодкорлар бўлганидан хабардормиз. Мазкур мақоламизда шу икки шоирнинг ҳаёти, дийдорлашуви ва ҳижронлари, соғинч-изтироблари, бу ҳодисалар уларнинг шеърятида

қандай акс этганлиги ҳақида кузатганларимни ўртоқлашмоқчиман.

Анна Ахматова бир шеърда ёзади:

Нега ҳар мақомга
соласан ўзни
Бирда ел, бирда қуш,
бирда тош бўлиб?
Нега жилмаясан
тиндириб кўзни
Уфқда ботяпган зар
куёш бўлиб?



Қуй, менга тегинма, қийнама сўйлаб.
Рўзгор ташвишимни орттирма бирров.
Кул рангли қуриган ботқоқлар бўйлаб
Тентираб юрибди, қара, маст олов.

Увиллаб, мунғайиб Илҳом париси
Куйлайди, эғнида чувринди жанда.
Ёшликнинг соғинчи беҳад аёвсиз —
Унинг мўъжизакор кучи ҳам шунда.

Николай Гумилёв ёзади:

Сенинг гўзал ҳамда ситамгар
Чеклаб бўлмас чиройинг дарди
Мени ғариб, оддий ҳаётдан,
Зич ҳаётдан ситиб чиқарди.

Ёндим... Бундай олов бўлмаган
Ибтидодан бошлаб то ҳануз:
Қўзларимни қамаштирарди
Чарақлаган зангор бир юлдуз.

Бир куй қалқар, тинчирди қайта
Жону танни янгилар эди.
Қонинг уд бўп қўшиқлар айта
Сўйлар эди, жаранглар эди.

Ҳидинг ўтли, тотлироқ эди
Мен таниган ҳар нафардан ҳам,
Ҳатто юксак ҳурлар боғида
Яшнаб турган нилуфардан ҳам.

Юз кўрсатди бирдан ер юзи
Зангорланган тубсиз осмонда,
Сен қаршимда қонли қўш бўлиб
Типирладинг кутилмаганда.

Такрорладинг: «Адо бўлдим!» деб,
Аммо нетай, сал ўзингни бос...
Мен тушунган тотли гап шуки.
Сен бир зангор юлдузсан холос.

Бу шиддатли, эҳгиросли, алангали шеърлар сиз, ўқувчиларни, Анна Ахматова ва Николай Гумилёвлар шеърияти руҳига сал-пал яқинлаштирдими? Ана энди шу руҳ билан уларга яна яқинроқ боришга таклиф қиламан.

Дарвоқе яна бир фикр... Адабий давраларда эр-хотин санъаткор ёки ижодкор бўлса, улар бир-бирларига халақит беришади. Айнан шунинг учун ҳам қадимда айрим олим ва шоирлар тоқ ўтишган, дейишади. Ва бунга Навоий, Замахшарий, Робияи Адвия сингари шахсларни мисол келтиришади. Бу фикрда ҳам жон йуқ эмас. Аммо бирга яшаган икки ижодкор бир-бирини тулдириб барабар юксалишлари ҳам мумкин.

Масалан, Луи Арагон ва Эльза Триоле; Ҳамид Олимжон ва Зулфия; Саид Ахмад ва Саида Зуннунова... Улар эришган натижага эришиш учун икки ижодкор ўз ичларидаги худбинлик овозларини ўлдиришлари зарур бўлади. Лекин бу бошқа мавзу. Бизнинг асосий мавзуимиз:

Николай Гумилёв ва Анна Ахматова...

Яна шеър мутолаасига киришайлик.

Анна Ахматова ёзади:

О, аломат бола, чоршанба куни
Жинни бўлаёдим мен соат учда.
Зингиллаган ари ёнбармоғимни
Чақиб олиб. мени қийнади жуда.

Мен арини ушлаб олибман бехос,
Назаримда ўхшовди ўликка.
Заҳарли найзаси у ифлоснинг
Урчуқдан ҳам ўткирроқ экан.

Мен сен аломатни ўйлаб йиғладим,
Сен ҳам кулармисан мени бир эслаб?
Бир қара! Ари-ку боплаб тиглади,
Ўзугинг турибди ёнбармоғим силаб.

Николай Гумилёв «Йуқолган кун» шеърисида ёзади:

Тун буйи тун билан гаплашдим,
Ахийри ўрнимга бўлдим ғарқ.
Булбуллар барабар сайрашди,
Олтиндай қизарди бугун шарқ.

Уйгондим, мовий шом келганда,
Дарёга туманлар тушганда,
Жануби-шарқдаги эллардан —
Ёқимсиз шамоллар учганда.

Тусатдан сиқилди юрагим,
Ачиндим бесамар бир кунга.
Унга ҳеч бўлмабди керагим,
Кетибди ҳудудсиз очунга.

Жунайми қайгадир бош эгиб?
Йўқ, дарчам тагига чўкаман.
Куйлаган кундузнинг шодлигин
Уйлайман ва ҳасрат чекаман.

Николай Степанович Гумилёв 1886 йилда Кронштадтда туғилган. Отаси Болтиқ денгизи флотида ҳарбий врач бўлиб ишларди.

Анна Андреевна Ахматова ундан уч ёш кичик, Одессада туғилганди. Отаси Қораденгиз флотида инженер-механик эди. Анна бир яшарлигида оила Петербургга кўчиб келганди. Анна то 16 ёшга киргунча Питердаги машҳур Шоҳ Чорбоғи — Царское Селода яшади.

Николай Гумилёвлар оиласи ҳам тақдир тақозоси билан шу чорбоғда туришарди, Николай ҳам навқирон ёш — йигирмага киргунча шу ерда яшади. У ўз даврининг зиёли шахсларидан бири, шоир Иннокентий Анненский директорлик қиладиган гимназияда ўқиди ва жуда эрта жамият ва шахснинг жамиятдаги ўрни ҳақида фикрлай бошлади.

Анна беш ёшида французчани ўрганиб олганди. Қизлар гимназиясида ўқиди. 11 ёшидан шеър ёза бошлади. Бир куни шеърларини отаси Андрей Антонович Горенкога кўрсатади. Отаси унга: «Шеър ёзма, ёзадиган бўлсанг, шеърингга менинг фамилиямни қўйма», — дейди. Анна шу кундан эътиборан ўз шеърларига «Анна Горенко» деб эмас, «Анна Ахматова» деб имзо чека бошлайди. Чунки Аннанинг она аждоди Қримтатар хони Ахматхонлардан, дейишарди. (Ахматованинг ёзишича, бувисидан қимматбаҳо тошлар қадалган, бошга кийиладиган бир чамбарак қолган экан, унинг безакларини бўлак-бўлак қилиб, турли узук, зирак, билагузуклар ясаб олишган, шулардан бирига Анна қан-

чалик бармоқ суқмасин, жимжилоғи ҳам сигмаган экан.) Келлинг, шеърларга қайтайлик. Анна Ахматова ёзади:

Тақалмади юрак юракка,
Кет — кетишга этган бўлсанг аҳд!
Йулда эркин юрган эркакка
Ҳар қадамда тайёр турар бахт.

Қарғамайман, йиғлаб, бу ҳолни,
Мен бахтиёр бўлмам ҳеч маҳал.
Ўпма мени, ҳорғин аёлни,
Келиб ўпиб қўяди Ажал...

Ўтиб кетди оппоқ қиш билан
Ўткир соғинч кунлари шундоқ.
Нечун ўнлаб танлаганимдан
Сен яхшисан, нечун яхшироқ?

Николай Гумилёв ёзади:

Рангсиз йилтираган кўзимда ҳаргиз
Теран нигоҳимда кўрасан нима?
— Сенинг кўзларингда кўраман денгиз,
Унда чўкиб ётар улкан бир кема.

У кема... шу қадар улуғвор, жасур,
Бундайи бўлмаган денгиз қаърида.
Қалтираш тинмайди реяларида,
Қуйруқ томонида дир-дир титрар сув.

Учағон ғалати балиқлар бўлса
Тарк этган сувости ҳудудларини.
Буралиб ҳавога отарлар — ўлса —
Зумраддай ялтироқ вужудларини.

Сен эса тош узра олис-олисда
Кутасан, чўкасан, яна қалқасан.
Қизгин бир иштиёқ, оташ ёқасан
Энг сўнгги денгизчи, қувноқ матросда.

Ва ҳеч ким ҳеч қачон билмайди, сенга
Интиланган у кема ақлдан қолиб

Кирганин ҳалокат ташиган жантга
Ва, мана, энди у ётар дам олиб.

Сенинг бу ингичка қўлларинг нечун
Дурлар билан тилди сув зулумотин,
Қалдирғочдай айтиб ҳижрон баётин,
Тушдай учиб кетиб у ёққа беун?

Шоҳина, ким турган эди ёнингда.
Ўшанинг ёдида мазкур манзара,
Сенинг туман босган бу нигоҳингда
Чўкиб ётибди-қу мовий мақбара.

Хўш, бу мураккаб тақдирли икки ижодкор ҳаётларининг қайси нуқталарида учрашдилар, нигоҳлари бир-бирига тушди? Ахматова хотираларининг бирида ҳали 15 ёшдалигида Николай Гумилёв ўзи билан қизиқиб қолганини ёзади. Бу икки ижодкорга замондош бўлган Корней Чуковский хотираларини ўқиганимизда «Николай Гумилёв Аннани ҳамиша ўз шогирди деб биларди», деган жумлага дуч келамиз ва уларни шеърятга, адабиётга бўлган ихлос учраштирди, деган фикрни айтгимиз келади.

Яна тақдир тақозоси билан Анналар Қримга, Гумилёв Парижга кетдилар. Гумилёв Парижда «Сириус» номли бир журнал чиқара бошлайди. Аннанинг шеъри биринчи марта ўша журналда, Парижда чоп этилади.

Анна Ахматова ёзади:

Мастлик пайтларингда ҳикоянг тузсиз.
Гапирсанг — қаҳқаҳлаб кулгим келади.
Ранг-баранг палосга эрта келган куз
Сариқ байроқчалар илади.

Икков кириб қолдик ёлғон дунёга,
Ўкиниб тавбалар қилаётирмиз.
Лекин бу ғалати жилмайиш нега,
Нега тошқотганча кулаётирмиз?

Юракни тирновчи қийноқни
Нега устун қўйдик осуда бахтдан?
Лекин ташламайман мен бу ўртоқни,
Кечмайман шу саяқ, хассос бадбахтдан.

Николай Гумилёв ёзади:

Мени танитайсан — мени учратсанг!
Отимни айтишса — эслай олмайсан! —
Сен-ла гаплашганман фақат бир бора,
Қўлингни бир бора ўпганман холос.

Аммо онт ичаман — менга тегасан,
Севсанг ҳамки агар бошқа кимсани,
Ҳатто узоқ йиллар учратмасам-да,
Насиб этмаса-да бир кўрмоқ сани!

Онт ичаман сенга оқ меҳроб ҳаққи,
Никоҳ фариштаси олов нигоҳли
Бизни никоҳлаган мазкур меҳробда, —
Ёнма-ён кўрганмиз икков тонг чоғи.

Шундан буён ҳар тун ухлаганимда
Худо ҳаққи, тушида сени кўраман.
Буюк саҳроларда буюк соғинч-ла
Фақат сени уйлаб кўмсаб юраман.

Саҳрода сенинг ёш сийналарингдай
Тоғлар кўтарилган оқ мармар-сангли.
Худди сенинг қонли лабларинг каби
Уфқда шафақлар қин-қизил рангли.

Улар 1910 йил 25 апрелда Киев шаҳрида никоҳдан ўтадилар.

Мен Киев кентидан
Илон инидан
Хотин эмас,
Сеҳргар олдим. —

деб ёзган эди ўша пайтларда туғилган шеърларининг бирида Николай Гумилёв. Никоҳгача бўлган даврда у «Истилочилар йўли», «Романтик гуллар», «Марваридлар» номли уч тўпламини чиқариб улгурган эди.

Йилдан-йилга гулдай очилиб тобора чиройли бўлиб бораётган Анна эса Киевдаги Фундуклёв гимназиясида, кейин Киевдаги аёллар олий курсининг ҳуқуқшунослик бўлимида таҳсил

олди. Бу вақт ичида кўпгина шеърлар ёзди. Аммо дастлабки ёзганларидан ўзининг кўнгли тўлмасди». «Бу шеърларим ғарибгина эди. Ҳатто мени телбаларча севадиган Николай Гумилёв ҳам уларни мақташга тили бормасди, — деб ёзади Анна Ахматова ўз хотираларида.

Никоҳ тўйларидан сўнг бир муддат Парижда бирга яшадиладар. Кейин Анна уйга кетади, Николай Африкага қараб йўл олади.

Николай Гумилёв «Бахт ўғлони» («Рыцарь счастья») шеърида ёзади:

Дунёда яшамоқ нақадар осон,
Айтинглар, ҳаётдан безган бўлса ким,
Айтинглар, қайдаки хўрсинса инсон, —
Мен ҳар кимни бахтли қилишим мумкин.

Келсин у, мен унга ҳикоя қилай
Кўзлари яшил қиз келиб кетганин.
Ғира-шира мовий тонг пардасини
Қандай қилиб шеърлар, нурлар йиртганин.

Келсин у, денгизни ҳамда қизларни
Енгиш қандай ширин ҳикоя қилай.
Келсин у, душманни ҳамда сўзларни
Эгиш қандай ширин ҳикоя қилай.

Шунда ҳам кунларин айласа хароб,
Гузал имонимни қилмаса қабул,
Чекига дунёда ҳасрат ва азоб
Тушганин пеш қилса — бадтар бўлсин ул!

Муҳтарам ўқувчи! Назаримда мавруди келиб қолди: диққатингизни бир нарсага қаратсам озорланмассиз... Айтмоқчи бўлганим шуки, агар бизнинг халқимизда турмуш курганига икки-уч ой бўлган ёш эр-хотин иккови икки тарафга кетса, бир дунё гап-сўз бўларди. Аммо Анна Ахматова билан Николай Гумилёвлар иккови икки тарафга кетиб, ўз ҳаётлари билан яшадиладар. Бу дегани уларнинг айрилиқлари силлиққина кечди, дегани эмас. Улар ҳам қийналдиладар. Шунга қарамай улар бир-бирининг қалб хурлигини беҳад ҳурмат қилишарди.

1912 йил 1 декабрда улар ўғил кўрдилар, отини Лев қўйдилар,
Анна Ахматова «Алла» шеърида ёзади:

Яшарди чўнг ўрмонда
Нурсиз уйида
Оилали бир инсон
Дарё бўйида.

Бармоқдай эди ўгли,
Тунлар уйқусиз.
-- Ухла, қалбимнинг қўри,
Онанг уқувсиз.

Хат-хабар биз томонга
Келмайди ортиқ.
Қилганмишлар отангга
«Оқ крест» тортиқ.

Ғамли эдим, ортди ғам.
Ғам бирга доим.
Хизр. отангга ҳамдам
Бўлсин илойим.

Гумилев Африкадан келганда Анна унга янги ёзган шеърларидан ўқиб беради. Эри: «Сен энди ҳақиқий шоира бўлибсан, китоб тайёрлашинг керак», — дейди, шу тариқа Анна Ахматованинг «Оқшом» китоби дунё юзини кўради.

Бу вақтларда рус адабиётида деярли ўттиз йилдан бери етакчи оқим бўлиб келаётган символизм умрини яшаб бўлганга ўхшар, унинг ўрнини акмеизм эгаллай бошлаган эди.

Бу оқимнинг номи юнонча «акме» сўзидан олинган бўлиб, у бирон нарсанинг энг олий даражасини, гуллаётган куч маъносини билдиради. Рус шеъриятида 1910-йилларда майдонга чиққан бу оқимнинг С. Городецкий, М. Кузмин, Н. Гумилёв, О. Мандельштам каби намояндалари шеъриятни «идеаллик» сари рамзий шижоатлардан қутқариш, мураккаб истиорабозлик ва мустаҳкам асосга эга бўлмаган тимсоллардан халос қилишни шиор қилиб олиб, моддий дунёга, нарсага, табиий ҳодисага, сўзнинг аниқ маъносига қайтиш ғоясини илгари сурардилар. Анна Ах-

матова Гумилёв етакчиларидан бири бўлган акмеизм йўлини танлаб, акмеист бўлади. Шундан кейин унинг «Тасбеҳлар», «Оқ галалар», «Баргизуб» номли тўпламлари босилиб чиқади. Бу вақт ичида Николай Гумилёв ҳам «Бегона осмон», «Ўқдон», «Гулхан», «Чинни павильон», «Олов устун», «Қароргоҳ» деган китоблари билан шуҳрат қозониб улгурган эди.

1921 йил август ойида ҳокимият тепасига келган большевикларнинг ЧКси, Николай Гумилёвни, подшоҳ салтанатига садоқати учун, қамоққа олди ва отиб ташлади. Бу пайтда у эндигина 35 ёшга кирган эди. Шундан кейин Анна Ахматова ўн йилларча шеър ёзмади. Фақат мутолаа ва таржималар билан шуғулланди. Шоира кўп қайғули кунларни бошидан кечирди. Аммо у ўзини мудом дадил, тетик тутди. Замондошлари шоиранинг доим улуғвор, шоҳиналар каби қўринишга эга бўлганлигини, бу дунёнинг ҳою-ҳавасларига кўнгил қўймаганини, ғами, мусибатига бировни шерик қилиб дийдиё этмаганлигини ҳурмат билан эслайдилар.

Анна Ахматова «Кўк кўзли қирол» шеърида ёзади:

Сано сенга, бедаво заво!
Кеча ўлди кўк кўзли қирол.

Куз оқшоми ол эди ва дим,
Қайтиб келиб дедик эрим:

«Келишибди ўлиги билан —
Топишибди эман тагидан.

Маликанинг надир иложи?
Бир кечада оқарди сочи!»

Ҳуққачасин олиб каминдан
Тунги ишга кетди. Кетиндан —

Мен қизчамни бориб уйғотдим,
Кўк кўзларин сийпалаб ётдим.

Ташқарида шовулларди тол:
«Ёр юзида йўқ энди қирол».

Илова:

Шоира Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Шарққа эвакуация қилинган рус зиёлилари қатори Тошкентда яшади ва урушдан кейин она шаҳрига қайтганда ўша пайтдаги таассуротлари асосида қатор шеърлар ёзди. Мана, улар, уқинг:

* * *

Беҳи қандай гуллайди сизнинг элингизда,
Сўзлар қандай янграйди сизнинг тилингизда,
Қандай ўрмалаб кирар шаҳарга туман —
Билмаган бўлардим,
Билмаган бўлардим.

Чангли Бешёғочда кўтариб тўзон,
Нур бўлиб, ел бўлиб ё оқим бўлиб
Қандай ўтар қарвон —
Билмаган бўлардим,
Билмаган бўлардим ҳеч қачон.

* * *

Тоза пахсалардан уйилган
Тупроқ каби қадимий шаҳар.
Агрофида — лолалар қуйилган
Чексиз далалар.

* * *

Ҳаммангизга ташаккур изҳор этаман,
Хайрлар айтаман, раҳмат айтаман.
Сизга румолчамни силкитаман.
Раҳмат, Ойбек сизга, раҳмат, Чустий сизга,
Раҳмат, Тошкент! Рози бўлинг тузингизга!
Раҳмат мен яшаган сокин уйга,
Раҳмат ҳар бир гулга,
Ҳар бир юлдузга,
Қора сочларини чиройли урган
Оналарнинг ёп-ёш қўлларидаги
Митти қўзиларга...

Адамли бог! Сенинг сахий косангга,
Ложувард косангга ҳамтовоқ бўлдим.
Саккиз юз сэхрли кун давомида
Ҳамиша сен ила ҳамнафас бўлдим.

Анна Ахматова 1962 йилда Италияда утказилган жаҳон шоирларининг халқаро йиғинида иштирок этади. Ва дунёнинг энг яхши шоири дея эътироф этилади. Анна Ахматова 1966 йил баҳорида 77 ёшида вафот этади. Бу вақтда унинг ҳаммаси бўлиб 7 шеърий китоби нашр этилган эди.

Азиз китобхон дўстлар! Мен рус адабиётининг таниқли намояндалари Николай Гумилёв ва Анна Ахматова ижодидан ўзим билган айрим лавҳаларни сизлар билан ўртоқлашдим. Менимча, улар ўзбек адабий жамоатчилиги томонидан ўрганилиши керак бўлган ижодкорлардир.



АЙСЕДОРА ДУНКАН билан СЕРГЕЙ ЕСЕНИН



Мен бир муҳарририят таклифи билан раққоса Дункан ва шоир Есениннинг муҳаббати ҳақида ёзмоғим керак эди. Аммо бу икки инсоннинг шовқинли ва тарихий муҳаббати, уларнинг дастлабки учрашувлари, сергалва, фожиали тақдирлари ҳақида ўтган асрнинг иккинчи чораги бошлангандан бери бутун дунёнинг газета-журналлари минг-минглаб нафис мақолалар, эссе ва хотиралар эълон қилган, қанчадан-қанча ижодкорлар бу тўғрида дostonлар, романслар, пьесалар, кинофильмлар яратган эдиларки, мен, бир ўзбек ёзувчиси Миразиз Аъзам ҳам, бирон нарс

са ёзишим ортиқчадек кўринарди. Негадир «шўрвасининг шўрваси» билан овора бўлгим келмасди. Қироат чоғи назаримга тушган бир талай лавҳалар кўнглимда совуқликми, қаршилиқми, нима дейишни билмайман, ёқимсиз алланима уйғотарди. Аммо бир ёғи — «ваъда — пулдан азиз», иккинчи ёғи, бу ҳаёт, бу тақдирлар бизнинг аёлларимизга қандайдир бир сабоқ бўлиши ҳам мумкин-ку, деган андиша билан кўлимга қалам олдим.

1

Айседора Дункан — Америкалик ажойиб инсон, буюк аёл ва гениал актриса. Тинч океан бўйларида, Сан-Франциско шаҳрида дунёга келган. Одамларнинг айтишича, Айседора: «Онамнинг қорнидаёқ рақсга тушар эканман», деб куларкан.

Хотиранавислар кўпинча муболага бўлиб кўринувчи гапларни гапирадилар: фалончи шоир онасининг қорнида гапирган экан, писмадончи олимнинг келажаги онаси ҳомиладорлигида тушида фалон пайғамбар томонидан башорат қилинган экан каби. Биз бирда бунга ишонсак, бирда ишонмай кулиб қўя қоламиз. Айседоранинг онаси қорнида «рақс қилиши» ... бу бўлмаган гап, деб ўйлаймиз... Аслида, ўрганиб кўрилса, онаси Айседорага боши қоронғи бўлганда, иштаҳаси тамом бўғилган, фақатгина устрица ейиш ва шампан ичиш билан кифояланаркан. Устрица — бу еса бўладиган денгиз шулуғи. Ўзбеклар уни кўрса яқин йўламайди. Аммо жуда мазали бир нарса эмишки, денгиз бўйларида яшовчи деярли барча миллатлар, айниқса, фаранглар, инглизлар, юнон ва итальянлар севиб ейишармиш.

Айседоранинг онаси бутун боши қоронғилик даврини устрица тановули ва шампан шароби билан ўтказган бўлса, қориндаги бола ҳам сархушлик билан устрицага ўхшаб ҳаракатланиши табиий эмасми? Кейинчалик сахнада ҳам, гоҳ қорнида ётиб, боши оша қўли билан оёғини тутиши ёки сиртига ётганда ҳам шундай ҳаракатланиши унинг учун ҳеч қийин бўлмаган, деб тахмин қиламан. Отаси Жозеф Дункан, номард эр, ҳали Айседора онасининг қорнидалигида касодга учраб, хотини ва тўрт боласини пулсиз, маблағсиз ташлаб, аллақайларга қочиб кетганди.

Оилада отасизлик ҳар қандай болани ҳам бир умр ғамгин ва боши эгик ҳолда яшашига сабаб бўлади. Кейинчалик Айседоранинг рақслари фақат завқ эмас, теран бир ҳазинлик ҳам бериши томошабинларни лол қолдирардики, бу отасизлик ҳаётининг қолдирган таъсиридан бўлган деб ўйлайман.

Кичкина Айседорани етти ёшда дея алдаб, беш ёшида мактабга беришганда, бойвачча синфдошларининг орасида ўзини ёт ҳис қилар, Дунканлар оиласининг ҳамма аъзолари ҳам ўзларини шундай ҳис қилишарди, бу ҳол уларнинг оналари атрофида жипслашишига олиб келганди. Онаси шарф тўқиб сотар, болалар ўзларига яраша ҳар қандай хизматга доим тайёр эдилар. Оила аранг рўзгор тебратарди, аммо Дункан хоним болалар тарбияси учун ҳеч қачон қимматли вақтини аямасди. Уларнинг уйида булар-бўлмас мусиқаларга ўрин йўқ эди. Онаси доим пианинода Моцарт, Шопен, Бетховен каби буюк бастакорларнинг асарларини чалиб берарди. Шекспир, Шиллер, Бёрнс ва Китс асарла-

ридан ўқиб берарди. Бир дафъа Айседора олти ёшида «Юлий Цезарь» фожиасидан Антоний монологини ёддан ўқиб, йиғилганларни тонг қолдирган эди. (Бизнинг ўзбек оилаларимизда бугунги кунда болаларига классик адабиёт ўқиб берадиган отоналар анқонинг уруги бўлиб кетди!)

Дункан хонимнинг мусиқий тарбияси натижаларини кўрингки, Айседора атак-чечак юра бошлаган пайтида уни столга қўйсалар, мусиқа оҳангида турли ҳаракатлари билан ҳаммани роса кулдирад экан. У болалигида соатлаб денгиз қирғоғида ўйнаб юрар, шитоб билан югуриб келаётган тўлқинларни маҳлиё бўлиб кузатарди. Рақс ва ритм ҳақидаги илк тасаввурлари ўша пайтларда туғилганди. «Менинг ҳаётим ҳам, санъатим ҳам денгизга ўхшайди. Рақсларим денгиз мавжлари таъсирида яралган» дейди у кейинчалик.

У ўн ёшида онаси назоратида ўз уйида рақс мактаби очган ва бу тўғаракка қатнайдиган ишқибозлар жуда кўп эди. Ўн уч ёшида эса ўқиётган мактабининг таълимларидан қониқмай, мустақил равишда маълумотини кенгайтиришга киришган, бутун дунёнинг мусиқа ва рақсларга оид китобларини жиддий ва кенг миқёсда ўрганган эди. Ниҳоят, ўн саккиз ёшида ўзининг катта истеъдод соҳиби эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Чикагога бориб, бутун халқни лол қолдиришга азм этганди.

Чикагода Айседора сариқ соқолли қирқ беш яшар поляк балетмейстери Иван Мироски билан танишиб, олдин бойваччаларнинг оқшомларида, сўнгра сахнада ўз рақсларини намоиш қила бошлайди. Уни жозибали, экзотик, ғалати раққоса деб танитардилар, чунки Айседора ялангоёқ, шу пайтгача ҳеч қаерда кўрилмаган оҳангларга ўйнарди. Унинг рақслари томошабинларнинг ҳаммасини анчагина эсанкиратиб қўйди ва унинг овозаси бутун Америкага тарқалди. Бу ерда Айседора гарчи оилали бўлса ҳам, Мироски билан бирга яшади.

Айседора: «рақс, инсон ҳаракатининг табиий давоми бўлади, ижрозининг кечинмалари, ҳиссиётлари ва табиатини акс эттиради, рақсга қалбнинг тили туртки беради — шундай бўлиши шарт», деб ҳисобларди. У классик балетнинг «нотабиий, қийин ҳаракатларини» ёқтирмас, ўзи ҳеч қандай рақс турига ўхшамайдиган ўзгача, аломат рақсга тушарди. Тўлқинларни эслатувчи енгил, ҳилпираган энгилларда ялангоёқ ўйнарган, мусиқа оҳангига мос ҳаракатларни йўл-йўлакай, эмин-эркин кашф этарди.

Шу тариқа унинг бутун мамлакат бўйлаб гастроллари бошла-
ниб кетди. Сариқ матбуот ҳам, давлат ахборот воситалари ҳам
бирваракай «Дункан рақслари» ҳақида ёзардилар. Жуда тез орада
фақат Америкада эмас, бутун Оврупода — Парижда, Лондонда,
Римда, Берлинда гастролларда юриб, оламшумул шон-шухрат қозон-
ди. Дунканлар оиласининг иқтисодий аҳволи жуда яхши бўлиб
кетди. Ҳатто, йигирма беш ёшида бутун оила Юнонистон зиёрати-
га бордилар. Уларни енгисиз, узун энгилларда, енгил шиппақларда
курған Афина халқи қий-чув кутарар, кетларидан эргашиб юрарди.
Улар эса мамлакатнинг тарихий обидаларини ўрганибгина қол-
май, Капанос тепалигида ибодатхона қуришга катта маблағ ҳам
ажратдилар. Айседора эса бу ерда ўзи рақс қилаётганда ашула ай-
тиб турадиган хор учун ўн нафар болани танлаб ҳам олди.

Будапештга гастроллари чоғида машҳур истеъдодли актёр,
эҳтиросли ошиқ Оскар Бережи билан оила қуриш учун унашил-
дилар. Айседора ўз Ромеойимни топдим, деб ўйлаганди, аммо
Оскар Айседорага уйланса, актёрлиги қолиб кетишини ўйлаб,
ўртадаги унашилув фотиҳасини бузди. Айседора ҳам Гордон Крэг
деган постановкачи режиссёрга тегди. Дидра деган қизлик ҳам
бўлдилар. Аммо Крэг ҳам Айседоранинг молиявий ишлари би-
лан машғул бўлиб, ижодий ишларига кам вақт қолаётгани баҳо-
насида у билан ажрашди. Кейин унинг ҳузурига бир миллионер
бош эгиб келди: бу — жаҳонга танилган қўл тикув машинаси
«Зингер»нинг ихтирочиси Зингернинг ўғли Парис Южин Зин-
гер эди. Унинг бойлиги беҳисоб эди. Улар ўғил кўрдилар, отини
Патрик қўйдилар. Зингер бахтли эди, аммо рашкчи эди, Айсе-
дора уни ҳисобга ололмас, бошқа эркақлар билан... дегандай...
«Мен сенинг бойликларингга сотилмайман» дерди. Айседора.
Ўртага совуқлик тушди...

Айседора Россияга учинчи бор келиши эди. Большавойлар
давлатининг Маданият ишлари комиссари Анатолий Луначарс-
кий таклифига биноан қизи Ирма Дункан Москвада ҳам рақс
мактаби очди. Ўзи концертлар бера бошлади. Илья Ильич Шней-
дер деган бир таржимони бор эди. У айни чоғда рақс мактаби-
нинг администратори (маъмури) ҳам эди. Дункан русчани мут-
лақо билмас, руслар билан Шнейдер ёрдамида гаплашарди.

Бир куни Шнейдер Айседорага «бир гуруҳ рус шоирлари,
рассом ва ҳайкалтарошлари сизни ўз ўтиришларига таклиф

қилишяпти, борасизми?» деб сўрайди. Айседора боришга рози бўлади. Улар концертдан кейин соат тунги ўн иккидан ошганда, Якулов деган театр рассомининг ижодхонасига йўл оладилар.

2



Улуғ рус шоири Сергей Александрович Есенин Россиянинг Рязань губерниясида туғилганди. Ўқитувчилар тайёрлайдиган черков мактабида таҳсил олди. Онасининг айтишича, у жуда кўп ўқиркан. Ўқийвериб, чарчаб кетди-ку, тагин касал бўлиб қолмасин, деб кечалари чирогини ўчириб кетса, ётаркан-у, бир оздан сўнг чироқни яна ёқиб, яна ўқир, деярли тонг отгунча мутолаадан бош кўтармас экан. Мактабни мақтов қоғози билан битирди. Бу пайтда унинг билим савияси унчамунча ўқитувчиларникидан ҳам юксак-

роқ бўлганлиги ҳақида оила аъзоларининг хотиралари бор.

Эндигина йигирмадан ошган пайтида ёзган мақолаларини ўқисангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. У фақат рус адабиёти буюклари Пушкин, Лермонтов, Толстой, Достоевский, Успенский кабиларни эмас, замондошлари Всеволод Иванов, Борис Пильняк, Вячеслав Шишков, Михаил Зощенко, Бабель ва Никитинларни ҳам яхши билгани ва чуқур таҳлил қила олганини, жаҳоннинг бир талай ижодкорлари намуналари, Шарқ ва Ғарб шеърляти, динлар тарихига оид кўплаб адабиётларидан яхши хабардор бўлганини кўрасиз.

Сергей Есенин яшаган жойнинг табиати, одамларнинг яшаш тарзлари, уй-жойлари, ўрмонлар, дарахтлар, катта-кичик дарёлар, уй ҳайвонлари — буларнинг ҳаммаси унинг қалбида муҳрланиб қоларди. Чунончи, бир оқшом, ойдинда сокин дарё бўйида ой ва юлдузларнинг аксларини кўриб ўтираркан, уларни ростакам ой ва юлдузлар деб ўйлагани, соҳилга бир от келиб, чанқоғини қондира бошлаганда, «эҳ, ойни ҳам ичиб қўйса-я» деб хавотирилганганини эслайди. Бир куни уч ярим ёшида ўғил бола от минишни билиши

керак деб, эгар-югансиз миндириб, отни юргазиб юборган экан, жонҳолатда ёллариға маҳкам ёпишиб олган ва йиқилмаган экан. Яна бир куни ўн яшарлигида тоғаси сенга сузишни ўргатаман деб қайиқда қўлнинг ўртасига олиб бориб, ўзини яланғочлаб, қайиқдан сувға ташлаб юборибди. Серёжа типирлаб бир мунча сузгач, чўка бошлаганда, тоғаси тез олиб чиққан ва уни «стерва» деб масхаралаган экан. Бу сўз бизнинг «ҳажикиз» деган иборамизга яқин келади. Кейинчалик Сергей Есенин ўз шеърларида бу сўзни қўпишлатади. 16 ёшида мактабни аъло баҳолар билан тугатган Есенин жуда ёшлигидан шеърлар ёза бошлаганди. Ёзганларини энг олдин онасига ўқиб берарди. Унга маъқул бўлганларини бир дафтарга ёзиб борарди ва бир дафъа катталарнинг маслаҳати билан ёзганларини Москвага, Петербургга марказий журналларга юбора бошладди, аммо ҳеч қайсисидан маъқул деган бир жавоб олмасди. У 17 ёшида ҳамма шеърларини бир тугунга тутиб, бахтини синаш учун Москвага қараб йўл олди ва Ситин ширкат босмаҳонасига мусаҳҳиҳ ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. У билан бирга корректура ўқийдиган Анна Изряднова исмли бир қиз, бениҳоя камтарин, нафис, хушмуомала инсон эди. Есениндан тўрт ёш катта эди, шеърларини маъқулларди. Есенин шу қизга уйланиб олди, 18 ёшида ўғил кўрди, отини Юра қўйдилар.

Бир куни у Аннага: «Мен ижод кишисиман, тезроқ юзага чиқиб олмасам бўлмайди, Петроградга кетаман, балки у ерда бахтим очилиб қолар. Сен ақлли, тadbирли аёлсан, ўзингни ўзинг эплаб тур, хоҳласанг Рязанга бориб, онам билан яша, аммо мен сени ўзим билан бирга олиб кетолмайман», деди ва Петербургга қараб йўл олди.

Дастлаб Александр Блок билан учрашди. Блок уни яхши қабул қилди ва журналларга тавсия хатлари ёзиб берди, Икки-уч ҳафта ичида у бутун адабий лавраларда танилди-қолди. «Дело народа» деган газетада котиба-матн терувчи бўлиб ишлайдиган Зинаида Райх билан танишди. У Есениндан бир ёш катта, ўзи бениҳоя гўзал ва нафис эди. Унга уйланди. Бир қиз (Татьяна), бир ўғил (Костя) кўрдилар.

1918 йил август ойларида у рус шоири Анатолий Мариенгоф билан танишди. Икковлари биргаликда имажинизм оқимини ташкил этишга киришадилар. Бунгача инглиз ва француз адабиётида шундай оқим бўлар эди. «Image» — «тимсол», «образ» сўзи-

дан келиб чиққан бу оқимда сўз ёки сатр образдан иборат бўлмоғи ва бу образ мазмунни ҳазм қилиб юбормоғи керак эди. Сўз — метафора (истиора) бўлмоғи, шеър эса шундай метафоралар нақшидай кўриниши керак эди. Расмда ҳам, ҳайкалтарошликда ҳам шундай: алоҳида бир гап ёки тасвир метафора бўлиши керак эди. Шу тариқа Мариенгоф ва Есенин биргаликда бу оқимнинг манифестини эълон қилдилар. Тез орада уларнинг атрофида Ключёв, Ивнев, Кусиков, Шершеневич каби шоирлар, Якулов каби рассомлар тўпланишди. Есенин билан Мариенгоф деярли тенгдош дўст эдилар. Биргаликда ҳар ёққа кетиб қолишар, Мариенгоф икки гапнинг бирида «Шоир уйланиши шарт эмас» деб, Есенинни турли давраларга судраб кетарди. Ўзбекча айтганда иккови «бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ» тарзида ҳаёт кечирар, ичкиликка берилгандилар. Бунинг оқибатида Есенин билан Зинаида Райхнинг турмуши чок-чокидан сўкилди. 1921 йилнинг кузида Райх машҳур режиссёр Мейерхольд раҳбарлигидаги Олий Театр Ижодхонасига кирди, уларнинг севги муносабатлари бошланди ва табиийки, Есенин билан Райх ажрашдилар. Есенин ичкиликка шўнғиди, ниҳоятда оғирлашиб, безгин ҳаёт кечирарди.

Бу пайтларда Айседора Дункан Петроградга келган эди.

Мариенгоф ўзининг «Алдовсиз роман» китобида ёзади:

«Биз (Есенин билан иккаламиз) Эрмитажнинг истироҳат боғида ўтирардик. Жора Якулов келиб қолди.

— Хоҳлайсизми, Изадора Дункан билан таништираман? — деди у.

— Қаерда у? Қаерда? — Есенин ҳатто ўриндиқдан сакраб туриб кетди.

Сўнг ақлдан озгандай Якуловнинг енгидан чангаллаганча Эрмитаждан Ойнали Залга (Зеркальный Залга), ундан Қишки Саройга, Қишкидан Ёзги Саройга тортқилаб судраб юрди. Оперетта театридан чиқаётган одамлар орасидан Дунканни тутиб олмақчи бўлди. Аммо у кетиб бўлган экан. Есенин Дункан Петрограддан кетиб қолганига ишонгиси келмасди. Одамни ҳайратга солар даражада ичикиб, хафаликдан эзилиб кетди. Ўшанда Якулов, Есенинга, хафа бўлма, сени Айседора билан Москвада таништираман, деб ваъда бериб тинчитганди».

Воқеанинг давомини Айседоранинг таржимони Шнейдердан эшитайлик, у ўз хотираларида ёзади:

— Бир куни мени кўчада москвалик машҳур театр рассоми Георгий (Жорж) Якулов тўхтатди.

— Бугун кечқурун ижодхонамда дўстлар билан йиғилмоқчи эдик, — деди у. — Албатта келинг. Агар иложи бўлса Дунканни ҳам ола келинг. Москвалик рассомлар, шоирлар билан танишса ёмон бўлмас эди...

Мен ваъда бердим. Дункан билан Якуловнинг ижодхонасида пайдо бўлганимизда орага оний бир жимлик чўкди, сўнг бирдан шовшув бошланди. Якулов яйраб кетди. Бизни столга таклиф қилди, аммо Айседора овқатлангиси келмади, биз уни қўшни хонага кузатиб қўйдик. Айседора одамлар қуршовида кушеткага ёнбошлади.

3

Шнейдер, Айседорани жойлаштириб, хонадан чиқаётганида оч кулранг костюмли бир йигит уни йиқитиб юбораёзди. «Қани Дункан? Қани Дункан?» деб қичқирганича учиб утди.

— Ким бу? — деб сўради Шнейдер Якуловдан.

— Есенин, — деб хохолади у.

Есенин учиб бориб Айседора ётган кушетка ёнида тиз чўкди. Айседора жилмайиб унинг бошига қўлини қўйди ва сочларини силади.

— Зо-ло-та-я го-ло-ва! — деди ва Есенинни бир ўпиб қўйди.

Анатолий Мариенгоф ёзади:

«Дунканнинг устида қат-қат тахлама қизил ва юмшоқ, оқиб тушаётган сувдай бир кўйлак бор эди, сочлари қизил, мисга ўхшаб ялтирарди. Йириккина қадди-қомати, сийналари магрур ва юмшоқ бўлиб, туртиб турарди. Айседора хонага кўз югуртирди, Есенинни яна бир марта ўпди ва:

— Angel! (Фаришта) — деб қўйди.

Уларнинг лаблари учинчи марта жипслашганда, Есенин эҳтирос билан ўпди шекилли: Айседора:

— Tschort (Чўрт — Шайтон!) — деди».

Илья Шнейдер ёзади:

«Бу уларнинг биринчи учрашуви эканига ишониш қийин эди, гўё бир-бирларини қадимдан биладиганга ўхшардилар».

Ўша кеча улар алламаҳалгача ўтирадилар. Айседора билан Шнейдер уйга отланганларида Есенин ҳам уларга эргашади. Шафақ

оқара бошлаган эди. Шнейдер, Есенин бизни кузатгани чикди, деб ўйлаганди, аммо извош топиб келганда, Есенин «лип» этиб Айседоранинг ёнига ўтириб олади. «Қизиқ бўлди-ку! Мен қаерда ўтираман?» деса, Айседора тиззасини шапатилайди. Шнейдер бош чайқайди. Шунда Есенин ҳам тиззасини шапатилайди. Шнейдер извошчининг орқасига орқа тираб, бир амаллаб жойлашишга мажбур бўлади. Улар Дунканнинг Пречистенка мавзеидаги ҳовлисига етиб келадилар. Есенин ҳамон қайтиб кетмайди. Шнейдер уларга чой куйиб беради. Шу тариқа улар ораларидаги ўн етти ёшлик фарққа қарамай бирга яшай бошлайдилар. Кундан-кунга муҳаббатлари кучайиб борарди. 1922 йил 2 майда улар никоҳдан ҳам ўтадилар. 10 майда Москвадан чет элга учиб кетадилар.

4

Айседоранинг Оврупода ўн бешта қасри бор эди. Берлин, Париж, Венеция, Қибрис, Мадриддаги сарой ва ҳовлилари тилларда дoston эди.



Айседора Есениндан олдин, юқорида кўрганимиздек, бошқа эркаклар билан яшаган, аммо у никоҳ деган нарсани тан олмас, инсоннинг эркин кушдай, масъулиятсиз яшашини хоҳларди. Бир дафъа Зингер деган бой билан ҳам яшагани ва ундан бир ўғил кўрганини айтган эдик. Зингер Айседорага ҳисоб-

сиз олтин-ёкутлар совға қилар, Айседора уларни узоқ-яқин қариндошлари ва яқинларига очикқўллик билан тортиқ қилиб юборарди.

Есенин, Айседора билан чет элга кетар экан, унинг имконларидан фойдаланиб ижод қилмоқчи, асарларини хорижда ёймоқчи эди. Дункан ҳам Есенинни бу ердаги қийин ҳаётидан кутқармоқчи, алаҳситиб қалб зиклигини тарқатмоқчи эди. Аммо ўйлаганлари хомхаёл бўлиб чикди. Улар Олмонияда, Франция-

да, Италияда, Америкада бўдилар, лекин на буюк сиймолар билан учрашувлар, на ўзга дунёларнинг диққатга сазовор жойлари — ҳеч нарса, ҳеч нарса Есениннинг руҳий ҳаётини ўнглай олмади. Мана, уларнинг Берлиндаги кунларидан бир лавҳа:

Алексей Толстойнинг хотини Наталья Крандиевская-Толстая ёзади:

«Есенин смокинг кийган эди. Унинг ёнида парчадан тикилган кўйлагининг этаклари асфальт йўлда судралганча Айседора келарди.

— Есенин! — деб чақирдим мен.

У мени тез танимади. Танигач, бирдан қўлларимга ёпишиб:

— Воҳ, сени қара-я! Қаерда учрашдинг-а! Сидора! Қара, ким... — дея қичқирди.

— Qui est — се? (Ким бу?) — сўради Айседора.

У сирень кўзлари билан мени салгина сузди-ю, етаклаб келаятган ўғлим Никитага қараб қолди. Сурмали кўзлари кенгайиб, аста-аста ёшга тўлди.

— Оҳ, оҳ! — дея шу йўлканнинг ўзида ўғлим қаршисида тиз чўкди. Қўрқиб кетган Никита унга бўри қараш қилди. Мен ҳаммасига тушундим... Уни турғазмоқчи бўлдим. Есенин ҳам ёрдамлашди. Атрофимизга меровлар тўпланишди. Айседора турди. Қўллари билан мени Есениндан айирди. Сўнг ҳеч кимга қарамай, кўча бўйлаб тентираб-тентираб кета бошлади. Есенин довдираб, бошидаги цилиндри қийшайганча унинг кетидан югурди.

— Сидора! — деб қичқирарди у. — Тўхта, Сидора, нима бўлди?

Мен Айседора Дунканнинг фожиасини билардим. Унинг никоҳсиз туғилган болалари — ўғли Патрик ва қизи Дидра бир неча йил бурун автоҳалокатда ўлганди.

...Ёмғирли бир кун болалар ўз тарбиячиси билан машинада Париждаги Сена дарёсидан ўтаётганларида, машина сирганиб кетиб, қўприк панжарасини синдириб дарёга тушиб кетган, ҳеч бирлари соғ қолмаганди. Одамларнинг айтишича, ўғлим Никита Айседоранинг ўлига ўхшаб кетар экан».

Бу манзарани кўз олдимизга келтирсак, шўрлик Айседорани ҳам, ўз аҳволи туфайли одамлар олдида уялиб кетган Есенинни ҳам тушуниш қийин эмас. Америкада эса, Есенин бундан ҳам ёмон аҳволга тушганди.

Кейинчалик у Санкт-Петербурглик дўсти Всеволод Рождественскийга шундай деган эди:

— Нью-Йоркда Айседора билан бир меҳмонхонада тўхтадик. Кўчага чиқдим. Бир бурчақда газетчи бола газет сотарди. Ҳамма газеталарда менинг сувратим. Юрагим орзиқиб кетди. Шўҳратим уммонлар оша шу ерларгача келибди-да! Ўнчага газет сотиб олиб, ётоққа югурдим. Русчани биладиган бир одам топиб, сувратим тагига нима ёзилганини сўрадим.

«Сергей Есенин, рус мужиги (миллати рус бўлган қишлоқи бир йигит), истеъдоди бутун жаҳонга овоза бўлган, мафтункор ва беназир Айседора Дунканнинг эри...»

Аччиғим келиб, газеталарни бурда-бурда қилиб ташладим.

У ёқларда ҳеч ким уни рус шоири Сергей Есенин сифатида танимас, у Айседора Дунканнинг ёш эри сифатида танитилмоқда эди.

Есенин бир қанча шеърларини инглиз, француз ва бошқа тилларда эълон қилдирди, китобини ҳам чиқарди. Қалам ҳақиға олган пулларида Россияга, сингилларига юбориб ҳам турди. Аммо барибир уни фақат «Дунканнинг эри» дейишарди. У Россияни, дўстларини, ўз тенгдошлари, ўз давраларини соғиниб, узила бошлади. Ичкиликдан бош кўтармай қолди. У Айседора билан тинимсиз уришиб-жанжаллашар, уни уриб сўкар эди. «Нега уриб-сўкасиб?» деганларга, «Айседора ўзи русчалаб сўкишимни хоҳлайди, тарсакиларимни ёқтиради!» деб жавоб қайтарарди. Дункан ҳамон русчани, Есенин инглизчани билмасдилар. Оёқ-қўллар билан туртишиб, имо-ишора билан гаплашардилар, ҳатто жанжаллашардилар. Аммо гап бу уруш-жанжалларда эмас, гап Есенин ватансиз яшолмаслигида эди, Дункан ҳам энди Есенин Ватанига қайтмаса бўлмаслигини тўла тушуниб етганди.

Айседора ва Есенин 1923 йилининг августида Россияга қайтиб келдилар. Москва вокзалининг платформасида Айседора Сергейнинг қўлидан тутиб: «Мана, мен бу болакайни ватанига олиб келдим, энди мен билан унинг орасида умуман ҳеч нима йўқ», — деган эди. Улар Пречистенкага келдилар. Орадан ўн бир кун ўтгач Айседора Кисловодскийга гастролга отланди. Есенин у билан бирга кетишга кўнмади. «Ишларим кўп. Китобим чиқяпти. Сен Ирма билан гастролга кетавер. Биз Шнейдер билан кетингдан етиб борамиз», деди. 11 августда Дунканнинг гастроллари бошланди. Есенин Шнейдерга: «Мен боролмайман. Москвада қоламан», деди.

20 августда Есенин Айседорага сўнгги марта шундай деб хат ёзди:

«Азизам Изадора! Мен китоб ишлари билан қаттиқ бандман, олдинга боролмайман. Кўпинча сени астойдил миннатдорлик билан эслайман. Мен Пречистинкадан, аввал Колобовникига кўчиб ўтдим. Ҳозир Мариенгоф иккимиз сотиб олган бошқа хонадонга кўчиб ўтгандим. Ишларим аъло. Бундан ортигини кутмагандим».

Шундан сўнг Айседора яна Оврупога кўчиб кетди.

Есенин Лев Толстойнинг невараси София Андреевна Толстаяга уйланди. У Есениндан беш ёш кичик эди. Аммо барибир у бахт топмади. У оламшумул рус артисти Качаловнинг итига бағишланган шеърида: «Азизим Жим, меҳмонларнинг орасида ҳар хил ва ноҳар хил одамлар кўп бўлган, Мабодо бу ерга тасодифан бир индамас, маънос аёл ҳам кириб ўтмадими? Кафолат бераманки, у келадиган бир куни, менсиз келади. Ўшанда кўзларига қараб, менинг айбим ва айбсизлигим учун қўлларини меҳр билан ялаб қўй номимдан» деб ёзди. Назаримда бу унинг Айседорага айтган узри эди.

1925 йил 27 декабрда Санкт-Петербургдаги «Англетер» меҳмонхонасида венасини кесиб ташлаб, ўз қони билан сўнгги шеърини ёзди, сўнгра 28 декабрь куни унинг жасадини арқонга осилган ҳолда топишди.

5

Айседора Дункан Париждаги ҳовлисида янги йилни кутаётган чоғида, Есениннинг ўлими ҳақида эшитди ва қаттиқ ларзага тушди. Хотираларда айтилишича, унинг чеккан изтироблари ҳаётидаги жами бошқа азоблардан ошиб тушган. У Россияга бормоқчи эди, аммо тузган режалари амалга ошмай қолди.

Орадан икки йил ўтгач, 1927 йилнинг октябрида у ҳам фожиали ҳалок бўлди. Унга кичкина гонка автомобилида бир учиб кўришни таклиф қилишган эди. Рақс тушганда доим елкасига ташлаб қўядиган узундан-узун қизил шарфини бўйнига икки марта ўраб, қолганини елкасида ташлаб, автомобилга ўтирди.

«Алвидо дўстлар! Мен шуҳрат қозонгани кетаяпман», деган сўзлари янграйди. Аммо шум тасодифни қарангки, шарфининг бир учи гилдирак симчасига кириб қолганди. Машина юриши билан шарфни тортиб кетди ва унинг иккинчи учи Айседоранинг томоғидан бўғиб қолди. Шарф уни ўлдирди. Икки буюк инсон бу дунёдан шундай қазо топдилар.

ЯНКА КУПАЛА билан МИРОСЛАВА ХОНИМ



Бу севги деганимиз жуда антиқа ҳодиса. Унинг қиёфалари шу қадар ранг-барангки, қандай қонуниятлар асосида юз беришини ҳеч қачон олдиндан айтолмайсиз. Дунёда инсоният қанча жуфтдан иборат бўлса, севгининг шунча тури бордай гўё. У сизга қай томондан ва қандай келади, қувонч ва кўзёшлари, учрашув ва ажрашувлари қанча, нималарни бунёд этадию нималарни вайрон қилади, кимларга шон-шуҳрат берса, кимларни абадиён бадном қилади, — ҳеч қачон, ҳеч қачон айтолмайсиз. Ўспирин Эдгар По ўз синфдошининг онасини, 70 ёшдан

ошган Гёте 16 яшар қизни, икки болали Халил Султон бобоси тенги одам, Амир Темурнинг сафдоши бўлган бир одамнинг жориясини севиб қолишини ким олдиндан айта оларди, дейсиз.

Мен белорус халқининг энг машҳур шоирларидан бири Янка Купаланинг ҳаёти ва ижодий йўли билан танишиб, унинг Мирослава хонимга муҳаббати ҳақидаги воқеаларни ўқиганимда шундай хаёлларга бордим.

1

Янка Купала (1882—1942)нинг болалик ва ёшлик йиллари Беларусия Россия империясининг қўл остида эзилиб ётган ва белорус халқи ижтимоий ва миллий зулмга маҳкум бўлган давр-

ларга тўғри келди. У, ерсиз қолган деҳқонлар оиласида туғилганди. Отаси Доминик Онуфриевич Луцевич ижарага ер олиб ишлайдиган коранда деҳқонлардан, онаси Бенигна Ивановна уй бекаси эди ва улар икки ўғил, беш қиз кўргандилар. Янка уларнинг тўнғичлари эди. У 18 ёшга кирганда бугун оила жамулжам, бир дастурхон атрофида ўтиришарди. Аммо XX аср бошланганда энди улар ҳеч қачон бир дастурхон атрофида йиғилмасликларидан беҳабар эдилар. Тақдир уларни мусибатлар, машаққат, дарбадарлик, изланиш, топиш, йўқотиш, йиқилиш ва туриш каби жуда кўп синовлар сандонига ташлади. Ва бу пайтда уларнинг ҳеч бири Янка яқин йилларда Купала деган тахаллус билан юракларни тилиб юборадиган гўзал шеърлар ёзажагини ва Белорусия Халқ Шоири бўлажагини билмасди. Ҳолбуки шўрлик Янка бу пайтда ҳали тузукроқ маълумотга ҳам эга эмас эди. 7 ёшида фақат Минск яқинидаги Сенница деган қишлоқда бир қиш бўйи Халқ Мактабига қатнаганди. Отаси 1890 йили ўғлини ўқитиш учун, деҳқончилиқни ташлаб, оиласини Минскга кўчириб ҳам келди, бу ерда аравакашлиқ қилиб пул топиб уни бирор ўқув юртига жойламоқчи бўлди-ю, бундан бирон натижа чиқмади. Шундан кейин улар яна корандаликка қайтишди, гоҳ у мулкдорникида, гоҳ бунисида деҳқончилиқ қилиб умр кечиришди. Фақат 15–16 ёшида Янка аранг икки йиллик билим юртини тамомлаб, уни битирганлик тўғрисида маълумотнома олишга эришганди. Лекин отаси ижарага ер олиб ишлашни унинг зиммасига юклади.

1902 йил оила учун мусибатлар йили бўлди, Янка 20 ёшда экан, аввал отаси, кейин икки синглиси, сўнг укаси вафот этишди. Қора тупроқдан бошини кўтармаган, етти қават терга ботган ҳолда йигит ёшига етган Янканинг бирон қизга қарашга фурсати бўлмади. 21 ёшида у ижарадорликни ва оиласини ташлаб кетди.

1903–1904 йилларда гоҳ уй муаллими бўлиб ишлади, гоҳ суд терговчисига мирзолик қилди, мулкдорлар қўлида идора хизматчиси бўлди, кичик ишбоши вазифасини адо этди. Бу орада онаси қаттиқ касал бўлиб ётиб қолгач, яна оилага қайтишга мажбур бўлди. Кейин улар Борисов уездидан Боровци уездига кўчиб кетишди. Шу ерда Богусевич ва Дунин-Мартинкевич сингари «фақат белорус тилида ёзиш» шиори билан яшаётган белорус ёзувчиларининг ижоди билан танишиб қолди ва ўзи ҳам она тилида шеърлар машқ қила бошлади.

1905 йил 15 майда «Северо-Западный край» деган газетада унинг «Дехқон» («Мужик») деган биринчи шеъри босилиб чиқди.

Оиланинг Боровицадаги ҳаёти эса ҳамон қашшоқлик гирдобиди эди. Янка ер ишлари билан банд бўлса, онаси Бенigna ижарага бир неча сигир олиб боқарди. Ўзлари аранг кун кўргани етмагандай, бир куни, фалокатни қарангки, бир йўла уч сигирлари, шудрингли бедами, бирон қушқунмас утними еб қўйган бўлса керак, бирдан бўкиб ўлиб қолди. Сўйиб олишга ҳам фурсат етмади. Сўйиб олганда ҳам шунча гўштни ёзнинг куни нимаям қилиб кимгаям сотиб улгуришарди? Онаси ҳаром ўлган сигирлар тепасида индамай юм-юм йиғлар, кўзёшлари офтобда қорайиб, шамолларда қотиб кетган юзларида дўл каби думаларди... Энди нима бўлади? Ижара ҳақи катта, уни қандай тўлашади? Янка индамас, юраги узиларди. Улар ора йўлда қолишди. Нима қилиш керак? Бу беҳаловат ҳаёт жон-жонидан ўтиб кетди. Аввал уйдан кетиб қолганида бир дафъа арақ заводида ҳам ишлаганди. Яна қишлоқма-қишлоқ тентираб арақ заводларида ишлаб пул топишга қарор қилди. Аслини олганда у арақ заводида ишлашни мутлақо истамас, аммо пул топиш учун яна шундай қилишни ўйлади. Тўғри, бу иш ҳам оғир: ундириб янчилган арпа-бугдой билан галла аталаси орасида олмахондай тиним билмай айланишинг керак... тегирмонга ўхшаган галла тортувчи назорат аппарати билан бўтана суюқлик ўртасида югура-югура ҳоли-мадоринг қурийди...Аммо на чора? Мушкул аҳволни бартараф қилиш керак. Янка олдин Семково қишлоғидаги, кейин Яхимовшина, ундан сўнг Долний Снов деган қишлоқлардаги арақ заводларида гоҳ қора ишчи бўлиб, гоҳ арақчи корчалон ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрди. У Долний Сновда корчалон ёрдамчиси бўлиб ишлаётган кезларида белорус тилида зўр шеърлар ёзиб одамларга ўқир ва кўпчилик уни шоир сифатида таниб ва севиб қола бошлаган эди.

2

Арақчи корчалон Сарнецкий бошқачароқ инсон экан: у белорусча шеърлар муаллифини очикдан-очик ёқтириб қолди. Бу борада унинг хотини Пани Мирослава (Мирослава хоним) ҳам ундан қолишмасди.

Янка Долний Сновга янги келган чоғларида бир куни уни уйларида таклиф қилиб, очик юз ва хурсандчилик билан кутиб олишди.

Шундан кейин арақчининг янги ёрдамчиси уларникига тез-тез қадам ранжида қиладиган бўлиб қолди. Пани Мирослава жозибадор, маълумотли, туйғулари нозик аёл эди. Янкага у нақ фариштанинг ўзи бўлиб кўринарди. 25—26 ёшгача ҳеч қачон ҳеч қандай меҳр кўрмаган, қора тупроқдан бошқасини танимаган йигит учун бу бир гўзал олам эди. У шундай бир интиқлик билан кутган муҳаббат келди. Шоирнинг юрагини куйдирган ва уни «Илк бора мен сени шу қадар севдим» деган эътироф билан мурожаат этишга мажбур қилган аёл чиндан ҳам Долний Словлик пани Мирослава эдими ё бошқа бировмиди, буниси аниқ эмас. Бундан сал олдинроқ ёзилган «Хайрлашув учун» шеърида ҳам унга ҳамоҳанг бир лардни кузатиш мумкин. Унда шоирнинг умидсиз муҳаббати шундоқ кўзга ташланиб туради: юрагининг танлаган одамига *ҳеч* қачон тенг бўлолмаслигини англагани учун даҳшатли изтироблар ичида қоврилаётган, вазифасига оид кундалик ташвишлардан узила олмаётган юракнинг ҳоли тасвирланган. Пани Мирослава қудратли қалб шижоатидан туғилган. «Қарама...» шеърдан шоирнинг ҳолини сезди. Янка шеърни пани Мирославага ўқиб берганида, шеър қандайдир бир нотаниш Далний Слов гўзалига эмас, ўзига бағишланганини билди. Бундай хулосага келишига асоси бор эди: ундаги гаплар худди унинг ҳаётии акс эттираётганга ўхшар эди. Пани Мирославанинг ёши Янкадан бир оз каттароқ эди. Ота-онаси уни катта ёшли, тутқаноқ касали бўлган киши — арақчи корчалонга зурлаб узатишган эди. У белорус шоирини учратгунга қадар муҳаббат ҳақида фақат китоблардан ўқиганини биларди, холос. Янка эса бўғиқ овоз билан, кўзлари ёниб, тўлқинланиб, бир оз уялингираб қалб шиддатларини тўкиб-сочар эди:

Сен менга қарама, қарама, чекил —
 Ўтли сеҳрларинг қўрқитар мени.
 Сен мендан куласан... Қарама, бу хил —
 Қарашлар ўлдирар, маҳв этар мени.
 Улар юрагимни этмоқда адо.
 Боса олмаяпман ўзимни эплаб.
 Гоҳ сени лаънатлаб, сенга куйиб гоҳ...

Пани Мирослава бир оз эсанкираб қолди: ажабо, бу йигит Адам Мицкевич эмасми, деб бутун хаёлларини васваса чулғади.

Сен мени севмайсан. Сенинг ҳаслинг
 Пулдор йигитларнинг тиллаларида.

Менинг ҳеч нимама йўқ. Дайдиман қашшоқ —
дунёнинг тиконли далаларида.

Пани Мирослава тиллалар жарангини орзу қилган ўша қизни биларди, китоблардан ўқиганди: уни Мариля Верешчак дердилар — бойлик учун хунуқкина граф Путкамерга тегиб кетганди. Пани Мирославачи, у мана шу дунёда дайдиб юрган ва ўзининг бир томонлама муҳаббатидан умидсизлик билан юз ўгираётган бу шоирга теккан бўлармиди?

Мен сабр қиламан, бу кўзларингга
Дуч келган кунимни қарғаб утаман.

Кет, менга қарама! Мени эт афв,
Сен менга тегмайсан. Балки, бу тақдир.
Мени ва ўзингни этмагин маҳв,
Қоним ҳаяжонга тушмоқда ахир!

— О, Янка! Қанийди мен учун шундай шеърлар ёзсангиз! — дея шивирлади Пани Мирослава. Янка қизариб кетди ва бошини кўтариб Пани Мирославага қаради. Аёл ҳам гулдай қизариб кетганини сезиб ва буни билдирмаслик учун деразага ўгирилди.

Шоир эртасига унга аталган шеърини олиб келди. У «Бахтсизлик кўшиқларидан» деб аталарди. Бу «қиличларини ялтиратиб одимлаётган» конвой, оёқларига кишан урилган маҳбуслар, «дарвоза олдида совқотиб, очликдан йиғлаётган» етим бола ва «фойдасиз ишлар устида камол топмаган кучларини ҳалок қилаётган» шоир ҳақидаги сатрлар эди.

Конвой назорати остида арақ заводи олдидаги катта йўлдан олиб ўтилган маҳбусларни Янка ҳам, пани Мирослава ҳам кўрган эдилар. Бундай манзарани улар деярли ҳар куни ё кун ора кўрардилар. Ва ҳар куни дарвоза олдида етим болалар йиглаб ўтиришарди.

Шеър шундай сатрлар билан тугалланган эди:

Қандай яшасин ахир
Сезгир юрак,
Ҳарорат кўрмаган,
Ёлғиз юрак!

«Сезгир юрак» сўзлари билан шоир кимнинг юрагига ишора қиларди?

Ўз юрагигами? Ё пани Мирослава юрагигами? Модомики шеърини унга бағишлаган экан, турган гапки, Янка пани Мирославани, унинг юрагини назарда тутган эди. Аммо бу юрак гапни унчалик тушуниб етмади, чунки бу юракнинг ҳарорати арақчига аталган эди. Шу боис пани Мирославанинг юраги Янкага ёлғиз бўлиб кўринган эди. Пани Мирослава эса ҳаммасини бошқача тушунди.

— Эй, азиз шоирим, — деб қўйди у уялиб, — сизнинг юрагингиз ҳеч кимдан ҳарорат кўрмаганига ақлим бовар қилмайди. Лекин бизникида, наҳотки, сиз ўзингизни ёлғиз ҳис қилсангиз? Наҳотки, мен сизни англамаётган бўлсам?

— Англаяпсиз, пани Мирослава, ҳаммадан яхшироқ англаяпсиз, — деб уни тинчлантиришга ошиқди Янка. Сўнг шу ернинг ўзида сатр сўнгидаги «ёлғиз» сўзини учириб, тепасига «бегона» деб ёзиб қўйди.

Пани Мирослава жилмайди.

— Дўст бўлиб қолайлик! — деди у.

3

Янка баҳорда Долний Сновни тарк этиб кетаркан, яна бу ерга, арақ заводиға қайтиб келадими, йўқми — аниқ билмасди. Сарницкий эса, «агар бошқа жойларда ишингиз кўнгилдагидек бўлмаса, янги мавсумда бизникига келаверинг, хурсанд бўламан», деди. Аммо Янкага бундай қувончнинг кераги йўқ эди. Ҳаммаси янгидан бошланишини ҳечам истамаётган, бутун борлиғи билан бу давосиз дарддан қандай қутулсам экан, деб ўйлаётган эди. Шундоқ ҳам бутун куз-қиш-баҳор-ёзи бесамар ўтиб кетди.

Долний Сновдан чиқиб кетаётганда пани Мирослава унда муҳаббатнинг куйдирувчи қувонч ва аламларини яна бир бор уйготганда, Купала:

Энг яхши, энг сара қўшиғим

Сен ҳақда бўлади, ёлғизим, — дея ваъда берди.

Энг яхши қўшиқларни энди яратаман, деб орзу қиларди у. Муҳаббат Купалада шундай орзунини майдонга келтирди. Илгари, мен учун ҳамма шеър бирдай, деб юрган Купала, энди энг яхши шеър ҳақида ўйлар, севган одамиға ва ўзига сўз бериб энг яхши шеъримни энди ёзаман, дер эди. Аёл, фақат аёлгина энг яхши асарлар яратишга илҳомлантира олади, деган сезги келганди унга.

Муҳаббат — энг юксак қўшиқлар манбаи, деган тушунча унинг бутун борлигини эгаллаганди.

Аммо Купала Долний Сновлик панига берган ваъдасини дар-ҳол бажара олмади. Фақат 1908 йилнинг ёзида «Тарқал, туман...», «Ҳаёт қўшиқларидан», «Булутлар ва ўйлар», «Қайдасиз?» номли фавқуллода аламли, ўта шахсий шеърлари шиддат билан биринкетин тугила бошлади. Улар Купаланинг руҳий ҳолатини аниқаниқ қайд этаётган эди. Улардан биз унинг аро йўлда турганини, келажаги нима бўлишини билмай, ишончини йўқотиб қийналаётганини кўришимиз мумкин.

Уйим узра буралиб турма,
Тарқал, туман! Қуйилма, ёмгир!
Аччиқ хаёл, қалбимни урма,
Қўрсат, қуёш, юзгинангни бир.

Шеърда тасвирланган манзара фақатгина Боровцининг кўри-нишлари эмас, шоир қалбида чуқиб ётган армон, бир тарафлама муҳаббатнинг изтироблари ҳам эди.

Қийшиқ уйга турибман қараб,
Меваси йўқ жўяқларимга.
Алам тўла қўшигим куйлаб,
Ёшим оқар қўкрақларимга.

Сигинаман Ҳаққа: бизга боқ...
Ўзинг қалбга мадад бер, куч бер.
Қоп-қоронғи ва лекин ҳар ёқ,
Нурли, изли эмасдир бир ер...

Бу дунё қандай бўлиб кетди-я! Бу юртга нима бўларкин, бирон кун юрагимга кирармикин ёруғлик?

Осмон бўйлаб изгир булутлар,
Қора ўйлар ухлашга қўймас.

Кейин 1908 йилда Петербургда унинг «Жалейка» деган (Жалейка — пуфлаб чалинадиган халқ чолгу асбоби) биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқди. Сўнг уни Вильнога таклиф қилдилар, Янка Купала «Наша нива» номли газета муҳарририясида ҳамда Данилович деган олимнинг кутубхонасида кутубхоначи бўлиб ишлай бош-

лади. Шоирга қувонч йиллари ҳам етиб келди. Аста-секин биринчи муҳаббатнинг азоблари сўнди. Олдинда уни Владислава Станкевичдай оқила, вафоли қизга уйланиш, келгувсида халқ шоири ва Академик бўлишдек бир хайрли келажак кутмоқда эди.

Илова:

Тўрт фасл зирқираган юрак

Қарама, сен менга қарама, четлан —
Қўрқаман сеҳрингдан, ўтингдан сени!
Сен мендан куласан... Боқма, нари кет,
Сен ҳалок этасан мангуга мени!

Нигоҳинг жонимга солди изтироб,
Қўлимдан келмайди ўзимни тийиш.
Бир сенга шошилиб, бир бирдан тўхтаб,
Тилимда сенга гоҳ раҳм, гоҳ қарғиш.

Сен мени севмайсан. Фикри-ёдингда
Йигитлар яшайди бир мунча бойроқ.
Сенга не берардим? Қашшоқман чиндан
Мен дунёда қоқбош, дайдиман саёқ.

«Москва кўзёшларга ишонмайди» фильмида дугоналарнинг учинчиси, бир генерал, ёши сал ўтиброқ қолган хотини билан магазинга кирганда генералга кўнгли кетиб, қўлини чаккасига қўйиб таманно қилади.

Шунда дунё кўрган аёллардан бири:

— Бундай генералга хотин бўлиш учун унга лейтенантлик пайтида турмушга чиқиш ва 20 йил ҳарбийлик ҳаётининг машаққатларини у билан бирга тотиш керак бўлади! — деб танбех беради енгилтак қизга.

Шоирлар ҳаёти ҳам шундай: то улар майдонда кўзга ташла-ниб, ҳаётини яхши изга солиб олгунча бир мунча оғир машаққатларни бошдан кечирадилар. Пулдор бойларга тегиб олган хонимчалар кейинчалик шуҳрат қозона бошлаган шоирларга қайта тегиб олгилари келади. Бу эса шоирнинг ҳам, хонимчаларнинг ҳам турмушида чигалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

ВЛАДИМИР ВЫСОЦКИЙ билан МАРИНА ВЛАДИ



XX асрнинг 60-йилларида бутун Россия бўйлаб, шунингдек Ўрта Осиё ва Кавказнинг собиқ жумҳуриятларида француз режиссёри А.Мишелнинг «Авроқчи» (русчаси «Колдунья») фильми намойиш қилинди. Фильм рус ёзувчиси А.И.Куприннинг XIX аср охирларида ёзган «Олеся» қиссаси асосида олинган эди, катта шўрат қозонди. Бизнинг ўзбекларга, жумладан, менинг ўзимга ҳам жуда қаттиқ таъсир қилганди. Чунки бир юпун оила аъзолари — қари кампир Мануйлиха билан невараси Олесянинг ўз ҳолича яшашга йўл бермай

диган одамлардан, ҳукмдорлардан қочиб, қалин бир ўрмонда ёввойи ҳаёт кечиришларига қарамай, яна нодонлар, жоҳиллар, бераҳм ҳукмдорлар томонидан таҳқирланиши, эзилиши, ёввойи қизнинг соф, олижаноб, холис муҳаббати учун тошбўрон қилиниши катта маҳорат билан тасвирланган эди. Авроқчи қиз Олеся ролини ўйнаган француз актрисаси Марина Влади бу ижроси туфайли барча таъсирчан йигитларнинг юракларини забт этди, хотин-қизларнинг унга тақлид қилиб кийинишларига сабабчи бўлди. Шу даражадаки, ҳатто сочини эркин ёйиб юришлари ҳам шаҳар қизлари орасида русумга кирди. Яна шу даражадаки, бир куни Марина дўсти билан «Ҳамлет» спектаклидан чиқиб келаётганида, икки гуржи йигити уни тўхтатиб ўзини тошбўрон қилган нодонни кўрсатишини талаб қилган ва ундан Маринанинг ўчини олмоқчи бўлганини айтган. Марина Влади:

— Кўриб турибсиз-ку, ўлмадим, тириклигимга ишондингиз, мана олдингизда турибман. Менга ёрдам бермоқчи бўлганингиз учун раҳмат, — деган. Ҳамма йигитлар унга ошиқ ва бу ошиқлар орасида рус шоири, қушиқчи, бастакор, драматик театр ва кино артисти Владимир Высоцкий ҳам бор эди. Высоцкийнинг ўзи айтишича, шу картинани кўргандаёқ, уни топаман ва уйланаман деб аҳд қилган экан. 1965 йилда Влади Париждан Москва кинофестивалига келганда Высоцкий уни роса қидирган, аммо тополмаган. Ҳар куни, лоақал экранда бўлса ҳам уни бир кўрсайдим, деб киноахборотларни кузатиб борган, бу ҳам унга насиб бўлмаган. 1967 йили Марина Влади яна Москва кинофестивалига келганда, уни режиссёр Юрий Любимовнинг Таганкадаги театрига таклиф қилишган, «Есениннинг драматик достони асосида «Пугачёв» спектакли бўлади, Владимир Высоцкий деган бир ажойиб артистимизни кўрасиз», дейишган. «Актёрнинг кучли, ҳақиқий эркакча, аломат овози мени ҳам, бутун зални ҳам қаттиқ ларзага солди. У шундай ўйнадики, бошқа ижрочилар аста-секин унинг соясида қолиб кетишди. Залдагиларнинг ҳаммаси тиккама-тикка туриб қарсак чалди», деб хотирлайди кейинчалик Марина Влади.

Марина Россиядан Францияга кўчиб келган рус муҳожирлари Поляков-Байдаровлар оиласида 1938 йилда тугилган. Бу — Сена дарёсининг юқори тарафларида яшовчи артистлар оиласи эди. Парижда хореография билим юртини битказиб, актриса учун энг керакли бир устунлик — ҳаракатни аъло даражада ўзлаштирди. Шунинг учун ҳам 11 ёшидаёқ кинога жалб қилинди. 3—4 йил давомида 4 марта эпизодик ролларни ижро этди. 15 ёшида бош ролларга таклиф қилинди. Аввал «Биринчи навли қиз бола», «Илк севги», «Муҳаббат кунлари», «Жиакомо Казанованинг бошидан кечирганлари» фильмларида бош ролларни ижро этди. 1954 йилда режиссёр Ф.Кайатнинг «Дунёни сел босишидан олдин» фильмида атом урушидан кўрқиб ҳеч кимса яшамайдиган оролга қочмоқчи бўлган болалар ичида Лилян исмли қиз ролини ижро этгани учун Съюзанн Бьяншетти номли рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. 1956 йилда эса «Авроқчи» киноасари жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида намоиш этилди. Россияда эса 1964 йилда кўрсатилди.



Марина Влади ҳамроҳлари билан «Пугачёв» спектаклидан чиққанларида улардан бири «Келинлар, актёрлар билан бир оз тамадди қиламиз» дейди ва бир гуруҳ меҳмонлар Бутуниттифоқ Театр Жамиятининг ресторанига рухсатнома билан кирадилар. Ҳамма Марина Влади яхши танигани учун, хурсанд бўлиб унга гуллар тақдим қилиб, конъяк, ҳўл мевалар билан сийлаб, ўпиб, кучоқлаб қарши олади. Марина одамларнинг саволларига жавобан ўзининг артистлик фаолияти ҳақида гапириб бера бошлайди. Шу пайт бўйи ун-

чалик баланд бўлмаган, кийимлари юпунгина бир йигит тўппатўғри уларнинг даврасига келади. Марина гапни келган жойида тўхтатиб, унга назар ташлайди. Кўзлари очкулранг, нигоҳлари самимий... Индамай келиб Маринанинг кўлини ушлайди, кўйиб юбормай ўпади. Қаршисида ўтирганча кўзларига тикилади. «Худди эски танишларга ўхшардик» деб эслайди Марина кейин. Йигит емас-ичмас, фақат унга қарарди. «Ниҳоят сизни учратдим», дейди охири. Марина унинг роли ҳақида хушомад гаплар айтади. Йигит эса бу ердан бошқа ёққа кетиб унга қўшиқ айтиб бергиси келаётганини айтади. «Юманите»нинг Москвадаги мухбири Макс Леоннинг тураржойига борадилар. У дарҳол гитарани қўлга олади, Маринанинг оёқлари ёнида ўтириб, фақат унинг учун қўшиқ айта бошлайди. Овозининг таъсир кучи, ҳайқириқлари, қўшиқларининг мазмуни, аччиқ кулгиси ва теранлиги Маринани лол қолдиради. «Театр — касбим, шеърят — иштиёқим» дейди у ва ҳеч қандай муқаддимасиз уни кўпдан бери яхши кўришини айтади. Марина бундай ўринсиз иқдорларни кўп эшитганди, аммо унинг эътирофидан чинакамига ҳаяжонланади. Фестиваль қатнашчилари жойлашган меҳмонхона барида учрашишга таклиф қилади. Барда рақсга тушадилар. «Сен менинг хотиним бўлишинг керак» дейди. Бу пайтда улар икковлари ҳам 29 ёшда эдилар. «Мен сени яхши кўриб қолганим йўқ», дейди Марина. «Ҳечқиси йўқ, келгусида сенга ёқиб қоламан, мана кўрасан» дейди у.

Вақт эса аёвсиз: учрашув кунлари тугайди, Марина Парижга кетади, йигит Москвада қолади. Марина Парижда ундан латиф сўзлар билан тўла бир хат олади. Сўнгра телефон жиринглайди. Бу ҳам У эди. Овозидаги илиқ товланиш, отасини эслатувчи рус тили юрагини ўртайди, томоғига алланима тикилади... Гушакни қўяди-ю, ҳўнграб йиғлайди. «Вой қизалоғим-е, севиб қолибсан-ку», дейди онаси. Ҳа, энди Маринанинг ўзи йигит билан учрашув имконларини қидира бошлайди. Бу йигит Владимир Высоцкий эди.

Владимир Семёнович Высоцкий Москвада 1938 йилда туғилган. Отаси Семён Владимирович (Вольфович) Высоцкий Киевдан чиққан полковник эди. Онаси Нина Максимовна Серёгина олмон тилидан таржима билан шуғулланарди. Болалиги олдин Москвадаги 1 — Мешчанская кўчасида ўтди. Иккинчи Жаҳон Уруши йилларида аввал онаси билан Ўролдаги Бузулук шаҳрида, сўнг яна Москвада яшади. Урушдан кейинги 1947—49-йилларда Олмониянинг Эберсвальд шаҳрида отаси ва ўтай онаси билан бирга турди. Сўнг яна Москвага қайтиб Каретная кўчасида яшади. 1953 йилдан драмтўгаракка қатнашди. 1956—60 йилларда МХАТ студия-мактабида актёрлик бўлимини битказди. 1959 йилда илк бора «Жиноят ва жазо» спектаклида Порфирий Петрович ролини, «Тенгдош қизлар» кинофильмида Петя ролини ижро этди. 1960—1964 йилларда Высоцкий Москва драма театрида ишлади. С.Аксаковнинг «Қипқизилгина гулча» эртаги асосида саҳналаштирилган спектаклда Леший ролида ўйнади. Ундан ташқари, бу ерда ўнга яқин эпизодик ролларни адо этди. 1961 йилдан у айтган қўшиқлар эларо донг тарата бошлади. Ленинградда ёзилган «Татуировка» (Бадандаги нақш) қўшиғи унинг бу жанрдаги биринчи асаридир. 1964 йилдан бошлаб Таганкадаги Москва драма ва комедия театрида то умрининг охиригача ишлади.

Марина Влади 1968 йилда Москвага қайтиб дарров фаолликни бошлаб юбориш тўғрисида ўйлай бошлайди: Актёрлар ва техник ходимлар кооператини ташкил қилиб, Бернар Поль билан ҳамкорликда «Яшамоқ замони» фильмини суратга оладилар, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда қолмайдилар ва ҳоказо. Шу ниятларини амалга ошириш ниятида Франция Компартияси сафига ҳам киради. Бу — унинг Россияга бориш учун виза олишида қўл келади. Аммо у онаси билан Москвага келса, Высоцкий Сибирда

«Тайганинг эгаси» фильмида суратга олинаётган экан. Бир куни кечкурун у остонада пайдо бўлади. «Мен Владимир Высоцкий-ман» дейди онасига ўзини таништириб ва шундоқ унинг олдида Маринани маҳкам кучоқлайди. Она қизининг кулоғига шивирлаб: «Мунчаям ёқимтой йигит, исми ҳам жуда чиройли экан» дейди ва уларни ёлғиз қолдиради. «Бу ойлар менга узун, жуда узун, ҳеч тугамайдигандай кўринди, бамисоли яшамадим ҳисоб... Энди аниқ биламан: сен хотиним бўласан» дейди. «Яна бир куни, деб хотирлайди Марина Влади, иккимиз бир дарёнинг жимжит, кимсасиз соҳилида ўтирдик. Сен менга Сибирдан Сталин замонда лагерга тушган одам ҳақидаги қўшиғингни олиб келибсан. Жазо муҳлати битиб уйига қайтган у кишининг аччиқ кунларини гавдалантирарди бу қўшиқ. Кейин мени уйимдагилар қандай чақирса, шундай — Маринка деб атай бошладинг. Сўнг «Бўрилар ови» деган ҳали ҳеч қаерда ижро этилмаган қўшиғингни совға қилдинг. Мен аллақандай болаларча гурудан маст эдим».

Кейин улар бутун ёз бўйи бир-бирларидан айрилмадилар. Высоцкий уни яқин дўслари даврасига олиб кирди. Шундай қилиб, севикли Сёва Абдулов, унинг эски француз тилида гаплашадиган чиройли ойиси — Ёлочка, қовоғи очилмайдиган, аммо ҳақиқий айикдай ёқимтой Вася Аксёнов, буюк истейододли, доим завққа тўла шоира Белла Ахмадулина билан доим бирга бўлардилар: оқшомлари гурунглашиб ўтирар, шеърхонлик қилишар, баъзан рассомлар ё ҳайкалтарошлардан бири ўз ишини кўрсатгани олиб келар, эрталаб Высоцкий театрга, кундузи Марина кинода суратга олиниш учун кетардилар. Кўпинча улар Мариналар турган меҳмонхонада йиғилишарди. Ҳамма ҳар қаёққа тарқалгач, севишганлар ёлғиз қолишарди. Высоцкий дир-дир титрар, майин сўзлар айтарди. Бир куни Марина унга қўлларини узатиши билан маҳкам кучоқлади, кулоқларига «Бутун умрга... қачондан буён... хотинимсан!» дея шивирлади. Икковлари ўттиз-да эдилар ва Маяковскийнинг «Биз ўттиз ёшдамиз, севайлик-да бир-биримизни...» сатрларини кўнгилдан ўтказардилар. Аммо меҳмонсарой қоидаларига кўра,



соат ун бирдан олдин Высоцкий хонадан чиқиб кетиши керак эди. Москвадаги қисқа муҳлатга ижарага олган жойларининг ош-хонасидаги бирор кушетка, коридордаги диван, Москва-Ленинград тунги поездининг купеси, бирор қўлдаги қайиқнинг ичи уларнинг тожи-тахти эди. Айни чоғда улар интизомли кишилар бўлгани учун, ҳеч ишни қолдирмас, ижодлари бир маромда, ҳатто кўпинча шиддатли тусда давом этарди. Фақат муқим бир турар-жой топишнинг иложини тополмасдилар. Высоцкий, уни ойиси Нина Максимовнанинг икки хонали уйида туришга кўндирди. Бу пайтда Нина Максимовна архивариус бўлиб ишлар, уйдан жуда эрта кетиб, кеч келарди. Марина турган хоналарини яшаш ва ижод қилишга мослаб қойилмақом тартибга солди, жило берди. Бўш пайтларида ул-бул пиширар, магазинларга бориб озиқ-овқат олиш учун совуқда навбатда туришни ўрганар, бунга тоқати етмаса бозордан гўшт, мева, сабзавотни уч баравар қимматига олиб келарди. Баъзан ёнида қолган валютасини аяб ўтирмай, «Берёзка»дан Володяни хурсанд қилиш учун америка сигаретлари, эрийдиган қаҳва, туалет қоғози, ҳатто тухум, картошка, салат, янги сўйилган гўшт, қоқ балиқ, янги мевалар сотиб оларди. Володя эса камтомоқ, тақсимчада нима келганига аҳамият бермайдиган одам эди. У кечаси ва кундузи тинмай ишлар — эрталаб театр репетициясида бўлар, кундузи концерт берар ё кинода суратга олинарди, тунда эса шеър ёзарди. Бир суткада тўрт соатдан ортиқ ухламасди. Марина унинг касал бўлиб қолишидан қўрқар, у эса илҳомли ҳаётидан бағоят мамнун ва бахтли эди. Аммо бахт дегани узлуксиз бўлиши қийин.

Марина олдинги сафар Москвага келганида машҳур режиссёр Сергей Юткевич унга «Кичик бир ҳикоя воқеаси» фильмида Лика Мизунова ролини таклиф қилган ва ҳозирги кунларда бу фильм битган ва энди у Парижга қайтиб кетиши керак, Россияда юратуриш ёки бутунлай қолиш учун бирон баҳонаси йўқ эди. Высоцкий ҳукуматнинг қора рўйхатида, яъни чет элга чиқарилмайдиганлар қаторида эди. Уларнинг ЗАГСда никоҳдан ўтишларига бюрократия машинаси йўл бермоқчи эмасди. Марина билан Владимир бир-бирларидан ажралгилари келмасди. «Сенсиз яшагим келмайди», деди Владимир. «Мен ўзим сендан баттарман, — деди Марина. — Аммо Парижда Россияга яна келиш учун виза ола биламан!»

Бир куни Высоцкий Маринага: — Фарбликларнинг ҳеч бири одамларнинг тинкасини қуришиб ҳар куни уларга ўтказиладиган босим тўғрисида ҳеч нимани билмайдилар, — деганди. — Қурашасан-қурашасан, аммо ким билан қурашаётганингни билмайсан, сенга тўсиқ бўлаётган нарсалар пахта деворга ўхшайди — сенинг обрўйинг, шахсий ҳаётинг, озодлигингни бўғайтган амалдор кимлигини ҳеч, ҳеч қачон билолмайсан...

Марина ҳам Москвага келганда тўққонликлар ким томонидан бўлаётганини сира англаёлмасди. Бир куни Таганкадаги театрда Юрий Любимов ва унинг труппаси янги тайёрланган спектаклни «маданият вакилига» кўрсатдилар. У, маданият вакили спектаклни бекор қилди. Ҳолбуки, спектакль тайёрланишидан олдин асар қўлёзмаси ва унинг режиссёрлик талқини «лит»га (цензурага) кўрсатилган ва тасдиқлатиб олинганди... Аллақандай дидсиз бир одам бир оғиз сўз билан бутун бошли бир жамоанинг иши устига қорачизиқ тортарди. Ҳар сафар тайёр қилинган иш кўрсатилиши учун қийинчилик билан рухсат олинар, вакиллар ишни йўққа чиқаришдан роҳатланишар эди. Высоцкийнинг концертлари ҳам доим шундай кўргиликка учрар, тагин концерт қолдирилса, «Высоцкий касал бўлиб қолди» деган баҳона рўқас қилинарди. Ҳатто фильмларга ёзган қўшиқлари аллақачон экранларга чиққан, одамлар айтиб юрган бўлса ҳам, тагин ижрога рухсат беришмасди.

Баъзи бир воқеалар Марина Владиининг ҳеч хотиридан кўтарилмайди. Бир куни фестиваль меҳмонлари учун катта қабул маросими ташкил этилганди. Марина Высоцкийни ҳам у ерга таклиф қилди. Ҳамма бир-бир автобусга мина бошлади. Марина олдинда, Высоцкий орқада автобусга чиқишди. Марина ҳали ўтиришга ҳам улгурмаган эди, орқада шовқин кўтарилди. Таклифномаларни кузатувчи аллақандай бир нусха Высоцкийни қўполлик билан турткилаб пастга итараётган эди. Марина у ерга отилганча, у нусхага изоҳ бера бошлаган эди, Владимир маъноли назар билан қараб, аралашма маъносида имо қилди ва пастга тушди. Марина Влади: «Оқариб кетгандинг. Ҳаётингда қўп бўлиб турадиган бундай камситишларнинг чек-чегараси йўқ эди. Сен — Чарли Чаплиндай кичкина ҳақоратланган бир одам — йўлкада турардинг, асфальтда ётган таклифномаларни зарда билан тепиб-тепиб ташлардинг», — деб ёзди.

Высоцкий билаги тепасидаги бўртиб турган икки мушаги билан жуда ғурурланарди. Бўйи баланд эмас — 170 см бўлса ҳам, гавдаси

келишган, мутлақо мутаносиб эди. Бу унга машҳур боксчилар каби зарба беришига имкон берарди. Бир кун гуржиларнинг «Арагви» ресторанидан чиқишда жуда йирик, полвонсифат бир киши Марина пальтосини кияётганида, иккала елкасидан ушлаб: «Қани, Марина, юзларингни менга бир кўрсат-чи» деб ўзига қаратаётган эди, Владимир чап томондан боксёрчасига бир свинг (узоқдан ёнламаси берилган зарба) берганди, у киши горизонталь ҳолатда кираверишдаги оқ мрамар йўлакдан гулзорга учиб тушди. Мушти йўғон, буқа каллали икки киши югуриб келиб бир Высоцкийга, бир унга қараб донг қотиб қолишди. Селишганлар, нима бўларкин, деб довдираб туришганда — одатда бундай ҳолларда дарров милиция чақирилади — улар хаҳолаб кула бошлашди. Кейин Высоцкийнинг елкасига қоқиб қўйиб табриклашди ва машинагача кузатиб қўйишди.

Бир сафар марказий газеталар Высоцкийнинг ижро этилган, грампластинка қилиб чиқарилган кўшиқлари ҳақида қаттиқ танқидий мақолалар чиқаришганда, у КПСС МК га хат ёзди. Аммо ҳеч қандай жавоб ололмади. У адои тамом бўлди. Марина Влади кейинчалик Высоцкий қон қусган бу кунни хотирлаб шундай ёзди:

— Сен ортиқ гапиролмасдинг. Томир уришинг деярли тўхтаган эди. Мени ваҳима босди. «Тез ёрдам» чақириб тезроқ етиб келинглр деб ёлвордим. Етиб келган икки врач ва тиббий ҳамшира, вақт ўтибди, уни олиб кетиш хатарли, мурдани олиб кетсак, планимизга ёмон таъсир қилади, — дейишди.

— Агар ҳозироқ олиб кетиб, чора кўрмасанглр, мен халқаро жанжал кутараман, — деб бақирдим. Шунда улар сен машҳур Высоцкий, мен француз артисти эканимни англаб бир оз кўрқишди ва сени мен билан бирга олиб кетишди. У ерда сени кўздан кечирган врач: «Уни ўзига келтириш жуда қийин бўлди. Кўп қон йўқотипти. Агар яна бир неча минут кечроқ келганинглрда у ўлган бўларди», деди.

Высоцкийнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун врачлар 18 соат курашдилар. бу вақт ичида бутун Москва бўйлаб «у ўлди» деган хабар тарқалганди. Шу тариқа улар оғир-енгил кунларни бошдан кечириб, никоҳдан ўтолмай юравердилар. Марина Влади Москва билан Париж орасида сарсон эди. Фақат 1971 йил унинг учун ҳам мусибат, ҳам омад йили бўлди. Шу йилнинг октябрида онаси саратон (рак) касалидан вафот этди. Айни шу мусибат кунларида «Франция-СССР» дўстлик жамияти фаолларининг Леонид Брежнев билан

учрашуви бўлди, ҳаммаси бўлиб 15 киши — де Голлчилар, касаба союз ва фирқа аъзолари, дипломатлар, ҳарбийлар, ёзувчилар ва артистлар — иккала мамлакат дўстлигини қадрловчилар, шу жумладан Марина Влади ҳам бу 3 учрашувда қатнашди. Одатдаги нутқу маърузалар ва меҳмондорчиликдан кейин, ҳаммалари Брежневни ўртага олиб суратга тушишди. Ана шу фотосурат Марина Влади ва Владимир Высоцкийнинг жуда кўп муаммолари жуда тез бўлмасада, секин-аста ҳал бўлишида катта роль ўйнади. Уй-жойли бўлишди, чет элга чиқиш учун визалар олишди, 1971 йилнинг 1 декабрда ЗАГСда никоҳланишди. Шундан кейин улар Франция, АҚШ, Олмония, Югославия, Италия, Бразилия ва бошқа мамлакатларда бўлишди. Бари бир Высоцкийнинг четга чиқиши осон бўлмади, Франциянинг давлат ва жамоат арбоби алоҳида илтимос билан Брежневга хат ёзгандан кейингина рухсат бўлган эди. Высоцкий 700 га яқин шеър ва қўшиқлар ёзди, саҳнага илк бора ўғри-безориларнинг қўшиқларини олиб чиқди, қатағонга учраган шахсиятлар шунингдек, иккинчи жаҳон уруши қурбонларининг тақдирлари ҳақида қуйлади, 30 га яқин кинофильмда турли ролларни ижро этди, 10 дан ошиқ фильмда унинг қўшиқлари айтилди, театрда Шекспир, Брехт, Лермонтов, Горький, Маяковский, Есенин асарлари қаҳрамонларини яратди, Галилей, Пугачёв, Ҳамлет сингари образлар шулар жумласидандир. СССР да ва чет элларда 1000 мартадан кўпроқ концерт берди. Марина Влади эса 40 дан ортиқ фильмда жаҳон киноси тарихида ўчмас из қолдирган турли ролларни ижро этди. Владимир Высоцкий вафот этгандан кейин у ҳақда «Владимир ёки узилган парвоз» номли хотиралар китобини ёзди.

Владимир Высоцкий 1980 йил 25 июлда вафот этди. Унинг дафн маросими умумхалқ митингига айланиб кетди. Марина Влади: «Мен не-не шахзодалар, қиролларнинг дафн маросимларини қандай ўтказишганини кўрганман, аммо бунақасини кўрмаганман» деб ёзди. 1985 йилда Қрим обсерваториясининг мунажжимлари Марс билан Юпитер орасида янги бир сайёрани кашф қилдилар ва унга ВЛАДИВЫСОЦКИЙ деб от қўйдилар. Бугунги ёш авлодлар Высоцкийнинг мана бу сатрларини нафасларини ютиб тинглайди:

Ошиқларга далаларни ўрин қиламан,
Туш-у ўнгни ўтказишсин қўшиқлар билан:
Модомики тин оляпман, демак, севаман,
Модомики севаманми — яшаётirman!

ХАЛҚ АРТИСТИ ЛЕВ ПАРФИЛОВ билан ОДДИЙГИНА ҚИШЛОҚ ҚИЗИ ВЕРАНИНГ ОИЛА ҚУРИШЛАРИ

(Тақдир тухфаси)



Мен бу аёлнинг муҳаббатини ўйлаганимда энг олдин ичимда ният, сўз, тақдир кимёлари гавдаланди...

Биз, ўзбеклар, яхши ният — ярим мол, деймиз.

Бир куни шу ҳақда сўз очсам, шоиримиз Қуддус Муҳаммадий:

— Йўқ, Миразизжон, яхши ният — бутун мол! Яхши ният, албатта, амал-

га ошади! — дегандилар. Яна ота-боболаримиздан:

— Яхши сўзга ҳам фаришта омин дейди, ёмон сўзга ҳам... деган ҳикматли сўзлари-да қулоғимда қолган. Чиндан ҳам айтилган сўзнинг илоҳий сеҳри бор: бир марта оғиздан чиққан гап ҳаётда амалга ошганини кўп кузатганман. Тақдир эса шундайки, қочиб қутулолмаслигинг, қувиб етолмаслигинг мумкин, у сени энг овлоқ ерда ҳам «тутиб» олаверади.

Веранинг муҳаббати кишини шулар ҳақида ўйлатади.

Вера тугилган оила ҳам, унинг ўзи ҳам адабиётдан, санъатдан йироқ эди. Ўрта маълумотли оддий хизматчилар оиласидаги оддийгина банда, одмигина қизалоқ. Баъзан катталар ҳазиллашиб:

— Вера, сен катта бўлганингда кимга тегасан? — дейишса,

— Артистга тегаман, — дерди.

— Сени артист олармиди, — деб кулишарди одамлар.

Кейин катта бўлди. Ўзларига ўхшаган оддий бир йигитга уза-тишди. Аммо Вера эри билан сира чиқишмасди. Бир болали бўлса ҳамки, лойқаланиб оқаётган сув тинмади. Онаси аччиқланиб:

— Бу кишимга эр керак эмас, артист керак! Ҳей, сен аввал ўзингга қара — кимсанки, сени артист олса... Кўрпангга қараб оёқ узатсанг-чи! — деб бақирарди унга.

Верага ҳеч қандай панду насиҳат ва ўғитлар таъсир қилмасди. Ахийри эри билан ажрашди. Москванинг Троешчина деган янги бир даҳасига кўчиб кетди. У ерда энди беш-олтитагина янги бино қурилган ва бир почта бўлинмаси ишга тушган эди. Вера ўша почтаҳонада ишлай бошлади. Конверт, маркалар сотар, телеграммалар қабул қилар, одамларни телефон орқали гаплаштирар эди. Бир куни иш вақти тугай деб қолганда олдига бир киши келди. Ундан бир бланка сўраб олиб, алланималарни ёзди-ёзди-да, Верага узатди. Вера у кишининг юзига бош кўтариб ҳам қарамади, хатни ўқий бошлади. Дастхати жуда чаплашган эди. Ҳеч ўқиёлмади, ўзингиз ўқиб беринг, демоқчи бўлиб ёзган кишига бош кўтариб қаради. Қаради-ю, у кишининг кўзлари билан тўқнашиб, юраги орзиқиб кетди. Ўзини босиб олгани, телеграммани ташлаб, қўшимча хонага кетди. Бахтига, шу асно Валя деган шериги келиб қолди.

— Валя! Телеграммани қабул қилиб ол! — деди унга ичкаридан. Валя қабул қилиб олди.

— Шу артист почтага тез-тез келади-я? — деди кейин дугонасига, айнаи чоғда унинг афтига қараб ажабланди: — Намунча рангинг ўчмаса! Унинг нимасидан кўрқасан? Артист бўлса — ўзига!

— Артистми? — деди Валя зўрға. Ярим соатгача ўзига келмади.

Артист икки кундан кейин яна келди. Телефон сўзлашуви буюрди. Вера зимдан кузатди: жонли артистни илк бор кўриши эди. Телефон сўзлашувини амалга оширувчи хизматчиларнинг ўз шахсий рақами бўлади, сўзлашув буюртмасини қабул қилганда буюртмачига ўз рақамларини айтишлари керак. Веранинг рақами учинчи эди — доим «меники учинчи», «меники учинчи» дерди. Бир куни артист дабдурустан: «Яхши қиз, мен учинчингиз бўлсам майлими?» деб қолди. «Нега биринчим эмас?» деб жавоб берди Вера, ҳазилга ҳазил билан. Артист эса жилмайиб:

— Иложи борми? — деб сўради.

Кейин телеграмма бланкаси олди-да, стол ёнига ўтирди. Вера ўз ишини давом эттирар ва зимдан уни кузатарди. У анчагача қоғозга алланималар ёзди. Ниҳоят тепасига қайтиб келиб, отини суриштирди. Вера айтди. Шунда:

— Вера Поликарповна, менга бир конверт сотинг, — деди у. Сотди.

Артист ёзганини буклаб, конвертга солди-да, унга узатди.

— Бу сизга. Уйда ўқирсиз, — деди. Вера хатни уйида юраги дукиллаб ўқиди.

Бу хат эмас, гўё юрак ҳайқирғи эди. У, гарчи кўп одамлар даврасида яшаса ҳам, онасию ўғиллари ёнида бўлса ҳам, аслида бениҳоя ёлғизлигини, бир гаплашадиган, ҳасратлашадиган одами йўқлигини, севган аёллари унга хиёнат қилишгани, уни сотиб юборишгани тўғрисида ёзган ва бланканинг ён томонига: агар лозим топсангиз... деб адресини ёзиб қўйганди. Вера ана шу «агар лозим топсангиз» деган жумлада ўзига нисбатан кўрсатилган ҳурматни ҳис қилди. Ундан ташқари ажрашув азобларининг таъмини ўзи ҳам татиб кўрганлиги боис, ҳаёт зарбаларидан эзилган бу одам учун юрак-бағри эзилди. Мажруҳ одамлар бир-бирларига интилгандай, унга интилди. Аммо ўртада жуда катта — 26 ёшли фарқ бор эди; қадам босай деса, ўзидан-ўзи уяларди. Бир неча кундан кейин артист почтахонага яна келди.

— Хатимни ўқидингизми? — деб сўради.

Ўша куни Веранинг бир оз мазаси йўқроқ эди.

— Нима бўлди? — деб сўради артист.

— Ҳозир бирдан-бир истагим — тезроқ уйга етиб олиш. Устига-устак яқинда янги жойга кўчиб ўтган эдим — нарсаларим сочилиб ётибди. Қайси нарса қаерда — билмайман, ҳатто дориларим ҳам қаердалиги эсимда йўқ, — деб қалтиради Вера.

Хуллас, ишдан кейин Вера энди уйга бориб ёнбошлаган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглади. Эшикни очса — остонада пакет қўтарган бир бола турарди.

— Вера хола сизмисиз? Бунни дадам бериб юбордилар, — деди у.

Пакетда бинтлару пахталар, иссиқўлчагич, аспирин, анальгин, горчичниклар — нақ ярим дорихона бор эди.

Эртасига смена тугагач ишдан уйга қайтишда Вера бир дўкон ёнида яна артистни учратди.

— Уйгами? Шошиб кетяпсиз — эрингиз кутиб қолди, шекилли?

— Ҳеч қанақа эрим йўқ, — деди Вера зарда аралаш.

— Ростданми, эрингиз йўқми? — деди артист, болаларча севиниб ва бирдан кўчанинг ўзида тиз чўкиб: — Ўтинаман: ҳеч кимга эрга тегманг, — деб ёлвора бошлади. Одамлар йигила бошлади. Кап-катта артистни тезроқ ўрнидан турғазиш учун Вера:

– Бўпти-бўпти, ваъда бераман, – деди шоша-пиша.

Шунда артист ўрнидан туриб:

– Сизни уйимизга кечки овқатга таклиф қиламан, – деди.

– Иложим йўқ, уйда ёш ўғлим бор, – ғўлдиради Вера.

– Жуда яхши. Болани ҳам ола келинг.

Шу тариқа Вера Поликарповна илк бора катта ясан-тусанла-ру пардоз-андозлар қилиб, кичик ёшли ўғли билан атоқли артист Лев Алексеевич Перфиловнинг уйига меҳмон бўлиб борди.

Лев Алексеевич костюм киймаган, дазмолланган ва покиза қўйлақда, қисқаси, уй кийимида эди. Уларни шу қадар очиқ юз билан, самимий кутиб олдики, аввалига ўзини киборларча тутмоқчи бўлган Вера ўз-ўзидан оддий инсоний суҳбатга киришиб кетганини сезмай қолди. Уни муттасил Лев Алексеевичдан таралиб турган бир ажойиб илиқлик қамраб олган эди. Ёзилган дастурхон эса қойилмақом эди. Лев Алексеевич кўп овора бўлиб, турли егуликлар тайёрлаган эди. Веранинг ўғли Руслан бирпасда бир ликопчани бўшатиб ташлади. Кейин бошқаларини ҳам «қира» бошлади. Олдига яқин турган гўшт бурдаларини еб битирди. Лев Алексеевич парво ҳам қилмай, Русланни эркалатиб жилмайганча ўз улушини ҳам унинг олдига қўйди. «Оҳ, ўғлим учун шундай бир ота бўлсайди!» деб ўйлади Вера ва беихтиёр унга гапиришга ҳеч навбат бермай, ўз тақдири ҳақида нолий кетди. Лев Алексеевич ажрашган хотини ҳақида бирон бир ёмон сўз айтмади, шунчаки қисқагина қилиб ўз ҳаётини ҳикоя қилиб берди. Кейин Вераларни уйига кузатди. Хайрлашаркан:

– Вера, менинг пулим ҳам, чорбоғим, ҳашаматли уй-жойим ҳам – ҳеч вақоим йўқ. Сизга ўзимдан бўлак ҳеч нимани ваъда қилолмайман. Аммо, менга тегсангиз, умримнинг охиригача сизни ҳеч хафа қилмасликка сўз бераман, – деди.

Ўша пайтда Лев Перфилов 51 яшар, Вера эса 25 ёшда эди.

Вера бўлган воқеани ўз онасига айтиб берган эди, сен унга тегмаслигинг учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, деб розилик бермади. Шунда Вера Лев Алексеевич билан бир гаплашиб кўриш ва ажрашиб кетишга кучи етиш-етмаслигини аниқлаш учун у билан учрашгани борди. Узоқ ҳасратлашиб хайрлашдилар. Вера қайтаётганда, Лев Алексеевич унга:

– Билиб қўйинг, яна бир марта олдимга келсангиз, Сизни уйда бутунлай олиб қоламан, – деди огоҳлантириб.

Бир дафъа Вера бу «битим»ни унутиб, ўғли билан яна бир иш юзасидан Перфиловларникига борганда, Руслан бир зумда ухлаб қолди. Шу тариқа уларнинг оилавий ҳаёти бошланди.

Бу ҳаёт бошлангунча ва бу ҳаёт давомида бир қанча сўфиёна воқеалар юз бергани ҳозирги замон кишилари учун ҳайратланарлидир. Чунончи, бир куни Лев Алексеевич Вера билан танишмасдан олдин, ўз ҳаётининг тайинсизлигидан қаттиқ ларзага тушиб, Москва дарёси кўпригида кетиб бораркан, оғир руҳий кайфиятда ўзини дарёга ташламоқчи бўлганди. Кўприк панжарасидан куйига қараган. Сув қоп-қора ва совуқ эди. Энди сакрамоқчи бўлганда қулоғида «тўхта!» деган аёл овози янгради. Лев чўчиб тушди. Бошини шамоллатиш учун яна озгина юрди. Аслида бу овоз унга эшитилгандими, йўқми, бундан қатъи назар далил барибир далил! — бу овоз уни ҳалокатдан олиб қолган — у алаҳсиб почтага кирганда яна ўша овозни эшитган. Почтахонадан чиқиб кетаркан, ўша овоз: «Қайт! Бу — сеники» деб, уни қайтарган экан.

Яна бир сафар уларникига бир сеҳргар келди:

— Эрингни экранда кўрдим. Фақат жонию териси қопти. Уни бало-қазолардан тозаламасанг тезда ундан айрилиб қоласан, — деди.

— Бу нимаси? Нега? — деб сўрабди Вера.

— Артистларга минглаб кўзлар қарайди. Кўз эса ҳар хил бўлади. Эҳ, қизим, бу — эр эмас, сенинг боланг, эҳтиёт қил.

Вера эрини йўргаклаб бағрига босгиси келди. Эрига айтса, у:

— Веражон, шуям муаммо бўптими? Битта чойшабни олгинда, ўра-да қўй, — деди.

Сеҳргар эса бир гал, эрингининг умри сенинг қувватингга боғлиқ, деди. Бу гап ҳам ўз исботини топди. Бир йили улар Конча-Заспада дам олаётган эдилар. Бир куни Вера ёлғиз ўзи айланиб келса, эри врачлар қуршовида ётган эмиш. Қон босими жойида, юраги бир маромда уриб тургани ҳолда деярли жон бераётган экан. Верани кўриши билан ўрнидан туриб, чой қайнатгани кетибди. Вера бунга аҳамият бермаган эди, аммо эри:

— Вера, нима бўлганини билмайман, сен қайтишинг билан бирдан кучга кириб, тургим келди, — деганида бир қанча вақтгача ҳаяжонланиб юрган экан.

Лев Алексеевич кундалик ҳаётда ғоят хушчақчақ, болалардай шўх-қувноқ экан. Кўп ҳазиллашни яхши кўраркан. Бир-бир-

ларини яхши тушунишар, бир хил ўйлашар, баъзан кун бўйи гаплашмай юриб-юриб, бирдан суҳбатни келган жойидан бошлаб кетишар экан. У Верани хурсанд қилиш учун гоҳо ҳеч қутилмаган ишларни ҳам қиларкан. Бир куни икковлари бир шаҳарга борганларида Вера тасодифан, шу топда «Мосфильм» студиясининг буфетидаги пишириқдан егим кеп кетди, деган экан, Лев Алексеевич ҳеч нима демасдан отланиб чиқиб кетибди. Бир неча соатдан кейин Левнинг дўсти:

— Эрингиз етиб бордимиз, Москвадан самолётда учиб кетган эди, — деб телефон қилибди. Эри эса, ниҳоят, қайтиб келиб:

— Мана, сен сўраган пишириқ! — деб тортиқни узатибди.

... Улар ўн етти йил бирга яшадилар.

Лев Парфилов биринчи хотини билан ўн беш йил яшаган, ундан уч ўғил, бир қизи бор эди. Ўғилларнинг ҳаммаси биринкетин отасининг ёнига келиб, булар билан бирга яшадилар. Вера билан бирга яшаган ўн етти йили давомида олдинги йилларига қараганда анча кўп ишлар қилишга улгурди.

Вера севикли эрининг ўлимолди ҳаёти ҳақида бир журналистга шундай дейди:

— Ҳозир реал ҳаётга шўнғидим ва Лёва ўн етти йил давомида мени ҳаётдан асраб-авайлаб келганини англадим. «Ифлосликларни кўришга улгурасан. Инсонларнинг разилликлари билан тўқнашасан ҳали», деган эди у. Эсимда, бир марта йиғлаганди. Нима бўлди, деб сўрасам, «Худойим-е! Мен сени кимга ташлаб кетаман! Одамлар бу дунёда сени ғажиб ташлашади», деганди қўлларимни сиқиб.

(«Труд» газетаси материаллари асосида.)

НИКА ТУРБИНАНИНГ ҚИСМАТИ

(Шухрат юки енгил эмас)

Мени кўпдан бери болаларда истеъдод муаммоси чуқур ўйларга толдиради. Биз, ота-оналар, жондан азиз ўғил-қизларимизда қуёш нуридек бирдан ярқ этган салоҳиятни кўриб, теримизга сиғмай кетамиз ва дарров уни эл-юрт олдида кўз-кўз қила бошлаймиз. Бундай ҳолатни жуда кўп оила катталарида кўрганман ва ҳатто ўзим ҳам бошдан кечирганман. Билмадим, нима десам экан, балки, биз ўз қувончимизни бир неча йил ичга юта турсак тўғрироқ бўлармикин? Ва ё уларни беҳос майдонга тушириб қўйган бўлсак, кейин унинг ҳар бир қадамини хушёрлик

билан кузатиб, борди-ю ўртада муаммолар чиқиб қолса, айтайлик, қизимиз ё ўғлимиз нотўғри ҳаракатлар қила бошласа, ё биз кутган ишларни қилмай қўйса ва биз нима қилишни билмай қолсак, унда руҳият олимларидан маслаҳатлар олсакмикин?

Яқинда «Труд» газетасининг 2003 йил 18 ва 21 декабрь сонларида ёш шоира Ника Турбинанинг тақдирини ҳикоя қилувчи бир мақолани ўқиб қолдим ва неча йиллардан бери ўйлаб юрган муаммойим яна жонланиб қолди: болаларимизнинг истеъдодиға қандай муносабатда бўлсак тўғри бўларкин?



Ника Турбина 1974 йил 17 декабрда Ялта шаҳрида туғилди. Садовая кўчасидаги у туғилган уч хонали квартирада буваси Анатолий Игнатьевич Никаноркин, бувиси Людмила Владимировна ва онаси Майя Анатольевна бирга туришарди. Буваси бутун Қримга танилган ҳарбий жарроҳ ва яхши-яхши шеърлару ҳикоялар ёзadиган бир табиат ошиғи эди. Оқшомлари бутун оила жўр бўлиб:

Отряд келар қирғоқ бўйлаб,
Зириллар ҳар ён,
Олдда байроқ кўтарганча
Борар кўмондон, —

дея қўшиқ айтишарди.

Ника йиғламасдан индамай тингларди.

Аммо Ника жуда қийинчилик билан оёққа турди: ҳадеб ўпкаси сув тўплаб, қаттиқ шамоллайверарди. Бир йил гипсда ётди, 7 ёшгача уни қўлда кўтариб юришди. 11 ёшгача ниҳоятда кам ухларди. Эндигина тили чиққан пайтлардаёқ, «жон бор нарсами?» деб сўраган эди. Бувисини «Буль» деб чақирарди («бабуля» сўзидан «буль»ни айириб олган). Ойисини «Малька — гурка» деб атарди. Бир куни кечаси Майя Анатольевна уч яшар Никанинг дераза олдида туриб пичирлаётганини эшитиб қолади ва қизи шеърый тилда гапираётганини тушунади. Сўнг қизининг айтган шеърларини ёзиб бора бошлайди. Ника саккиз ёшга кирганда у ёзган (айтган) шеърлар қалингина китоб ҳолига етади. Бу шеърлар болалар шеъри эмас, ҳақиқий катталар шеъри эди. Уйдагилар онаси ҳам, буваси ҳам терисига сиғмай, ўзларини кўярга жой тополмай, уни китоб қилиб чиқариш дардида ҳалак эдилар.

Никанинг бувиси «Ялта» деган меҳмонсаройда хизмат кўрсатиш бюроси мудири бўлиб ишларди. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» телефильмининг муаллифи, атоқли ёзувчи Юлиан Семёнов шу меҳмонсаройда турар ва бир куни машина сўраб Людмила Владимировнанинг олдига илтимос билан кириб қолганди. У неварасининг шеър дафтарини ёзувчига тутқазди. Оббо, бу кампиршолар-с, қачон қарасанг «истеъдодли неваралари» билан одамнинг вақтини олишади, дегандек, Семёновнинг пешонаси тиришди. Аммо униш гапини ерда қолдирмай, папкани очиб ўқий бошлади. «Ия, гениал шеърлар-ку!» дейди бирдан. Бир ойдан кейин Юлиан Семёновнинг илтимоси билан «Комсомольская правда» газетасидан мух

бир келиб, саккиз ёшли Ника Турбина ва унинг шеърлари ҳақида мақола ёзди. Бир туркум шеърлари эълон қилинди.

Мен сизга шеър ўқиб кўрай бир оз,
Кўзларда шубҳанинг қора нуқталари.
Мен қочиб кетаман. Яраланган ҳўроз
Омонат, юпқа муз узра қочгандай.

Эсимда, ўша мақолани мен ҳам ўқигандим. Никанинг катта истеъдод эгаси эканлиги шак-шубҳасиз эди. Евгений Евтушенко: «Ника бизни шоирсизлик балосидан қутқарди», «Ника оламни ҳеч тарк этмайдиган тушга ўхшайди», деб ёзганди. Бутун шеърят аҳли уни том маънода Цветаева ўлчовларидаги шоир сифатида тан олди. Кейин Ника Турбинанинг «Қоралама» («Черновик») деган биринчи китоби босилиб чиқди. Тўплам тез орада инглиз, олмон, француз, булғор, япон ва бошқа тилларга таржима қилинди. Майя Анатольевна ва Людмила Владимировна Никанинг шон-шуҳрати учун жонларини тикиб юбордилар: «гениал» қизчани мутахассисларга намойиш қилишар, бирон кунлари интервьюсиз ўтмас эди. Халқаро фестиваллар, мукофотлар, мамлакат бўйлаб ўқувчилар ва тингловчилар билан учрашувлар. «Женя амаки» — Евтушенко билан бирга чет элларга саёҳатлар... Венецияда «Шоирлар ва Ер юзи» фестивалида Анна Ахматовадан кейин иккинчи бўлиб Ника Турбинага «Катта олтин шер» адабий мукофоти берилди.

Кейин-чи? Кейин нима бўлди? Кейин булоқ қурий бошладими, у яшаётган кўз қамаштирувчи дунё ёнғоқнинг икки палласидай иккига бўлиниб кетдими? Нима бўлди?

«13 ёшимда умримни бир амаллаб сўнггига етказиш бошланди», дейди унинг ўзи. Кейин у чекишга ўрганди, майпараст бўлди. Бир бар (майхона)нинг Костя деган бошлиғи билан беш йил давомида эҳтиросли севги ҳаётини бошидан кечирди. Онаси Никани олиб Москвага кетди. Уни Фанлар Академиясига қарашли 710-мактабга жойлади, аммо бундан ҳам иш чиқмади, фанларни ўзлаштиришга тоқати йўқ эди. Уни ВГИК (Кинематография Институту)га киритиб қўйишганди, имтиҳонларини нуқул орқага суриб, дарсларга қатнашмай қўйди. Фожиали муҳаббатларни бошдан кечирди. Евтушенко ундан четлашди. Ника уни ўн йил кутди.

Ташлаб кетдиларми ё исёнми бу,
Бизнинг орамизда буюк бир жарлик...

Қари бир итальянга эрга тегиб, озгина вақт Швейцарияда яшади. Қайтиб келганда ватансиз яшолмаслигига иқрор бўлди.

Ўз венасини кесди — сақлаб қолишди. Ўзини бешинчи қаватдан ташлади — сақлаб қолишди. 23 ёшида Афғонистонда хизмат қилиб қайтган Саша исмли актёрга теккан эди. У билан 4 йил бирга яшади. Саша уни эъзозлаб, доим эҳтиёт қилиб, ёнида олиб юарди.

Ника кичкина, заиф, ҳимоясиз, гуноҳли, инжиқ, кўрс, раҳмдил, худбин ва ҳоказо, ва ҳоказо эди. Аммо ўз қарашларини яширмайдиган, тўғрисиўз эди, ҳамма балоларни олдиндан кўрар, ҳеч нима уни даҳшатга солмас, ҳатто ўлимни ҳам писанд қилмас эди. 27 ёшида биринчи май куни яна ўзини бешинчи қаватдан ташлади, бу гал уни сақлаб қолишолмади.

Бир гувоҳ қизнинг айтишича, у деярли бир дақиқача дераза тоқчасига осилиб турганча, Сашани чақирган...

Кейин уни Ваганка қабристонига дафн этишди...

Бир шеърида у шундай деб ёзган эди:

Сизни алдадимми?

Йўқ! Алдамадим!

Билган сирим сизга

Армуғон қилдим.

Ҳа, унинг ҳаёти ва шеърияти сир бўлиб қолди. Аммо бу сир бизнинг юракларимизни оғритади, бу сир бизни хушёр торгтириши керак. Истеъдодли болаларимизни сақлаб қолиш учун нима қилсак бўларкин?



АМЕРИКАДА

ГАБРИЭЛА МИСТРАЛЬ

(Буюк шоиранинг тунроққа олиб кетган муҳаббати)



1973 йили Чилида бир давлат тўнтариши юз бериб, эндигина демократик ўзгаришлар қила бошлаган юрт тепасига гайриқонуний йўл билан бир тўда зобитлар чиқиб олишди. Президент Сальвадор Альенде 17 ўқ билан отиб ташланди, Нобель мукофоти совриндори, Чили Маданият ишлари Вазири, жаҳонгашта шоир Пабло Неруда қамоққа олинди ва тез орада вафот этди. Мен Чили шоирларининг бу воқеага муносабатини билиш учун барча марказий газеталарни кузатардим. Бир куни шундай сатрларга дуч келдим:

Қандай қўрқинч инъом! Бу қийноқдан
Бутун тун қичқирса арзир дод солиб!
О, шафқат қил, юрагимга санчилган байт,
Рози бўл, жим юрай тилга тош олиб!

Худди кеча ёзилгандай таассурот қолдирувчи бу шеърый банд муаллифи Габриэла Мистраль номини эшитмаган эдим. Замон носозлигининг азобларини бошидан кечираётган шоирнинг ҳолати шу қадар аниқ драматик тарзда ифодаланган эдики, бу тўртлик зехним ва юрагимга ўрнашиб қолди. Ўзини безовта қилган илҳомни бир тарафдан «қўрқинч инъом», иккинчи тарафдан «қийноқ» деб атар, юрагига пичоқдай санчилган байтдан шафқат сўраб, шуни айтмай қўя қолай деб унга ёлворарди. Худди бизнинг Туркистонимизда «Айтсам — ўлдиранлар, айтмасам — ўлам»

қўшиғимизга ўхшар эди. Ўша йили мен «Чили фожиаси — менинг фожиам» деган бир туркум шеър ёзиб унга Мистралнинг шу тўртлигини эпиграф қилиб олган эдим. Кутубхоналардан унинг шеърини китобларини топдим ва унинг ижоди менинг доимий ҳамроҳимга айланди.

Шоиранинг ўз исми-шарифи Лусила Годой Алькаяда бўлиб, ҳаётида кўп драматик ва фожиавий воқеалар бўлганидан хабар топдим. Габриэла Мистраль Чилининг Вилуна деган шаҳрида 1889 йилда ўқитувчи оиласида туғилди. Отаси бошланғич мактабда ўқитувчилик қилар, аynи чоғда миллий байрамларда айтиладиган қўшиқлар учун шеърлар ёзиб, рўзғор тебратар, аммо дайдиларча яшашга ўрганиб қолганди. Лусила энди бўйига етган пайтларда отаси оилани ташлаб кетди. Бу воқеа унинг юрагида чуқур жароҳат қолдирди. 14 ёшидан бошлаб турли маҳаллий газеталарда яширин таҳаллуслар билан шеърлар чиқариб юрган Лусила, энди махсус билими бўлмаса ҳам, 16 ёшидан мактабларда аввал ўқитувчиларга ёрдамчи, кейин мустақил ўқитувчи бўлиб ишлади — онасига кўмаклашиб, рўзғор тебратишга қўшилди. 17 ёшида те-



мирийўл ишчиси Ромео Урета деган бир йигитни қаттиқ севиб қолди. Улар дўстлашдилар, аммо, афсуски, Ромео 1909 йилда ўз жонига қасд қилди. Бу Лусиланинг юрагини абадиян жароҳатлаган иккинчи воқеа бўлди. Аммо у бутун аламини меҳнат билан унутишга ҳаракат қиларди. 1911 йилда педагогика билим юртига танлов эълон қилинганда, у ҳам мусобақаларда қатнашди ва ноёб тарбиячилик истеъдодини кўрсатиб муаллимликка қабул қилинди. Шундан кейин тарбиячилик-

нинг мансаб пиллапояларидан ўсиб борди. Энди у ўқитувчилик қила бошлади. Аynи чоғда шеърини машқларини ҳам тўхтатмас эди. Айниқса Ромео билан боғлиқ ўлим мавзуи унга ҳеч тинчлик бермас эди. 1914 йилда фожиавий оҳангларга йўғрилган «Ўлим сонетлари» («Sonetos de La Muerte»)ни ёзди ва унинг бу туркум

шеърлари Сантьягода бўлиб ўтган «Гуллар фестивали»нинг адабий конкурсида биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Ҳокингни қолдирдилар қабристон қавагида,
Мен сени серқуёш дўнгликка қумаман.
Билмаслар, ётаман сен билан гўр тушагида,
Сен билан бир ёстикда бирга тушлар қўраман.
Касал ўғлин ўраб-чирмаб ухлатган онадай
Сени силаб тупроққа жойлайман беун.
Ер сени бепосн беланчакдай ухлатгай,
Сўнгги тушинг тинч бўлгай, бениҳоя узун.

Муҳаббат — аёлларга хос латофат, оналик меҳри — шоира қаламида улуғворлик ва фожеий қудрат касб этаётган эди. Буни адабий жамоатчилик дарҳол пайқади.

Ҳаёт эса давом этар, Лусила яшаш учун ўқитувчилик қилиб рўзгор тебратаркан, муҳаббат ҳақидаги шеърлари муаллималик маошидан ҳам маҳрум қилишидан хавфсираб, ўзига яширин тахаллус қўйиб олди: Габриэла Мистраль. Бу тахаллус Лусила қаттиқ севган адиблар — италиялик ёзувчи Габриеле д'Аннунцио билан провансаль шоири Фредерик Мистраль исми-шарифларидан жамлаб олинган эди. Габриеле Д'Аннунцио Лусиладан бор-йўғи 26 ёш катта эди, аммо унинг суронли ҳаёти (Биринчи Жаҳон урушида бомбардимончи учувчилар қаторида жанг қилганди) ва жисмоний лаззат туйғуларини маза қилиб тасвирлайдиган, шакл ва чиройли сўзни энг асосий унсур сифатида қўлланадиган романлари, ҳикоялари ва шеърлари асосий жаҳон тилларига таржима қилинган, чунончи, рус тилида 12 жилдли «Асарлар»и нашр этилган машҳур ёзувчи эди. Лирик шоир сифатида д'Аннунцио айниқса, табиат тасвирининг моҳир устаси эди. Фредерик Мистраль эса халқ тилига бой, жонли ва мусиқий еттилик бандлари билан бир томондан трубадурлар шеъриятини эслатса, иккинчи томондан ҳозирги халқ қўшиқларини ёдга соларди. Қадимий ҳаёт гўзалликларини идеаллаштириши, диний дунёқарашлар поклигини шоирона гўзал тил билан улуғлашлари бутун замондошларининг катта муҳаббатини қозонган, машҳур бастакор Гуно унинг бир поэмасини опера қилганди. (Бу шоир Лусила 25 ёшдалигида вафот этган.) У ана шу икки ижодкордан бирининг исмини, иккинчисининг фамилиясини ўзига тахаллус қилиб олди. Унга

айниқса «мистраль» деган сўзнинг шимоли-ғарбдан эсадиган «кучли ва совуқ шамол» деган маъноси жозибали кўринарди.

Габриэла бу йилларда яна бир муҳаббат савдосини бошидан кечирди. Сатьяголик ёш шоир билан севишди, аммо йигит бой бир хонимга уйланиб олганда, Габриэла Сантьягодан бош олиб кетди ва Чилининг ҳиндулар яшайдиган олис бир шаҳри Темукога бориб қизлар лицейининг директори лавозимида ишлай бошлади. Севги изтиробларини эса, шеърларига тўкиб-сочарди. 1921 йилда яна Сантьягога қайтиб келди ва бу ерда Колумбия университетининг профессори Фредерико де Ониснинг кўмагида ўзининг «Чорасизлик» («Desolacion» — 1922) номли илк шеърий тўпламини нашр эттиришга муваффақ бўлди. Ундаги шеърларнинг асосий мавзулари — муҳаббат, оналар муҳаббати, дардчил шахсий хотиралар, жудолик ва тикланиш эди. Китоб бутун шимолий ва жанубий Америка қитъасида катта шуҳрат қозонди. Модернизмда овруповий тақлидгўйлик ҳукм сураётган бир пайтда улкан лирик кучга эга бўлган овоз, муқаллас туйғулар ҳақида фавқулодда самимий ва тўғрилиқ билан сўзлаётган аёл овози — оналикка ташна муҳаббат изтиробларининг фарёли янграган эди.

Ташналикда, очликда ҳатто
Йиғламовдим умримда ҳеч бир.
Висол бахтин бермади Худо,
Мохов қилди мени бир умр.

Қари онам ҳар тун ҳар кеча
Дуо қилар фақат ўзимни.
Лекин энди қиёматгача
Кўз ёшларим ювар юзимни.

Америкалик адабиётшунос Алфред Ортис-Вергас: «Мистраль — давр ҳодисаси, чунки унинг шеърларида давр муҳри ётибди» деб эътироф этди.

1923 йилда «Аёллар учун ўқиш китоби» («Lecturas paragraf Mujeres») номли китобини нашр эттирди. Бу — оналик ва болалик ҳамда миллий тарбия масалаларини қандай қилиб байрам даражасида ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги шеърлар ва ҳикоялардан иборат тўплам эди.

Тақдирнинг баъзи хунарлари аёвсиздир: бахтсизлик бир келса қўша-қўша келаверди. Габриэланинг кутгани бўлди: бирдан

университет маълумоти бўлмаган кадрлар ўқитувчилик қилмаслиги керак, деган қонун чиқди ва уни муаллимлик фаолиятидан четлатдилар. Аммо Ҳақ таолонинг сабрли ва меҳнаткаш одамларга мукофоти борлиги аини ҳақиқатдир. Мистралнинг шоирлик ва педагоглик қобилияти бутун қитъага маълум эди, Мексика таълим вазирлиги уни ишга таклиф қилди ва у мактаблар ва кутубхоналарни ислоҳ қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиб янада катта обрў қозонди. АҚШ ва Оврупо мамлакатларида бўлди ва таълим соҳасида яхши алоқалар ўрнатди.

Кунлардан бир кун у Чилига қайтиб келганида фақат ёру дўстлари, оддий фуқаролар эмас, расмий идора вакиллари ҳам катта ҳурмат-эҳтиромлар билан кутиб олиб, тагин илгари ишлаган йиллари учун нафақа ҳам тайинлашди. Ундан ташқари академик унвони ҳам беришди, бу Чили университетларида испан тили ва адабиёти бўйича профессорлик қилиш ҳуқуқини берарди. Аини чоғда уни ҳукумат таркибига қўшиб Лотин Америкаси маданияти бўйича маслаҳатчи қилишди. Шундан кейин у олдин АҚШга, сўнг Оврупога маърузалар ўқишга кетмакет таклиф қилина бошлади. 1924 йилда Оврупо саёҳатлари асносида Мистраль ўзининг «Назокат» («Тетига») номли шеърий тўпламини чиқарди. Мадридда нашр этилган бу китоб оналарнинг бир қатор ута таъсирчан аллалари ва болалар учун рондолар (фақат икки қофия устига қурилган 13 ё 24 сатрлик шеърлар)дан ташкил топган бўлиб, уларда аёл жисмининг гўзалликларига диққатни тортувчи ва оналик бахтидан маҳрум аёл дардлари акс эттирилган эди. Шундан сўнг у Лотин Америкасига қайтди, Бразилия, Уругвай, Аргентинани кезиб чиқди ва яна ватани Чилига қайтиб, таълим соҳасидаги ишларидан бўшаб, бутунлай пенсияга ўтди. 1925—1934 йиллар давомида Франция ва Италияда яшади, Бирлашган Миллатларнинг Интеллектуал Ҳамкорлиги ташкилотида Лига учун ишлади. Шунингдек Колумбия университетиде дарс берди. Кўпинча Неаполда, Мадридда, Петрополис, Санта-Барбара, Нью-Йорк ва бошқа жойларда Чили консули бўлиб хизмат қилди.

1938 йили Буэнос-Айресда «Тала» («Tala» — сўм, доллар, рубль деганга ўхшаш пулнинг номи) деган шеърий тўплами босилиб чиқдики, бу — шоиранинг диапозони янада кенгайтганини, халқ оғзаки ижодиёти билан янада қаттиқроқ жипслашганини намоиш этди. Унда ғалаёнга келаётган эҳтиросли бир юрак

нинг иқрорлари улкан тарихий жараёнларга қўшилиб бораётган Лотин Америкасидаги миллион-миллион одамларнинг фикр ва туйғулари билан ҳамоҳанг эди. Одамлар онгида кечаётган исён ила сабр ўртасидаги курашлар, дунёвий ва уҳровий муҳаббатнинг манзаралари, реал ҳаёт ахлоқи билан маънавий поклик ахлоқининг тўқнашувлари бутун борлиғи билан шафқатсиз бўёқларда акс эттирилган эди.

Шу йилларда чилилик ёзувчи ва руҳоний Франциско Доносо:

«Мистралнинг деярли барча шеърлари ёш қизнинг Худога ёлбориб айтган муножотларидай таассурот қолдиради. Уларда гоҳ муҳаббат садолари эшитилса, гоҳ юрагида қўрқинчли башорат пайдо бўлганида ғоят кучли чақириқ эшитилади», деб ёзди.

Мистраль жаҳонда биринчи бўлиб ҳиндуларнинг дунёни қандай ҳис қилишини шеърият мулкига айлантирди, ибтидоий ва покиза, анимистик (руҳий) тимсоллар тўла соф ҳиндулар ижодиёти билан испан шеъриятининг минг йиллик анъаналарини бирлаштирди. 40-йилларда Габриэла Мистраль Бразилияда элчи бўлиб ишлаган кезларида у ерда яшаётган миллати немис, келиб чиқиши яҳудий бўлган машҳур ёзувчи Стефан Цвейг ва унинг хотини билан яқиндан танишиб, дўстлашиб қолди. Аммо, таассуфки, бу йилларда гитлеризмнинг яҳудийларни қириб битказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган сиёсати халқаро миқёс касб эта бошлаган эди. Бунга чидолмаган эр-хотин Цвейглар ўз жонларига қасд қилишди. Мистраль бу фожиадан қаттиқ ларзага тушди. Бу ҳам етмагандек, ўзига ўғил қилиб олган жияни Хуан Мигуэль ҳам 17 ёшида ўзини ўзи ўлдирди. Цвейгларнинг ўлими ёш йигитчанинг руҳини ҳам тилка-пора қилганди. Бу энди чидаб бўлмас бир фалокат эди, Мистраль болани бошига кўтариб оламга фарёд солди. Энди унинг ҳар бир сатри жаҳонни ларзага солаётган эди.

1945 йилнинг 15 ноябрида Габриэла Мистралнинг Нобель мукофотига сазовор бўлганлиги эълон қилинди. Лотин Америкасида бундай шарафга биринчи бўлиб сазовор бўлган бу аёл шу йилнинг 15 декабрида Швеция қиролининг ўз қўлидан призни қабул қилиб олди. «Мистралнинг қудратли ҳис-ҳаяжонлардан илҳомланган лирик шеърияти бутун Лотин Америкаси интилишларига ном қўйиб берди», дейишди у ерда сўзга чиққанлар.

Шоира ўзининг жавоб нутқида ўзини чиндан ҳам Лотин Америкаси маданиятининг бир вакили деб билишини эътироф этди ва «дунёдаги маънавият намуналарини биринчи бўлиб кашф этувчи» шведиялик инсонларга ташаккур билдирди.

1947 йилда унга Окленд, Калифорния штатларидаги Заводлар Коллежининг доктори деган юксак унвон берилди. 1951 йилда Чили Ҳукумати анча кечиккан бўлса ҳам, ҳар қалай шоирага Миллий Адабий Мукофот беришга мажбур бўлди. Дарҳақиқат Габриэла Мистралнинг ижодиёти модернистик шеърият намуналарининг энг юксак чўққиси бўлди. Мистралнинг 30-40 йиллардаги шеъриятида севимли, аммо ташлаб кетилган, шахсий оналик бахтидан маҳрум бўлган аёлнинг монументал ва кўп қиррали тимсоли, бутун дунё болаларининг онаси образи кўзга ташланади. Габриэла Мистралнинг шеърияти ватан билан — шоира тугилган Элька дарёси оқадиган водий билан, айни чоғда «катта ватан» Лотин Америкаси билан қондош-жондош эди. Шоиранинг эрксеварлик борасидаги муросасизлиги, ҳар қандай ижтимоий адолатсизликка қарши отилиб чиқишлари, ўзини эзилганларнинг ҳимоячиси деб ҳис қилишлари албатта жаҳон адабий жамоатчилигини бефарқ қолдирмаган эди.

Мистраль шеъриятининг жаҳондаги энг нуфузли мукофот билан тақдирланиши муаллиф руҳидаги халқчилликни асло сусайтиргани йўқ. У ҳамон дипломатик ишларини давом эттирар, аммо Лотин Америкасидаги оғир ҳаёт, зулмлар, эрксизликлар унинг поэтик ҳаётини беҳаловат қилар эди. Мистраль 1954 йилда ўзининг сўнгги шеърий тўплами «Сиқувхона» («Lagar»)ни нашр эттирди. Жанубий Американинг вино заводларида узумни сиқиб, сувини ажратиб чиқарадиган сиқув машинасини «lagar» дейишади. Шоира фақат Лотин Америкасини эмас, жаҳондаги эрксиз мамлакатларнинг ҳаммасини Сиқувхона деб номлаган ва китоб эр-хотин Цвейглар ва жияни Хуан Мигуэлнинг ўлимларига бағишланган эди. Шундан кейинги йилларда у касалликка чалинди ва ишидан бўшаб, Нью-Йоркдаги уйида даволаниб ётди. Аммо 1957 йил 10 январда 67 ёшида ўсма (рак) касалидан вафот этди. Жасади 9 кундан кейин Чилига келтирилди ва шоиранинг болалиги ўтган Молнте-Грандега дафн этилди.

Габриэла Мистраль Чили миллий маданиятининг энг машхур намояндаларидан биридир. Унинг ижоди Чили шеъриятига жуда кучли таъсир ўтказди. Мистраль ўткинчи бўлмаган инсоний қадриятларни кўйлади ва социал адолатсизликнинг ҳар қандай турини табиатан рад этди. Унинг жўшқин, фожиавий ва собит атвори ҳамда оташин, инсонпарвар ва бутун башариятга тушунарли шеърияти ўртасидаги бирлик, бир-бирига монандлик, мунофиқликнинг «м» ҳарфига ҳам яқин йўламайдиган олами Габриэла Мистраль номини тириклик чоғидаёқ аввал афсона, ўлиmidан кейин эса миллий қаҳрамон сифатида тан олиншига сабаб бўлди.

ЭДГАР ПО ила ВИРГИНИЯ

(Муҳаббат ва тақдири илоҳийнинг эрта келган ҳукми)

Эдган Аллан По 27 ёшида ўз аммасининг 12–13 яшар қизи Виргинияга уйланган эди...

Замондошларининг эслашича, Эдгар бу ёшида жуда хушмуомала суҳбатдош бўлиб, олижаноблиги, ақл-заковати билан ҳаммани ўзига ром этар, одамнинг баҳри-дилини очадиган хуштабиат инсон эди ва аёллар уни ҳар доим ҳар қандай шубҳадан холи кўркем йигит деб тилга олишарди. Виргиния ҳам бағоят сулув, шўх-шаддод, кўзлари шаҳю, нозик, салга уялиб-қизариб кета-

диган ориятли қиз эди. Ҳали болалиги ўтмаган бу қизалоқнинг катта-катта кўзлари тимқора, юзлари сутдай оппоқ, тишлари марвариддай товланиб турарди. Рангпар юзи, чақнаб турган кўзлари, қарғаларнинг қанотидай қоп-қора сочлари унинг кўринишига илоҳий тус берарди, деб ёдлашади замондошлари.

Норасида қиз билан бутун Америкага танилиб улгурган шоир Эдгар По ўртасида туғилган бу «даҳшатли муҳаббат»га, табиийки, бу-



тун қариндошлар қарши чиқишганди. Уларнинг Нилсон деган бир амакиваччаси исён кўтариб, Виргиния никоҳ ёшига етгунча онасиникида эмас, бизникида турсин. Вояга етгач бир гап бўлар, деган таклифни илгари сурди. Аммо бу таклифдан Эдгар ҳам, Виргиния ҳам қаттиқ аччиқланишди. Қизнинг онаси уларнинг никоҳига рози бўлди.

Виргиния билан Эдгар Балтиморада яширинча никоҳланишди. Фақат орадан бир йил ўтгач, Виргиния ҳамон никоҳга рухсат бериладиган 14 ёшига 3 ой етмасидан олдин, Ричмондда расмий никоҳдан ўтишди. Аммо никоҳ гувоҳномасида Виргиниянинг ёши 21 да деб кўрсатилган эди.

Улар 11 йил бирга яшадилар, чор-ночор рўзгорларини ҳисобга олмаганда, уларнинг ҳаётини «бахтли ҳаёт» деса бўларди.

Виргиния жуда яхши тилчи ва ажойиб созанда эди, шу қадар чиройли, шу қадар чиройли эдики... Эдди (Эдгар) кўпинча, менинг нозикниҳол, кичкина хотинимдан сулувроқ аёл йўқ оламда, дер эди.

— Эдди ҳар жиҳатдан хонанишин, аҳён-аҳёндагина уйдан кўчага чиқар, доим ёнида севикли Виргинияси ва мен бўлишимизни хоҳлар эди. У чинакамига меҳр-муҳаббатга тўла яхши эр ва садоқатли ўғил эди, мени бугун борлиғи билан ўз онасидай кўрарди. Биз учаламиз бир-биримиз учун яшардик, — деб ёзади Виргиниянинг онаси мистрис Клемм.

Эдгарнинг ўз ота-онаси у икки яшарлигида сил касалидан деярли бир вақтда вафот этишган. Эдгарни Ричмондлик Аллан (Аллэн ҳам дейишади) деган бир бефарзанд киши оилага ўғил қилиб олганди. Улар Эдгарни шахзодалардай кийинтириб, таълим-тарбиясига яхши шароит яратган бўлишларига қарамай, унга ҳақиқий ота-она муҳаббатини беролмагандилар.

Бир куни Эдгар беш яшарлигида бир шўхлик қилиб қўяди. Отаси — мистер Аллан — уни жазоламоқчи бўлади. У ҳимоя истаб онасига югуради. Мен ҳеч нарса қилолмайман, дейди онаси. Эдгар столда турган бир пичоқни олиб, югуриб боққа чиқади ва уч-тўртта новда кўтариб келади. Бу нимаси, деб сўрайди мистер Аллан. Мени жазоланг, деб новдаларни унга узатади ва ечиниб, қўлларини орқасига тутганча энгашиб туради. Мистер Аллан урмайди, албатта. Эдгар ғалаба қилади. Кейинчалик ҳам, у шўхликлари, ёшлик-бебошликлари билан отасини кўп диққат

қилади. Шунда қари тижоратчи ундан юз ўгиради. Мистер Аллан вафот этганда Эддига бир чақалик мерос ҳам қолдирмайди.

Шундай қилиб, умрида чинакам меҳр-муҳаббат кўрмаган Эдгар аммаси ва унинг қизидан меҳр кўриб, ўзини бахтли ҳис қилади. Аммо янги фожиани кўрингки, Виргиния сил касалига мубтало бўлади ва никоҳларининг ўн биринчи йили оғир хасталиқдан 25 ёшида вафот этади. Улар шаҳар чеккасидаги Филадельфия деган жойда кичкина бир уйчада истиқомат қилишарди. Бир куни Виргиния қўшиқ айтади, кейин бирдан ўпкасида қон томири ёрилиб кетади. Бир неча кун тўшакда ўлим билан олишиб ётади. Бир ора тузалгандай ҳам бўлади, аммо бу вақтинчалик эди, у аста-аста ўла бошлайди. Бўғиздан қон келиши бир неча марта такрорланади. Остонада ажал тургани аён эди. Шу пайтларда уларникига келиб турган мистрис Гев-Николс шундай деб хотирлайди:

— Виргиния кетаётган руҳ эканлиги сезиларди. У ҳар гал йўталганда куни битгани яққол кўриниб турарди. Баланд бўйли ва кучли аёл бўлган онаси болалари қаршисида бутун оламларнинг Рабби ва тақдири илоҳийнинг ҳукмини мардона турган ҳақиқий банда, буюк инсон ва буюк ҳайкалдай қотиб турарди. Ўта қашшоқлик, суюкли хотинининг бу тузалмас касали, ўзининг иложсизлиги, ҳеч нарса қўлидан келмаслиги сабабли, По шу аснода ҳар қачонгидан ҳам қаттиқроқ эзилган бир ҳолда эди.

Аслида Эдгар По Виргиниядан олдин ҳам, кейин ҳам ёлғиз қолгани аниқ. У илгари ҳам севган ва севилган, кейин ҳам уйланган, бошқа аёллар билан яшаган... Чунончи, Эдгар 15 ёшида Ричмонддаги мактабдошининг 31 ёшли онаси Елена Стэннэрдни илк бор кўрганда ҳушидан кетаёзган эди. Бу леди уни қўлидан ушлаб, ичкарига олиб кирган ва бир-икки оғиз ширин сўз айтганда, бегона аёлнинг бу эркалатишидан лол бўлиб, ақлдан озишига сал қолган эди. Аммо бу аёл бир-икки ой ўтгач, вафот этганди. Кейин Элмира Рейстер деган бир қиз билан севишди. Эдгар университетга кириб, унга хатлар ёзиб юрди. Аммо хатларни Элмиранинг отаси ушлаб қолиб, тезда қизини эрга бериб юборганди. Кейин Мэри деган қизни севди. Уларнинг ўртасига қизнинг амасиси аралашгач, оралари узилганди. Виргиниянинг ўлимидан сўнг, мистрюс Шю деган ёш бир хонимча билан, Елена Уитмен деган шоира қиз билан, ўлими олдидан яна Элмира билан учрашиб юрди. Аммо Виргиниядан кейинги ҳаёт — ҳаёт бўлмади.

Эдгар Аллан Понинг бутун ижоди фожиавий оҳанглар билан йўғрилган. У умрининг барча айрилиқларини юрагига жуда яқин олди. Айниқса, Виргиниянинг ҳасратини унутолмади. Икки ёшдан то сўнгги кунигача онасининг суврати туширилган медальонни бўйнида олиб юрди. Фожиавий ҳис-туйғулар унинг абадий йўлдоши бўлди. Ичкилик, афьундан берилди, одамлар унга бу ларддан қутулиш кераклигини қайта-қайта уқтиришарди. У эса қутулмасди, балки, қутулишни истамасди ҳам. У ўлимини излар эди. Ва бир кун ўлигини кўчадан топишди.

Илова:

Эдгар Аллан По

Туш ичида туш

Манглайингдан ўпгандим руҳсиз...
 Сен дегандинг: — Хайр, яхши қол...
 Ажралишди сўнгра йўлимиз
 Ва рост чиқди сен айтган малол.
 Ўтиб кетди ҳаётим тушдай,
 Умидга йўқ заррача замир.
 Аммо нетай — тушдами, ҳушда —
 Қора тунми, ёруғ кундами —
 Ўтар экан пилдираб умр...
 Бари ўтди, топмадим нажот,
 Туш ичида туш экан ҳаёт.

Ўтирибман денгиз бўйида,
 Гувуллайти денгиз қуйида.
 Ҳовучимга олдим бир уюм
 Олтинсимон ярқираган қум;
 Қум зарралар бармоқлар аро
 Оқиб тушди сирғалиб ерга.
 Шунда йиғлаб дедим: — Эй Худо,
 Қумни қўлим тутолмас нега?!
 Уни қўлда тутиб қолишга
 Сира имкон тополмам наҳот?
 Ҳамма нарса тахт йўқолишга —
 Туш ичида туш экан ҳаёт.

Қушиқ

Никоҳ кечамизда уялганингдан
Ногоҳ қип-қизардинг — ҳамон ёдимда.
Қолбуки, муҳаббат, олам сен билан,
Саодат сен билан эди ёнингда.

Қўзларингда чақноқ ёғду бор эди,
Яширмасдинг уларни ҳеч бир.
Дунё гузаллиги унга ёр эди
Ва ундан ҳам устун сир ила сеҳр.

У қизиллик балки, қизлик уяти,
Оний бир ҳолатдир, тез ўтиб кетди.
Қизилликнинг аммо бу ҳарорати
Кириб юрагининг тубига етди.

Сен-ла никоҳланиб ёруғ дунёда
Насиб бўлди менга ёнган соатинг.
Гарчи атрофингда ўша аснода
Очилганди гуллаб, бахт-саодатинг.

Энг бахтли кун! Энг бахтли соат!

Энг бахтли кун! Энг бахтли соат!
Қандай мағрур эдим, беақл, беҳуш!
Энди руҳим синиқ, овозимда дард —
Эриб кетди туш!

Ёшликни, жасорат қувончларини,
Етуклик, комиллик кучини кўрдим.
Навқиронлик ўтди, энди барини
Унутиб бўлдим.

Фурур бекор очмиш баҳри дилимни —
Энди ўзгаларга гулчамбар тақар. —
Ҳамон мақтовларнинг аёвсиз заҳри
Ичимни ёқар.

Энг бахтли кун! Энг бахтли соат!
Сен ёлғон туш эмас, эмасдинг-ку хоб?
Завқ бердинг, сўнг нечун йўқ бўлдинг бевақт,
Эй, олтин сароб?!

Ул ғурур ва омад, ҳукмронликни
Яна бир бор қўлга киритсам эдим,
Бу гал завқ ва азоб исмли юкни
Қўтаролмасдим.

Қанотларимга куч берилган онда
Заҳар ҳам берилган экан аслида,
Қулаш аломати бўлган экан-да
Парвоз фаслида.

Жаннатдаги бир кимсага

Мен нимага интиланган бўлсам
Барин сендан топгандим, эй хур.
Менга бўлдинг меҳроб ҳам, боғ ҳам,
Тоза жилғам — қулф урган биллур.
Пешонамга битганди олам —
Муъжизавий мева, гул ва нур.

Аммо сўндинг, умрим қуёши!
Туш экан-ку ушалган армон!
Бахт онлари қочаркан шошиб,
«Кетдик олға!» — дер экан замон.
Руҳим чуқиб борар увишиб...
Руҳим ул вақт шарпаларидан
Қўзларини узолмас бир он.

Тўсар аммо қоронги йиллар
Девор бўлиб менинг йўлимни.
«Ортда қолди гўзал манзиллар!» —
Деб тўлқинлар ўнгу сўлимни
Тулдирарлар шивирга беқут.
Эманни гар йиқитса еллар,
Қанча қанот қоқмасин бургут,
Уни қайта қилолмайди бут.

Эртак каби ўтар кунларим.
Кечалари эса ҳаёллар
Сен яшаган сукут эллари —
Чексизликлар сари йўл олар.

У ёқда сен учиб юрибсан.
Ул дарёда бир ажиб ҳоллар...
Бу ёқда мен сенсиз яшайман
Ва мажнундай йиғлайди толлар.

Альбомга

Френсис Саржант Осгудга

Агар севилмоқни истасанг, гузал,
Йўлингга, ўзингнинг ҳолингга ишон.
Қандай бўлсанг шундай бўлгин ҳар маҳал,
Бошқача бўлайин, дема ҳеч қачон.
Кузларинг чиройли, юзинг чиройли,
Ўзингни қўрқувдан айлагин халос.
Сени мақтамаслик — ута беорлик,
Сени севмоқ эса оддий бурч холос.

* * *

... га

Сенинг юрагингга буйруқ бермоқни,
Сенга гов бўлмоқни эплашим маҳол.
Минглаб шоҳлар аро сен каби шоҳни
Ўзим танлаганман, ҳеч олмай малол.
Муҳаббатнинг сокин оппоқ қасридан
Бехатар бошпана топдик хотиржам.
Бундан озроғига, дўстим, аслида
Рози бўлармидик иккаламиз ҳам?

Туйғулар муқаддас бўлса, у замон
Ишқнинг ҳалокатли далговларидан,
Эркакнинг эркаклик оловларидан
Оғалик туйғуси сақлайди омон.
Ишқнинг яккаҳоким қонунин бузсак,
Икки карра бахтли бўлгаймиз, санам,
Унга руҳий дўстлик мақомин қўшсак,
Рози бўлмаймизми ё иккимиз ҳам?

Илоҳий шоҳ бўлмаган асло

Илоҳий шоҳ бўлмаган асло,
Аммо Эллен бундан мустасно.
Бундай шоҳга жону тан фидо,
Кишан солса севили ҳатто.

Бу ҳукмдор эғаллаган тахт
Фил суякдан иборатдир нақ.
Давлатининг бўсағасидан
Гуноҳчилар ўтолмас зотан.

Оҳ, сени бир қучсайдим, Эллен,
Шаҳаншоҳим дердим сени мен.
Ҳар ҳукмингга турардим қойим:
Шоҳ не деса ҳақ бўлар доим!

Жозеф Локка аталган байтлар

Бу олифута ишлайди жадал.
Уни қачон оларкин ажал?
Эрталабки йўқламаларга
Отда учиб борар ҳар маҳал.
Номи машҳур олим-ла адаш —
Исми унинг жуда илоҳий.
Олим — доҳий фикрда яккаш,
Бу — чақув хат бобида доҳий.

ВИРГИНИЯ ШТАТИДАН ЧИҚҚАН РОМЕО билан ЖУЛЬЕТТА

(Жанубий Америкада ривоятга айланган бир севги тарихи)



Виргиния штатида Патрик Генри деган бир содиқ ватанпарвар ва ажойиб адвокат яшар эди.

У мустақиллик учун кураш йилларида бутун мамлакатга тезда тарқалган «Озодлик ёки ўлим!» деган машҳур чақириғи билангина эмас, кундалик ҳаётда ва суд жараёнларида чиқарган доно қарорлари билан ҳам донг таратган эди.

У ҳақда Шимолда ва Жанубда нима-ларни ривоят қилишмайди, дейсиз? Аммо ҳаммадан кўпроқ Виргиния штатида уни кўп таърифлашади. Улардан бирини сизларга айтиб берайлик. Сиз эса ўз навбатида уни бошқаларга сўйлаб берарсиз, чунки бу воқеада одамни кулдириб юборадиган зап ажойиб ибратли жиҳатлари бор.

Бу дунёда бир йигитча яшарди, у навниҳол бир қизни яхши кўриб қолди, бундай воқеа эса, Одам Ато замонидан бери кўпинча содир бўлиб туради. Ҳа, лекин бу виргиниялик Жульетта анча-мунча ёш эди, Қонун эса ундайларга уйланишни тақиқлайди. Ҳаммадан ҳам ёмони, қизнинг отаси у айнан шу йигитчага эрга тегишини истамас эди.

Аммо ошиқ-маъшуқларга на қонун, на отанинг истаклари кўрсатма бўла олади, одамлар муҳаббат нималигини билганларидан буён ҳамма вақт шундай бўлиб келган. Лекин Виргинияда ота-онанинг уйдан қочиб кетиб, яширинча никоҳдан ўтадиган ажойиб бир эски одат бор. Бўлар иш бўлгандан кейин кўпчилик ота-оналар ёшларни кечиришар ва ҳаммасини унутишарди.

Аммо уйдан қочган бундай жуфтларнинг йўлида жиддий нохушликлар юз бериши ҳам бор эди. Чунки Виргиния штатининг қонунларига кўра, ҳали анча ёш бўлган қизларни обқочган йигитларни турмага тикишар, сўнг у ердан тез чиқаришмасди. Шундай бўлгач, ёш ошиқ-маъшуклар уйдан қочиб, эр-хотин бўлиб олсалар, келгусида қандай машаққатларга дучор бўлажакларини тасаввур қилиб тургандирсиз.

Ёш Виргиниялик қандай қилиб севги нохушликларининг олдини олиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб бош қотирди. Нима қилса бўларкин-а?

Шунда бирдан Патрик Генри эсига тушиб қолди: отаси доим Патрикнинг калласи энг тиниқ калла, бутун штатда қонунни ундан яхши биладиган одам йўқ, дер эди. Шунинг учун у Патрикнинг олдига кетди ва ўзининг ғамгин тарихини айтиб берди.

Адвокат ҳамма гапни диққат билан эшитди, сўнг чиройли жилмайди.

— Сиз бу ёш хонимчангизни жудаям яхши кўрасизми?

— Жонимни беришга тайёрман. Мен унга уйланиб, турмага тушмаслик учун бутун бор-йўғимни берган бўлардим.

— Бор-йўғингизни берасизми? Мана бу зўр гап бўлди. Ҳатто юз олтин гинея (инглизларда 1817 йилгача чиқарилган олтин танга) бера оласизми?

— Жоним билан, сэр! Отам менга шунча пул беради, албатта.

— Бўпти, янаям яхши, бу гап менга жудаям маъқул. Мен сизнинг уйланишингизни қойиллатиб йўлга қўйиб бераман, ўз қойилмақом уйингизда бемалол яшайверасиз, ҳеч ким сизни турмага тиколмайди.

— О, мистер Генри, хизматингизни ўла-ўлгунимча унутмайман!

— Жуда яхши, жуда яхши. Эртага менинг идорамга ёш хонимчангиз билан келинг, мен ишни қандай ташкил қилишимизни айтаман.

Шундай қилиб севишган жуфт — ғайрати ичига сиғмаётган йигит ва виргиниялик қизларга хос кўтаринки руҳли ёш хонимча Патрик Генрининг идорасига келишди.

Патрик Генрикларни илиқ кутиб олди ва бўлажак келин болага шундай деб мурожаат қилди:

— Қизалоғим, сизга муносиб йигит билан никоҳдан ўтишингизга қаршилиқ қилаётган мурувватли отангиз уйдан чиқиб кетганда, отхонангизга боринг-да, у ердаги энг учқур аргумоқни танлаб олинг.

Кейин иложи борица тезлик билан севикли йигитингиз билан учрашадиган жойга боринг, у ерда йигитча сизни кутиб турадилар...

Сиз, яхши йигит, хонимчангиз учрашув ерига етиб келганда, ўша отга, фақат хонимчанинг орқа томонига мининг! Эсингизда бўлсин: орқа томонига! Отни хоним учуриб кетадилар ва тўппатўғри руҳоний олдига бошқариб борадилар, у сизларни никоҳлаб қўяди... Ёдингизда бўлсин, гўзал хоним, жилов албатта сизнинг қўлингизда бўлиши отни сиз ҳайдашингиз керак, қаллиқ йигитингиз орқангизда ўтирсин ва сизни белингиздан кучоқлаб кетсин. Никоҳланиб бўлгандан кейин отангизнинг олдига боринг ва эр-хотин бўлганингизни айтинг. Агар мурувватли отангиз қайсарлик қилиб ҳалиям ўша сўзида турса ва сизларни судга берса, мен сизларнинг ҳимоячингиз бўламан. Яна шуни ҳам унутмангки, гўзал хоним, судда уйдан қочиш воқеаси қандай амалга оширилганини аниқ-аниқ сўзлашингиз керак бўлади, ана шунда сизлар уйга бешикаст, эсон-омон қайтасизлар, деб ваъда бераман. Ҳеч қачон севгили эрингизни турмага кўргани бормайсиз. Энг муҳими, сизлар қандай қочганингиз ва қандай эр-хотин бўлганингизни қандай бўлса шундай ҳикоя қилишда!

Қиз ҳаммасини аниқ бажо келтиришга ваъда берди. Улар адвокатга ташаккур билдириб, қайтиб кетишди.

Шундан кейин орадан кўп ўтмай, ёш хонимча отаси уйдан чиқиб кетадиган вақтни билиб олиб, бўлажак куёв билан учрашишга келишиб олди. Йўлига тўсқинлик қиладиган одам йўқ эди, у отхонадан энг учқур отни танлаб олди ва учрашув жойига от чоптириб борди. Йигит худди адвокат айтганидай унинг орқасидан отга минди, шундан кейин қиз отни тўппа-тўғри руҳонийнинг олдига йўрттириб кетди. Руҳоний шу ондаёқ уларни бутун расм-русм билан никоҳлаб қўйди. Шундан сўнг улар қизнинг отаси олдига бориб, ҳаммасини рўйи-рост тан олишди.

Аслзода жаноб қаттиқ ғазабланди. У қизини бир кун ҳужрага қамаб, устидан қулфлаб қўйди ва ёш эрни судга берди. У йигитни умрбод қамаб қўйишни талаб қилган эди. Суд куни ҳам етиб келди. Судда иккала оила аъзолари ҳам қатнашарди, суд зали тўла эди. Бунинг устига-устак ҳаммаёқда, ҳимояга нақ Патрик Генрининг ўзи қатнашаркан, деган овоза тарқалганлиги сабабли, ҳаммаёқдан фақат уни эшитгани одамлар оқиб келишарди. Ғазабланган ота томоннинг айбловчи адвокати ўрнидан қўзғалиб, дарров сўзга чиқди, аммо нутқи узоқ чўзилмади. У фақат ёш нобакор Виргиния штатининг қонунларига хилоф равишда

иш тутиб, балоғат ёшига етмаган қизни хотин қилиш учун олиб қочганини, шу сабабли суд одил қарор чиқариб, уни турмага жўнатиши кераклигини айтди, холос.

Кейин Патрик Генри ўрнидан турди.

— Муҳтарам жаноби олийлари, — деб судьяга мурожаат қилди у, — шахсан мен бу иш бўйича нима дейишни ҳам билмайман, далилларим жуда оз. Мен юз берган олиб қочиш воқеасини батафсил айтиб бериш учун фариштадай ажойиб келинчагимизни бу ерга чақиришни таклиф қиламан, чунки менинг ҳамкасам бу борала менинг мижозимни айбламоқда. Муҳтарам жаноби олийлари, агар қизнинг ўзини эшитсак, бу ёқимтой йигитчани совуқ турмага жўнатиш керакми ё севикли маъшуқаси билан бирга уйига қайтариб юбориш керакми, деган масалани ҳал қилиш осонроқ кўчади.

Кейин, қизга мурожаат қилиб:

— Сиздан илтимос, ойимтилла, жаноби олийларига воқеа қандай юз берганини аниқ ва батафсил сўйлаб беринг. Ёдингизга олиб ҳаммасини аниқ сўзланг! — деди.

Қип-қизариб кетган ёш келинчак гувоҳлик жойига кўтарилди. У бир оз ҳаяжонланар, аммо тутилмасдан аниқ-равшан гапирарди.

Ҳаммаси мана бундай бўлди, муҳтарам жаноби олийлари. Ўтган чоршанба куни эрталаб мен отхонамизга бориб, Шаҳзода Юлдуз деган аргумоғимизни танлаб олдим ва севикли қайлигимнинг олдига чоптириб бордим. У орқамдан тирмашиб отга минди. Отни ўзим ҳайдадим, у орқамда ўтирди. Биз руҳонийнинг олдига учиб бордик ва у бизни никоҳлаб қўйди.

Шунда Патрик Генри ўрнидан туриб:

— Демак, сиз уни орқангизга ўтқаздингиз ва руҳонийнинг олдига олиб қочдингиз, шундай демоқчимисиз? — деб сўради.

— Ҳа, сэр, худди шундай. Уни мен олиб қочдим.

Суд залида қаҳқаҳа янгради.

— Мана, кўрдингизми, муҳтарам жаноби олийлари, — деди Патрик Генри, — йигит очилган гулдай бу хонимчани умуман олиб қочмаган.

Масала аниқ: қизнинг ўзи бу йигит билан бирга қочган. Шунинг учун Сиз, албатта, бу олийҳиммат ва ажойиб йигитнинг шахсан ўзи ҳеч кимни олиб қочмагани учун, уни турмага ўтқазмайсиз, деб уйлайман. Судья ҳам, залда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам, ҳатто ғазабланган ота ҳам узоқ вақтгача роса мириқиб кулишди. Шундай қилиб Патрик Генрининг ақлли маслаҳати туфайли бутун жамоатнинг хурсандчилигига ҳаммаси яхши ҳал бўлди.

ПАБЛО НЕРУДА билан БЕЛЛА АХМАДУЛИНА

(Атлантика узра самовий дуэт)



Шоирлар ҳаётининг айрим лаҳзалари — оний кайфиятлари, муҳаббатлари, эҳтиромлари, нафратлари акс этган аллақандай са-
ноқли сатрлар одамни ҳайратга со-
лади, ҳаёлини безовта қилиб,
ўлим ва ҳаёт, мангулик ва ўткин-
чи умр ҳақида ўйлатадики, қизиқ,
ана шу арзимаган сатрлар одам-
нинг ҳаёлида бутун бир бошли
тарихий даврлар манзарасини
тиклайди. Не-не тақдирлар, не-
не таржимаи ҳолларни одамнинг

кўз ўнгидан ўтказди.

Мана, бир мисол.

Икки шоир, икки тақдир ва улар
ўртасида аллақандай илоҳий риш-
талар...

Бири Атлантика уммонининг
нариги томонида, Жанубий Амери-
ка қитъасининг кичик бир мамла-
кати — Чилида яшайди. Иккинчи-
си Атлантиканинг бериги томонида,
йўқ-йўқ, соҳилдаги мамлакатларнинг
бирида эмас, Овроосиё қитъасининг



олис бир марказида — Москвада яшайди. Бири — 1904 йилда туғилган, иккинчиси эса 1937 йилнинг фарзанди. Ораларида минг-минглаб километр масофадан ташқари, 33 йиллик тафовут ҳам бор.

Бири — Пабло Неруда, иккинчиси — Белла Аҳмадулина.

Пабло тинимсиз ёмғирлар, узлуксиз сув тошқинлари, тоғлар, ям-яшил ўтлоқлар — ёввойи табиат қўйнида улғайган, меҳнаткаш халқ ҳаётининг 10–20 йиллардаги барча машаққатларини ўз кўзи билан кўриб, қалби жароҳатланган, ўткир кўзли, катта ҳиссиётли шеърлар ёза бошлаган бақувват шоир бола эди.

Белла эса Россиянинг қорли-қировли, қалин ўрмонларида ўсган ва у ҳам 30-йилларнинг очарчиликлари ва уруш даврининг барча фожиа ва машаққатларини ўз бошидан кечирган, нозик қалбли, кузатувчан ва ҳаёлчан, бениҳоя гўзал бир қиз эди.

Пабло ўз ота фамилиясини яшириб, чехча Неруда тахаллуси билан (шеър ёзишини отасига билдирмаслик учун, чунки отаси шоирликни менсимас эди) Пединститутда ўқиб юрган талаба-лик пайтидаёқ икки шеърый тўпламини эълон қилган ва иккинчи китоби «Муҳаббат ҳақида 20 шеър ва битта умидсизлик қўшиғи» туфайли фақат Чили эмас, бутун Лотин Америкасида танила бошлаган эди асрнинг биринчи чорагида.

Белла эса ҳали мактаб ўқувчиси бўлган чоғлари шеър ёзиб, барча дугоналари ўртасида ҳурмат қозонган, шўх, айни чоғда кўзларида ҳаёт озорлари акс этиб турган, айтиш мумкинки, тугма шоира эди.

Пабло жаҳонгашта эди, 25 ёшидаёқ Рангунда (Бирма) Чили консули бўлиб ишлаган, кейин Цейлон (Шри Ланка), Сингапур, Испания, Франция, Мексикада ва бошқа жойларда ҳам консуллик қилганди. 40 ёшга етар-етмас «Тураржойим — Замин», «Испания — юрагимда», «Башар қўшиғи», «Узум сўрилари ва шамол», «Оддий нарсаларга қасидалар», «Муҳаббат ҳақида 100 сонет» каби ўнлаб китобларини эълон қилган, юқорида тилга олганимиз «Муҳаббат ҳақида 20 шеър ва битта умидсизлик қўшиғи» китобининг тиражи бир миллион нусхага етган эди.

Белланинг бу ёшида уч-тўрттагина юпқа китоблари чиққан, аммо у ҳам миллион-миллион мухлисларга эга эди.

Жаҳон халқларининг эркинлиги ва озодлиги учун курашувчи шоир сифатида танилган Пабло Неруда бир қанча халқаро мукофотлар, шу жумладан, Нобель мукофотига ҳам сазовор бўлган улуг инсон эди.

Қизиқ бир далолат:

Пабло Неруда узоқ йиллик консуллик вазифаларидан сўнг, 1943 йили 39 ёшида Чилига қайтади. Бу ерда аҳвол кетганида қандай бўлса, ўшандай эди. Мудроқ далалар, қишлоқлар, мактабсиз қасабалар, камбағал чувринди болалар ҳолидан ҳеч ким хабар олмас эди. Ҳокимлар, ҳукмдорлар, бойлар, бойваччалар дала-боғларда ва муҳташам кўнгилочар сайилгоҳ ва қасрларда айшдан ортишмас, худди ҳамма худони унутганга ўшарди. Одамгарчилик, бечораларнинг кўнглини кўтариш деган нарсаси йўқ эди. Неруда, шубҳасиз, меҳнаткашлар, мис ва селитра кони ишчилари, темирйўлчилар ва ҳимоясиз деҳқонлар томонида туриб, уларнинг бахт-саодати учун кураш бошлади ва улар буни яхши ҳис қилдилар. 1945 йилда уни парламентга сенатор қилиб сайладилар. Энди президент сайлови бўлиши керак эди. Меҳнаткашлар ўз сафларидаги «агар президент бўлсам умрим бўйи адолат учун курашаман» деб қасам ичган бир кишини президентликка номзод қилиб кўрсатадилар. Пабло Неруда бу номзоднинг ўтиши учун бутун ишчи ва деҳқонларни ва умуман бутун миллатни оёққа турғазиб катта тарғибот иши олиб боради. Ва у киши президент бўлиб сайланади.

Аммо у сайлангач, ўзбекча айтганда «эски чоригини унутиб», мансаб учун катта мулкдорларга қўшилиб кетади. 1948 йилда Неруда парламентда «Мен айблайман!» деган нутқ сўзлайди. Шунда у қонундан ташқари деб эълон қилинади, полиция уни қамоққа олиш тўғрисида буйруқ олади.

П.Неруда бир ярим йил Чилида яширин ҳолда яшайди ва 1949 йил Парижга қочиб кетади. 1952 йили ватанига қайтади. 1969 йилда уни президентликка номзод қилиб кўрсатадилар. Аммо Неруда демократик партия номзоди Салвадор Альенде ҳисобига ўз номзодини қайтариб олади. 1971 йилда коалицион (партияларнинг биргаликда тузган) ҳукумат Сальвадор Альендени сайлайди. П. Неруда дастлаб Чилининг Франциядаги элчиси бўлиб, сўнг Маданият Вазири бўлиб ишлайди.

1973 йилда генерал Пиночет бошчилигидаги ҳарбийлар ҳукумат тўнтариши қилиб, ҳокимиятни қўлга оладилар. Пабло Неруда уй қамоғида сақланади. У 23 сентябрь 1973 йилда вафот этади.

У вафот этганда ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган, аммо нашр учун тайёрланган бир қанча шеърӣ тўпламлари топилди ва тез орада «Саволлар китоби», «Элегия», «Ёзги боғ», «Денгиз ва жомлар» каби китоблари эълон қилинади. Сўнгра шоирнинг

асарлари жамланиб, Москвада унинг 4 жилдлик «Танланган асарлари» чиқарилади. Сўнгги тўпلامлари орасида бир шеър Белла Аҳмадулинага бағишланган эди.

Пабло Неруда ва унга ўхшаш коммунист ижодкорлар учун СССР деб аталган «қизил империя» олдинлари гарчи адолат рамзи бўлиб кўринса-да, кейинчалик ичкаридаги асил аҳволни пайқай бошлаган эдилар. Неруда ўз шеърида чинакам шоира Белла Аҳмадулинанинг қадрсизлигини кўриб, унга юраги ачишганлигини ифодалайди.

Бу томонда Никита Хрущёв етакчилигидаги ҳукумат бошлиқлари 1953 йили И.Сталин ўлимидан сўнг «Сталин шахсига сифиниш оқибатларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилгандилар. Бу қарордан сўнг «қизил империя» ичида «илиқ мавсум» бошланган, фуқаролар эркинлиги ва ошкоралик муҳити бир мунча авж олган эди. Москвада айниқса «Новый мир» ва «Юность» журналлари атрофидаги ижодкорлар ўтган даврлардаги қонунсизликларни ойма-ой фош этар ва бадий асарларда ростлик, тўғрилиқ, ҳақиқат бора-сида илғор фикрларни ўртага қўядилар. Булар орасида Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Андрей Вознесенский ва Белла Аҳмадулина етакчи ўринда турардилар. Жаҳон ахборот агентликлари уларни «аччиқланган ёшлар» деб таърифларди. Янги йўлбошчилар уларнинг китобларини чиқармасликка, тарқатмасликка тиришар, қандай бўлмасин, йўлларини ёпмоқчи бўлардилар.

Москвага тез-тез келиб турадиган ва «Адабиётчилар Уйи»нинг азиз ва муҳтарам меҳмони бўлиб турадиган Пабло Неруда шу кезларда Белла Аҳмадулинани кўрган ва унга меҳри тушган бўлиши турган гап. Аммо Белла Аҳмадулина бундан бехабар эди... Фақат 1974 йили, П.Неруда вафотидан кейин, унинг тўрт жилдлик шеърлари ичида ўзига бағишланган шеърни ўқийди ва унга жавоб шеъри ёзади.

Мен бу шеърларни ўқиб, руҳи бир-бирига жуда яқин бўлган ажойиб инсонларнинг бу ёзишмаларини Атлантика узра самовий дуэтдай тасаввур қилдим ва уларни таржима қилиб ўзбек ўқувчиларимга ҳавола этишни лозим топдим.

Пабло Неруда

Шошманг, хайрлашув олдидан ўпгим келяпти
Аҳмадулинани; бу кафе ғира-шира қоронғи,
курсиларга қоқилиб кетмай ишқилиб;
хув ана бурчакда — сочларининг шуъласи,

чиройли лаблари ловулар
худди Гренада чиннигулидай,
мовий шуъла эса тепадан эмас,
булбулни эҳтиётлаб тишлаганча
ўрмондан чиқиб келган қоплон кўзларидан —
ўтли кўзларидан таралаётир;
ана ўзи, тақдирлар атиргули,
тунги чирилдоқдай ўтирилди;
маржон тизиб сеҳрли тиканаклардан,
англашилмас нарсаларни қуйлар оддийгина қилиб;
хушовоз денгиз парисини
сахрода суздирмоқ ниятида
ҳийла билан қўлга олингандай
ҳамма ерда қадрсиз-қадрсиз у.

Белла Аҳмадулина

Пабло Нерудага кечиккан жавоб

Агарда рост бўлса Унинг юлдузи
чайқалгани, учиб тушгани,
қайдан келди менга Паблонинг сузи,
қайга борсин менинг жавобим, қани?

Қай нурли, ғалати юксакликдан у
шоир кўзи билан боқдийкин дунёга?
Шоир назар солса биз ҳаммамиз — шу:
айланиб қоламиз малак сиймога.

Ул қоронғи кафе ғира-ширасида
булгандай бўлолмам юз йилда ҳам
менга илтифотли, бундайин жуда
гузал сатрларда куйланган санам.

Бўлганмикин, зеро, ҳодиса шу тарз?
Бу, балки, улуг шахс хаёлидир.
Аммо мени қандай кўрган бўлса шоир
Шундай бўлмоғим шарт. Бу — мен учун қарз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Шарқ

Юсуф билан Зулайҳо

1. Куръони карим. Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли таржима-си. “Чўлпон” нашриёти, Тошкент, 1992. Юсуф сураси.
2. Kur'an-э kerim ve усе meali. Abdullah Ayden tercumesi. “Ayden” уауэнеvi, Эстанбул, 1967. Sureть Ўсuf.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2000–2010.
4. Советский энциклопедический словарь. Издательство “Советская энциклопедия”. Москва, 1980.
5. Эslam ansiklopedisi. 13 cilt. Milli epiritim basэmevi. Эстанбул, 1980–1988.
6. Ислам. Энциклопедический словарь. Наука. Москва, 1991.
7. Библейская энциклопедия. Труд и издание Архимандрита Никифора. Москва, 1891. Репринтное издание. М.: ТЕРРА, 1990. Юсифь, стр. 363–367.
8. Краткая литературная энциклопедия в 10 томах. Издательство “Советская энциклопедия”. Москва, 1962–1975.
9. Абу Хомид Фаззолий. “Мукошафат-ул кулуб”. Ишқ. “Адолат” нашриёти, Тошкент, 2002. 1-нашри. “Янги аср авлоди” нашриёти, 2004.2-нашри, 47 бет.
10. Кул Гали. Сказание о Юсуфе. Перевод Сергея Иванова. Татарское книжное издательство. Казань, 1985.
11. Дурбек. Юсуф и Зулейха. Поэма. Перевод Сергея Северцева. Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма. Ташкент, 1980.
12. Абдурахмон Жомий. Юсуф ва Зулайҳо. Назармат таржимаси. “Абдурахмон Жомий” китобида. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1966.

13. Абдуррахман Джами. Юсуф и Зулейха. Перевод С. Липкина. В книге. 'Абдуррахман Джами. Лирика, Поэмы. Весенний сад. Изд. "Адиб". Душанбе, 1989.

14. Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. III жилд. Юсуф ва Зулайҳо. Жомийдан таржима. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1874.

15. Ян Райнис. Иосиф и его братья. Трагедия. В кн. "Избранные сочинения". Москва-Ленинград, 1935.

16. Томас Манн. Иосиф и его братья. Роман в семи разделах. Издательство "Правда". Москва, 1987.

17. Nazim Hikmet. "Yusuf ve Zeliha". Nazim Hikmet, Бütün eserleri. 8 ciltlik. Cilt 6 da. 147-226 sahifeler. "Narodna prosveta". Sofya, 1971.

Хусрав, Ширин ила Фарҳод

1. Юқорида саналган 3, 4, 8 энциклопедиялар.

2. Фирдавсий. "Хусрав Парвез ва Ширин достони". Жуманиёз Жабборов таржимаси. "Шоҳнома". 3 жилдлик. III жилд. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1977.

3. Низами. "Хосров ва Ширин". Расул Рза таржумаси. Озарбайжон Елмлар Академияси нашриййати. Бақы, 1962.

4. Алишер Навоий. "Фарҳод ва Ширин". Алишер Навоий. "Мукамал асарлар тўплами". 20 томлик. Саккизинчи томда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг "Фан" нашриёти. Тошкент, 1991.

5. Nazem Hikmet. Bir аюк masale. (Юқоридаги китоб, 61-146 бетлар.)

Лайли ила Мажнун

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб. "Адолат" нашриёти, Т. 2002. 1-нашри. "Янги аср авлоди" нашриёти, 2-нашри. Т. 2004, Ишқ. 47-48 б.

2. Носир Хисрав. "Сафарнома". "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик кампанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2003.

3. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Олти китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. 1-2 китоблар. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, 2001. 4-6 китоб-

лар, Техрон, 2004. Румийнинг Лайли ва Мажнун ҳақидаги маснавийларини Миразиз Аъзам ҳам таржима қилган. (“Саодат” журнали, “Ўзбекистон овози” газетасида 1990-йилларда босилган. “Шарқ юлдузи” журнали 2010 йил 2-сонида қайта эълон қилди) Миразиз Аъзам. “Кузги япроқлар” деб номланган девонида 302,310, 324–327 бб.да ҳам нашр этилди.

4. Библиотека всемирной литературы в 400 тт. Арабская поэзия средних веков. Изд. “Художественная литература”. Москва, 1975. Меджнун ибн Муаллах.

5. Низами Гянджеви. “Собр. соч. в пяти т.” Том третий: “Лейли и Меджнун”. Перевод с фарси Татьяны Стрешневой. Изд-во “Худож. лит”. Москва, 1986.

6. Абдурахмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Тожиқчадан Олимжон Бӯриев таржимаси. Масъул муҳаррир Азиз Қаюмов. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1989.

7. Алишер Навоий. “Мукаммал асарлар тўплами”. 20 жилд. “Лайли ва Мажнун” Тўққизинчи жилд. “Фан” нашриёти. Тошкент, 1992.

8. Ғузулий. Асарлар. 2 жилдлик. “Лайли ва Мажнун”. Иккинчи жилд. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1968.

9. Аветик Исаакян. Изб. произв. в 2х тт. Гос. изд-ва худ. лит-ры. М. 1960.

Абу Нувос билан Жинон

1. Арабская поэзия средних веков. Абу Нувас. Юқоридаги китоб (4).

2. Абу-ль-Фарадж аль-Исфахани. “Книга песен”. Издательство “Наука”. Главная редакция восточной литературы. Москва, 1980. Страницы 570–578.

Ҳотам билан Мовия

1 Эslam ansiklopedisi. 13 ciltlik. 5 (I) cilt. 371-372 sah.

2. Ау-льФарадж аль-Исфахани. “Хотим”. Юқоридаги китоб. 137–157-бб.

Абу-ль-Атахия билан Утба

1. Арабская поэзия средних веков. Юқоридаги китоб (4).
2. Абу-ль-Фарадж аль-Исфахани. “Атахия”. Юқоридаги китоб. 158-187 бб.

Шайх Санъон билан Тумор (Тамара)

1. Фарииддин Аттор. “Мантиқ ут-тайр”. Нажмиддин Комиловнинг “Илоҳийнома” номли насрий таржима, талқин, тафсир китобида “Шайх Санъон қиссаси”. 53-65 бб. “Ёзувчи” нашриёти. Тошкент, 1994.
2. Алишер Навоий. “Мукаммал асарлар тўплами”. 20 томлик. 12 том “Лисон ут-тайр”. 95-135 бетлар. “Фан” нашриёти. Тошкент, 1996.
3. Хусайн Жовид. “Шайх Санъон”. Озарбайжон Элмлар Академияси нашрийати. Баки, 1986.

Амир Темур билан Бибиҳоним

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
2. Ибн Арабшоҳ. “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-2 китоб. Арабчадан Убайдулла Уватов таржимаси. “Меҳнат” нашриёти, Тошкент, 1992.
3. Клавиho. “Самарқандга, Темур саройига қилинган саёҳат кундалиги (1403-1406)”дан. “Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида” тўпламида Бурибой Аҳмедов таржимаси. “Ўқитувчи” нашриёти, Т. 1996.
4. Герман Вамбери. “Характеристика Тимура”. В книге “Тамерлан”. Изд-во “Гураш”. Москва, 1992.
5. Mustafa Kafalé. “Timur”. Эslam ansiklopedisi. 12 (1) cilt. 336-346 s.
6. Юрий Халаминский. “Дорогами легенд”. Изд-во “Советский художник”. Москва, 1967. “Столица Тамерлана”, стр. 83-104.
7. Бурибой Аҳмедов. “Амир Темур”. Тарихий роман. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1995.
8. Турғун Файзиев. “Темурийлар шажараси”. “Ёзувчи” нашриёти — “Хазина”, Тошкент, 1995.
9. Турғун Файзиев. “Темурий маликалар”. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1994.

10. Эдгар Аллан По. Собрание соч. В 4 тт. Изд-во "Пресса". Москва, 1993 "Тамерлан", стр. 181-186. Пер. с англ.яз. Валерия Брюсова. "Темур", русчадан Миразиз Аъзам таржимаси. "Жаҳон адабиёти" журнали.2006 № 4.

Халил Султон билан Шодия

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.
2. Абдураззоқ Самарқандий. "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн". "Фан" нашриёти. Тошкент, 1969. 59-90, 169 бб.
3. Ибн Арабшоҳ. Юқоридаги китоб.
4. Hans R.Roemer. Timurular. Ёslam ansiklopedisi. 12 (1) cilt 346-370 s.
5. Бўрибой Аҳмедов. Амир Темур. Юқоридаги китоб.
6. Турғун Файзиев. Темурийлар шажараси. Юқоридаги китоб.

Хуррам ила Аржуманд (Шоҳ Жаҳон билан Мумтоз Маҳал)

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
2. T.W.Наэг. "Юаh Cihan". Ёslam ansiklopesdisi. 11 cilt. 274-275 s.
3. H.Beveredge. "Мъmtaz-mahal". Islm ansiklopedisi. 8 cilt.800 s.
4. T.W.Наэг. "Тас Mahal" Ёslam ansiklopedisi. 11 cilt: 615-616 s.

Қрим Гаройхон билан Мария

1. А.С. Пушкин. "Боғчасарой фонтани". Русчадан Ҳамид Ғулом таржимаси. А.С.Пушкин . Танланган асарлар. 4 томлик. Ўзбекистон Давлат нашриёти. Тошкент, 1954. 2-том.127-144 бетлар.
2. Mirza Bala. "Кәгәм". Ёslam ansiklopedisi. 6 cilt: 741-746 s.
3. Halil Ənalçik. "Кәгәм hanligi". Ёslam ansiklopedisi: 6 cilt: 746-756 s.
4. W. Bartold. "Bahzasaray". Ёslam ans. 2 cilt: 225-227.
5. Halil Ənalçək. "Girey". Ёslam ans. 4 cilt: 783-789.
- 6 Ali Ural. "Әki zeyome ve aюk" 'Tыrk dыnyasэ юiir gыldestesi'. Tыrkiye Yazarlar Birlipi yayэнlarэ /25. Gыldeste dizisi/ 5. Ankara 2006. 245-246 s.

Нозим Ҳикмат билан Вера Тулякова

1. Nazem Hikmet. "Вътъn eserleri" 8 cilt. "Narodna prosveta". Sofya 1967. Cilt iki. Юiirler 1951-1963. (Вера Туляковага бағишланган барча шеърлари шу жилда.)

2. А.А. Бабаев. “Назым Хикмет. Жизнь и творчество.” Издательство “Наука”. Главная редакция восточной литературы. Москва, 1975.

3. Нозим Ҳикмат. “Сочлари сомон сариғи, киприклари мовий”. Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига Миразиз Аъзам ўғирган. Миразиз Аъзам. “Сабот”. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1983. 96–111 саҳифалар.

4. Радий Фиш. “Назым Хикмет. Очерк жизни и творчества”. М., “Советский писатель”, 1960.

5. Радий Фиш. “Назым Хикмет”. Серия “Жизнь замечательных людей”. Изд-во “Молодая гвардия” Москва, 1968.

6. Вера Тулякова-Хикмет. “Последний разговор с Назымом”. Журнал Октябрь, 2007, №8, (Муаллиф қўлөзмасининг чорағи чиқарилди.)

7. Vera Tulyakova-Hikmet. “Bahtiyar ol, Nazim”. Эстанбул, 2008. 458 s. (Бу — Туркиядаги учинчи нашр.)

8. Вера Тулякова-Хикмет. “Последний разговор с Назымом”, изд.-во “Время”. Москва, 2009. 398 стр.

(Вера Тулякова — Ҳикматнинг хотиралари Россияда ўз вақтида чиқарилмади. Фақат унинг вафотидан кейин ва Туркияда уч марта нашр этилгандан сўнг нашр этилди. Вера Тулякова-Ҳикмат 19 март 2001 йилда вафот этди ва Новодевичье қабристонига Нозим Ҳикмат қабри ёнига қўйилди.)

Шаҳриёр ила Сурайё

1. Yûsuf Gedekli. “Юеһрийар ве бътън тьркзе юиirleri”. Эстанбул, 1997. 3 пейоғи, 492 s.

2. Шаҳриёр. “Ҳайдарбобого салом” Достон. 1-ҳисса. Озарбайжон туркчасидан ўзбек туркчасига Миразиз Аъзам таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2001, №5.

3. Шаҳриёр. “Ҳайдарбобого салом” 1-2 ҳиссалар. М.Аъзам тарж. “Минҳож” хайрия нашриёти. Тошкент, 2003.

Одил Ёқуб билан Марям

1. Одил Ёқубов. “Икки муҳаббат”. Ҳикоялар. Ўздавнашр, Т., 1956

2. Одил Ёқубов. “Муқаддас”. Қисса. Ўздавнашр. Т., 1963.

3. Одил Ёқубов. “Эр бошига иш тушса”. Роман. Ўздавнашр. Тошкент, 1965.

4. Фаффор Хотамов. “Одил Ёқубов ҳақида ҳикоялар”. “Даракчи” газетаси, 2006 октябрь, “Туркистон” газетаси, 2007 октябрь, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2007 октябрь, “Ўзбекистон матбуоти” журнаלי, 2010 № 3. Интернетнинг “Янги дунё” журнаלי, 2011, март–август.

Ўрхон Памуқ билан Қорагул

1. Ойша Учқў. “Ўрхон Памуқ портретига чизгилар”. “Skylife” журнаלי, 1991 октябрь.

2. Ўрхон Памуқ. “Истанбул. Хотиралар ва шаҳар”. Туркчадан Мир-азиз Аъзам таржимаси. “Жаҳон адабиёти” журнаלי. 2008 № 10, 11, 12. 2009 № 1. Бу китобнинг 35-боби,. “Илк ишқ” асосида ёзилди.

Ғарбий Оврупо

Данте билан Беатриче

1. Данте Алигъери. “Новая жизнь”. Издательство “Художественная литература”. Москва, 1985. Вступительная статья Н. Елиной, стр. 5-20.

2. Данте Алигъери. “Божественная комедия”. Изд-во “Худ. лит.” М., 1983.

Петрарка билан Лаура

1. Н.Г. Елина. “Петрарка, Франческо.” Кр. лит. энц.”. 5- том, стр. 718-719.

2. Франческо Петрарка. “Книга песен” .М., 1963. предисловие Б.Пуришева.

Шекспир билан Энн Хетеуей

1. Шекспир. “Полное собрание сочинений в восьми томах”. Гос. издательство “Искусство”, Москва, 1957-1960. Предисл. “Уильям Шекспир” В. Смирнова..

2. С. Шенбаум. “Шекспир Краткая документальная биография”. Издательство “Прогресс”. Москва, 1985.

Наполеон билан Жозефина

1. Академик Е. Тарле. “Наполеон”. ОГИЗ. Госполитиздат. Москва, 1941.

2. Любовь в письмах выдающихся людей. Составлено Анастасией Чеботаревской. Москва-1913. Репринтное воспроизведение Издательством политической литературы. М., 1990. Стр.107-109, 121–123.

Паганинининг биринчи муҳаббати

1. Ямпольский И. “Никколо Паганини. Жизнь и творчество. Издательство “Правда” М., 1961.

2. Мирия Тибальди-Къеза. “Паганини”, изд. “Правда”, М.,1986.

Жорж Санд билан Шопен

1.Кондорская В.И. “Санд, Жорж” В “Кр.лит.энцикл.” М., 1971. 6 том, стр.421

2. Андре Моруа. “Жорж Санд”. Серия ЖЗЛ. Изд-во “Молодая гвардия” М., 1968.

Байрон билан Мэри Чаворт

1. Кургинян М.С. “Байрон, Джордж Ноэл Гордон.” В “Кр.лит.энцикл.” 1 том. М., 1962, сир. 402–410.

2. Усманова Р. “Джордж Гордон Байрон” В “Собр. соч. в 4 тт” 1 том. Изд-во “Правда”, М., 1981. стр. 3–48.

Кернер билан Фредерика Эманн

1. Генин Д.Е. “Кернер, Юстинус”. В “Кр.лит.энц.” 3 том. М., 1966. Стр. 498.

2 “Любовь в письмах выдающихся людей”. (Юқоридаги китоб) стр. 161–164.

Виктор Гюго билан Адел Фушонинг никоҳи

1. Андре Моруа. “Олимпио, или жизнь Виктора Гюго”, 1954.

Мицкевич билан Мариля Верешчак

1. Гундоров А.С. “Мицкевич сегодня”. В “Собрании сочинений в 5 т. ”ОГИЗ. Гос. изд-во худ. лит-ры. М., 1948-1954. 1 том. Стр.5–8.
2. Марк Живов. Адам Мицкевич. Вехи жизни и творчества (Юқоридаги нашр). Стр. 9–64.

Лист билан Каролина Сен-Крик

1. Гаал Д.Ш. “Лист”. Серия ЖЗЛ. Изд-во “Молодая гвардия”. М., 1977.
2. Крауклис Г.В. Предисловие книге “Лист” Гаала. Стр. 5–28.

Ромен Роллан билан Клотильда Бреал

1. Мотылева Т.Л. “Роллан, Ромен.” В “Кр.лит.энц.” 6 том. Стр. 343–348.
2. Анисимов И. “Ромен Роллан” (предисловие) в “Собр.соч. в 14 т.” 1 т. М.,1954
3. Мотылева Т. “Ромен Роллан” Серия ЖЗЛ. Изд-во “Молодая гвардия”. Москва, 1969.

Агата Кристи билан Арчибальд

1. Гиленсон Б.А. “Кристи, Агата”. В Кр. лит. энцикл. 3 том. Стр.826. М.,1966
2. Интернет маълумотлари.

Маргарет Робертс билан Дэннис Тетчер

1. Антония Лойд-Джоунз. “Маргарет Тэтчер: личность за образом”. Журнал “Англия” № 113, стр. 52–59.
2. Интернет маълумотлари.

Диана билан Доди

1. Интернет маълумотлари.

Шарқий Оврупо

Пётр Биринчи билан Фрейлина Гамильтон

1. Игорь Бунич. “Фрейлина Гамильтон” В его книге “500-летняя война а России”. “А.С.К”. Издательство “Облик”. Санкт-Петербург, 1997 стр. 352—380.

Жуковский билан Мария Протасова

1. В.А.Жуковский.. Собрание сочинений в 4 х томах. Гос.изд-во худ. лит. Москва-Ленинград. 1959—1960.
2. И.М. Семенко. “В.А.Жуковский”. В “Собр. соч. в 4-х т.” (Юқоридаги китобнинг 1-жилдида).
3. Виктор Афанасьев. “Жуковский”. Серия ЖЗЛ. Изд. “Молодая гвардия” М., 1986.

Александр Грибоедов билан Нина Чавчавадзе

1. А.С.Грибоедов “Сочинения”. Изд-во “ Худ. лит-ра”. М., 1988.
2. С.Фомичев. Литературная судьба Грибоедова. В кн. “А.С.Грибоедов, Сочинения”. Стр. 3-30.

Александр Пушкин билан Наталья Гончарова

1. А.С. Пушкин. “Полное собрание сочинений в десяти томах”. Изд-во Академии наук СССР, М., 1957—1958.
2. А.С. Пушкин. Письма последних лет. 1834—1837. Л., 1969.
3. А.С.Пушкин в воспоминаниях современников. Т. 1-2. Москва 1974.
4. Мейлах Б.С. Пушкин, Александр Сергеевич. В Кр.лит.энцикл., 6 том. Стр. 91—106, М., 1971.
5. В.Вересаев. “Пушкин в жизни”. Изд-во “Правда”, библиотека “Огонёк”, Москва, 1990. 1 том. 5—559 страниц. 2 том, 5—316 страниц.

Янка Купала билан Мирослава хоним

1. В.В.Ивашин. “Купала, Янка” В “Кр.лит.энцик.” 3 том, стр.903.
2. Янка Купала. “Изб. произведения в 2 х томах”. М., 1953.
3. Петрусь Бровка. Евгений Мозольков. “Певцы земли белорусской”. В кн. “Янка Купала. Стихотворения и поэмы. Павлінка”. Библиотека всемирной литературы. Изд-во “Художественная литература” М., 1969. Стр. 5–19.
4. Олег Лойко. “Янка Купала”. Серия ЖЗЛ. Изд-во “Мол. гв.” М., 1982.

Марина Влади билан Владимир Высоцкий

1. Марина Влади. “Владимир или прерванный полёт”. Изд-во “Советский писатель”. М., 1990.
2. Владимир Высоцкий. “Собрание сочинений в четырёх томах”. Издательство “Время”. М., 2008.

Халқ артисти Перфилов билан оддий қишлоқ қизи Вера

1. “Новая газета” 2001, 15 февраль “Лев Парфилов”.

Ника Турбинанинг тақдири

1. Ника Турбина. “Черновик” Стихотворения. Предисловие Евг. Евтушенко. “Самиздат”, 1983.
2. Ника Турбина. “Ступеньки вниз. Ступенки вверх”. Изд-во “Дом”, 1990.

Америка

Габриэла Мистраль (буюқ шоирнинг тупроққа олиб кетган муҳаббати)

1. Л.С.Осват. “Мистраль, Габриэла”. В “Кр.лит. энц.” Том 4. М., 1967. Стр.868–869.

Эдгар По билан Виргиния

1. А.И.Лозовский. "По, Эдгар Аллан". В "Кр. лит. энц" Том 5. М., 1958. стр.812—813.

2.Эдгар Аллан По. "Собрание сочинений в четырёх томах". Изд-во «Пресса». М., 1993.

3. Константин Бальмонт. Избранное. Изд-во "Правда". М., 1991. "Гений открытия (Эдгар По. 1809—1849)." 541—551.

4. К. Бальмонт. "Гений открытия". В кн. "Эдгар Аллан По. Собр. соч. в четырёх томах" Стр. 7—76.

Виргиния штатидан чиққан Ромео билан Жульетта

1. "Народ, да!" Из американского фольклора. Издательство "Правда". М., 1983. Стр. 307—310.

Пабло Неруда билан Белла Ахмадулина

1.Пабло Неруда. "Собрание сочинений в четырёх томах". Изд-во "Художественная литература". М., 1979. Том второй. Комментарий к разделу "Элегия.". Стр. 508—709.

2. Белла Ахмадулина."Избранное". Изд-во "Советский писатель". М.,1988.

МУНДАРИЖА

Сузбоши	3
---------------	---

Шарқда муҳаббат тарихлари

Юсуф ила Зулайхо	5
Хусрав, Ширин, Фарҳод	12
Лайли билан Мажнун	23
Абу Нувос билан Жинон	33
Ҳотам билан Мовия	40
Абу-л-Атаҳия билан Ўтба	46
Шайх Санъон билан Тумор (Тамара)	53
Амир Темур билан Бибихоним	63
Халил Султон билан Шодия	78
Хуррам ила Аржуманд (Шоҳ Жаҳон билан Мумтоз Маҳал)	85
Гаройхон билан Мария	91
Нозим Ҳикмат билан Вера Тулякова	98
Шаҳриёр билан Сурайё	111
Одил Ёқубов билан Марям	118
Ўрхон билан Қорагул	128

Ғарбий Оврупо

Данте билан Батриче	137
Петрарка билан Лаура	144
✓Шекспир билан Энн Хетеуей	149
Наполеон билан Жозефина	157
Паганинининг биринчи муҳаббати	165
Жорж Санд билан Шопен	173
Байрон билан Мэри Чаворт	177
Кернер билан Фредерика Эманн	185
Виктор Гюго билан Адел Фушенинг никоҳи	189
Мицкевич билан Мариля Верешчак	196
Лист билан Каролина Сен-Крик	202

Ромен Роллан билан Клотилда Бреал	213
Агата Кристи билан Арчибалд	221
Маргарет Робертс билан Дэннис Тэтчер (Манфаатли никоҳ)	227
Диана билан Доли (Диний мутаассиблик қурбонлари)	233

Шарқий Оврупо

Пётр Биринчи билан Фрейлина Гамилтон	239
Жуковский билан Мария Протасова	248
Александр Грибоедов билан Нина Чавчавадзе	259
Пушкин билан Наталья Гончарова	268
Достоевский билан Мария Исаева. (Оилавий осий ҳаёт қиссаси)	294
Аполлон Григорьев билан Антонина Корш	302
Чехов билан Лика Мизинова	311
Фёдор Сологуб билан Анастасия Чеботаревская	322
Владимир Маяковский билан Лиля Брик	328
Анна Ахматова билан Николай Гумилёв	340
Айседора Дункан билан Сергей Есенин	352
Янка Купала билан Мирослава Хоним	364
Владимир Высоцкий билан Марина Влади	372
Халқ артисти Лев Парфилов билан оддийгина қишлоқ қизи Веранинг оила қуришлари (Тақдир тухфаси)	381
Ника Турбинанинг қисмати (Шухрат юки енгил эмас)	387

Америкада

Габриэла Мистраль (Буюк шоиранинг тупроққа олиб кетган муҳаббати)	391
Эдгар По ила Виргиния	399
Виргиния штатидан чиққан Ромео билан Жульетта	407
Пабло Неруда билан Белла Ахмадулина (Атлантика узра самовий дуэт)	411
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	416

Адабий-бадиий нашр

Миразиз Аъзам

БУЮКЛАР МУҲАББАТИ

Эсселар

Муҳаррир *Шойим Бўтаев*

Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*

Мукова безакчиси *Орзу Аъзамова*

Иллюстрациялар *Гулзор Султонованики*

Тавил Хазиахметов, Турсунали Қозоқов ва Лосик

расмларидан фойдаланилди

Фотосуратларни *Орзу Аъзамова* тўплаган

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 12.01.2012 й. да рухсат этилди.

Бичими 60x84¹/₁₆. Таймс гарнитураси. Офсет босма.

25,11 шартли босма тобоқ. 24,10 нашр тобоғи. Адади 3000 нусха.

2—2012 рақамли шартнома. 86 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Шайхонтохур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz

E-mail: iptdgulom@sarkor.uz